

*Дилмурод Куронов*

# ЧҮЛПОН НАСРИ ПОЭТИКАСИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2004

Андижон давлат университети илмий-техник кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган.

М а съ у л м у х а р р и р л а р:  
*профессор О.ШАРАФИДДИНОВ*  
*профессор У.НОРМАТОВ*

Тақризчилар:  
*Академик Б.НАЗАРОВ*  
*профессор С.МИРВАЛИЕВ*  
*профессор Х.БОЛТАБОЕВ*

Қ-83

Куронов Дилмурод

Чўлпон насри поетикаси/Масъул мух. О.Шарафиддинов, У.Норматов. – Т.:  
«Шарқ», 2004. –288 б.

ББК 83.(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2004.

## М У К А Д Д И М А

Абдулхамид Чўлпон ўзбек реалистик прозасининг шаклланиш даврида самарали ижод қилиб, унинг тараққиётига сезиларли улуш қўшган санъаткордир. Адибнинг қутлуғ номи оқланиб, ижодий мероси чин эгаларига қайтарила бошланган дастлабки ўн йиллар мобайнида кўпроқ унинг гоявий жиҳатларига ургу бериб келинди. Албатта, жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз бераётган, миллий ўз-ўзини англаш жараёнлари эндинга кенг омма ичига кириб бораётган пайтларда бу хил ёндошув асосли ва зарур эди. Бироқ, маълумки, адабий асарни бадииятга дохил этувчи нарса унда ифодаланганд ғоя(мазмун)гина эмас, бу ўринда ўша гоянинг мувофиқ ва гўзал шаклда ифодаланиши етакчи аҳамият қасб этади. Шу боис Чўлпон асарларининг бадиий қийматини, адибнинг миллий бадиий тафаккуримиз тадрижида тутган ўрнини белгилаш учун уларнинг поэтикасини тадқиқ этиш муҳимдир. Зоро, асримиз бошида шаклланган жадид адабиётини мазмунан актуал этган шароит ўткинчидир, эртанги ўқувчи уни гоявий жиҳатдан эмас, кўпроқ бадиият нуқтаи назаридан баҳолайди, қадрлайди. Шубҳасизки, жадид ижодкорлар яратган асарлар, бадиий савиясидан қатъий назар, ўз даври ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир ўтказган, боз устига, уларнинг актуал қатлами истиқлол арафаларидан бошлаб халқимизга яна бир карра хизмат қилди. Бироқ жадид адабиёти аталмиш феномен миллий адабиётимиз тараққиётига қўшган улуш, аввало, унинг бадиият бобидаги изланишлари, миллий бадиий тафаккуримизга тадбиқ этган янгиликлари билан белгиланади. Шу маънода жадид адабиётининг эстетик принциплари, унга хос поэтик усул ва воситаларни ўрганиш орқалигина янги ўзбек адабиётини юзага келтирган омилларни, миллий адабиётимизнинг XX асрдаги тараққиёт йўлини ёрқинроқ тасаввур этиш, адабий жараёндаги мураккабликларни тушуниш, ниҳоят, уни объектив илмий ўрганиш ва баҳолаш имконига эга бўламиз. Шунга кўра, асримиз бошидаги адабий жараён хусусиятларини атрофлича чукур ўрганиш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардандир.

Маълумки, ҳар бир давр адабиётининг етакчи хусусиятлари ўша давр этиштирган йирик адабий фигуralар ижодида ўзининг мужассам ифодасини топади. Асримизнинг биринчи чорагидаги ўзбек адабиётини том маънодаги изланиш адабиёти дейиш мумкинки, худди шу хусусият Чўлпоннинг бутун ижодий фаолиятига ҳам хосдир. Табиатан изланувчан адаб ўзбек реалистик прозасининг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтириш йўлида самарали излангани, хорижий адабиётларга хос поэтик воситаларни миллий адабиётимизга дадил тадбиқ қилгани маълум. Айни чоқда, Чўлпон шеърий ва насрий ижодида мумтоз адабиётимизга хос тасвир ҳамда ифода воситаларига янгича жило беришга интилди. Демак, адаб насрий асарлари поэтикасининг шу жиҳатдан тадқиқ қилиниши миллий насрчилигимизнинг тараққиёт йўллари ва омиллари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир давр адабиётининг поэтик хусусиятлари кўп жиҳатдан ўша даврнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари билан белгиланиши ҳам аёндир. Чўлпон насри

поэтикаси(хусусий)нинг давр ижтимоий-маданий контекстида ўрганилиши давр адабиётига хос поэтик хусусиятлар(умумий)ни теранроқ англаш имконини беради. Бошқа томондан, Чўлпоннинг ижодий фаолияти, маълумки, ижод эркинлиги бўйилган даврларга тўғри келади. Бу эса адиб олдига қатор ижодий муаммоларни ҳал қилиш, ғоявий-бадиий ният ижроси учун ўзгачароқ йўлларни излаш заруратини қўйди. Чўлпоннинг мазкур муаммоларни қай йўсин ҳал қилганини тадқиқ этиш орқали "бадиий асар ва реаллик", "ифодаламиш ва ифодаланмиш муносабатлари", "ижодкор шахс ва жамият" каби қатор умумназарий муаммоларнинг айрим кирраларини ойдинлаштириш имконияти вужудга келади. Боз устига, бу ўринда бадиий асарни ўқиш ва уқиши, уни талқин қилиш масалаларини ёритиш зарурати юзага чиқадики, бунинг амалга оширилиши бадиий асарга ёндашиш ва баҳолаш тамойилларини ўзгартириш, бадиий дидни қайта шакллантириш тақозо этилаётган бугунги кунда бафоят муҳимдир.

Чўлпон шеърияти 20-йилларда ёқ адабий танқидчилик диққат марказига тушиб, кескин адабий-мағкуравий баҳс мунозараларга сабаб бўлган<sup>1</sup> бўлса-да, унинг насрый ижоди эътибордан четда қолиб келди. Агар "Кеча ва кундуз" ҳақидаги кичкинагина информация ва "фош этиш" руҳидаги тақризни<sup>2</sup> айтмасак, адибнинг насрый меросини ўрганиш, асосан, 1987 йилдан кейин бошланди. Ҳозирги ўқувчи Чўлпоннинг насрый ижоди ҳақидаги илк маълумотларни адиб номини оқлаш жараённида эълон қилинган материаллардан олиш имконига эга бўлди<sup>3</sup>. "Кеча ва кундуз" романи қайта эълон қилинганидан кейингина адибнинг насрый асарлари таҳлилига бағишлиланган бир қатор мақолалар<sup>4</sup> эълон қилинди. Айтиш керакки, Чўлпон романининг ғоявий-бадиий хусусиятларини умумий тарзда таҳлил қилишга қаратилган мазкур мақолаларда мавзумизга бевосита алоқадор ўринлар мавжуд. Хусусан, О.Шарафиддинов ва Р.Отаев мақолаларида «Кечава кундуз» романнинг сюжет-композицион курилиши, ундаги образлар тизими, адибнинг характер яратиш маҳоратига оид мулоҳазалар билдирилганки, улар фикрга туртки бериш жиҳатидан қимматлидир. Шунингдек, О.Шарафиддинов ва Н.Каримовнинг илмий-оммабоп рисолаларида<sup>5</sup> таҳлилга тортилган насрый асарлар орқали ўқувчини Чўлпоннинг бадиият сирларига ошно қилишга интилиш борлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Кейинги йилларда Чўлпон насрини илмий асосда ўрганиш, унинг бадиий жиҳатларини тадқиқ этишга интилишнинг кучайиши қузатилади. Хусусан,

<sup>1</sup> Каранг: О.Шарафиддинов. Чўлпонни англаш.-Т.,1994; Б.Дўстқораев. Бир мунозара тарихидан//Шарқ юлдузи.- 1989.- N 6

<sup>2</sup> Шарифий Ж., Шарафутдинов О., Султонов Ю. "Кечава кундуз" ҳақида// Қизил Ўзбекистон.- 1937.- 6 авг.

<sup>3</sup> О.Шарафиддинов. Ижод йўли// Ёшлик.-1987.-N1O;яна: Чўлпоннинг ижодий йўли тўғрисида//Шарқ юлдузи.-1988.-N2; С.Аҳмедов. Машакқатли давр фарзанди//Совет Ўзбекистони санъати.-1988.-N 6; Э.Каримов.Олисдаги ёрқин юлдуз//Фан ва турмуш.-1988.-N 3 ва бошқалар.

<sup>4</sup>Б.Аҳмедов.Тонг коронгусида//Ўзб.адабиёти ва санъати.-1988.-25 ноябрь; Р.Отаев. Тонг юлдузи шуълалари//Шарқ юлдузи.-1989.-N1.-Б.176-182; О.Шарафиддинов. "Кечава кундуз"//Ўзб. адабиёти ва санъати.- 1990.- 16 фев.

<sup>5</sup> О.Шарафиддинов. Чўлпон.-Т.,1991; Н.Каримов.Чўлпон.-Т.,1991

М.Кўшжонов Чўлпон романидаги образлар системасини қатор ўзбек романлари фонида кўздан кечириб, унинг композицион қурилишидаги ўзига хос нуқталарга дикқатни тортди.<sup>1</sup> С.Мамажонов эса "Кеча ва қундуз"да ҳикоя қилишдан кўра кўрсатиш, "саҳнавийлик" хусусияти устунлигини таъкидлаб кўрсатди.<sup>2</sup> Айтиш керакки, мазкур икки нуқта бизнинг "Кеча ва қундуз" ҳақидаги қарашларимизда ҳам муҳим ўрин тутади. Н.Владимированинг катор мақолаларида<sup>3</sup> Чўлпон ҳикояларининг бадиий жозибасини таъминлаган поэтик омиллар ўрганилди. Уларда адебининг ифода йўсунинг хос рамзийлик ва уни юзага келтирган омиллар, тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати ўслубий ўзига хослиги, миллий характер яратиш бобидаги изланишлари атрофлича таҳлил қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, Н.Владимирова Чўлпон ҳикоялари қат-қатига сингдирилган миллийлик уларга умуминсоний жаранг бахш этганини таъкидларкан, уларни (хусусан, "Клеопатра"ни) жаҳон адабиёти контекстида олиб қаради. Адабиёт институти томонидан яратилган "Адабий турларлар ва жанрлар" номли фундаментал тадқиқотнинг эпос назариясига бағишлиланган биринчи жилдига<sup>4</sup> Чўлпон асарларининг ҳам жалб этилиши муҳим аҳамиятга молик бўлди. Зоро, унда Чўлпон асарлари эпик тур ва жанрлар назариясининг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун ёрдамчи материалгина бўлиб қолмади, аввало, уларнинг ўзи назарий аспектда ёритилди. Энг муҳими, мазкур тадқиқотда насримиз тараққиётiga оид илгариги тадқиқотларда очик қолдирилган сахифалар тўлатилди, Чўлпоннинг насримиз ривожида тутган ўрни илк бора бўртиброқ кўзга ташланди. Айни пайтда, Чўлпон насли поэтикасининг айrim кирраларини, хусусан, характер яратиш ва характерлар психологизми масалаларини ўрганишга қаратилган маҳсус тадқиқотлар ҳам ёзилди.<sup>5</sup> Шу билан бирга, насримизнинг турли назарий муаммоларига бағишлиланган қатор тадқиқотларда<sup>6</sup> Чўлпон асарлари ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, А.Рахимовнинг докторлик ишида Чўлпон романидаги сюжет ва конфликт хусусиятлари, ривоя тарзи, айrim поэтик усуулар ҳақида қимматли фикрлар баён қилинади.

Кўринадики, Чўлпон поэтикаси масалалари ҳозирча, бир томондан, муаммонинг айrim кирраларинигина ўрганиш мақсад қилинган мақолаларда, иккинчи томондан, насримизнинг назарий муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда фрагментар тарзда ёритилган. Шуни ҳисобга олиб, Чўлпон наслий меросининг бадиий жиҳатларини хусусий поэтика аспектида яхлит олиб тадқиқ этиш

<sup>1</sup> М.Кўшжонов. "Кеча ва қундуз" романида образлар тизмаси//Ўзбек тили ва адабиёти.-1992.- N3-4

<sup>2</sup> С.Мамажонов. Чўлпоннинг наслий ижоди// Ўзбек тили ва адабиёти.-1991.- N 6

<sup>3</sup> Н.Владимирова. Миллий турмушнинг гўзал лавшалари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1992.- 31янв.;яна: Клеопатра Чўлпон талқинида//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- N2.; Чўлпон - щикоянавис//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- N 3-4

<sup>4</sup> Адабий турлар ва жанрлар (Тарихи ва назариясига оид): З жилдлик.1-жилд.- Т.,1991

<sup>5</sup> Д.Куронов. "Кеча ва қундуз" романида характерлар психологизми: Ф.ф.н....дисс.-Т.,1992; Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: Ф.ф.н ... дисс.-Т.,1994;

<sup>6</sup> И.Мирзаев. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Ф.ф.д....дисс.- Т.1991; А.Рахимов. Ўзбек романи поэтикаси(Сюжет ва конфликт): Ф.ф.д ... дисс.-Т.,1993

ва шу асосда адабнинг ўзбек реалистик прозаси тараққиётида, миллий бадиий тафаккур тадрижида тутган ўрнини белгилаш мақсади билан мазкур мавзуга қўл урдик.

Фурсатдан фойдаланиб, илмий тадқиқотларимизга рахнамолик килган муҳтарам устозларим О.Шарафиддинов ва У.Норматовга, шунингдек, изланишларимизга хайриҳоҳ муносабатда бўлган ва ушбу ишнинг юзага келишида ўзларининг беғараз ёрдамлари, қимматли маслаҳатларини аямаган устозлар С.Мирвалиев, Н.Каримов, Б.Назаров, Н.Худойберганов, А.Расулов, С.Содиков, Ҳ.Болтабоев, Р.Иноғомовларга чукур миннатдорчилик билдираман.

## **ЧЎЛПОН КИЧИК НАСРИЙ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

### **Чўлпоннинг насрий ижодида ҳаётни бадиий акс эттириш тамойилларининг тадрижи**

Бадиий адабиёт тараққиётининг ички омиллари мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятини заррача инкор этмаган ҳолда, биз ҳар бир давр адабиётининг ғоявий-мазмуний ҳамда поэтик хусусиятлари, аввало, ўша даврнинг ижтимоий тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади, деб ҳисоблаймиз. Шу боис ҳам Чўлпон поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларимизни у адабиётга кириб келган давр шарт-шароитларига, хусусан, адабнинг ижодига беқиёс катта таъсир кўрсатган жадидчилик ҳаракатига қисқача тўхталишдан бошлаш зарурдир.

XX аср бошидаги Туркистон ижтимоий-тарихий шароитининг ўзига хослиги, маълумки, икки асосий омил: I) капиталистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлагани ҳамда 2) Туркистоннинг мустамлака ўлкаси бўлганлиги билан белгилангандир. Яъни, юртимизда янгича ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлиши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг табиий ҳосиласи эмас, кўпроқ ташки омиллар таъсири билан боғлиқ эди. Ижтимоий тараққиёт бобида европа мамлакатларидан анча ортда қолган Россия таъсирида ҳали анчагина мустаҳкам феодал асосларга капиталистик муносабатлар пайвандлана бошланди. Албатта, бу нарса ижтимоий-тараққиёт суръатини тезлатди, бироқ юртимизда эскилик ва янгиликнинг ажиб қурамаси вужудга келди, ҳар иккисининг орасидаги фарқ яққол кўзга ташланиб қолди. Бу эса, табиийки, эскиликни тугатиш, жамият ҳаётини ислоҳ этишу миллатни тараққий эттириш заруратини кун тартибига қўйди. Айни шу заруратни теран идрок қилган фидойи зиёлиларимизни ягона МАҚСАД атрофида бирлаштирган маърифий-ислоҳий ҳаракат миллий тарихимизга жадидчилик номи билан кирди. Маълумки, жадидчилик ҳаракатини атрофлича ва илмий холис ўрганила бошланганига ҳали кўп бўлганича йўқ, у ҳақдаги йирик фундаментал тадқиқотларнинг

пайдо бўлиши яқин келажакда кутилади. Табиийки, биз бу ўринда жадидчилик ҳаракатининг мавзумизни ёритиш учун зарур ўринларигагина тўхталамиз.

Асримиз бошидаги Туркистон ижтимоий-тариҳий шароитининг миллий адабиётимиз тараққиётига таъсирини ёрқинроқ тасаввур қилиш учун, фикримизча, уни Европа адабиёти тарихи билан муқояса қилиш фойдалидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, жадидчилик ҳаракати ўзининг кўп жиҳатлари билан ХҮШ асрда Европада кенг қулоч ёйган маърифатчилик ҳаракатига ўхшашибди. Ҳар икки ҳаракатга хос муштарак нуқталарга бир қур назар солинсаёқ, бизнингча, бу фикримизда жон борлиги англашилади. Аввало шуки, ҳар икки ҳаракат ҳам феодал асослар емирилиб, уларнинг ўрнида капиталистик муносабатлар қарор топа бошлаган пайтда майдонга келган. Яъни, ҳар икки ҳаракатнинг юзага келишини заруратга айлантирган ижтимоий тариҳий шароитнинг ўхшашлиги улардаги ўхшашликни келтириб чиқарган. Феодал ижтимоий муносабатлардан фарқ қиласроқ, капиталистик муносабатлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун тенг бошланғич (старт) имкониятлар очиши билан характерланади. Янги шароитда инсоннинг тақдири ва жамиятдаги ўрнини илгаригидек ижтимоий келиб чиқиши эмас, ақлу заковати, тадбиркорлигию омилкорлиги белгилайди. Кўринадики, янгича ижтимоий муносабатлар шахснинг ижтимоий мақомини ўзгартирди, у энди ўзини ижтимоий шахс сифатида — жамиятнинг ва ўзининг ҳаётига фаол таъсир кўрсата оладиган унсур сифатида англай бошлайди. Шахс мақомининг ўзгариши билан феодал-монархик тартибларнинг эскиргани, жамият ҳаётини ислоҳ этиш зарурати тобора равшан кўзга ташлана боради. Европанинг қатор мамлакатларида айни шу хил шароит юзага келганида майдонга чиққан ҳаракат маърифатчилик ҳаракатидир. Маърифатчилик ҳаракатининг ижтимоий-тариҳий шароит билан узвий боғлиқлигини шундан ҳам кўрса бўладики, унинг ғоялари европа мамлакатларининг ҳаммасига бир пайтда эмас, конкрет мамлакатда бунинг учун мос ижтимоий шароит юзага келгандагина ёйилган: аввал Англияда, кейинроқ Францияда, сўнг Германияда(маълумки, жадидчилик ғояларининг крим, Татаристон, Озарбайжон, Туркистон худудларига ёйилишида ҳам шунга ўхаш холни кузатиш мумкин: уларнинг ҳар бирида ғоянинг ўзлашиши ва оммалашув даражаси турлича бўлган). Жадидчиликка ўхшаб, Европа маърифатчилигининг ҳам ягона ҳаракат дастури бўлган эмас, ҳар икки ҳаракат ичидаги ҳам қарашлар турличалиги (биroz консервативроқ қарашлардан то радикал қарашларгача) мавжуд эди. Маърифатчилар эскирган ижтимоий асосларни тамомила инкор килиб, янги — инсон табиатига мос, "ақл"га мувофиқ жамият қуриш ғояси билан чиққанлар. Жадидчиларга ўхшаб, улар ҳам ижтимоий ислоҳни амалга оширишда маърифат ёйишни асосий воситалардан бири деб билганлар. Ўз ғояларининг имкон қадар кенг доирада ёйилишини истаган маърифатчилар нашриёт-матбаа ишларига катта аҳамият берганлар, кичик ҳажмли ва арzon рисолалар чоп этиб тарқатганлар. Маълумингизки, жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари(Бехбудий, Мунаввар қори, Ибрат ва бошқ.) ҳам ноширлик билан шуғулланганлар. Боз устига, жадидчиларнинг

юқоридагича мақсад йўлидаги сайди-харакатлари ўзбек миллий матбуотининг шаклланишига олиб келгани ҳам маълум.

Мутахассислар европа маърифатчилигини "фалсафий, ижтимоий, ахлоқий концепция", янгича дунёкарашга асос бўлган МАФКУРА деб хисоблайдилар. Янги мағкурунинг ўзагини "инсон ақлу заковатигина дунёни ўзгартириши мумкин", деган қараш ташкил этади. Дарҳақиқат, маърифатчилик ғоялари ижтимоий онгнинг кейинги тараққийсига жиддий таъсир кўрсатди: XYIII асрдан бошлаб моддиюнчилик қарашлари тобора кўпроқ кишиларнинг онгини забт эта боради. Муайян ижтимоий шароит маҳсули сифатида дунёга келган бу мафкура жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, адабиёт ва санъатда туб бурилишлар ясади. Европада маърифатчилик ғоялари таъсирида янгича эстетик принципларга таянган адабиёт шаклландик, унинг асосида "дунёни ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий адабиёт керак", деган ақида ётади. Яъни, бошқача айтсак, маърифатчиларнинг ижтимоий идеали — "инсон табиати ва "ақл"га мувофиқ жамият куриш" маърифатчилик адабиётининг эстетик идеалига айланди. Бу эса адабиётнинг-да шунга мувофиқ ҳолда ўзгаришини тақозо қилди. Мазкур ўзгаришлар орасида энг муҳими — идеалнинг "ерга тушгани" дирки, бунинг натижаси ўлароқ бадиият, гўзаллик тушунчаларига ҳам жиддий таҳрирлар киритилди.

Жадидчилар каби маърифатчилар ҳам адабиётда, аввало, ўқувчиларни тарбиялаш асосида ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш воситасини кўрганлар. Шу боис ҳам маърифатчилик адабиётидаги қатор жиҳатлар жадид адабиётидаги тамойилларни эсга солади. Бадиий адабиётга конкрет мақсадга эришиш воситаларидан бири сифатида қараганлари учун ҳам маърифатчиларнинг асарларида кўпинча қаҳрамонлар орасида очиқ ғоявий кураш кечади, қаҳрамонлар тилидан муайян ғоялар айтилади, кисқаси, ғоя асарнинг бирламчи унсурига, уни ифодалаш муаллифнинг бирламчи мақсадига айланади. Шу жиҳатдан, айрим адабиётшуносларнинг "маърифатчилик реализми" атамасидан кўра "дидактик реализм" атамасини маъқул кўришлари бежиз эмас, албатта. Зоро, маърифатчилик адабиёти, бир томондан, адабиётни ҳаётга яқинлаштириди, иккинчи томондан, уни тарбия воситаси деб билди. Маълумингизки, айни шу икки тамойил жадид адабиётининг ҳам моҳиятини белгиловчи хос хусусиятлар сифатида кўрсатилиши мумкин.

Маърифатчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар берувчи санъат турлари ва жанрларга айрича аҳамият берганлар. Хусусан, улар театрни ўз ғояларини тарғиб этиш минбари деб билганлар, шу боис ҳам драматик жанрлар ривожлантирилган, саҳнада ўйналаётган воқеалар ҳаётийлик касб этиб борган. Дидро, Лессинг каби йирик маърифатчилар театр санъатига, драматургияга бағишлиланган маҳсус тадқиқотлар яратишганки, бу ҳам юқоридаги фикримиз далилига хизмат қиласи. Шуни ҳам айтиш керакки, маърифатчилик адабиётида бадиий проза айниқса фаол ривожлантирилди: "эпистоляр роман", "саёҳатнома роман", "тарбия романи", "фалсафий қисса" каби қатор янги жанрлар ишлаб чиқилди; инсон характерини яратишнинг янги-янги имкониятлари кашф этилди, янги усулу воситалар

жорий қилинди.<sup>1</sup> Маърифатчилик адабиётида, айникса, ҳаётни атрофлича бадиий таҳлил этишу яхлит бадиий концепцияни ифодалаш имконини берувчи роман жанри гуркираб ривож топди. Шу ўринда жадидчиларнинг миллый театримизни шакллантириш йўлидаги жонбозликларини, жадид нашрларида бот-бот учраб турган "бизга тиётр ва рўмон китоблари керак" қабилидаги хитобларни эсласак, муштараклик яна ҳам бўртиб кўзга ташланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Европадаги маърифатчилик адабиёти билан жадид адабиётининг ўхшашлик жиҳатлари бадиий шакл бобидаги изланишларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, француз адиби Монтескьенинг "Форс хатлари", инглиз ёзувчиси Голдсмитнинг "Дунё фуқароси ёки хитойлик киши хатлари" номли асарларида Европа воқелиги чет эллик кишилар — бирида форс, иккинчисида хитойлик киши нигоҳи орқали берилади. Бу хил бадиий-композицион усулга мурожаат қилинишининг сабабларини қўя турайлик-да, Фитратнинг "Мунозара", "Хинд сайёхи" асарларида ҳам шу йўлдан борилганини эслайлик. Ёки "Мунозара"нинг диалог шаклида қурилганини олайлик. Қадимги юонон файласуфлари фойдаланган бу шакл XYIII асрда маърифатчилар томонидан тирилтирилган, Дидро, Лессинг, Гердерларнинг фалсафий-публицистик асарлари(ҳатто Дидронинг "Рамо жиян" романи)дан айримлари айни шу шаклда ёзилган эди. Ўйлашимизча, мазкур масала маҳсус ўрганилса, булардан бошқа ҳам муштарак ўринлар топилиши, эҳтимол.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадики, европа маърифатчилик адабиёти билан жадид адабиёти орасида қатор ўхшашликлар мавжуд. Бунинг сабаби эса, бизнингча, кўпроқ ҳар икки адабиётни юзага келтирган ижтимоий-тариҳий омиллар, ҳар икки ҳаракат кўзлаган мақсадлардаги ўхшашлик билан изоҳланиши мумкин. Албатта, ҳар икки адабиётда ҳам конкрет ижтимоий-тариҳий шароитнинг ўзига хослиги, адабий-маданий анъана билан боғлиқ специфик хусусиятлар ҳам йўқ эмас. Бироқ масаланинг бу жиҳатига тўхталиш бизнинг мақсадимизга кирмайди. Шу боис ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзигаёқ таянган ҳолда илк хуносаларни чиқаришга журъят қиласиз.

Бизнингча, Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ҳам худди Европа маърифатчилиги каби МАФКУРА эди. Конкрет ижтимоий-тариҳий шароитда — юрт мустамлака зулми остида эзилган, жаҳон тараққиётидан узилиб, қолоқлик домига тушиб қолган бир пайтда бу хилда яшаб бўлмаслигини теран идрок этган зиёлилар ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш, миллатни тараққий эттириш тараддудига тушган эдилар. Уларнинг ислоҳотчилик ғоялари миллый турмушнинг барча соҳаларига — маориф, маданият, дин, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларга — бирдек тааллуқли эди. Айтиш керакки, худди Европа маърифатчилиги каби жадидчилик ҳам ягона ҳаракат дастурига эга эмас эди. Яъни, жадидчилик ҳаракатига кўшилган кишиларнинг қарашларида муайян фарқлар бўлгани ҳолда, уларни умумий

<sup>1</sup> Бу ҳакда муфассал маълумот олиш учун қаранг: История всемирной литературы: В 9 т. Т.5.- М.,1988.- С.19-32

мақсад — миллатни маърифатли қилиш орқали юртни тараққий эттириш (ботиний мақсад сифатида миллӣ озодликни ҳам айтиш жоиз, чунки амалга оширилажак ишлар пировард натижада истиқололга олиб келиши лозим эди) ФОЯлари бирлаштираси эди. Жадидчилик ғояларини оммалаштиришда адабиётнинг роли бениҳоя катта эди, бироқ, айни пайтда, бу улкан тарихий миссияни улудалаш учун адабиётнинг ўзидан ҳам шунга мос ҳолда ўзгариш, янгиланиш талаб қилинарди. Айни шу ижтимоий-адабий заруратни теран англаған ижодкорларнинг изланишлари натижаси ўлароқ, миллӣ адабиётимиз сифат жиҳатидан янгиланди. Яъни, асримиз бошида майдонга келган жадидчилик ҳаракати миллӣ адабиётимиз тарихида сифат жиҳатидан **янги** — **жадид** адабиётини майдонга чиқарди. Бу адабиётнинг мазмун-моҳиятини белгилаган асосий эстетик тамойиллар сифатида тубандагиларни кўрсатиш мумкин: а) эстетик идеалнинг "ерга тушган"и, яъни, жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий идеали унинг эстетик идеалига айлангани; б) ижтимоий йўналтирилганлик, муайян ғояни сингдиришга сафарбар этилганлик; в) тематик жиҳатдан реал ҳаётга яқинлик; г) мазмун ва шаклнинг халқчиллашуви. Буларнинг бари миллӣ адабиётимизда реалистик тамойилларнинг интенсив равишида эгалланиб боришига асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур янгиликлар миллӣ адабиётимиз ўз тараққиётида жаҳон адабиёти томон юзланганидан, жаҳон адабиётининг илғори бораётган магистрал йўлга тушиб олганидан далолат эди.

Албатта, шу ўринда "жадид адабиёти" деган атама ўзини оқлайдими? Унинг муомалага киритилишида бироз сохталик, адабиётни ижтимоий ҳаётгагина боғлаб ўрганиш амалиётининг таъсири сезилмайдими?" деган андишалар пайдо бўлса, мумкин. Бизнингча "жадид адабиёти" деган атама ўша адабиётнинг пайдо бўлиш вақти ёки ғоявий жиҳатлари билангина боғлиқ эмас. Зоро, жадидчилик ғоялари ўз атрофида турли ижодкорларни бирлаштиргани ҳолда ижтимоий йўналтирилган, ўзининг бадиий арсеналида Шарқу Ғарб адабиётларига хос усулу воситаларни омиҳта этишга интилган янги адабиётни майдонга чиқарди. Бироқ, айтиш керакки, жадид адабиёти вакиллари ўз фаолиятларининг ғоявий тамойилларини теран англағанлари ҳолда, янги адабиётнинг ижодий тамойилларини мукаммал адабий-эстетик дастур тарзида шакллантириб улгурмадилар — ижтимоий ҳаётдаги кескин бурилишлар бунга имкон бермади. Шунга кўра, бизнингча, жадид адабиётини миллӣ адабиётимиз тарихидаги **ғоявий-адабий оқим**<sup>1</sup> сифатида тушунилгани маъқулроқ кўринади.

Жадид адабиётининг ёрқин намояндаларидан бўлмиш Чўлпон "янги адабиёт қандай бўлмоғи лозим?" деган саволни биринчилардан бўлиб ўртага ташлаган ва унга баҳоли қудрат жавоб беришга интилган эди. "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йил 4 июнь сонида эълон қилинган "Адабиёт надир?" номли мақоласи адибнинг адабий-эстетик қарашлари ҳақида тасаввур берувчи илк манбадир. "Адабиёт,- деб ёзади у мазкур мақоласида,- ҳар бир миллатнинг хисли кўнгил тархининг энг қоронғу

хоналарида майшат(тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла тақдир этула олмайдирғон бир гулдир. Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда аниңг тўлқуни одамнинг ҳар хил майшатига қараб ўзгарадир".<sup>1</sup> Кўрамизки, Чўлпон адабиётга таъриф бераркан, бир томондан, унинг кўнгил оламига тегишлилигини, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаёт ("майшатнинг кетиши") билан боғлиқлигини таъкидлайди. Айтиш керакки, муаллиф адабиётни ижтимоий ҳаётнинг иллюстрацияси ёхуд ижтимоий ҳаёт билан адабиёт муносабатини "базис-устқурма" тарзида тушунмайди. Ўйлашимизча, адебнинг "майшатнинг кетиши"га алоҳида урғу беришининг сабаби ўзгачароқдир. Зоро, Чўлпон бу ўринда бошқа масалага диққатни жалб қиласди: адабиёт ва ўқувчи омма муносабатини англашга интилади. Муаллифнинг фикрича: "Ҳар синф ҳалқнинг ўзига маҳсус оҳангি, ўзига таъсир қиласидиган зори бўлур". Кўрамизки, адабиётни қабул қилиш муаммосига қизиқаётган адебнинг "майшатнинг кетиши"га алоҳида урғу бериши бежиз эмас. Сабабки, ҳалқнинг "зори"(дарди, орзу-интилишлари, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари ва х.) истасак-истамасак шу ижтимоий ҳаёт муаммолари билан боғлиқ; ҳалққа "маҳсус оҳанг"(дейлик, шакл масаласи) ҳам билвосита ижтимоий турмушга — ҳалқнинг умумий маданий-маърифий савиясига боғлиқ. Чўлпон бадиий адабиётнинг тушунилиши, ўқувчига эстетик таъсир ўтказишининг ижтимоий-психологик асосларини тубандагича тушунтиради: "Мана шул муҳит бўшлигинда бўлғон қатъий тўлқуннинг бирлашмагиндан ҳар одамга ҳар хил шодлик ва ё кўб аччик таъсир этмагиндан одамнинг кўнглида ўзи билмасдан ўрнашуб қолғон ва ҳар вақт, умрининг охирига қадар сақланатурғон қайғуланмак ва ё кўкрак кериб кўб дам олурдай оҳ урмаклар — ҳаммаси кўнгилда ҳар хил рангда, ҳар хил кайфиятда тўлуб ётқон адабиёт хосасидан саналур". Демак, Чўлпоннинг фикрича, кундалик ҳаётда одамнинг "кўнглида ўзи билмасдан ўрнашуб қолғон" хис-туйғулар адабиётни тушунишнинг асосидир. Шунга кўра, ёзувчидан "майшатнинг кетиши"ни, ҳалққа "таъсир қиласидиган зор"ни жуда яхши билиш ва ҳалқнинг ўзига "маҳсус оҳанг"да айта билишлик талаб қилинади. Кўрамизки, адабиёт ҳалққа хизмат қилиши лозим, деган эътиқод билан яшаган (тўғрироғи, миллатга хизмат қилиш нияти билан адабиёт майдонига кирган) Чўлпон унинг шу ҳалққа мос бўлиши, шу ҳалқ тушунадиган бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Сираси, Чўлпоннинг фикрлари муайян ижтимоий-тарихий шароитларда адабиёт аҳли олдида кўндаланг бўлгувчи "адабиёт оммавий бўлиши керакми ёки элитарми?" деган савол теграсида айланади. Кўриб ўтганимиздек, Чўлпон адабиёт ҳалқчил бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Адиб тушунчасидаги "ҳалқчиллик" икки жиҳат билан белгиланади: биринчидан, адабиёт ҳалқнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилиши лозим; иккинчидан, адабиётнинг ифода воситалари ҳалққа тушунарли бўлиши керак. Чўлпоннинг бу хил қараши кейинроқ ёзилган театр тақризларида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, "Або Муслим" спектаклига ёзган

<sup>1</sup> Гоявий адабий оқим ҳакида қаранг: Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы.- М.,1972.- С.258-270

тақризидә тубандагыча сүзларга дуч келамиз: "Халқ театрға юрмайды", деган гап тұғри әмас, халқ юрадир. Локин театр-томуша исмида бўлатурғон қурчоқ ўюнларига, ўз руҳига ёт бўлғон, унга англашилмайдирғон таржималик "ғарбий" асарларга юрмаса ҳаки бордир. Йўқ эса ўзини қизиктиратурғон заминларда ёзилғон ва яхши ўйналатурғон томошаларга халқ юрадир".<sup>2</sup> Демак, Чўлпоннинг фикрича, сахна асари (жумладан, адабий асар ҳам) халқ руҳига яқин бўлиши, миллий заминдан, баски, унинг ташвишу муаммоларидан узилмаслиги лозим. Бироқ халқни ўзига жалб қилиш учун мазкур шартлар бажарилишининг ўзи кифоя әмас: сахна асари яхши ўйналиши (адабий асар яхши ёзилиши) ҳам зарурдир. Чўлпоннинг "халқчиллик" масаласига айрича эътибор бериши, равшанки, унинг адабиётни миллатни "уйғотиш" воситаси деб билгани билан боғлиқдир. Адиб 1914 йилда ёзган "Ватанимиз Туркистанда зироат ва деҳқончилик" номли мақоласида: "бу тұғрида(зироат машиналари ҳақида – Д.Қ.) "Ойна", "Садои Фарғона"ларимиз, мумкин бўлса, қишлоқ тилида кўбрөқ ёзиган англатсалар... халқ турмушини енгиллик тарафига бир неча одум отлатқон бўлур эдилар",<sup>3</sup> – деб ёзган эди. Кўрамизки, маърифат ёйиш ("халққа англатиш") учун қўп ёзишнинг ўзи камлик қиласи, аввало, халқ тушунадиган тилда ("қишлоқ тилида") ёзишлик зарур. Ёш Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашларидаги муҳим жиҳат шуки, у бадиий адабиётни мақсад йўлида жўнлаштириш, "халқчиллик" ва тушунарлилик талаби билан уни қуруқ информацияга айлантириш фикридан йироқ. Шу боис ҳам адиб "Адабиёт надир?" да: "тўб-тўғри айтганда ул қадар таъсир қилмас, адабиёт билан айтганда албатта таъсир қиласи..." – деб ёзди. Кўрамизки, Чўлпон адабиётнинг асосий хоссаси — образлиликни назардан қочирмайди, "адабиёт билан айтмоқ" деганида у образли ифода, образли фикр юритиши назарда тутади.

Бадиий адабиётнинг санъат ҳодисаси эканлигини унутмагани ҳолда, Чўлпон асосий эътиборни унинг ижтимоий функцияларига қаратади. Ёш адибнинг фикрича, "Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётининг тараққийсига чалишмағон ва адиллар етиштирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикридан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур". Албатта, бугунги кун нуқтаи назаридан Чўлпоннинг бу фикрида озроқ муболаға бордек кўриниши табиий. Бироқ, аввало, аср бошидаги шароитни, билим олишу дунёдаги сир-синоатлардан хабардор бўлиб туришнинг ягона манбаси газета-журналу китоблар бўлганини унутмаслик лозим. Иккинчи томондан, Чўлпон бадиий адабиётни миллат маънавиятига масъул биладики, бу даъво ҳали ҳануз ўз актуаллигини йўқотган әмас. Жадидчилик ғоялари билан ёниб яшаган адиб адабиёт тимсолида миллатга ўзлигини танита оладиган, уни буюк ишларга сафарбар этишга қодир кучни кўради. Бироқ бу куч ҳали ўзини намоён қилолганича йўқ, чунки адибнинг миллатдошлари тирикчилик ташвишию ўткинчи хою ҳаваслардан ортмаётирлар. Натижада эса "кундан-кунга руҳимиз тушиб,

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Т.: Чўлпон, 1994.- Б.35-36

<sup>2</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Б.77

<sup>3</sup> "Садои Фарғона".- 1914.- № 10.

келатурғон истиқболимизга умидсиз қараб" яшамокдалар. Шу боис ҳам ҳозирда миллатга "үткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви" бўлмиш адабиёт бениҳоя зарур, деб хисоблайди Чўлпон. Эътиборли жиҳати шундаки, Чўлпон масалага атрофлича ёндашишга интилади. Яни, у тириклик ташвишидан ошмаётган оммани айблаш билангина чекланиб қолмайди, ижтимоий фалажликнинг бошқа сабабларини ҳам қидиради. Хусусан, мақола охирида муаллиф юртдошларини адабиёт ўқишу адиблар етиштиришга даъват этаркан: "Агарда "баёз" ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсақ, маҳву инқизозий бўлтурмиз", – дея огоҳлантиради. Англаш мумкинки, Чўлпон мақоласида назарда тутилган адабиёт — янгича адабиёт, шу боис ҳам "адиблар етиштурайлик!" чақириғига алоҳида ургу берилади, адиблар етиштириш масаласининг долзарблиги қайта-қайта таъкидланади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: нима учун Чўлпон адиблар етиштириш ҳақида қайғуради-ю, шоирлар ҳақида гапирмайди? Ё бу ўринда "адиб" сўзи умумлаштирувчи маънога эгамикан? Албатта, "адиб" сўзи умумлаштирувчи маънода қўлланган бўлиши мумкинлигини инкор қилолмаймиз. Бироқ, бизнингча, "адиб" деганида Чўлпон кўпроқ носиру публицистларни назарда тутган қўринади. Гап шундаки, аввало, кўхна тарихга эга миллий адабиётимизда шеърият ривожлангани ҳолда, наср ҳар вақт оқсаб келган, айтмоқчимизки, шоирлар етиштириш масаласини кун тартибига қўйиш зарурати бўлмаган. Иккинчи томондан, ўйлашимизча муҳимроғи ҳам — шу, жадидчилик харакати кўзлаган мақсадга наср, публицистика, драматургиянинг фойдаси кўпроқ тегиши мумкин эди. Ҳартугул, жадид маърифатчилари адабий ижоднинг айни шу соҳаларига айрича эътибор берганлари маълум. Зеро, жадидчиликнинг деярли барча йирик намояндлари публицист бўлгани, жадид ижодкорларнинг деярли барчаси драматургия бобида ўзларини синаб кўрганлари ҳам шундан. Дарвоқе, жадид матбуотида анчагина фаол иштирок этган Чўлпоннинг ўзи ҳам инқилобга қадар атиги иккитагина шеър эълон қилган, холос. Шу жиҳатдан С.Мамажонов: "Чўлпон ижодий фаолиятини ҳикоя ва публицистик асарлар ёзишдан бошлаган эди <...> унинг шеъриятга айрича дикқат қилиши, астойдил киришиши, уни яшаш ва кураш майдонига айлантириши 1919 йилларга тўғри келади",<sup>1</sup> – деганида тўла ҳақдир. Чўлпон "Мухтарам ёзғучиларимизға" (1914) номли мақоласида: "Ҳали бизга кўб тиётр ва рўмон китоблари ёзмоқ керакдурким, бу карз бир ҳовуч зиёли ёшларимиз ила ахли қаламимиз устларига тушадир",<sup>2</sup> – деб ёзгандики, бу ҳам юқоридаги фикримизни кувватлайди. Жадидчиларнинг наср ва драматургияга бу хил аҳамият беришларининг боиси шундаки, мазкур адабий турларнинг иккиси ҳам ҳаётни кенгроқ кўламда тасвирлашу бадиий идрок этиш, муайян ғоявий-бадиий концепцияни яхлит ва изчил ифодалаш имконини беради. Чўлпоннинг юқоридагича имкониятни кенг миқёсда тақдим этувчи роман жанрига "шайдо"лиги ҳам шундан бўлса, эҳтимол. Ҳартугул, роман жанридаги илк изланишлар жадид адабиётида кўзга ташланиши, "Янги саодат",

<sup>1</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1991.- N 6.- Б.3

<sup>2</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Б.38

"Бефарзанд Очилдибой" типидаги асарларнинг майдонга келиши ҳам бежиз эмас. Чўлпоннинг роман жанрига бу хил муносабати "Доктор Мұхаммадиёр" ҳикоясида янада ёрқинроқ ифодасини топган. Ҳикоя қаҳрамони Мұхаммадиёр Петроградда эканида "Туркистоннинг мадраса шогирдлари ҳаётидан олуб "Умрлик шогирдлар" номли бир рўмон ёзди. Рўмон ўн икки жузъ бўлуб, Туркистонда ҳануз шундоғ миллий **маишатдан олинғон рўмон чиқмағон** эди... Бу рўмон шундай **моҳирона ёзилғон** эдики, мадрасада қирқ-эллик йил турганда ҳам шундоғ яхши ва шогирдларнинг мадрасада ўқумай самоварларда давр сураётгандарини ёзмоқ мумкин эмас (таъкид бизники - Д.Қ.)." Мұхаммадиёр - Чўлпон хаёлидаги адаб идеали, шу боис ҳам у ижодда ўз "яратувчиси"нинг адабий-эстетик қарашларига мувофиқ ҳаракат қиласи. Ёш адаб қарашларини қаҳрамон воситасида ифодалашнинг ўзи билан қаноатланмайди, чоғи, сатр остида изоҳ бериб, фикрларини очикроқ ифодалашга жазм қиласи: "Ушбу рўмон (яъни, "Умрлик шогирдлар"-Д.Қ.) хаёлий ва йўқдир. Фақат ўн икки жузъ бўлмасун ва олти жузъ бўлмасун, уч жузъ қилуб бўлса ҳам шул исмда **юқорида таъриф қилинғон руҳда** бир рўмон ёзмакларини мухаррирлардан ўтинаман. Худо мухаррирларимизга ғайрат берсун (таъкид бизники - Д.Қ.)!"

Эътибор берилса, ёш Чўлпон учун "маҳорат" тушунчаси "ҳаётга монандлик" тушунчаси билан уйқаш эканлиги англаши-лади. Адаб адабиётни ҳаётга яқинлаштириш тарафдори, у адабиётнинг вазифаси миллий турмушнинг энг долзарб муаммолари-ни қаламга олишда, деб билади. Шу боис ҳам Чўлпон "Мұхтарам ёзгучиларимизға" мақоласида қалам аҳлига мурожаат қилиб, уларни "миллатнинг энг танқид қилинатурғон ўринларида ара-лашуб юрмакка" чақиради. Чунки "аралашуб юрулса, андаги сўзларни, одамларни ўрганмоққа бўладирки, китоб бетларига кўчируб ёзмоққа материёлларнинг энг асллари халқ орасидан олинадур". Бу гапларни Чўлпон, ўзининг эътирофича, Европа ёзувчилари тажрибасидан келиб чиқиб айтади, чунки улар "ўзларининг яхши ёмон одатлари орасида юрубдурлар, сўнгра қўлларига қалам олуб, яххисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб ёзибдурлар".<sup>1</sup> Табиийки, биз Чўлпон бу ўринда "оврупонинг катта-катта мухаррирлари"дан қайсиларини назарда тутганини билолмаймиз. Бироқ, шуниси аниқки, европа маърифатчилари эстетикасида адабиётни ҳаётга яқинлаштириш асосий тамойиллардан бири эди. Фикримизнинг далили учун француз маърифатчиси Д.Дидронинг сўзларини келтириб ўтмоқчимиз: "...пойдите в кабак, и вы увидите, как выглядит рассвирепевший человек. Ищите уличные происшествия, будьте наблюдателями на улицах, в садах, на рынках, дома, и вы составите себе правильные представления о настоящем движении во всех жизненных действиях".<sup>2</sup> Диққат қилинса, француз маърифатчиси билан жадид адаби қарашларида муштарак ўринлар борлигини кўриш қийин эмас. Албатта, Чўлпон Дидро ёки бошқа

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Б.38

<sup>2</sup> Дидро Д. Собр. сочинений: В 10 т.- Т.6.- М., 1946.- С.216. Холисликка птур етмасин, деган андишада бу ерда ва бундан кейинги ўринларда русча манбалардан олинган иқтибосларни айнан келтириш маъқул кўринди.

маърифатчилар асарлари билан танишган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу билан бирга, конкрет ижтимоий-маданий шароитдаги қатор ўхшашликлар бу хил муштаракликни табиий равишда юзага келтириши ҳам мумкин эди. Нима бўлганда ҳам, Чўлпон мавжуд шароитда миллий турмушни теран таҳлил этиб, "яххисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб" берувчи ҳаққоний адабиёт зарурлигини теран идрок қилгани учун ҳам адиларни ҳаётга чуқурроқ кириб боришга унданлиги равшандир.

Юқорида юритган мулоҳазаларимиз ёш Чўлпон аср бошидаги Туркистон ижтимоий шароитида адабиётнинг бекиёс катта аҳамият касб этишини таъкидларкан, тамомила янги — реалистик адабиётни назарда тутган, деган тўхтамга етаклайди. Рус ва Европа адабиёти намуналари билан яхшигина танишган ёш адаб реалистик адабиётнинг жозибасини, унинг ижтимоий ҳаёт муаммоларини англаш ва англатиш имкониятларини теран ҳис қиласи, айни шундай адабиёт яратиш, унинг воситасида миллатининг равнақи йўлида хизмат қилиш ниятларини дилига тугади.<sup>1</sup> Чўлпонни адабиёт майдонига етаклаган айни шу некбин ниятлар унинг бутун ижодий фаолиятини юргизган "мотор", буюк адаб ижодининг қалби бўлиб қолди.

Чўлпоннинг реалистик адабиёт тамойилларини эгаллаш йўлидаги изланишлари миллий тарихимиздаги бағоят масъулиятли — миллатнинг истиқбол йўлини белгилаш зарурати кўндаланг бўлган бир даврга тўғри келди. Миллатнинг тарихий тақдирини белгиловчи даврларнинг ҳар куни асрларга татигулиkdirки, виждонли кишиларнинг бундай пайтда шиддатли ҳаёт оқимидан четда туришлари асло мумкин бўлмаган ходиса. Бу нарса, ай-никса, ижод ахлига тегишилдир. Бундай даврларда яшаган ижодкорлар учун шахсийлик ва ижтимоийлик чегаралари мавжуд эмасдек, уларнинг қалби жамият ҳаётига ҳамоҳанг ураётгандек. Чўлпон ҳам айни шу хил ижодкорлардан эди: у эсини танибдики, ўзини ижтимоий ҳаётнинг долғали тўлқинларига отди, унинг қозонида обдон қайнади. Ёш миллатпарварнинг ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, аввало, унинг ўзини ўзгартириди: фикр-туйғуларини чархлади, оламу одам ҳақидаги тасавурларини бойитди, дунёқарашида сезиларли бурилишлар ясади. Табиийки, бу нарса адебнинг ижодида ҳам акс этмай қолмади, энг муҳими, ижодий ўзгаришлар ҳаётдагидек шиддатли кечди. Бу ўзгаришлар ичida энг муҳими, шубҳасиз, Чўлпон насрода ҳаётни бадиий акс эттириш принципларининг тадрижидир. Зеро, айни шу нарса адаб насридаги шакл ва мазмун ўзгаришларининг ўзагини ташкил этади.

Айтиш керакки, биз "ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари" (Г.Поспелов) тарзида ишлатаётган тушунча адабиёт назарияси ва эстетикага оид ишларда "ижод типи" (Л.Тимофеев), "бадиий тафаккур шакли" (И.Султон), "бадиий тафаккур усули" (Ю.Борев) каби қатор атамалар билан юритилади. Лўнда қилиб айтсак, бу ўринда гап

<sup>1</sup> Тўғри, адабиётнинг ўта ижтимоийлашувидан кўпчилигимиз безганмиз. Ҳозирда бу ҳодисани баъзан асосли, баъзан асоссиз қоралаймиз. Бироқ мазкур ҳодиса сабабларини шўро даври билангина боғлаб тушунтириш ҳоллари мавжудки, бизнингча, бу хатодир. Аслида адабиётнинг ижтимоийлашуви тарихий зарурият ҳосиласи, у кўпроқ жадидчилик ҳаракати билан боғлиқдир.

адабий асарларни уларда яратилган бадиий воқеликнинг реал воқеликка муносабатига кўра иккита катта гурухга — реалистик ва нореалистик — ажратиш устида боради. Шуниси ҳам борки, гурухга ажратиш принципларида ҳам турличалик мавжуд. Хусусан, Л.Тимофеев бунда қуйидагича фикрга таянади: "... в творчестве писателей, которых мы называем реалистами, на первый план выступает то, что мы назвали воспроизводящим началом в искусстве, т.е. стремление показать явления действительности именно такими, какими они существуют в самой жизни, в отличие от образов, в которых доминирует пересоздающее начало, позволяющее художнику отходить от непосредственной верности действительности".<sup>1</sup> Кўрамизки, Л.Тимофеев ижод жараёнида "акс эттириш" ва "қайта яратиш" амаллари нисбатидан келиб чиқадида, ижоднинг реалистик ва романтик типлари ҳақида сўз юритади. Бироқ, бизнингча, "воқеликни аслидагича тасвирлашга интилиш" талаби реалистик адабиёт имкониятларини торайтириб юбориши, дейлик, унинг бадиий арсеналига шартли образу воситаларнинг кириб келишига тўсқинлик қилиши табиий (реалистик адабиётнинг ҳозирги ҳолати бунинг аксини кўрсатаётир) бўлур эди. Боз устига, ҳар қандай бадиий асарда "акс эттириш" ва "қайта яратиш" амалларининг натижаси зухур қилишини Л.Тимофеевнинг ўзи ҳам эътироф этади. Зоро, бадиий ижод эстетик фаолият экан, фаолият предмети (ҳаёт материали) ижодий қайта ишланиб қайта яратилганидагина чинакам санъат асари дунёга келади.

Ўйлашимизча, мазкур масалада Г.Поспелов тутган мавқе реализмни бирмунча кенгроқ тушуниш имконини бериши билан диққатга моликдир. Сабабки, Г.Поспелов реалистик адабиёт табиатини асарда яратилган характерлардан келиб чиқиб тушунтиради. Олимнинг фикрича, реалистик асарда: "... писатель заставляет своих героев действовать (хотеть, поступать, думать, чувствовать, говорить) в соответствии с особенностями их социальных характеров, с их внутренними закономерностями, создаваемыми общественными отношениями их страны и эпохи" Бунинг акси ўларок, ҳаётни бадиий акс эттиришнинг нореалистик ("норматив") принципига таянилган асарда: "...писатель заставляет своих персонажей действовать (хотеть, поступать, думать, чувствовать, говорить) не в соответствии с реальными, исторически конкретными особенностями и возможностями их характеров, а в соответствии со своим эмоциональным осмыслением этих характеров, отвлекающихся от исторической конкретности и вытекающих из абстрактных взглядов и идеалов писателя".<sup>2</sup> Эътиборли жиҳати шундаки, бу хил ёндашувда бадиий воқеликдаги эпик тафсилотлару деталларнинг ҳар вақт ҳам ҳаётий (яъни, реал воқеликдагига монанд) бўлиши талаб қилинмайди. Зоро, бу ўринда бош мезон — персонажларнинг конкрет ижтимоий шароитда шаклланган характерлари ички мантиқидан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат қилишидир. Эндиғи вазифамиз, табиийки, Чўлпоннинг илк ҳикояларини шу нуқтаи назардан текшириш бўлади.

<sup>1</sup> Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. - М.: 1966. - С. 101.

<sup>2</sup> Поспелов Г.Н. Кўрсатилган асар.- С52

Бир қараңда Чүлпоннинг илк ҳикояси — "Курбони жаҳолат" реалистик асардек кўриниши эҳтимолдан йироқ эмас. Сабабки, ҳикояда тасвирланган каби воқеанинг ҳаётда юз бериши мумкинлиги, унда ҳаракат қилувчи персонажлардек кишиларнинг реал воқеликда ҳам бўлганлиги шубҳа уйғотмайди. Бироқ асарнинг реалистиклиги унинг ҳаётийлиги билан белгиланмайди. Тўғри, кўпинча бадиий баркамол ҳарактерлар ҳақида "ҳаётий чиққан" дейилади. Ҳолбуки, бу ўринда гап ҳаётийлик ҳақида эмас, бадиий маҳорат ҳақида боргани тўғрироқ бўлади. Сабабки, ҳарактернинг бадиий баркамоллиги асарнинг реалистик ё нореалистиклиги билан бевосита боғлиқ эмас. Яъни, ғоявий-ҳиссий идрок этилаётган ҳарактерларнинг ҳаётийлиги бошқа, уларнинг реалистик тасвирланиши бошқа нарсадир. Хўш, "Курбони жаҳолат"да ҳарактерлар қандай талқин қилинади? Адиб танлаган персонажлар — Эшмурод, отаси, Мўминжон, мингбоши — ўзларининг ҳарактер мантиқидан келиб чиқиб эмас, ёзувчи кўрсатмаси билан ҳаракат қиласидар. Гап шундаки, Чўлпон ҳикоя воситасида нима демоқчи эканини аниқ билади, шунга мос қаҳрамонларни танлаб олади-да, уларнинг ролини олдиндан белгилаб қўяди. Боз устига, Чўлпон ҳикоя эпизодларини ҳам ўзи ифодаламоқчи ғояга мос яратади, адиб учун уларнинг психологик жиҳатдан ишонарли ёки жонли бўлиши — иккинчи даражали масала. Дейлик, ҳикоянинг бошланишидаёқ янгича илм олишга талпинаётган Эшмурод билан мадраса толиби Мўминжон қарши қўйилади: уларнинг сұхбати янгича билим олишнинг зарурлигию эскича ўқитишнинг ярамаслигини "фош этиш"га хизмат қилиши лозим. Натижада сұхбат жонлиликдан маҳрум бўлади, декларативлик касб этади. Қизиги шундаки, Мўминжоннинг мадраса толиби эканлигининг ўзиёқ адиб наздида уни майшатпараст худбину такасалтанг тўғри сифатида талқин қилиш учун етарли — бошқа ҳеч бир асоснинг зарурати йўқдек. Ҳикоянинг кейинги эпизодларида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилади. Эшмуроднинг отаси газета ўқимайди, ундан кўра жангномани афзал билади — шунинг учун ҳам жоҳилу нодон. Жоҳиллиги шунчаларки, "эшон домланинг ўғли" бўлмиш Мўминжоннинг ўғирлик қилиши мумкинлигига ишонолмайди-ю, ўз фарзандини ўласи қилиб "уриб ташлайди". Ёки мингбошини олайлик: уни газетада фақат сайлов ҳақидаги гапларгина қизиқтиради, боз устига, баччабозлик иллатига ҳам йўлиқканлардан. Кўрамизки, Чўлпон персонажларнинг ҳарактерини фақат бир нарса — уларнинг жадидчилик ғояларига қай даража мувофиқлигидан келиб чиқиб белгилайди. Яъни, ўзининг ғоявий мавқеидан туриб идрок этгани ва баҳолагани ижтимоий типларни тўғридан-тўғри асарга кўчиради. Айтмоқчимизки, ҳикоянинг бадиий жиҳатдан заифлиги маҳорат етишмаслиги билангина эмас, ғоявий-маърифий дидактиканинг олдинги ўринга чиққани билан ҳам изоҳланиши лозим. Зеро, ижодкор учун ҳаётни ғоявий-ҳиссий идрок этиш ва тасвирлаш бирламчи мақсад бўлса, асарнинг ўқувчига таъсир қилиши бевосита шунинг ҳосиласи, жуда бўлмагандан иккиласми мақсаддир. Иккиласми мақсаднинг олдинги планга ўтиши асарни бадиийликдан узоқлаштиради, уни схематизм иллатига дучор қиласиди. Бу ҳақда ўз вақтида А.Потебня қўйидагича фикр бил-дирганди: "Если кто-либо решил заранее

доказать или внушить нечто и таким образом сознательно стремится к определенной цели и доказывает *примером*, из которого вытекает только то, что имело быть доказано, то он — ученый, моралист, проповедник, пророк, но не художник. Если он, выбрав пример, находит удовольствие в его изображении и, увлеченный, сообщает своему примеру жизненность, конкретность, то неизбежно пример будет говорить больше того или вовсе не то, что предположено".<sup>1</sup> Айтиш мумкинки, Чўлпон учун ҳам танлаб олинган ҳарактерлар(умуман, ҳаёт материали) ўзига хос бир **мисол**(намуна) эди. Шу мисол ёрдамида у ўз ғояларини, аниқроғи, жадидчилик ғояларини оммага сингдириш мақсадини қўзлаганди. Кўрамизки, Чўлпон ўз асари учун "ҳаётий" материал танлаганида ҳам, уни тасвирлаганида ҳам ғоявий-маърифий мақсаддан келиб чиқади. Натижада ҳикояда реализмнинг ибтидоий белгилари билан дидактиклик қўшилиб кетади. Чўлпон тутган йўл Европа маърифатчилик адабиёти тамойилларига ўхшашиб келишини эътиборга олсак, "Қурбони жаҳолат"ни шартли равишда "дидактик реализм" намунаси дейишимиз мумкин бўлади.

Айни пайтда, бизнингча, "Қурбони жаҳолат"ни европа маърифатчилик адабиётига яқинлаштирадиган яна бир жиҳат борки, у асар рухи билан боғлиқдир. Тасвирланаётган воқеликка муаллиф ғоявий-ҳиссий муносабатининг ўзагини инкор ташкил қиласиди, айни шу рух асарнинг қат-қатига сингдириб юборилган. Хўш, ҳикоянинг инкор рухи нима ҳисобига юзага чиқади? Ҳикоянинг қаҳрамони Эшмурод мавжуд шароитдан қониқмаётган, муҳит билан зиддиятга киришган йигит. Асарнинг бошидан охирига қадар Эшмуроднинг муҳиттага сифмаётгани таъкидлаб борилади: уни на тенгдоши Мўминжон, на отаси ва на бошқалар тушунади. Бироқ Эшмурод муҳит билан очиқ зиддиятга киришган эмас — муҳитнинг носозлигини ўйлаб руҳан эзилади, изтироб чекади, холос. Биз учун бу ўринда қаҳрамон изтиробларининг нимадан юзага келиши муҳим. Бизнингча, Эшмуроднинг изтироблари маънавий интилишлари билан реал мавжудлиги, рухи билан вужудининг диаметрал зидлигидан, буни ўзи чукур идрок этганидан келиб чиқади. Айни шу нарса қаҳрамон кечинмаларигагина эмас, муаллифнинг унга муносабатига ҳам "сентиментал" тус беради. Муаллифнинг қаҳрамонига муносабатида шафқату ачиниш ҳислари устиворки, айни шу ҳислардан Эшмуродни, эшмуродларни курбон қилаётган муҳиттага нафрат, "бу аҳволда яшаб бўлмайди" деган хукм ўстириб чиқарилади. Демак, ҳикояга сингдирилган инкор рухи кўпроқ сентиментал ҳарактерга молик, дейишимиз мумкин.

Чўлпоннинг иккинчи ҳикояси — "Доктор Мухаммадиёр"нинг бошланишида "Туркистоннинг қоронғу бир гўшасида, ... номлик уездни шаҳарда" деган сўзларга дуч келамиз. Айни пайтда, сарлавҳа остидаёқ муаллиф ҳикоясига "хаёлий" деб таъриф беради. Асарнинг бошланишидаёқ кўзга ташланувчи бу хил зиддият унинг табиатини очиб беради: Чўлпон ўзи билган реал муҳит фонида идеал қаҳрамонни — ўқувчи омма ибрат олиши лозим бўлган фаол шахсни гавдалантиради. Яъни, ҳикоя воқеалари

---

<sup>1</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика.- М.,1976.- С.353

кечаётган мұхит "Қурбони жақолат"даги мұхитта монанд, қаҳрамони эса Эшмуроднинг тамом акси — антиподи.

Айтиш керакки, "Доктор Мұхаммадиёр"да Европа маърифат- чилик реализмиға хос асосий ички зиддият яққол күзга ташланади. Маърифатчилик мавқеида турған адиллар замоннинг энг илғор ижтимой идеалларини ўз қаҳрамонларида мужассам этган-ларки, бу нарса уларнинг реалистик эканлигига кўпинча шубҳа уйғотган.<sup>1</sup> Чўлпон ҳам Мұхаммадиёр тимсолида ўзининг, жадид-чиларнинг ижтимой идеалларини мужассам этади. Эшмуроддан фарқ қиласорқ, Мұхаммадиёр эзилибгина яшамайди — у орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиласади, қийнчиликларни сабр-ла енгиб, илм эгаллайди, эл орасида "доктор, ходими миллат" дея эъзоз топади.

Ғоявий-маърифий мақсаднинг бирламчилиги Мұхаммадиёр образининг реалистик талқин қилинишига ҳам ҳалал берган. Шу боис ҳам айрим ўринларда ҳарактер мантиқига зид борилади, қаҳрамонларнинг конкрет ҳаётий ҳолатга ёпишмайдиган хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари кузатилади. Ҳикоянинг дастлабки саҳифаларидаёқ, масалан, биз Мұхаммадиёрнинг отасидан айрилишига гувоҳ бўламиз. Шу воқеа тасвиридан кейиноқ Чўлпон қаҳрамонининг руҳий ҳолатини тавсифлайди: "Мұхаммадиёр ўлдирувчиларнинг бир иккисун тануб, ҳар нарса қилуб бўлса ҳам ўч олмоқни қасд қилуб кўрди. Лекин отасини ўлдирувчилар булар бўлмай, балки жақолат эканлигини ўйлаб, тинчгина отасини кўмди. Ва ўзи жақолат или чиндан олишмоқға қарор қилди". Жамият ҳаётидаги жамики иллатлар илдизини жақолатда деб билган Чўлпон ўн тўрт ёшли қаҳрамонининг руҳий ҳолатини, хатти-ҳаракатларини реалистик тасвирламайди, балки ўзининг қарашларига мослаб кўрсатади. Йўқса, кўз олдида отаси ўлдирилган ўн тўрт ёшли ўсмирнинг уни кўмгунча ўтган озгина фурсат (мусулмончиликда бунга бир кунгина берилади) ичидаги тугал ("жақолат билан чиндан олишмоқға қарор берди") қарорга келиши, табиийки, маҳол эди. Адібнинг ибратли қаҳрамон яратиш истаги шунчалар кучлики, ҳатто, деталлару эпик тафсилотлар ҳам нореаллик касб этиб қолади. Масалан, сюжет вақтини олиб кўрайлик. Мұхаммадиёр Бокуга бориб, аввалига шаҳар мактабида, кейин гимназияда ўқиди. Уларни муваффақиятли тамомлагач, Петроград дорилфунунида, кейин етти йил Швейцарияда таҳсил кўради; уч йилга яқин Бокуда лекция ўқиб, ватанига қайтгач ҳам ками беш йил фаолиятда бўлган. Йиғиштириб келинса, Мұхаммадиёрнинг ками ўттиз йиллик ҳаёти ҳақида маълумот берилаёттир. Ҳикоя ёзилган пайт эътиборга олинса, мантиққа зид ҳол юзага келаётгани яққол кўзга ташланади. Боз устига, Мұхаммадиёрнинг илк муалими Олия мадрасасини(1906 йилда ташкил қилинган) битирганлиги илгарироқ айтилган эди. Ёки Чўлпон ҳикоя финалида Мұхаммадиёрнинг беҳад бойиб кетгани, сотиб олган ҳовлисидан нефть кони чиққани ўнга "миллийлар билан иш кўрурга тўғри келаётгани"ни ёзади. Албатта, бу ўринда ҳам адид бироз фантазияга эрк бераётгандек, йўқса, ғарб саргузашт романларидан таъсирлангандек кўринар. Деталнинг ғайриоддийлигини қўя

<sup>1</sup> История всемирной литературы.- Т.5.- С.32

турайлик-да, адіб уни нега асарга кириганини ўйлаб қўрайлик. Маълумингизки, Ҳамзанинг "Янги саодат"ида ҳам ибрат учун яратилган қаҳрамон — Олимжон асар ниҳоясида катта давлат эгаси бўлиб қолади. Чамаси, илмнинг аҳамиятини оммага сингдиришни ният қилган ҳар икки адабимиз унинг моддий фаровонлик ҳам келтиришини кўрсатмоқчи бўлган кўринадилар. Демак, ғайриоддий тафсилотнинг ҳикояга кириб келиши ҳам ғоявий-маърифий мақсаддан келиб чиқсан, деган тўхтамга келишимиз мумкин.

Юқоридагича ҳолларга қарамасдан, Чўлпон "Доктор Муҳаммадиёр"да реал мухит фонида идеал қаҳрамонни ҳаракатланти-ришни режалаштирган, деган фикримизда қоламиз. Сабабки, айни шу хил йўлдан боришлиқ адіб учун ижтимоий-ижодий зарурат эди. Яъни, "Қурбони жаҳолат"да Чўлпон мавжуд ижтимоий мухитни сентиментал инкор этиш билан чекланган бўлса, энди ўша биқиқ мухитдан чиқиш йўлини кўрсатиши лозим келади. Шунга мувофиқ яратилган Муҳаммадиёр ҳар қанча идеаллаштирилмасин, бошловчи ижодкор уни ўзининг ҳаётий тажрибасига таяниб яратган, яъни, ўзининг бир парчасини унга сингдириб юборганки, бу нарса ҳикоянинг охирларида равshan кўринади. Узок йиллик айрилиқдан сўнг юртига қайтаётган Муҳаммадиёр ўзи кўрган мутараққий мамлакатлар — Италия, Франция, Швейцариядаги ҳаёт тарзи билан Туркистон ҳаётини қиёслаб изтироб чекади: чоғишириш унинг дилида умидсизлик ҳосил қилади, чунки "кўбни билган, кўбни кўрган" Муҳаммадиёрга "разолат ва сафолат" қўйнида яшаётган халқининг "тараққий ва тамаддунларини кўрмак" нечоғли оғир масала эканлиги аён эди. Муҳаммадиёр яхши биладики, она юртининг "буюк-буюк, яшил-яшил тоғлари Исламчарадан кам эмас эди. Нахр-нахр оқиб турғон сувлари ва нима экса шуни олса бўладурғон маҳсулдор тупроқлари ила Амриқодан ҳеч камлиги йўқ". Муҳаммадиёр биладики, Туркистоннинг тараққий этиши учун барча табиий имкониятлар мухайё, бироқ шу имкониятларни рўёбга чиқариши лозим бўлган омма жаҳолат қўйнида, шу боис ҳам ўз фойдасини ўзи англаганича йўқ. Агар "халқ ўз фойдасини англаса", яъни, маорифга жиддий эътибор берса, Европа дорилғунунларида болаларини ўқитиб зарур мутахассислар етиштирасу уларнинг "хар бири ўз вазифаларинда туриб ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!" Муҳаммадиёрнинг мазкур нурли хаёлларига-да умидсизлик соя солади, чунки "бунларнинг бўлишига кўзи етмайди" унинг. Боз устига, муаллиф қаҳрамони онгига кечеётган умид ва умидсизлик курашини бир томонга ҳал қилмайди — масалани очиқ қолдиради. Ёш адіб асардан кўзлаган ғоявий-маърифий мақсад эътиборга олинса, масаланинг бу хилда очиқ қолдирилиши мақбул эмас. Кўрамизки, бу ўринда ғоявий-маърифий мақсад билан характер мантиқи орасидаги зиддият кучаяди. Зоро, адіб ўзи танлаб олган образ — "мисол" воситасида муайян фикрни ифодаламоқчилигини бир муддат унугди-да, уни тасвирлашнинг ўзига берилиди. Иккинчи томондан, Муҳаммадиёр образи талқинида муаллиф ўзининг унчалик бой бўлмаган ҳаётий тажрибасигагина таянганини ҳам эътиборда тутиш лозим. Ҳикоя ёзилган пайтга келиб Чўлпон маърифат ёйишнинг ўзи билан тараққий қилиб

бўлмаслигини, бунинг учун туб ижтимоий ислоҳотлар зарурлигини идрок эта бошлаганди. "Доктор Муҳаммадиёр" билан деярли бир вақтда ёзилган "Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик" номли мақоласи шундай дейишга асос беради. Чўлпон мазкур мақоласида "Туркистонга тараққий даври киргандан бери" газеталарда "Илм керак! Ўқумоқ керак!" дея қичқириб келингани, шу қичқиришлар натижаси ўлароқ "ўқумоқ ва ўқутмоқ ишлари секин бўлса ҳам олға босгани", газета-журналлар чоп этилиб турганию "ҳамма шаҳарларда "янги усул" мактаблар очилганини таъкидлайди. Бироқ, адібнинг фикрича, бошқа бир муҳим масала борки, у ҳақда "ёзғучи ҳам, ўқуғучи ҳам йўқ". Чўлпон ўқувчилар эътиборини, хусусан, маслакдошлари эътиборини мана шу муҳим масалага қаратмоқчи бўлади: "ҳайҳот, зироат ишларимиз тамом ҳароб! Ҳароб! Ҳароб!.. Олдинга бир одум отилгани ҳеч кўрулгани йўқ. Бир таноб ер қишлоқда минг сўмга чиқди. Аммо ер дехқонда эмас, миллатга, ҳалқға иона бермай тек сақлаб ётадурғон бойларда. Оҳ, шул бизни тамом куйдурадур".<sup>1</sup> Чўлпон ўз фикрларини асослаш учун ўн-ўн беш йил илгариги маориф ва зироат ишларини қиёслайди: бирида оз бўлса-да олдинга силжиш, иккинчисида орқага кетиш бўлганини кўрсатишга ҳаракат қиласи. Адид мулоҳазаларини одатдагидек чақириқ билан якунлайди: "Ёзайлук, қариндошлар, зироатдан! Ёзайлук, қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. дехқонлар бойлар кўлидан, қуллик, асирикдан қутулса, ҳаммаси бўлур. Ёзайлук, қариндошлар!.." Кўринадики, Чўлпон жадид маърифатчилиги мавқеида тургани ҳолда миллатни тараққий эттириш учун илму ирфоннинг ўзи кифоя эмаслигини, бунинг учун жиддий иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини англай бошлаган. Айни пайтда, Чўлпон маърифат ва иқтисод муносабатини ҳам ўзгачароқ ("алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур") тушуна бошлайди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун эса ижтимоий муносабатлар("дехқонларни қуллик, асирикдан кутқариш")ни ўзгартириш, ислоҳ қилиш даркор. Энг муҳим нуқта — ислоҳни қай йўсин амалга ошириш масаласида Чўлпон ҳали тугал фикрга эга эмаски, бу нарса унинг онгода зиддиятли ўйлар кураши, изланиш жараёни кечаетганидан далолатdir. Адид руҳиятидаги айни шу ҳолат Муҳаммадиёрнинг ўйларида ўз аксини топган. Шу боис ҳам Муҳаммадиёр "халқ ўз фойдасини англаса" дея сурган хаёлларининг да амалга ошишига ишонолмайди. Чўлпон қаҳрамони руҳиятидаги умидсизликни изоҳлаб ёзади: "Чунки борган сари орқага кетмақдамиз ... тараққий асари кўрулмасдан, бир тараққийга ўн таданий тайёр турадир". Эътибор берилса, Чўлпон қаҳрамонининг нима учун "кўзи етмаслигини"ни изоҳламоқчи бўлгани ҳолда нима учун ўзининг "кўзи етмаётгани"ни изҳор қиласи. Яъни, шу ўринда адид қаҳрамони руҳий ҳолатини изоҳлаётганини, баски, жумлалар шунга мувофиқ бўлиши лозимлигини унугади гўё. Айтмоқчимизки, юқоридаги гап мазмун жиҳатидан узоқ вақт юритидан айро яшаган одамга эмас, кўпроқ шу юрт қозонида қайнаётган кишига — Чўлпоннинг ўзига тааллуклидир. Демак, Муҳаммадиёр образининг реалистик чизгиларга молик бўлишида унга

<sup>1</sup> Мақола "Садои Фарғона" газетасининг 1914 йил 10,18,23-сонларида босилган.

муаллиф шахсининг сингдирилиши муҳим аҳамиятга эга экан. Бошқа томондан, қаҳрамоннинг ўй-фикрларио хатти-харакатларига турткі берган деталларнинг аксари ҳам адіб билған реал мұхитдан олинган эди. Бизнингча, ижодий ва ҳаётий тажрибанинг етишмагани туфайлигина Чўлпон мавжуд имкониятларни амалга оширишга, реал ва идеал жиҳатларни уйғуллаштирган бадиий баркамол характер яратишга муаффақ бўлолган эмас. Яъни, "Доктор Муҳаммадиёр"да маърифатчилик реализмига хос ички зиддият яхлит бутунликка биринчилк, пароканда ҳолида қолиб кетади.

Шу ўринда яна бир нарсага дикқатни жалб қиласиз. Маълумки, Европа маърифатчилигиде аввалига рационалистик қарашлар етакчилик қилганди. Рационалистлар инсон ақлу заковатигина жамиятни ўзгартириши, уни адолат асосига қайта қуриши мүмкін, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг оммани маърифатли қилиш йўлидаги интилишлари, асарларида ақлу заковатлари туфайлигина жамиятдаги ўз ўрнини, баҳтини тополган кишиларни ижобий қаҳрамон сифатида талқин қилишлари ҳам шундан. Кейинроқ, маърифатчилик харакатининг сўнг босқичида, рационалистик қарашлар кутилган натижаларни бермагач, адабиётда сентименталистик қарашлар олдинги планга чиқди. Сентименталистлар мавжуд ижтимоий тартибларнинг инсон табиатига зиддигини кўрсатиш орқали уни ғоявий-хиссий инкор эта бошлади-лар. Чўлпон ижодий эволюциясида эса, юқорида кўрдик, бунинг акси кузатилади. Бу нарса, бизнингча, адібнинг конкрет шароит таъсирида шаклланган қарашлари билан изоҳланади. Чўлпон мавжуд ижтимоий тартибларнинг пассив хиссий инкори билан қониқолмайди, шу боис ҳам Эшмуродга фаол шахс — Муҳаммадиёрни қарши қўяди. Айни пайтда, адіб талқинидаги Муҳаммадиёрнинг ҳам шунча билими билан юртининг тараққий қила олишига шубҳалари борлиги бежиз эмас. Ўйлашимизча, Чўлпон мақсадларининг амалга ошиши учун жиддий курашиш лозимлигини, маърифатчилик бунинг илк босқичигина эканлигини теран ҳис эта бошлаган. Афсуски, Чўлпон 1915 йилдан февраль инқилобига қадар нелар ёзганию нималар қилгани ҳақида маъ-лумотга эга эмасмиз, бироқ адібнинг февраль инқилобидан сўнг қарийб икки йил фаол ижтимоий-сиёсий фаолиятда бўлишининг ўзиёқ юқоридаги фикримиз фойдасига гувоҳлик беради.

Чўлпоннинг инқилобдан кейин ёзилган илк ҳикояси — "Клеопатра"<sup>1</sup> унинг ижодий эволюциясини изчил қузатишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳикояни нозик таҳлил қилган Н.Владимирова ундаги рамзлар остида ботин маъноларни талқин қилиб, мазмунни замона билан, адіб руҳияти билан боғлайди. Олиманинг таъкидлашича, ҳикоядаги "йўл айрилишида қолган одам образи ҳам рамзий, ҳам характерлидир... Тақдири гоҳ ҳокимиятнинг ёвуз кучларига, гоҳ табиатнинг ўжар долғаларига боғлиқ бўлган инсон ҳақидаги Чўлпоннинг ўй-фикрлари, шубҳасиз,

<sup>1</sup> Ҳикоя 1923 йилда эълон қилинган бўлса-да, 1921 йил августидан илгари ёзилган. Чунки айни шу вақтда ёзилган "Клеопатра уйқуси" номли шеърига муаллиф "Клеопатра" номли сочма ҳикоямнинг тизма шаклидир", дея изоҳ берган.

замонасининг воқелиги билан боғланган"<sup>1</sup>. Албатта, биз ҳикоя мазмунининг замона билан алоқасини заррача бўлсин инкор қилолмаймиз, айни пайтда, Н.Владимированинг: "Чўлпон афсонада хаёлий бир ҳаётни тасвирлаган, дейиш тўғри бўлмас эди",- деган фикрига ҳам қўшилолмаймиз. Зеро, мазкур ҳикояда ҳам Чўлпон борлиқни бадий акс эттиришнинг нореалистик йўлидан борадики, фикримизча, у ўзининг кўп жиҳатлари билан романтизм адабиёти намунаси бўла олади. Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ жиҳатга дикқатни тортмоқчимиз. Маълумки, Француз инқилоби кутилган натижаларни бермагач, маърифатчилик ғоялари инқирозга юз тутиб, Европа адабиётида романтизм етакчи мавқени эгалаганди. Қизифи шундаки, "Клеопатра" ҳикояси ҳам шунга ўхшаш — Чўлпоннинг февраль инқилобига, муҳториятчилик ҳаракатига боғлаган умидлари чилпарчин бўлган бир пайтда ёзилганди. Адиганинг мавжуд реалликдан қониқмай қолгани шунчалик эди, у: "Хаёл... хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир, Ҳақиқатнинг қўзларидан қўрқаман" дея эътироф этганди. Маълумингизки, мавжуд реалликдан қониқмаган романтизм адабиёти вакиллари унга зид ўлароқ хаёлий борлиқ яратишга мойил эдилар. Романтик адиллар кўпинча кўхна ўтмишга мурожаат қилишар, улар тасвирлаган воқеа-ҳодисалар кўпроқ узоқ, экзотикага бой юртларда кечар эди. Бас, Туркистон воқелигидан қониқмаган Чўлпон ҳам ҳикоясидаги воқеаларни узоқ ўтмишга, "у сирлар ва яширинликлар уяси бўлғон Миср"га кўчиради. Ҳикоядаги Миср табиати, воқеалар кечаётган жойлар тасвири романтик бўёқлар билан чизилади, тасвирдаги экзотика муаллиф ҳисларига тўйинтирилганки, ўқувчи ҳам беихтиёр ўша хаёлий оламга кўчгандек бўлади. Худди романтиклар каби Чўлпон ҳам кундалик ҳаётдаги тубанлик, сийқалашган инсоний муносабатлару ҳисларга олий туйфуларни — романтик талқинидаги севгию садоқатни қарши қўяди. Чўлпон талқинидаги севги — инсон хаёлоти имкони даражасида мутлақлаштирилган, тоғ чашмасидек мусаффо, илохий бир қурдатга эгадирки, у наинки одамни, оламни-да ўзгартиришга қодир.

Романтизм адабиёти марказида ғайриоддий, бетакрор шахс туради. Клеопатранинг бадий тимсолини яратган салафлари — У.Шекспир, А.Пушкин, Т.Готьеардан фарқ қиласор, Чўлпон талқинидаги Клеопатра бирмунча "ер фарзанди" қилиб кўрсатилган, — инсоний қувончу изтироблар унга ёт эмас. Бадий адабиётдаги Клеопатра, Н.Владимирова айтмоқчи, "инсон табиати учун ҳалокатли бўлган интиҳосиз ҳокимиятни, унинг чегарасиз шафқатсизликка айланиб кетишини" ўзида тажассум этувчи турғун рамзгаёқ айланиб ултурган эди. Клеопатрани "ерга яқинлаштириброқ" кўрсатган Чўлпон мазмунда новаторлик йўли-дан боради. Адиг учун Клеопатранинг ғайриоддийлиги кечаги кунда қолган: кечагина ошиқларини тимсоҳларга ем қилган Миср маликаси ҳикоянинг бадий вақтида муҳаббатга ташна, меҳрга зор бир заифа, холос. Чексиз ҳокимият берган беадад лаззатларга тўйинган Клеопатра ўзини баҳтсиз сезади, зеро, ўзининг бирор томонидан чин дилдан — тожу таҳт илинжида эмас — севилишига ишонолмайди. Шу асосда Чўлпон ҳикоясида

<sup>1</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1992.- N 2.- Б.10

ғайриоддий шароитда ҳаракат қилувчи бетакрор шахс (романтик қаҳрамон) сифатида "адашган одам" — мусоғир йигит олдинги планга чиқади. Мусоғир йигит тушган шароитнинг ғайриоддийлиги шундаки, у гўзалликнинг тирик тажассуми — Клеопатра кошида тургани ҳолда юраги бошқа бирор ишқи билан тепади. Боз устига, васли эвазига не-не ошиқлар "жон деб" тимсоҳларга ем бўлиб кетган Клеопатра энди уни ўзига ром этиш билан овораи сарсон. Бироқ на Клеопатранинг ўхшашсиз гўзаллигию мафтункор латофати, на хукumatдорлик салобатиу ва на ўз вақтида янграган "эҳтирос куйи" унинг садоқатига рахна сололмайди. Мусоғир йигитнинг рамзлар воситасида ифода этилган ирова кучи манфаатдан ҳоли соғ муҳаббатни омон сақлаб қоладики, сираси, унинг бетакрор шахслиги ҳам шундадир. Романтизм адабиётига хос ғайриоддий шароитга тушган қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг биринчи галда шахс эрки, инсонлик қадр-қиммати ҳимоясига йўналтирилгани ҳам ҳикоянинг романтик асарлигидан далолатдир.

Романтизмга хос белгиларни "Клеопатра"нинг ифода йўсинида ҳам кўриш мумкин. Романтизм адабиётида бадиий образнинг ассоциативлиги, рамзий-мажозийлиги бениҳоя ортганники, Чўлпон ҳикоясида ҳам бу ҳолнинг кузатилишига амин бўлиш учун Н.Владимированинг юқорида эслатилган мақоласини бир сидра кўздан кечириш кифоядир. Романтиклар, маълумки, ижод жараёнида ҳам ўзларини эркин тутганлар. Улар, классицизм вакилларидан фарқ қиласроқ, адабий турлар орасига, жанрлар орасига хитой девори қўймаганлар. "Клеопатра"да ҳам ўшандай эркинлик кузатилади: унда лирик, эпик ва драматик унсурларнинг бетакрор, табиий уйғунлиги кўзга ташланади.

Юқоридаги муроҳазаларимизга таянган ҳолда, Чўлпон илк насрый асарларида борлиқни бадиий акс эттиришнинг нореалистик тамойилига таянди, ғоявий-маърифий дидактикадан романтик талқинга, ундан эса реалистик тасвирга томон ўсиб борди, деган хуносага келиш мумкин. Сираси, жадидчилик ғоялари таъсирида ва шу ғояларнинг тарғиботчиси сифатида адабиёт майдонига кириб келган Фитрат, А.Қодирий каби адиллар ижодида ҳам шунга ўхшаш тадриж кузатилади. Агар уларнинг, хусусан, Чўлпоннинг ижодий фаолиятидаги ўсиш жараённига дикқат қилинса, унда европа адабиётида қарийб бир ярим аср кечган жараённинг жажжи макетини кўриш мумкиндек туюлади бизга. Айтмоқчимизки, Туркистон шароитида бадиий ижоднинг реалистик тамойилларини эгаллаш жуда қисқа вақт ичida амалга ошиди. Бу ўринда жаҳон адабиётининг таъсирини (ахир, биз учун тайёр тажриба бор эди) назардан соқит қилмаган ҳолда, бунинг асосий омилини Туркистон ижтимоий ҳаёти, ижтимоий тафаккуридаги туб сифат ўзгаришларида кўриш лозим. Тилга олганимиз адабий факт, бир томондан, жаҳон адабиёти тараққиётида стадиал умумийлик мавжудлиги ҳакидаги фикрларнинг асослигини, иккинчи томондан, миллий уйғониш даври деб атаётганимиз асrimiz бошининг миллий тарихимизда нечоғли буюк аҳамиятга молик ҳодиса эканлигини яна бир карра намойиш этади.

## **Чўлпон кичик насрий асарларининг жанр хусусиятлари**

Чўлпон насрий асарларининг жанр хусусиятлари ҳақида сўз бораркан, аввало, бу борадаги адабнинг ўз фикрларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Адабиётшунослигимизда "Қурбони жаҳолат"нинг жанрини Чўлпоннинг ўзи "фельетон" деб белгилаган, деган фикр ўринлашиб кетган. Бу ҳақда С.Мамажонов: "Гарчанд "Қурбони жаҳолат"ни ёзувчининг ўзи фельетон деса-да, асл моҳиятига кўра ҳикоядир. Чўлпон унинг танқидий руҳидан келиб чиқиб фельетон белгилаган бўлиши мумкин",<sup>1</sup> – деган мулоҳазани билдиради. Олимнинг асар жанри ҳақидаги хулосасига қўшилганимиз ҳолда, "фельетон" масаласига аниқлик киритмоқчимиз.

Хикоя эълон қилинган "Садои Туркистон"нинг 1914 йил 6-сонини кўздан кечирамиз: катта ҳарфлар билан "фельетон" деб ёзилган-да, икки тарафидан нақш билан безатилган; остида кичикроқ ҳарфлар билан ҳикоя номи — "Қурбони жаҳолат" ёзилган. Одатда жанр белгиланганда сарлавҳа остига ёзилар эди. Эҳтимол, у пайтлар бу нарса расм бўлиб улгурмагандир? Газеталар тахламини варақлашда давом қилсак, 24-сонда яна юқоридагича тартибда ёзилган "фельетон" сўзига дуч келамиз. Унинг остида ҳикоя номи — "Дўхтур Мухаммадиёр", сарлавҳа остида эса яна ҳам кичикроқ ҳарфлар билан "хаёлий ҳикоя" деб ёзилган. Табиий савол тугилади: агар Чўлпон "Қурбони жаҳолат"ни танқидий руҳидан келиб чиқиб "фельетон" деса, унда нега кейинги ҳикоясининг жанрини ҳам шундай белгилайди? Ўйлашимизча, "Дўхтур Мухаммадиёр" сарлавҳаси тепасидаги "фельетон" сўзи унинг жанрига ишора қилмаганидек, авалги ҳикоя эълон қилинган сондаги "фельетон" сўзи ҳам Чўлпонга алоқадор эмас. Гап шундаки, "фельетон" сўзининг дастлабки маъноси ҳозиргисидан бирмунча фарқли эди. Матбуотда илк бор 1800 йил 28 январдан пайдо бўлган бу

---

<sup>1</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1991.- N 6.- Б.5

атама французча "варак" сўзи билан боғлиқ. Ўшанда "Журналь де деба" номли Париж газетаси биринчи марта қўшимча варак илова қилдики, бу газетанинг "фельетон" номли янги рукни(рубрика)га асос солди. Европа матбуотида тез оммалашиб кетган бу руҳн остида одатда носиёсий, норасмий материаллар: эълонлар, мода янгиликлари, театр тақризлари, ҳикоя ва ҳатто романлар эълон қилина бошлади. Атаманинг ҳозирги маънода қўлланиши, публицистиканинг ижтимоий-сиёсий танқид руҳидаги алоҳида жанрини англата бошлиши эса XIX аср адоғига тўғри келади.

Бизнингча, ҳар икки ҳикоя эълон қилинганида учратганимиз "фельетон" сўзи Чўлпонга тааллуқли бўлмай, балки газета таҳририятига тегишилдир. Чамаси, жадид маърифатчилари ўз газеталарида шу ном остида руҳн ташкил қилганлар-да, атаманинг ҳар икки маъносини назарда тутгандар.

Демак, жанрини бевосита Чўлпоннинг ўзи белгилаган ilk асар "курбони жаҳолат" эмас, балки "Доктор Мухаммадиёр" бўлиб чиқади. Аввалги бобда айтганимиздек, адаб асар жанрини "хаёлий ҳикоя" деб белгилаганида унда яратилган бадиий воқелик билан реал воқелик муносабатидан келиб чиқади. Айтиш керакки, Чўлпон адабиёт майдонига мадраса таҳсилини, рус-тузем мактаби сабоқларини олиб кириб келганди. Адабни яқиндан билган кишилар унинг ёшлик йиллари ўз устида қаттиқ ишлагани, кўп мутолаа қилганини эслашади. Ўйлашимиз-ча, Чўлпон фақат ижтимоий-сиёсий ёхуд бадиий асарлар ўқиш билангина чекланмасдан, адабиётшуносликка оид асарлар билан ҳам танишган кўринади. Ҳартугул, адабнинг айrim асарлари жанрини белгилашдаги аниқлик шундай ўйлашга асос беради. Масалан, "Туркистон" газетасининг 1922 йил 23-сонида эълон қилинган "Октябрь қизи" номли насрый асари жанрини Чўлпон "достон" деб белгилайди. Дафъатан қараганда бунга қўшилиш қийиндек, чунки адабиётимиз учун, хусусан, ўша давр адабиёти учун насрый йўлда ёзилган достон янги ҳодиса эди. Хўш, нима учун Чўлпон "Октябрь қизи"ни достон деб атайди? Гап шундаки, ўзбек саҳненинг қалдирғочларидан бири — Ваннайчахоннинг ўлими муносабати билан ёзилган мазкур асар воқеабанд сюжетга эга эмас, унда эпик унсурлардан кўра лирик унсурлар салмоғи ортиқроқ. Чўлпон Ваннайчахон ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилмайди, у ҳақдаги айrim тафсилотларни беришдан муддао — юз бермиш мудхиш қотилликка ўз муносабатини, унинг таъсирида туғилган ҳисларини ифодалаш, холос. Шу жиҳатдан қарасак, достоннинг қаҳрамони — адаб, у кўп жиҳатлари билан лирик қаҳрамон саналиши мумкин. Тўрт қисмга ажратилган достоннинг биринчи қисмидан лирик қаҳрамон хотирасида Ваннайчахоннинг санъати жонланади: у ўзини қизнинг мусаххар овозига маҳлиё бўлганлар орасида кўради — таассуротлари билан ўртоқлашади. Ўзининг Ваннайчахонга, унинг бетакрор санъатига бўлган меҳрини ўқувчига "юқтиргач", иккинчи қисмда у ҳақда қисқачагина маълумот беради. Бу қисмда эпик тафсилотлар салмоғи ортган бўлса-да, улар кейинги қисмдаги ҳис-туйғулар учун замин ҳозирлашга хизмат қиласи, холос. Достоннинг учинчи қисмидан бошлаб эпик унсурлар салмоғи ва ўрни янада камайиб боради, воқелик тамомила лирик субъект руҳиясидан ўтказиб берилади. Пейзаж лирикасининг устаси бўлган Чўлпон бу ўринда

ҳам ўз ифода йўсинига содиқ қолади. Учинчи қисмнинг "Бир совуқ шамол келди" деган биринчи жумласиёқ ҳиссий тоналлик ўзгарганлигига ишора қилиб, ўқувчини сергак торттиради. Куз тасвири, сарғайган баргларнинг чирс-чирс узилиши, қушларнинг узоқ юртларга учиши, қарғалар шодлиги — булар бари ўқувчини кейинги ходисаларни қабул қилиш ва ҳиссий баҳолашга ҳозирлайди:

"Йироқлардан қарғаларнинг мудҳиш нағмалари, шодлик куйлари эшитилди.

Бориб кўрдилар.

Пахта каби оппоқ тан, кўк қарға шохидан кўйлак – қонга беланган.

Бош тандан айрилғон ҳолда, кон суркалган қора соchlар устига ёпилғон.

Гўзал қора кўзлар жаҳаннам чуқурлигига ботқонлар.

Юздаги нурлар йироқ ўлкаларни эслаб учуб кетган қушлар билан бирга кетганлар".

Бунда Чўлпон ишлатган ёрқин тазодлар ҳаёт ва ўлим, жаҳолат ва маърифат, эзгулик ва ёвузлик, қуллик ва хурлик ораларидағи тубсиз жарни яна бир бор кўз олдимизда намоён қиласи, ўзи нур томонида турган адебнинг ҳисларини ўқувчига-да юқтиради, уни бирга изтироб чекишига мажбур қиласи. Чўлпон кўзлаган мақсад, асарнинг руҳи моҳияти куйидаги сўзларда ўзининг ёрқин ифодасини топади: "Гулидан айрилғон саҳна, кел, қўнглингдаги аламларга кўлимдан келган қадар тилмочлик қиласи! Қизидан айрилғон халқ, кел, қайғиларингни ўртоқлашай!"

Юритган мулоҳазаларимиз Чўлпон "Октябрь қизи"ни бежиз достон деб атамаганини кўрсатади. Чиндан ҳам асарда воқеликни тўлақонли тасвиirlаш мақсад қилинмайди, унда муаллиф муносабати, воқелик таъсирида юзага келган ҳис-туйғулар ифодаси бирламчидир. Шу нуқтадан ёндошсақ, "Октябрь қизи" — том маънодаги лирик асар, насрый йўлда ёзилган лирик достондир, деган хulosага келишимиз мумкин. Кўрамизки, Чўлпон асар жанрини белгилашда унинг ташки шаклий белгиларидан эмас, ички табиатидан келиб чиқади. Бу эса 20-йиллар адабий-назарий тафаккурида ҳам жиддий бурилиш юз берганидан далолатdir.

Чўлпон ўз асарларининг жанрини белгилашда уларнинг конкрет хусусиятларидан бирини(воқелик билан ўзаро муносабати — "хаёлий ҳикоя"; адабий турга мансублиги — "достон"; бадиий нутқ шакли — "сочма"; асосий эстетик белгиси – "кулги ҳикоя") асос қилиб олади. Яққол кўринадики, адаб жанрларни белгилашда ягона принципга таянган эмас. Айтиш керакки, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи ҳам йўқ: ҳозирга қадар жанрларга ажратиш масаласида адабиётшуносликда тугал фикрга, тўхтамга келинган эмас. Яхлитроқ олиб қарасак, Чўлпоннинг кичик насрый асарлари ҳикоя<sup>1</sup>, насрый шеър ва достон, этюд, очерк, сафарнома каби жанрлардан ташкил

<sup>1</sup> Адабиётшунослигимизда «Доктор Мухаммадиёр»нинг жанрини қисса деб белгилаш анъанаси мавжуд ва бу муайян асосга эга ҳам. Бироқ асарга қиссабоп материал - қаҳрамон ҳаётидан бутун бир босқич олинган бўлса-да, Мухаммадиёрнинг мақсад га томон йўлини турли-туман ҳаётий лавҳалар, тўқнашувларда кўрсатиш ўрнига баёнчилик йўлидан борилган. Натижада қиссабоп материал мувофиқ шакл топмай, шакл ва мазмун бирлигига путур етади. Муаллиф нияти ҳам, чамаси, қаҳрамоннинг ибратли ҳаётини «ҳикоя қилиб бериш» бўлган ва шу боис ҳам унинг жанрини «ҳикоя» деб белгилаган кўринади. Шуларни эътиборга олиб, биз асар жанрини ҳикоя деб юритишни мақбул кўрдик.

топади, деган хулосага келиш мумкин. Бирок, бизнингча, шу хил таснифнинг ўзи биланоқ чекланиш ярамайди, чунки адабнинг бир жанр доирасидаги асарлари ҳам якнав эмас: уларнинг ҳар бири ўзига хос жанр хусусиятларини намоён этади. Бу ўзига хосликлар, бизнингча, конкрет асардаги: 1) ҳаётни бадиий акс эттириш тамойиллари; 2) адабий турга муносабат; 3) сюжет ва композицион хусусиятлар; 4) воқеликка муносабат тури; 5) тасвир ва ифода қатламлари муносабати — каби бир қатор муҳим нуқталарда кўзга ташланади.

Маълумки, адабиётшуносликда "ҳикоя" ва "новелла" атамалари хусусида яқдиллик йўқ: айрим адабиётшунослар бу икки атамани синоним ҳисобласалар, бошқалари кескин фарқлайди-лар. Биз бу масалада ҳикоянинг икки типи бор: биринчисида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистиклик (конфликтли-ривоявий) хусусияти устундир, деган фикрга кўпроқ кўшиламиз, яъни, бу ўринда гап икки турли жанр ҳақида эмас, балки бир жанрнинг икки хил сифат кўриниши ҳақида боради.

Мисол учун Чўлпоннинг "Доктор Муҳаммадиёр" ҳикоясини тавсифий-ривоявий характердаги асарлар сирасига киритишмиз мумкин. Аввало шуни қайд этиш лозимки, бу икки типга мансуб ҳикоялар орасидаги бош фаркни уларда ровий тутган мавқеда кўрилгани маъқулроқ бўлади. Хўш, "Доктор Муҳаммадиёр"да ровий қандай мавқе тутади? Бизнингча, ҳикояда ўқувчи барча икир-чикирлардан хабардор, бинобарин, воқеалар силсиласидан ҳам, қаҳрамонларидан ҳам бир баҳя юқорида турган ровийга дуч келади. Ровий учун ўзи тасвирлаётган воқеа-ходисалар — амалга ошиб бўлган факт ("мен – ўтмиш"), унинг қаҳрамонларига, воқеа ёки ҳолатга муносабати тўла шаклланиб бўлган. Энг муҳими, "Доктор Муҳаммадиёр"да бадиий реаллик ровий воситасидагина, у билан узвий алоқадорликдагина мавжуд (объективлаштирилмаган тасвир).

Табиийки, тавсифий-ривоявий характердаги насрый асарлар келиб чиқишига кўра қадимийроқ. Жумладан, аксарият ҳалқ эртаклари, афсоналари, мумтоз адабиётимиздаги ҳикоятларни шу тиpdаги асарлар сирасига киритиш мумкин. Кўплаб насрый жанрлар номи ("ҳикоя", "ҳикоят", "ривоят", "рассказ", "сказ")нинг бевосита "ҳикоя қилмоқ" феълидан ўсиб чиққани ҳам бежиз эмас, албатта. Бирок, шуниси борки, дастлабида эпоснинг асос моҳиятини ташкил этган ривоя тараққиёт жараёнида ўзининг етакчи мавқенини йўқота борди. Табиийки, бу нарса эпик жанрлардаги тасвир манераси ва ифода йўсинида жiddий сифат ўзгаришларини юзага келтирди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти нимада? Маълумки, синкетик санъатдан ажralиб чиқкан сўз санъатининг уч асосий тури орасида ўзаро фарқланиш жараёни билан бир қаторда ўзаро яқинланиш жараёни ҳам кечган.<sup>1</sup> Бу уч турнинг фарқли жиҳатларидан бири қўйидагича белгиланади: лирикада инсон(субъектнинг нопластик образи), драмада дунё(объектнинг пластик образи), эпосда эса ҳар иккисининг қоришик образи

<sup>1</sup> Бу хақда қаранг: Взаимосвязь и взаимовлияние жанров в развитии античной литературы.- М.,1989.- С.3-26

яратилади. Эпик тафаккур тараққиёти жараённида бу турга мансуб асарларда борлиқнинг пластик образи тобора кўпроқ мустақиллик касб эта борди. Табиийки, бу нарса эпик жанрларда ровий тутган мавқега, унинг функцияларига ҳам таъсир қилди. Энди ровий қачонлардир ўзи гувоҳ бўлган ёки бирордан эшитган воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи сифатидагина эмас, кўпроқ ўша воқеаларнинг кузатувчиси (албатта, шарҳловчиси ва баҳоловчиси ҳам) сифатида бўй кўрсата бошлади. Ровий билан тасвирланаётган воқеа орасидаги вақт ҳисси драматик турга (яъни, воқеалар айни пайтда юз бераётгандек таассурот қолади) яқинлашди. Натижада эпик асарда ҳам худди драматик асарлардаги каби конфликтнинг ҳамда унинг асосида ривожланувчи сюжетнинг роли бағоят ортди. Нуқтаи назарнинг бу турига асосланган ижодий манера — муаллифнинг холис туришга интилгани ҳолда воқеа-ходисаларни пластик жонлантириши — катта эпик асарларда эпизодик ҳодиса бўлса, ҳикоя тўлалигича шу йўсинда қурилиши мумкин. Шу жиҳатдан Чўлпоннинг "Ойдин кечаларда" номли ҳикоясини кўздан кечирамиз.

Ҳикояда тасвирланаётган воқеаларнинг кузатувчиси сифатида бўй кўрсатувчи ровий биринчи жумладаноқ тугунни ўртага ташлайди: "Зайнаб кампир бир нарсадан чўчиб уйғонди". Ўқувчи, табиийки кампир нимадан чўчиганини билишни истайди, лекин буни ҳали кампирнинг ўзи ҳам англаган эмас: "Кампир у ёқ-бу ёғига яхшилаб қараб, ойдинда ҳеч бир қора-мора учратмагандан кейин яна болишга бошини қўйди". Шундан сўнг муаллиф нигоҳи кампирдан узилади-да, оппоқ ойдин кеча тасвирига ўтилади: "Туни бўйи чопишиб, ҳурушуб, югурушуб чиқғон итлар товуши секин-секин йўқола бошлади. Эшончанинг ховуз бўйидаги толларидан туруб ҳасрат ва қайғуларини ҳар кеча ўқийтурғон булбул бугун жуда эрта тўхтади. Гўристон ва мозорлардагина бўладиган чукур бир жимлик..." Ҳикояни ўқиётган китобхонда илгарироқ пайдо бўлган билиш истаги янада кучаяди: шундай осуда кечада кампирни чўчитган, унинг уйқусини қочирган нарса нима бўлди экан? Дурустроқ эътибор қилсан, айни шу савол ровийни ҳам ўйлатаётганини сезишимиз қийин эмас. Шу боис ҳам муаллиф нигоҳи кампирдан узилиб, теварак-атрофга қаратилади: у ҳам саволга жавоб излайди гўё. Кўриб турганимиздек, бу ўринда ровий ҳам ўқувчи каби воқеаларнинг кузатувчиси, холос, унинг учун ҳам воқеалар айни пайтда юз бермоқда. Ҳикоянинг давомида адеб интроспекция усулидан унумли фойдаланадики, натижада ровий мавқеи сифат жиҳатидан яна ўзгаради: "Кампир юмулуб боргон кўзларини бирдан очди: яқин бир ердан ҳасратлик, кўнгул бузатургон бир йиги товуши эшитилар эди". Гарчи кўчирма қилиб келтирганимиз гап қурилиши жиҳатидан яхлит бўлса-да, унинг қисмлари ўзаро фарқлидир. Бизнингча, таъкидлаб кўрсатганимиз биринчи қисм ровий нигоҳи билан, қолган қисми эса қаҳрамон нигоҳи билан боғлиқдир. Гапнинг мазкур тартиbdаги қурилиши ҳикоядаги "нуқтаи назар поэтикаси"нинг мўъжаз макетидир, дейиш мумкин. Бу нарса куйидаги парчада яққолроқ кўринади:

*"Яна дикқат биланрак тинглади: бу йиғи келинчакнинг уйидан эштилган каби бўлар эди.*

*Юраги ўйнади. Дарров дарчани очиб у ҳавлига кирди, оёгининг учи билан босиб келиб, секингина келинининг уйига яқинлашиди.*

*Йиғи уйдан эштилар эди.*

*Яна қулоқ берди.*

*Товуш келинининг товуши эди".*

Хикояда қўшимча нигоҳ пайдо бўлгани йўқ, фақат мавжуд нигоҳ иккига ажралди, холос. Бу ўринда ҳар икки нигоҳнинг вазифаси конкрет белгиланган: қаҳрамон нигоҳи борлиқдаги ўзгаришларни кузатса, ровий нигоҳи қаҳрамонга қаратилади. Яъни, ўқувчи борлиқдаги ўзгаришларни қаҳрамон нигоҳи, қаҳрамондаги мимик-пантомимик ўзгаришларни ровий нигоҳи воситасида кузатади. Бошқача айтсан, ҳикояни ўқиши жараёнида бу икки нигоҳ бир фокусга — ўқувчи нигоҳига жамланади. Танланган усул ўқувчининг ҳикоя руҳига киришини осонлаштириб, унинг эстетик кучини оширади. Новеллистиклек кўпроқ сюжет курилиши, унинг шиддат билан ривожланишию кутилмаган бурилишларга эга бўлиши билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Сюжетнинг тамомила шу тартибда курилиши(айни пайтда тавсифий ривоя салмоғининг минимумга келтирилиши) кичик эпик жанр — ҳикоядагина тўла намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳикояда хаёт материали ёлғиз бир воқеа(ҳодиса) фокусига йиғилади, ўша ҳодиса поэтик жонлантирилади. Новеллистик типдаги ҳикояда ўқувчи диққатини тутиб турувчи, унинг эстетик таъсир кучини оширувчи нарса "кутилмаганлик эффекти"дирки, ровийнинг "кузатувчи" мавкеида туриши бу усул самарасини максимал намоён этади. "Ойдин кечаларда" ҳикоясида Чўлпон қадамбақадам кутилмаганлик эффектини ҳосил қилиб боради. Уларнинг дастлабкиси — ёлғизгина ўғлини уйлаб-жойлаган, бекаму кўст турмуш кечираётган Зайнаб кампирнинг осуда ойдин кечада нимадандир чўчиб уйғониши. Бир қарашда, Зайнаб кампир кўнглида ҳам табиатдаги каби осудалик ҳукм суриши лозимдек. Айни шу номутаносиблиқ, кутилмаган зиддият ровийни билишга ундаланидек, бу табиий эҳтиёж ўқувчига-да юқади. Кўлланган усул самараси шундаки, у ўқувчи диққатини жамлаб, тасвирланажак воқеани қабул қилишга эмоционал жиҳатдан ҳозирлайди.

Кампирнинг иккинчи бор "кўнгул бузатурғон йиғи товуши"дан уйғониши ровий ҳам ўқувчи излаган сабабни кўрсатади аслида. Лекин энди воқелик Зайнаб кампир нигоҳи билан кузатилмоқда, баски, энди унинг учун кутилмаган нарса юз бермоқда: "Ҳамма тинч, роҳат уйқуга толғон бир замонда қалбини яралаб йиғлагувчи қандай баҳтсиздир?". Қаҳрамонни ўйлатган бу жумбок ровийни ҳам, ўқувчини ҳам бирдек ўйлатади: ҳар уч нигоҳ яна бир фокусга йиғилади. Зайнаб кампир турли тахминлар қилиб кўради: гоҳ у қўшнисининг қизи, гоҳ бу қўшнисининг келини, гоҳ эса "ҳавли этагига келган парилар" йиғлагандек бўлиб туюлади унга. Кампир йиғлагувчининг ўз келини бўлиши эҳтимолини хаёлига ҳам келтиролмайди, чунки унинг "уй-жойи, кийим-кечак — ҳамма нарсалари тайёр. Новдадек куёв ёнида..." Кампирнинг осуда кечада чўчиб уйғониши ровий наздида қанчалик нотабиий бўлса,

йиғлагувчининг ўз келини бўлиб чиқиши кампир учун ундан-да нотабийй, кутилмаган ҳолдир. Энди кампирда ҳосил бўлган билиш истаги ("Келин, сиз йиғладингизми?") ўқувчи ва ровийга кўчади. Аслида буларнинг бари ўқувчини сюжетдаги бош бурилиш, энг муҳим кутилмаганликни қабул қилишга тайёрлаш учун зарур эди. Зеро, кампирнинг хушламайроқ, очиғи душманона кайфиятда бўлиб ("Олмай қодиржон ўлсун, Бермай отаси, Ўсдурмай онаси!..") тургани келинига ҳамдард бўлиб қолиши унинг ўзи учун ҳам, ровий ва ўқувчи учун ҳам бирдек кутилмаган ҳолдир.

"Ойдин кечаларда"ни новеллистик ҳикоя дер эканмиз, биз унда ровий тутган мавқедан келиб чиқдик. Юқорида юритган мулоҳазаларимизга таянган ҳолда, новеллистик ҳикоянинг композицион қурилиши: 1) ровийнинг холис "кузатувчи" мавқеида туриши; 2) ҳикоя қилинаётган воқеанинг юз бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақтининг бир-бирига мослиги; 3) "саҳнавийлик" — ўқувчи наздида ҳаёт саҳнасида кечаётган воқеани томоша қилаётганлик иллюзиясининг ҳосил қилиниши; 4) сюжетнинг шиддатли ривожланишию кутилмаган бурилишларга эгалиги билан ажралиб туради, деган холосага келишимиз мумкин. Албатта, бу хусусиятларнинг мавжуд бўлиши учун новеллистик ҳикояда биргина воқеа — "ҳаётнинг бир парчаси" поэтик жонлантирилиши тақозо қилинади. Кўриб турганимиздек, миллий насрчилигимизда эпос ва драмага хос кучли жиҳатларни ўзида омихта этган новеллистик ҳикоянинг қарор топишида Чўлпоннинг хизмати каттадир. Адибнинг "Ойдин кечаларда" ҳикояси новеллистик ҳикоянинг адабиётимиздаги илк ва мумтоз намунаси саналиши мумкин.

Маълумки, ҳикоя жанрининг такомили жараёнида очерклилик ва новеллистиклик хусусиятлари аввалига ўзаро фарқланиш ("тезис — антитезис") йўлидан борган бўлса, кейинча бир-бирини тўлатиш, бойитиш ("синтез") йўлидан бордилар. Бу хил қоришиқлик Чўлпоннинг аксарият ҳикояларига хосдир. Бунинг ёркин мисоли сифатида "Қор қўйнида лола" ҳикоясини келтиришимиз мумкин. Ҳикоянинг ҳар бир қисми алоҳида олинса, тасвир манераси "Ойдин кечаларда"да кўрганимиз каби: воқеаларнинг кузатувчиси мавқеида турган ровий ўқувчи наздида "саҳнавийлик" иллюзиясини ҳосил килади. Бироқ ҳикоя асосида биргина воқеа (бир жойда ва узлуксиз вақт давомида кечаётган) эмас, бир-бирига боғлиқ бир неча воқеа ётади. Ҳикояда тасвирланаётган воқеаларнинг юз бериш вақти билан уларни ҳикоя қилиш вақти бир-бирига мос тушмайди. Шунга кўра, бундаги ровий мавқеи ўзгачароқ: у ҳар бир икир-чикирдан хабардор, ҳар ерда ҳозиру нозир. Ҳикоя бутунича олинса, ровий юз бериб бўлган воқеа ("мен — ўтмиш") ҳақида ҳикоя қилаётгани англашилади. Драматик асарга қиёс қилсак, "Ойдин кечаларда" — бир пардалиқ, "Қор қўйнида лола" бир неча пардалиқ пьесадек таассурот қолдиради. Кўрамизки, ҳикояда очерклилик ва новеллистиклик хусусиятлари ўйғунлашмоқда, яъни, "Ойдин кечаларда"да воқеа **тасвирланган** бўлса, "Қор қўйнида лола"да драматик унсурлардан фойдаланилган ҳолда **ҳикоя қилинаёттир**. Айтиш керакки, Чўлпоннинг аксар ҳикоялари("Новвой қиз", "Клеопатра", "Оқподшонинг инъоми")ни композицион хусусиятларига кўра учинчи — синтетик типга киритишимиз мумкин.

Чўлпоннинг насрый асарлари орасида "Нонушта" номлиси борки, у ўзининг жанр-композицион хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Унда ҳам адаб, худди "Ойдин кечаларда"да кўрганимиздек, ҳаётнинг бир парчасини қаламга олади. Бироқ "Ойдин кечаларда"да конфликтли ҳолат асосида ривожланувчи сюжет бор эдики, у ўша ҳаёт парчасини **воқеага**, демакки, асарнинг ўзини **эпик ҳикояга** айлантиради. "Нонушта"да эса конфликтли ҳолат ҳам, унинг асосида юзага келувчи воқеа ҳам мавжуд эмас — унда ҳаётнинг бир парчаси шундоққина жонлантирилadi гўё. Р.Уэллек ва О.Уорренлар америка новеллачилигида "объектив тасвир"га интилиш кучайганию асарлар тамомила диалоглардан ташкил топиб бораётганидан келиб чиқиб, "пъеса-ҳикоя" деган атамани қўллаган эдилар.<sup>1</sup> Ўйлашимизча, шу атамани шартли равишда Чўлпон асарига нисбатан-да қўллашимиз мумкин. Шартли дейишишимизнинг боиси шундаки, "пъеса-ҳикоя"да ҳам муйаян конфликтли ҳолат асосида воқеа (ёки тема) ривожлантирилadi, "Нонушта"да эса, айтиб ўтганимиздек, бу нарса йўқ — оддий ўзбек хонадонидаги аёлларнинг нонушта ҷоғидаги гап-сўзлари қаламга олинган, холос. Табиатан изланувчан, янгиликка ўч ижодкор бўлмиш Чўлпон хорижий адабиётлардаги янгиликларни қизиқиши билан ўрганиб, уларни ижодий (таъкидлаймиз – **ижодий**) ўзлаштирган ҳолда миллий адабиётимизга олиб киришга интилган эди. "Нонушта"да ҳам, ўйлашимизча, шу хил ижодий ўзлаштириш излари йўқ эмас. Маълумингизки, XIX аср охири XX аср бошлари европа ва рус адабиётида натуралистик қарашлар таъсири анча кучли эди. Натуралистлар асарда бадиий воқелик яратиш эмас, реал воқеликдаги нарса-ходисаларни асарга кўчириш зарур, деб ҳисоблаганлар. Ҳаётни борича ва ўзгаришсиз тасвирлаш эса, айниқса, кичик жанрларда қулайроқ кечганидан натуралистик адабиётда ҳикоя, этюд, очерк каби жанрлар кенг ишланганди. Бунда ҳаётнинг бир парчасини олишу ундаги ўзгаришларни лаҳзама-лаҳза ("секунд услуби")<sup>2</sup> тасвирлаб боришлик мумкин бўларди. Табиийки, натуралистик адабиётнинг тасвир техникасига хос хусусиятлар реалистик адабиётда ҳам муваффақият билан қўлланиши ва яхшигина бадиий-эстетик самара бериши мумкин эди. Эҳтимол шуни чукур ҳис қилганидандир, Чўлпон бир қатор асарларида(қисман "Ойдин кечаларда", "Нонушта", "Сени кўп кўрмасин") шу хил тасвир манерасини синаб кўрмоқка жазм қилган кўринади. Албатта, бу йўлдан боришиликнинг хавфли бир томони бор: санъатдан йироқлашишу оддий нусхакашга айланиб қолишилик ҳеч гап эмас. Бироқ, шуниси таҳсинга лойиқки, Чўлпон ўзининг санъаткорлигини асло унугтан эмас. Ҳаётнинг бир парчасини қаламга олибок ундан катта бадиий ҳақиқатларни инкишоф этишилик, шу мўъжаз парчанинг ўзига олам-олам маъноларни муҳрлаб қўймок учун ижодкорда ўткир санъаткорона нигоҳ, юксак бадиий дид бўлмоғи керак. Зоро, бу ўринда ҳаётнинг исталган парчасини эмас, — қуюқлашган ҳаётий мазмун ва турфа ҳисларга бениҳоя тўйинган, "мағзи тўқ" парчани ажратиб ола билиш талаб қилинади санъаткордан. Ҳатто, айтиш мумкинки, бу ўринда

<sup>1</sup> Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы.- М.,1988.- С.245

<sup>2</sup> Қаранг: Адмони В.Г. Поэтика и действительность.- М.,1978.- С.23-26

ўшандок парчани ажрата билишнинг ўзи — санъаткорлик, қолгани эса маҳорат масаласига тааллуклидир "Нонушта"нинг муаллифи ўзида шу икки жиҳатни уйғун бириктира олгани учун ҳам асари санъатга алоқадордир. "Нонушта" ҳақида фикр билдирган Н.Владимирова унда адебнинг миллий характер яратиш, персонажлар рухиясини очишу бадиий тил имкониятларидан фойдаланиш бобидаги маҳоратини яхши очиб беради.<sup>1</sup> Мунаққиднинг тўғри таъкидлашича, "кундалик турмуш илк бор Чўлпон ҳикояларида бадиий инъикос объектига айланди". Дарҳақиқат, "Ойдин кечаларда", "Сени кўп кўрмасин" ҳикояларида ҳам "кундалик турмушни поэтиклаштириш" кузатиладики, Н.Владимирова Чўлпон ҳикоялари поэтикасига хос хусусиятлардан бирини нозик илғаб олган. Шу ўринда олиманинг "оддийгина кўринган кундалик турмуш тасвири миллий ҳаёт образига айланади", деган хулосасига ҳам тўхталиб ўтиш зарурати юзага келади. Гап шундаки, ўша образ воситасида айтилаётган фикр, ифодаланаётган бадиий концепция масаласида турличалик мавжуд. Хусусан, профессор О.Шарафиддинов муаллиф нигоҳи "ўзбек хонадонининг ичкариси"га қаратилганини таъкидлайдики, ундаги аёллар "катта ҳаётдан ажралган холда, тўрт девор ичида, фақат бир-бирларининг дийдорларига термулиб, бу дунёнинг хузур-ҳаловатидан, роҳат-фароғатидан маҳрум холда умргузаронлик қилишга мажбур. Шу бўғиқ диққинафас мухит улардаги фазилатларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймайди, аксинча, уларни бир-бирларининг тагига сув қўйишдан тоймайдиган, бажону дил ғийбат билан шуғулланадиган бачкана кимсаларга айлантиради".<sup>2</sup> Бир қарашда иккала олим бир асарни турлича, тўғрироғи, тамомила қарама-карши талқин қилаётгандек. Бироқ, аслида, бу икки қарашнинг бирлаштирилгани мақбулроқ бўлади. Зоро, Н.Владимирова "Нонушта"нинг тасвир планидан келиб чиқиб фикр билдиrsa, О.Шарафиддинов асарнинг яхлит бутунлиги, муаллифнинг "композицион тафаккури"ни эътиборга олган холда хулоса чиқаради. Дарҳақиқат, Чўлпон нигоҳи тушган ҳаёт парчасида "миллий турмушнинг ботиний поэзияси"(Н.Владимирова)га эмас, маънан мажруҳ этувчи биқиқликка ургу беради. Фақат мазкур ургуни илғаб олиш учун ҳикоянинг сехридан халос бўлмоқ, унинг лирик кайфиятидан чиқмоқ зарур кўринади. Шундагина асарнинг қандай бошланса ўшандай якун топиши — айланма композиция бу хил "нонушта"ларнинг кундан-кунга, йилдан-йилга якнав такрорланишига, "ичкари"нинг ҳаёти олдинга қараб эмас, тор айлана бўйлаб ҳаракатланишига ишора қилишини сезиш мумкин бўлади. Асар композициясининг муайян ғоявий-бадиий ниятни кўзлаб шу тартиб қурилганини эътиборга олсак, унда воқеабанд сюжетнинг мавжуд эмаслиги ҳам шу ният билан боғлиқ эканлиги англашилади. Яъни, сюжетнинг ўзига хослиги — воқеанинг мавжуд эмаслиги аёллар ҳаётининг туссизлигини ифодалаш воситаларидан бири бўлиб қолади.

Чўлпон ҳикоялари воқеликка муносабат турига кўра-да турфа хил: уларда кўнгилларни сел қилгувчи сентименталликдан заҳарли киноягача, дилларни майин

<sup>1</sup> Н.Владимирова. Чўлпон – ҳикоянавис//Чўлпоннинг бадиий олами.- Т.,1994.- Б.109-112

<sup>2</sup> Шарафиддинов О. Чўлпон.- Т.,1991.- Б.59-60

титратувчи лириклиқдан ўртовчи фожеликкача — баридан бор. Шу ўринда адибнинг ҳажвий ҳикоялари хусусида ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиз. "Муштум" журналида эълон қилинган "Тараққий" ҳикояси, айтиш мумкинки, кулдириб йиғлатадиган, йиғлатиб кулдирадиган асардир. Бизни Чўлпоннинг бу хил "жиддий кулгиси" сабаблари, уни ҳосил қилиш йўллари қизиқтиради. Ўзининг илк ҳикоялари ("Курбони жаҳолат"даги Мўминжон), публицистик чиқишлари ("Ватанимиз Туркистонда темир йўллар")даёқ Чўлпон ёшлар маънавияти, дунёқараши масалаларига қизиқсан, уларнинг аксариятида ижтимоий инертилик, сиёсий калтабинлик, худбинлик каби иллатларни кузатиб ўртанган эди. Орадан қарийб ўн йил ўтганидан сўнг ҳам Чўлпон атрофида ўшандай ёшларни кўради — уларни ижтимоий сатира тифига нишон қиласди.

Ҳикояда ривоя биринчи шахс — муаллиф қарашларини ифо-даловчи персонаж тилидан берилади-да, бошқа персонажлар — Илҳом билан Салоҳ — унга қарши қўйилади. "Шунинг билан тараққий қилиб бўлурми?" деган риторик савол эпиграф қилиб олинганки, ҳикояни ўқиш давомида ўқувчи унга яна уч бора дуч келади. Оврупо маданиятига кўр-кўrona тақлид қилувчи улфатлари "картина"га, циркка ёки "городской сад"га бориши таклиф килганларида ровий-персонаж Сўфи бобонинг олдига бориб "ўрус келди" воқеаларини эшитиш таклифини киритади. Илҳом билан Салоҳ "эски мияси чуруган бобойлар"нинг лақиллашларини эшитиш билан тараққий қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Бу ўриндаги дунёқарааш зидлиги комизмни юзага чиқармайди: адаб миллий заминдан узилиб қолган, ўзларига "ким эдик, ким бўлдик" деган саволни беришдан ожиз худбинларни фош этади, холос. Кейинроқ, "городской сад"да улфатлари ўтган-кетган қиз-жуонга гап ташлаётган чоғда, ровий-персонаж яна уларга зид иш тутади: уялиб-тортиниб туради. Унинг бу туриши яна улфатлар ғасига тегади: "Шунинг билан тарракқий қилиб бўлурми?" Бу ўриндаги маънавий-ахлоқий сатҳда олинган контраст ҳикоя якунида янада кучайтирилади. Улфатлари "ов" қилиб берган қиз билан-да уддалаб гаплашолмагач, Илҳом портлайди: "Шунинг билан тараққий қилиб бўлурми?" Кўрамизки, ҳикоя контрастлилик асосига қурилган, боз устига, зиддиятлилик босқичма-босқич кучайтириб(градация) борилади. Албатта, кулги ҳосил қилишда, ҳикоянинг ғоявий мазмунини очишда бу икки усулнинг ҳам муҳим роли бор. Айни пайтда, улар восита холос, комизмни юзага чиқараётган нарса — бошқа. Зоро, ҳикояда тасвирланаётган ҳаётий ҳолат эмас, персонажлар комик характерга эгадирлар. Ўзларини маданиятли, тараққиёт учун куйинаётган кишилар деб ҳисобловчи Илҳом билан Салоҳ аслида маънан мажрухлар, ўзлигини унутиб миллий заминдан узилганлари ҳолда ўзга заминга ҳам оёқ қўёлмаганлар — муаллақ қолганлар. Бу икки улфатнинг ўзлари ҳақидаги тасаввuri билан моҳияти орасидаги зиддиятдан чинакам ижтимоий аҳамиятга молик комизм юзага келади. Кейинроқ жамиятимизда анча оммалашган манқуртлик касалининг белгиларини Чўлпон ўз вақтидаёқ илғаганки, заҳарханда кулги воситасида уни инкор қилмоққа интилади.

"Оқподшонинг инъоми" ҳикоясида тасвирланган персонажлар эмас, ҳаётий ҳолат(воқеа)нинг ўзи комик характерга эга. Латифанамо сюжет асосига қурилган мазкур ҳикояда кулги қутимаганлик эффекти асосида ҳосил қилинади. Ҳикоянинг насрiddиннамо қаҳрамони уста Тўхташ — зехнли, зукко, ҳангоматалабу ҳозиржавоб одам. "Маскавдаги виставка" ҳақида масжида хабар топгач, уста унда иштирок этиш ташвишига тушади: зудлик билан "аслига қараганда икки-уч баравар зўр" ёғоч ковуш ясаб, унинг бир пойини чала елимлайди. Уста Тўхташнинг хаёлида: "Оқподшо кўради. Бу мамлакатдаги фуқароларнинг шунчалар йўғон оёкли бўлишидан қотиб-қотиб қулади. Эҳтимол кийиб қўргиси келади... Кийиб кўради. Бир-икки қадам босар-босмас "тап" этиб йиқилади. Бир кулги беради... Шундан кейин инъом ковушнинг ўзидан ҳам катта бўлади". Бир қарашда устанинг ўйлари хом хаёлдай туялар, лекин уларни буткул асосиз дейиш ҳам қийин: ғаройиб ковушнинг томошабин диққатини тортиши тайин, маълум шарт-шароитларда кейинги ишларнинг уста ўйлаганича бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, амри вожиб бўлиб турган одам ҳушига келиб қолса нималар қилмайди дейсиз?! Яъни, бу ўринда бор гап "виставка"га келиши мумкин бўлган оқподшонинг қай тарзда ўйлашида: оддий одам мавқеидами ё давлат миқёсидами? — шунда холос. Буни эътиборда тутган китобхон уста Тўхташ, унинг оиласи, қўйинг-чи, бутун қишлоқ билан бирга катта инъом кутса ажаб эмас. Бироқ, уста Тўхташнинг "қора баҳтига", виставкага келган қари амалдор давлат миқёсида ўйлайди: "Бунинг саноатда аҳамияти қандай?"- ва шундан келиб чиқиб инъом берилади. Катта инъом кутган уста Тўхташнинг бор пулини суюнчига қоқишириб бергач "испасиба" эшитиши ўзига хос бир портлаш — кулги портлашидир. Ҳикоянинг давомида энди уста Тўхташнинг сўзамоллиги иш беради. Ўзбек тилини яхши биладиган губернатор муовинига: "Тақсир, оқподшонинг бу катта инъомлари мендек факир одамга оғирлик қилиб қолди... Шу учун сизга олиб келдим", - деганида амалдор завқланиб қулади-да, 200 сўмга чек ёзиб беради. Уста Тўхташнинг сўзамоллиги, чигал шароитдан фойда билан чиқа билиши латифаларимизнинг доимий қаҳрамони Хўжа Насриддинни эслатади. Бу бежиз эмас, албатта, Чўлпон ҳалқ оғзаки ижодига, хусусан, қизиқлар ижодига ҳавас билан қараган санъаткор эди. Адиганинг уста Тўхташга муносабати самимий: унинг топқири зукколигига ҳавас қилади, фақат бир жиҳати — шунчалар ақлу заковати билан подшолардан умидвор бўлиб юрганига қулади. Айниқса, устанинг қўлига пул тушиши биланоқ яна уйланиш ҳаракатига тушгани, пулнинг бошқа — оқилона сарфини тополмаганини, тўғрироғи, ўйламаганини маъқулламайди, холос. Кўрамизки, Чўлпон "Тараққий"да ўзи тасвирлаган характерларни *гражданлик* мавқеидан туриб баҳолаган ва ғоявий-ҳиссий инкор қилган бўлса, "Оқпошонинг инъоми"да уста Тўхташни *маънавий* жиҳатдан баҳолайди, қаҳрамонидаги айрим иллатлардан енгилгина кулади. Шу боис ҳам адид мазкур ҳикоянинг жанрини "кулги ҳикоя" деб белгилайди, зеро, у сатира ва юмор орасидаги фарқни теран фарқлайди.

Чўлпон ҳикояларида кузатганимиз жанр хусусиятларининг ранг-баранглиги унинг очеркларига ҳам хосдир. Чўлпон ижодида очерк жанрида ёзилган асарлар

салмоқли ўрин тутадики, бу бежиз эмас, албатта. Мутахассислар фикрича, миллий адабиётлар тарихида очерк жанрининг гуллаб-яшнаши мавжуд ижтимоий муносабатларнинг емирилиши ва уларнинг ўрнида янгиларининг шаклланиши даврларига тўғри келар экан.<sup>1</sup> Маълумингизки, Чўлпон ижодий фаолияти — хоҳ инқиlobгача ва хоҳ ундан кейинги даврни олинг — айни шундай даврларга тўғри келади. Безовта қалбнинг тинчий олмагани, ўзини ўртаган муаммоларни англаш, уларни омма билан ўртоқлашиш эҳтиёжини ҳар дам туюб яшагани ҳам шундандир, эҳтимол.

Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган илк асарларидан бири —"Баҳор авваллари" номли этюд (бадиий-публицистик лавҳа) унинг очерк жанридаги илк машқларидан саналиши мумкин. Ўн етти ёшли муаллиф воқеликка бир қур назар ташлайди-да, нигоҳига илинган нарсаларни шошиб қаламга олади: гўё у рассому ижтимоий ҳаётнинг муайян лаҳзасини матода қотириб қўйишга шошилаётгандек. Муаллиф нигоҳи табиатдан дехқонларга, улардан маҳаллий бойларга, кейин толибу мударрисларга, ниҳоят, "хушёқмас ҳалқ"қа кўчади — уларнинг биронтасида узоқроқ тўхтамайди. Шу боис ҳам "Баҳор авваллари" парчалардан таркиб топган мозаикадек таассурот қолдиради кишида: парчалар орасидаги чоклар аниқ равshan кўзга ташланади-ю, лекин бир бутунлик юзага келаверади. Бутунликни таъминловчи унсур эса — муаллиф нигоҳи, унинг воқеликка муносабати. Дарвоке, муаллиф муносабати ҳам қўш қиррали — лирик ва киноявий. Табиатдаги жонланиш ҳақида гап кетганида лирикликка йўғрилган ифода жамият ҳақида сўз юритилганида киноявийлик касб этади:

Ичинг чой, ўлтурунг беҳуда ғийбат сотуб, эй ҳалқ,

Келур қишиш бир вақт, қолмас сизга бу давру давронлар.

Аввало, тескари маънодаги чақириқ(кинояниянг бир тури — антифразис) нафақат табиат баҳори, ижтимоий ҳаёт баҳорини-да ғафлатда ўтказмасликка ундаётганини қайд этиш лозим Зеро, давр контекстида айни шу маъно муаллиф учун бирламчидир. Иккинчидан, "Баҳор авваллари"нинг ҳар бир композицион бўллаги шеърий мисралар билан якунланадики, бу Чўлпон анъанавий насримиз, хусусан, дидактик асарларга хос усулдан фойдаланганини кўрсатади. Айтиш керакки, анъанавий шаклдан фойдаланган адиб унга янгича мазмун бағишлиди: шеърий парчаларнинг ғоявий-бадиий функциясини тубдан ўзгартиради. Агар дидактик насрчилигимизда шеърий парчалар айтилган фикрларни жамлашу лўнда ифодалашга хизмат қилган бўлса, Чўлпон улардан ўзи тасвирлаётган нарсага ғоявий-ҳиссий муносабатини ифодалаш учун фойдаланади.

"Баҳор авваллари"да кузатганимиз киноявий ифода йўсими ўзига маҳсус нуқтаи назар поэтиканини тақозо қиласи. Яъни, бу холда муаллифнинг четдан кузатувчи мавқеида туриши камлик қиласи, воқеликдан ҳар томонлама "юқори" туриши тақозо қилинади. Шунга кўра, Чўлпон ижтимоий ҳаётни "юқори"дан кузатадики, шу

<sup>1</sup> Поспелов Г.Н. Очерк//Литературный энциклопедический словарь.- М.,1987.- С.263-264

туфайлигина унинг нигоҳи лаҳзалар мобайнида у ижтимоий қатламдан бунисига кўча олади, шу мўъжаз парча орқали бутунга — Туркистон ижтимоий воқелигига яхлит муносабатини ифодалаш имконига эга бўлади.

Чўлпоннинг йўл очеркларидан бири — "Вайроналар орасидан" номли сафарномасида эса ўзгача ҳолга дуч келамиз: бунда муаллиф воқеликни "иҷдан" кузатади. Андижондан Ўш ва Жалолободга қилинган сафар давомида муаллиф ўзи гувоҳ бўлган энг характерли воқеаларни, кўзи тушган нарсаларни қайд этиб боради. Бироқ сафарномани фактларнинг оддийгина қайди дея олмаймиз, зоро, унда фактографик ва таҳлилий қатламлар ёнма-ён боради. Асар марказида турувчи сайёҳ-муаллиф образи икки қатламнинг уйғун бирикувини таъминлайди. Чўлпон келтираётган фактлар реалликдан олингани аён, бироқ буни натуралистик қайдлар маъносида тушунмаслик лозим. Фаол ижодкор шахс сифатида Чўлпоннинг ўз қарашлари, орзу-интилишлари, бир сўз билан, ижтимоий-эстетик идеали мавжуд эди. Демакки, танлананаётган фактлар ҳам ўша идеалга мос, биринчи галда адібнинг қарашларию хulosаларини ифодалашга хизмат қиласидилар. Шу маънода уларнинг аксариятини публицистик-иллюстратив образлар сирасига қўшишимиз мумкин.

"Вайроналар орасидан"нинг композицион қурилиши, бир томондан, сафарнома жанри талаби билан, иккинчи томондан, ундаги таҳлилий қатламнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Сафарнома жанри талабидан келиб чиқсан ҳолда макон ва замон ўзгаришларининг қатъий тартиби сақланган. Бироқ бу йўллардан илгари ҳам кўп бор юрган сайёҳ мушоҳадаси ҳозирги мавжуд фактлар билангина қаноатланмайди: у ўзи билган ўтмишга бот-бот қайтади, чоғиштиришга интилади. Юрт қайғусида яшаётган адид тафаккури вақт чегараларини бузиб юборади. Адид бирон фактни келтирад экан ўтмишни эслайди, муқояса қиласи, унинг ўйлари қатида эса доимо келажак ташвиши ботин бўлади. Фикримизни асослаш учун сайёҳнинг биргина фактни қай тарзда мушоҳада этишига эътибор берайлик. Хўжаобод қишлоғи яқинида "Фарғонанинг машхур қорунларидан яхудий симҳоевлар"нинг пу-лию ҳийла-найранглари билан барпо этилган боғ ҳакида қўйи-дагиларни ўқиймиз: "Кўп мевали дараҳтдан иборат бўлғон ул кенг боғни жуда кўп, ҳадсиз-хисобсиз керак кўчатлари бор экан, ғалати овруповорий иморатлар, гулшанлар ясалган. Неча юзлаб қўй, неча ўнлаб молсийирлар, яхши хўкузлар неча жуфт отлар турғонлар, дехқончилик асбобларининг ҳам ҳар хили бўлғон.

Бу, албатта, илгари вақтда, мана бу кичик урушлар вақтида боғча тамом ишдан чиқиб, бир чакалакзор бўлиб қолғон. Иморатларини истеҳком ясад олиб босмачилар билан аскарларимиз, аскарларимиз билан босмачилар отишқонлар. Ҳисобсиз милтиқ тешиклари яқин замондаги даҳшатлик дамларни эсга солуб, масхара қилиб турадурлар...

Илгари тубжой ҳалқидан бир неча киши боғни ҳукуматдан ижарага олғон эканлар. Кейинги вақтда ҳукумат ул ижаравилардан қайтариб олуб, "қишлоқ союзи" деган ташкилотга берган. Бу ташкилот зироат мухандислари юборғон, хўжаободликлардан мардикор ёллаб, ишлатуб турадур. Биз ўтуб кетаётқонда бир неча

киши замбар тўкуб турар эди. Йиқилғон, бузулғон уйлар тузатилмакта бошлағон, боғчага ҳам чинакам бел боғлаб ишлаган кўринадилар".

Юртинг кеча ва бугунини қиёсларкан, адиб уруш келтирган вайроналикларни кўриб эзилади, уруш асоратлари бартараф этилаётганини, яратиш даври бошланаётганини кўриб дили таскин топади. Бироқ йўл давомида дуч келгани айrim фактлар уни чинакам ташвишга соладики, уларни келтириш билан ўқувчини юртинг эртаси ҳақида жиддийроқ мушоҳада қилишга ундейди. Чўлпон Хўжаобод пахта пунктида "бир Зубов деган ҳазиначи бор экан, унинг энг ширин гапи қўча сўкишларининг ўртачароғи экан" дея аламли истехゾ билан ёзади. Муаллиф Зубовнинг маҳаллий аҳолига ҳақоратомуз муомаласи ҳақида хабар бераркан, қизик бир фактни газетхон эътиборига ҳавола қиласди. Гап шундаки, маҳаллий аҳоли шикоятларига асосан Ўш ҳукумати (яъни, ўша пайтдаги уезд ҳукумати) Зубовни чақиртирганида, у "иш вақти боролмайман" дейди-да, бормай қўяқолади. Қизиги шундаки, "пахта маъракасига зарар қилмасин, деб Ўш ҳукумати ҳам ўзича бир нарса қилмасдан, музофот маҳкамаларига ҳавола қилибдур". Кўрамизки, бу ўринда Чўлпонни оддий бир кассирнинг маҳаллий ҳукуматни менсимаслиги эмас, ўша ҳукуматнинг кассир "улуғ оға"лардан бўлғанлиги учун-да ҳеч бир таъсир қилолмаслиги ҳайратга солади. Боз устига, уезд ҳукумати пахта кампаниясига зарар етишидан қўрқиб масалани юқорига оширап экан, демак, юқори идоралар аввало пахтани талаб қиласди, уни етишираётган халқ шаъни эса иккинчи даражали масала. Шу ўринда сатр орасида Чўлпоннинг "бу мустамлакачилик сиёsatининг айни ўзи эмасми?!" деган ташвишли саволи кўзга ташланади. Зоро, муаллифнинг умиди ҳам шу аслида: у ўзи айтмаган, айттолмаган гапларни зийрак газетхон **уқиб** олишига ишонади. Қизиги шундаки, адиб бунга ўхшаш фактларни келтирганида, боғ мисолида кўрганимиз "ўтмиш — ҳозир — келажак" силсиласидан фақат "ҳозир"ни олади. Юқоридаги схема асосида мушоҳада юритиб келаётган газетхон беихтиёр яна ўша йўсинда ўйлай бошлайди, етишмаётган халқаларни ўзи топиб, тўлдиради. Кўрамизки, асарнинг композицион қурилишидаги ўзига хослик муаллиф кўзлаган ғоявий-бадиий ният билан изоҳланар экан.

Чўлпоннинг "Йўл эсталиги" номли сафарномаси борки, унинг жанрини бу хил белгилашимизда шартлилик улуши кўпроқ. Сабаби, асарда йўл очеркига хос асосий жиҳат — кўрилган нарса-ҳодисаларни маконий ўзгаришларга мувофиқ тарзда тасвирлаб боришилик йўқ. "Йўл эсталиги"да йўлда кўрилган нарса-ҳодисалар тасвири ёки тавсифи эмас, сайёҳ руҳиятидаги ҳис-туйғулару ўй-фикрлар курашининг тасвири бирламчидир. Шу боис ҳам муаллиф йўлда кўрилган нарса-ҳодисалар, манзилларни конкретлаштирумайди — улар кечинмаларга туртки беришу ўзни англаш ва ифодалаш учунгина керак. Шуни эътиборга олган ҳолда "Йўл эсталиги"ни лирик турга мансуб, дейиш мумкин(фикримизча, асар ўзининг жанр эътибори билан кўпроқ "лирик поэма"га яқин. Шундай бўлса-да, бир томондан, унинг ташқи шаклий хусусиятлари йўл очеркига хослиги, иккинчи томондан, муомалада қулайликни кўзлаб "сафарнома" тарзида номлаб турамиз). Асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда рамзий-

мажозий ифода йўлидан борилган. Дейлик, табиат тасвири лирик-романтик рухга йуғрилгангина эмас: унда гоҳ сайёҳ қалби суратланади, гоҳо безовта қалб билан уйғунлик, гоҳ эса зидлашув кузатилади. Айтмоқчимизки, "Йўл эсталиги"да тасвирланаётган нарса билан ифодаланаётган нарса орасида бевосита алоқа мавжуд эмас (бу ҳақда тўртингчи бобда маҳсус тўхталамиз). Яъни, ифодаланаётган нарса бевосита тасвирдан ўсиб чиқмайди, у рамзлар қатида ботиндир. Аниқроғи, бевосита тасвирдан ўсиб чиқаётган мазмун ифодалаш кўзланган мазмунни пардалаб турди, ҳар иккиси мустақил холда яшайди. Юкоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадики, жанр рамкалари Чўлпоннинг ижодий изланишларига раҳна сололмайди, у жанр доирасида тамомила эркин сезади ўзини. Айни шу маънодаги ички ижодий эркинлик сабаб бу асарлар бир-биридан муаллиф тутган мавқе, тафаккур тарзи, воқеликка муносабат тури, ифода ва тасвир йўсини каби муҳим кўрсаткичлар бўйича жиддий фарқланади, уларнинг ҳар бири бетакрор оригиналлик касб этади.

Чўлпон насли билан озми-кўпми танишган киши унинг чин маънода шоир прозаси эканига амин бўлади. Зеро, бу асарларнинг қат-қатига сингиб кетган лиризм, лирик тафаккур ҳар лаҳза шеър ифорини таратиб турди. Бугина эмас, Чўлпон меросида "Айрилиқ йўли", "Чопон ва паранжи", "Қурбон", "Салом сенга" каби қатор асарлар ҳам борки, улар том маънодаги лирик ҳодиса — наслий шеърлардир.

Кези келганда яна бир нарсага диққатни жалб этиш жоиз. Чўлпоннинг вақтли нашрларда эълон қилинган аксар шеърлари унинг ўзи тартиб берган тўпламларига киритилмаган. Диққат қилинса, тўпламларга киритилмаган шеърларнинг кўпчилигига очик-ошкор публицистика, декларативлик устунлигини сезиш қийин эмас. Ўйлашимизча, ҳассос шоиримиз шеъриятга юксак талаблар билан ёндошгани учун ҳам **публицистик рух-ла йўғрилган шеърлар** билан **шеърий шаклдаги публицистикани** фарқлаган. Адабнинг наслий шеърларида ҳам публицистик рух устивор, бироқ уларни лирик ҳодиса деб атаемиз. Негаки, уларнинг лирик қаҳрамони — замонасининг долзарб муаммолари ҳақида ўйлаётган Чўлпон учун шахсийлик ва ижтимоийлик чегараси мавжуд эмас: миллат, юрт қайғуси унинг қалбида обдон қайнаб, дил қонига тўйингачгина бўғзига бир фифон, хайкирик бўлиб чиқади. Табиийки, бу қайнок туйғуларни тафтини кетказмай ифодалаш учун ўзига маҳсус шакл зарурдирки, Чўлпон бунинг-да энг оптималь йўлларини излайди.

20-йилларнинг аввалида Фарғонада юз бермиш даҳшатли очлик муносабати билан ёзилган "қурбон" номли наслий шеър юкоридаги фикрларимизни асослашга хизмат қила олади. Чўлпон шеърни композицион жиҳатдан уч қисм(шартли равища "банд")га ажратган. Унинг биринчи қисмида Арабистон манзаралари чизилади:

"Қон, қон, қон!

Бечора қўй қассобнинг омонсиз панжасига тушгандир.

Қайроққа тилини суркаган ўткур пичоқ қўйнинг бўғузига тақалмишdir.

Аллоҳу Акбар!"

Адаб олис Арабистоннинг муқаддас заминида, ҳаж мавсумида юз бераётган қурбонлик келтириш маросимини тасвирлаш мақсадини кўзламайди — бу

тафсилотлар унинг учун медитатив мушоҳада воситаси, холос. Худди шунингдек, иккинчи "банд"да берилган "Иссиқ Арабистондан мингларча чақирим узоқда" — Туркистонда содир бўлаётган хунрезликлар тафсилоти ҳам — восита. Мазкур тафсилотлар унинг мушоҳада кўламини кенгайтиради, Фарғонадаги очлик муаммосини кенгроқ доирада олиб қараш имконини яратди. Дастребки икки "банд"нинг медитатив хулосаси сифатида учинчиси туғилади:

"Арабистоннинг юксак тоғларида, қизғин тошларининг устида мингларча қўйлар кесилалар, сўйилалар, бўғизланалар-да... чукурға ташланалар!"

Шунча қурбон, шунча олинғон жон, шунча сўюлғон ҳайвон бир мўмин-мусулмонни очликдан кутқара олмайдир.

Бир ёқда нимагадир, нима учундир қўй сўялар, қўйнинг гўштини, ёғини ерларга ташлайлар.

Бир ёқда нимагадир, нима учундир шу динга ишонган бечоралар очликдан қўй каби кирилалар, кўчалар, толалар ва чўлларга ташланалар ..."

Кўриниб турибдики, "Қурбон" мазмун моҳияти билан Чўлпоннинг мазлум Шарқ мавзусида ёзган дардли шеърларига эш бўлиб кетади. Шарқ халқларининг аянч ҳолати сабабларини шо-ир аввало жаҳолатда, ноаҳилликда кўради. Шуни ҳам айтиш лозимки, "Қурбон"дан дахриёна кайфият излаган хато қиласи, зеро, шоир мусулмонларнинг ўзаро ҳамжиҳат эмаслиги, бир-бирига ёрдам беришдан ожизлигини кескин тарзда ифодалайди, холос.

"Қурбон"нинг уч "банд"дан ташкил топишини айтдик. Шуниси ҳам борки, ҳар бир "банд" ўз ичида янада кичикроқ композицион бўлак — ҳар бири алоҳида абзац билан ажратилган гапларга бўлинади. Насрий шеърдаги ҳар бир гапнинг бу тартибда алоҳида ажратилгани унга ўзига хос хушоҳанглик баҳш этади. Албатта, шеърнинг ритмик-интонацион тархини белгилашда Чўлпон яна бир қатор стилистик усулларга ҳам таянади. Шу жиҳатдан биттагина гапни кўздан кечирайлик:

"Мингларча, юз мингларча кишилар бу ёқда  
иссиқ Арабистондан мингларча чақирим узоқда  
яна бир-бирларининг бўғизларига пичоқ тақағонлар,  
кўкракларига ўқ юборалар,  
бошларини қилич билан чопалар".

Гап шаклини аслидагидан ўзгартириб келтирдикки, бу таҳлилни анча осонлаштиради. Мазкур гап қурилишида кузатаётганимиз таъкидли такрорлар ("мингларча, юз мингларча"), градация ("ханжар тақағонлар... ўқ юборалар... қилич билан кесалар") ва синтактик параллелизм каби стилистик фигуralар шеърнинг бутун матнига хосдир. Агар биз юқорида бир сатрга жойлаган бўлакларни колон деб олсак, у ҳолда ҳар бир колоннинг тугалланишига ҳам эътибор бериш лозим. Чунки бир қарашдаёқ уларнинг ўзаро оҳангдошлиги — кофиялананаётганини кўриш мумкин. Шу ўринда "банд" масаласига қайтиш лозим. Маълумки, банд мазмун ва ритмик-интонацион жиҳатдан нисбий тугаллик, яхлит бир бутунлик касб этиши лозим. Хўш, "Қўрбон"да бандларнинг бу хил бутунлиги қандай таъминланади? Чўлпон "банд"ларни таркиб

топтиришида ҳам муайян тартибга риоя қиласи, албаттада. Биринчи "банд"ни олиб кўрайлик. Унинг биринчи жумласи:

"Қон, қон, қон!" – бўлса, охиргиси:

"Бу-да бир фалсафаи диний..."

Кўрамизки, биринчи ва сўнгти жумлалар ўзаро қофияланмасдан очиқ қолгани ҳолда, орадаги жумлаларнинг бари оҳангдош ту-галланади (тушгандир – тақалмишдир – Аллоҳу Акбар – қурбон этиладир – бўғизлайлар – ташлайлар). Айни шу хил тартиб шеърнинг бошқа бандларида ҳам сақланганки, бу бандларнинг ритмик-интонацион бутунлигини таъминлайди. Чўлпон ўзининг бошқа насрий шеърларида ҳам хушоҳангликни таъминловчи қатор усул ва воситалардан унумли фойдаланган. Демакки, шоир жанрнинг ўзига хослигини доимо ёдда тутган, ритм ва интонациянинг асарнинг ифода ва таъсир кучини оширишда нечоғли мухим эканлигини чукур хис қилган.

Чўлпон "Улуғ хинди" номли мақоласида: "эски адабиёт билан янги адабиёт ўртасида қолғон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир", – деб ёзади. Унинг фикрича, ўзбеклар "янгиликка эндиғина сукулуб кирмоқда. У адабиёт майдонидаги янгиликка нисбатан: ёш бола, гўдак, чақалоқ; эскиликка нисбатан: етим, кимсасиз, беспризорнўй, ўзбошли". Ижодининг аввалидаёқ шу хил "чучмал вазият"га тушган Чўлпон ўзининг бутун фаолияти давомида кўнгил майлига қулоқ тутди: "Кўнгил бошқа нарса — янгилик қидирадир!" Кўнгилнинг ушбу майли адабнинг чинакам ижодий кредити бўлиб қолдики, унинг кичик насрий асарларини кузатганимизда бунга яна бир каррадан амин бўламиз. Адабнинг кичик насрий асарлари бир-биридан адабий турга мансублиги(эпик ҳикоя, "пьеса-ҳикоя", насрий достон, насрий шеър), ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари (дидактик реализм, романтик, реалистик), сюжет-композицион хусусиятлари (тавсифий-ривоявий, новеллистик, синтетик), тасвир ва ифода қатламлари муносабати (автологик, мажозий, рамзий), реалликка ғоявий-ҳиссий муносабат тури (сентиментал, киноявий, юмористик, сатирик) каби қатор мухим жиҳатлардан фарқланадики, бу уларнинг поэтик ранг-баранглигини таъмин этади. Чўлпон бутун ижоди давомида янгиликка интилиб, изланиб яшади. Адаб учун тайёр қолиплар мавжуд эмас, унинг ҳар бир асарида янги бир усул ёки восита синаб кўрилган, шу боис ҳам ҳар бир асари — ўзига хос ҳодиса. Чўлпон ўзига замондош европа насрчилигига мавжуд ҳикоя, очерқ, насрий поэма, насрий шеър каби жанрларда қалам тебратаркан, уларнинг турли имкониятларини намойиш этишга интилди. Адаб асарларида кузатилган тасвирнинг етакчилиги, "нуқтаи назар"нинг ғоявий-эстетик мақсадга мувофиқ силжиши, мазмунни ифодалашда композиция ролининг кучайиши, сюжет қурилишида "кутилмаганлик эфекти"дан моҳирона фойдаланиш каби қатор поэтик хусусиятлар насримиз такомилида мухим аҳамиятга молик эди. Тажриба қилишдан, бу йўлда муваффакиятсизликка учрашдан чўчимагани учун ҳам Чўлпон адабиётимизнинг "чучмал вазият"дан чиқиб, ривожланишнинг янги йўлига киришида бекиёс хизмат қила олди. Шу жиҳатдан ёндошилса, Чўлпон ижоди

нафақат ғоявий, балки биринчи навбатда бадиий хусусиятлари билан катта аҳамиятга молик экани англашилади.

### **Чўлпон ҳикояларининг структурасига доир**

Яқин ўтмиш адабий меросига муносабат масаласи истиқлол арафаларидан бошлаб адабиётшунослигимизнинг марказий муаммоларидан бўлиб келаётгани маълум. Тарихга ҳакамлик қилишдек ўта масъул вазифани зиммага олган ҳолда қилган саъй-ҳаракатларимиз билан қатор адибу шоирларимиз ҳурмат шоҳсупасидан олинди, уларнинг ўрнига бошқалар чиқарилди. Чархпалак дунё, дейдилар: шу ҳикмат ёдга олинганда юқоридагига тескари жараён юз бермайди, дея ишонч билан айтишимиз қийинлашади. Нега? Оддийгина мисол: ўн-ўн беш йил давомида Чўлпон ҳаёти ва ижодига берилган баҳолар йилдан-йилга ўзгариб, ижобийлашиб («шўро тузумини қабул қилган» — «шўро сиёсатининг айрим томонлари билан келишолмаган» — «шўро тузумини қабул қилмаган») келади. Айни пайтда, "Чўлпон ҳам ўз вақтида шўроларни мақтаган-ку?" қабилидаги бирмунча асосли эътиrozлар ҳам тез-тез эшитилиб туради. Қизиқғи шундаки, адабиётшунослигимиз таянган тамойиллар кеча бирорни, бугун бошқасини ҳақ дейишга, кечагина қоралашга асос бўлган нарсага таяниб бугун мақташга имкон бера олар экан. Демак, борки иллат бадиий адабиётга ёндашишимизда ва, қўпчилик эътироф этаётганидек, уни ўзгартирмасдан туриб адабиётимизни холис баҳолашимиз душвор. Навбатдаги икки бобда бадиий адабиётга бадиий коммуникация воситаси сифатида ёндашган ҳолда шу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қиласиз.

Модомики, бадиий асарни бадиий коммуникация воситаси деб тушунар эканмиз, унинг табиатини бошқа коммуникатив восита — гап билан муқоясада ўрганиш қулай кўринади. Зоро, коммуникатив бирлик сифатида уларнинг қатор муштарак жиҳатларга эга эканлиги шубҳасизdir. Аввало шуки, сўзловчи гап воситасида ўзгалар билан мулоқотга киришганидек, ёзувчи ҳам асари воситасида ўқувчи билан мулоқотга киришади. Мулоқотга киришаётган шахс эса, маълумки, ҳар вақт учта асосий мақсадни кўзлади: а) репрезентатив — тингловчи(ўқувчи)га муайян информацияни етказиш; б) экспрессив — информацияга ўз муносабатини ифодалаш; в) апеллятив — тингловчи (ўқувчи)га муайян таъсир ўтказиш. Айтиш керакки, коммуникатив бирликда шу учала мақсад ҳар вақт ҳозир бўлгани ҳолда, ҳар бир конкрет бирликда улардан бири етакчилик қиласи. Юқоридагилардан англашиладики, гап билан адабий асар бажараётган бирламчи функция ҳам, уларни юзага келтираётган мотивлар ҳам ўхшаш экан. Демак, адабий асар билан гап ташкилланиши(структурат) жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин бўлиши табиий. Шу ўринда яна бир муҳим нуқтага дикқат қилиш зарур: адабий асарда ижодий жараён(ва айни шу жараёндаги ижодкор шахси) аксланганидек, гапда ҳам нутқий ситуация (ва шу ситуациядаги сўзловчи шахси) муҳрланади. Яъни ижодий жараён бадиий асарда, нутқий ситуациянинг бир

парчаси гапда предметлашади. Қараşларимизда айни шу нүкта айрича аҳамият касб этадики, унга урғу беришимиз бежиз эмас.

Адабиётшунос М.Бахтин "нұтқий жанрлар" ҳақида фикр юритаркан, "гап" тушунчасига энг оддий жумладан тортиб бутун бошли адабий асарларгача киритади ва уларни нұтқ жарёнидаги бир занжир деб ҳисоблайды.<sup>1</sup> Шундай экан, нұтқ жараёніда айтилган гап мазмунига сўзловчи бунга қадар айтган гаплар (кенгрөқ қаралса, сўзловчининг бу гап айтилгунга қадар шаклланган шахси) ҳам, мuloқot иштирокчилари бўлмиш ўзгалар томонидан айтилган гаплар ҳам таъсир қиласи. Шунга қарамай, конкрет гапда сўзловчининг айни лаҳзаларда онгию қалбида кечган ўй-хислари моделигина мужассамдир, сабабки, бошқа таъсир омилларининг бари унда фақатгина билвосита — сўзловчи онгию қалби орқалигина зухур қиласи. Бундан аён бўладики, айни шу гапни тушуниш майдони турлича. Яъни, тингловчилардан ҳар бирининг гап мазмунига таъсир қиласи омиллардан хабардорлик даражаси фарқли: бири сўзловчини яқиндан билади, иккинчиси — атиги «кўз таниш»; бири сухбат контекстидан тўла хабардор, бошқаси сухбатга кейинроқ келиб қўшилган ва x. Ҳолбуки, сўзловчи томонидан айтилган гап конкрет мазмунга эга: бу ўша гапни ташкил қиласи тил бирликлари (товушлар воситасида моддийлашган шакли) билан сўзловчининг айни пайтдаги руҳий ҳолати (бу сўзловчининг юз-кўз ифодалари, жестлари, сўзлаш ритми, овоз тоналлиги, интонация ва ш.к.лар воситасида тасаввур қилинади) бирлигига намоён бўлади. Демак, конкрет гапни бутун(нұтқ жараёни)нинг қисми сифатида ҳам, алоҳида бутунлик сифатида ҳам тушунишимиз мумкин экан. Фақат шуниси борки, бу икки ҳолда тушуниш натижаси (яъни, англанган мазмун) фарқли бўлади. Зеро, агар гапни алоҳида бутунлик сифатида тушунмоқчи бўлсак, биз унинг моддий томони (товушлар мажмуудан иборат сўзлар тизими) ва бизга сўзловчининг айни пайтдаги руҳий ҳолатидан дарак берувчи белгилар(ритм, тоналлик, интонация, мимика, жест ва б.)гагина таянамиз. Табиийки, агар айни шу гапни бутуннинг қисми сифатида, контекстлар доирасида (сўзловчи шахси, сухбат давомида айтилган бошқа гаплар ва x.) тушунсак, мазмун сезиларли ўзгаради. Негаки, биринчи ҳолда биз сухбат жараёніда айтилган **гап мазмунини**, иккинчи ҳолда шу **гапга сўзловчи юклаган мазмунни** тушунган бўламиз. Таъкидлаш жоизки, биринчи ҳолда англанган мазмунда субъективлик моменти мавжуд: моделга таянган ҳолда ўзга онгда шакллантирилган мазмунда тингловчининг улуши борлиги тайин, албатта. Шундай бўлса-да, **биринчи ҳолда гапни, иккинчи ҳолда сўзловчини** тушуниш мақсади етакчилигини тан олмоқ зарур.

Юқоридаги мулҳазалар, табиийки, бадий асарга ҳам тўла тегишилдири. Зеро, конкрет асарни муаллифнинг бутун ижоди ва давр адабиёти контекстида ҳам, алоҳида

<sup>1</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества.-М.,1979.-С.254-256; Бахтин бу ўринда «высказывание» истилохини қўллайдики, бунда нұтқ жараёніда айтилган гап кўзда тутилади. Нұтқ жараёніда айтилган гап нутқнинг нұтқ субъекти алмашиниши билан ажralувчи бўлаги бўлиб, диалогдаги алоҳида репликага тенгдир. Диалог репликаси эса, маълумки, биргина сўздан, битта ёки бир нечта гапдан ташкил топиши мумкин. Биз бадий асарга қиёслаётган ГАП — нұтқ жараёніда айтилган гапдир.

олган ҳолда ҳам тушуниш мумкин. Худди гапга ўхшаш, конкрет адабий асарда ҳам ижодий жараён — санъаткорнинг ижод онларидағи ўй-хислари, унга айни лаҳзаларда аёп бўлган оламу одам моҳиятининг моделигина аксланади. Асарни атиги модель дейишимизга асос шуки, унинг турли ўқувчилар онгиде аксланиши турличадир. Дейлик, биргина модель — "Ўтган кунлар"нинг ўзбек ўқувчилари онгиде миллионлаб варианлари мавжуд. Сабабки, модель воситасида ижодкор билан мулоқотга киришаётган, унга таяниб тасавурида бадий воқеликни (демакки, бадий асарни) қайта яратадиган ўқувчиларнинг бадий дидию савияси, ижодий имкониятлари турличадир. Айни пайтда, бу миллионлаб варианларни умумлаштирувчи қатор нуқталар ҳам борки, бу уларнинг битта асос — "Ўтган кунлар" матнидан ўсиб чиққани билан изоҳланади. Демак, ўқиши ижодий жараён бўлгани ҳолда, тасавурида бадий воқеликни жонлантираётган ўқувчи тамомила эркин эмас, бунда унинг моделга таяниши шарт қилинади. Яъни, ижод жараёнида воқелик санъаткор онгию қалбидан ўтказилиб моделга айлантирилган бўлса, ўқиши жараёнида ўша модель воситасида ижодий жараён тикланади — бадий воқелик қайтадан яратилади. Кўрамизки, ижодий жараён маҳсул бўлмиш модель (масалан, бошқа турфа китоблар сингари бир буюм бўлмиш "Ўтган кунлар" номли китоб) факат ижодий жараён — бадий мулоқот чоғидагина бадиият ҳодисасига айланади. Баски, ўқувчи мулоқот воситаси бўлмиш модель(асар)нинг ички ташкиланиши (структураси)ни қанчалик ёрқин тасаввур этса, бадий мулоқот шунчалик самарали бўлади.

Бадий мулоқотга киришаётган ижодкор репрезентатив, экспрессив ва аппелятив мақсадларни кўзларкан, асарнинг ташкиланиши (структураси) шу учала мақсаднинг рўёбга чиқиши учун оптимал имконият яратадиган бўлиши лозим. Англашиладики, гап қурилиши билан адабий асар қурилиши орасида юқоридагича мақсадлардан келиб чиқадиган типологик умунийлик бўлиши табиий. Демак, адабий асар структурасини гап қурилиши модел(конструкция)ларига таянган ҳолда тушуниш ва тушунириш мумкин бўлади. Шу маънода, француз адабиётшуноси Р.Барт: "со структурной точки зрения всякий повествовательный текст строится по модели предложения... любой рассказ — это большое предложение,<sup>1</sup> — деганида кўп жиҳатдан ҳақ кўринади. Қуйида биз Чўлпон ҳикояларининг структуравий қурилиши, сюжет-композицион хусусиятлари ҳақида юқоридагича қарашлардан туртки олган ҳолда сўз юритамиз.

Маълумки, гапнинг бутунлигини таъминловчи структуравий ўзак — предикатив марказ, яъни, унинг эгаси билан кесими. Гапнинг бошқа бўлаклари шу ўқ атрофида жипслашади, унга нисбатан муайян позицияни эгаллайди: бош бўлакларга бевосита ёки билвосита тобеланди. Демак, "Қор қўйнида лола" ҳикоясини ГАП сифатида тасаввур қилмоқчи бўлсақ, аввало, унинг предикатив марказини аниқлаб олишимиз даркор. ГАПда ким ҳақида сўз бораётгани(эга) ва у ҳақда нима

<sup>1</sup> Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов//Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.- М.,1987.- С.391

дайилаётгани(кесим)дан келиб чиксак, унинг предикатив маркази қуйидагича ифодаланади:

**"Шарофатхон турмушга чиқди".**

Предикатив марказ информациянинг асосини ташкил қилгани ҳолда адресат(ўкувчи ёки тингловчи)ни қониқтира ол-майди: уни тўлдириш, аниқлаштириш талаб этилади. Яъни, юқоридаги йифиқ содда гапнинг эга ва кесим составларини аниқлаб, уни ёйиқ гапга айлантиришимиз лозим. Ишни кесим составини аниқлашдан бошлансаёқ адресатни қизиқтирадиган саволлар бир-бирига элчидек келаверади: "Кимга?" — "Эшон бўлса ёши улуғдир, уйлангандир?" — "Ёши улуғ бўлса, Шарофатхон нега унга турмушга чиқади?" — "Шарофатхоннинг биронта нуқси борми, ёки ўтириб қолганми?" ва ҳок. Адресатда бу хил саволларга ўрин қолдирмаслик учун ГАПни қуйидагича тартибда тузишимиз мумкин:

*"Ҳали болалиги билан ҳўшилашиб улгурмаган гўзал Шарофатхон, иззат-нафсини қондиришу пирига яхии кўринишидан бошқа нарсани ўйламаган отасининг худбинлиги туфайли, вадаванг тўйлар билан қўши хотинли қари эшонга учинчи хотин бўлиб турмушга чиқди".*

Мазкур мураккаблашган содда гап "Қор қўйнида лола" ҳикоясининг дастлабки уч қисмida берилган ин формацияни қамраб олиши билан бирга, унинг воқеабанд сюжетини ҳам ифодалайди. Ҳикоянинг тўртинчи, яқунловчи қисми бўлиб ўтган воқеага маҳалла-кўй (бильосита муаллиф) муносабатини ифодалашга хизмат қилиб, олдинги қисмларга тобеланиш асосида эмас, факат умумий мазмун ва ғоя воситасидагина боғланади. Яъни, мазкур ҳар икки қисм ўз ҳолича мустақил бўлиб, ҳикоянинг бу хил қурилишини, бизнингча, сабаб-натижка муносабатидаги боғловчисиз қўшма гап воситасида ифодалаш мумкин. Бунинг учун юқоридаги мураккаблашган содда гапга "маҳалла-кўй қизнинг тақдирига дилдан ачинганича қолаберди" қабилидаги иккинчи содда гапни мазмун ва оҳанг воситасида боғланса, бас. Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Эътибор берилса, юқоридаги гапда мантиққа хилоф ҳол юзага келаётгани сезилади. Гап шундаки, "Шарофатхон турмушга чиқди" дейилиши билан ажратилган ҳол("иззат-нафсини қондиришу пирига яхши кўринишидан бошқани ўйламаган отасининг худбинлиги туфайли")нинг мантиқий номувофиқлиги сабабли ғализлик юзага келаёттир. Чунки "турмушга чиқди" феъли иш-ҳаракатни субъект — Шарофатхон бажарганию бунда ихтиёрийлик маъноси ҳам борлигини ифодалайди. Ҳолбуки, бу иш субъектнинг ихтиёридан ташқари содир бўлди, айни пайтда, Чўлпон қизнинг отасини ҳам субъект сифатида талқин қилмоқчи, унигина айбламоқчи эмас. Демак, кесимнинг мажхул нисбат феъли билан ифодаланиши ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Бундай қилинса, Шарофатхон иш-ҳаракатнинг субъекти эмас, обьектига айланади — формал жиҳатдан гап эгасиз бўлиб қолади. Кейинги икки тузатишни эътиборга олган ҳолда "Қор қўйнида лола"нинг структурасини қуйидаги гап мисолида ифодалаш мумкин:

*"Ҳали болалиги билан ҳўшилашиб улгурмаган гўзал Шарофатхон, иззат-нафсини қондиришу пирига яхии кўринишидан бошқа нарсани ўйламаган отасининг*

*худбинглиги туфайли, вадаванг тўйлар билан кўши хотинли қари эшонга учинчи хотин қилиб берилди: маҳалла-кўй қизнинг тақдирига дилдан ачиниб қолаберди".*

ГАП эгасининг пассив позицияга ўтиб қолиши Чўлпон қўзлаган ғоявийбадий ният билан изохланиши мумкин. Кесимнинг мажхул нисбатда ифодаланиши Шарофатхон фожиасида айбдор бўлганлар доирасини кенгайтиради, зеро, бунда худбин ота ҳам, қариб қуилмаган эшон ҳам, қизга чин дилдан ачингани ҳолда тўйтўйлаб юраберган маҳалла-кўй ҳам, қўйинг-чи, — ҳамма айбдор бўлиб чиқади. Демак, бу билан Чўлпон бадиий умумлаштиришнинг юксак даражасига эришади, ўқувчи дикқатини конкрет Шарофатхон тақдиридан умуман аёл тақдири муаммоларига кўчиради.


Маълумки, айрим асарларда тасвиirlанаётган воқеа (аксар детектив ва саргузашт асарларда), бошқаларида унинг воситасида ифодаланаётган фикр — воқеанинг тематик аспекти етакчилик қиласи. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадики, "Кор қўйнида лола"да адиб учун Шарофатхон тақдирни воситасида ўртага ташлананаётган муаммо, ифодаланаётган фикр муҳимроқ аҳамиятга моликдир. Шу боис ҳам Чўлпон ҳикояси учун бағоят оддий, хаётда деярли ҳар кун дуч келинадиган сюжет схемасини танлаган кўринади:

*"қизга совчи келди – ота рози – тўй".*

Тўғри, ёшгина Шарофатхоннинг кекса эшонга берилиши сюжетга озми-кўпми интрига олиб кириш имконини берур эди, бироқ Чўлпон мавжуд имкониятдан фойдаланмайди. Аксинча, адиб онгли равишда сюжетнинг ўқувчи наздидаги аҳамиятини туширишга интилади, унинг фақатгина восита эканлигини таъкидламоқчи бўлади. Кўринадики, бу ўринда муаллиф учун апеллятив мақсад бирламчи: у ўқувчи дикқат-эътиборини воқеадан муаммога кўчириш мақсадини кўзлайди. Бироқ, айни пайтда, сюжет схемаси нечоғли содда бўлмасин, у ГАПнинг предикатив маркази сифатида барча унсурларни уюштиради, уларнинг ўзаро горизонтал ва вертикал муносабатларини белгилайди.

Аввалло, сюжетнинг горизонтал алоқаларни белгилашдаги ролига тўхталсак. Ҳикоянинг биринчи қисмida қизларнинг дафъатан барҳам топган шўх-шан ўйинкулгилари тасвири ниҳоясида "Шарофатхонга совчи келди" хабари айтилади. Ўз-ўзидан равшанки, совчи келганлигининг ўзи сюжет воқеаларини турлича йўналишларда ривожлантириш имкониятларини юзага келтираётир. Бироқ муаллиф сюжет воқеаларини ривожлантиришга шошилмаётгандек, биринчи қисмга нукта кўяди-да, Самандар aka таърифига ўтади. Биринчи қисм ўзининг мантиқий давомини иккинчи қисм ниҳоясидагина топади: Шарофатхоннинг онаси Қумрибуш Самандар акага "Ичкарида хотинлар бор, сиз ташқари уйга кириб туринг..." деганидан гап совчилар ҳакида бораётгани англашилади. Самандар аканинг "Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдик, садағалари кетсун!" деган жавоби учинчи қисм — тўй(ё тўйни тушириб қолдирган ҳолда ундан кейинги воқеани) шарт қилиб қўяди, зеро, бу масалада қарашларнинг турличалиги шунга ундейди. Яна бир жиҳати, Самандар аканинг эшонникида бўлишию қайтишдаги аламли ўйлари ҳамда Шарофатхоннинг

дугоналари билан коптоткынан шарттардың хронологик жиҳатдан бир пайтта — совчилар келгунга қадар бўлган вақтга — тўғри келади. Демак, буларнинг бари ҳикоянинг экспозициясини ташкил қиласиди. Бизнингча, асар сюжетини тубандагича схемада ифодалаш мумкин:



Албатта, ушбу схема ҳикоя структурасини тўла ифодалай олади, деган даъводан йироқмиз. Бироқ, бизнингча, ушбу схема ёрдамида структуравий унсурларнинг ўзаро интегратив (вертикал) алоқага киришишию юқори сатҳ — композицион бутунликнинг юзага келишини кузатишимиш мумкин бўлади. Тарькидлаш зарурки, биз структуравий унсур деганда конкрет бирликни назарда тутмаймиз: унсур сифатида биргина сўз, жумла ёки бутун бошли қисм(деталь - фабула - характер ва шароит - бадиий воқелик) ҳам олиниши мумкин. Структуравий унсурларнинг ўзаро алоқаларини ҳам гап бўлакларининг алоқаларидан келиб чиқиб тушунишимиз мумкин. Юқорида айтдикки, ГАПнинг эгаси — Шарофатхон, бироқ у ҳаракат субъекти эмас. Биз буни муаллиф ғоявий-бадиий нияти билан боғладикки, энди шу фикрни асослашга ҳаракат қиласиз. Биринчи қисмда "совчи келди" хабари айтилганидан сўнг муаллиф сюжетни истаган йўналишда давом эттириши мумкин эдики, булардан ўзининг ғоявий-бадиий ниятига мосини танлагани шубҳасиз. Чўлпон ушбу хабарга Шарофатхоннинг "қип-қизил қизариб, турғон ерида қотиб қолди" қабилидаги реакциясини кўрсатиш билан кифояланади. Албатта, бу ҳолатда ёш қизнинг айни шу хил ҳаракат қилиши табиий. Бироқ Чўлпон учун табиийликни кўрсатиш эмас, қизни "қотиб қолган" кўйи қолдириш, уни сюжетдан четлаштириб, ҳаракат обьектига айлантириш муҳимроқ. Шу боис ҳам муаллиф бу ўринда совчилар кимдан эканлигини конкретлаштириб ўтирмайди (акс ҳолда сюжетни ўзгачароқ йўлда ривожлантириш тақозо қилинарди). Яъни, совчи кимдан эканлигидан қатъий назар, шарофатхонлар ўз тақдирини ҳал қилишда овоз ҳукуқига эга эмас, айни ҳолатда улар

бор-йүғи объект (нарса) бўлиб қоладилар, деган маънони кучайтириш учун қилинади бу. Бизнингча, агар Чўлпон шу хил мақсадни кўзламаганида биринчи қисмга "совчи келди" хабарини киритмаслиги, уни, айтайлик, Шарофатхоннинг "Бўлмаса, ўйин тугабдир-да?" деган ўқинчу афсус тўла хитоби биланоқ якунлаши мумкин бўларди. Айтиш керакки, бу ҳолда ҳикоя шакл жиҳатидан асло ютқазмас, фақат мазмун ўзгараради:

*"Ҳали болалиги билан хўшилашиб улгурмаган гўзал Шарофатхонни ... отаси САМАНДАР АКА... берди".*

Кўрамизки, бу ҳолда ҳикоянинг бадий умумлаштирувчилик кучи сезиларли сусаярди, зоро, Шарофатхоннинг тақдирида шарофатхонларнинг ҳуқуқсизлиги эмас, **отасигина** айбдор бўлиб чиқарди. Самандар аканинг эга мавқеини эгаллаши ҳикоянинг тематик доирасини торайтириб, ўкувчининг унга (қаҳрамонга) нафрат ҳиссидан четга чиқолмай қолиши эҳтимолини оширадики, бу нарса муаллиф ниятига номувофиқ келарди.

Айни шу ўринда ҳикояни ГАП воситасида текширишга жазм қилишимизнинг боиси, бунинг наздимиздаги афзаллик томонларига қисқача тўхталиб ўтишимиз жоиз. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан англашиладики, ҳикоянинг мазмун-моҳияти, муаллиф концепциясининг ифодаланишида унда тасвирланган нарсаларгина эмас, уларнинг жойлаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Яъни, бу ўринда "Нонушта" ҳикояси мисолида кўрганимиз "композицион тафаккур"га айрича эътибор зарур. Шунга ўхшаш, ГАПнинг мазмунини ифодалашда ҳам уни ташкил этаётган сўзларгина эмас, унинг қурилиши ҳам аҳамиятлидир. Модомики, ГАП муайян нутқий ситуацияда айтилган экан, уни бе-такрор — феноменал ҳодиса сифатида қабул қилишимизга тўғри келади. Сабабки, айнан ўша ГАПнинг худди ўшандай қилиб қайта айтилиши мумкин бўлмаган ишдир. Шундай экан, ГАПда биронта ҳам ортиқча унсур бўлиши мумкин эмас, уларнинг ҳаммаси аҳамиятлидир. Зоро, ундаги ҳар бир унсур (сўз, грамматик воситалар, товуш тоналлиги, темп, мелодика ва бошқ.) муайян нарсани англатади. Ҳатто, ГАП таркибида ортиқчадек бўлиб қўринган унсурлар (паразит сўзлар, модал сўз ва конструкциялар, ўринсиз такрорлар, узилишлар, тутилишлар ва бошқ.) ҳам ё нутқ ситуациясини ва ё гапиравчининг айни дамдаги руҳий ҳолатини характерлайдики, алал-оқибат улар мазмунни тўлдиради, конкретлаштиради. Демак, ГАПдаги барча унсурлар бирлиқдагина нутқий ситуацияни(гапиравчи ифодаламоқчи бўлган мазмун, унинг руҳий ҳолати ва бошқ.) ойдинлаштиради, уларни бирлиқда олиб қаралсагина мазмун англашилиши мумкин. Шунга ўхшаш, бадий асарда ижодий жараён акс этар экан, унинг мазмун-моҳиятини англаш учун барча унсурларни, уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганиш зарур. Бу ўринда, биринчидан, бадий асарга яхлит бутунлик сифатида, иккинчидан, амалга ошиб бўлган факт (яъни, "айтилган сўз — отилган ўқ" принципига амал қилиб) сифатида қараш тақозо қилинади. Ушбу бобда бадий асардаги структуравий унсурларнинг ички алоқаларию яхлит бутунликка бирикиши ҳақида сўз боргани учун ҳам таҳлилда ГАП моделидан фойдаланишга жазм қилдик. Негаки, ГАП бутунлик

сифатида ўз унсурларининг хар турли алоқаларини кўрсатишга жуда қулай, шу маънода, у биз учун бир кўргазмали восита, холос. Айтайлик, модел сифатида тузганимиз ГАПдаги конкрет бўлак бошқа бўлакларнинг айримлари билангина бевосита грамматик алоқага киришади, бироқ билвосита грамматик алоқалар, шунингдек, мазмуний алоқалар уни **бошқа барча бўлаклар билан боғлади — яхлит бутунликка айлантиради**. Эндики вазифамиз "Қор қўйнида лола"нинг ГАП модели ёрдамида ундаги структуравий унсурларнинг ўзаро алоқаларини атрофлича кузатишдан иборатdir.

Хикоянинг биринчи қисми ЭГАнинг АНИҚЛОВЧИси функциясида келадики, модель сифатида келтирганимиз ГАПда буни "*ҳали болалиги билан хўшилашиб улгурмаган*" бирикмаси билан ифодаладик. Биринчи қисмдан англашилувчи эгага хос яна бир хусусият — унинг ҳуқуқсизлиги шундан келиб чиқадиган фаолиятсизлиги кесимнинг мажхул нисбат феъли билан ифодаланишида ўз аксини топади. ГАПдаги эганинг уюшмаган аниқловчиларидан яна бири — "*гўзал*" эса хикоянинг учинчи қисмидан олинади. Зоро, учинчи қисм бошланишида адаб ёзадики: "Бу қиз шу тегранинг кўрклилиқда, чеварликда, шўхлик ва ўйноқилиқда битта-ю биттаси эди. Маҳалла-кўйнинг ўспурунларидан иккита-учтаси бир ерга йиғилсалар, топғон-тутғонлари шул Шарофатхон масаласи бўлур. "Бу қиз қайси худо ярлақағонники бўлур экан? Кимнинг уйини обод қилур экан?" деб бош оғритарлар эди". Шарофатхон таърифида айтилган мақтovларни биз ГАПда "*гўзал*" сўзида жамлаб ифодалашга интилдик. Шу ўринда бир муҳим масалага диққатни тортмоқчимиз. Кўрдикки, учинчи қисмдаги структуравий унсур (деталь) биринчи қисмдаги юқорироқ сатҳда жойлашган бошқа бир унсур (қаҳрамон) билан интегратив алоқага киришаётир. Иккинчи томондан, юқоридаги парча (у матннинг бир абзацига тенг) ўзидан кейиноқ келувчи бошқа бир унсур (маҳалланинг тўй довруғини қилиши) билан, ниҳоят, хар иккиси орқали эпилог билан-да боғланади. Бундан англашиладики, биргина унсур ҳам ўзи билан бир сатҳдаги (горизонтал), ҳам юқори сатҳдаги (вертикал) унсурлар билан бевосита ёки билвосита алоқага кириша олади, айни шу хил алоқаларнинг мавжудлиги конкрет асарнинг композицион ва концептуал бутунлигини таъминлайди. Демак, бутунни англаш учун уни ташкил қилаётган **барча** унсурларнинг **барча** турдаги алоқаларини ёрқин тасаввур этишлик тақозо қилинади.

Умуман кишилар орасидаги нутқий алоқада кузатилганидек, бадий нутқ ҳам "экономия" принципига амал қиласи. Шу боис ҳам контекстдан англашиладиган маънони такрорлаб ўтиришга зарурат йўқ, бу — ортиқча ҳам. Шунга кўра, конкрет структуравий унсурнинг бошқа унсурлар билан яққол кўзга ташланмайдиган алоқаси ҳам фақат бутун контекстидагина англашилади. Биз ҳикоянинг биринчи қисмидан Шарофатхоннинг ёшлигию фаолиятсизлигига оид белгиларнигина ажратдик. Ҳолбуки, матн у ҳақда бундан бирмунча кенгрок тасаввур бериши мумкин. Бир қарашда биринчи қисмдаги диалоглар қаҳрамон ҳақида дурустроқ бир маълумот бермайдигандек. Бироқ, бизнингча, бутун контекстидаги олиб қаралса, бу тасаввуримизнинг янглишилиги аён бўлади. Чўлпон иккинчи қисм бошидаёқ:

"Шарофатхоннинг отаси Самандар ака илгаридан от чиқарғон бир савдогар эди. Шунча оғирчилик йилларда, қиймат, касод вақтларда ишини тарақлатиб келиб, охири ўзғон йили эрта баҳорда синғон. Бор-йўғини қарзиға сотиб берганидан сўнг, жуда сўфи бўлиб эшонларнида чувалашуб қолғон эди", – дея маълумот беради. Бунга яна учинчи қисмда берилган таърифни, хусусан, Шарофатхоннинг "шўхлик ва ўйноқиликда" бу атрофда яктолигини қўшамиз. Бизнингча, диалоглар шу маълумотларга таяниб ўқилсагина қулоқларимизда Шарофатхонга хос (конкрет холатга мос) интонацияси билан жаранг топиши мумкин. Мисол тариқасида тўпни ҳовуздан чиқариб олишганидан сўнг қизлар орасида бўлиб ўтган диалогни олайлик: "Шарофатхон қизларга қараб:

— Барибир, қанча сиқиб қуритмоқчи бўлсак-да, хўл тўп чиқмайдур, энди бошқа кимнинг тўпи бор? (қатъий, ҳукмфармо оҳанг – Д.К.)

— ...

— Вой, ўла қолай, ҳеч қайсингларники йўқми? Салтанат, сеники бор эди-ю? (озгина таҳдид, силталаши оҳанги – Д.К.)

— Меники бор эди-ю, тунов куни Гулнор ўлгур йўқотиб келибдир...(ўзини оқлаш оҳанги, Салтанат Шарофатхон олдида ўзини оқлаш заруратини сезиб ўрганган – Д.К.)

— Бўлмаса, ўйин тугабдир-да? (озгина аччиқ, афсус – Д.К.)

— Йўқ, бошқа ўйин қиласми!(муроса оҳанги, кимдир Шаро- фатхонни муросага чақирмоқчи, ўйин бузилишининг олдини ол-моқчи – Д.К.)

— Ху, ўлақолсин, тўп ўйинидан ҳам яхшиси борми? (аразли аччиқ оҳанги – Д.К.)

— Ҳай, Шарофатхон, сиз ўзингиз кира қолингиз, ўрис тўпингизни олиб чиқасиз! (озгина яширин таҳдид, кесатиқ – Д.К.)

— Ўрус тўпим ёрилиб эди-ку...(кесатиқни англаб оғринганлик, озгина гуноҳкорлигу аччиқ аралаш оҳанг – Д.К.)

— Вой, эссизгина, қачон? (сохта муроса оҳанги – Д.К.)

— Қачонлари-ю...(ўқинч, яхши кунлар армони – Д.К.)"

Албатта, диалогдаги гапларнинг турлича "эшитилиши" ва тушунилиши табиий, бироқ бундан ўқувчи мутлақ эркин тасаввур қилишга ҳақли деган хуласа чиқмайди: ҳар нима бўлганида ҳам асарнинг ўзидағи асосларга таяниш шарт қилинади. Шу хилда ёндошиб "эшитиш" ва тушунишга интилганимиз юқоридаги парча Шарофатхон ҳақидаги тасаввуримизни анча бойитади. Парчадан англашиладики, Шарофатхон дугоналари орасида баланд мавқега эга — лидер. Албатта, бу мавқега эришишида "фалончининг қизи" эканлиги ҳам ўз ишини қилган: буни ҳис этишлиқ қизнинг ўзига ишончини-да оширган, туғма қобилияти(лидерлик)ни намоён қилган. Бироқ эндиликда ўша мавқе инерция кучи билангина сақланиб келаётирки, буни қизнинг ўзи ҳам, дугоналари ҳам сезишади: қизлар орасидаги билинар-билинмас зиддият ҳам аслида шундан. Айтмоқчимизки, ишидан путур кетгани Самандар аканинг ўзигагина эмас, оила аъзолари рухиятига ҳам сезиларли таъсир ўтказган. Шарофатхон яхши

кунлар армони билан яшайди, ичидагини сиртига чиқармасликка уринади, эзилади — кўраётган куни эртаси олдида ҳалво эканлигини билмайди. Мана шу нарса қизнинг фожиасини янада кучайтиради, образнинг таъсир қучини оширади.

Хикоянинг иккинчи қисмини ГАПда ажратилган сабаб ҳоли тарзида ифодаладикки, бу, бизнингча, қисмнинг асар структурасидаги ўрнига мос келади. Чунки, биринчидан, бу қисмда Шарофатхоннинг эшонга берилиши сабаби ҳам, бу сабабнинг сабаби ҳам ойдинлашади. Яъни, совчилар келиши билан юзага келган ситуатив ноаниқлик (совчиларга турлича жавоб берилиши мумкин эди) ҳам, Самандар aka руҳиятида юзага келган зиддиятли тугун (у ҳам оғринган нафсини турлича қондириши мумкин) ҳам бир нуқтада ечилади. Иккинчидан, ажратилган ҳол тузилишининг гапга яқинлиги унинг ҳикоя структурасидаги ўрни(бутуннинг ичидаги нисбий бутунлик)ни аниқроқ ифодалашга ва давомийликнинг сақланишига имкон беради.

Чўлпон Самандар аканинг қарорини ғоят пухта далиллашга интиладики, натижада ўзининг асосий элементларига эга бошқа бир сюжет чизиги юзага келади, қисм нисбий мустақиллик касб этади. Мазкур сюжет чизигининг ривожланиш босқичлари тубандагича:

- а) "от чиқарғон савдогар" — "сўфи бўлиб қолғон";
- б) "эшонникида катта ва қизғин зикр бўлди";
- в) назр ниёз бериш маросими;
- г) сўфининг мазахли гапи;
- д) оғринган нафс тўлғонишлари, аламли ўйлар;
- е) "Бир қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдик..."

Юқоридаги босқичларнинг аввалгиси қаҳрамон аҳвол-руҳияси ҳақида умумий тасаввур беради (вертикал алоқа), айни пайтда, сюжетнинг ривожланиш мантиқини белгилайди. Илгари худди шу унсур Шарофатхон руҳиятини, унинг дугоналари билан муносабатини ойдинлаштиришга хизмат қилган эди. Кейинроқ, тўртинчи босқичда, айни шу унсурнинг горизонтал алоқаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бироқ Чўлпон бу алоқани билвосита амалга оширади — заминни янада мустаҳкамламоқчи бўлади. Яъни, эшонникидаги зикр тафсилотлари айни шу мақсадга хизмат қилади. Тўғри, Самандар аканинг сўфи бўлиб қолишига сабаб — ҳаётда омадсизликка учрагани. Бироқ, шуниси ҳам борки, маънавий-рухий зарбага учраган одам бирон нарсага эътиқод боғлагундек бўлса, унга мутаассибларча берилиш эҳтимоли ортади. Иккинчи томондан, сўфиларни жазавага солган зикр чоғи Самандар аканинг пирига ихлоси яна ҳам ортган, унга нисбатан меҳри товланган бўлиши ҳам табиий. Айни шу ҳислар эртасига, назр бериш чоғида пирига ниманидир пешкаш қилишга ундейди — иложисизлигидан, йўқчиликдан эзилади. Заминни шу тахлит обдон пухталагач, адид қаҳрамон руҳиятида бурилиш ясаган кейинги босқичга ўтади: "... ҳазрат эшоннинг қучоғ-қучоғ дуоларини хонақоҳдан чиқариб бериб турғон сўфи **кулиб, ўйнаб** Самандар акага қаради-да:

— Ҳа, **бой ака**, назрдан дарак борми?- деди. Самандар ака дарвозадан чиқар экан:

— Бўлиб қолар, сўфи! - деди". Ҳаёлан биринчи босқичга қайтилса, Самандар акага сўфининг кинояси, пинхона мазахи оғир ботганини сезиш қийин эмас ва бу табиий кўринади. Ахир, илгариги аҳволи бўлганида сўфи шу хил муомала қилишга ботинолмас эди — Самандар аканинг иззат-нафси калтакланди, оғринди. Сал илгари у ихлоси органию меҳри товланганидан пирига назр беришни истаган бўлса, эҳтимол, энди эса бу билан ўз нафсини қониқтиришни истайди, холос. Сираси, Самандар ака энди сўфийлик аҳдини бузди — жиловини нафс қўлига тутқазиб қўйди. У энди шундайин бир назр қилишни истайдики, ҳамма тонг қолса, сўфининг юзига тарсаки тортгандек бўлса. Ўйлашимизча, Чўлпон розилик берилишида кўпроқ Самандар акадаги конкрет руҳий ҳолат(яъни, бошқа пайт бу хил қарор берилмаслиги ҳам мумкин эди)нинг натижасини кўради. Гап шундаки, ҳикоя матнида шу хил ўйлашга асос берадиган ўринлар бор. Ҳусусан, Самандар ака қарорини айтганида, хотини "Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқарди, кўкарди, сувратдек қотиб деворга суюлиб қолди..." Камида йигирма йил Самандар ака билан ёстиқдош бўлган аёл ундан бу хил жавобни **мутлақо** кутмаган. Агар Қумрибуш розилик берилиши эҳтимолини бир лаҳза бўлсин хаёлига йўлатганида эди, эшондан совчилар келиши биланоқ ўзини қўярга жой тополмай қолиши лозим келарди. Бу хил жавобни кутмагани учун ҳам унда умуман хавотирланиш асари кўрилмайди: совчиларга қуюқ-суюгини бериб, юмшоққина рад этишу иззати билан жўнатиб юборишни ўйлади, холос. Аёл эрининг ҳам шу хил йўл тутишига қаттиқ ишонади, шу боис ҳам: "... мен қизимиз ҳали ёш, энди 17 га чиқди, дедим. Шундай деб жавоб бера қолайми?" – деб сўрайди эридан. Эътибор беринг: "нима дейин?" деб эмас, "шундай дейинми?" деб сўрайди, сабабки, эрининг ўзини маъқуллашига ишонади. Қумрибуш бу ўринда факат бир нарсани — шу бугун эрининг кўнглидан кечган ўйларни, оғринган нафснинг изтиробли тўлғоқларини эътиборга олган эмас, улардан мутлақо бехабар. Юқорида кўрдикки, Қумрибуш эътиоридан четда қолган жиҳатга Чўлпон алоҳида ургу беради. Биласизки, суд амалиётida ҳам руҳий мувозанатсизлик чоғида содир этилган жиноят енгилроқ жазоланади. Йўқ, Чўлпон Самандар акадан гуноҳни соқит қилмоқчи, демаймиз: у инсонни тушунмоқчи, холос. Иккинчи томондан, адаб яхши биладики, аёл ҳуқуқи (умуман инсон ҳуқуқи) муҳофаза этилган жамиятда ҳар қандай руҳий мувозанатсизлик чоғида ҳам унинг тақдирини ўзининг иштирокисиз ҳал қилолмаслар. Демак, Чўлпон ўқувчисини кенгроқ мушоҳада юритишга ундейди, ҳикояси орқали шунга туртки бермоқчи бўлади.

Ҳикоянинг учинчи қисмини ГАПда кесим состави сифатида ифодаладик: "... *вадаванг тўйлар билан қўши хотинли қари эшонга учинчи хотин қилиб берилди*". Тўлдирувчи, яъни, қизнинг эшонга берилиши иккинчи қисмдаёқ аниқ бўлган, унинг қўш хотинли(аниқловчиси) эканлиги ҳам ўшандада билинган. Бу ўринда Чўлпон асосий эътиборни иккинчи аниқловчи("қари") га қаратади, уни эганинг аниқловчисига зидлайди. Айтиш керакки, адаб ҳикояда эшоннинг бевосита тасвирига жуда оз — ўз

ғоявий-бадиий нияти учун етарли миқдордагина — ўрин ажратган. Юқорида айтганимиз структуравий унсурларнинг горизонтал алоқаси ҳақида энди муфассалроқ тўхталиш жоиз. Чўлпон Шарофатхон ҳақида: "Бу қиз шу тегранинг кўрклиликда, чеварликда, **шўхлик ва ўйноқиликда битта-ю биттаси эди**", - деб ёзса, эшонни тубандагича тасвирлайди: "Бир вакт оппоқ соқолли, қари, бўшашғон бир чол (куёв тўра) устига зарбоб тўён кийиб, катта ўрама белбоғ боғлағони ҳолда бирмунча **оқсоқол муридлари ўртасида секингина судралиб** аравага яқинлашди". Адиб бу ўринда аниқловчиларни зидлантириш билангина чекланмайди: эшоннинг "оқсоқол муридлар ўртасида"ги ҳолати билан биринчи қисмда Шарофатхоннинг ёш қизчалар орасида тасвирлангани тўла оппозиция ҳосил қиласди. Умуман, юқорида кўрганимиз асосий белгиларнинг зидлантирилиши тантана қилинаётган никоҳнинг мантиққа нечоғли сифмайдиган ҳодиса эканлигини кўрсатишга хизмат қиласди. Яъни, аслида кўрсатиш (тасвир) воситасидаёқ адиб муносабатини ифодалайди. Шунга қарамасдан, юқоридаги ўзаро зидланган икки унсур бирлиқда эпилог билан-да боғланади:

— Юрабер. Бу кеча худди эшонбобонгнинг кўнглидек бўлибдир.  
— Тўғри-я, мен қизға ачинаман, бояқиши келиб-келиб кимники бўлди-я!..  
— Нимасини айтасан, отасининг уйи куйсин, одам эмас экан!  
— Соқолини оппоқ тутадек қилиб неварасидек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан..."

Бир қарашда эпилог фақат муаллиф муносабатини очиброк (яъни, "чайнаб бериш") ифодалаш учунгина қўшилгандек таассурот қолдиради ва шу боис ҳам ҳикоя структурасида ортиқчадек, зарур эмасдек туюлади. Ўз вақтида А.Фитрат ҳикоядаги: "тўртингчи кўриниш, яъни икки йигитнинг кўчада тўй тўғрисида гапуришлари, коровулнинг-да уларга қўшилиши ортиқча бир фаслдир. Ҳикоя учинчи фаслда битирилса эди, коровул тилидан онглашилмоқ истанилған эди. Сўзлар очиқ онглашилған бўлар эди. Ҳикоянинг таъсири ортған бўлар эди",<sup>1</sup> – деб ёзганди. Агар бадиий асарда ҳеч бир унсур ортиқча бўлмайди, деган қоидадан келиб чиқсан, олимнинг бу фикрига қўшилиш қийин, шу боис бу масалага муфассалроқ тўхталамиз. Келтирилган парчага диққат қилинса, эпилогнинг вазифаси муаллиф муносабатини ойдинлаштириш билангина чекланмаслиги сезилади. Аввало шуки, суҳбатдош йигитларнинг иккиси ҳам бир масалада ҳамфирлар: эшон билан Шарофатхон бир-бирларига мутлақо мос эмас, — иккиси ҳам қизга дилдан ачинади. Айни пайтда, улар айбор масаласида турлича фикрдалар: бири қизнинг отасини лаънатласа, иккинчиси эшонга нафратини ифодалайди. Шу ўринда парчадаги сўнгги икки гап муносабатига диққат биланроқ қараш лозим. Сўнгги гап ўзидан олдингисига бевосита уланмаса-да (олдингисида Самандар aka ҳақида, кейингисида эшон ҳақида сўз боради), тўлиқсиз гап шаклида ифодаланган — эга тушириб қолдирилган. Бу нарса иккала суҳбатдош онгода айни пайтда икки турли ўй етакчилик қилаётганидан далолатдирки, натижада

<sup>1</sup> Фитрат. Адабиёт қоидалари.- Т., 1995.- Б.26

йигитлар гүё бир-бирларини тингламаёттандек, ҳар иккиси ҳам ўзича сўзланаёттандек бўлиб қолади. Йигитларнинг қарашларидағи турличаликка яна бир фикр — Мамат коровулнинг "дунё ўзи шунақа тескари дунё экан" деган зори қўшилади, турличалик яна бир даража ортирилгани ҳолда ҳикояга нукта қўйилади. Бизнингча, эпилогнинг моҳиятию ғоявий-бадиий вазифасини англаш учун унинг бошқа унсурлар билан, хусусан, ГАПдаги яна бир бўлак — равиш ҳоли("вадаванг тўйлар билан") алоқасини кузатиш фойдалидир.

Чўлпон ёзадики, "*Шарофатхоннинг эшонга берилиши хабари чиққандан сўнг бутун маҳалла-кўй бир неча кун шунинг дов-ригини қилишидилар*". Агар Шарофатхоннинг таърифи кетган қизлигию унга умидвор бўлганлар кўплигини, эпилогни эътиборга олсақ, тўйдан илгариёқ маҳалла-кўй муносабати турлича бўлгани, кўпчилик бу ишни маъкулламагани англашилади. Бироқ тўйда... Чўлпон тўйнинг умумий руҳини санъаткорона маҳорат билан қофозга тушира билган. Келин тушириб келаёттандар орасида байрамона кўтаринки рух хукмрон: ўн-ўн беш арава хотиннинг "*ёр-ёр"лари дунёни бузади*", аравакашлар "*бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар*"лар. Келинни кутаёттандар орасида ундан-да кўтаринки бир рух: кўчага ёқилган ўтнинг "*алангаси осмонга чиқади*", унинг теграсида эркаклар, сал нарида аёллар "*товорушларининг борича "ёр-ёр"ни чўзадилар*". Ҳаяжон шунчаларки, келин тушириди яқинлашганида ҳамма "*Келин келди, келин келди!*" дея типирчилаб қолади, йигитлар "*қучоқ-қучоқ ўзапоя олиб чиқиб, ўтнинг ўртасига ташладилар, ўт яна кучайди, яна аланг берди*" — бу билан байрамона рух ҳам яна бир баҳя кўтарилади гўё. Гўё ҳамма шу руҳдан маству бўлаётган ишларни, "маросимнинг шакли содир бўлаётган воқеанинг моҳиятига зид"<sup>1</sup> лигини англашдан ожиз бўлиб қолган. Зеро, эшон "судралиб" аравага яқинлашганида янграган "*Кўтаринг-а, куёв почча, кўтаринг-а!*" қабилидаги мастона ҳайқириклар ҳам шундан далолатдир. Эшон келинни аравадан тушириб олганидан сўнг, "*Яна халқ чувиралишиб кетди:*

- Баракалла, тақсир, баракалла!
- Бўш келмадилар тақсирим!
- Ҳали беллари бақувват экан тақсиримнинг!"

Адабиётшунос С.Мамажонов бу ўринларда аччик кесатиқ мавжуд, деб ҳисоблайди.<sup>2</sup> Бизнингча, муаллиф ҳеч бир шарҳ бермаган хитоблар маъноси контекстдан англашилиши, баски, бирмунча кенгроқ тушунилиши мумкин. Яъни, бу ўринда кеса-тиғу киноя, ҳавасу ҳасад, аламу қувонч — барча хиссий оттенкалар мавжуд. Бироқ буларнинг бари байрам руҳига йўғрилган. Зеро, маҳалла аҳли баҳтиёрлар никоҳ тўйида ҳам айни шу хил яйрайверади — унинг учун тўй фактининг ўзи бирламчи, бунда у азалдан белгиланган ролни ўйнайди (яъни, тўйда ўйнамаслик, азада йиғламаслик мумкин эмас), бир пайтнинг ўзида **ижрочию томошабинга** айланади. Чўлпоннинг учинчи қисм ниҳоясида "*Ҳалиги томоша ўрни бўлғон кўчада*

<sup>1</sup> Н.Владимирова. Чўлпон – ҳикоянавис/Чўлпоннинг бадиий олами.- Т.,1994.- Б.108

<sup>2</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1991.- №6.- Б.5

*кишилар ариб, қоп-қоронғи, жим-жит бир гүристонга айланди*", деб ёзиши ҳам шундан. Халқнинг бефарқлиги тоношага ўчлигининг оқибати шуки, бироз илгари у яйраган жой бир қизнинг баҳти, ёшлиги, орзу-умидлари кўмилган мозорга айланади.

Юкоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда эпилогнинг асар структурасида тутган ўрни, у бажараётган ғоявий-бадиий функцияларни тасаввур этиш мумкин. Ўқувчи сухбатдош йигит-лар каби Шарофатхон тақдири ҳақида ўйларкан, уларнинг сал илгари товушининг борича "ёр-ёр" айтган, оловга кучоқ-кучоқ ғўзапоя ташлаганлардан эканлигини билади. Чўлпон талқинида бу йигитлар байрам руҳидан фориғ бўлиб, энди ҳамма каби (омма психологияси) эмас, бир инсон сифатида ўйлай бошлаганларидагина Шарофатхон тақдирига куюнадилар. Бироқ шунда ҳам ўйлашдан нарига ўтмайдилар, моҳиятан, илгаригидек томошабин бўлиб қолаверадилар. Чўлпон ҳақли равишда Шарофатхон тақдирида айборлар қаторига уларни(умуман, маҳалла-кўйни)нг ўзини ҳам қўшади. Адиб ҳам Мамат қоровул сингари "дунё ўзи шунақа тескари дунё" деб ҳисоблайди, бироқ бу хил фикр унинг талқинида ўзни овутиш воситаси эмас, тескари дунёни ўнглашга даъватдир. Демак, эпилогдаги йигитлар сухбати ўқувчини ҳам айни шу хил фикрга олиб келиши лозим, ҳартугул, адибнинг нияти шунақа кўринади. Бундан англашиладики, эпилог ҳикоя бадиий концепциясининг яхлит ҳолда ифодаланиши, унинг ўқувчи онгига етказилишида муҳим аҳамиятга моликдир. Яъни, бу ўринда ҳам "композицион тафаккур" етакчилиги, Чўлпон асарни шу тартибда қуриш билан ҳикоянинг ўқувчи томонидан кабул қилинишини бошқараётгани кузатилади.

Чўлпоннинг "Новвой қиз" ҳикояси тематик жиҳатдан "Қор қўйнида лола"га яқин, айни пайтда, композицион ҳусусиятлари билан ундан жиддий фарқланади. Бу ўринда ўзак фарқлардан бири сифатида ҳикоя қилинаётган воқеанинг юз бериш вақти кенглигини кўрсатиш мумкин. "Қор қўйнида лола"да воқеалар орасидаги сабаб-натижага муносабати узлуксизлик иллюзиясини ҳосил қилаверади. "Новвой қиз"да эса ўзгачароқ: ҳикоянинг биринчи ва учинчи қисмларида қаҳрамонлар ҳаётидан икки эпизод қаламга олинган бўлиб, уларни катта бир давр ажратиб туради. Даврий бўшлиқнинг катталиги учун ҳам қисмлар орасидаги сабаб-натижага муносабати мустаҳкам эмаски, бу заифликнинг дафъи учун бўлса керак, адиб иккинчи қисмни ўзгачароқ қуради. Дейлик, "Қор қўйнида лола"нинг тўртала қисмида ҳам муаллиф "кузатувчи" мавқеида турган — "саҳнавийлик" эффектини ҳосил қилган эди. "Новвой қиз"нинг биринчи ва учинчи қисмларида ҳам шу хил объектив тасвир йўсини кўлланса, иккинчисида муаллиф ҳикоя қилиш йўлидан боради. Натижада ҳикояда тасвир ва ривоянинг уйғун бирикуви кузатилмайди, асар бутунлигини таъминлашда шаклий унсурлар роли камаяди — яхлит концепциянинг мавжудлигигина асарнинг қисмларини яхлитлаштиради. Мазкур фикрни ойдинлаштириш учун "Новвой қиз"нинг ГАП моделини тузиб кўрайлик. Айтиш керакки, бу ҳикоянинг ГАП модели аввалги

ҳикоянинг ГАП моделидек битта грамматик бутунликни ташкил қилолмайди. Бизнингча, ҳикоянинг қурилиши тубандаги ГАП воситасида ифодаланиши мумкин:

***Имонсиз Ўлмасбой ҳаёли бир қизни зўрлаб номусига тегди:*** шу туфайли қиз ҳаётда баҳтсиз, эл нафратига дучор (*ахир, қизни айблашингиз инсофдан эмас: Ўлмасбой унинг ҳимоясизу ожизалигидан фойдаланди, ҳийлаю алдов ила муродига етди; ахир, қизни айблашга ҳақли эмассиз: унинг ҳолидан хабар олишига ҳам, уни ҳимоя қилишига ҳам ярамагансиз-ку!*), хор-зорликларга мубтало бўлди... **Нихоят, ҳақ жойига қарор тонди: ёмон жазосини олди.**

Кўрамизки, ГАПнинг биринчи ва иккинчи қисмлари орасида сабаб-натижа муносабати мавжуд, қисмлар ўзаро грамматик жиҳатдан боғланган. Учинчи қисм эса аввалгиларига фақат мазмун жиҳатидангина боғланган. Бу ўринда ГАПнинг бутунлигини таъминлаётган нарса — сўзловчи шахси: у етказаётган информация ва шу информацияга ҳиссий муносабат асосида юзага чиқаётган мазмун. ГАПнинг қисмларини боғлашда "ниҳоят" модал сўзи етакчи аҳамият касб этаётгани ҳам шундан: бу сўз етказилаётган информацияга ҳиссий муносабатни умумлаштириб ифодалаган ҳолда грамматик жиҳатдан боғланмаган қисмларни мазмуний бутунликка айлантиради. Бундан ташқари, "ниҳоят" сўзи ГАПнинг интонациясини ҳам белгилайдики, мазмуний бутунлиқда бунинг жуда катта аҳамияти бордир. Яъни, модель сифатида тузганимиз ГАП бутунлигини сўзловчи шахси таъминлаётганидек, «Новвой қиз»нинг сиртдан тарқоқ қўринган қисмларини муаллиф шахси яхлитлаштиради. Ҳикоя композициясининг сиртдан тарқоқдек қўриниши эса, бизнингча, юз бериши жиҳатидан турли даврларга тааллуқли икки воқеанинг "объектив" тасвир йўсинида жонлантирилгани билан изоҳланади. Зоро, одатда бу хил тасвир йўсинидан борилган ҳикояда асосан бир эпизод ёки бир-бирига узвий боғлиқ бир неча эпизод олиниши, улар (садир бўлиш вақти нуқтаи назаридан) узлуксизлик иллюзиясини ҳосил қилиши лозим эди. Чўлпон ўзгача йўлдан боради, у контекстдан англашиладиган нарсаларни дадил ташлаб ўтади (тилдаги "тежаш" принципига монанд), асар қурилишида кўпроқ кино санъатига хос монтаж усулидан фойдаланади. Бадиий адабиётда монтаж усулидан фойдаланиш ўша давр европа адабиётидаги янгиликлардан эканлигини эътиборга олсак, бу ўринда ҳам Чўлпоннинг дадил тажрибаларидан бирига дуч келаётганимиз англашилади. Албатта, ҳар қандай тажрибанинг ютуқ ва камчилик томонлари бўлади. Хусусан, "Новвой қиз"да объектив тасвир йўсинида жонлантирилган эпизодлар билан эпик ҳикоялашнинг уйғунлашиб кетолмагани, ҳикоя ритмининг бузилгани тажрибанинг камчилик томонларидир. Чўлпон ушбу тажриба орқасида эришган бадиий самаралар ҳақида эса мавриди билан тўхтalamиз.

Чўлпон тасвирланаётган воқеанинг ўзи муҳим санаган ўринларини алоҳида ажратишга, уларга маъно ургуси беришга интиладики, натижада ГАП бўлакларининг одатдаги тартиби ўзгаради — инверсия ҳодисаси қузатилади. Агар ГАП бўлаклари тўғри тартибда жойлаштирилганида эди, у ҳолда иккинчи қисмдаги унсурларнинг аксарияти биринчи қисмга ўтар, ҳикояда воқеалар ривожидаги изчил давомийликни

кузатиш имкони туғилар эди. Бироқ Чўлпон ГАПнинг биринчи қисмига урғу беришни истайди, шу боис ҳам қатор сюжет унсурларини (экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация) четлаб ўтиб, ҳикояни биратўла ечимдан: қаҳрамонларнинг "бўлар иш бўлиб битган"идан кейинги ҳолати тасвиридан бошлайди. Адиб Ўлмасбой билан новвой қизнинг бир-бирларига мутлақо зидлигини таъкидламоқчи, бироқ буни оддийгина қайд этиш эмас, тасвиrlаб беришни истайди, токи ўқувчисининг ўзи ўз кўзи билан кўриб шунга амин бўлсин. Ҳикоянинг биринчи қисми айни шу мақсадни амалга ошириш учун максимал имконият бера оладиган тарзда қурилган. Чўлпон аввало қаҳрамонларининг айни пайтдаги руҳий ҳолатидаги контрастлиликни юз-кўз ифодалари воситасида кўрсатади: "Хоин эркакнинг **марҳаматсиз** кўзлари билан алданган қизнинг сўнник кўзлари бир-бирига йўлиқиши. Эркак **мағрур**, заҳарли ва совук бир кулиш билан **кулди**. Қиз жуда оғир бир жирканиш билан юзларини бурди". Кўриб турибмизки, бўлиб ўтган ишнинг қаҳрамонлар руҳиятига таъсири турлича: эркак қилган ишидан ғуурурлангани ҳолда, қиз ич-ичидан жирканади. Шунинг ўзиёқ иккисининг бутунлай бошқа-бошқа оламлигини кўрсатади. Боз устига, парчадаги "хоин" ва "алданган" сифатлари ўқувчига воқеанинг қай тарзда юз берганини, бунда қиз ихтиёри бўлмаганини англатади. Икки сўз контрастлилиги асосида ўқувчидаги мазкур фикрни ҳосил қилган адиб уни тезроқ мустаҳкамлашга интилади: "Ўлмасбой... теразага яқинлашди ва унинг бир қанотини секингина очди. Уй ичи бирдан ярақлаб кетди. Қиз тезгина очик-сочик ётган ерларини кўрпа билан беркитди-да, туриб ўтирди". Қизнинг ҳаракатидан англашиладики, унинг табиатига суюқлик ёт, аксинча, у номусли, иболи эди. Унинг хона бирдан ёришган чоқдаги ҳаракати инстинктив реакциягина эмас, йўқ, табиатига сингиб кетган номус, ҳаё шунчалар кучлики, "бўлари бўлди-ку" дея ўтирабериш қўлидан келмайди унинг. Мазкур чизги билан ўқувчидаги илгарироқ ҳосил қилинган тасаввурни мустаҳкамлагач, адиб бўлиб ўтмиш воқеага муносабатнинг контрастлилигини персонажлар орасидаги мулоқот воситасида очишга ўтади: "...қиз бу сафар **изтироб ва қийноқ аралаш бир юз** билан:

— Нима қилиб қўйдингиз? – деди. Заҳарли ва **мағрур қули-шини яна бироз кучайтира** туриб Ўлмасбой ҳам безбетларча жавоб қайтарди:

— Маза бўлди, қўя беринг...

Қиз бу сўздан кейин **жуда чукур жирканиш билан юзини бурди ва титраган лаблари** орасидан икки оғиз сўзни зўрга чиқара олди:

— Маза бўлмай ўлсин, илоҳим!

Ўлмасбой қизнинг бу сўзини бир **ноз**, қизларга хос **истигно** деб англаган эди..." Эътиборли жиҳати шундаки, адиб бўлиб ўтган воқеага муносабатнинг контрастлилигини босқичма-босқич изчилликда очиб боради: биринчи босқичда қаҳрамонларнинг юз-кўз ифодалари сиртдан чизилди, иккинчисида қаҳрамоннинг кўз илгар-илғамас ҳаракати муҳрланди, учинчисида персонажларнинг бевосита мулоқоти чизилди. Кўрамизки, бу ўринда маънонинг кучайтирилган, юкорироқ поғонадаги такрори кузатилади, яъни, композиция даражасидаги градация усулидан

фойдаланилади. Парчадан англашиладики, бўлиб ўтган иш қиз учун том маънодаги фожия, Ўлмасбой учун — оддийгина кўнгил хушлиги, холос. Чўлпоннинг Ўлмасбойдаги ғуурланиш кайфиятини қайта-қайта тақрорлаши ҳам бежиз эмас. Бунинг сабаби қуйироқда Ўлмасбойнинг қизга қарата: "Туринг, дарров устбошингизни тузатинг. Хотинлар қовун сайлидан келиб қолишади", — дейишидан англашилади. Шу гапнинг ўзиёқ зийрак ўқувчига кўп нарсаларни ойдинлаштиради. У англайдики, Ўлмасбой бу ишни олдиндан пухта режалаштирган: ўлжасини кўз остига олиб қўйган-да, қулай пайт келишини пойлаган. Шу боис ҳам қизни адои тамом қилаёзган воқеа уни заррача ҳам саросимага солмайди: Ўлмасбой яхши биладики, қизнинг кекса онасидан бошқа ҳеч кими йўқ, баски, уни бирор ҳимоя қилолмайди — жинояти жазосиз қолади. Шу кичкинагина деталь Ўлмасбойнинг нечоғли ёвуз кимса эканлигини, унинг жинояти бевосита ички табиатидан ўсиб чиққанини кўрсатади. Мазкур деталга таянган ҳолда Чўлпон контрастлиликни яна бир баҳя кўтаради. Қиз Ўлмасбойни бисотидаги энг оғир сўз билан "Имонсиз!" дея сўкканида, у бемалол қулиб туриб айтадики: "Ойим, сизга нима бўлди. Мусулмон, қалимагўй одамни имонсиз дейсизми?" Кўринадики, персонажлар нафақат конкрет воқеага муносабатда, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам бир-бирига тамомила зиддирлар. Қиз учун имон — инсонийлик билан уйқаш, Ўлмасбой учун имон — "калимагўйлик"дан нарига ўтмайди. Ҳикоянинг модели сифатида келтирганимиз ГАПда "имонсиз" ва "ҳаёли" аниқловчиларини қарши қўйган эдик. Ўйлашимизча, Чўлпон ҳикоянинг биринчи қисмини қаҳрамонларидағи айни шу сифатларни асослаб кўрсатишга интилади, зеро, у барча ифлосликлару жиноятлар илдизини имонсизлиқда кўради. Агар ҳадиси шарифда "ҳаё иймондандир" дейилгани эътиборга олинса, бу хил қаршилантиришнинг илдизлари кўзга ташланиб қолади. Ҳикоянинг ниҳоясида ёмоннинг албатта жазо топиши таъкидланадики, бу ҳам ҳикоянинг мазмунан мукаддас манбаларга эшлигию умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанглигини кўрсатади. Бир қарашда ҳикоянинг иккинчи қисми қизнинг кейинги ҳаётида бошдан ўткарган шўришларини ҳикоя қилишу шу орқали Ўлмасбойнинг жинояти нечоғли оғирлигини кўрсатишгагина хизмат қиласигандек. Аслида эса ҳикоя бадиий концепциясини ифодалашда бу қисм жуда катта аҳамиятга моликдир. Бунга амин бўлиш учун биринчи ва иккинчи қисмлардаги структуравий унсурларнинг ўзаро алоқасига диққат қилиш зарур. Ҳикоянинг бошланишидаёқ аслида муҳим бир контрастлилик кўрсатилган эди: "Қилғилик қилиниб, бечора қизнинг излиги олиниб, бўлар иш бўлиб битганидан кейин, иккаласи жим бўлиб икки томон чўзишишдилар". Биринчи жумладаноқ, ҳеч бир тайёргарликсиз бадиий воқеликка олиб кирилган ўқувчи бунга қадар бўлган ҳолатни — аёвсиз олишувни тасаввур эта олади. Бу томонда ҳимоясиз бир ожиза ўз номуси, демакки, — бахти, келажагини бир ёвуз чангалидан кутқармоқ учун жаҳд ила олишаётган палла: "Уйнинг ичи, ташқари ҳовли, кўча-кўй худди тонг отишидан сал бурунғи вақтлардай — чуқур, вазмин ва тинч бир жимликка ботқон эди. Баъзи-баъзидагина пастак пирамондан бир жуфт эр-хотин мусичаларнинг қукулашлари, кўшни ҳовлидан ёш болаларнинг ўйун вақтидаги шовқунлари, кўча томондан якка-

ярим йигитларнинг кучсиз ва ғамли қўшиқлари эшитилиб қўярди". Кўрамизки, ташки оламда ажиб осудалик, ҳамма ёқ тинч — гўё ҳеч нарса юз бермаётгандек. Бундай қараганда бу хил контрастлиликнинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқдай. Бироқ буни иккинчи қисмдаги қўйидаги сўзлар билан алоқада олинса, фикримиз ўзгариши мумкин: "Кенг юрт... Кўп ҳалқ... Кампирнинг ўлгани, қўмилгани бир маҳаллага ҳам билинмагани ҳолда, қизнинг аллаким билан ўйнашиб юргани ҳаммага билинган, бутун шаҳарга довруқ бўлган эди". Қабатида юрган бир ожизанинг бору-йўқлигига асло қизиқмаган(бу билан ўлмасбойларнинг қўлини ечиб қўйган), қиз ўз номуси учун олишаётган пайтда ёрдам беришга ярамаган, унинг яккаю ёлғиз суюнчиғи ўтганида бепарво бўлган "жамият, омма" нечукдирки энди қизни бузуқликда айб-лашга, ундан ҳазар қилишга ўзини маънан ҳақли сезади — бундан уялмайди. Омма образининг бу хил талқини "Қор қўйнида лола"да ҳам кузатилган эди. Кўрамизки, бир қиз тақдири орқали Чўлпон яна улкан муаммоларни ўртага ташлайди: "шу қадар буюклиги билан" ўзининг бир парчасини ҳимоя қилолмаган жамият жамиятми? Ҳалқ – ҳалқми? Миллат – миллатми?" – деган ўртовчи саволларга жавоб излайди, ўқувчисини ҳам шунга ундейди. Кишининг шуурига чақиндай кириб борувчи бу хил хитоблар эса, кўрдикки, турли қисмлардаги унсурлар кесишган нуқталардагина юзага келади. Жамиятнинг шахсга муносабатидаги бу хил адолатсизликка адиб чидаёлмайди, сюжет воқеаларини тўхтатиб (лирик чекинишни биз ГАПда қавс ичида ифодаладик), тўғридан-тўғри ўқувчига мурожаат қиласи: "Ахир қиз ҳеч ким билан ўйнашгани йўқ-ку! Уни "Уйимда хатми-хожам бор, нонингни тугал оламан, юр менинг билан бирга", деб олиб кетиб, куч билан босган Ўлмасбой эди-ку!.. Лекин бу ҳақиқатни Ўлмасбойнинг уйидаги девор ва теразалар билан ўша ерда қолиб кетган нон саватидан бошқа ким билади? Ким? Ҳеч ким! У жонсиз нарсалардан ун чиқмаса, товуш келмаса, нима қилайлик? Нима?" Лирик чекинишнинг умумий руҳи, ундаги жумла қурилиши ("Нима қилайлик?") Чўлпоннинг "омма — қаҳрамон" контрастида қай томонда эканини ошкор кўрсатиб туради. Боз устига, шу нуқтада адиб қаҳрамонига эвриладики, лирик чекиниш айни пайтда новвой қизнинг изтиробли ўйлари сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин, яъни, у психологик тасвир воситасига айланади. Айтилганлардан ташқари лирик чекиниш тасвирланган воқеанинг дастлабки босқичларини ўқувчи хаёлида тиклашга имкон беради: ГАП қурилишининг тўғри тартибида унинг бир қисми ҳикоя экспозициясини ташкил қилган бўлур эди. Яъни, бу ўринда лирик чекинишнинг кечикирилган экспозиция функцияси ҳам мавжуд. Шу ўринда асар қурилишида фойдаланилган инверсия усулининг ғоявий-бадиий самараси яққол кўзга ташланади. Тўғри, агар иккинчи қисмдаги қатор унсурлар тўғри тартибда жойлаштирилиб биринчи қисмдан жой олганида, Новвой қиз тақдири ҳақида изчил ҳикоя қилинган бўлур эди. Бироқ, бу ҳолда воқеанинг аҳамияти олдинга чиқардики, тематик аспектнинг интригали фабула соясида қолиб кетиш эҳтимоли кучаяр эди. Бу эса муаллиф кўзлаган мақсадга мувофиқ эмас, яъни, ҳикоянинг айни шу тарзда қурилгани адибнинг ғоявий-бадиий нияти билан изоҳланиши мумкин. Зеро,

Чўлпоннинг максади воқеани ҳикоя қилиб бериш эмас, унинг моҳияти ҳақида ўйлаш ва ўйлатишдир.

"Новвой қиз"нинг ички структурасини белгилаган кон- трастлилик унинг ташки қурилишида ҳам ўз аксини топган: ҳикоянинг учинчи қисми аввалги иккитасига қарши қўйилади. Энди контрастлилик қаҳрамонлар орасида эмас, уларнинг ўтмиши ва бугуни орасида ётади. Хорликлар кўрган новвой қиз энди ижтимоий фаол шахс — "хотин-қизлар шўъбаси раисаси"; жазонинг муқаррарлигини англаган Ўлмасбой ўзини илгаригидек эркин тутолмайди. Кўринадики, бу ўринда икки давр зид қўйилаётir, яъни, ҳикояда "инқилобгача — инқилобдан сўнг" схемасининг муайян таъсири бор. Ҳикоя ёзилган пайтда Чўлпон маданиятчилар қурултойи раёсатига берган вайдалига биноан "хатоларини ишчи-дехқон кўнглидан кетказиш" мажбурияти билан яшаётгани эътиборга олинса, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи ҳам йўқдек. Шунга қарамай, адебнинг бадиий маҳорати, дастлабки икки бобда қўйилган муаммолар кўламию учинчи қисмнинг умуминсоний мазмунни (эзгуликнинг тантанасига, ёвузликнинг жазо топишига ишонч) "Новвой қиз"ни кундалик долзарбликтан юқорироқ кўтариб туради. Демак, бу ўринда схема таъсирида рўёбга чиқмай қолган имкониятлар ҳақида сўз боргани тўғрироқ бўлади. Ҳикоядаги бадиий топилмалардан бири — "денгиз" ва "қирғоқ" (қоя, тоғ) контрасти асосига қурилган рамзий-мажозий образ шу ҳақда гапириш имконини беради. Биринчи ва учинчи қисмларда муайян ўзгаришлар билан такрорланувчи мазкур образ ҳикоя бадиий концепциясини ихчам ифодалаш, қисмлар орасидаги мазмуний-мантиқий алоқани мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Бироқ, адеб "денгиз – қиз", "қирғоқ – Ўлмасбой" муқоясаларини ўтказадики, натижада катта бадиий умумлашмалар чиқариш имконини берувчи рамзлар("денгиз", "тўлқинлар ва мавжлар", "қирғоқ-қоя")нинг маъно диапазони торайтириб юборилгандек таассурот қолади. Ҳартугул, биринчи қисмдаги тасвирнинг Ўлмасбойга жаҳд ила пиёланинг улоқтирилиши билан боғлангани ўзини оқламагандек кўринади. Ўйлашимизча, бу образлардан юқорида тўхталганимиз "шахс ва жамият" муносабатлари муаммоларининг рамзий ифодаси учун фойдаланилганида дурустроқ бадиий-эстетик самара олиш мумкин бўларди. Зеро, бу ҳолда "шахс ва жамият" муносабатлари муаммолари бадиий концепция асосини ташкил қилиб, аёл тақдири масаласи шунинг бир муҳим узви бўлиб қолур эди. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг концептуал бутунлигини янада мустаҳкамлаб, унинг бадиий баркамоллигини таъминлаган бўларди.

Ҳикоялар таҳлилидан кўринадики, Чўлпоннинг бадиий шакл бобидаги изланишлари композиция даражасидаги контраст, градация ва инверсия ҳодисаларининг тадбиқ этилиши, асар қисмларини монтаж усулида боғлаган ҳолда композицион бутунликни концептуал бутунлик ҳисобига таъминлаш кабиларда намоён бўлади. Бадиий воқелик объектив жонлантирилган ҳикояларда мазкур усулларнинг қўлланиши эса адигба композицион тафаккур имкониятларини кенгайтириш, ўзи кўринмагани ҳолда ўқувчи билан фаол мулоқотда бўлиш, асарнинг қабул қилинишини бошқариш каби имкониятларни тақдим қиласи. Чўлпоннинг бу хил

изланишлари миллий насрчи- лигимизнинг янгича поэтик воситаларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга молик эди.

Умид қиласизи, юкоридаги мулоҳазаларимиз шаклбозликка, бадий асар моҳиятини жўнлаштиришга мойиллик деб тушунилмас. Дарҳакиқат, тилимизда мавжуд гап конструкциялари ҳар қандай ҳикоянинг ҳам ГАП моделини тузиш мумкинлигига шубҳа қолдирмайди. Бироқ, табиийки, ГАП моделини тузишнинг ўзи тугал мақсад бўлолмайди, у асар структурасини, ундаги унсурларнинг ўзаро алоқаларини осонроқ тушуниш ва тушунтириш имконини берувчи бир восита, холос. Баски, фақат таҳлилни осонлаштириш имконини берадиган ҳоллардагина мазкур усулга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида тузганимиз ГАПлар, фикримизча, айни шундай имкониятни яратадики, биз улар ёрдамида таҳлилга тортганимиз ҳикоялар структурасини кузатишга интилдик. Биз таҳлил давомида бот-бот Чўлпон номини тилга олдик. Модомики асарни алоҳида бутунлик сифатида тушунаётган эканмиз, биз назарда тутган *Чўлпон тарихий шахс эмас, балки ижод онларидағи Чўлпонгина эканлигини таъкидлаш лозим*. Зеро, бадий асар ҳам муайян ситуацияда айтилган гап мисоли бетакрор ҳодисадир: санъаткор айни шу асарини айни шундай қилиб қайта яратса олмайди, чунки айни ўша *ижодий-руҳий ҳолатга* қайта киролмайди. Демак, бетакрор ижодий руҳий ҳолат акс этган асарда биронта ҳам ортиқча унсур мавжуд эмас — бадий асар систем бутунликдир. Систем бутунлик эса, биринчи галда, объект (бадий воқелик) ва субъект (ижодкор) бирлигини тақозо килади. Шундай экан, бадий асарга ижодий ёндашув ўқувчидан ижодкор субъектининг ўрнини эгаллаб, унинг ижод онларидағи бетакрор ижодий-руҳий ҳолатига кира олгандағина мавжуддир. Бунда ўқувчига ижодий жараённинг модели бўлмиш асарнинг ўзигина ёрдам бериши мумкин. Асар(систем бутунлик)ни тушунишнинг кўпчилик эътироф этган қоидаси эса оддийгина: бутунни қисм, қисмни бутун орқали тушунилади. Баски, бутунликни ташкил этаётган унсурларнинг горизонтал ва вертикал алоқаларга киришишию оқибат яхлит бутунлик ҳосил қилишини тасаввур этмасдан туриб унинг мазмун-моҳиятини англаш душвордир. Ҳатто, кези келганда биттагина унсурнинг эътибордан четда қолиши ҳам бутуннинг мазмун-моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Зеро, К.Леви-Стросс таъкидлаганидек, структура мазмуннинг мантиқий ташкилланишидирки,<sup>1</sup> ўша мантиқни ўзлаштирмасдан туриб бадий асардаги мазмун жилоларини илғаш мумкин эмас кўринади.

Адиднинг таҳлил қилинган ҳикоялари муайян давр маҳсули эканлиги шубҳасиз. Бироқ бу асарларга фақат тарихий шахс Чўлпоннинг конкрет тарихий шароитдаги ўй-ҳисларини англаш учунгина ёндошсак, уларни ўзи яратилган даврга боғлаб қўйган, баски, уларнинг мазмун кўламини торайтирган бўлиб чиқамиз. Зеро, ижод онларида адиб реалликдан узилиб, ўтмиш, ҳозир ва келажакни бирлаштирган катта ВАҚТ қўйнида яшаганки, ҳикояларда айни шу ижодий-руҳий ҳолатдаги ўй-

<sup>1</sup> Леви-Стросс К. Структура и форма//Семиотика.- М.,1983.- С.400

хислар модели мужассамдир. Сираси, бадий асарнинг умрбокийлигини таъмин этувчи асосий омил ҳам — шу: катта ВАҚТ кўйнидаги ўй-хислар мужассам асар катта ВАҚТ ўлчамида яшайди. Шундай экан, уларнинг мазмун бойлигию жозибасини моделга ижодий ёндашиб, адабнинг ижодий-рухий ҳолатига максимал яқинлашгандагина илғашимиз мумкин бўлади. Демак, уларга берилаётган баҳолардан қатъий назар, ижодий ёндаша оладиган ўқувчи мавжуд экан, бу асарлар ўзининг эстетик қимматини йўқотмайди.

### **Чўлпон кичик насрый асарларида тагмањно қатлами**

Бадий асар мазмун-моҳиятини англашнинг муҳим шарти унга систем бутунлик сифатида ёндошиш эканлигини кўриб ўтдик. Бироқ бу ўринда бошқа бир муҳим жиҳатни ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Модомики бадий асарни ГАП деб тушунарканмиз, гапнинг мазмуни уни ташкил қилаётган сўзлару уларнинг грамматик муносабатлари билангина белгиланмаслигини унутмаслик даркор. Юқорида айтилганидек, М.Бахтин бадий асарни нутқий жараённинг бир занжири деб билади, диалогдаги репликага тенглайди<sup>1</sup>. Маълумки, сухбат жараёнида айтилаётган гап мазмуни сўзловчи шахси, унинг айни пайтдаги руҳий ҳолати, сухбатдошлар билан ўзаро муносабати, сухбат жараёнида айтилган бошқа гаплар, сухбатнинг умумий мазмунию руҳий атмосфераси каби қатор жиҳатлар билан-да боғлиқ. Дейлик, биргина "Хўп!" деган сўз-гап ҳар бир конкрет шароитда турлича маъноларни ифодалashi, ҳатто, конкрет нутқий шароитда ҳам турлича (яъни, сухбатдошларнинг ҳар бири ўзича) тушунилиши мумкинлиги сир эмас. Демак, бу гапни юқоридаги жиҳатларга кўз юмган ҳолда тушунмоқчи бўлсак, биз англаган мазмун маълум маънода субъектив бўлиб чиқади. Шунга ўхшаш, бадий асарга **муаллиф юклаган мазмунни** уни ташкил этаётган унсурлар алоқасию ўз ички бутунлигидангина келиб чиқиб, имманент ҳолда тушуниб бўлмайди. Немис файласуфи, герменевтика — тушуниш назариясининг йирик намояндаларидан бири Г.-Г.Гадамер: "Как отдельное слово входит во взаимосвязанное целое предложение, так и отдельный текст входит в свой контекст — в творчество писателя, а творчество писателя — в целое, обнимающее произведения соответствующего литературного жанра или вообще литературы. А с другой стороны, этот же текст, будучи реализацией известного творческого мгновения, принадлежит душевной жизни автора как целому. Лишь в пределах такого объективного и субъективного целого и может совершаться понимание",<sup>2</sup> — деб ёзади. Кўрамизки, Г.Гадамер конкрет асар кирадиган бутунликнинг объектив (ёзувчи ижоди) ва субъектив (унинг руҳий ҳаёти) томонларини ажратади. Бизнингча, бу ўринда учинчи жиҳат — ёзувчининг ҳаёт йўлини ҳам олиш зарур кўринади. Табиийки, бу ҳолда конкрет асар кирадиган контекслар доираси янада кенгаяди, зоро, юқоридаги уч

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.- М.,1979.- С.254

<sup>2</sup> Гадамер Г.-Г. Актуальность прекрасного.- М., 1991.- С.72-73

жиҳатнинг ҳар бири қисм сифатида бошқа бутунликларга кириб боради. Айтайлик, ёзувчи ҳаётининг конкрет асар ёзилган босқичи унинг бутун ҳаёт йўлига нисбатан қисм бўлгани ҳолда, ёзувчининг ҳаёт йўли тўлалигича жамият ҳаётига нисбатан қисм бўлиб қолади. Равшанки, бу хил муносабатни янада кенгайтириб бориш ҳам мумкин. Бундан кўринадики, герменевтиканинг асосий тамойили бутунни қисм, қисмни бутун орқали тушуниш эканлигини эътиборга олсак, ТУШУНИШ бенихоя мураккаб ва интиҳосиз жараёндир. Аввалги бобда амин бўлдикки, бадий асар имманент ҳолда ҳам мазмунга эга: ўқувчи моделга таянган ҳолда мазмунни шакллантира олади. Табиийки, бу мазмунда субъективлик улуши мавжуд, зеро у модель воситасида бадий воқеликни қайта яратган ўқувчининг ижодий имкониятларига кўп жиҳатдан боғлик. Иккинчи томондан, алоҳида бутунлик сифатида олинганда ўқувчи асарда акс этган ижодкор билан мулоқотга киришади, ижод онларидағи санъаткорниги танийди. Контекстлар доирасида тушунишда эса асарга ўз вақтида ёзувчи томонидан юкландган мазмун эътиборда тутилади. Яъни, бу ҳолда биз асардан ташқарига чиқиб, реал ижодкорга яқинлашиш йўлидан борамиз, у билан мулоқотга киришамиз. Асарга ёзувчи юклаган мазмун эса факат контекстлар доирасидагина очилиши, конкретлашиши ва тўлишиб бориши мумкин бўлади. Модомики, бадий асар воситасида реал ижодкор билан мулоқотга киришмоқчи эканмиз, унинг нима деяётганию нима учун шундай деяётганини билган тақдирдагина чинакам мулоқотга киришиш, унга қўшилиш ёки у билан баҳслашиш имконияти туғилади. Унутмаслик керакки, ижодкор ёзаётган пайтидаёқ тасаввуридаги ўқувчисини бир лаҳза бўлсин хаёлидан нари қилмаган: унга нималарнидир айтишни, уни нималаргадир ишонтиришни истаган, у билан қайсиdir масалаларда баҳлашган. Бадий асарни ўқиши чоғида эса ижодкор билан ўқувчининг ўрни алмашади: ўқувчи реаллашгани ҳолда ижодкор унинг тасаввур оламига кўчади — ҳалиги мулоқот яна тикланади. Яъни, мулоқот асосида яратилган бадий асар факат мулоқот чоғидагина яшайди. Шу маънодла М.Бахтин: "Событие жизни текста, то есть его подлинная сущность, всегда развивается на рубеже двух сознаний, двух субъектов"<sup>1</sup> – деганида тўла ҳақдир.

Модомики бадий асар мулоқот асосида дунёга келар экан, мулоқот амалга ошаётган ситуация унга муайян таъсирини ўтказади, албатта. Маълумки, жонли сўзлашув жараёнида айтилган гап ҳар вақт ҳам сўзловчининг ўйидагини ифодалайвермайди. Зеро, айрим ҳолларда сўзловчи турли сабабларга кўра ўйидагини яшириш, муносабатини силлиқлаш, юмшатиш заруратини, баъзан мажбуриятини ҳис этади. Гоҳо эса сўзловчи даврада шундай гапириши мумкинки, кўпчилик учун бир маънони англатган гаплар айримларга буткул бошқа маънони етказади. Сўзловчи онгли равища шу хил йўл танлайдики, натижада ифодаламиш ва ифодаланмиш муносабати ўзгаради: ифодаланмиш зоҳирий ва ботиний қатламларга ажралади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, биринчидан, сўзловчи учун ботиний маъно муҳимроқ; иккинчидан, у даврадаги хос кишиларнинг ўша маънони англашларига

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Кўрсатилган асар.- С.285

шубха қилмайди, чунки уларнинг "контекст"дан хабардор эканликларини жуда яхши билади.

Моҳият эътибори билан шунга ўхшаш ҳоллар бадий ижод жараёнида ҳам, хусусан, Чўлпон ижодиётида ҳам бот-бот ку-затилади. Биз бу ўринда сўнгти ҳолга, ифода қатламининг онгли равишда иккига ажратилишига эътиборни тортмоқчимиз. Зеро, айни шу ҳолда бадий асарга муаллиф юклаган маънонинг англанишида контекстнинг роли бениҳоя ортади. Буни Чўлпоннинг "Йўл эсдалиги" номли сафарномаси мисолида кўриб ўтишимиз мумкин.

Илгари айтганимиздек, "Йўл эсдалигини" фақат шартли равищдагина сафарнома деб аташимиз мумкин. Зеро, унинг одатдаги сафарномалардан жиддий бир фарқи бор: бунда эркесвар руҳнинг кўнгил тор кўчалари бўйлаб машақкатли сафари қаламга олинади — реал йўл ва реал манзил бадий ният ижросида муҳим бўлмагани учун ҳам адиб уларни конкретлаштирумайди. Асарни шартли равищда бўлса-да сафарнома жанрига мансуб дейишга асос берувчи жиҳатлар ҳам йўқ эмас: конкретлаштирилмаган бўлса-да "йўл" образининг мавжудлиги, унинг марказида сайёҳ-муаллиф образининг туриши. Хўш, нима учун адиб сафарнома жанрини танлади? Мазкур саволга жавоб бериш учун контекстга — Чўлпон ижодий меросига бир қургина назар солишимизга тўғри келади.

Айтиш мумкинки, ҳеч ким маконий ва даврий ўзгаришларни йўлга чиқкан кишичалик ўткир ҳис қилмаса керак. Табиийки, маконий ва даврий ўзгаришлар йўлчи руҳиятига-да муайян таъсир ўтказади, дунёқарашида муайян ўзгаришлар ясади. Доно ҳалқимизнинг "юрган — дарё, ўтирган — бўйро" деган пурҳикмат мақоли ҳам бежиз тўқилмаган. Эҳтимол шунданadir, оғзаки ва ёзма адабиётда ўсиш-ўзгаришда кўрсатилаётган қаҳрамонлар кўпинча йўлга чиқадилар. Чўлпон ижодиётида ҳам йўл образи кўпинча шу хил ботиний параллеллар ўтказишга хизмат қиласи. Адибнинг ilk ижодида ёк "йўлсизлик"дан қийналаётган ва "йўлга чиқкан" қаҳрамонлар тақдири қаламга олинган эди. "Қурбони жаҳолат"даги сиқиқ муҳитда бўғилган Эшмурод ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлини тополмаганидек, сафарга ҳам отланмаган эди. Унинг зидди ўлароқ, изланаётган Муҳаммадиёр сафарга чиқади ва шунинг муқобилида ўзгаради. Шунга ўхшаш ҳолни "Кеча" романида ҳам кузатамиз: ўз оиласининг бикиқ муҳитида эзилган Зеби ҳам сафарга чиқади. Бироқ Зебининг сафари "бир ёзилиб келиш" мақсадидагина бўлганидан, сафар чоғида руҳиятида бошланган ўзгаришлар мантикий ниҳоясига етмайди. Зебидан фарқ қилароқ, Мирёқуб чиқкан йўл олдинга қараб юради — у ҳаётини ўзгаришишни ният қилган. Эҳтимол шунинг учундир, "Кеча"да у ортига, яъни, ўз муҳитига қайтмайди — Чўлпон унинг йўли муайян манзилга етишига ишора қиласи гўё. Ўйлаймизки, шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ Чўлпон насрий ижодида "йўл" образи қаҳрамонлардаги маънавий-руҳий ўсиш-ўзгаришнинг ботиний муқобили(параллели) экани ҳақидаги даъвомизни далиллайди. Шуниси ҳам борки, Чўлпоннинг "Юрт йўли", "Ишқ йўли", "Меним йўлларимда", "Учтўртта юлдуз", "Созим" каби қатор шеърларида ҳам йўл мотиви ҳозир. Уларнинг барини умумлаштирувчи жиҳат шуки, йўлга чиқкан йўлчи — лирик қаҳрамоннинг

кўзлаган аниқ манзили бор: у ё ёрни истаб, ё ёруғ бир юлдузни кўзлаб йўлга чиққан; ёрга етиш умиди кесилганида ёки юлдуз хира тортганида йўлчи ўртанади ва аксинча. Айтиш мумкинки, Чўлпон шеъриятида "йўл" образи мақсад — миллий озодлик ва тарақкий йўлидаги кураш рамзи сифатида талқин этилади. Бундан англашиладики, Чўлпон ўз руҳиятидаги зиддиятли кураш, ўзгариш жараёнини ифодалаш учун сафарнома жанрини танлагани бежиз эмас: у хос ўқувчисининг "йўл" образидаги юқоридагича маънолар билан яхши танишлигини, баски, бу нарса унинг асардаги ботиний маъноларни англашига асос бўлишини яхши билади.

Чўлпон мазкур сафарномасини "Билим ўчоғи" журналида эълон қиласкан, сарлавҳа остида "1921 йил 27 май" санасини қайд этадики, бундан айни шу куни йўлга чиққани англашилади. Сафарноманинг биринчи қисми "Кўнгилсиз чиқиш" деб номланган бўлиб, унинг бошланишидаёқ "бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқасида бўлғонини билганим ҳолда..." деган сўзларга дуч келамиз. Хўш, гап қандай "тотли умидлар" хақида бораётир? Бу саволга жавоб бериш учун адаб биографиясига мурожаат қилишимиз даркор. Маълумки, 1921 йилнинг июнидан Чўлпон "Бухоро ахбори" газетаси муҳаррири вазифасида ишлай бошлаган эди. Сафарномада йўл конкретлаштирилмаган бўлса-да, унинг Зарафшондан ўтганлиги англашилади. Шунга кўра асарда адабнинг Бухоро сафари акс эттирилган, деган фикрга келиш мумкин. Айтиш керакки, амирлик тугатилгандан кейин жадидлар Туркистон мустақиллиги учун курашда янги ташкил топган Бухоро Халқ Республикаси катта имкониятлар туғдириши мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу боис ҳам кўп ўтмай Бухорога жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакиллари тўплана бошлайдилар ва, бир томондан, янги жумҳуриятни мустаҳкамлаш, иккинчи томондан, Туркистон мустақиллигига эришиш йўлида астойдил ҳаракат бошлайдилар. Жумладан, Бухоро ҳукуматининг раҳбарларидан бири бўлмиш Фитрат томонидан "Бухоро ахбори" газетасига муҳаррирлик қилиш учун таклиф қилинган Чўлпон ҳам қалами билан шу йўлда хизмат қилиши лозим эди. Чамаси, адаб маслакдошларининг узокни кўзлаган мақсадларидан ҳали йўлга чиқмасиданоқ воқиф бўлгану, кўнглидаги сўнишга келган умид яна пориллаб ёнган кўринади. Шу боис ҳам адаб "тотли умидлар"ни дилига жо айлаб Бухоро сафарига отланади.

"Йўл эсдалиги"да адаб руҳиятидаги тушкунликнинг умидворликка айланиши рамзлар воситасида ифода этилади. Йўлга чиққанидан сўнг сайёҳ-Чўлпон хаёл ҳақида ўй суриб, у ҳақда илгарироқ ёзган шеърини эслайди:

Хаёл...хаёл... ёлгиз хаёл гўзалдир,  
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман...

Адаб ўзининг "Йўл эсдалиги"ни ёзиш арафасидаги руҳий ҳола-тини шу сатрларда ёрқин ифодалайдики, буни тасаввур этиш учун яна контекстга мурожаат этиш зарур. Маълумки, Чўлпон Туркистон мухториятига боғлаган умидларида алдангач, Фарғона водийсида авж ола бошлаган миллий озодлик ҳаракати — «босмачилик»ка катта умид боғлади. У мазкур ҳаракат буғуми-эрта оммавий тус олишигаю элини озод қилишига ишонди. Чўлпоннинг "Пўртана", "Тортишув тонги", "Кураш" каби қатор

шеърларида шу ишончдан қувватланган даъваткор рух сувратланади. Бироқ шоирнинг хаёлидаги ва ҳаётдаги мавжуд ҳол ўртасидаги тафовут борган сари яққол кўзга ташланиб боради. Чўлпон ўзи "Пўртана"да орзу қилган қудратни, омманинг эрк дея бир ёқадан бош чиқаришини, "йўксилдаги имоннинг тошиб кетиши"ни аксарият юртдошларида кўрмайди. Орзу-умидларининг саробга айланаёзгани шоирни изтиробга солади, бунинг натижаси ўлароқ 1921 йил ўрталаригача ёзган шеърларида маҳзун оҳанглар, тушкунлик қайфияти устунлик қиласи. Шоирнинг шу вақтда ёзилган "Ёнгин" номли шеърида "кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар" дейилиши ҳам шундан далолатдир. "Ёнгин" шеърига газета хабаридан "Таланмаган, йиқилмаган уй йўқ. Гўдаклар найза бошида..." деган парчанинг эпиграф қилиб олиниши юртдаги вайронагарчилигу хунрезликлар шоир руҳиятига нечоғли қаттиқ таъсир этганини кўрсатади:

*Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,  
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?  
Бир кўз йўқми қонли ёши оқмаган,  
Бутун кўнгил умидсизми, сўндими?*

Шоир алам билан қайд этаётган ҳақиқатлар замирида энди аввалгидек курашга, кўзғалишга ундаш эмас, ўзининг ҳам юртининг ожизлигидан ўкиниш оҳанглари кучлироқ келади. Ўзи орзулаган оммавий кўзғалишни кўрмаган Чўлпон "Мўминларнинг оқ виждони, имони, Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?" дея ўкинч-ла ўйга толади. Зоро, унинг эътиқодида имон тушунчаси ватанга муҳаббат тушунчаси билан эш келади, "хифзул ватан минал имон" — ватанини ҳимоя қилмоқ иймондандир, деб билади. Чўлпон "Пўртана", "Кураш" шеърларида кузатилганидек кўзғалиш шиддатига нечоғли мафтун, эрк учун курашга нечоғли ташна бўлмасин, аввало, шоир — хассос қалб соҳиби эди. Бегуноҳ тўкилган қонлар эса, ҳар вақт бўлганидек, энг аввал шоир қалбини сўроқка тутади:

*Қиличларнинг тилларида қизил қон  
Булоқларнинг суви каби тошдими?  
Яланг бола, яланг гўдак, маъсум жон  
Найзаларнинг бошларидан ошдими?*

Айни шу даврда Чўлпон "бегуноҳ тўкилаётган қонлардан бирор натижа бўлармикан? Кўзлаган мақсадимиз тўкилган қонларга арзирмикан?" деган андишаларга борган кўринади. Ҳар ҳолда, худди шу вақтларда ёзилган "Ёрқиной" пъесасининг қаҳрамони исёнкор Пўлатнинг кураш ниҳоялангач ҳам кўп нарса ўзгаришсиз қолаётганини кўриб, "Мунча қон тўкишнинг нима кераги бор эди?" дея ўйга толиши ҳам бежиз эмас. Айт-моқчимизки, бу пайтда Чўлпоннинг ҳаёт йўлини ёритиб турган "ёруғ юлдуз" анчагина хира тортганди. Шоир кўнгли миллий озодлик ҳаракатининг кенг кулич ёйишига, оммавий тус ола билишига ишонолмай қолганди. Чўлпон дилидаги умидсизлик авж пардасига кўтарилган давр маҳсули сифатида "Амалнинг ўлими" шеърини кўрсатишмиз мумкинки, ундаги:

*Кенглик хаёллари учдими кўкка?*

*Бутун умидларни ёвларми кўмди?  
Мангу тутқунликка кирдими ўлка?  
Хаёлда порлаган шамларми сўнди? –*

деган сатрлар юқоридагича ўйлашимизга асос беради. Шоирнинг изтироблари юрт қайғусида чеккан оҳлари "ўтидан чиққан шуъ-лалар" юртдошлари "кўқрагидан бир жой топмаган"и, аксариятининг қалблари ҳамон ухлаётгани сабаблидан ҳам кучаяди. У ўзи хаёлида ардоқлаган "эрклик юлдузи"нинг нурларидан ҳар бир мазлум дилида бир "из" қолишига ишонарди, бироқ ҳақиқатда бундай бўлиб чиқмади. Шу боис ҳам шоир:

*У бир из, кўзимнинг нурларидан ҳам  
Юксакдир, мен уни ўпмак истайман.  
Агар топилмаса бу юртлардан ҳам  
Кўчиб йироқларга кетмак истайман, – деб ёзади.*

Юқорида айтганимиздек, Чўлпон руҳиятидаги тушкунлик хаёл ва ҳақиқат орасидаги улкан тафовутдан юзага келганди, шу боис ҳам у "ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқади": кўраётганларини "ҳақиқат" дея тан олишга қўнгли чопмайди, қўнглида "эрклик юлдузи" қолдирган "из" орзуларидан воз кечишга йўл қўймайди. Кўнгли умид ва умидсизлик орасида талош бўлиб турган дамларда уни хаёл қутқаради: "Ул меним энг умидсиз, энг қийналғон, энг эзилғон чоқларимда келиб бошимдан силар, сийпар, юпатар, эркалатор эди". Кўрамизки, яқин ўтмишида хаёлот олами Чўлпонни "ҳақиқатнинг кўзлари"дан яширадиган, унинг ўксик кўнглини овутадиган ягона бир гўша эди. Энди эса Чўлпон-сайёҳ учун хаёлнинг аҳамияти ўзгаргандек: "Қоронғилик меним умид билан порлағон кўнглимни ўзининг қўрқинч қучоғлари орасига олиб ўчурмакчи бўладир, кўнглум эса хаёлнинг қўкидан тушкуси келмайдир". Айтиш керакки, бу ўринда "қоронғилик" ҳам рамзий маънога эга. Чўлпон маслакдошларининг Бухоро билан боғлиқ бўлган ниятларию бу йўлдаги саъй-ҳаракатларидан воқиф бўлгач, "кўнгли умид билан порлаган"и аён. Бироқ бир бора алданган кўнгил энди эҳтиёткор бўлиб қолган – унга шубҳаю гумонлар-да ёт эмас. Адиб кўнглидаги умид билан шубҳаю гумонлар курашини рамзлар (даражатлар "бир тўп хаёл-ваҳм", "ёғдусиз хира чироғлар", "коронғидан қўрқуб, ғужум бўлуб, беркиниб ётқон дараҳтлар") воситасида ифодалайди. Шубҳаю гумонлар кучайиб боргани сари кўнгил "қоронғилиқ" саноқсиз қарғишилар юбора-ди", бироқ улар "қоронғилиқнинг "ваҳм"ларини тағинда кучайтириб, унинг азаматини тағинда орттиар эди". Қоронғилиқ қуюқлашиб боргани сари сайёҳ дилидаги умидни бор кучи билан қувватлантиришга интилади. Бироқ у қанча зўр бермасин, қоронғилик қуюқлашаверади — борликдаги табиий жараённи ўзгартиришга қодир бўлмаганидек, кўнглига ҳам буйруқ беришга ожиз қолади. Шу аснода сафарномада яна бир муҳим образ пайдо бўлади: "Мўъминлар ётар чоқларида, ўзларини уйқуга берар чоқларида Аллоҳ номини айтиб ёталар, ўзларини уйқунинг кучли қўллари орасига кўмар эдилар.

Мен-да бутун истагим, бутун тилакларим билан севганимнинг исмини айтдим ва қоронғиликнинг чукур қаърига отилдим..."

Кўрамизки, Чўлпон учун Бухорога боғлаган умидлари ҳамон "қоронғилик" — уларнинг амалга ошиш-ошмаслигини билмайди, шундай бўлса-да, маъшуқаси — юрт озодлиги орзусини дилига туккан ҳолда дадил қоронғилик кучоғига кириб боради. Бунгача юритган мулоҳазаларимиз сафарнома контекстида "маъшуқа" — юрт озодлиги рамзи сифатида келаётганига ишонтира олади, деб ўйлаймиз. Боз устига, Чўлпоннинг бир қатор шеърларида ҳам "маъшуқа" айни шу маънода талқин этилгани яққол кўзга ташланади. Биз Чўлпоннни ҳақли равишда новатор ижодкор деб атаймиз. Сираси, шоирнинг "ўзбек адабиётига янги тўн кийгизган"<sup>1</sup> ўз замондошлари томонидан-да эътироф этилган. Айни пайтда, ҳеч бир ижодкор, ҳатто энг буюк истеъдод соҳиблари-да, ўзини вояга етказган халқ маданияти таъсиридан буткул узилиб кетолмайди. Табиийки, Чўлпон ижодиёти ҳам қуруқ жойда юзага келгани йўқ, минг йиллар билан ўлчанувчи мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари унга асос бўлиб хизмат қилди. Буни, хусусан, Чўлпон шеъриятида "ошиқ" ва "ёр" образлари талқинида ҳам кузатилади. Мумтоз шеъриятимизда фаол қўлланилган мазкур рамзларга Чўлпон янги маъно юклади: унинг талқинида "ёр" — юрт озодлигию "ошиқ" — эркка ташна кўнгил. Яъни, мутасаввуф шоирлар интилган маънавий-эстетик идеал ҲАҚ бўлса, Чўлпон интилиб яшаган ижтимоий-эстетик идеал ЮРТ ОЗОДЛИГИ бўлиб қолди. Бундан англашиладики, Чўлпон ижодиётидаги рамзлар, асарлари қатидаги ботиний мазмун мумтоз шеъриятимиздан туртки олган ҳолда тушунилиши лозим. Зеро, Чўлпон тасаввуф шеъриятидан нафақат қуруқ шаклни, рухни-да ўзлаштиргандек. Шу боис ҳам шоир талқинидаги ёрга муҳаббат "илоҳий бир муҳаббат, ишқ"("Алданиш")дирки, вужудига сут билан киргану юрак қонига айланган:

*Илк – аввал қўзимни ишқ билан очдим,  
Ишқнинг майдонина қоними сочдим... ("Ишқ")*

Албатта, бу сатрларда "анодин қай куни туғдим сенинг ишқинг билан ёндим" дея хитоб этган Машраб руҳини туймаслик мумкин эмас. Айни пайтда, бу эсини танибоқ маъшуқасига кўнгил берган, "зуннори ишқ" ("Ишқ")ни боғлаган онидан маъшуқасига элтадиган йўлнигина "ҳақ йўл" ("Созим") деб билган Чўлпоннинг ЎЗ изхоридир. Маъшуқаси ҳажрида яшётган Чўлпон-ошиқ учун унинг васлига интилмак ҳаёт мазмунидирки, ўзини шу йўлдаги бир дарвеш, қаландар ("Ишқ йўли", "Қаландар ишқи") ҳис қиласи. Чўлпон ёр васлини "пок истакли куч" ("Юрт йўли") билангина исташ мумкин, бу йўлга кирган киши "нажотни ўзлигини унутишу ёрга сингиб кетиши"("Ишқ йўли")да кўрмоги керак, деб ҳисоблайди. Шу боис ҳам ўзининг айрим йўлдошларида "дил бузук"("Ётоқдан")лигини кўриб ўртанади. Эътиборли жиҳати шундаки, қалбida шу буюк ишқ билан яшаган шоир унинг зарраларини сатрлар қатига жойларкан:

*Сўйларкан тилларим на ёмон сўзлар,  
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар,  
Соддадил бунлардан не маъни онглар,*

<sup>1</sup> Махмуд В. Чўлпоннинг "Булоклар"и//Туркистан.- 1923.- 10 декабрь

*Билмаз-ку ўлдуғин изҳор ишиқи, – деб ёзган эди.*

Кўринадики, Чўлпон ўзининг "ишқ изҳори"ни ҳар ким ҳам англай олмаслигини билади, ҳаммага дардини тўkkани ҳолда чинакам ҳамдард бўла биладиганларнинг озлигини теран идрок қиласди. Шу мулоҳазаларга таянган ҳолда биз Чўлпоннинг аксар шеърларида **хос ўқувчига** мўжаланганди рамзий қатлам мавжуд ва унда юрт озодлиги мавзуси поэтик талқин этилади, деб ҳисоблаймиз.

Демак, Чўлпон ижодиёти контекстидан келиб чиқсан ҳолда "Йўл эсдалиги"да пайдо бўлган маъшуқа образи юрт озодлиги рамзи эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Маъшуқа образининг пайдо бўлиши билан "қоронфилик" чекинади: илгари — маъшуқасига етиш умиди тамом кесилган, унга ҳатто хаёлот оламида-да жой топилмай қолган дамларда чўкиб қолган рух эрк эпкинидан ҳаволаниб тирилади гўё. Маъшуқасига етиш учун курашдан тўхтамаслик зарурлигини қайтадан идрок этиб, бутун борлигини севгисига баҳшида этишга ҷоғлангач, "қоронфиликнинг қучогидаги эсириклиқ, хушсизлигимдан энди ўзимга келдим" дея эътироф этади. Эндинга ўзига келган сайёҳ кўзи тушган манзара ҳам, табиийки, унинг айни пайтдаги кайфиятига мос: "Қиздирғучи куёш йўқ, қора-захар булутлар ҳам йўқ. Кўк аллақандай чучмал бир тусда турар эди". Аввало, бир руҳий ҳолатдан иккинчисига ўтаётган сайёҳ руҳиятида шу хил оралиқ — бироз чучмал вазиятнинг бўлиши табиий кўринади. Иккинчи томондан, ўйлашимизча, парчага юкланганди рамзий маъно ҳам сайёҳ руҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Чўлпон ижодиётида "қора булут" кўпроқ мустамлакачилар, юртнинг эркини бўғиб ётганлар рамзи сифатида талқин қилина-ди. Юқоридаги парчада "қора булут"га "захар" сифатловчиси қўшилганки, бу, бизнингча, ифоданинг маъно доирасини анча кенгайтиради. Зоро, муаллиф муносабатини яққол ифодалаб турган бу сифатлаш фақат "қора булут"лардан зада кишигагина тааллуқли бўлиши мумкин. Шундай тасаввур туғиладики, гўё сайёҳ "қора булут"ларнинг йўқлигидан хурсанд, шу туфайлигина эркин нафас олаётгандек. Ҳолбуки, гап фақат баҳорнинг ўзгарувчан ҳавоси ҳақида борганида бу хил муносабат ортиқчадек туюлиши мумкин эди. Шу ўринда давр контекстига мурожаат қилиб, Бухоро Халқ Жумхурияти мустақил давлат тузилмаси сифатида дунёга келганини, ҳартугул, ўзининг илк босқичида мустақил бўлганини эслаш жоиз. Чўлпон бу ўринда "қора булут"лардан фориғ юрт томон бораётганини, шу боис ҳам умидлари тобора юксалаётганини айтмоқчи эмасмикан?.. Фикримизча, парчадаги иккинчи — "қиздиргучи куёш" — бирикма ҳам шу хил андишани бирмунча қувватлайди. Маълумки, инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ октябрни қуёшга менгзашлик адабиётда русум бўлиб ултурганди. Эътиборли жиҳати шундаки, Чўлпон шеъриятида октябрга нисбатан шу хил ташбех қўлланилмаган. Фақат биттагина шеърида, машҳур "Қаландар ишқи" ғазалининг мақтаъсида шоир шу рамзга мурожаат қиласди:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Куёшининг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Чўлпоннинг қатор шеърлари("Юрт йўли", "Мен қочмадим", "Уч-тўртта юлдуз" ва бошк.)да эрк, озодлик, миллий истиқлол рамзи сифатида ЮЛДУЗ олинган. Яъни, мақтаънинг рамзий мазмуни шоир тахаллусининг асл маъноси — "юлдуз" билан боғлиқ. ғазалнинг рамзий маъносини англаш учун шоирнинг у ёзилган пайтдаги руҳий ҳолатини тасаввур қилишга уриниб кўриш даркор. Биламизки, февраль инқилобидан сўнг Чўлпоннинг ижтимоий фаоллиги бениҳоя ортганди. Сабабки, шоир юзага келган шароитда юртининг демократик йўл билан озод бўлиш имконияти мавжудлигига чин дилдан ишонди, муҳториятчилик ҳаракатига катта умид боғлади. Чўлпон фаол муҳториятчилар билан бирга Туркистоннинг турли шаҳарларига бориб ташвиқот ишларини олиб борди — ёниб ва ёндириб яшади. Мавжуд шароитда Русия империяси таркибидаги туркий халқларнинг мустақиллик йўлида бақамти ҳаракатигина дурустроқ натижа бериши мумкин деб ҳисоблагани туфайли шоир туркчилик ғояларини ҳаракат дастури деб билди. Чўлпоннинг Кавказ турклари билан алоқа боғлаш учун жўнаган Фарғона ҳайъати таркибида бўлиши, Кўқонда муҳторият эълон қилиниши биланоқ Оренбургга жўнашию Бошқирдистон жумхуриятини мустаҳкамлаш орқали ўз юрти озодлигига кўшиш қилишни ният этгани ҳам шундан далолатdir. Бироқ, таассуфки, шоирнинг осмон қадар умидлари ерпарчин бўлди: большевиклар ҳукумати Кўқон муҳториятини қонга ботирдилар. Бошқирдистондаги саъй-ҳаракатларидан ҳам натижа чиқмагач, шоир 1919 йил бошларида юртига қайтдики, "Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин ёрни, Яна қулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку", - дея нола чекиши шундандир. "Қаландар ишқи" ғазалини шоир айни шу хил руҳий ҳолатда ёзган эдик, мақтаънинг маъноси шу контекстда конкретлашади. Яъни, бу ўринда шоирнинг "муҳаббат осмони" — юрт озодлиги учун кураш йўлини ёритиб турган юлдузни ерга ботирган "куёш" — октябрь инқилобига муносабати ўз ифодасини топган. Фикримизни қувватлантириш учун Чўлпоннинг "Мен қочмадим" номли шеърига тўхталиб ўтиш жоиз. Муҳими шундаки, мазкур шеър "Йўл эсдалиги" билан деярли бир вақтда ёзилгандир. Иккинчи томондан, "Мен қочмадим" шеъри нома(послание) жанрига мансуб бўлиб, унда шоир ўзининг Бухорога жўнашини қайнок ижтимоий ҳаётдан қочиш деб баҳолаган "Тошкентдаги ўртоқларига" мурожаат қиласди. Табиийки, бу ўринда эскидан алоқада бўлган кишилар орасида "мулоқот контексти" мавжудлигини назарда тутмоқ лозим бўлади. Яъни, бу ўринда шоирнинг фикрни ишора билангина ифодалаш имконияти кенгаяди. Шу жиҳатдан куйидаги сатрларга эътиборни тортамиз:

*Мен янгилар ўлкасидан синмаган  
Бир қанотни тақиб олиб қўзгалдим:  
Шу йўлимда япроқлари сўлмаган  
"Ёш ёғоч"нинг Зсоя 1сида тўхтадим.*

Албатта, Чўлпон "янгилар ўлкаси" деганида қизил Туркистонни назарда тутгани яққол англашиладики, у ерда шоирнинг бир қаноти синган. Шу боис ҳам "тилакни излаётган" шоир яна "йўл"га чиқиб, "ёш ёғоч" — Бухоро жумхурияти — соясида тўхталган. Эътиборли жиҳати шуки, Чўлпон "ёш ёғоч"нинг япроқлари

сўлмаганлигини айрича таъкидлайди. Яъни, "ёш ёғоч" билан "янгилар ўлкаси" қарши қўйилаётгани эътиборга олинса, кейингисининг япроқлари сўлган, уни "қиздирғучи қуёш" сўлдирган деган маъно келиб чиқади. Баски, шоир у дараҳт соясида қиздиргучи қуёш тафтидан омон тополмайди, ундан қутулиш учун "ёш ёғоч"нинг соясига келган. Демак, "Йўл эсадалиги"да кўрганимиз "қиздиргучи қуёш" рамзини ҳам шу йўсин тушунилгани тўғрирок бўлади. Зеро, ҳукумат газетаси муҳаррири вазифасида ишлаган Чўлпоннинг Бухоро ҳукумати большевикларга яқинлашиб, кейингиларнинг мавқеи кучая бошлаганида муҳаррирликни тарк этгани ҳам шу фикрни қувватлайди.

"Қиздиргучи қуёш" ва "кора булут"ларнинг йўқлиги сайёҳ умидини кучайтиради — сафарноманинг ҳиссий тоналлиги ўзгаради. Энди унинг марказида сайёҳ-ошиқ турадики, унинг хаёлини маъшуқа васлигина банд этган. Теварак-атрофига ошиқона боққани учун ҳам у ҳар неда "ёр" аксини кўради, ҳар не унга "ёр"ни эслатади. Айтиш керакки, бу ўринда ҳам тасаввуф шеъриятининг муайян таъсири сезилади. Сайёҳ руҳиятида умидворлик кучайиши сабабли ҳам "отсиз ароба"лари учиб бораётгандек туюлади унга, кўз олдида "ужмоҳ манзараси" намоён бўлади:

"Қизил лолалардан бириккан тенгиз кенг эди.

Бутун борлиғимни ўзига ўраб, чулғаб тортар эди.

Қизил тенгиз – севги.

Унинг меним севги йўлимда учраши севгимнинг умидли, соф, оппок эканлигини кўрсатар эди".

Кўрамизки, бу ўринда Чўлпон рамзининг маъносига ўзиёқ ишора қиласи: унинг учун "қизил тенгиз – севги". Айтиш керакки, Чўлпон ижодиётида денгиз gox ўзида беадад қудратни жам этган исёнкор қалб, gox эса эрк учун кураш("Пўртана", "Ўтли сув") рамзи сифатида талқин қилинади. Адибнинг денгизни севги деб аташи бежиз эмас: унинг тушунишича, ёрга етиш учун курашнинг ўзи — севги, адиб ўтли охлардан нари ўтмайдиган севгини тан олмайди — унинг тасаввуридаги севги фаолликни тақозо қиласи. Кураш — севгининг жозиб бир ўти борки, у яна сайёҳнинг бутун борлигини чулғамоқчи бўлади. Яна дейишимизнинг боиси шуки, бундан ярим йиллар илгари у "Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқуни бордир, Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку", деб нола чекканди. Яъни, курашда ҳалокат топиб "йўлни йўқотган" чоғларида курашчанлик руҳидан айрилган бўлса, энди яна ўша руҳ унга қайтаёттир. Сайёҳ дилида севги ўти кучая бошлаганидан "бир булбул бўлса эдида, гул тенгизининг қизил тўлқунларига кўнуб ишқимнинг оғир бир нағмасини сайраса эди", деб орзулайди. Илгари, "Қаландар ишқи"да шоир "унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим" деб кўзидан ёшлар тўккан бўлса, энди булбул нағмаси кураш руҳини ишққа тўйинтириш, уни қувватлантириш учун зарур. Кўрамизки, Чўлпон ижодиёти контекстида "Йўл эсадалиги"нинг бу қисми "Қаландар ишқи" билан контрастли муносабатга киришади.

Қалби ишқ билан тўлган Чўлпон-сайёҳнинг кўзи тушганки нарса унинг юрти, маъшуқаси ҳақидаги ўйларини чуқурлаштиради. Зеро, кўраётгандарининг моҳияти виждонли кишини шунга унダメаслиги ҳам мумкин эмасдек. Сайёҳ "вафо кўрмаган

ошиқнинг кўнглидай бузғунликка учраган Жиззах шаҳри"дан чиқиб, тоғ томон йўл солғанларини айтади. Шу қисқагина жумла билан Чўлпон хос ўқувчисини яқин ўтмишга — 1916 йил воқеаларига қайтаради. Эрк учун курашнинг аввалги сафида турган Жиззахнинг чор қўшинлари томонидан вайрон этилгани ё эркнинг ҳануз орзулигича қолаётгани адига юқоридагича рамзий ташбех қўллаш имконини беради. Чўлпон талқинидаги юрт маконий тушунчагина эмас, йўқ, у — ҳис қила биладиган мавжудлик, азоб, қувонч, армон, нафрат ҳислари ("Бузилган ўлкага") унга асло ёт эмас. Шу боис ҳам адаб Жиззах тимсолида вафосиз севгидан юраги садпора ошиқни кўради, унга ўзини ҳамдард, дардига малҳам излашликни бурчи деб билади, ўқувчининг-да шу хил ўйлашини истайди.

Юқоридаги рамзий ташбехнинг яна бир муҳим функцияси шуки, у сайёҳ рухиятидаги яна бир бурилишни асослашга хизмат қиласди. Вайронда шаҳар манзаралари қалбида оғриқ уйғотган сайёҳ Жиззахдан чиққач-да ундан фориф бўлолмайди: у юртининг ўтмиши, тарихий қисмати ҳақида ўйлади: "Бир шарқ шоири "Тоғлар, гўзал юртимни сақлағучи деворлар каби", деган эди, мен эсам:

*Юксак төглар меним баъзан алдагон  
Хаёлимдай юксакларга ўсмишлар.  
Хаёлимни ҳақиқатлар тўсмишиди,*

Бироқ тогнинг юксалишини қандай кучлар тўсмишлар?- дедим..." Кўрамизки, Чўлпонни тоғларнинг нега юксала олмагани юртини асоратдан сақлаб қололмагани ўйлатади. Сираси, адаб ҳануз на кўнглидан ва на табиатдан жавоб ололмаётган бу саволларни илк ижодидаёқ ўртага ташлаганди. Юртидан чиқиб кетаётган Муҳаммадиёнинг "Эй, Чингиз ва Темур аскарларини кўрган қоп-қора тоғлар! Эй, ватаним Туркистоннинг эски даврини кўрган тоғ боболар!" дея хитоб қилиши, кейинроқ шеърларидан бирида лирик қаҳрамоннинг "ёвларнинг эл кўксида ишрат суриши"га олиб келган "оталарнинг тарихдаги хатосин" суриштириб сұхбатдоши — ёруғ юлдузни саволларга кўмиб ташлаши("Ёруғ юлдузга") ҳам юқоридагича саволлар Чўлпонни анчадан бери ўйлатишидан далолатдир. Мазкур бобнинг "Тоғлар ва уларнинг гўзаллик ва ҳунукликлари" деб номланишида ҳам чукур маъно ботиндир. Сайёҳ эътироф этадики, "йироқдан чиройлик бўлиб кўринган ва кичкинагина деб ўйланган тоғлар яқин етгач дев гавдасидай кенгайган, ваҳмимдай ўсган эди". Чўлпон юртининг ўтмишига мардона назар ташлагани учун ҳам уни бутун гўзаллигию буюклиги, даҳшату ҳунукликлари билан кўра олади. Яъни, адаб ҳар вақт тарих ҳақида ўйларкан, юртининг буюк ўтмиши билан фахрлангани ҳолда("Шарқ нури"), унинг "сўнг даври" нечоғли шон-шавкатдан мосуво ("Ёруғ юлдузга") эканлигини ҳам теран идрок эта оладиган даражада холис тура билади. Шу туфайли ҳам у кўрган буюк чўққилар тепасида "олбости"лар ўтиргандек туюлади; ҳар лаҳза қурбон истаб учиб юрган "қора лочин, узиқара сор ва йиртқич чўзахот"ларни кўриб юраги сесканади унинг, даҳшатга тушади. Бироқ шуниси маълумки, ўтмишга бу хил муносабат келажак олдидағи улкан масъулият ҳиссини туғдиради: сайёҳ-ошиқнинг муҳаббати ҳавас ёхуд мутаассибларча берилиш эмас — англанган ижтимоий-шахсий заруратдир.

Масъулликни теран хис қилгани учун ҳам сайёх-ошиқ алданишдан келган изтиробларни, оғир ўйлару лаҳзалик қўрқувни енгиб, яна маъшуқа хаёлига берилаверади. Чўлпон-сайёх рухиятидаги шу хил бурилиш капалак образи воситасида ифодаланади. Эрк ошиғи сайёх билан гул ошиғи капалакни бир хил дард бирлаштиради — иккиси ошиқлар тилида сўзлашадиларки, бунда қалблар туташади. Капалак сўйлаган ишқ эртаги сайёх дилида васл иштиёқини янада кучайтирадики, у ҳам ўзининг "қизил лола"сини ўйлайди. Албатта, сайёх учун капалак — висол баҳтининг мужассам ифодаси. Бироқ, ўйлашимизча, капалак образининг мазмун-моҳияти шу билангина чекланмайдики, бунга қуйироқда яна қайтамиз.

Вужуди ишқка тўлган сайёх Зарафшонни қуёшга ошиқ тоғ қўз ёшларидан яралган, деб таърифлайди. Айни пайтда, қўз ёшларининг ўзлари ҳам зўр денгизга ошиқлар, бироқ факат "улардан баҳтли бўлғонлари тенгизнинг қучоғига тушалар, баҳтсизлари далаларда ерга сингиб йўқ бўлуб кетарлар". Зарафшон ҳақидаги бу нав ўйлар Чўлпон-сайёх мушоҳадаларини яна бир муҳим масалага тақайдилар:

"Мен-да қочқон маъшуқамни қувиб бораман, етайинми, қучоғига кирайинми ё ерга, йўқлиқға сингиб битайнми?

Кўкдаги булат, оқ булат парчалари устида қизил лолалар очилғон эди.

Қизил лолаларнинг қизғилт туслари кун ботиш ёқда кўк юзига сочиғонлар эди". Бир қарашдаёқ сайёх қархисида танлов имконияти пайдо бўлгани англашиладики, аввало, унинг қандай шароитда юзага келганига диққат қилиш лозим. Илгарироқ юритган мулоҳазаларимиздан келиб чиқилса, сафарнома контекстидаги "қизил лола" — маъшуқа, "қизиллик" — кураш рамзи сифатида келаётгани равshan. Сайёх қизил лолаларнинг "қизил туслари" кун ботиш томонда ёйилганини айтади. Агар сафар йўналишини, сайёхнинг айни пайтда Зарафшондан эндинина ўтганини эътиборга олсак, кун ботиш томонда Бухоро жойлашгани ҳам аниқ бўлади. Демак, танлов имконияти сайёҳ Бухорога яқинлашганида пайдо бўладики, бу бевосита уни Бухорога чорлаган мақсад билан боғлиқдир. Эътибор берилса, шу ўринда сайёҳ дилига яна озми-қўпми умидсизлик соя солганини сезиш қийин эмас. Бироқ, ўйлашимизча, бу умидсизлик аввалгиларидан бирмунча фарқ килади, чунки у сайёҳ дилида инсонга хос ожизликнинг вақтинча устунлиги маҳсулидир. Зеро, бутун борлигини курашга бағишлиган сайёҳни айни дамда "курашнинг натижасини МЕН кўра оламанми, йўқми? Ўзим учун ҳам яшашим керак-ку!" қабилидаги андишалар чулғайди. Яъни, "ўзлик"дан кўпдан бери узилиб, "кўплик" ичра ботиб кетган"("Мен қочмадим") Чўлпон рухиятида бу лаҳзаларда "ўзлик" бош кўтаради. Инсон боласининг, айниқса, Чўлпондек бир неча йиллик орзу-интилишларида "ёлғиз алданишни кўрган бир бандада"("Юпанмоқ истаги")нинг яна қайноқ фаолиятга шўнғиши арафасида шу хил ўйларга берилиши табиий кўринади бизга. Иккинчи томондан, айни шу хил ўз қалбини тафтиш этиш, медитатив мушоҳадага берилишлик лирик турнинг хос хусусиятлариданки, бу нарса "Йўл эсдалиги"нинг жанр хусусиятлари ҳақида илгари айтган фикрларимизни тасдиқлайди.

Чўлпон-сайёҳ дилидаги чигалликлар ёнимини яна табиатдан излайди, унинг рухиятида кечган зиддиятли олишувда умиднинг узил-кесил ғалаба қилгани ботаётган қуёшга боқиб сурган ўйларида ўз ифодасини топади:

"Меним умидим ҳам шу қуёш кабими ботар?

Меним севгим ҳам шу қуёш кабими битар?

Кўрқамен...

Йўқ, бу қуёш бугун ботар, яна эртага бош кўтариб чиқар.

Бироқ дунё шу дунё, табиат шу табиат, борлиқ шу борлиқдир.

Меним умидим ҳам шу чоғда қуёш билан биргами ботар?

Йўқ, ул баъзан ботар, унинг ҳам шундай кечи бор, яна тонги келгач бош кўтариб чиқар.

Бироқ севги ўшал севги, ишқ шул ишқ, муҳаббат шул муҳаббат, ул мангуга ботмас!"

Ўзининг ҳаётий тажрибасига таяниб, қалб түғёнларига қулоқ тутган ҳолда лирик-фалсафий мушоҳадага берилган Чўлпон дил тубида ботин бешак ҳақиқатни инкишоф этади: умид машъаладек пориллаб ёниши ёхуд сўниши мумкин, лекин "севги" — юрт озодлиги, эркинлик истаги боқийдир. Шу боис ҳам у юртининг қачондир бир кун озод бўлишига ишонади, ўзгаларни-да шунга ишонтиришга интилади. Айни шу ишонч туфайли ҳам сайёҳ: "Меним севгим ҳам қалбимда қизғалдоқ лола бўлуб очилмиш, танамга қизғилт тусларини тарқата бошламиш эди", - дея эътироф этади. Шу ўринда сайёҳ яна "капалак билан лоланинг бирлашкани"ни эсга соладики, мазкур образнинг мазмун-моҳияти ойдинлашади. Капалак қисқагина умри ҳали замон тугашини билгани ҳолда гул ишқи билан яшайди, унинг учун ошиқликнинг ўзи — баҳт, зеро, севги — унинг учун ҳаёт мазмуни, унинг учун гул ишқида ёниб яшашгина ҳаётдир. Сайёҳ дилидаги чигалликларни ёзишда шу жажжи маҳлуқдан ибрат олганидек, уни ўзгалар учун-да ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, сафарноманинг сўнгги боби "Чин бирлик" деб номланади: маъшуқа васлинни излаб йўлга чиқсан ошиқ унга етишади — иккиси чин маънодаги бирликни ҳис этадилар. Бироқ, юқорида айтдикки, Чўлпон сайёҳ учун реал йўл эмас — эркесвар рухнинг рухият манзилларида турли синовларга дош бериб, хар не ўзга ташвишлардан фориг бўлиши, тозариши муҳимроқдир. Албатта, бу адабнинг рухиятини кемирган тушкунликни енгиб Бухорога келишию бутун куч-қувватини юрт озодлиги учун курашга сафарбар этишининг ҳам рамзидир. Кўрамизки, "Йўл эсадалиги"ни яратишда Чўлпоннинг тасаввуф адабиётидан таъсирланиши нафақат унда ишлатилаётган рамзлар, балки асарнинг композицион қурилишида ҳам яққол кўзга ташланади.

Юқорида юритган мулоҳазаларимиздан аён бўладики, "Йўл эсадалиги" сафарномасининг мазмуни, аниқроғи, унга муаллиф юклаган МАҶНО фақат контекстдагина англаниши мумкин. Айни пайтда, контекстдан бехабар ўқувчи ҳам ундан зоҳирий мазмун — ошиқнинг интим туйғуларию кечинмаларини бемалол ҳис қиласверади. Яъни, асарнинг зоҳирий ва ботиний қатламларининг ҳар бири ўзича

мустақил яшайверади. Айни шу хусусият "Йўл эсдалиги"ни символизм адабиёти намуналарига яқинлаштиради, ўз вақтида адабиётшунослар Чўлпонни символист шоирлар сирасига киритганлари бежиз эмас. Ҳартугул, символизм оқимининг асосий талабларидан бири реал тасвирдаги зохирий маъно катлами билан рамзий маъно қатламларининг мустақил яшай олиши эканлиги шундай дейишга асос беради. Символистик асарда тасвирдан бевосита ўсиб чиқаётган маъно ва рамзий маъноларнинг бир-бирига ҳалақит қилмаслиги, рамзий маънони ифодалаш учун нарса-ходисанинг моҳиятини бузиб кўрсатилмаслиги ҳам талаб қилинадики, "Йўл эсдалиги" бу алабларга ҳам тўла жавоб беради. Таъкидлаш зарурки, биз бу ўринда рус символистик адабиётининг тамойилларини назарда тутмоқдамиз. Сабабки, Чўлпон адабиётга кириб келган вақт рус символистик адабиётининг "тарақлағон даврлари"га тўғри келади. Фикримизча, рус адабиёти намуналарини қизиқиб ўрганган ёш адаб ундаги янги оқимларга-да қизиқкан (ҳартугул, А.Блоқдан таржималар қилган) бўлиши табиий кўринади. Эҳтимол, ўша пайтлардаёқ мумтоз адабиётимизда мавжуд рамзий ифода йўсини билан символистик адабиётнинг ижодий тамойилларида муштарак жиҳатларни кўрган, уларнинг энг яхши томонларини уйғунлаштиришни ният қилгандир. Бироқ унутмаслик керакки, Чўлпоннинг рамзий ифода йўсинига мурожаат этиш мотивлари символистлардан жиддий фарқланади ҳам. Масалан, рус символистларининг назариётчиларидан бири Д.С.Мережковский: "В поэзии то, что не сказано и мерцает сквозь красоту символа, действует сильнее на сердце, чем то, что выражено словами",<sup>1</sup> – деб таъкидласа, таникли символист шоир К.Д.Бальмонт: "... поэт, создавая своё символическое произведение, от абстрактного идет к конкретному, от идеи к образу,— тот кто знакомится с его произведениями, восходит от картины к душе ее, от непосредственных образов, прекрасных в своем самостоятельном существовании, к скрытой в них духовной идеальности, придающей им двойную силу",<sup>2</sup> – деб ёзади. Булардан англашиладики, рус символистлари рамзийликка соғф эстетик — бадиий асарнинг таъсир кучини, ифода ва тасвир имкониятларини ошириш мақсадлари билан мурожаат этадилар. Эҳтимол, ўзгачароқ шароитда Чўлпон ҳам шу хил мақсадларни кўзлаган бўлиши мумкин эди, бироқ инқилобдан кейинги Туркистон шароитида унинг рамзийликка мурожаат этиши ижод эркинлигининг бўғилиши билан белгиланади. Гап шундаки, инқилобдан кейин Чўлпон асарларини фақат шўро матбуотидагина эълон қилиш имконига эга эди, холос. Адабни кийнаётган муаммолару уларнинг ўз кўнглидан топган ечимлари, ўқувчисига айтмоқчи бўлган ГАПлари эса мавжуд тузум моҳиятига, баски, унинг нашрларидан талаб этилган рухга мос эмас эди. Шунга кўра, шўро матбуоти орқали дардини тўкиш учун Чўлпон қаршисида шунга мос усул ва воситаларни топиш зарурати юзага келадики, адаб бу ижодий муаммони турлича йўллар билан ҳал қилишга интилади. Бунга амин бўлиш учун Чўлпон ижодий меросига сиртдангина бир курс назар ташлаш

<sup>1</sup> Русская литература XX века: Дооктябрский период.- М., 1987.- С.367

<sup>2</sup> Шу китоб.- С.369

кифоя. Дейлик, унинг шеърий ва публицистик ижодида Шарқ мавзусининг ишланишида икки тенденция: бир тарафдан, миллий озодлик муаммосининг умумжаҳон муаммоси сифатида талқин қилиниши, иккинчи томондан, бутун орқали қисм — Туркистон муаммоларининг қўйилиши кузатилади. Қизиғи шундаки, шўро ҳукумати расман қўллаган Шарқ озодлиги масаласини Чўлпон ҳам чин дилдан қувватлайди, айни пайтда ундан ўз ғоявий-бадиий нияти йўлида фойдаланади ("Қизил байналмилал", "Октябрь инқилоби ва Шарқ дунёси"). ғарб мамлакатларининг Шарқ сиёсати ҳақида ("Истиқлол", "Ўпкалаш" шеърлари, "Юноистонда ўзгариш" мақоласи) ёзаркан, адаб шўро ҳукуматининг Туркистон сиёсатига ишора қиласди — ўқувчининг ўз юритидаги ахволни хорижий Шарқдаги ахвол билан қиёслашига имкон яратади. Бу ўринда кенг мавзунинг торайтирилиши — бутун орқали қисмнинг ифодаланиши кузатилса, баъзан бунинг аксига дуч келамиз. Масалан, расман қўлланган яна бир мавзу — хотин-қизлар озодлиги мавзусини Чўлпон умуман ШАҲС эрки, миллат эрки ("Мен ва бошқалар") муаммоларининг бадиий талқини даражасига кўтаради. Булардан ташқари Чўлпон айтмоқчи бўлган фикрларини ифодалаш учун кўчим даражасидаги рамз (Бузилган ўлкага"), метонимия ("Чопон ва паранжи"), киноя-антифразис ("Ўзбегим") каби қатор ифода воситаларидан-да унумли фойдаланади. Бироқ, бизнингча, Чўлпоннинг асарларидаги рамзий ифода юксак даражага кўтарилиб, ўз ҳолича мустақил зоҳирий ва ботиний ифода қатламлари ажралганидагина чинакам бадиий баркамол рамзий асарлар ҳақида гапириш мумкин бўлади. Чўлпоннинг "Қаландар ишқи", "Ишқ", "Пўртана", "Ўтли сув" каби қатор шеърлари, "Йўл эсдалиги", "Клеопатра", "Айрилиқ йўли" каби насрдаги машқларини айни шундай асарлар сирасига киритиш мумкин. Бу асарларда адаб шундай ифода йўсинига таянадики, маънени ифодаловчи воситаларнинг ўзи уни яширишга<sup>1</sup> ҳам хизмат қиласди. Бу хил санъаткорона нозиклик-ла "ифодалаб яширилган" маънени муаллиф билан — худди капалак билан сайёҳ ошиқлар тилида тиллашгани каби — ҳамдард бўла билган хос ўқувчигина тушуна олади. Зеро, М.Бахтин айтганидек: "Собственно семантическая сторона произведения, то есть значение его элементов (первый этап понимания), принципиально доступна любому индивидуальному сознанию. Но его ценностно-смысовой момент (в том числе символы) значим лишь для индивидов, связанных какими-то общими условиями жизни – в конечном счете узами братства на высоком уровне".<sup>1</sup>

Умид қиласизки, юритган муроҳазаларимиз Чўлпон ижодидан аксилшўравий маънолар излашу шу орқали адабни улуғлашга навбатдаги уриниш сифатида тушунилмас. Зеро, ишонамизки, Чўлпон ижодиётидаги ботиний маъно қатламларини очишга уриниш бугуннинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари билангина боғлиқ эмас. Бизнингча, ўқувчи билан ижодкор мулоқотининг самарадорлигини ошириш, Чўлпонга ўҳшаган ижодкорларнинг хос ўқувчилари сафини кенгайтириб бориш ҳам

---

<sup>1</sup> Гадамер Г.-Г. Актуальность прекрасного.- С.300

адабиётшуносликнинг вазифалариданdir. Ҳали адабиётшунослигимиз олдида Чўлпон ижодиётидаги ифода воситаларини систем ёндошган ҳолда — генетик, семантик, структуравий-семиотик жиҳатлардан ўрганишу тавсифлаш вазифалари турибдики, юқоридаги мулоҳазаларимиз шу йўлдаги илк уринишлардан бири, холос. Ҳозирча эса ушбу бобда билдирилган фикрларни тубандагича умумлаштиришимиз мумкин:

Ижод эркинлиги бўғилган шароит Чўлпонни дилидагини айтишнинг ўзгача йўлларини қидиришга ундиндеки, шеърий ва публицистик асарларида кузатилгани каби, унинг "Йўл эсадалиги", "Айрилиқ йўли", "Клеопатра" сингари насрый асарлари ҳам рамзий характер касб этди. Чўлпон рамзий характердаги асарларида мумтоз шеъриятимиз анъаналарига таянади, уларни ижодий ривожлантиради. Хусусан, мазмунда новаторлик йўлидан борган адиб мумтоз шеъриятимизда фаол қўлланилган рамзлардаги тасаввуфий маъно ўрнига ижтимоий мазмун юклади. Албатта, мумтоз шеъриятимиздан ижодий ўзлаштирилган рамзлар билан бир каторда Чўлпон ижодий меросида унинг ўзигагина маҳсус рамзлар ҳам мавжуд. Адиб асарларидаги ифодаламиш ва ифодаланмиш муносабатларининг ўзига хослиги уларни контекст доирасида олиб қараш, ташки алоқаларни ўрганиш заруратини юзага келтиради. Бироқ, унутмаслик керакки, бу нарса факат асарга муаллиф юклаган мазмунни англаш учунгина зарур, холос. Зоро, айни шу асар, алоҳида бутунлик сифатида олинганида ҳам, универсал модель сифатида ўқувчи онгидга бошқа мазмунларни ҳам шакллантиришга асос бўлаверади. Демак, **Чўлпонни тушуниш** (асарга муаллиф юклаган мазмунни тушуниш аслида муаллифни тушуниш демакдир) **учун** асарни контекстда ўрганиш лозим; асардан завқ олиш, унга ижодий ёндошган ҳолда ўз мазмунимизни шакллантириш(яъни, **асарни тушуниш**) **учун** бу нарса шарт қилинмайди. Бу мулоҳазалар бизни яна бадиий асарни алоҳида бутунлик сифатида ҳам, контекстлар доирасида ҳам тушуниш мумкин, деган хulosага бошлайди. Айни шу нарсани эътиборга олмаслик, бизнингча, бадиий адабиётга муносабатимиздаги чигалликларнинг бош омиллариданdir. Зоро, аксарият ўқувчилар учун конкрет асарнинг қай мақсадда, қандай омиллар таъсирида ёзилгани аҳамиятсиз — улар асарнинг ўзинигина танийдилар, унинг ўзидангина завқ оладилар. Демак, асарни тарихийлик тамойилига таяниб, биографик ёхуд социологик методлар асосида текшириб чиқарган хulosаларимиз қўпроқ адабий-назарий тафаккур ривожи учун керак: улар бадиий адабиёт ривожи ҳамда бадиий дид тарбиясига фақат билвосита таъсир қиласидилар. Бу хил хulosалар билан бадиий дидга бевосита таъсир қилишга уриниш эса адабиётга фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради.

---

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.- С.368

## "КЕЧА" РОМАНИНИГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### **"Кеча" поэтикасининг ўзига хослиги ҳақида**

Бадиий асарни ГАПга қиёслаганда аён бўлдики, муайян нутқий ситуацияда айтилган гап феноменал ҳодиса бўлганидек, муайян шароитда яратилган бадиий асар ҳам бетакрор ҳодисадир. Зоро, ҳар иккисини юзага келтирган объектив ва субъектив омилларнинг ўзи бетакрор(конкрет нутқий шароит, сўзловчининг руҳий ҳолати)дирки, шунга кўра "бир дарёга икки бора шўнғиб бўлмайди" деган қоида бу ўринда тўла амал қиласиди. Модомики бадиий асарда ижодий жараён акс этар экан, ўша ижодий жараён кечган конкрет шароит ва шу шароитдаги ижодкор субъекти унинг тузилишига таъсир қиласлиги мумкин эмас. Демак, конкрет асарнинг поэтик хусусиятлари ҳақида фикр юритганда уни юзага келтирган объектив ва субъектив омилларни назардан қочирмаслик лозим бўлади. Шу боис ҳам "Кеча" поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларимизни айни шу омилларни ўрганишдан, асар("текст")нинг кенг маънодаги "контекст"ини тасаввур этишдан бошлиш мақсадга мувофиқдир.

Чўлпон "Кеча ва кундуз" романини ЗО-йиллар бошида — адабий танқидчиликнинг ўзига қарши хуружлари янада кескин тус олиб, ҳайбатли суд жараёнларида навбат унга етганлиги ишора қилинган, тинчроқ яшаш ва, муҳими, омон

қолиши учун Москвага бориб яшашга мажбур бўлган бир пайтда ёзишга киришган эди. Бу пайтга келиб шўро ҳукумати ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб улгурган, жамики хунрезликлар — қулоқларни синф сифатида тугатиш дейсизми, ишлаб чиқаришдаги зараркунандаларни фош этиш дейсизми, партияни ёт унсурлардан тозалаш дейсизми... — бари омманинг ризолигию қўллаб-кувват-лашлари остида амалга ошириладиган бўлганди. Бу пайтга келиб большевистик мафкуранинг имкониятлари шунчалар кенгайгандики, миллионлаб жонли гувоҳлар ҳаёт бўлганлари ҳолда атиги ўн беш-йигирма йиллик ватан тарихи қайта ёзилаётган эди. Бош тарихчи Сталиндан андоза олиб ёзилган бу тарихга кўра: СССР ҳалқлари учун ягона тўғри йўл-социалистик инқилоб йўли эди, зеро, бу инқилобни даврнинг ижтимоий-тарихий шароити зарурият қилиб қўйганди... инқилоб арафасида большевиклардан бошқа биронта ҳам ҳалқ манфаатларини қўзлаган фирмә бўлмаган, бўлганлари ўзларининг тор синфий манфаатлари учунгина курашган... Кўқон мухториятининг асосий мақсади маҳаллий ҳалқларни қайтадан буржуазия асо-ратига солиб бермоқ эди... Жадидлар миллий буржуазиянинг ялокхўрларигина эдилар... Босмачиларнинг асл нияти Туркистонни инглизларга сотиш эди... — тарих Шу эди. Бу тарихга сингишмай турганлар йўқотила бошлаган, ҳозирча омон қолдирилганлари эса яқин келажакда маҳв қилинажак эдилар. Энг даҳшатлиси — қўлбола партада вужуди қулоққа айланниб ўтирган болакайлар воқеа-ходисаларнинг жонли иштирокчилари бўлмиш оталарига эмас, улар содир бўлган пайтда иштонини хўл қилиб юрган, бошланғич маълумотни олиши биланоқ комсомол томонидан тарбия фронтига сафарбар этилган муаллимларига кўпроқ ишонардилар... — Чўлпон романга қўл урган пайтдаги вазият тахминан шундай эди.

Тарих шу тахлит юзсизларча сохталашибораётган бир пайтда ҳаёти қил устида турган Чўлпон ўтмиш мавзусига мурожаат этди, мурожаат этганда ҳам большевистик мафкура учун жондек муҳим — инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигини бадиий идрок этишу тасвирлашга жазм қилди. Равшанки, мавжуд шароитда Чўлпон қаршисида танланган мавзуни бадиий талқин қилишнинг иккитагина йўли бор эди:

— биринчиси: ўтмишни большевистик мафкурага мос тарзда тасвирлаш, сохта тарихга бадиий иллюстрация яратишу бу билан "хатоларини ишчи дехқон кўнглидан" буткул кетказиш ва, насиб этса, янги ҳукуматнинг ўз кишилири қаторидан ўрин олишу азоб-уқубатлардан биратўла қутулиш;

— иккинчиси: ўзи босиб ўтган йўлга йигирма йил юксаклигидан яна бир карра назар солиб, юртнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти тенденцияларини кузатиш, бу йўлдаги чигалликларни бадиий идрок этишу ўзи англаган ҳақиқатни борича кўрсатиш ва, тақдирга тан бериб, бошини ихтиёрий равишда кундага қўйиш.

Хўш, Чўлпон мавжуд икки йўлнинг қай бирини танлади? Бизнингча, мазкур саволга жавоб бериш учун, аввало: нима учун Чўлпон шу қалтис мавзуга қўл урди? Нима учун мавзунинг бадиий талқини учун роман жанри танланди? – деган бир-бирига узвий боғлиқ икки масалани аниқлашиб олиш зарур. Илгари айтганимиздек, Чўлпон адабий-ижтимоий фаолиятининг бошиданоқ юрт озодлиги

ишқи билан яшадики, шу боис ҳам қатор асарларида ўзини ошиқ сифатида талқин қиласы. Ошиқ эса, М.Бахтин айтмоқчи, севгисини ундан айрилганидан кейингина хиссий идрок этиши мүмкін. Зеро, фақат шу ҳолдагина севгиси унинг учун объект, эстетик фаолият предмети бўлиши мүмкін. М.Бахтин фикрича, эстетик ёндашув киши ўз ҳаётига ўзганинг ҳаётига қарагандек қарай олганидагина юзага келади.<sup>1</sup> Шунга яқин фикрни Х.Отрега-и-Гассет ҳам билдиради: "Для того чтобы мы могли созерцать данный факт, он должен быть от нас отдален настолько, чтобы перестал быть живой частью нашего существа".<sup>2</sup> Кўрамизки, испан файласуфи фактнинг идрок этилиши учун ундан узоқлашишлик ва ўша факт киши борлигининг "жонли" аъзоси бўлмаслигини шарт қилиб қўяётир. Дарҳақиқат, ҳаётий фактдан узоқлашилгани сари унинг моҳияти ҳам очилиб, аниқлашиб боради. Сираси, бунга ҳамма ҳам ўз ҳаётида кўп бор амин бўлади. Дейлик, муайян ҳаётий ҳолатдаги хатти-ҳаракатларимизни ўз вақтида холис баҳолашимиз душвор, маълум вақт ўтгачгина ўша ҳаётий шароитни, ўзимиз ва ўзгаларни бутун ҳолича сиртдан кузатиш имконига эга бўламизки, шундагина конкрет ҳолат моҳиятига етишу хатти-ҳаракатларимизни англаш ва баҳолашимиз мүмкін бўлади. Бу нарса, айниқса, адабиёт тарихида яққол кўзга ташланади. Мисол тариқасида совет адабиётида уруш мавзусининг ишланишини олиб қарайлик. Бевосита уруш пайтида ёзилган асарларда актуаллик — душманга нафрат, интиқом иштиёқи, курашга даъват мотивлари устунроқ. Агар бу нав тенденциозликни фақат "ижтимоий буюртма" билангина изоҳласак, янгишган бўлиб чиқамиз. Буни ижодкор рухиятидан келиб чиқиб, айни пайтда **унинг урушда ва урушнинг унинг вужудида яшаётгани** билан изоҳлангани тўғрироқ бўлади. Зеро, уруш воқеаларидан узоқлашилгани сари у ҳақдаги асарларда кўйилган муаммолар кўлами ҳам кенгайиб, чукурлашиб — унинг моҳиятига тобора яқинлашиб борилгани ҳам юқоридаги фикрларни қувватлайди. Боз устига, бевосита уруш йиллари шеър, очерк, ҳикоя каби кичик жанрларнинг кенг ишлангани ҳолда, уруш мавзусидаги йирик эпик асарларнинг камлиги(кейин эса кўпая боргани) ҳам бежиз эмас эди. Бундан англашиладики, тарихий воқеалар(айтайлик, муайян жамият ҳаётидаги бир босқич) моҳиятининг улар юз бераётган вақтда бадиий идрок этилиши маҳол. Бу ҳолда объектив кузатиш имконияти торайганидан асарда тенденциозлик кучайиб ("Чодралик аёл", "Аму", "Унутилган соҳиллар", "Жимжитлик"), моҳиятнинг бирмунча четда қолиши хавфи ортади. Айни пайтда, конкрет тарихий воқеа-ҳодисалардан узоқлашилгани сари уларни кенг кўламда бадиий идрок этишга интилиш ҳам кучайиб боради. Хусусан, шўро адабиётида уруш мавзусидаги бадиий баркамол йирик эпик асарларнинг 60-70-80-йилларда яратилгани ҳам шундан. Шунга ўхшаш ҳолни октябрь инқилоби мавзусининг ишланишида ҳам кузатишими мүмкін. Инқилоб йиллари яратилган асарларда "оқлар – қизиллар" схемаси асосида воқеликка муносабат билдириш тенденцияси устиворлик қилган бўлса, кейинча моҳиятни кенг эпик кўламда бадиий

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.- С.99-101

<sup>2</sup> Отега-и-Гассет Х. Дегуманизация искусства.- М.,1991.- С.509

идрок этишга интилиш тенденцияси кучаяди. М.Горькийнинг "Клим Самгиннинг ҳаёти", М.Шолоховнинг "Тинч Дон", А.Толстойнинг "Сарсон саргардонликда" каби асарларининг инқилобдан бирмунча кейингина майдонга келгани ҳам шундан. Кўринадики, бу ўринда адабий жараён учун қонуният мақомидаги ходиса кузатилаёттир. Хўш, бу қонуният нимага асосланади? Бу нарса, биринчи галда, инсон-ижодкор табиати, унинг руҳий имкониятларию эҳтиёжларининг ўзига хослиги билан изоҳланиши мумкин. Инсоннинг ҳаёт йўлида ажаб бир зиддият кузатилади: у келажакка интилгани ҳолда ортига ўғирилиб яшайди. Зеро, инсон фаолияти тажрибасиз мумкин эмас, тажриба эса ҳар вақт ўтмиш билан боғликдир. Сираси, "ҳозир" тушунчасини ҳали англаб улгурилмаган ўтмиш сифатида қабул қилинсаю "буғун"нинг тутқич бермаслиги эътиборга олинса, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ўтмиш ва келажак қутблари орасидагина намоён бўлиши англашилади. Бу қутблар мисоли магнитнинг қарама-қарши қутбларидек: бири итариш, иккинчиси тортиш хусусиятига эгалар. Ижодкор шахснинг ўтмишга муносабати ўзини англаш, анлаганида ҳам ўзини ўзгалар билан, жамияту борлиқ билан алоқадаги бутунликда англаш эҳтиёжи билан юзага келади. Албатта, мазкур фикр кўпроқ эпик ижодкор учун тегишdir, зеро, лирик ижодкор ҳозир билан яшайди: у ҳозирдан олинган таассуротни, ҳозирга муносабатини, ўзининг ҳозир — тутқич бермас лаҳзалардаги моҳиятини ифодалашга интилади. Эпик ижодкор эса ҳаётни бутунликда ва ўз ҳаётини унинг қисми сифатида бадиий идрок этиш, ҳаётининг бутунликдаги моҳият-мазмунини англашу ифодалашга интилади. Ҳаётни бутунликда идрок этиш эҳтиёжи, ўз навбатида, ижодкорнинг ўз ҳаёти мазмун-моҳиятини англаш, "Ҳаётимда маъни борми ё йўқми?" деган саволга жавоб топиш эҳтиёжидан юзага келади.

30-йилларга келиб Чўлпон руҳиятида айни шу эҳтиёж кучайди. Аслида-ку илгари ҳам, адаб умидсизликка бўй берган пайтларда, бу эҳтиёж бот-бот қўзғалиб турган. Бироқ у пайтларда Чўлпон эндиликда идрок этишга интилаётгани ҳаёт ичida қайнаётган, уни ичдан ҳис этгани ҳолда холис кузатишу баҳолаш имкониятидан маҳрум эди. Бунинг учун адаб ҳаётининг ўша босқичидан узилиши, энди воқеа-ходисаларнинг иштирокчиси кўзи билан ичдангинамас, сиртдан — ўзини ҳам ўзгадек кузатиши тақозо қилинарди. Айтиш керакки, Чўлпоннинг онгли ҳаётидаги илк босқич — унинг юрт озодлиги йўлидаги уринишлари 20-йилларнинг ўрталарига келибօқ мантиқан ниҳояланганди. Демак, ҳаётининг мазкур босқичи унинг учун эстетик объект, асар учун материал бўлиши мумкин эди. Зеро, М.Бахтин ҳам: "Только в мире других возможно эстетическое, сюжетное, самоценное движение — движение в прошлом..."<sup>1</sup> — деб ёзадики, Чўлпон энди яқин ўтмишдаги ҳаётини ўзганинг ҳаётидек кузатиш имконига эга эди. Бироқ адабнинг Москвага жўнашию театрчилик фаолиятига берилиши, пойтахтнинг қайнок маданий ҳаётига шўнғиши мазкур материалнинг бадиий идрок этилишини кечиктирган, аникроғи, буни зарурият мақомига кўтарувчи, ижтимоий-шахсий заруратга айлантирувчи шароит ҳали

<sup>1</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества.- С.99

етилмаган эди. Айни шу хил шароитнинг юзага келишига сабаб бўлган дастлабки туртки сифатида адибнинг Москвадан қайтиши арафасида бошланган матбуотдаги сиёсий-адабий кампанияни кўрсатиш мумкин. Адабий танқидчилигимиз бошлаб берган мазкур кампаниянинг чўққиси, шубҳасиз, 1927 йилнинг 4-5 октябрь кунларида ўтказилган республика маданият ходимларининг II Курултойи бўлди. Профессор О.Шарафиддинов топиб айтганидек, Қурултой Чўлпон устида "биринчи маънавий қатли ом" эди<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, миллат дарди билан яшаган бир шоирни шу миллатнинг зиёли вакиллари "йўқсил халқ шоири эмас", асрларини "ғоявий иҳатдан заарли" деб топсалар-да, Курултойдан кувсалар — буни маънавий қатлдан бошқача аташ-да душвор. Ўз-ўзидан равшанки, бу нарса шоир руҳиятига оғир зарба бўлиб тушди, боз устига, у вазиятнинг анчагина қалтис эканлигини ҳам теран ҳис этади. Шу боис ҳам Чўлпон Қурултой раёсат ҳайъати номига "Эътизор" битиб, ўзининг тушунмаслик орқасида йўл қўйган хатолари — шу эл, шу юрт дарди билан ёниб яшагани-ю куйлагани! — учун узроҳоҳлик қилишга, "хатоларимни иш орқали ишчи-дехқон кўнглидан кетказаман" дея ваъдалар беришга мажбур бўлди. Шу ўринда Чўлпонни инквизиция суди олдида "Ер айланмайди!" дейишга мажбур бўлганидан сўнг ўз-ўзига "ҳар ҳолда у айланади" деёлган Галилейга ўхшатгимиз келади. Зеро, адибга берилган зарба нечоғли оғир бўлмасин, уни бир муддат караҳтлантириди-ю, маънан маҳв этолмади —эркесвар рух кўнгил тубида омон қолаверди. Танқидчиликнинг ҳужумлари тобора кучайиб, айловлар тобора кескинлашаётган пайтлар Чўлпон қалбида ўша рух бош кўтаради. Адиб кўнгли ўзи ва маслакдошларининг фаолиятига берилаётган баҳоларга қўшилолмайди, сохталашибираётган тарихнинг ҳаққонийлигига ишонгиси келмайди, ўзи билган воқеа-ҳодисаларнинг мавжуд талқинини қабул қилолмайди. Уни "наҳотки бизлар ноҳақу, улар ҳақ бўлса? Наҳотки бизлар халқ манфаатига зид ҳаракат қилган бўлсак? Наҳотки ҳаракатимизнинг, орзу-интилишларимизнинг асоси пуч бўлган бўлса? Наҳотки беш-олти йиллик умрим МАЬНИдан буткул мосуво бўлса?.." деган саволлар ўртайдики, бу ички зиддият Чўлпоннинг ташки дунё билан алоқаларининг инъикоси эди. Зеро, ЗО-йилларга келиб жамият аъзоларининг аксарияти, айниқса, ёш авлод адиб кўнгли шубҳа остига олаётган "ҳақиқатлар"ни қабул қилган, қабул қилаёзган эди. Ижодкорнинг жамият билан муносабати маҳсули сифатида юзага келмиш мазкур ички зиддият босиб ўтилган йўлни идрок этиш, унинг мазмун-моҳиятини англашни адибнинг **ички эҳтиёжи** га айлантириди. Чўлпонни ўртаган муаммолар кўла-ми эса **факат роман жанридагина атрофлича ва чуқур** — эҳтиёжни қондира оларлик даражада бадий талқин этилиши мумкин эди, холос.

Демак, Чўлпоннинг инқилоб арафаси ва инқилобнинг илк йилларидаги Туркистон ижтимоий воқелигини бадий идрок этиш учун мавзу қилиб олиши ҳам, унинг роман жанрига муро-жаат этиши ҳам ички эҳтиёждан келиб чиқади. Шу ўринда испан адабиётшуноси А.Приетоннинг тубандаги фикрига дикқатни тортмоқчимиз:

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш.- Т., 1994.- Б.16

"...роман рождается как результат мятежа, вследствие неудовлетворенности или разочарования, и этот результат выражается в реалистической форме,- форме, воплощающей в себе стремление убедить, не прибегая к документам и доказательствам. Заинтересованность убедить других (представить реальность) часто сопровождается попыткой писателя убедить самого себя, воссоздавая свою жизнь, попыткой раствориться в литературном произведении"<sup>1</sup>. Албатта, А.Приетоннинг мазкур фикри барча романларга бирдек қўлланилиши мумкин, у универсал характерга эга, дейиш қийин. Бироқ, бизнингча, бу фикр асосига ижтимоий проблематика қўйилган реалистик роман табиатини англашда яхшигина асқотиши мумкин. Фақат, бу ўринда ўзгаларни ишонтириш эмас, ўтмишни англаш орқали ўзини ишонтириш — эҳтиёжни қондириш мақсади олдинги планга ўтказилиши лозим. Сабабки, романнавис асар асосига ечими ўзига илгаритдан маълум муаммоларни қўймайди: бу ҳолда у (субъект) билан материал (объект) диалоги йўққа чиқади, демакки, ижодий жараённинг ўзи бўлмайди, — асар жонсиз схемага айланади. Айтмоқчимизки, романнавис асарига қўйилаётган муаммолар ечимини умумий тарздагина тасаввур қиласди, бироқ бу тасаввур деталлаштириш орқали конкретлаштирилиши, яхлит концепция холига келтирилиши лозим. Зеро, ижод жараёнида бутланган яхлит концепциягина романнависнинг ички эҳтиёжини қондириши, шубҳаю гумонларини тарқатишию ўзи тутган мавқенинг ҳақ-ноҳақлигига амин қилиши мумкин. А.Прието айтмоқчи, "реалликни тақдим этиш" учун романнавис жамиятнинг муайян босқичдаги ҳолатини яхлит образ — роман бадий воқелигига акс этдирадики, ўша яхлит образни яратиш жараёнида муаллиф излаган мазмун-моҳият намоён бўлади. Англашиладики, ички эҳтиёжнинг қондирилиши учун асарнинг ёзилиши шарт қилинади. Демак, роман (бу ўринда классик тушунчадаги роман назарда тутилаёттир) ижодкорнинг жамият билан муносабатидаги чигалликлар унинг ички зиддиятига айланган ҳолларда ўша зиддиятнинг ечими сифатида юзага келади. Фикримизни ойдинлаштириш учун тематик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган "Кеча" ва "Қутлуғ қон" романларига бир қургина қиёсий назар ташлаш фойдали. Ҳар икки роман ҳам жамиятнинг муайян босқичдаги ҳолатидан "қониқмаслик" ёхуд унга нисбатан "исён" натижаси ўлароқ яратилган. Дейлик, социалистик идеалларга чин дилдан ишонган Ойбек рухиятига ЗО-йиллар воқелиги қаттиқ таъсир қилган: адаб онгига зиддият ва чигалликлар (идеалларида шубҳаланиш) пайдо бўлганки, уларни ҳал қилиш учун яқин ўтмишни бадий тадқиқ этишга жазм қилган. Биз Ойбек ўтмишни атайнин расмий нуқтаи назарга мос яратган, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Аксинча, адаб ўз идеали асосида кўрилган воқеликни "Қутлуғ қон" бадий воқелигига ҳаққоний акс эттирган, унинг воситасида юртининг тараққиёт йўлини бадий тадқиқ этган ва шу асосда ўзининг концепциясини бутлаб олган. Яъни, яқин ўтмишнинг бадий тадқиқи асосида Ойбек октябрда танланган йўл тўғри эди, деган хулосага келганки, натижада рухиятидаги зиддияту чигалликлар барҳам топган. Айтмоқчимизки, ҳар икки

<sup>1</sup> Прието А. Морфология романа // Семиотика.- М.,1983.- С.371

романнинг яратилишига турткى бўлган ички эҳтиёж жамият ҳаётини кенг кўламда бадиий тадқиқ этишу шу асосда дунёю давр концепциясини бутлаш орқалигина қондирилиши мумкин эди. Айни шу мулоҳазалардан келиб чиқиб яна бир карра таъкидлаш мумкинки, ЗО-йилларга келиб Чўлпон руҳиятида вужудга келган ички эҳтиёж фақат роман жанри орқалигина тўла қондирилиши мумкин эди.

Модомики, "Кеча ва кундуз"нинг ёзилиши ички эҳтиёж билан боғлиқ экан, Чўлпоннинг юқорида айтганимиз икки йўлнинг биринчиси — қаламга олинган даврни расмий мафкурага мослаб талқин қилиш йўлидан бориши мумкин эмас: бу холда эҳтиёж қондирилмайди. Иккинчи томондан, Чўлпон романини "ғаладон" учун ҳам ёзмоқчи эмас, — у ўзининг дардларини ўқувчисига етказишни, ўзи инкишоф этган ҳақиқатлардан унида воқиф қилишни истарди. Зоро, адибнинг гражданлик ҳисси қалбида сўнаёзган кураш оловининг чўғларини ўзга қалбларга кўчириш мажбуриятини юклардики, ўз ички эҳтиёжини қондириш билангина қаноатлана олмас эди — бундай қилишга ҲАҚЛИ ЭМАС деб биларди ўзини. Ижод эркинлиги бўғилган шароит роман устида иш бошлаган Чўлпон қархисида ғоят мураккаб ижодий муаммони кўндаланг қилиб кўйганди: адид ўзи англаган ҳақиқатдан чекинмагани холда уни шундай ифодалashi ҳам зарур эдики, — аввало, асарни чоп этиш имкони бўлсин, иккинчидан, мафкура оғусига тўйинган китобхон ҳам, мустақил мушоҳадага қодир ўқувчи ҳам ундан ўзига керакли маънени топа билсин. Бир қараашда мазкур ҳол Чўлпоннинг шеърий ва кичик насрый асарларида кузатганимиз рамзли ифода йўсунинг ўхшаса-да, ҳақиқатда ундан жиддий фарқланади. Маълумки, бадиий асар мазмuni кўп қатламли ҳодиса бўлиб, улардан иккитаси — актуал ва туб эстетик қатламлар универсал характерга эга. Актуал қатлам дейилганда асарнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти тушуниладики, у бевосита асар яратилган даврнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига қаратиласди. Туб эстетик қатлам эса асар яратилган давргагина қаратилган эмас — у давр контекстидан айро ҳолда ҳам тушунилаверади. Одатда актуал қатлам юзада бўлади, шу боис ҳам баъзан асар яратилган даврда ўқувчиларнинг туб эстетик қатламни илғаб олишларига, уни муносиб баҳолай олишларига ҳалал бериши ҳам ("Лолазор" романни) мумкин. Чўлпоннинг рамзий шеърларида, хусусан, алоҳида тўхталганимиз "Йўл эсдалиги" сафарномасида аксинча ҳолга дуч келамиз: уларда туб эстетик қатлам актуал мазмунни пардалайди гўё. "Кечада" романнинг эса актуал қатламнинг ўзи иккига ажратиласди: биринчиси — юзадагиси, қизил кўзойнакли китобхон учун; иккинчиси — тубдагиси, хос ўқувчи учун мўлжаллангандир. Албатта, мазкур фарқ аввало реалистик роман жанри табиати билан боғлиқ ҳолда изоҳланиши лозим. Зоро, лирик характердаги асарлардан фарқ қиласроқ, романда тўлақонли бадиий реалик яратиладики, у ўз ҳолича нисбий мустақил бўлгани ҳолда "гапира олади", яъни, ижодкор субъектидан айро ҳолда ҳам муайян мазмунни ифодалай олади. Демак, адид ўзи айтмоқчи бўлган гапни айтишнинг, айтишу яширишнинг ўзгачароқ йўлларини қидириши лозим эди. "Кечада" Чўлпон қўллаган ифода йўсунини биз "ниқобланиш" деб атамоқчимизки, бунинг шартлилиги ўз-ўзидан равшан. Мазкур истилоҳни ЗО-йиллар адабиётшунослигидан ўзлаштирасдан эканмиз, уни салбий маънода

қўллаш фикридан албатта йироқмиз. Зеро, ЗО-йиллар адабиётшунослигида ниқобни кўтариш адабни "фош этиш" мақсадига хизмат қилган бўлса, биз уни англаш, асар мазмунига чуқурроқ кириб бориш учунгина ниқобни кўтаришга ҳаракат қиласмиш. Яъни, биз "ниқоб"ни поэтик восита, "ниқобланиш"ни ижод эркинлиги бўғилган шароит заруриятга айлантирган поэтик воситалар мажмуи сифатида тушунамиз.

Чўлпон "Кечা ва кундуз" устида қизгин ишлаётган, "Кечা" романи ҳали китоб ҳолида чоп этилмаган бир пайтда — 1935 йилда эълон қилинган "Қизиқлар" номли мақоласида: "**Подшоҳлар, султонлар, хонлар ва бекларнинг камчиларидан қон томган замонларда, ҳалқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда**, ҳалқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини биронта сарой ёки ҳалқ қизиги чиқиб ҳазил **йўли билан едириб** юборар эди(тавқидлар бизники -Д.К.)",<sup>1</sup> – деб ёзган эди. Ӯтмиш баҳона замонасига топиб баҳо берган Чўлпон, айни пайтда, ўзининг ижодий манерасига ҳам ишора қиласди, ўқувчиларга ўзининг асарини (асарларини) англаш учун калит беради гўё. Зеро, қадим ҳалқ саънати намояндаларига ошкора ҳавас ва хурмат билан қараётган Чўлпоннинг ўзи ҳам "Кечा"да "мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини" йўли билан едириб юборган эди. Албатта, адиб хушёр мағкурачиларнинг барини лақиллатиб кетаман, деб хомтама бўлган эмас, тегишли жойларда зийрак ва закий кишиларнинг кўплигини жуда яхши билган. Ўзини ўртаган дардларни "йўли билан" бўлса-да ошкор этаркан, бунинг учун ўша қизиқлардай "боши кетиши" ёки "оқуйлик (бадарға)" қилиниши мумкинлигини жуда яхши билган. Бироқ у яна шуни ҳам билганки: "фақат уларнинг (қизиқларнинг-Д.К.) оғизларидан чиқсан буюк ҳақиқатлар ҳақиқатгўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби ҳалқ кўнглига ёзилиб коларди, мучаллардан мучалларга кўчарди".<sup>2</sup> Кўрамизки, Чўлпон ҳақиқатга содик қолишини ҳар недан устун қўяди, фақат ҳақ сўзгина дунёда мангу қолишига, ҳақ сўзни айта олган санъаткоргина ҳалқ дилидан абадий жой ола билишига ишонади. Айни шу ишонч Чўлпонни, бошини кундага қўйгани ҳолда бўлса-да, ҳақиқатдан чекинмасликка ундейди, унга ижодий куч-қувват, жасорат беради.

Юқоридагилардан англашиладики, "Кечা" устида ишлаётган Чўлпон руҳиятида "айтсам ўлдираплар, айтмасам ўлам" қабилидаги ҳолат юзага келганди. Адиб ўзи англаган ҳақиқатларни ўқувчига етказишини мақсад қилгандики, бунинг учун у анча мураккаб ижодий муаммоларни ҳал қилиши зарур эди. Шунинг натижаси ўларок, бизнингча, "Кечা" романининг ташкилланишида онгнинг иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Эътиroz туғилиши мумкин: наҳотки Чўлпон романини ёзиш жараёнида шунчалик совуққонлик билан, ҳар жиҳатини "етти ўлчаб" ишлаган бўлса? Ижод онларида санъаткор руҳият осмонига кўтариilmайдими? Ҳамма нарсани онгга боғлашлик бадиий ижод табиатини жўнлаштириш эмасми? Албатта, санъатнинг аввало рух маҳсули эканлигини инкор қилмаймиз, бироқ эпик тафаккурда онгнинг

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Т.,1994.- Б.116

<sup>2</sup> Ўша жойда

иштироки анчайин сезиларли эканлиги ҳам аён ҳақиқатдир. Бадий ижод психологиясини ўрганиш бобида самарали изланган машхур руҳшунос К.Юнг: "Существуют вехи и стихотворного и прозаического жанра, возникающие целиком из намерения и решимости их автора достичь с их помощью того или иного воздействия", – деб ёзади. Олимнинг фикрича, бундай асар муаллифи ҳаёт материалига муайян мақсад асосида ишлов беради: "автор подвергает свой материал целенаправленной сознательной обработке, сюда что-то добавляя, оттуда отнимая, подчеркивая один нюанс, затушевывая другой, нанося здесь одну краску, там другую, на каждом шагу тщательнейше взвешивая возможный эффект... Автор пускает в ход при такой работе всю силу своего суждения".<sup>1</sup> Бизнингча, Чўлпоннинг "Кечা"ни ёзиш ҷоғидаги ижодий йўсини ҳам шунга ўхшашиб тусламиши мумкиндири.

Ўйлашимизча, Чўлпон "Кечा" романининг 1936 йил нашрига эпиграф сифатида олган М.Гор'кий сўзлари ҳам адабининг ғоявий-бадий нияти, ифода йўсинининг "ниқобланиш" принципи асосига қурилгани ҳақида бунгача айтилган фикрларимизни бирмунча қувватлади: "Маърифат ҷоғиштириб кўриш орқали ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан ҷоғиштиролмайдилар, улар **кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очиқ англаёлмайдилар** (таъкид бизники – Д.Қ.)". Табиийки, совет халқининг "доҳий"лари қаторидан жой олган улуғ пролетар адабининг сўзларини романга эпиграф қилиб олинишининг ўзиёқ номи "кора рўйхат"лар бошидан жой олган Чўлпон учун шундоғам ҳимоя воситаси, ўзига хос эҳтиёт чораси бўлиб хизмат қила олади. Бироқ бу ўринда маънонинг икки ёқлама тушунилиш имконияти борлиги дикқатга моликдир. Яъни, Чўлпон кечмишни ёшлар ҳозирги замоннинг қадрига етсинлар, деган мақсадда тасвиrlаётганини "совет ёзувчиси" позициясида туриб таъкидласа, сохта тарих миясига сингдирилиб манқуртга айлантирилаётган ёшлар "ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очиқ англасинлар" учун "Кечা"ни яратганини ГРАЖДАНЛИК позициясида тургани ҳолда айтади. Кўрамизки, эпиграф танлашдаёқ Чўлпон романнинг мазмун структураси моделини шакллантиради: ўзи айтмоқчи бўлган фикр тубдаю, юзадагиси фақатгина "ниқоб", — восита, холос. Ўз-ўзидан табиий бир савол туғилади: хўш, Чўлпон "ёшлар ҳозирги замоннинг нималигини" англасинлар учун тасвиrlаган ўтмиш сохта тарихдан, расмий нуқтаи назардан нимаси билан фарқланар эди? Бизнингча, икки орадаги тафовутлар романнинг ғоявий мазмунига бир қур назар солинсаёқ яққол кўринадики, "Кечা" ҳақидаги қарашларимизнинг шаклланиши ва асосланишида муҳимлиги важхидан бу масалага қисқача тўхталиб ўтишимиз жоиз. Маълумки, большевиклар инқилоб арафасидаги Туркистонда асосий ижтимоий конфликт эзувчи ва эзилувчи синфлар орасида эди, дея зўр бериб уқдираётган эдилар. Чўлпон романида эса, бунга зид ўлароқ, асосий ижтимоий конфликт феодал асослар билан шаклланиб келаётган миллий буржуазия орасида ётади. Бу конфликтни адиб Акбарали билан Мирёқубнинг мураккаб ўзаро

<sup>1</sup> Юнг К.Г. Феномен духа в искусстве и науке.- М.,1992.- С.104

муносабатларини тасвирлаш орқали моҳирона кўрсата билган. Акбаралининг ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий нўноқлигини, Мирёқубнинг эса, аксинча, ҳар иккисида ҳам омилкорлигини тасвирларкан, адиб, бир томондан, феодал асосларнинг чириб битганини, иккинчи томондан, **миллий буржуазиянинг ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий истиқболга эгалигини** кўрсатади. Большевиклар ҳар вақт таъкидлагучи омманинг инқилобий фаоллиги романда деярли акс этмаган, меҳнаткаш халқ ижтимоий-сиёсий ҳаракатдан буткул йироқда кўрсатилган. Тўғри, Қумариқдаги исён гўё романга бироз инқилобийлик олиб кирадигандек. Бироқ бу ғалаён ҳам Чўлпон тасвирида большевиклар даъво қилган синфий курашдан тамом бошқа нарса. Зеро, дехқону косибларнинг ғазаби эзувчилар синфига эмас, **шахсан Ёдгорхўжао шахсан Умаралибояга қаратилгандир**. Албатта, бу саҳналарда Чўлпон чин дилдан меҳнаткаш халқ томонида, инсофуadolat хиссидан маҳрум бўлган бойларни у ҳам қоралайди. Лекин айни чоғда омманинг қўзғалиши ўз ҳақ-хуқуқларини химоя қилиб чиқсан онгли ҳаракат эмас, балки бойлардан бирининг шалоқлик билан "хотинталоқлар" дея ҳақоратлаши билан бошланган майший ғалаён эканлигини тасвирлайди. Яъни, бу ўринда адиб омманинг сабр косаси тўлганлигини инкор қилмайди, бироқ бу ғазабнинг уюштирилган ҳолда муайян мақсадга йўналтирилиши учун ҳали шароит етилмаган, деб ҳисоблайди. Большевиклар ўз фирмала-рининг инқилоб арафасидаги фаоллиги оммани курашга уюштирганини даъво қилардиларки, юқоридагича тасвир бу даъваларни чиппакка чиқаради. Энг қизиги, романда Чўлпон большевикларни ҳатто тилга ҳам олган эмас, факат бир ўринда умуман социалистлар ҳақида гап боради, холос. Бунга зид ўлароқ, жадидчилик ҳаракатининг кенгайгани, жадидчилик ғояларининг анча кенг ёйилгани кўрсатилади: Мирёқуб, Ҳакимжон, Ҳасанов, романда ўзи кўринмайдиган Абдусамад мингбоши — буларнинг бари шу ғояга у ёки бу даражада берилганлар. Прокурорнинг суддаги нутқида мазкур ҳаракатдан жиддий хавфсираш сезиладики, бу ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди. Боз устига, жадидчилик ҳаракати кескин қоралана бошланган бир пайтда Чўлпон Шарафутдин Хўжаев тили билан унинг мақсад-моҳиятини холис баён қила билди. Романда ижтимоий-маънавий ўсишга бошлаган ягона қаҳрамон — Мирёқубнинг жадидларга яқинлашуви ҳам бежиз эмас. Зеро, адиб талқинича, инқилоб арафасидаги Туркистонда жадидчилик ҳаракатидан ўзга жиддийроқ бир ижтимоий-сиёсий куч мавжуд эмас эди.

Юқоридаги мuloҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, юртининг ўтмишига йигирма йил юксаклигидан назар солган Чўлпон "Кеч" романида октябрь инқилобининг амалга ошиши ижтимоий-тариҳий зарурият эмас, балки давр талотўларининг ҳосиласи эканлигини, халқини чинакам саодатга элтиши мумкин бўлган йўл бошқа бўлганлигини **ўзи учун яна бир карра тасдиқлаб олди-да**, ўзи англаган ҳақиқатни йўли билан ўкув-чисига етказишга интилди. Адиб ўсиб келаётган авлоднинг юз бераётган ҳодисалар моҳиятини англашини, манқуртга айланишининг олдини олишни истаганки, унга "чоғишириш орқали маърифат ҳосил қилиш" имконини яратиб берди.

Табиийки, бу хил расмий нүктаи назарга зид карашларни "йўли билан" ифодаланган тақдирдагина роман дунё юзини кўриши мумкин бўларди. "Кеча ва кундуз" устида ишлаётган пайти оригинал асарлари билан матбуотда деярли катнашмаётган (яъни, адабий жараёндан "ихрож" қилинган) Чўлпоннинг роман эълон қилинармикан "ёки шунча ёзилган шеърларим каби қаерларда қолиб кетармикан"<sup>1</sup>, деган савол кўп бор ўйлатган, шу боис ҳам у "ниқобланиш" йўлларини топиш ва татбиқ қилишга жиддий эътибор берган. Гап "ниқобланиш" воситалари ҳақида борар экан, аввало, асарнинг номланишига тўхталишимиз лозим. Маълумки, ЗО-йиллар адабиётида энг оммалашган бадиий конструкциялардан бири "инқилобгача – инқилобдан сўнг" тарзида бўлиб, у ўтмишни қоралаш орқали замонани алқаш мақсадига хизмат қилган эди. Чўлпоннинг асари икки қисмдан иборат экан, уларнинг биринчисида инқилоб арафасидаги хаёт тасвирлансаю "Кеча" деб ном берилса, иккинчисида инқилоб ва ундан кейинги йиллар қаламга олинсаю "Кундуз" аталса, — демак, адаб янги тузумнинг афзалликларини ахийри англаб етибди-да, шўро позициясига ўтибди-да?! Чўлпон учун социалистик ватанпарварлик руҳида тарбияланган ўқувчи ва зийрак мафкура хизматчиларида айни шу хил фикрни ҳосил қилиш муҳим эди.

Романнинг номланиши шу хил зарурат билан боғлиқлиги адабиётшунос С.Хусайнинг терговда берган кўрсатмасидан ҳам англашилиб туради: "Унинг(Чўлпоннинг–Д.Қ.) тушунтиришига кўра, "Кеча" романнинг фақат биринчи қисминигина ташкил этади, асарнинг иккинчи қисми эса "Кундуз" деб аталажак. Чўлпон бу сўзларни айтар экан, уни яна ўтмиш тўғрисида ёзяпти, деб айбламасликлари учун романни шундай иккига бўлишга мажбур бўлганлигини сўзлади".<sup>2</sup>

Модомики сарлавҳани "ниқоб" деб атарканмиз, унга адаб юкламоқчи бўлган тублик маъно ҳам бўлиши лозимдек. Ҳартугул, "Кеча"нинг шу хил туб маъносини англашга уриниб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Бизнингча, адаб юртдаги маънавий қашшоқланиши юзага келтирган ва унинг ҳосиласи сифатида янада бикиқлашган муҳитни "Кеча" деб баҳолайди. Чўлпон талқинидаги "Кеча"нинг бутун даҳшати шундаки, у одамларни маънан мажруҳ этади, маънавий таназзулга етаклайди. Ўша муҳит "беш-тўрт таноб ерли" ўзига тўқ, Хадичаҳон билан дурустгина турмуш кечириши мумкин бўлган Акбаралини фаҳш ботқоғига ботирди; етти авлоди дехқончиликдан нон топиб еган Раззок сўфини текинхўр кимсаю мунофиқ диндорга айлантириди; Пошшахону Султонхондек бемалол бир уйни обод, бир йигитни баҳтиёр қилиши мумкин бўлган гулдек аёлларни зино кўчасига бошлади... Буларнинг маънавий қашшоқланиши шу даражадаки, улар муҳитни соғломлаштириш ҳақида умуман ўйламайдилар, шу муҳит доирасида ўз манфаатларини кўзлайдилар, холос. Юрт бошида "бенамоз раислар", имони заиф имомларнинг туриши раиятга таъсирсиз

<sup>1</sup> В.Рашидов. Чўлпонни эслаб // Адабиёт надир.- С.211

<sup>2</sup> Н.Каримов. Чўлпон.- Т.,1991.- Б.77

қолмаган: "одамлар намозга юрмай қўйганлар". Миллатнинг фожиасини Чўлпон айни шу эътиқодсизлик (фақат диний маънода эмас)да кўради: одамлар на охиратини обод қилишни ва на фоний дунёдаги турмушларини яхшилашни ўйлашади — бугуннинг ташвиши билан яшашади, холос. Жоҳилият даврларини азалдан "зулумот" деб таърифлангани каби, Чўлпон ҳам тарихимизнинг шу бўлагини "Кечা" деб атайди. Бу зулумот қўйнидан ёруғлик томон интила бошлаган ягона одам —Мирёқуб, шу маънода "Кундуз"нинг туб маъноси ҳам шу қаҳрамонга боғлиқ ҳолда конкретлашса, эҳтимол. Афсуски, бу фикримиз тахмин мақомидан юкори кўтариолмайди. Сарлавҳанинг зоҳирий маъноси эса "оқ – қора" схемасининг ифодасига хизмат қилгани ҳолда туб маъноларни никоблайди.

Айтиш керакки, Чўлпон турли композицион усуллардан ҳам ўрни билан никобланиш воситаси сифатида фойдаланади. Роман ҳақида адаб ҳаётлик чоғида(гарчи ҳибсга олинганидан кейин бўлса ҳам) эълон қилинган ягона тақризда: "Чўлпон жадидларни тасвирлаганида **никобланади**, жадидларга тўғридан тўғри ўз тилидан характеристика бермасдан, бу вазифани асаддаги кишиларга юклайди. Чўлпоннинг қаҳрамонлари жадидларни мақтаб, кўкларга кўтаради (таъкид бизники-Д.К.)"<sup>1</sup> – деган айловга дуч келамиз. Дарҳақиқат, Чўлпон романда жадид савдогар — Шарафутдин Хўжаев пайдо бўлиши билан ҳикоячиликни ўзидан соқит қиласди: романнинг бу эпизодлари Мирёқуб билан Марям кундаликлари воситасида жонлантириллади. Тан олиш керакки, тақриз муаллифлари ҳақлар. Зоро, Чўлпон бу усулни онгли равишда, муайян мақсадни кўзлаб қўллагани равшан кўриниб туради. Агар адаб, тақриз муаллифлари истаганидек, жадидларга "тўғридан-тўғри ўз тилидан характеристика берган"ида, унинг учун ягона йўл — жадидларни совет ёзувчиси мавқеидан туриб қоралашгина қолур эди. Бу эса, табиийки, Чўлпоннинг ғоявий-бадиий ниятига тамоман зид эди, чунки у жадидлар ҳақида ўкувчига имкон қадар холис ва муфассал маълумот беришни ният қиласди. Мабодо Чўлпон роман воситасида ўзини "оқлаб олиш" мақсадини кўзлаганида эди, у ҳолда мазкур усулнинг қўлланиши мақсадга хилоф бўлур эди. Кўрамизки, бу ўринда эпиграф ёки романнинг номланишида кузатганимиз иккиёклама талқин қилиш имкони мавжуд эмас, "никоб" фақат ўз вазифасидагина келади. Адабнинг асл ниятини очиб беришни ўзларининг вазифаси деб билган тақриз муаллифлари буни яхши англағанларки, романнинг айни шу ўрнига алоҳида урғу берганлари бежиз эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, Чўлпон Кумариқ воқеалари тафсилотларини ҳам юқоридагича усулда — персонажлар тилидан беради, бироқ бу ўринда икки турли талқин қилиш имконияти сақлаб қолинади. Кумариқ воқеаларининг тасвирланиши тўрт қисмга ажратилиши мумкин: 1) Акбаралининг қишлоққа бориши; 2) қишлоқда ғалаён; 3) Акбаралининг ғалаённи тинчтиши учун қайтиб бориши; 4) қишлоқда ғалаённинг кучайиши. Бу қисмларнинг биринчи ва учинчиси ровий тилидан, иккинчиси элликбоши Қосим лайлак, тўртинчиси мингбоши йигитларининг бири

<sup>1</sup> Қизил Ўзбекистон.- 1937.- 6 август.

тилидан берилади. Аслида ривоя субъектининг ўзгариши(бунга кейинроқ алоҳида тўхтalamиз), бир томондан, маконий ва замоний ўзгаришларнинг асосланишига, иккинчи томондан, реалистиклик иллюзиясининг ҳосил қилинишига хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур усулнинг бошқа бир муҳим ғоявий-бадиий функциясига ҳам дикқатни тортмоқ зарур: бизнингча, бу ўринда персонаж-ҳикоячиларнинг киму нима мақсадда ва қандай шароитда гапираётганига алоҳида урғу берилгани кўринади. Хусусан, Қумариқдаги ғалаённинг бошла-нишию сабабларини ўзи зўрға қочиб қутулган элликбоши Қосим лайлак "оёқ устида туриб мингбошига англатди ва ахволни жуда **ваҳимали қилиб** кўрсатди". Гап шундаки, ғалаён сабабчилари бўлмиш бойлар — "элликбоши ва аминларга ўшқириб муомала қиладиган бу пурзўрлар ёлғиз Қосим лайлакка эмас, бошқа элликбоши ва аминларга ҳам унча ёқмасидилар". Шу боис ҳам "фурсат жуда қулай келганлигидан Қосим лайлак имкон борича фойдаланиб қолмоқчи бўлди". Кўринадики, Чўлпон бу ўринда воқеанинг бўрттирилиши шахсий манфаат билан боғлиқлигини, шу боис ҳам Қосим лайлак "бирга беш қўшиб" сўзлаётганини таъкидлайди. Мингбоши тўполонни тинчтиб, айборларни жазолаб қайтганидан сўнг қайта авж олган ғалаён тафсилотларининг берилиши янада ўзига хос: "...янги игитлардан бири **арвоқ отни оқ қўпикка тушириб** чоптирганича етиб келди. Дарвозани очгунча бўлмай отдан ўзини ташлаб, ранги ўчган ва ҳаллослаган ҳолда мингбошининг қаршисида келиб тўхтади.

– Нима гап? Мунча ҳовлиқдинг?

– Иш ёмон, хўжайин. Иш ёмон...

Йигит сўзлай билмасди". Кўрамизки, энди адид ҳикоячи-персонажнинг ниҳоятда ваҳимага тушиб, шошганидан ўзини йўқотаёзганига урғу беради — "кўрқсанга қўша кўринар" маталига ишора қиласи гўё. Қизиғи шундаки, йигитнинг "сўзлай билмаслиги" таъкидланган, унинг ҳаяжон ва ваҳима аралаш айтган алмойи-жалмойи гапларидан бирон нарса англаш мушкул дегандек, олинган маълумотлар ровий тилидан қайта баён қилинади. Бу нарса очиқ айтилмаса-да, ҳартугул гап қурилиши("тўполон бошланади", "тўппончаси бўлади", "отиб ўлдирмоқчи бўладилар" ва хоказо)дан ўқувчининг англаб олиши қийин эмас. Боз устига, йигит ўзи айтиётган тафсилотларнинг барига ҳам бевосита шоҳид бўлган эмас, бир қисмини ўзи ҳам бошқалардан эшитган. Яъни, маълумотлар миш-миш даражасига тушиб яна бўрттирилаётгандек, Қумариқдаги воқеалар мантиқини персонаж-ҳикоячиларнинг ўзлари ҳам дурустроқ англамаётгандек таассурот қолади кишида. Эслатилган такриз муаллифлари романда "ўтмиш жамиятдаги синфий қарама-қаршиликлар, синфий кураш онгли равища туманли қилиб, пардаланади",— деганларида қисман ҳақлар. Қисман дейишимизнинг боиси шундаки, такриз муаллифлари "синфий зиддият" ва "синфий кураш" тушунчаларини бирдек кўрадилар. Ҳолбуки, Чўлпон бу икки тушунчани фарқлайди. Шу боис ҳам у йўқсиллар ва бойлар орасида синфий зиддият мавжудлигини инкор қилмайди — уларни тасвиrlаб кўрсатади. Бироқ "синфий кураш" дейилганда адид муайян мақсадни кўзлаган онгли ҳаракатни тушунади, икки орада бу хил ҳаракатни кўрмагани учун-да уларни тасвиrlамайди. Чинакам "шўро

ёзувчиси"дан эса айни шу хил англанган ҳаракатни тасвирлаш (ахир, у ҳаётни революцион ривожланишда кўра билиши лозим) талаб қилинардики, Чўлпон шу йўлдан бормаслик учун ҳам Қумариқ воқеалари ҳақида ҳикоя қилиш мажбуриятини персонажларга юклаган кўринади.

Чўлпоннинг лирик ва публицистик асарларида расмий доиралар томонидан қўллаб-қувватланган мавзунинг ишланиши ўзига хос "гап айтиш" воситаси бўлиб хизмат қилганини кўрсатиб ўтгандик. Худди шунга ўхшаш ҳолга "Кеча" романida ҳам дуч келамиз. Романни ўқигандаги муаллифнинг диққат марказида турган муаммо — хотин-қизлар озодлиги масаласидек туюлаверади. Ҳолбуки, агар роман юқорида айтганимизча ички эҳтиёжни қондириш учун яратилган бўлса, хотин-қизлар ҳақ-хукуқлари масаласи асло етакчи проблема саналиши мумкин эмас. Яъни, мазкур проблеманинг алоҳида бўрттирилиши муаллиф учун мухимроқ бўлган ижтимоий проблемалар талқинини пардалаш учун керак. Чўлпон бу ўринда "ниқобланиш"ни шундай маҳорат билан уддалаганки, адабиётшунослигимизда ҳануз асарнинг марказий проблемаси — хотин-қизлар озодлиги масаласи, Зеби — адаб идеалидаги қаҳрамон,<sup>1</sup> деган, бизнингча, бирмунча янглиш қарашлар мавжуд. Ўйлашимизча, мазкур образнинг моҳиятига Зебини "муте инсон" деб атаганида, айниқса, адабнинг "Раззок сўфи, Курвонбиби ва Зеби образлари орқали феодализм шароитида мутелашган, ҳақиқат ваadolat учун курашишга ўзида куч ва хоҳиш топа олмаган ҳалқнинг аянчли ҳолатини кўрсатишга интилгани"<sup>2</sup> айтганида Н.Каримов ҳаммадан кўра яқинроқ боради. Дарҳақиқат, Чўлпон ижодиётида "Хужум"дан анча илгари қўйилган аёллар хукуқи масаласи бу ўринда ҳам бекиёс кенгаяди — умуман ИНСОН ЭРКИ масаласига айланиб кетади. Ўн беш йиллар илгари "Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилғонсен!" дея ҳайқирган Чўлпон мутеликни ҳаёт дастурига айлантирган инсон фожиасини романнинг кўп қаҳрамонларида, айниқса, Зеби тимсолида ёрқин ифодалаб берди. Адаб мутеликнинг ҳар қандай кўринишини, жумладан, эътиқод масаласидаги мутеликни ҳам кескин қоралайди. Зоро, шу хил мутелик роман воқелигига бутун бошли бир оиланинг фожиасини келтириб чиқаради — Зебини Сибир сургунига жўнатади. Раззок сўфини қотилга айлантиради, бечора Курвонбибини эсдан маҳрум этади. Ўзи эътиқод қилган нарсани дуруст англамаслик эса, айтиш керакки, ЗО-йилларда жамиятимизда одат тусига кирган эди. Юртимизда марксизмга эътиқод қилганлари ҳолда ундан деярли бехабар, фақат кўл кўтариб маъқуллашгагина ярайдиган бутун бошли омма шакланаёзгандики, улар ҳам ўзлари билиб ё билмай ўзларининг ЭШОНБОБОларига эътиқод қилаётгандилар асли. Бу иллатнинг юртимизга нечоғли қиммат тушгани ҳозирда яхши маълум, албатта. Чўлпоннинг безовта қалби эса эндиғина куртак ҳолида бўлган мазкур иллатнинг бутун даҳшатини олдиндан кўра билгандирки, асарда айни шу масала айрича бўрттирилгандир.

<sup>1</sup> X.Лутфиддинова. Зеби Зебона...- Т.,1993.- с.38

<sup>2</sup> XX аср ўзбек адабиёти: XI синф учун дарслик.- Т.,1995.-Б.136,138

Хотин-қизлар озодлиги мавзусининг олдинги планга чиқарилишида, табиийки, асарнинг сюжет қурилиши етакчи роль ўйнайди. Роман воқеаларининг битта асосий ўқ — Зеби билан боғлик сюжет линияси теварагида жамлангани учун ҳам адид ўзини кизиктираётган асосий масала сифатида Зеби тақдирини, умуман, хотин-қизлар тақдири масаласини тақдим қилиш имконига эга бўлади. Ҳолбуки, Зеби марказида турган сюжет чизиги тўйдан сўнг иккига тармоқланиб, бирининг марказига Мирёқуб, иккинчисининг марказига Акбарали чиқади. Акбарали билан боғлик воқеалар Зеби линиясини узиқ (пунктир) чизиқлар билан бўлса-да давом эттириб турадио, роман ниҳоясида яна Зеби олдинги планга чиқарилади. Бу нарса ўкувчини асарнинг марказида Зеби тақдири ётишига яна бир карра ишонтиради, гарчи тармоқланган сюжет чизиқлари масалани чуқурроқ мушоҳада қилишга ундаса-да, ўкувчи бунга эмоционал жиҳатдан тайёр бўлмай қолади. Натижада аксарият ўкувчилар учун сюжет воқеалари бирламчи, Зебига бевосита алоқадор бўлмаган ёки фақат билвосита алоқадор бўлган воқеалару тафсилотлар иккиламчи бўлиб қолади. Ҳолбуки, романнинг туб мазмуни ўша "иккиламчи" унсурлар орқалигина очилади. Демак, "Кеч" романида мазмунни ифодалашнинг бош воситаларидан саналувчи сюжет айни пайтда туб мазмунни пардалашга ҳам хизмат қиласи.

Малумки, роман яратилган давр муҳитида инсоннинг ижтимоий қиймати ҳам, эстетик қиммати ҳам унинг қайси синфга мансублиги, янги тузумга қандай муносабатда эканлигидан келиб чиқибгина белгиланар эди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда ўзининг совет воқелигини қабул килганию совет ёзувчиси мавқеига ўтаётганини кўрсатиш, муҳими, асарининг китобхонлар қўлига етиб бориши учун Чўлпон буни эътиборга олмаслиги мумкин эмас эди. Яъни, асарда ҳаракат қилувчи марказий персонажларнинг синфий мансублиги дунёқарашлари эътиборга олинса, уларнинг, Зебини истисно қилсак, биронтаси ҳам "ижобий" бўлмаслиги, муаллифнинг уларга ошкора салбий муносабатда бўлиши талаб қилинарди. Чинакам санъаткор сифатида эса Чўлпон қаҳрамонларининг инсоний фожиасини фақат уларнинг синфий мансублигидан келиб чиқибгина тушуниш ва тушунтириш билан қаноатлана олмас, ҳарактерлар моҳиятига чуқурроқ кириб боришини истарди. Бунинг натижаси ўлароқ, романдаги айрим ҳарактерлар талқинида ички зиддият кузатилади: адид Акбарали, Мирёқуб, Раззоқ сўфи каби "ёт унсур"ларга намойишкорона салбий муносабатда бўлади (замона талаби), айни пайтда уларнинг ҳар бирида аввало инсонни кўришга, хатти-харакатларининг туб ижтимоий-рухий асосларини очишга(реалистик санъат талаби) интилади. Шуниси ҳам борки, "синфийлик" оғуси билан заҳарланган китобхон учун мўлжалланган чизгилар бўртиб, юзада қалқиб туради ва туб сабабларини пардалайди гўё. Эътибор берилса, романда Акбарали, Раззоқ сўфи, Мирёқуб образлари талқинида деярли бир хил тартибга таянилганини сезиш қийин эмас. Зоро, ҳар учала ҳарактер талқинида ҳам тубандагича структуравий схемага таянилгани кўриллади: муаллиф ҳарактеристикаси – персонажни хатти-харакатда кўрсатиш – рухиятидаги жараёнларнинг бевосита тасвири. Кўзга яққол ташланадики, Чўлпон қаҳрамонларини "сиртдан" кузатишдан "ичдан" кузатишга томон бориш йўлини

танлаган. Албатта, бунинг ҳеч бир гайриоддий томони йўқ, кўпгина асарларда айни шу йўлдан борилади. Бироқ, бизнингча, "Кеча"да бу усулнинг алоҳида ғоявий-бадиий функцияси мавжуд. Гап шундаки, муаллиф характеристикасида ёқ қаҳрамонлар феълидаги салбий хусусиятлар уларнинг ижтимоий аҳволи билан боғлаб талқин қилинади-да, уларга замона талабича ғоявий-ҳиссий баҳо берилади. Боз устига, адабнинг салбий муносабати ўқувчига-да "юқтирилади", ўқувчида персонаж ҳақида тугал бир тасаввур билан бирга антипатия ҳам ҳосил қилинади. Бунинг натижасида эса ўқувчининг қаҳрамон хатти-харакатларининг руҳий асосларини, унинг инсон сифатидаги изтиробларини ҳис этиш имкониятлари камаяди, у персонажни фақат "сиртдан"гина кузатгани ҳолда, унинг руҳига киролмай қолиши эҳтимоли ортади. Бунинг зидди ўлароқ, муаллиф бошданоқ ўқувчида Зебига нисбатан бадиий симпатия ҳосил қилишга интилади. Романнинг бошланишида сюжет воқеаларининг тўлалигича Зеби тақдири билан боғлиқлиги, воқеаларнинг шиддат билан ривожлантирилишию саргузаштнамо характерга эгалиги ўқувчи дикқат-эътиборини Зебига боғлаб қўяди. Натижада Зеби тақдиригагина қизиқиб қолган ўқувчи бошқа қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини ҳам шу асосда кузатади ва баҳолайди — асарнинг эпик қўламини тўлалигича қабул қилиш, унда қўйилган муаммоларни илғаб олишу "ҳазм" қилишга тайёр бўлмай қолади. Кўрамизки, айни шу хил сюжет-композицион хусусиятлар романда хотин-қизлар тақдири масаласи бирламчи, деган фикрни келтириб чиқарадида, унда бадиий таҳлилу талқин этилган муҳим муаммоларни пардалайди. Айни пайтда, Чўлпон ўзи билан илгаритдан мулокотда бўлиб келаётган ўқувчи, мулокотда бўлмаган ҳолда ҳам ўқишу уқиш малакасига эга ёки атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил мушоҳада юритишга қобил ўқувчининг тубдаги маъноларни англаб олишига ишонади, шунга умид килади.

Бунгача юритган мuloҳазаларимиздан аён бўладики, «ниқобланиш» — муайян ижтимоий-тарихий шароит заруратидан келиб чиқсан поэтик восита, у «Кеча» романни поэтик тизимиға жиддий таъсир кўрсатган, асардаги қатор бадиий ўзига хосликларни юзага келтирган. Чўлпоннинг янгиликка ўч, изланувчан ижодкорлигини қўпчилик эътироф этган, биз ҳам буни кўп бор таъкидладик. Хўш, адабнинг қўпчилик эътироф этган бу хислати миллий романчилигимизга нима берди? Бизнингча, ўзбек романчилиги тараққиётида «Кеча ва кундуз» **ҳаётни бадиий тадқиқ этиш** (воқеликни инсон руҳияти орқали идрок этишга интилиш) **ва бадиий воқеликни ташкиллантириш** (драматик унсурлар салмоқдорлиги) **принциплари** нуқтаи назаридан дадил одим эдики, шу жиҳатлари билан у миллий насрчилигимиз анъаналаридан сезиларли узоқлашиб, жаҳон романчилиги тараққий даражасига яқинлашди. Эндиғи вазифамиз шу даъвони асослашдирки, кейинги бобларда навбати билан шу масалаларга тўхталамиз.

**Мирёқуб образининг ижтимоий-маънавий тадрижи**

Ўзбек адабиётидаги илк романлар фонида "Кеча" романни ҳаётни бадиий тадқик этиш йўлининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик Чўлпоннинг инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини унинг қаҳрамонлар рухиятида қолдирган излари орқали очишга интилишида кўзга ташланади. Яъни, ёзувчининг кўзлаган ғоявий-бадиий нияти **ижтимоий ва психологияк таҳлилларнинг уйғунлашуви** ҳисобига амалга ошиши лозим эди. Бошқача айтсак, "Кеча" ўзбек насридаги илк ижтимоий-психологияк роман сифатида дунёга келган. Романчилигимизнинг илк чўққиси — «Ўтган кунлар»дан фарқ қиласор, «Кеча»да воқеалар силсиласи эмас, инсон характеристи, унинг рухиясида кечаетган жараёнлар марказий ўрин тутади. Чўлпоннинг романчилигимиз тараққиётига кўшган энг муҳим янгиликларидан бири ҳам шундадир. А.Қодирий адабиётимизга ғарбона шаклни олиб киргани ҳолда, тасвиру талқинда классик насримиз — халқ китоблари, жангномаю қиссаларимизга хос анъаналар йўлидан борди, уларни янги, юксак бир поғонага кўтарди. Романнинг бекиёс шуҳрат топиши, қўлма-қўл бўлиб, гап-гаштагу бошқа маъракаларда ўқилишининг сабаби ҳам шунда — миллий замин билан чамбарчас боғлиқлигига бўлса, эҳтимол. Биринчи роман сифатида "Ўтган кунлар" ўз вазифасини ортиғи билан уddaлади — ғарб адабиётига хос жанр миллий заминга ўтқазилди. Бироқ, маълумки, бу пайтга келиб европа романчилиги юксак даражада тараққий этиб улгурган, унинг илғор намояндалари саргузаштли сюжет яратишдан кўра кўпроқ инсоннинг мураккаб ички оламини кашф этишга интилардилар. Хусусан, рус адабиётининг алллари — Достоевский ва Толстой ўз асарларида инсон рухиясининг энг чукур қатламларигача кўз ташлаб, сўз санъатининг инсоншунослик бобидаги имкониятлари нечоғли кенг эканлигини намойиш қилгандилар. Шу каби улуғ санъаткорларга эргашган Чўлпон уларнинг маҳорат сирларини ўзлаштириш ва шу орқали миллий романчилигимиз равнақига хизмат қилишни ният қилган бўлса, эҳтимол. Иккинчи томондан, 30-йиллар аввалидаги ижтимоий-тарихий шароит ва унга боғлиқ ёзувчининг рухий ҳолати ҳам айни шу усулни тақозо қилган кўринади. Яъни, Чўлпон яқин ўтмишни, Туркистоннинг тарихий тараққиёт йўлини ўзи яқиндан билган ижтимоий типлар рухияси орқали англамоқчи, ўзини қийнаган саволларга жавоб топмоқчи бўлади.

«Кеча ва кундуз»да психологияк таҳлил нуқтаи назаридан юксак маҳорат билан яратилган характеристлардан бири, шубҳасиз, Мирёқуб образидир. Ўз олдига қўйган ғоявий-бадиий ният талаби билан Чўлпон Мирёқуб рухияти таҳлилига, унинг психологик жиҳатдан ишонарли бўлишига жиддий эътибор беради. Профессор О.Шарафиддинов бу образ ҳақида тўхталиб: «Мирёқуб образининг зиддиятли қирраларини белгилаган нарса шундаки, у, бир томондан, янгича буржуа одамига хос сифатларга эга, аммо, иккинчи жиҳатдан, ўз муҳитидан бутунлай узилиб ҳам кетган эмас<sup>1</sup>»,-деб ёзади. Чўлпон Мирёқуб рухиясидаги тадрижни тасвирларкан, қаҳрамонининг ўз муҳитидан узилиб» чиқишини, бунинг ижтимоий-рухий илдизларни кўрсатишига интилади.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабёти ва санъати». - 1990.- 16 февраль.

Мирёкубнинг ички оламини очиш, унинг маънавий қиёфасини ўзгартирган, ижтимоий сиёсий қарашларини шакллантирган (гарчи бу нарса «Кеча»да ниҳоясига етмаган бўлса-да) руҳий жараённи, бизнингча, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган уч босқичда кўрсатади: 1) психологияк замин; 2) қаҳрамон рухиясини хатти-ҳаракатилари орқали очиш; 3) руҳий жараёнларнинг бевосита тасвири. Кўрамизки, Мирёқб характерининг яратилишида реалистик психологик таҳлилнинг ҳар уччала — динамик, типологик ва аналитик пинциплари<sup>2</sup> қўлланади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Мирёқуб рухиясини очишда аналитик принцип етакчи мавқе тутади, бошқалари эса уни тўлдиришга, конкретлаштиришга хизмат қиласди.

Биринчи босқич — *психологияк замин*<sup>3</sup> қаҳрамоннинг кейинги хатти-ҳаракатларини психологик жиҳатдан асослашга, эволюциянинг бошланишидаги старт ҳолатини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, «Кечава кундуз» қаҳрамон ҳаётини босқичма-босқич, хронологик тарзда кўрсатувчи асарлар сирасига кирмайди. Чўлпонни кўпроқ муайян ижтимоий-тариҳий шароитнинг қаҳрамон рухиятига таъсири қизиқтиради, шу боис ҳам у Мирёқуб ҳаётининг маълум бир этапинигина қаламга олади. Шундай экан, қаҳрамон психикасининг ўзига хос хусусиятларини, унинг романда тасвирланган вақтга қадар қандай шаклланганини тасаввур қилиш ёзувчига қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари, ўй-фикрларининг мантиқий изчилигини таъминлашга (ўқувчига эса буни тушунишга) имкон беради. Психологияк замин асосини ёзувчининг Мирёқубга берган таърифию унинг ҳаётидан олинган ретроспектив лавҳа ташкил қиласди. Эътибор берилса, муаллиф таърифидан англашиладиган Мирёқубнинг романда тасвирланган вақтга қадар бўлган ҳаёти ҳам тадрижий берилганини сезиш қийин эмас. Шундай экан, Мирёқубдаги эволюцияни анча илгаридан, таҳминан, 15 йиллик ўтмишдан бошлаб кузатиш лозим.

Чўлпон Мирёқубга таъриф бераркан, биринчи галда унинг ижтимоий қиёфасига, тўғрироғи, қиёфасизлигига эътиборни қаратади. Гап шундаки, Мирёқуб «факир одампанада» қабилида иш кўради: у амалдор эмас, шу билан бирга ўзи иш юритаётган ҳудудни бошқаришда қўли узун; у катта-катта олди-сотти ишларини амалга оширади, бунинг натижасини эса «худо биладио, худонинг севимли бандаси Мирёқуб билади!» холос. Кўрамизки, Мирёқуб тошпалла остига нозик аъзоларини яшириб ҳаракат қилувчи тошбақани эслатади. Айтиш керакки, тошпаллани у 15 йиллар илгари ўз ихтиёри билан елкасига олган. Мирёқуб шундай қилишга мажбур эди: эндинга қарор топа бошлаган капиталистик иқтисодий муносабатлар тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очгани ҳолда, мавжуд бюрократик тузум бунга муайян тўсиқларни қўйган. Айни шу вақтда у ҳукуматдорлар ҳимоясига муҳтоҷ бўлган ва керакли одамларни қўлга олишга интилган кўринади. Нойиб тўранинг эски қўллэзмаларга ўчлигини билиб (албатта, у сўраб суриштирган), шу орқали унинг кўнглини олади, натижада эса «совға-салом, тансиқ қўллэзма асарлар ва баъзан оз-кўп

<sup>2</sup> Бу ҳакда қаранг: Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник.- М., 1978.-С.411-412.

<sup>3</sup> Рус адабиётшунослигига «психологическая предыстория» истилоҳи қўлланади.

пул хусусида тўра Мирёқубга миннатдор бўлиб туради, амалдорнинг қўлидан келадиган баъзи бир хил ҳимоят ишлари тўғрисида Мирёқуб тўрага миннатдор бўлиб туради». Нойиб тўранинг «ҳимояти» шунда кўринадики, Мирёқубнинг «бирор жойга бирор чака солик тўлаганини, бирор бир қасбга бирор марта қизил қоғоз (патент) олганини ҳеч ким билмайди». Англашиладики, Мирёқуб катта миқдордаги солиқни тўлагандан ёки патент сотиб олгандан кўра озроқ миқдордаги нақдинани нойиб тўрага беришни афзал билади. Бу каби ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган муносабатлар уларни маҳкам боғлаганки, 10-15 йил мобайнида бундай ишларнинг кўп бўлгани ақлга тайин. Шунга ўхшаш, Акбаралининг мингбошиликка тайин этилиши ҳам мутлақо тасодиф эмас. Мирёқуб ўзи иш юритаётган ҳудудда ўз одами мингбоши бўлишидан манфаатдор. Қовун сайлидаги илк учрашувдаёқ у бўлғуси гумаштасининг заиф жиҳатларини нозик илғаган: кейинча бузокдай етаклаб, сигирдай соғса бўладиган одамлигини фаҳмлаган. Йўқса, элликбошиликни олиш учун бурунги мингбошига «яхши бир улоқчи отни бекорга олиб берган» Акбаралининг илк учрашувдан икки кун кейин жўнатган «икки арава қовун-тарвуз, икки замбар узум, икки чораккинақайроғи бўғдой» минбошиликни олиш учун кифоя бўлмасди. Айтмоқчимизки, Мирёқуб бу ўринда узоқни ўйлаган, арқонни узун ташлаган. Ҷўлпоннинг қаҳрамони ўтмишидаги айни шу тафсилотларга эътиборни қаратгани бежиз эмас. Мирёқуб илгари шу икки амалдор паноҳида, истаса-истамаса улар билан ҳисоблашиб иш юритишга мажбур эди. Кейинча, капиталистик муносабатларнинг кенг қулоч ёйиши баробарида тадбиркорлик учун имкониятлар ҳам кенгая боради, табиийки, Мирёқуб учун «валенеъматлар»нинг зарурати камайиб, йўқолиб боради. Яъни, тошпалла хавфсизликни таъминламаса-да, энди ҳаракат имкониятини чеклай бошлайди.

Маълумки, ташқи сабаблар (бу ерда тадбиркорлик учун шароит) шахснинг ички имкониятлари биан алоқадагина ҳаракатга келади ва натижа беради. Мирёқубда ўша имкониятлар ортиғи билан бор: у — уддабуро одам, замона зайнини, мавжуд шароитда қандай ҳаракат қилинса яхши натижа чиқишини тез илгай билади. Ёзувчи берган таърифда унинг чинакам буржуа ишбилармонига хос хусусиятлари бўртиб кўринади. Мирёқубдаги «керакли одам»лар билан муомала қила билиш, оз сарф билан кўп фойда олишга интилиш, бошлиётган ишининг охир-оқбатини хар жиҳатдан пухта ўйлаш каби сифатлар ҳақида юқорида юритган мулоҳазаларимиз тасаввур бера олади. Буларга қўшимча ўлароқ, Мирёқуб жуда сергайрат, жонсарак одам: «Мирёқуб аканинг юриши кўп! У, аксари, пиёда юради, юрганда ҳам негадир шошилиб юради. «Ассалому алайкум» деб дона-дона қилиб салом берсангиз, шошилганидан бўлса керак, «васс...» дебгна кўяди». Қаҳрамонга хос ҳаракат тарзини қайд қилиш билан адиб унинг ички хусусиятлари ҳақида тасаввуримизни кенгайтиради. Мирёқуб юрган йўлида иш ҳақида ўйлаб, ҳисоб-китоб, хомчўт қилиб юради — қилаётган иши унинг учун ҳаёти мазмунига айланган. Ишларини тезроқ битказиш учун шошса-да, унинг шошилиши шошқалоқлик эмас. Буни ретроспектив усулда чизилган лавҳа — Мирёқуб нойиб тўраникida меҳмонда эканида рус инженерининг кириб келиши билан

боғлиқ эпизодда кузатиш мумкин. Янги темир йўл қурилиши, йўлнинг қаерлардан ўтиши ҳақидаги сирдан огоҳ бўлиб қолган Мирёқуб зудлик билан ҳаракатга тушади: «Бир ойга етар-етмас, ўша келажак поезд йўли бўйларидан Мирёқуб жуда кўп — бир неча юз десятин ер сотиб олди. Ерларнинг ҳаммаси деярли сувсиз, нообод, ташландик ерлар эди. Шунча кўп ерга қанча оз пул кетди. Кўплар бу шошилиш савдони билмадилар, билганилар Мирёқубни «жинни бўлибди» дедилар...» Албатта, бу «шошилиш савдо» ҳакида Мирёқуб кўп ўйлаган. Зоро, кишини иккилантириб қўядиган гумонлар талайгина: эҳтимол, йўл қурлмай қолар? Эҳтимол, қурилиш кечикиб, сармояси ўлик капиталга айланиб (бу эса тадбиркор учун катта йўқотиш) қолар?.. Мирёқубнинг ўрнида бошқа одам бўлганида, балки, журъат қилолмас эди, лекин у — таваккал иш қила оладиган одам, бу эса савдо-тижорат ишларида жуда муҳим нарса. Шуниси ҳам борки, Мирёқубнинг таваккалчилиги ҳар жиҳатдан ўйланган, ҳисоб-китоб қилинган. Хавф йўқ эмас, лекин келиши мумкин бўлган фойда таваккалчилкни оқлайди, яъни, имконият вужудга келганда қўлдан чиқармаслик — тадбиркор одамнинг муҳим атрибути. Мирёқубда кўрилган тадбиркорга хос энг муҳим хусусият шуки, у сармоясини доимо ҳаракатда тутади, фойда келтирадиган ишга жалб қиласди: «Қишлоқда икита баққоллик, битта қассоблик дўкони, гузарда иккита самовар бор. Билган одамлар шу беш муассасадан тўрти Мирёқубнинг кучи билан айланганини сўзлайдилар. Шаҳарда, катта йўлнинг бўйига — қўрғон ташқарисига бир янги пахта заводи тушди, заводнинг каттакон бир пахта саройи ҳам борки, пахта терим вақтида уч тарози билан пахта олади. Ана ўша заводга ҳам Мирёқубни шерик дейдилар... Шаҳардаги катта банкалардан бирида «учёт қўмитаси»нинг аъзоси, ҳафтада бир мажлис ўтказади...» Кўрамизки, эндингина иш бошлаган пайтлари кичикроқ савдогар бўлган Мирёқуб эндиликда каттагина сармоядор, саноатчи бойга айланган. Чўлпон қаҳрамонининг яқин ўтмиши ҳақидаги муҳтасар маълумотида унинг ижтимоий мавқеи кучайганини бежиз таъкидлаб кўрсатган эмас. Бизнингча, адаб бунинг қаҳрамонидаги ижтимоий-маънавий тадрижнинг бош омили сифатида талқин қиласди. Бу ўринда муаллиф ҳақ, чунки: биринчидан, ижтимоий мавқеининг кучайиши баробари Мирёқубнинг ўзига берган баҳоси ҳам ортган. Бу баҳони ўзи учун тасдиқлаб олиш истаги, табиийки, ўзини бошқаларга қиёслашни, яқин доирасидаги кишилар ҳақида ўйлаш(бираутла баҳолаш билан)ни тақозо қиласди. Иккинчидан, табиатан серҳаракат одамнинг ишини янада кенгайтиришини, ҳаракатларда тамомила эркин бўлишни исташи, бунга эришиш йўлларини излай бошлаши ҳам табиий.

Қаҳрамон маънавий-рухий тадрижининг ижтимоий асосларини очиб бергач, Чўлпон уни бевосита хатти-ҳаракатда тасвирлашга ўтади. Психологик замин асосини ташкил қиласан ёзувчи таърифида Мирёқубнинг типик хусусиятлари кўрсатилган бўлса, энди унинг индивидуал-психик хусусиятларини очиш йўлидан борилади. Бу хусусиятларни илғаб олишда, қаҳрамон айтиётган гаплар моҳиятини тўғри англашда психологик замин ўзига хос калит бўлиб хизмат қиласди. Мирёқуб билан Акбарали муносабатларини олайлик. Мирёқуб Акбаралининг мингбошиликка тайинланишига бош қўшаркан, узоқни кўзлаганини айтиб ўтгандик. Табиийки, унинг Акбарали билан

муносабати кўзлаган мақсадига мувофиқ: «кўп умрини мингбошиникида ўтказган» Мирёкуб «отахони»нинг феъл атворини жуда яхши ўрганган, унинг «эти билан териси орасига» (А.Қаҳҳор) кириб олган. Нойиб тўрага ўз устидан тушган ариза ҳақида гапиравкан, «мингбошининг қовоғи солина бошлаган эди, кисик кўзларининг тез-тез юмилиб парпирагандай бўлганини Мирёкуб ҳам пайқади.

— Хўжайн,- деди,- хотиржам бўлиб, битта-битта гапириб беринг! Ҳеч бокиси йўқ». Кўрамизки, Мирёкуб мингбошининг феълидаги ўзгаришни дарҳол илғайди, кўнглини тинчтишишга шошилади. Бу ўринда гапнинг айтилиш оҳангига эътибор бериш лозим. Маълумки, ёзув оғзаки нутқнинг оҳанг жилоларини тўла акс эттиришга қодир эмас, боз устига бу камчиликни тўлдирувчи муаллиф шарҳи ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, бу гап хотиржамлик билан, қатъий ишонч оҳангига айтилганини тасаввур қила оламиз. Зеро, «Мирёкуб аралашган иш эпақага келишини», унинг ғоят уддабуролигини психологик заминдан биламиз. Бу каби гаплар (албатта, исбот-ижроси билан) мингбошида «ўзи учун Мирёкубдан бошқа чин кўнгилдан куядиган одам йўқ»лигига ишонч ҳосил қилган. Мингбошининг чексиз ишончи эса Мирёкубга унинг давлатини истаганича тасарруф қилиш, «ўлимига яқин Пошшахондан бошқа меросхўри қолмаслиги» ҳақидаги режаларини амалга ошириш учун керак. Англашиладики, Мирёкубнинг мингбошига муносабати тамомила ўзининг мақсадларига бўйсундирилган: «мингбошининг гапини бирданига қайтармаслиги», унга хуш келадиган гап қилишга, кўнглини овлашга ҳаракат қилиши — ҳаммаси шу билан изохланади. Шу боис ҳам Акбарали билан муносабатда Мирёкуб маълум роль ўйнашга, ўзининг чин муносабатини юзага чиқармасликка мажбур. Қаҳрамон руҳий ҳолатининг мураккаблиги шундаки, унда бир пайтнинг ўзида мақсаддан келиб чиқсан англашган психологик установка(«мингбошига яхши муомила қилишим керак!») ва сухбатдошига нисбатан антипатия мавжуд. Боз устига, субъектив (ўз ихтиёри билан) ҳосил қилинган психологик установка объектив(ўз ихтиёридан ташқари) юзага келган антипатияни босиб туриши керак. Бунга эришиш эса, табиийки, осон иш эмас. Мирёкуб қанча тиришмасин, ботиндаги зоҳирга йўл топаверади. Шу жиҳатдан унинг ариза бергучиларни жазолаш истагида ёнаётган Акбарали билан мулоқоти характерли:

«— Ёдгор эчки билан Умарали пучукнинг бир адабини бермасам, кўнглим тинчмайди. Бир иложини топ! Сенга айтаман!

— Хўп хўжайн! Шошманг, мен яна бир суриштирай.

— Суриштиришнинг нима кераги бор? Ўшалардан бошқа ким қиласди?

— Эҳтиёт шарт, хўжайн! Адаб бериш қочмайди... Масаланинг тагига етайлик, балки бошқа гаплар ҳам чиқиб қолар...

Мингбоши бу сўздан шубҳага тушди:

— Нима дединг! Бошқа гап ҳам чиқиб қолади, дедингми? Бу нима деганинг?

— Эҳтиёт шарт, дейман мен! Эҳтиёт! Яхшироқ суриштиrsак, яхшироқ биламиз-да, ахир! Сизнинг ишингиз бўлмасин, мен ўзим икки кунда тагига етиб сизга арз қиласман».

Қахрамон рухиятида кечәётган жараённи изчил кузатиш учун кўчирмага кенг ўрин бердик. Эътибор қилинса, Мирёқуб ўзига қўйган психологик установкага амал қилиб дарҳол «Хўп!» деяётгани кўринади. Лекин у қўп иш кўрган одам сифатида «ишининг тагига етгачгина» ҳаракат бошлиш кераклигини яхши билади, шу боис ҳам мулҳазаларини айтди. Мингбоши жаҳллангач, мулоҳазасини босиқлик билан (у ҳозирча антипатияни босиб турибди) тушунтириди. Шунда ҳам бўлмагач, ўзига эрк бердики, охирги гапида антипатия бор бўйини кўрсатади. Буни ифодаловчи стилистик унсурларга диққатни жалб қиласиз: мингбошининг «Нима дединг!» деганига жавобан силтаб «дедим мен» («Шуни ҳам тушунмайсанми, ҳафтафаҳм?! - Д.К.») дейилиши; икки қайталаб силталаш оҳангиде айтилган "эҳтиёт!" сўзи; «биламиз-да, ахир»да икки бора тушаётган юклама ва, ниҳоят, «Сизнинг ишингиз бўлмасин» («Фаҳмингиз етмаган ишга аралашманг!»-Д.К) дейилиши юқоридаги фикримиз фойдасига гувоҳлик беради. Келтирилган парчада муаллиф луқма-шарҳлари, гапиравчининг юз-кўз ифодаси, мимик-пантомимик ҳаракатлари кўрсатилмаганки, бу психологик заминнинг аҳамияти ҳақидаги гапларимизни яна бир карра тасдиқлади. Айтиш керакки, Мирёқуб нутқининг стилистик қурилиши кўп ўринларда ҳеч қандай шарҳга зарурат қолдирмайди. Шу жиҳатдан яна бир эпизодни кузатайлик. Газетадаги мақолага чора излаб бир фикрга келолмаётган Мирёқуб Акбаралининг сабрсизлигидан жаҳлланиб, зарда билан чидашни маслаҳат беради:

«Мингбоши иргиб ўрнидан турди.

— Тишимни-тишимга қўядиган хезлардан бўлсам, ма, ол, бу шопшалопларингни! - деди у баланд овоз билан.- Менга паспорт олиб бер, Макатуллога жўнайин!

— Ўтилинг, хўжайин! - деди Мирёқуб, унинг овози ҳам бироз қўтарила тушган эди. - **Ўшқириш билан, зарда билан** битадиган иш эмас бу. **Ўйлайлик, чора топайлик!**<sup>1</sup>. Бундаги бир хил маъноли сўзлар ва бирикмаларнинг икки ўринда икки қайтадан тақрор қилиниши Мирёқубнинг астойдил жаҳлланганидан дарак беради. Тўғри, у ўз олдига қўйилган психологик установка доирасидан чиққанича йўқ, лекин ўзини аранг босиб тургани ҳам аён. Шу боис ҳам у: «ўрнидан туриб айвонга борди, у ерда чойнак билан пиёла турган эди, совуқ чойни пиёлага тўлдириб қуйгач, бир шимиришда (бу ҳаракатда ҳам маълум зарда йўқ эмас - Д.К) тамом қилди. Сўнгра орқасига қайтаркан **одатдагдан қаттиқроқ** ва **тезроқ** сўзланди:

— Газетни шаҳарда кўрдим. Шундан бери чора ахтараман («Тушун, мен сенинг ташвишингда юрибман!» - Д.К). Ҳеч бир чора тополмаганим учун, ноchor-ноилож («Тушун, мазаҳлаганимдан ёки севинганимдан эмас!» - Д.К) кулгига зўр берган эдим...»

Мазкур парчада ёзувчи қахрамон рухиятида кечган психологик установка ва инсоний ғуур, қадр ҳисси ўртасидаги кураш жараёнини жонли тасвирлай олган. Аввалда баланд кела бошлаган ғуур ҳисси Мирёқубнинг ўрнидан туриб чой ичиши

<sup>1</sup> Бу ерда ва бундан кейин романдан олинган парчалардаги таъкидлар бизники.

давомида бирмунча совийди — мувозанат юзага келади. Шунинг учун ҳам у энди одатдагидан «қаттикроқ» (жаҳл — оғринган нафсоният маҳсули) ва «тезроқ» (хафаликнинг хаяжонга айланишидан) сўзлайди. Биз қавс ичидаги берган гаплар, фикримизча, қаҳрамоннинг уйидагини бир қадар ойдинлаштиради. Гап шундаки, сўнгги жумлалар сухбатдошнинг айни шу тарзда тушуниши учун мўлжалланган ва бу нарса жонли нутқ жараёнида мос интонация ҳисобга ифода қилинади. Мингбошининг бу гаплардан сўнг бироз жим қолиши, сўнг «Ишқилиб, бир иложини топмасанг бўлмайди», дея ялинганинамо гапириши шуни тушунганидан, дейиш мумкин.

Мирёқуб мингбошининг меросидан умидвор экан, унга Зебини олиб бериб меросхўр кўпайтиришдан не матлаб? Албатта, мантиқсиздай кўринган бу ҳол озмикўпми шубҳаларга олиб бориши мумкин. Бунга жавоб ҳам турлича бўлиши табиий: мингбошини ёш хотинга андармон қилиб қўйиб, ўзи билганини қилмоқчи бўлган; ўз нафсини ўйлаб олиб берган; мингбошини ўзидан янада миннатдор қилиш учун ва ҳоказо. Бу даъволарнинг ҳаммасига аксилдаъволар топиладики, биз «қўққисдан, ғайри-шурий тарзда ҳам киши ҳаёлига бир иш қилиш истаги келиб қолиш мумкинку!» деймиз-да, бу саволни очиқ қолдирариз. Меросхўр кўпайиши масаласига келсак, бу нарса Мирёқубни мутлақо ташвишга солмаган, қандай бўлмасин бир эпини қиласарди. Лекин романда бир эпизод борки, Мирёқуб эпақани ҳам анчагина шошириб, ўйлантириб қўяди. Биз мингбоши «ўша гиз менга насиб бўлса, ундан кейин хотин олишни бас қиласардим» деб қасам ичгудай бўлган ўринни назарда тутяпмиз. Мингбошининг феълини яхши билган Мирёқуб аввалига унинг гапларини жиддий қабул қилмайди, лекин:

«— Ишонмаганингни қара, бенамоз! Мен астойдил гапираётирман! Худо битта, сўз битта!

— Ҳўҳ-ҳў!.. Ҳали шу даражага бориб қолдингизми? Бўлган экан!

— Нимасини айтасан. У келса, учовидан ҳам кечмоқчиман. Учовига ҳам қарамай дейман... бор-йўғимни ўшанга берай дейман...»

Мингбошининг кейинги гаплари, кўзларидаги «аллақандай изтироб» Мирёқубни шошириб (агар мингбоши айтганидай бўлса, мерос ҳақидаги режалар пучга чиқади) қўйганки, у ҳайронлик ва шошганлигини яшиrolмай қолади. Бир қарашда унинг «хўҳ-ҳў» дегани мазаҳдай (романинг илк бор ўқишида шундай туюлиши табиий ҳам, чунки мерос ҳақидаги режалар кейинроқ ошкор қилинади) туюлади, аслида эса биринчи «хўҳ-ҳў»си ёқ никобланган ташвишдан ўзга эмас. Мирёқуб мингбош тақдим қилган жумбок устида тинимсиз бош қотиради. Унинг бу ҳолати ҳақида адиб: «Мирёқуб бутун умрида кўрилмаган бу ҳол қаршисида шошиб қолди. Яна бир неча марта бошини эгиб «хўҳ-ҳў, хўҳ-ҳў» дея такрор қилди. Орага жимлик чўқди. Фақат Мирёқубнинг чукур ўйга кетиб, торта-торта чой ичгани эшитилади», -деб ёzádi. Кўрамизки, ёзувчи ўйлов жараёнини билвосита — ташқи белгиларни қайд этиш орқали беради. Ўқувчи қаҳрамоннинг нима ҳақида ўйлаётганини билгани ҳолда, унинг бу чигални қандай ечишини тахмин қила олади, холос. Орага чўккан сукутни Мирёқубнинг ўзи бузади: «Ҳўҳ-ҳў! Отаси қурғур яқин келмайди-ку». «Ҳўҳ-ҳў»нинг

такрорланиши унинг қисқагина сухбат пайтида ҳам ўз ўйи (мерос масаласи) билан бандлигини англатади, гапнинг сўғига бурилиши эса (сўфининг қайсарлиги унинг учун аҳамиятсиз, йўлини топиб кўйган, шу боис ҳам сўфими мазахлаётгандай, «кўрамиз сўғилигингни» дегандай оҳангда гапиради) мингбошининг шубҳага бормаслиги, «менинг ташвишими қиласпти» деб ўйлаши учун керак. Чўлпон қахрамонининг нечоғли узок ўйга толганини кўрсатиш учунми, ёзди: «Шу чоққача зўр бериб алланарсаларни ўйламоқда бўлган Мирёқуб яна чўнтағидан соатини олиб қаради: Хўх-хў,- деди,- ўн иккига яқинлашиб қолибди». Гарчи ўйлов жараёни қанча двом қилганини билмасак-да(бошланиш вақти қайд қилинмаган), унинг ниҳоясида Мирёқуб маълум қарор бергани аён. Кетар вақтида мингбошининг «маслаҳат нима бўлди?» деган ташвишига жавобан у: «Хотиржам бўлинг, хўжайин!- деди. **Овозида жиддийлик, кескинлик ва ўзига ишонч тўлиб ётарди.**- Отасини кўндирамиз, қиз сизники бўлади. Мен ўзим бажараман бу ишни». Кўрамизки, Мирёқуб ўйлов жараёнида Зебини меросга яқинлаштирмасликнинг йўлини ҳам топди, ҳам мингбоши назарида «сўфини унатиш» йўлини ўйлаган бўлиб қолди.

Мирёқубнинг мингбоши билан мулоқотлари кузатилса, унинг «отахони»ни қфойил қолдиришга (масалан, Қумариқдаги «ишбузуқи»ларнинг кимлигини айтиб бериши, уларга «адаб бериш» учун кўрган тадбирини арз қилиши, мингбоши учун тайёрланган хос хонани «сюрприз» сифатида тақдим қилиши ва бошқалар.), қойиллигини оғзи билан иқрор қилдиришга уриниши кузатилади. Чўлпон қахрамон характерининг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратадики, бу нарса психологик заминдаёқ бўртиб кўринади. Мирёқуб ер сотиб олиш билан боғлиқ ишларини нойиб тўрага арз қилганида, нойиб тўра: «Сен худди бир америкаликка ўхшайсан, Мирёқуб! Лекин қўнглинга олма, чакки шу сартия ичиди туғилиб қолгансан!». - дея қойиллигини айтади. Ёзувчи қахрамонининг шу пайтдаги руҳий ҳолати ҳақида: «Мирёқуб кўнглиги оғир олиш тугул, бу гапга севинди балки, юзларига яна ўша енгил қизиллик югурди», - дея шарҳ беради. Нойибнинг «сартия ҳалқи» ҳақида менсимай гапиришига Мирёқуб тамомила бефарқ деб бўлмас (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз), лекин буни «менлик ҳисси»нинг қонганидан келган хурсандлик босиб кетади. Зоро, кимсан нойиб тўранинг ўзи уни «сартия» орасидан ажратиб, «ноёб одам»лигини эътироф қиласпти. Айни шундай ҳол Мирёқубнинг «машҳур нўмир» хўжайини билан сухбатида ҳам кузатилади. Хўжайин: «Завқингни синамоқчи эдим, жинни!- деди.- Ўзим билардимки, ўшани танлайсан!

Мирёқубнинг **«менлик ҳисси» қонган** эди. Кулди»(130). Фикримизча, Чўлпоннинг Мирёқуб характери даги айни шу жиҳатга қайта-қайта диққатни жалб этиши бежиз эмас. Қахрамоннинг қониқиши истаган (ва, айтиш керакки, қониқмаган) «менлик ҳисси» ҳуружларини унинг худбинлиги билангина изоҳласак, масалага жуда тор ёндошган бўлиб қоламиз. Бизнингча, қахрамондаги «менлик ҳисси»ни қондириш истаги ўзининг жамиятдаги ўрнини англашга интилишнинг стихияли бир зарраси, холос. Гап шундаки, Мирёқубнинг ижтимоий мақоми(статус) бундан бир неча йиллар илгари мавжуд ижтимоий муносабатлар томонидан белгиланган ва бирмунча ўзгарган

ижтимоий-иктисодий шароитда ҳам ўзгаришсиз қолаверган. Психолог олим Б.Г.Ананьев шахс мақомининг микромуҳит ва ундан катта ижтимоий доирадаги айрим кишилар мақомига мослиги, айримларига эса зидлиги инсоннинг бошқа одамлар билан бирлигини англашида, «биз» хиссининг шаклланишида мухимлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Мирёқуб яшаган мұхит Ақбарали мақомидаги кишилар билан чекланган, шу боис ҳам «биз» деёлмайды, ўзининг бошқа доира одами эканлигини ҳис қиласы. Айни пайтда, у нойиб түрани бошқа доира одами (моҳиятан эса Ақбаралию нойиб тўра бир доира кишилари) деб хисоблади, ўша доира томон интилади, лекин «чакки шу сартия орасида туғилган»и бунга халал беради. Мана шу ички зиддият стихияли тарзда ўз мақомини англаш эҳтиёжини туғдирадики, бу эҳтиёжни Мирёқуб эволюциясининг бош сабаби сифатида тушуниш лозим. Романинг X бобида Мирёқубдаги мазкур стихияли эҳтиёж англаш заруратга айланади. Ёзувчи қаҳрамонидаги мазкур сифат ўзгаришини бир-бирига боғлиқ уч йўналишда кўрсатади: 1) Ақбарали билан ўзини қиёслаш; 2) «мовий кўз дилбар»га муносабат; 3) нойиб тўранинг кимлигини, империянинг ботаётганини англаш.

Ақбаралини «машхур нўмир»га олиб келган Мирёқуб «ён биттанинг энг аълосини танлаб», «ички зийнатлари олдида мингбошининг хонаси ип эшолмайдиган» хос хонасига жўнатгач, ўзини «отахони» билан қиёслай бошлайди. Қаҳрамон ўйларини беришда Чўлпон психологияк ҳикоялаш<sup>2</sup> йўлидан боради: Мирёқуб психикасидаги жараён учинчи шахс — муаллиф тилидан берилади: «Ақбарали деган бир одамнинг ёнида ҳукумат мұхридан, зотида паст бир итлиқдан бошқа нарсаси йўқ. Мирёқубнинг каттакон мияси, ўткир ақли бор!» Табиийки, қаҳрамоннинг бу ўйлари уни тинимсиз таъқиб қилувчи қониқмаётган «менлик ҳиссии»ни қондириш истагидан туғилган. Шу билан бирга, Мирёқубнинг ўйлари ҳали ижтимоий маъно касб этмаган (хусусийдан умумийга ўтиш бошланганича йўқ), яъни, у мингбоши мансуб синф ва у хизмат қилаётган ҳукумат инқизориздан мутлоқо бехабар. Мирёқуб юрт учун ўзининг(шахсан) мингбошидан (шахсан) кўра фойдалироқ бўлишини анлагани ҳолда, бунинг синфий моҳиятига етган эмас: «Ақбарали деган одам мингбоши бўла туриб, арзимас хотинлар орасида итлик ролини ўйнаб ётади. Шу топда юрт куйса иши йўқ, парвойи фалагига! Мирёқуб деган киши **мингбоши ҳам эмас, савдогар ҳам эмас, дехқон ҳам эмас**, шундай **бир бекорчи** одам — ўн биттанинг энг аълосини танлаб қўйиб, ўзи мингбошиликнинг ишлари, яъни, юрт қайғуси билан пиёда ҳаллослаб нойиб тўраникига кетиб боради». Мазкур кўчирмадаги иккита нуқтага дикқатни жалб этамиз: 1) Мирёқуб ўзининг кимлигини — «савдогар эмас, дехқон эмас, амалдор эмас» — яъни, жтимоий мақомини англамаган; 2) Нойиб тўранинг ҳукуматдорлиги ниҳояланиб қолганини тушунмаган, шу боис ҳам «юрт қайғуси»да унинг олдига кетиб боради.

<sup>1</sup>Ананьев Б.Г.Избранные психологические труды. В 2-х томах. Т.І.-М.,1980.-С.134.

<sup>2</sup>Есин А.Б.Психологизм русской классической литературы. М.,1988.- С.42

Тахлилда Чўлпон изидан боришни мақбул санаганимиз учун романдаги тартиб бўйича борамиз, зеро, шундагина қаҳрамоннинг «қалб диалектикаси»ни равшанроқ кузатишимиз мумкин бўлади. Адиб ўқувчи диққатини энди Мирёқуб дилда пайдо бўлган «чин севги»га қаратади. Маълумки, фоҳишани ботқоқдан тортиб олиб нормал ҳаётга қайтариш билан боғлиқ сюжет адабиётда кенг ишланган. Л.Толстойнинг «Тирилиш», А.Куприннинг «Чоҳ» («Яма») асарлари шулар жумласидандир. Шуниси ҳам борки, эслатилган асарларнинг биринчисида айбдорлик ҳисси қаҳрамонни бу ишга ундаса, иккинчисида қаҳрамоннинг гуманистик қарашларидан келиб чиқиб бу ишга қўл ургани кузатилади. Мирёқуб образи талқинида эса Чўлпон ўзгачароқ йўл танлаган. Ўн битта аёл орасидан черти-чертеб Марямни танлаб оларкан, Мирёқуб одатдаги мақсад — ишрат қилишни кўзлаган. Кейинроқ, номер хўжайини билан сухбатда Марямни Қримга бирга олиб кетишни дилига туккан бўлса-да, моҳият ўзгаришсиз қолади, зеро, бу ҳам сиздан угина, биздан бугина қабилидаги иш эди. Аёлни хос хонасига юборишларини тайинлаб кетган Мирёқуб қайтиб келиб хонасига кирганда «ёш жувон кийимларини ечган, картда ухлаб ётарди. Боши ёстиқдан тушган, соchlари тарқалган...» Кўрамизки, ҳамма нарса Мирёқуб талабича бўлган, шундай бўлса-да, у қайтиб чиқади. Қаҳрамон дилида нелар кечгани, нима учун қайтиб чиққани айтилмайди-да, унинг номер хўжайини билан мулоқоти берилади:

«— Бориб уйғот, дўстим. Туриб, ювиниб кийимларини кийсин. Мен билан тўппа-тўғри картда учрашмоқчи эмасман...

— Сенга нима бўлди, Мирёқуб?- деди хўжайин, кулди.

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менинг одатим шу... Мен ошначиликни картдан бошламайман...»

Номер хўжайни доимий чўпқатидаги ўзгаришни пайқаганки, ҳайрон бўлиб кулади. Мирёқубнинг бироз кескинроқ (фош бўлганига аччиқланган мисоли), ўзини оқлаётгандай гапириши вужудида ақл ва ҳис кураши бошланганидан дарак беради. Марям биан илк учрашувда бу кураш яққолроқ бўй кўрсатади. Чўлпон, бир таърифдан, қаҳрамонининг «қўл қисишлари оловсиз ва ҳароратсиз» эканини айтса, иккинчи томондан, Марям унинг кўзларида «оддий харидолик доирасидан четкароқ чиқадиган аломатларни мушоҳада этгани»ни ёзади. Қаҳрамон руҳиятидаги жараёнлар билвосита тасвирланса-да, ўқувчи буни ёрқин тасаввур қилиш имконига эга. Марямни биринчи кўришдаёқ Мирёқубда унга нисбатан симпатия ҳосил бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики, у «ҳали боя кўмир эгасининг уйида берган қарорини кувватлаш учун хотиннинг мовий кўзларидан қувватли далиллар топади». Кувватли далилларни у «ҳавонинг табиий ёруғида бир-икки минут тикилишганидаёқ» топади. Сезиладики, қаҳрамон учрашувга ўз олдига психологик установка («у — яхши аёл!»- Д.К) қўйган холда келган ва ўша илк таассуротни тўлатиш ҳам тасдиқлаш учун далил излаган. Чўлпоннинг чинакам реалист санъаткорга хос маҳорати шундаки, у Мирёқуб Марямни бир кўришдаёқ севиб қолди, демайди. Бу ўринда ёзувчи қаҳрамоннинг характер мантиқидан келиб чиқади: биринчидан, «машхур нўмири»га ўз файтонида эмас, кира қилиб келадиган одамнинг бунга ботиниши қийин — гап-сўздан чўчийди;

иккинчидан, Мирёқуб ишқдан калласини йўқотиб қўядиган йигитча эмас, балки ҳар қадамини ўйлаб босадиган тажрибали одам. Ёзувчи фақат Мирёқуб бу аёлга «бошқа шу хил аёлларга қарагандай қараёлмаслигини тушуна бошлагани»ни ёзади. Муҳими эса, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари шунга мос: «Хотиннинг ёқимли жаранглаб чиқадиган қувноқ овози Мирёқубнинг танларига игнадай ботар, лекин ниҳоят даражада кайфини келтиради», - шунчаликда-да у ўзидаги «итлик» феълларини жиловлади. Илк учрашувда ақл ҳисдан ғолиб келади, шу боис ҳам Мирёқуб «бу жононни бир-икки ой ўйнатиб келиш учун Кримга олиб кетиш» ва «Кримдан сўнг қўлига икки минг сўм бериш»га қарор қиласди. Айни пайтда ақл узил-кесил ғолиб келолмагани ҳам аён, чунки у ҳолда Мирёқуб Марям билан алоқани буткул узар эди.

Мирёқуб руҳиятида кечачётган қураш Марямнинг ёнидан чиқиб нойиб тўранинг уйига кетаётганида янада кескин тус олади, нафс ва виждан қурашига айланиб боради. Ўзи билан ўзи қолган қаҳрамон қилаётган ишларини, ўзи тушиб қолган аҳволни таҳлил қилишга уринади. Мазкур эпизодда Чўлпон қаҳрамонини иккига ажратиб юборади: улардан бири Мирёқубни оқласа, иккинчиси қоралайди. Ёзувчи ўзбек реалистик насрода илк бор кўлланашётган бу усулдан қаҳрамони руҳиятида бошланган сифат жиҳатидан янги — ўз-ўзини таҳлил қилиш жараёнини кўрсатишида унумли фойдаланади. Шу ўрнинда Чўлпон Л.Толстойнинг «Тирилиш» романидан ижодий таъсиранганини қайд этиб ўтиш лозм. Толстой қаҳрамони ҳақида: «В Нехлюдове, как и во всех людах, было два человека. Один – духовный, ищущий блага себе только такого, которое было бы благо и других людей, и другой – животный человек, ищущий блага только себе и для этого блага готовый пожертвовать благом всего мира<sup>1</sup>», -деб ёзгани каби, Мирёқуб дилида ҳам «итлик» ва «инсонийлик» қураши кечади. Толстой таъсири масаласига ўрни билан яна тўхталамиз, ҳозир эса мавзуга кайтсак:

Мирёқубнинг ўз-ўзини таҳлил қилиш жараёни яна ўзини Акбарали билан қиёслашдан бошланади. Айтиш керақ, ўзини мингбоши билан қиёслаш Мирёқуб учун янгилик эмас. Бироқ авваллари қиёс унинг учун қониқмаган «менлик ҳисси»ни кондириш, ўзини овутиш («ҳар ҳолда фалончидан дурустман-ку!») воситаси бўлган холос. Оғриқ қолидиравчи воситалар мунтазам ишлатилса таъсири йўқолганидек, Мирёқуб вужудида мудраган виждан ҳам охир бош кўтаради: «Бу ҳам (Мирёқуб - Д.К) Акбаралига ўхшаган мингларча итларнинг бири! Фақат бу билан Акбарали мингбоши ўртасидаги фарқ шуки, бу ўзини ундан юқори олади. Шу юқорилик ҳисси, шу ғуур – унинг ўзини алдайди». Сезиладики, Мирёқуб энди ўзини мингбошига қиёслаш ҳисобига овунолмай қолган. Кишининг ўзи тўғрисидаги ҳақиқатни тан олиши осон иш эмас, бунинг учун нафсни ўлдириш лозим. Мирёқубнинг вужудида энди оғринган нафс қўзгалиб, юқоридаги гапни инкор қилишга шошилади: «Мирёқубда итлик йўқ!.. Бўлса ҳам бу тобда хеч нарса қолмади... Ҳаммасини ана у мовий кўзли гўзалнинг билинмас кучи юлиб ташлади!...». Қаҳрамон вужудидаги нафсу виждан қурашидан

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. Воскресение. М., «Художественная литература», 1984. С.53.

кўринадики, у ўзида ҳам Акбаралидаги «итлик»дан йўқ эмаслигини чор-ночор тан олади, бундан қийналади. Уйғонган виждон қийноғи Мирёқубнинг маънан қайта тирилишига умид туғдиради. Севгининг поклочи кучига ишонган адаб уни қаҳрамонининг маънавий руҳий шаклланишидаги асосий омиллардан бири сифатида талқин қиласи. Мирёқуб «мовий кўз гўзал» домига тушиб бораётганини англагани сари ҳисларига ақл жиловини солишга интилади: «Нима беҳудагарчилик бу? Машхур бир номирда маълум касб билан шуғулланадиган бир хотинга йўлиқди» (139). Қаҳрамоннинг бу гапларида ўзини тергаш оҳангি кучли эканини сезиш қийин эмас. Мирёқубнинг вужудида «итлик» бош кўтара бошлайдики, бу нарса унинг номер зинасида ўтирганча сурган ўйларига тасъир қиласи: «Ҳар қанча танноз бўлса ҳам — яна ўша жойнинг ўшанаقا хотини. Бунинг уйига нега кирди? Нега киргани маълум. Бу келганда ечинган куйи мунинг картида ётиши нега кирганини кўрсатиб туради. Очик кўз билан қараганда нима қилиш керак? Белгили...» Кўринадики, бу каби ўйлар қаҳрамонни энди маълум харакатга ундамоқда, лекин мазкур даъволар ҳисни енгиш учун ҳали камлик қиласи. Мирёқуб ўйида давом этадики, бунда энди ақл устивор: «Шу замонда «Мажнун» бўламан деганларни ўлганларидан сўнг түғ кўтариб мозор қилмайдилар, «жинни эди, ўлиб қолибди» дейдилар ва бир кулиб кўйиб ўтаверадилар...» Шу каби ўйлар ниҳоясида ҳис бироз чекингандай бўлади, Мирёқуб ўзи англамаган ҳолда (бу ҳам қаҳрамон руҳий ҳолатининг ўта мураккаблигдан далолатдир) юқорига — Марямнинг ёнига чиқа бошлайди. Мазкур ўринда адаб қаҳрамонининг «ўз хонасига яқин етгач, деразадан юпқа тўр орқали айвонга тушиб турган мулойим шуълани кўргандан кейин негадир юраги ўйнаб, қадам босишлари сусайгани»ни ёзади. Қаҳрамонни руҳий ҳолатини жуда яхши ҳис қилган Чўлпон «мулойим шуъла» унинг хаёлида ассоциатив равишда Марямни, илк учрашувни жонлантирганини, шу боис ҳам «юраги ўйнаб, қадам босишлари сусайгани»ни нозик идрок қиласи. Бундан ташқари, «ёш хотиннинг ширалик овоз билан оҳистагина (яна мулойимликка уйқаш сифатлар – Д.К) айтиётган ашула»сини эшитган Мирёқуб «эшик қабзасига қўл узатолмай» қолади. Англаш мумкинки, қаҳрамон дилининг бир бурчига чекинган ҳис «мулойим шуъла», «оҳистагина айтилаётган ашула»дан рух олиб бор бўйини кўрсатадики, «итлик» хаёллари тамомила ортга тисарилиб кетади. «Бу қандай овоз? «Итлик» асари борми шу овозда? Шу овоз билан каравотга чақириб бўладими? Ўхшамайди-ку сира!..» Мирёқуб энди аввалги ўйларини бир «босирқаш», шайтон кутқуси деб ҳисоблайди: «Кет, шайтони малъун! Мен Акбарали эмасман! Менинг кумуш камарим, подшоҳлик муҳирим йўқ! Мен — Мирёқубман, Мирёқуб!..» Сезиладики, Мирёқуб энди Акбаралига ўхшашни сира истамайди ва, муҳими, бу нарса аввалгидай оғринган нафс ҳайқириғигина эмас. Гап шундаки, Марямнинг тушиб колган муҳити одами эмаслигини анлаган («Ўхшамайди-ку сира!») Мирёқуб ўзининг ҳам ботаётган ботқоғига муносиб эмаслигини тушуниш даражасига келди. Шу боис ҳам «Умрингда бир марта, салгина, пичагина, қиттаккина итликни ташлаш, одам бўлиш фурсати топилибди-ю, шунда ҳам мағрур бўйнингни эгинг келмайдими?» - дея ўзига таъна қиласи. Бир қарашда мазкур севги воқеалари «Тирилиш»га ошкора

тақлиддек, Мирёқубнинг биронта иболи аёлга кўнгил қўйиши миллий характер мантиғига, ҳаёт хақиқатига мосроқдай. Лекин асар сюжетида Марямнинг (айни шундай фоҳишанинг) пайдо бўлиши бежиз эмас. Айтмоқчимизки, Мирёқубнинг Марямга муносабатидаги чигалликлар унинг ўзига муносабатидаги мураккабликларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Демак, Чўлпон кўр-кўронга тақлид йўлидан бормайди, балки адабиётда кенг ишланган бу сюжетдан бадиий ниятини амалга оширишда ижодий фойдаланади.

Нойиб тўра билан сухбатда Мирёқубнинг сиёсий сўқирлиги яққол намоён бўлади. Нойиб уруш майдонларида мағлубиятлар ҳақида гапирганида, у «Оқподшо қаердалар? Бир чора кўрмайдиларми?» дея ҳайрон бўладики, оқподшонинг қудратига бешак ишонишини англаш қийин эмас. Сухбатдошининг гапларида оқподшога ишончсизлик оҳанглари сезилганида, Мирёқубнинг «Унақа деманг, тўра... Биз, сартия ҳалқи, худодан кейин оқподшога ишонамиз», дея эътиroz қилиши ҳам шундан. Чўлпон қаҳрамонининг айни пайтдаги руҳий ҳолати ҳақида: «Мирёқуб нима дейшини билмай қолди. Бунақа сиёсатларда сира аралашмаган бу тўғрида шу чоққача ҳеч бир бош қотирмаган киши бундай катта сиёсий масалалар олдида бирданига шошмасдан иложи ҳам йўқ эди. Куруқ бўлмасин деб гапга аралашиб» турди. Мирёқуб амалий ҳаракат қилиб ўрганган одам, «чорасиз дард йўқ»лигига, ҳар қандай чигалликни ечиш мумкинлигига (ўзи ҳаракат қилиб юрган доирада бунга ишониб қолган) қаттиқ ишонади. Шу боис ҳам сухбатдоши унга «Германиянинг қўли нега баланд келаётгани»ни зўр бериб тушунтиаркан, «куруқ бўлмасин» деб гапга аралашиб тургани ҳолда чора ҳақида ўйлади. Нойиб тўранинг гапида озгинагина пауза бўлиши билан «Чора нима бўлади тўра?» деб сўраши ҳам шундан. Сухбатдоши чорани айтмай, гапни айлантирганида, унинг «Чорани айтмадингиз, тўра?» дея луқма ташлаши шу биргина ўй билан бандлигидан далолат беради. Нойиб «чорани инқилобиён деган тоифа кўрсатиши»ни ва қандай кўрсатишини айтганида: «Мирёқуб хохолаб кулди.

-Номаъқул отнинг тезагини епти ўшалар! Саводи йўқ, оми бир ялангоёқ келсину юртни сўрасин эмиш... Бойлардан ерни тортиб олиб камбағал экар эмиш... Камбағал шунча сўкиб урушсангиз ҳам ерингизга бундай бир ҳафсала қилиб ишламайди-ю... хўжайн бўлмаса ишлар эканми?» Албатта, Мирёқуб бу гапларни ўз (ва англанмаган тарзда ўзи мансуб синф) манфаатларидан келиб чиқиб айтяпти. Бу фикрларга қўшилмаслик мумкин, лекин рационал мағзини тан олмаслик ҳам душвор. Зоро, «ҳар бир ошпаз хотиннинг давлатни бошқара олишига» эришилгани, ҳаммани зўраки тенглаштириб, одамлар онгидан хўжайинлик ҳиссини сиқиб чиқарилгани учун ҳам шўро мамалакати нечоғли кулфатларни бошдан кечириб иқтисодий танглик ҳолига келгани ҳозирда сир эмас. Мирёқуб фикрида давом қилиб: «Ўша урушни тўхтатсин дегани дуруст... Уруш чиққандан бери юрт қимматчилик бўлиб кетди. Ўзига яраша давлати, савдо-сотиги бор одамларни жин ҳам ургани йўқку-я... қайта молларининг нархи ошиб, бири беш бўлди. Аммо, шу қимматчилик бўлгандан бери одамларнинг кўзига қарасангиз, қўрқиб кетасиз, тўра» - дейди. Кўрамизки, унинг дилига ҳам озми-кўпми қўркув, молию-жонининг ташвиши оралаган. Шу билан бирга,

нойиб тўрани астойдил таҳликага солган бу факт Мирёқубни унчалик ташвишга солган эмас. Сабабки, у ўзининг ҳимоячиси бўлмиш оқподшонинг қудратига, «қозоқ ўрис»нинг кучига бешак ишонади. Мирёқубнинг «инқилобиён тоифаси» ҳақида менсимагандай, масхара килиб гапириши ҳам шундан. Мана шу кўр-кўрони ишонч ундан ҳақиқий ахволни тўсиб туради. Шу боис ҳам нойиб тўра империянинг ҳолакатга кетаётганини айтганида, уни бу гап замиридаги ҳақиқат эмас, «империя»нинг ўзи нима экани кўпроқ қизиқтиради. Шу ишонч туфайли Мирёқуб сухбатдошининг «бу қадар зўр масалаларни ҳеч ўйлаб ўтирамасдан, оғзининг ели билан чиқаришини», табиийки, ваҳимага тушиб қолганини ҳам ичкилик таъсирига йўяди. Ёзувчи ўртада кечган сухбатнинг ҳар иккисига айрича таъсирини кўрсата олган:

« ...тўра оғир бир нафас олгандан кейин:

— Менга қара, Мирёқуб,- деди,- қўй энди бу гапларни!

— Ха қўйинг, тўра, одамни хафа қиласидиган гапларни гапирмайлик. «Эртанинг ғамини эшак ейди». Эртага худо пошшо эгам...» Кўринадики, мезбонни руҳий тушкунликка солган, кўпчиликнинг, жумладан, ўзининг тақдирига бевосита алоқадор гаплар моҳиятини меҳмон англамайди. Аслида-ку, Мирёқуб бугуннигина ўйлайдиган одам эмас, лекин англамаганидан мезбоннинг гапларини жиддий қабул қилмади. Унинг назаридаги булар «одамни хафа қиласидиган» гаплар, холос, шу боис ҳам мавзунинг ўзгарганига у ҳурсанд. Мирёқубнинг сухбатни ҳазил-мутойиба йўсинига буриши ҳам бежиз эмас: у сухбатдошининг хафалигини тарқатмоқчи бўлади, ўзича. Сухбат ниҳоясида Мирёқуб хотиржам бўлиши учун яна асос топгандай бўлади: нойиб тўра қўзғолон кўтарган оломонни бостириш учун «ёнига аскар олиб чиқиб кетаётгани»ни ва «ҳар бир мингбошига яна еттитадан йигит бериш масаласи» кўтарилигини айтади. Нойиб тўранинг гапларини Мирёқуб кўпроқ ичкилик таъсирига йўйган бўлса, ошпаз Зуннуннинг гаплари унинг фикрини ўзгартиради: «Бизнинг тўра ҳам жуда хафа. Хоним бўлсалар тез-тез «Русияга кўчиб кетсанмикан?» деб қўяди. «Сен ҳам кетасанми?» деб сўрайди. Улар дунёнинг ҳамма ҳолу ахволини билиб турадиган одамлар, бир нарани сезишгандир-да, мен бу ерда ҳар хил ўруслар билан гаплашаман. Ўйлаб кўрсангиз, ҳаммасининг гапи бир: «Бир бало бўладиганга ўхшайди».

Мирёқуб бошини кўтарди.

— Ўруслар шунаقا дейдими? Қани гапир, яна нима дейишади?» Мирёқубнинг саволлари унинг кўнглидаги безовталик тўйқус қучайгинидан дарак беради. Энди у нойиб тўранинг бояги гапларини ҳам ўзгача идрок қиласиди: «Тўра менга кўп нараларни айтди. Бир-биридан ваҳималик... Унинг гапларини эшишиб, мен ўзимга «замона охир бўпти. Қиёмат яқин шекилли»дедим...» Кўрамизки, нойиб тўранинг ваҳимаси сухбат чоғида ўринсиздай, ортиқчадай кўринган бўлса, энди маълум маънода унинг ўзига ҳам кўчади. Зуннун билан сухбат қаҳрамон эволюцияда кескин бурилиш ясади. Зеро айни шу ўринда Мирёқуб ўзи ишонган оқподшо амалдорларининг ваҳимага тушиб қолганларини тушуниб етади ва, муҳими, уларнинг асл қиёфасини кўради. Мирёқуб Акбаралининг барча сирларидан воқиф бўлгани учун ҳам уни ҳақир кўрган бўлса, нойиб тўра унинг наздида нуфузли амалдор, ўқимишли, ақлли одам сифатида ҳурмат

қозонганд. Унинг учун нойиб тўрадан мақтov эшигиш, у билан яқин муносабатда бўлишлик бир обрў, кўнглини тўлатадиган омил бўлиб келган. Буларнинг бари нойибининг Мирёқуб билан муносабатда зарур «дистанция»ни сақлай билганинидан, унинг учун алоҳида ролни ўйнай билганидан. Энди, нойиб тўранинг асл киёфаси очилгач, Мирёқуб шошиб қолади. Қаҳрамоннинг бу пайтдаги руҳий ҳолатини Чўлпон унинг Зуннун билан мулоқоти орқали моҳирона очиб беради. Зуннун уйланишига асосий моне хоним эканини айтганида: «Мирёқубнинг **кўзлари олайди**. Яна сухбатдошига томон бурилди:

- Нималар деяётирсан?
- Хоним бўлмасалар эрта қачон уйланиб олардим, aka!
- Оббо худо урди!- деди Мирёқуб, **ирғиб ўрнидан турди. Бошини чайқади**, иккала қўлини Зуннуннинг елкасига қўйди.
- Нима бало, сенга кўнгли тушиб қолганми?»

Эътибор қилинса, зийрак Мирёқуб гапнинг шайини қай томон кетаётганини дарҳол фаҳмлагани, лекин ишонгиси келмаётгани («Нималар деяётирсан?») — «Ўйлаб гапиряпсанми? Наҳотки?...-Д.Қ.), ишонолмаётгани сезилади. Сухбатдоши очиброк гапирганида «ирғиб ўрнидан туриши», «бошини чайқаб» силтагандай «иккала қўлини Зуннуннинг елкасига қўйиши» тахмини тўғри келаётганидан лоллигини англатади. Мантиқан кейинги савол «Нима бало бор ўртангизда?» (бу савол кейинроқ берилади) шаклида берилиши лозим эди, лекин у ҳамон ишонолмаётганидан яхшилик томонгароқ бурмоқчи бўлади: «Нима бало, сенга **кўнгли тушиб қолганми?**» Кейин мавжуд аҳволни ўз кўзи билан кўргани Мирёқубга шунчалар таъсир қиласиди, ўйидаги беихтиёр тилига қўчади: «Империяси тағин ҳам ботмасинми? Неча минг, неча лак фуқаронинг жони шуларнинг қўлида. Буларнинг жони эса мана шунаقا манжалакилар қўлида экан!..»

Мирёқуб сиёсатдан йироқ одам сифатида нойиб тўранинг абстраклашган (яъни, Мирёқуб учун мавҳум фактлар асосидаги) фикрларини тушунмаган бўлса, энди ўзи шахсан кўрган-билган конкрет хусусий фактларни умумлаштириб, худди ўша хуносаларга келади. Шу жиҳатдан номерга қайтаётган Мирёқубнинг ўйлари характерли: «Империя нима десам оқподшони, ўзини, погонини ўрсатди. Оқподшонинг нималигини ўзи айтиб берди, ўзининг кимлигини ўзим биламан, бугун яна ҳам очиқроқ билдим, эртага жуда равшан билсам керак... Энди елкасидаги погони қолди. У бир латта... «Эшагига яраша тушови» деган гап бор. Эгасига яраша погони... Демак, империя ботишга боради» Қаҳрамон руҳиятида кечаётган жараёнлар шиддати, миясининг зўриқиши шунчаларки, у овоз чиқариб («ўз-ўзига сўзланиб») ўйлади. Мазкур ўринда адаб монолог ва ички монолог хусусиятларини бирлаштириб юборадики, бу нарса қаҳрамон ўйларининг ўзига хослиги билан изоҳланиши мумкин. Унинг гапларида, бир томондан, пишиб етилган хукм (юкоридаги парча) сифатлари кўрилса, иккинчи томондан, бевосита ўйлов жараёни (ички монолог-мулоҳаза) кузатилади. Нойиб тўрадан фарқ қиласоқ, Мирёқуб тушқунликка тушмайди: «Биз нима бўламиз? Фуқаро нима бўлади? Бизнинг топган-тутганларимиз, орттирган

давлатимиз нима бўлади?» қабилидаги ўйлар уни чора излашга, чигалликни ечишга ундейди. Шу боис ҳам у: «Империяси чирибди... Менинг миямда шу бугун ғалати фикрлар қўзғалди. Нималигини ўзим ҳам билмайман... Илгари ҳеч бунақа гаплар йўқ эди», -дейди, «аллакимлардан алланарсаларни» сўраб билмоқчи бўлади. Кўрамизки, қаҳрамонда стихияли тарзда пайдо бўлган ўзининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий мақомини англаш истаги энди англанган заруратга айланади.

«Империя» ҳақидаги ўйлар Мирёқубни то Марямнинг ёнига келгунча таъқиб килади. Ёш жувондаги ажиб сокинликни кўргачгина унинг рухи ҳам таскин топгандай бўлади. Чўлпоннинг санъаткор-руҳшунос сифатидаги маҳорати шундаки, у Марямнинг ўзини тутишларини, хатти-ҳаракатларини чизаркан унга Мирёқуб назари билан қарайди: «Бу дафъа Мирёқуб худди ўзининг неча йиллик синоқта хотинини кўргандай бўлди. Бу хотин гўё неча йилдан бери ҳар куни шу равишда буни кутиб умр ўтказган... Империя эсидан чиқди. Хотин китобини битиргунча, эҳтиёт билан эснаб олди-да, сўнгра бу ишидан ўзи уялди, шекилли, юзини қўли билан тўсиб кулди. Юмшоққина қулди... Бетларига қизил қон оқинлари юргурган эди. Мирёқуб ҳам қулди ва секингина ўриндан турди.

-Хўп, ётиб ухла, бўлмаса...» Марямнинг Мирёқуб йўқлигига бўлган ишларни «ўзи ҳоҳламагандай, бўлиб-бўлиб» гапириб беришлари, «эртага шу ердан кетармиканмиз?» дея ёлворгудай бўлишлари — бари унинг назарида аёлнинг ўзи тушиб қолган муҳити одами эмаслигини кўрсатувчи «қувватли далил»лар эканлиги аён. Шундай далилларни топгани учун ҳам Мирёқуб «кўнгли очилган, алланечик енгиллаган, кўзлари, юзлари, бутун борлиги билан кулгани ҳолда» чиқиб кетади, ташвишларини унутади. Шу ўринда яна «Тирилиш» билан муқояса қилиш жоизки, ундан ижодий таъсирланиш Мирёқуб-Марям муносабатлари талқинида анча сезиларлидир. Мирёқуб каби Нехлюдов ҳам Катюша Маслова билан учрашувларида унинг юз-кўзларидан ўзига керакли белгиларни қидиради, топганида қувониб, тополмаганида эзилади. Фикримиз асоссиз бўлмалиги учун қуидаги парчани келтириб ўтамиш:

«— Ну, а насчет больницы,- вдруг сказала она, взглянув на него косым взглядом,- если вы хотите, я пойду и вина тоже не буду пить...

Нехлюдов молча посмотрел ей в глаза. Глаза ее улыбались.

— Это очень хорошо,- только мог сказать он и простился с нею.

«Да, да, **она совсем другой человек** (таъкид бизники-Д.К.)»- думал Нехлюдов, испытывая после прежних сомнений совершенно новое, никогда не испытанное им чувство уверенности в непобедимости любви<sup>1</sup>. Кўрамизки, иккала санъаткор ҳам севгини буюк куч деб билган, шунинг учун ҳам ҳар икки қаҳрамоннинг маънан «қайта тирилиш»ида у катта ўрин тутади. Нехлюдов Катюшанинг қисматида ўзини айбор санагани учун уни ботқоқдан тортиб олишни мақсад қилган бўлса, Мирёқуб Марямни ҳеч бир мақсадсиз севиб қолган ва шу севгисини тан олиши баробари покланиб

<sup>1</sup> Толстой Л.Н.Воскресение. М., 1984. С.196

боради. Мирёқуб ўзидаги «итлик» феълларидан ҳали тамом фориг бўлмаган бўлса-да, Марям олдида ўзини тияди, сабаки, кўнглининг бир четида уни ўзидан покрок деб билади. Унинг, нойиб тўра хотинига меҳмон бўлгач, эрталаб виждон-терговчи олдида берган сўроғида бу нарса равшан кўринади. Шу чокқача эплаб келган ишини Мирёқуб терговчининг — ЎЗИНИНГ олдида уддалолмай қолади, ўзини алдашга энди қурби етмайди, тан олади: «Мирёқубдан жирканаман...» Қахрамон руҳиятида кечаётган жараён шартли равишда «терговчи» ва «Мирёқуб»га бўлиб юборилган бўлса-да, биз буни яхлит бир жараён —маънавий-руҳий эволюциянинг тадрижий давоми сифатида тушунишимиз лозим. Зеро, шундагина биз Мирёқубнинг, бир томондан, ўзига нисбатан ўта шафқатсиз бўла олишини, иккинчи томондан, ЎЗИНИНГ ўзи ҳақидаги ҳукмларини кўтаролмасдан ҳимояланишга уринишини бир инсонга хос зиддият сифатида қабул қилишимиз мумкин бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, Чўлпон қахрамонида кечаётган руҳий жараённи тасвирларкан унга нисбатан тутган маънавий позициясини ҳам бериб кетади. Қахрамон онгида уйғонган «терговчи»нинг «биз» номидан гапириши ҳам бежиз эмас. Виждон-терговчи аввалига Мирёқубни умуминсоний қадриятлар, инсонийлик нуқтаи назаридан тафтиш қиласди. Терговчи Мирёқубнинг мингбошига хиёнатини кескин қоралайди, бу ишни нонқўрликка тенглайди. Мирёқуб «мени йўлдан урган у (Пошшахон - Д.Қ.) ўзи бўлди» дея ўзини оқламоқчи бўлганида, терговчи уни «Пошшахонни ўша номашрӯ муносабат йўлидан тўхтатиб қолиш, унга мингбошидан чиқиб, бошқа — ўзи тенг бир эрга тегиб роҳат яшов имконини бериш» кўлдиан келгани ҳолда шу ишни қилмаганликда айблайди. Эътибор берилса, Мирёқуб инсонийлик нуқтаи назаридан тафтиш қилинганида (аникроғи, ўз-ўзини тафтиш қилганида) шошиб қолгани, ўзини чинакамига гуноҳкор санаётгани сезилади. Лекин «суднинг ҳар ҳолда ўзига ҳайриҳоҳ кишилардан, яъни, бадавлат одамлардан иборат бўлгани»ни билгач, дадилланади. Унинг хатти-ҳаракатларини баҳолашдаги умуминсоний мезонлар ўрнини энди тор синфий мезонлар эгаллаб (қахрамонда яна нафс ғолиб кела бошлади) боради. Мирёқуб Пошшахон билан алоқаси мерос умидидан бошқа нарса эмаслиги, «мингбошининг ўлимига яқин унинг Пошшахондан бошқа меросхўри қолмаслиги» ҳақидаги режаларини айтганида, терговчи «Бизнинг оламда мундай дадил ниятларни қоралаш эмас, оқлаш керак» дейди. Англаш мумкинки, муаллиф буржуазиянинг феодализмга нисбатан прогрессив ҳодиса эканини тан олгани ҳолда, унинг маънавиятини оқламайди, қахрамоннинг «натижа воситани оқлайди» қабилидаги ақидасини қоралайди. Мирёқуб ўзини нойиб тўранинг хотини масаласида «чинакамига айбламоқчи» бўлган терговчига қаратади: «Пошшахон масаласида хиёнатим катта эди, ҳам мингбошига, ҳам унинг тўрт меросхўрига... Унутмангизки, шу тўрт киши ичидаги Фазилатой сингари балоғатга етмаган қиз бола, умр бўйи мингбошига хизмат қилиб ўтган Хадичахон бор... Бу катта хиёнат эди!» -дейди-да, Пошшахон масаласида оқлаган маҳкама бу масалада қоралашга ҳақли эмаслигини айтади. Мирёқубнинг аксилдаъволари қаршисида терговчи-виждон чекинса-да, қахрамонининг кўнгли тинчимагани аён. Юқоридаги парча у ўзи қилган ишларнинг, инсонийлик мезонлари

билан ўлчанса, аблыхикдан бошқа нарса эмаслигини тан олганини кўрсатади. Айтмоқчимизки, қаҳрамон онгидаги умуминсоний қадриятлар билан синфий ақидалар зиддияти юзага келди. Ёзувчи қаҳрамоннинг мазкур руҳий ҳолатини X боб ниҳоясида қуидагича тасвирлайди: «Бошида муштдай қаттиқ тунги – ёстиқча... Ёнида бир чойнак кўк чой... Мияда **суд мажлиси, нойиб тўра хотини**, номерда кутиб ётган мовий кўзли дилбар...»

Романинг кейинги — XI бобида ҳам қаҳрамон руҳий ҳолати аввалги боб ниҳоясидагича қолган. Мирёқубнинг меҳмонасига бостириб келган Пошшахонга «бир томондан номерда қолган олтин сочли дилбарни, яна бир томондан мудҳиш суднинг сўроқларини эслаб» совуқ муомала қилиши шундан далолат беради. У Пошшахонни уйига кетишига қистайди, «насиҳат қилган бўлади», натижа чиқмагач, унинг «иродасига бўйин эгиш»га мажбур бўлади. Чўлпон реалист санъаткор сифатида инсоннинг ўзи яшаган муҳит блан нечоғлиқ эканини, муҳит таъсирида шаклланган инсон табиатининг ўзгариши осон кечмаслигини яна бир карра кўрсатади.

Мирёқубнинг «Бу фоний дунёда машруъ йўл билан битадиган бирор нарса борми?» деган ўйида ўша муҳитдан нафратланиш, унинг кучи олдида ожизлик қилаётганидан эзилиш оҳанглари сезилади. Унинг сафар олдидан болалари билан хайрлашиш учун кирган вақтидаги ҳолатини (XII боб): «Илонни ўпган ҳаром лабларим билан ухлаб ётган болаларимни ўпай деб қуийга эгилдим, кўнглим чидамади. Кўрпанинг қирғонини ўпдим», -дея эслashi ўзидан жирканиши изтироб даражасига етганини, кейинги иш кўпроқ муҳит таъсирининг инерцияси билан бўлганини кўрсатади.

Чўлпон қаҳрамонининг сафар арафасидаги руҳий ҳолатига таъриф бериб, терговчи «унинг қулоғи остига капа тикиб ётгани»ни ёзади. Дарҳақиқат, қаҳрамон рухиятидаги ўз-ўзини тафтиш қилиш жараёни қисқа, лекин шиддатли кечади. Мирёқубнинг «Кеча» романидаги терговчи билан сўнгги мулоқоти бу жараён қандай натижа топганини тасаввур қилишимизга имкон беради. Терговчи уни севишига қодир бўлмагани ҳолда «чакки гўзал маҳлукларнинг кўнгли билан ўйнашаётган»лиқда айбласа, Мирёқуб: «Мени беҳуда айблайсиз. Мен уни ифлос жойлардан ўғирлаб олиб чиқдим. Энди ҳеч бир ҳаром қўл, номаҳрам қўл теголмайди унга! **У ҳозир номусли эрнинг номусли хотинидай тоза...**

— Сен ўзинг-чи? Сен ўзинг? Эндинина қилган янги гуноҳларинг билан.

— Янги гуноҳ қилганим йўқ! Ҳали ҳам эски гуноҳларим кетимдан қувалаб юрибди. Ўшалардан кутулай деб қочдим. Қочиб кетаётиман...» -дея жавоб беради. Кўринадики, Мирёқуб Марямнинг ўзидан кўра покроқ эканини тан олган. У «энди ҳеч бир ҳаром қўл теголмайди унга» деганида ўзини ҳам назарда тутган, чунки қуириқда «Мен бунга тегмоқчи эмасман, тегмайман ҳам» деб қатъий айтади. Унинг фикрича, улар иккаласи «белгисиз бир замонда, белгисиз шартлар ичида (яъни, ўзи итлиқдан қутилиб, шунга муносиб бўлганда - Д.К) ўз-ўзларидан қўшилиб қолишлари керак». Мирёқубнинг «шу хотин билан кўришганимдан бери ўз-ўзимни таний олмай қолдим» дегани ҳам шундан далолат беради. Бундан ташқари, юқоридаги парчадан

қаҳрамоннинг шу чоққача кечирган турмушидан қониқмай қолгани англашилади. Айтиш мумкинки, унинг «эски гуноҳларидан қочиб» кетаётгани ҳәтини янгилаш, янги асосларга қуриш эҳтиёжидан келиб чиқкан нарсадир.

Юқорида қаҳрамон онгидаги иккита ажралиш ҳақида тўхталиб, бунда Толстой таъсири сезилишини айтиб ўтгандик. Эътибор берилса, ўшандаёқ руҳий мулоқот-мусоҳаба субъектлари учта экани кўринади: «қораловчи», «окловчии» ва «Мирёқуб». Қаҳрамон вужудида тергрғовчи-виждон пайдо бўлиши билан бу учлик бўртиброқ кўринади: «Мирёқуб», «итлик» ва «терғовчи-виждон». Фикримизча, бу нарса Чўлпонга З.Фрейд таълимотининг ҳам муайян таъсири бўлганини тахмин қилишимизга имкон беради. Маълумки, Фрейд инсон руҳий ҳәтини учта тагструктурадан иборат деб билади: 1) реаллик принципига амал қилиб, ташки дунёни қабул қилиш ва унга мослашиш функциясини бажарувчи **Мен**; 2) қоникиш принципига амал қилиб, жинсий майл ва агресив интилишларни ўзида мужассам этувчи **У** ҳамда 3) ижтимоий аҳлоқ нормаларини ўзида мужассам этиб, ички цензор, виждон вазифасини ўтовчи **Мен – идеал**.

Ташки дунё билан муносабатда бўлувчи Мен ўзининг хатти-ҳаракатларини, бир тарафдан, Мен-идеал талабларига, иккинчи тарафдан, Унинг талабларига мослаши лозим. Фрейд Мен ва У муносабатларини чавандоз ва от муносабатларига қиёслайдики, бир томондан, чавандоз отни маҳкам жиловда тутади, иккинчи томондан: «... всаднику, если он не хочет расстаться с лошадью, часто остается только вести ее туда, куда ей хочется, так и Я превращает обыкновенно волю Оно в действие, как будто бы это было его собственной волей<sup>1</sup>». Юқорида кўрганимиз, Мирёқуб(Мен)нинг ўзидаги «итлик»(У)ни жиловлашга интилгани ҳолда нойибнинг хотини билан аиш қилгани ва буни ўз ихтиёри билан қилгандек («иш устидаги биринчи бай очиш») талқин қилиши, бизнингча, Фрейднинг юқоридаги гапига уйқаш кўринади. Қаҳрамон руҳиятидаги шиддатли жараёнлар Мен (Мирёқуб) ва Мен-идеал (терғовчи-виждон) зиддияти асосида кечадики, бу ҳақда Фрейд қуйидагича фикр билдирган: «...конфликты между Я и Я-идеалом в конечном счете отразят противоречия реального и психического, внешнего и внутреннего миров<sup>2</sup>».

Албатта, мазкур фикримиз фақат тахмингагина таянади, зеро, Чўлпон Фрейд таълимоти билан таниш бўлганлиги ҳақида далилга эга эмасмиз. Бироқ биз кўчирмалар келтирган «Я и Оно» асари 1923 йилда ёзилгани ва 1924 йилдаёқ рус тилига таржима қилиниб босилгани; 20-йиллар рус адабиётида фрейдизм таъсири кучли бўлгани<sup>3</sup>; ниҳоят, Чўлпон 1925 йилдан эътиборан Москвада яшагани назарда тутилса, фикримиз буткул асоссиз эмаслиги ҳам кўринади.

Мирёқуб эволюциясида жадид савдогар билан учрашув муҳим ўрин тутади. Юқорида юритган мулоҳазаларимиздан келиб чиқсан, бу учрашувнинг тасодиф эмаслиги, қаҳрамоннинг изланишлари уни эртами-кеч жадидларга рўбарў қилиши

<sup>1</sup> Фрейд. З. Психология бессознательного. М., 1989. С.432.

<sup>2</sup> Ўша асар. 439-бет

муқаррар экани англашилади. Яъни, Мирёқубнинг ижтимоий мавқеи кучайгани, шу чоққача куч деб топингани нурагинини англаб, топингани бошқа куч излай бошлагани; ўзи кечирган турмушдан қониқолмай қолиб, ҳаётини янгидан бошлаш эҳтиёжини сеза бошлагани ундаги эволюциянинг **сабаби** бўлса, жадид савдогар билан учрашув **сабабнинг натижага айланишида бир воситадир**.

Романда жадид савдогар пайдо бўлиши билан Чўлпон ҳикоячиликни ўзидан соқит қилгани ва бунинг сабаби ҳақида илгарироқ айтиб ўтдик. Поезддаги ишлар, сұхбатлар энди Мирёқуб ва Марям кундаликлари орқали берилади. Танланган усул муаллифни гўё «бетараф» қолдиргани ҳолда, жадидлар ҳақида холис ёзиш имконини яратади. Шуниси ҳам борки, ҳикоячиликни ўзидан соқит қилиш билан Чўлпон қаҳрамон руҳий ҳолатини икки томонлама — ҳам унинг ўз иқрорлари ва ҳам Марямнинг кузатишлари орқали тасаввур қилишимизга имкон яратади. Масалан, Мирёқуб жадид йигитни кўриши билан «у Марямга қарамаяптими?» дея ташвиш тортганини айтса, Марямнинг кузатишлари унинг ўша чоқдаги руҳий ҳолатини ташқи белгилари орқали кўрсатади.

Шарфутдин Хўжаев билан илк сұхбатдан кейин Мирёқуб: «Саволларимнинг жавобини энди топадиганга ўхшайман. Бу йигит жадидларнинг катталаридан бири экан. Энди «империя»ни сўраб олай дейман. Шундай гапларни гапирадики, кўзим пиёладай бўлди. Мен уйқуда эканман... ғафлат босган экан бизни. Миллат деган нарсамиз бор экан, биз — омилар уни «фуқаро» деб юрганмиз. **Бу йигит «миллат» деганда аллақандай ширин эшитилади**. Сезиладики, жадид, аввало, сұхбатдошининг вужудида мудраб ётган миллий ғурурни уйғотиш пайдидан бўлган. Шу ўринда Мирёқуб нойиб тўраникида эканида рус инженерининг кириб келиши билан боғлиқ эпизодни яна эслашга тўғри келади. Инженер «нойиб тўра билан бетакаллуф кўришди, **Мирёқуб билан кўришиб ҳам ўтирасдан тўппа-тўғри столнинг тўғрисига ўтди...**» Нойиб меҳмонга Мирёқубни таништирганида, у «ўтирган ўрнида секингина бош силкиб кўйди.» Мирёқуб **ғурурининг қалтакланишидан** келган заҳарханда билан кулди». Мирёқубдаги ўзгариш анча сезиларли бўлган бўлса керакки, нойиб тўра қайта-қайта узр сўраган бўлади. Муаллиф буни шарҳлаб ёзади: «Бир инженернинг (у, ахир, нойиб тўра сингари катта амалдор эмас!), наҳояти бир инженернинг бир-икки марта сартларни камситиши Мирёқубни шунча безовта килдими? Йўқ, унақа камситишдар ҳар қадамда бор!» Тушуниш мумкинки, миллий ғурурнинг қалтакланиши Мирёқубни ўз вақтида қийнаган, кейинча, ишнинг фойдасини кўзлаб, ўзини кўнишишга мажбур қилган бўлса-да, бу нарса уни тез-тез безовта қилиб турган. Жадиднинг гаплари миллатнинг ҳақир, забун аҳволидан бўлгандирки, Мирёқубнинг кўзи «пиёладай бўлган», «миллат» дегани аллақандай ширин эшитилган». Мирёқубнинг бу пайдаги руҳий ҳолати ҳақида Марямнинг қўйидаги гаплари ёрқин тасаввур беради: «Жакобнинг юзида ва қўзида ўйчанлик аралаш бир табассум пайдо бўлди. Диққат қилдим: кўнглида ажиб бир олов ёна

<sup>3</sup> Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе (1920-е годы). Л., 1980. С.74-78.

бошлаганга ўхшайди». Аёл ундаги бу ўзгаришни мухаббатга йўймоқчи бўлади, лекин «ундай бўлса у ажиб ва ширин қулиши билан кулган кўзлари нима учун менга эмас, бошқа ёқларга, олисларга қарайди?» дея ўз фикрини инкор қилади. Жадид билан сухбатларда Мирёкуб ўзини қийнаган саволларга жавоб топадики, у айтган «сўзларнинг хар бири кўзимдан бир қават пардани сидирди» дея икрор қилиши шундан. Мирёкуб жадид билан ўзи орасида яқинлик борлигини тез ҳис қилади, шу боис ҳам «умрида биринчи марта янги танишган кишига қўнгил сирини айтади». Ш.Хўжаев Мирёкубнинг Марямга муносабатини қутлаган ҳолда, унинг нойиб тўра билан алоқаларини ёқламайди. Унинг: «Улардан (яъни, нойиб тўра каби мустамлакачилардан - Д.Қ.) бизга дўст йўқ. Бизнинг дўстимиз — миллат! Улар — миллат душманлари!» - дейиши мустамлака сиёсатига нафратини ифодалайди. Эътиборли жиҳати шундаки, жадид мустамлакачиларга қарши курашда миллатни, яъни, халқни ўз иттифоқчиси деб билади. Унинг «биз» деганда миллий буржуазияни, жумладан, Мирёкубни ҳам назарда тутгани аён. «Империя»нинг нималигини тушунитираркан, Ш.Хўжаев «Империя дегани ўрис подшосининг қўл остидаги ерлар» эканини, улар буни қиёматгача ўз қўлларида сақлаб қолишни исташларини (яъни, мустақиллик учун курашиш керак) айтади. Жадиднинг «сиз-биз соғим сигирмиз, бизнинг ширин сутимиз бор, руслар ва бошқа ажнабийлар бизни эмиб ётадилар» деганини топган-тутганининг бир қисмини муттасил нойиб тўрага бериб келган Мирёкуб албатта тушунади. Жадидларнинг қарашлари ўзининг мақсадларига мувофик эканини тобора чуқурроқ тушуниб бораётган Мирёкубни улар «Бойларнинг ер-суви, заводчиларнинг заводлари олиниб, ялангоёқларга берилсин демайдиларми?» деган савол қийнайди. Суҳбатдоши бунга жавобан жадидлар аксинча: «Бой бўл! Завод сол! Беш минглаб, ўн минглаб работи ишлат! Миллий саноатни ривожлантири!» дейишлиарини айтгач, кўнгли тинчиди. Жадид айни пайтда бу мақсадларга «миллатни ўйфотиши» орқали етиш мумкинлигини, ўқиш, замона аҳволидан хабардор бўлиш зарурлигини уқтиради.

Жадидларнинг қарашларида ўзини қониктиргмаган нукталарни кўрмаган Мирёкуб аввалига «жадид шу бўлса, нега мен жадид эмасман» дея шошилади. Кейин, йўлдоши тушиб кетгач, у айтган гапларни «эс тарозисига солиб» кўра бошлайди. Қаҳрамон ўзи икрор қиладики: «Илгари тинчгина пул топишимни билардим. Ота-боболаримиз юрган йўлдан бора берардим. Энди аллаким чиқиб, «кота-боболарининг йўли эгри эди, тўғри йўл бўёқда!» дейди. Одам ишонадиган қилиб айтади. Шу икки йўлдан бирини танлаб олишим керак. Бирданига икки йўлдан юриб бўлмайди». Англашиладики, Мирёкуб энди илгаригидек пул топишгагина андармон бўлиб қолмайди, балки атрофида содир бўлаётган ишларга фаол муносабатда бўлади. «Онгли равища муйян позицияни эгаллай олиш қобилиятисиз шахс мавжуд эмас<sup>1</sup>»лигини назарда тутсак, Мирёкубнинг ШАҲС сифатида шаклланиш жараёни бошланганинин кўриш мумкин бўлади. Қаҳрамон ўзининг ижтимоий мақомини ва унинг жадидчилар

<sup>1</sup> Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. М., 1957. С. 34.

мақомига мослигини англаш арафасида, зеро, унинг: «Жадидлар тўғрисида гумонларим йўқ эмас. Лекин кўнглим ўша томонга мойил бўлиб қолди... жадидларнинг деганларини бошқаларнинг деганларидан кўра осонроқ ва тезроқ англайман», - дейши ҳам шундан далолат беради. Юкорида юритган мулоҳазаларимиз Мирёқубнинг жадидчилик ҳаракатига қўшилиши муқаррарлиги, бу нарса унинг учун ижтимоий-шахсий зарурат эканини кўрсатади. У — ижтимоий ҳаракат бўсағасига келган одам. Лекин унинг кейинги тақдирни қандай кечади? Ким бўлади у охир оқибат?... Таассуфки, «Кундуз»нинг йўқолиши «Кеча»да қўйилган ўнлаб савол аломатларининг қаддини букиб кетди. Шундай бўлса-да, қаҳрамон ҳарактери ички мантиқидан, адаб романда бадиий тадқиқ этган муаммолар ҳарактери ва муаллифнинг асар устида ишлаётган вақтдаги биз тасаввур этган руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий фаразни илгари суришга журъат қиласиз: Туркистон ижтимоий-тарихий тараққиётининг табиий оқимини бузган инқилоб ва ундан кейинги дастлабки суронли йиллар зиддиятларини Чўлпон «Кундуз»да марказий ўринни эгалловчи Мирёқуб руҳиятидаги зиддиятлар орқали очиб беришни режалаштирган. Табиийки, бу нарса адабнинг ўтмиш воқеаларига йигирма йил юксаклигидан туриб берган баҳоси бўлур эди. Демак, Мирёқуб образи инқилоб йилларидағи йигирма яшар Чўлпоннинг зиддиятлари билан салкам қирқ ёшли Чўлпоннинг изтиробли ва теран ақлинни ўзида уйғун мужассам этиб, жаҳон адабиёти миқиёсида тан олинган Клим Самгин, Григорий Мелехов каби адабий сиймолар қаторидан ўрин олиши лозим эди.

Мирёқуб ҳақидаги мулоҳазаларимиз ниҳоясида бу образ талқинидаги яна бир жиҳатга диққатни тортгимиз келади. Юкорида кўрганимиздек, Чўлпон Мирёқубнинг маънавий-руҳий эволюциясини тасвирларкан, унинг дилидаги ҳис-туйфулар, миясидаги ўй-фикрларни бўлакларга ажратиб (анализ) таҳлил қиласи. Айни пайтда, бу бўлаклар бир-бири билан диалектик алоқадорликда берилган: бир хисдан иккинчи ҳис, бир уйдан бошқа бир фикр ўсиб чиқади, улар бир-бирини тўлдиради, сифат жиҳатидан ўзгартиради ва ҳоказо. Бу эса Чўлпон Мирёқуб образи талқинида ўзбек насирида илк бор шахс тақдиридаги кескин бурилишларни тайёрлаш ва кўрсатишга кенг имкониятлар берувчи толстоёна «қалб диалектикаси» шаклидан фойдаланган дейишимизга асос беради.

### **Ижтимоий муҳит ва ҳарактер руҳияти**

Инсон ҳарактери, унинг руҳий ўзига хослиги кўп жиҳатдан у яшаётган муҳит шарт-шароитлари билан боғлиқdir. Аксарият ёзувчиларни, Н.Г.Чернишевский таъбири билан айтсан, «ижтимоий муносабатлар ва ҳаётий тўқнашувларнинг ҳарактерларга таъсири<sup>1</sup>» қизиктириши бежиз эмас. Аввалги бобда кўриб ўтганимиздек, Мирёқуб образи талқинида ҳам Чўлпон унинг муҳит таъсирида шаклланган хусусиятларига диққатни жалб қиласи. Лекин психологик таҳлилнинг

<sup>1</sup> Чернышевский Н.Г. ПСС в 15-т.-Т.3.- М., 1941.- С. 422

типовогик принципи Мирёкуб образи талқинида ёдамчи восита эди холос, сабабки, адибни қаҳрамонини маънавий «қайта тирилиш»га олиб келган руҳий жараёнларнинг ўзи қўпроқ қизиқтирган. «Кеча»да қатор персонажлар борки, улар «муайян мухитда шаклланганлар, яшайдилар ва гўё у билан чатишиб кетганлар<sup>2</sup>». Табиийки, уларнинг характер хусусиятларини, хатти-харакатларининг руҳий асосларини англаш учун улар яшаётган мухит шароитларни билиш тақозо қилинади.

Романдаги мухит билан чатишиб кетган қаҳрамонлардан бири Акбарали мингбошидир. Асарни дастлаб ўқиганда Акбарали образига юклangan салбий сифатлар — саводсизлик, жоҳиллик, манфаатпарастлик, тубанлик, дунё бехабарлик — бир одам учун кўплик қилаётгандай, адиб образнинг бадиий баркамоллигини мақсад — феодализмнинг инқирозга юз тутгани қонунийлигини кўрсатиш йўлида қурбон қилгандек кўринади. Илгарироқ, илк таассурот таъсирида бўлса керак, биз мазкур образ талқинида жонли характердан кўра қўпроқ схематизмга мойиллик кўрилади, деган янгиш хulosасига келган эдик<sup>3</sup>. Гап шундаки, ҳар қандай ўқувчи ёки асар ҳақида фикр билдираётган одам талқинни талқин қиласи (ёзувчи реал борлиқни бадиий талқин қиласа, биз унинг талқинини талқин қиласиз). Шундай экан, адиб Акбарали образини яратишда қандай асосларга таянганини, қандай одамлар реал воқелиқдан (ёзувчи олами орқали) асар тўқимасига кўчганини аниқлаб олмасдан туриб тўғри хulosага келишимиз маҳол. Демак, аввало «Чўлпон Акбарали мингбоши образини тарихий-ижтимоий тип сифатида реал гавдалантирганми?» деган саволга жавоб беришимиз лозим. Мазкур саволга жавоб бериш учун эса, аввало, бир нарсани аниқлаб олишга тўғри келади: чор ҳукумати маҳаллий амалдорлардан қай йўсин фойдаланган? Маълумки, мустамлака Туркистонда мингбоши, амин, элликошилар сиёсий ҳокимиётдан четлатилган эдилар. Шунга кўра, уларнинг гарданидаги вазифалар ҳам чегараланган, яъни: маҳкумларидағи худудда майда-чўйда маъмурий-хўжалик ишлари билан шуғуланиш ва, асосийси, ҳалқ орасида осойишталиктни таъминлашдангина иборат бўлган. Маҳаллий амалдорларни фақат ўз мақсадлари йўлида ишлатиш, улани сиёсатдан йироқ тутиш учун, табиийки, шунга мос одамларни танлаб қўйиш керак эди ва чор ҳукумати бунга асосан эришган. Энди мулоҳаза қилайлик: қандай одам чор ҳукуматининг «дидига мос» амалдор бўла олади?

Амалдорнинг саводсиз бўлиши — унинг сиёсатдан йироқ бўлишига кафолатдай гап. Архив ҳужжатлари кўздан кечирилса, аксарият амалдорларнинг саводсиз бўлгани, мингбоши маҳкамаларидан юборилган хисобот ва маълумотларга кўпинча «... саводсиз бўлгани учун илтимосига кўра имзо чекдим» деган изоҳ билан мусулмон ёки рус мирзалар кўл қўйганини кўриш мумкин. Масалан, Андижон уездининг Ҳакан волости мингбошиси Абдураҳмон Қозоқбоев ва Балиқчи волости мингбошиси Бувахўжа Қаноатхўжаевлар айни шу тарзда қозоз расмийлаштирганлар<sup>1</sup>. Иккала мингбоши ҳам уезднинг Шаҳар олди приставлигига тобелигини, приставлика

<sup>2</sup> Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник.- М., 1978.- С. 411

<sup>3</sup> «Ёшлик», 1991, 6-сон.

эса атиги тўртта мингбоши бўлганини айтсақ, масала янада ойдинлашади. Албатта, мингбошилар орасида саводлилари ҳам бўлган, лекин ҳудудий жиҳатдан деярли ҳозирги туман нуфузига эга бўлисни бошқариш учун хат танишнинг ўзи кифоя килмас. Аксарият амалдорлар дунёда не сиру синоатлар кечаётганини, қандай воқеа-ходисалар юз берәётганини миш-мишлар доирасидагина билганлар. Шу жиҳатдан Акбаралининг, муаллиф таъкидлашича, уруш ҳақидаги илк ўйлари характерли: «Шу қиронларнинг бир-бири билан урушгани ёмон бўлди... Кўп одам қирилди, дейди нойиб тўра. Менинг мирзам Соколов ҳам дараксиз кетди. Ўч ойдан бери дараги йўқ. Юрт ҳам самовардай, ичидангина қайнаб турибди. Бир тошади бу! Ёмон тошади лекин. Одамларнинг юзига қарасам, ўрус, мусулмон — ҳаммасининг кўзи бежо... «ютаман!» дейди. Қимматчилик борган сари авж оляпти. Шундай оқподшонинг хазинаси қоқланиб қолдимикан? Оқподшо менинг гапимга кирса, юрт берса берардики, тезроқ яраш қилиб одамларни тинчтарди. Аллақайлардаги юртларни деб ўз бошини қазога тутадими киши...»

Акбаралининг дунёни ларзага солган — жаҳон уруши ҳақида эндиғина ўйлай бошлагани бир қарашда муболағадай, муаллиф бирмунча ошириб юбораётгандай туюлади. Лекин бу ўринда ҳеч бир муболаға йўқ, чунки қаҳрамон, ҳар қандай сиёsatдан йироқ одам сингари, уруш воқеалари бевосита ўзига таъсири қила бошлагандагина у қаҳда ўйлайди. Акбаралини ўйга толдирган нарса — қимматчиликдан «юртнинг самовардай қайнаб ётгани» — молию жонининг ташвиши, холос. Эътибор берилса, унинг фикрлаш тарзида чор хукуматини қониқтирадиган жаҳатларни топиш қийин эмас. биринчидан, у жаҳон урушидан анча илгари бошланган чоризим инқирози ҳақида мутлақо тасаввурга эга эмас, ҳалиям «шундай оқподшо» дея оғзини тўлатиб гапирадики, унинг қудратига бешак ишонади. Иккинчидан, у урушнинг моҳиятини, оқподшога «аллақайлардаги юртлар» нима учун кераклигини англамайди, табиийки, бундай одам мустамлакачилар юртига нима учун канадай ёпишиб ётганларини ўйлаб ҳам ўтиrmайди. Бу нарсаларнинг фарқига этиш учун киши аввало сиёсий саводли бўлиши керак. Рус тилини билмаган одам учун эса у вақтда ҳарбий цензура кўригидан ўтувчи айрим жадид нашрларини демасак, сиёsatдан хабардор бўлиш учун имконият йўқ эди ҳисоби. У маълумот олиши мумкин бўлган ягона нашр — «Туркистон вилоятининг газети» эса хабарларини «айтишларича», «ёзишларича»дан бошлаб, «эмис» билан тугатар эди. Шу ўринда яна бир ҳужжатга эътиборни қаратмоқчимиз. Андижон уезди ҳокими полковник Брезжиский юқоридан жўнатилган «Маҳаллий тилда газета чоп этиш ва уни аҳоли ўртасида тарқатиш мақсадга мувофиқми?» деган сўровга: «Маълум қиласманки, маҳаллий тилда газета нашр қилиш ва уни аҳоли ўртасида тарқатиш мутлақо зарурдир... Маҳаллий ҳалқ орасида душманларимиз — исломнинг зарарли асосларини тарғиб қилувчи эшонлар ва бошка руҳонийларнинг ғояларини эмас, биз истаган ғояларни сингдириш учун яхши

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси МДА. Ф.25, 01, д.26

йўлга қўйилган газета керак...<sup>1</sup>»- деб жавоб берган эди. Авваллари маҳаллий амалдорлар приставлар томонидан «Туземная газета»га обуна қилдирилгани, кейинроқ эса пристав тавсия этган рўйхат асосида бепул(!) олганлари эътиборга олинса, чор хукумати кадрлар сиёсатини пухталик билан олиб борганига яна бир карра амин бўламиз.

Юрт бошида турган саводсиз амалдор, табиийки, юртнинг маърифатли бўлишидан манфаатдор эмас, чунки зўрлик ва жоҳиллик билан омиларнигина бошқариш мумкин. Чўлпон шуни кўрсатмоқ учун ҳам Акбаралининг газетада танқид қилинганидан жизғанаги чиқиб турган ҳолатни чизган кўринади. Ўшанда Мирёкубнинг «газетачини ҳар нарса қилишга» шай турган Акбаралига қаратада айтган гапи диққатга сазовар: «Бу ҳукмингиздаги **қора фуқоро билан бўладиган иш эмаски**, чақиририб келиб Мирзабобога буюрсангиzu ертўлага олиб тушиб қичиган ерини қашласа!.. Газет ёзадиганлар закунчи бўлади... Улар билан ярим пошшога ўхшаган одамлар олишмаса, **анча-мунча амалдор** бакор келмайди». Акбарали қанча ҳовлиқмасин, ўзининг ўша «анча-мунча» амалдорлар сирасига киришини ичидан ҳис қиласди. Шунинг учун ҳам, гарчи «нойиб тўра қўймади» деса-да, мактабни ёпишни ўзи ҳам истаган. Кўрамизки, Туркистон халқини жаҳолатда тутишдан манфаатдор чор хукумати учун Акбаралилар бу жиҳатдан ҳам қўл келади.

Романда Акбаралининг иқтисодий жиҳатдан нўноқлиги, янги иқтисодий шароитда зарур бўлган омилкорликка эга эмаслиги равшан кўрсатилади. Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан муаллиф бу ўринда ҳам ҳақ: чор маъмурлари амалдор тайинлар экан, номзоднинг иқтисодий аҳволига ҳам жиддий эътибор берганлар. Мана биргина мисол: Скobelев уезди бошлиғи Аввал бўлиси қозилигига ўтказилган сайлов натижаларини Фарғона губернаторига жўнатаркан, уларни тасдиқламасликни сўрайди. Уезд бошлиғини ташвишга солган нарса номзод сифатида кўрсатилганинг «собик йигит», ҳозирда Аввал мингбошиси, кейинги вақтда паҳта иши бўйича савдо операцияларини авж олдириб юборган» Тошматов эканлиги эди. Бошлиқнинг айтишича, «Тошматов феълининг бекарорлиги ва паҳта савдоси бўйича операцияларда иштироки билан шундай ишларни келтириб чиқариши мумкинки, уларни ҳал қилиб бўлмай қолади<sup>1</sup>». Хўш, Тошматов номзоди уезд бошлиғини нима учун қониқтирмайди? Шунинг учунки, Тошматов, Акбаралидан фарқ қиласроқ, уддабуро одам. Унинг уезд бошлиғи қаршилигига қарамай номзодини ўтказгани ҳам буни тасдиқлайди. Уезд бошлиғи уни мингбошиликдан-да бекор қилишга ҳаракат қилаётгани эҳтимолдан ҳоли эмаски, буни билган номзод бошқа тарафдан қарши ҳаракат бошлагандир. Тошматов типидаги тадбиркор, иқтисодий жиҳатдан мустақил иш юритишга қобил одамнинг бора-бора сиёсий ҳокимият томон интилиши табиий, чунки у фаолият майдонини кенгайтиришни, ҳаракатларида эркин бўлишни истайди. Айтмоқчимизки, амалдорликка номзоднинг ўта бой ёхуд тадбиркор бўлиши чор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси МДА. Ф-И-19, о.1, д.29329, л 52.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси МДА. Ф.И-19, О.Д. 10014, л.163

маъмурлари мақсадларига мувофиқ эмас эди. Улар аксар ҳолларда ўртамиёна бойларни амалга миндирап эдиларки, амалдорлик тайинланганларнинг асосий даромад манбаи бўлсин. Бошқа йўл билан сармоясини оширишга ноқобил амалдор ўз амалининг ва амал бергучининг қулига айланади: хар қандай кўрсатмани бажаришга хозир туради. Романда айтилишича, Акбарали — «ер-сув, пул ва бошқа бойликка кўмилган одам», буларнинг ҳаммасига у амали орқасидан эришган. Ҳали амалга минмасдан туриб у «беш-тўрт таноб ерли» ўзига тўқ одам эди. Мингбошига олиб берган «яхши бир улоқчи от бадалига» олти йил элликбошилик қилган ва бу «колти йил мобайнида бир улоқчи отнинг эмас, бир неча улоқчи отларнинг ҳиссаси чиқарилган, бурунги тўрт-беш таноб ерга яна бир неча тўрт-беш таноб қўшилган...» Элликбошиликдан келган даромад кам кўринганида мингбошиликка интилади, Мирёкуб кўмаги билан бунга эришади ҳам. Мингбошлик ҳам унинг учун даромад манбаи бўлганини катта хотини Хадичахоннинг сўзларидан равшан англашилади: «Бунингиз амалдор бўлгандан кейин айниди. Мингбошилик ёмон ҳовлиқтириди. Ўз қишлоғини ташлаб бу ерга кўчди. Бу катта ҳовлини сотиб олди. Мана бу — катта иморатларни солдириди. Боғ-роғ қилди, ер-сув кўпайтириди...» Акбарали бу давлатни қай йўл билан топгани маълум: ҳалқни очик-ишкор талаган, бойларнинг «ҳожатини чиқарган», маҳқумидаги амалдорларнинг «платини юлган»... Қизиги шундаки, чор чиновниклари маҳаллий амалдорларнинг бу каби кирдикорларидан воқиф бўлганлари ҳолда, расман жиноят ҳисобланган бу ишларга панжа орасидан қараганлар. Фарғона область бошқармасига амалдорлардан шикоят қилиб ёзилган аризаларнинг кўпи «даъво тасдиқланмагани учун оқибатсиз қолдирилгани»ни Мирёкуб каби «эпақ»ларнинг саъй-ҳаракатидангина эмас, бунинг чор маъмуриятига ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий жиҳатдан фойдали эканидан деб тушунмоқ лозим. Бундан руҳланган нопок амалдорлар кутургандан кутургандарки, 1916 йил қўзғолони вактида улардан кўпининг ўлдирилгани, ўласи қилиб калтаклангани, уй-жойларига ўт қўйилгани бунинг ёрқин далилидир. Ҳалқ орасида тез-тез эшитилиб қоладиган «ўзбекка амал бермасин экан-да» деган таассуфнинг илдизи ўша давларга бориб тақалади, пояси эса...

Юқорида юритган мулоҳазаларимизга таянган ҳолда Чўлпон Акбарали образини ижтимоий-тарихий тип сифатида ҳаққоний кўрсатган, дея оламиз. Албатта, эътиroz туғилиши табиий: ҳаётда дурустроқ амалдор бўлмаганми? Бўлган, лекин: биринчидан, дурустроқ амалдорлар, таассуфки, ижтимоий-тарихий шароит маҳсули бўлмиш акбаралилар салмоғи олдида йўққа чиқади ҳисоби. Айтиш керакки, ҳар биримизда дунёқарашимиз, ижтимоий мавқеимиз, ҳаётий тажрибамизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган (яъни, субъктив) ижтимоий гурух вакиллари ҳақида муайян тасаввур бор. Бу нарса бошқаларнидан озми-кўпми фарқлангани ҳолда, жамият аъзоларининг аксариятига хос тасаввурга яқин, зеро, ижтимоий тип давриинг шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда объектив мавжуддир. Иккинчидан, Чўлпон роман проблематикасидан келиб чиқиб дурустроқ амалдорни кўрсатиши мумкин эмас, чунки бу адиднинг кўзлаган мақсадларига мувофиқ келмайди. Агар ёзувчи ижтимоий-

тариҳий муаммоларни бадиий тадқиқ қилишни мақсад қилмасдан, дейлик, бирон-бир конкрет амалдорнинг тадири, унинг ташқи дунё билан муносабати асосида юзага келган изтиробларини (масалан, Достоевскийнинг Макар Девушкини каби) қаламга олганида ёхуд конкрет амалдорнинг мухаббати (масалан, Куприннинг Чарткови) ҳақида асар ёзганида амалдор бошқачароқ қиёфада олиниши мумкин эди.

Маълумки, образ типик ва индивидуал хусусиятларнинг уйғун мужассами бўлсагина бадиий характер даражасига кўтарила олади. образнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида фикр юритишнинг бир чигал томони бор: юкорида айтганимиздек, ижтимоий типлар ҳақида жамият аъзоларининг аксариятига хос умумий тасаввур мавжуд, лекин индивидуал хусусиятларни тушунишда бундай умумийлик йўқ. Шахснинг бошқа бир шахсни тушунишиқандай кечади? Ҳар қандай одам бошқа бир одамни тушунишга, хатти-ҳаракатларини баҳолаб, у ҳақда тасаввур ҳосил қилишга интилар экан беиҳтиёр «ўз қаричи»ни ишга солади. Бунда у уч нарсага — ҳаёлидаги ионон идеали, ўз ички дунёси ва ижтимоий гурух ҳақидаги ўз тасаввурига таянади. Қаршисидаги одамни шу уч унсур билан муқояса қилишнинг оқибати ўлароқ тасаввур ҳосил қиласди. Яна шуниси ҳам борки, кўпинча тасаввур ҳосил бўлишида илк таассурот (идеал билан муқоясанинг ҳосиласи сифатда юзага келган симпатия ёхуд антипатия) асос вазифасини ўтайди: ўша илк таассуротни тўлатиш, тасдиқлаб олиш учун обьектдан янги чизгилар қидирилади, топилади —тасаввур ҳосил қилинади. Хаёлимиздаги тасаввур билан обьект — реал инсоннинг тугал мос келиши эҳтимолдан йироқ, шундай бўлса-да, биз бунинг аксига ишонишга кўпроқ мойилмиз. Сабабки, обьектни юкоридаги уч унсурга қиёслаб, абстракт тафаккур қилиш орқали яхлит бутунлик — тасаввурга эга бўлганмиз. Бизнингча, реал инсоннинг бадиий образга айланиб асар тўқимасига кириб келиши ҳам худди шу тарзда кечади. Шундай экан, образнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гапирганда уни реалликка (образни ижтимоий тип сифатида текширганимиз каби) қиёслашга ҳақли эмасмиз. Бу ўринда энди реалликка кўз юмиб, асардаги бўдиий воқелик нуқтаи назаридан юритишимизга, образнинг ўзини алоҳида, бетакрор олам деб тушунишимизга тўғри келади.

Чўлпон Акбарали психикасига хос хусусиятларни унинг хатти-харакатлари, бошқа қаҳрамонлар билан мулоқотларини кўрсатиш орқали очадики, улар қаҳрамоннинг ижтимоий-маиший ҳаёти контекстидагина тўғри тушунилади. Даствлаб учратганимизда мингбоши отдан тушар-тушмас Мирёқубни дараклайди. Бир қарашда муаллиф илгарироқ айтган гапини — Акбаралининг Мирёқубсиз хеч нарсага ярамаслигини кўрсатиш учунгина қаҳрамонини шундай қилишга «ундаган»дек кўринади. Аслида эса қаҳрамон тамомила эркин, ички мантиқа асосан ҳаракат қилмоқда: у ўзининг устидан нойб тўрага тушган аризани йўл қуи ўйлаб келган, табиийки, бунинг чораси — Мирёқуб ҳам хаёлидан бир лаҳза бўлсин нари кетмаган. Акбарали Мирёқубга ўз иши юзасидангина эмас, бошқа кўринмас иплар билан-да боғлаган, зеро ёруғ дунёда ёлғиз суюнгани — шу. Унинг «оббо бетовфиқ-эй! Намозшомда ухлаганини!» дея койишлари. «О, баттол-эй! О, баттол-эй! Худо урди сени! Худо урди энди!..» дея ёйилиб кулишлари Мирёқубга нисбатан ўзига хос тўпори

мехридан ҳам дарак беради. Акбаралининг Мирёқуб билан мулоқотларида ўзини тутишлари, гап-сўзлари бачканадай, ёши ва мавқеига номуносидай кўринса, эҳтимол. Аслида эса бу нарса бачканаликдан эмас: табиатан содда ва тўпори бу одам юрт олдида ўзини улуғвор — сипо тутади (масалан, элликбошиларни йиғиб мажлис қилишида, Қумариқдаги фуқаронинг додини тинглашида бу нарса яққол кўзга ташланади), яъни ўз олдига кўйилган психологик установвка («Мен бир бўйиснинг каттасиман, ўзимни шунга яраша тутишим керак!»)га амал қилишга мажбур. Табиатига зид вазифани улдалаш, равшанки, ундан муайян руҳий зўриқишини талаб қиласди. Демак, унинг Мирёқуб билан бўлганида «суюлиб» кетиши бежиз эмас, зеро, факат ўшандагина у ўз стихиясида яшайди, руҳий зўриқишдан бўшалади.

Акбари одамлар билан муомала қилишга, керакли гапни ўрнида ишлатишга қобил эмас, у амалдор одамнинг муҳим атрубути — «дипломатлик» сифатларидан маҳрум. Шу жиҳатдан бир эпизодни кузатайлик: «Мингбоши одатда хотинларига калта гапирав, улар билан эзилиб ўтиришни ўз эркаклик шаънига сифдиролмас эди...

— Холматникига келган шаҳарлик меҳмонларни чақиририб яхши бир зиёфат қилинглар,- деди у.- Шаҳардан келиб Холматнинг қуруқ нонини еб кетса яхши эмас!

Сўнгра Хадичахоннинг жавоб беришини кутиб ўтирмасданоқ:

— Овқатинг нима бўлди?- деб сўради.- Жадаллат! Қорин оч».

Хадичахонга бу топшириқни беришдан илгари Акбари «Каттанинг рашки келмас-а? деб сўраганини эсласак, мингбошининг шу лаҳзадаги ҳолати қандай бўлганини, оз бўлса-да хижолатдан, андишадан ҳоли эмаслигини англаш қийин эмас. Кейин, бунақа гаплар сал сийпалаб, эвини қилиб айтилиши жоиз, мингбошининг эса бунга уқуви йўқ — томдан тараша тушгандай тўғрисини айтди-қўйди. Топган важ корсони ўзига ҳам маъқул келмагани, «каттаси»нинг олдида қовун туширганини англаганидан гапни тез бурадики, бундаги зарда оҳанги очиқ сезилиб туради. Худди шу эпизоднинг давоми кузатиб, Хадичахон «меҳмонлар бизницида» дегач, мингбошининг хатти-ҳаракатига эътибор берайлик:

« - Яхши, яхши.

Бироздан сўнг яна такрор қилди:

-Яхши... Яхши...

-Ашулачиси борми, йўқми? – деб сўради».

Акбаралининг биринчи бор маъқуллаши ишнинг ўз-ўзидан пишиб турганига кувонганини кўрсатса, кейингиси буткул бошқа маънони билдиради. Унинг бироз тўхталиб қолганидан сезамизки, мақсадини айтиш учун жўялироқ гап қидирмоқда. Вақт тифиз, мияси зўриқиб ишляпти, демакки, кейинги «Яхши... Яхши...» дегани беҳуш одамнинг алаҳлаши мисоли — ғайришуурый тарзда юз бермоқда. Қанча уринмасин, фаҳмига бир нарса келмади, шу боис ҳам очиқласига «Ашулачиси борми, йўқми?» дейдики, бундан ҳам ўзига аччик қилган одамнинг зардаси сезилиб туради.

Акбаралининг характеристига хос бундай хусусиятни бошқа бир ўринда ҳам кузатамиз. Қумариқ воқеаларидан кейин у Ёдгорхўжага ётиғи билан гапирмоқчи эди чунки бу «оғзи катта бой»га ҳаммага қилган муомаласини қилиб бўлмаслигини англаб

етган. Шу боис ҳам Акбарали Ёдгорхўжанинг аюханнос солишига (хабар етказган Али лайлак йўл куйи «қайраб» келганига ҳам) қарамасдан, бошда ўзини босишга тиришади: «Шовқин солманг, бой. Кулғимиз бор». Ёдгорхўжа инсофга келмагач, мингбоши ҳам тутақади: «Олиб бор, баччағарни! Қамаб қўй!»- дея бакиради. Қаҳрамоннинг икки хил шароитда — оиласда ва хизматда бирдай ҳаракат қилиши унинг характер сифатида изчил бутунликда кўрсатилганидан далолат беради. Биринчи ҳолатда унинг жаҳллангани шаҳсий имкониятлари билан эгаллаган мавқеи орасидаги тафовутдан келиб чиқкан, шу боис ҳам унинг зардаси ўзига қаратилган деб айтдик. Иккинчи ҳолатда-чи?

Акбарали жаҳлланган эпизодлар кузатилса, унинг қанча тез жаҳлланмасин, шунчалик тез совишини кўриш мумкин: Чўлпон айтмоқчи, жаҳлланганда «дарранда»га айланадиган бу одам кўп ўтмай «сувга тушган мушукдай» бўшашиб қолади. Халқимизда «ожаҳл келса, ақл қочар» деган доно мақол бор. Жаҳлланган одамнинг жаҳлини чиқарган объектга нисбатан агрессив кайфиятда бўлишию оқибати хунук иш қилиб қўйиши мумкинлигини кўравериб кўзи пишган халқ тўқиган буни. Акбаралида эса бу жараён ўзгачароқ кечади: у бўғилади, ич-этини ейди, Мирёқубни йўқлади — вассалом, жаҳл уни ҳаракатга бошламайди. Қаҳрамон феълидаги бу ўзига хослик, фикримизча, унинг эгаллаган мавқеига ўзи берган баҳо ва реал аҳвол орасидаги тафовутдан келиб чиқади. Акбарали ҳали мингбошиликни орзулаб юрган вақтда бу лавозим унинг наздида жуда улуғ мартаба бўлиб кўрингани табиий, чунки унинг тасаввuri тобе одам позициясидан туриб ҳосил қилинган. Ўн уч йил мингбошилик фаолияти давомида бу тасаввурни инкор қилувчи қатор далилларга дуч келгани ҳам раshan, лекин уларни таҳлил қилиб мавқеига реал баҳо беришдан у ожиз. Демак, унинг онгига бир вақтнинг ўзида эски тасаввур ва уни инкор этувчи узук-юлук далил-хотиралар яшайди. Булардан биринчиси устун эканлигидан мингбоши ўта иззатталаб, ўзига қарши ҳар қандай ҳаракатни, итоатсизликни файритабиий нарса деб тушунади. Газетада уриб иққанларидан кейин Мирёқуб «Нима қилардингиз: тиши тишига қўясиз, хўжайн!» деганида Акбарали «Тишимни тишимга қўядиган ҳезлардан бўладиган бўлсам, ма, ол, бу шоп-шалопларингни!» деб сапчиб кетадики, унинг амали ҳақидаги тасаввuri қандайлигини сезиш қийин эмас. Иккаловининг ўртасида сал илгарироқ кечган гапларга дикқат қилайлик:

«— Йўқ, шошма, мен нойиб тўранинг ёнларига бораман. «Иложини қилинг, ўзингиз айтгансиз», дейман. Қани йўқ десин-чи!

— Йўқ дейишдан кўрқармиди? Йўқ, дейди, тониб тураберади...

— Нега ахир? Нега?

— Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди?

— Тонганига қўяманми?

— Нима қилардингиз? Урармидингиз?

— Уриб бўладими?

— Нима қилардингиз?

Мингбоши жим бўлди, бир қўлини чаккасига олиб бориб бошини қашларди...»

Мингбошининг шаштидан тушиши, кўриб турганимиздек, сухбатдошининг унга реал аҳволни англатиши баробари юз бермоқда. Худди шундай ҳолни уни шикоятчи бойлардан жаҳлланганида ҳам, Мирёқубнинг юзига газетани улоқтирганида ҳам кузатишимиш мумкин. Фикримизча, ёзувчининг ўткир нигохи қаҳрамон психикасининг ўзига хос бу жиҳатини жуда тўғри ва нозик илғаб олган. Қаҳрамоннинг ақлий имкониятларини назарда тутсак, бунақа одамнинг онгида фактлар алоҳида инфомация шаклидагина мавжудлигини, абстрактлашиш даражаси паст хотира буларни фақат эслатилгандагина юзага чиқаришини билиш қийин эмас. Характернинг хатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан асослангани, унинг фақат ички мантиқдан келиб чиқиши, бир тарафдан, ёзувчи маҳоратини, иккинчи тарафдан, унинг ҳиссиётига берилмасдан, тасвирда холис бўлишига интилганини кўрсатади.

Мингбошининг аҳволга реал баҳо бериши Мирёқуб йўқлигига бошланади, чунки у энди ўзи ҳаракат қилишга, шундай экан, истаса-истамаса ўйлашга ва муайян қарор қабул қилишга мажбур. Қумариқдаги тўполонни тинчтиши учун йўлга чиққан Акбарали кўпроқ атрофдаги ғанимларига ўзини бир кўрсатиб қўйиш ҳақида ўйлади, лекин манзилга етгач, ишнинг анча жиддийлигини, «ичидангина қайнаб ётган» самовар тошганини, юртнинг нечоғли катта куч эканини ҳис қиласди. Унинг қайтиш чоғидаги ўйлари: «Келишим чакки бўлмади! Фақат натижа? Натижа нима бўлди? Нимага эришдим? Нимани бажардим?»- ўз мавқеи тўғрисида илк бор жиддий бош қотириши. Мингбоши Ёдгорхўжани қамаб қўйгани билан унинг эрта-индин қутулиб чиқишини, «яrim пошшо»гача боришини яхши билади. Бу нарса уни ўзи тўла англамаган, англашни истамаган ҳақиқатни тан олишга мажбур қиласди: «Битта оғзи катта бойга кучим етмаса бу шоп-шалопларни нега тақдим денг? О, пули тушгур-эй! Амалдан ҳам кучли экан-а?»

Эътибор берилса, мингбошининг қарама-карши ҳислар исканжасида эканини сезиш мумкин: бир томондан, қилган иши ҳеч бир натижа бермаслигини, боз устига, бошига ортиқча ғавғолар солишини ўйлаб ташвишда; иккинчи томондан, ўзи қилган ишдан қоникиш ҳиссини туяди. Муайян вақт мобайнида иккинчи ҳис устунроқ, чунки у юрт сўраб адл қилди, одамларнинг миннатдорлигини туйди, «бу шоп-шалопларни нега тақдим?» деган саволга жавоб топгандай бўлди. Унинг ташвишли ўйларини енгиб, «Қани йигитлар, шўхроқ ашуладан бўлсин!» дегани юқоридаги фикримизни далиллайди. Лекин ундаги мазкур ҳолат узоқ давом этмайди, чунки Акбарали ўзини амалсиз тасаввур қилолмайди, астойдил ташвишга тушгани учун ҳам «Ёдгорхўжани қамоқдан бўшатиш ҳақидаги фармон» билан икки йигитни орқага қайтаради. Эртаси кун нойиб тўра ҳузурида юртни ёқлаб адолатдан гап очгани ўз бошига тушган адолатсизликдан: Ёдгорхожанинг айбдорлигию юртнинг ҳаклигини айтиш билан у амалини сақлаб қолмоқчи бўлганди — адашди. Эҳтимол нойиб тўра бунгача Акбаралини ҳимоя қилишни ўйлаган ҳамдир. Энди эса ўзлари учун унинг амалдор сифатида «ўлганини» тушунди. Зеро, юртни ўйлайдиган, юртнинг ғамини ейдиган амалдор ҳеч қачон ҳеч бир мустамлакачига керак бўлмаган, керак бўлмайди ҳам.

Кўпчилигимизнинг тасаввуримизда «у замонлар мусулмонобод» бўлгани учун Акбаралининг фосиқлиги, «бетовфиқ», «бенамоз»лиги эриш туюлса, ёзувчи мазкур ўринларда ошириб юборгандай кўринса, эҳтимол. Бу фикрга қўшилмоқчи бўлсак, яна реалликка мурожаат қилишимизга, баски, Акбаралини ўз ҳаёти — асар воқелигидан узиб олиб талқин қилишимизга тўғри келур эди. Шу боис ҳам бу йўлдан бормай, Чўлпон қаҳрамонинг оиласий-маиший ҳаёти тасвирида ҳам характер мантиқидан, у шаклланган шарт-шароитлардан келиб чиққанини кўрсатишга ҳаракат қиласиз.

Ёзувчи Акбаралини ўқувчига таништирас экан, Мирёқуб тилидан «унинг — ёши анчага бориб қолганда бундай хотинпараст бўлиб кетишига шу фарзанд хусусидаги ноумидлик сабаб бўлмадимикан?» деган саволни берадики, бу қаҳрамонни тушуниш учун ишорадай гап. Мингбошини ичидангина кемириб ётган дард Нойиб тўраникida меҳмонда эканида сиртга чиқади: «... нойибнинг онаси ўз неварасини олиб кириб қолди. У - тилла сочли, тарвуздай думалоқ, ўзи лўптигина ва оппоқ момиқдай бир бола эди. Мингбоши болани дарҳол қўлига олди ва, ўз ақидасича, «кофир»нинг ва «ўрис»нинг боласи эканига қарамай, маҳкам бағрига босиб ўпди... Бола мингбошининг башарасидан қўрқган бўлса керак, жон аччиғида йифлай бошлади. Болани олиб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг мингбоши бир-бир устин қўйиб ича берди, ича берди, ича берди...» Кўриниб турибдики, мингбоши бир инсон сифатида ўртанади, орттирган давлати кимларга қолишини ўйлаб куяди. Акбаралининг «айниши»га яна бир сабаб — унинг оиласида бахт топа олмагани, тўғрироғи, оиласий бахтни қўлдан чиқаргани. Хадичахоннинг кундошига қилган икрорини эслайлик: «Менинг хеч бир нолийдиган жойим йўқ эди. Толеимдан хафа эмасидим». Бу гапларни айтиётган аёл худди эртак сўйлаётгандек, узоқ ўтмишдаги нарсаларни эслатаётгандек гапирадики, «толеидан нолимаслиги» узоқ давом этмаганини сезиш мумкин. Хадичахон икрорида яна ҳам чуқурлашиб, «Энахоннинг келинбибисига рашким келади... Давлат асари йўқ. Рўзғорлари зўрға ўтади. Қўзичноқдай икки боласи бор. Эри ҳамиша ёнида...» деган гапларидан кўп нарсаларни илғаб олиш мумкин. Акбарали ўзининг бош мақсади — баланд мавқега интилиш ва бойлик оттиришга муккасидан кетиб, оилага эътибрни сусайтирган кўринади. Натижা эса маълум: оиласдан меҳр кўтарилган, зеро, «меҳр кўзда», дейдилар. Бошқа ташвишларга андармон бўлиб юрган мингбоши у вактда бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган. Хадичахон эса, аксинча, изтироб чеккан. Эҳтимол, унинг ҳиёнат томон қадам ташлаши, Акбаралининг «баъзида ўзи ёлғиз қолиб меҳмонхонага беркинганида ва хатто ўз соясининг ҳам эшитмоқ эҳтимоли қолмаганда: «бу киз ҳам бошқадан бўлмасин...» деб кўйиши ҳам юқоридаги сабаб билан изоҳланса мумкин. Бузоқнинг юргани самонхонагача: Акбарали бойлигу мавқега эга бўлди, кўрадики, бундан ортиқ бўладиган эмас. Шундагина у шахсий ҳаёти ҳакида ўйлай бошлагани, меҳрга ташна бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Оиласдан бу ташниаликни қондиролмагач, иккинчи хотинга ўйланган бўлса, эҳтимол. Лекин мингбоши бу билан тўхтамайди, яна ва яна уйланади. Нега? Бу саволга жавоб бериш учун Хадичахон билан Пошшахоннинг тўйдан кейинги гапларига эътибор қиласиз:

« — Куёвингизни бугунча киргизмай турсак,- деди Пошшахон.- Эртага Зебихонни алдаб-сулдаб йўлга солардик... Кейин олиб кириб қўйсак, ундан нарисини эркак киши ўзи эплаб оларди...

— О-в-в...- деди Хадичахон.- Кошки, эп деган нарса бўлса куёвда...»

Шарқона удумларимизга зид бўлса-да, айтамиз: кундошларнинг гапларига кўра, Акбаралининг физиологик имкониятлари жудайла ошиб кетган эмас. Агар у ўзини билганида, Хадичахон билан тинч-тотув умр кечириши, кимчиликларини меҳру оқибат хисобига тўлатиши мумкин бўларди. Лекин, юқорида кўрганимиздек, ўзига ортиқча баҳо бериш Акбарилинг табиатига сингиб кетган. Мазкур масалада ҳам унниг ўзига берган баҳоси билан реал аҳвол орасида тавофут мавжуд. Бу баҳони ўзи ва бошқалар наздида тасдиқлаб олиш (психологияда «самоутверждение» истилоҳи қўлланади) учун қайта-қайта уйланади, бузуклик кўchasига киради.

Акбарали интилганки нарса бўлса — барига эришди, лекин баҳтли бўлолмади. Ҳаётидан қониқмаслик ҳисси — гарчи стихияли, идрок тарозисига солинмаган бўлса ҳам — уни мудом таъқиб қиласди. У ўз ҳаётидан безган, шу боис ҳам гоҳ хотинларини» газетчи даюсга икки қўллаб» тутмоқчи, гоҳ «Э, катталиги қурсин! Керак бўлса олинг шу катталигини!» дея амалини Ҳасановга тутмоқчи бўлади. На ичкилик ва на бузуклик уннинг кўнглини тўлдиради: «Зериқдим буларингдан... Кўнглимга урди. Юр, кетайлик!»-дея фоҳишахонада Мирёқубга ялинганнамо гапириши ҳам шундан. Акбарали ҳаётида недир бўшлиқ борлигини, уни тўлатиш зарурлигини ҳис қиласдию, ўзига нима етишмаётганини идрок килолмайди. Шу боис ҳам уннинг Зебини севиб колгандай бўлгани, у ҳақда: «Мен у қизга қиз деб, хотин деб талабгор бўлсан экан...» - дейиши табиийдек кўринади бизга. Зеби то ўзи ихтиёрий-мажбурий таслим бўлмагунича мингбошининг ўзини рисоладагидек тутгани, кейин эса бутунлай ўзгаргани ҳам юқоридаги сўzlари самимий бўлганини тасдиқлайди. Айтмоқчимизки, Акбаралининг паймонаси илгарироқ тўлган, чўкаётган одам чўпга осилганидек Зебига талпинган, ўзи чўккани етмагнидек бир бокира вужудни ҳам тортиб кетган.

Албатта, Акбарали шахс сифатида ҳам, амалдор сифатида ҳам нафратга лойик. Муаллиф ҳам унга муносабатини яширмайди, лекин уннинг нафрати охир-оқибатда акбаралиларни келтириб чиқарган муҳитга қаратилади. Адид тасвирида холис бўлишга интилгани учун ҳам мазкур образда типик ва индивидуал хусусиятларни уйғун бириктира олганки, бу образнинг тўлақонли характер эканидан далолат бериб, ундаги схематизмга мойиллик ҳақидаги даъвомиз зарагига гувоҳлик беради.

Муаллифнинг қаҳрамонга муносабати, табиийки, нейтрал бўлиши мумкин эмас. умуман, буни талаб қилиш ҳам нотўғри бўлур эди, зеро, ёзувчи ҳам бир инсон сифатида кимнидир сўйишга, кимдандир нафратланишга ҳақли. Бу ўринда талаб қилиниши мумкин бўлган биргина нарса — меъёр, токи: биринчидан, муаллифнинг муносабати қаҳрамон ички мантиқига зид ҳолатларни келтириб чиқармасин; иккинчидан, ўкувчи қаҳрамонни четдан холис кузатиб, унга ўзи ўз баҳосини бера олсин. Акбарали образи талқинида, муаллиф муносабати нечоғли ошкор бўлмасин, меъёр сақланган, Раззоқ сўфи образи

талқинида эса, фикримизча, меъёр бирмунча бузилган. Бу нарса ёзувчи қаҳрамонини илк бор ўқувчига тақдим қилганидаёқ юз беради:

«Кече ва кундуз»ни шавқ билан ўқий бошлаган китобхон адибнинг баҳорий хуш кайфиятини ўзига эндиғина юқтириб, қизларнинг завқига берилганидан оламни унугаётганида Раззоқ сўфининг дағдағасидан шошиб қолади:

«— Нима бу қиёмат!!!»

Адиб китобхон қаршисига «эшик олдида гезариб-бўзариб турган» сўфини келтириб (бамисоли кўргазмали қуролдай) кўяди-да, ўзи хотиржам унинг таърифига берилади. Қўлланган усул ёзувчи муносабатини ўқувчига юқтиради: нурли ҳисларга тўлиб тошган китобхон кўнглига бир хираки инади — унда Раззоқ сўфига нисбатан **антипатия** ҳосил бўлади. Бу илк таассурот муаллиф таърифи билан тўлатилиб, қаҳрамон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилинадики, у нурли чизгилардан тамомила маҳрум. Фикримизча, Ҷўлпоннинг қаҳрамонига бу хил муносабатини психологик жиҳатдан икки турли сабаб билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, у Раззоқ сўфи қиёфасида юрак қони билан чизгани — Зеби фожеасининг бош айборини кўради; иккинчидан, ёзувчининг муайян ижтимоий-тарихий шароитида шаклланган диндорларга муносабати. Бу хил муносабат натижасида эса, бизнингча, образни ўқувчи томонидан қабул қилиш жараёниниг бирёклама ўзанга тушиб қолиш хавфи ортади. Танқидчи Р.Отаевнинг Раззоқ сўфини «ночор-ноилож сўфига айланган ўғрилар тоифасини характерлаб келади»<sup>1</sup> ган, «бир пайтдаги қилмишлари жазосини тортиб ётган»<sup>1</sup> одам сифатида талқин қилишида ҳам, тахминимизча, шу нарсанинг таъсири йўқ эмас. Муаллиф муносабати таъсирига берилмасдан мулоҳаза юритилса, қаҳрамон ҳаёти ўзгачароқ тусда намоён бўлади. Аввало, Раззоқ сўфининг туғилган юртини ташлаб шаҳарга келиб қолгани, эндиликда кетишга кўнмаётганининг сабабларини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Сўфининг қишлоқдан келган акаси билан сухбатига разм солинса, у туриш-турмушидан буткул розидай туюлади: «Э-э, -деди сўфи чўзиб ва ўзидан хурсанд бир кулимсираш билан кулимсиради,- менинг давлатим хеч кида йўқ, aka! Эшонбобом худойимнинг суйган қули: нозу неъмат тўрт тарафдан оқиб келади. Дарё бўйидамизу, чанқаймизми? Ғалати экансиз!» Сўфининг гап оҳангига, кулимсирашларида маълум даражада сунъийлик, ясамалик бор, лекин буни айни пайтда илғаб олиш қийин, шу боис ҳам мазкур эпизодга мавриди билан яна қайтамиз. Укасини қишлоққа қайтариш ниятидан қайтмаган aka кейинги сухбатда уни «Ватанини билмасликда» айблади:

«— Жаҳлингиз чиқмасин. Билиб гапираёттирман. Ватанингиз ота-онангиз ўтган, ўз киндингиздан қон тўкилган, ота-она арвойига шам ёқиладиган жой эмасми?»

Сўфи жим қолди. Ҳатто, кўзларига ёш келгандай бўлди». Ҷўлпон қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ташқи белгилар — «жим қолиш» ва «кўзга ёш олиш» — орқали кўрсатади. Бироқ гапнинг стилистик қурилиши («Ҳатто, кўзларига ёш келгандай бўлди») холисликка путур етказади, ўқувчининг қаҳрамон руҳий ҳолатини тушунишига ҳалал беради. «Жим

<sup>1</sup> Р.Отаев. Тонг юлдوزи шуълалари. «Шарқ юлдози», 1989, I сон.

қолган» сўфи нималарни ўйлаётгани қоронғу, лекин она юртидан айро тушганига у осонликча кўнмаганини, дилида шунинг армони борлигини англаш қийин эмас. Шундай экан, нега у акасининг таклифига қўнақолмайди? Суҳбатнинг давомини кузатамиз:

«— Ердан азиз ҳеч нарса йўқ! Отамиз раҳматлик, боболарииз, ундан наридагилар — ҳамаси бир шапалоқ ердан ризқини чиқариб келган... Ростми?

Сўфи эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Рост...- деди.

— Сиз нега ердан қочасиз?

Сўфи бу тўғри саволга жавоб эплаёлмади (яъни, бунгача «эплаган» - Д.К.):

— Ер қани менга?- деди.- Бир шапалоқ ерингиз бор, ўзингизга етмайди...»

Кўрамизки, сўфи акасининг гапларига бефарқ қаролмайди, унинг «ер қани менга?» деган хитобида алам, ўқинч, изтироб зухур қиласди. Сўфининг, «ноумид — шайтон, боумид — инсон» ақидасига амал қилиши лозим кишининг, бунчалар умидсиз бўлишининг боиси нима? Бизнингча, бу нарса энг аввал ижтимоий-иктисодий аҳвол билан изоҳланади. Модомики, роман воқеалари Фарғона водийсида кечаётган экан, Фарғона дехқонларининг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Аҳоли зичлиги билан боғлик мазкур минтақадаги ер танқислиги чор мустамлака сиёсати туфайли янада кескинлашади. Андижон кўзғолонидан(1898) кейин бошланиб, Столипин аграр реформаси даврида авж олган рус дехқонларини кўчириб келтириш оқибати шу бўлдики, 1911 йилга келиб водийда 25 минг десятинадан зиёд майдонни эгаллаган 28 рус қишлоғи бор эди. Гарчи келгинди рус дехқонларига энг яхши ерлар ажратиб берилса-да, бу нарса ер танқислигининг асосий сабаби эмас эди. Пахтачиликка ихтисослашув қишлоққа капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини олиб кирди, иктисодий ракобатда мминглаб дехқон хўжаликлари синди: 1910 йилдаёқ фарғона дехқонларининг 30 фоизи ерсиз қолган эди<sup>1</sup>. Ерсиз дехқоннинг ер олиши ақлга сиғмас, чунки «Андижон, Хўжанд атрофида бир десятин ернинг ҳаққи 2 минг, ҳатто 3 минг сўмларга етса ҳам, сотиладиган ер ҳар вақт топилиб турмайдир<sup>2</sup>». Сўфининг «ер қани менга?» деган аламли хитоби шундан. Эътиroz туғилиши мумкин: акаси «ер бор» деса ҳам, сўфи кўнмади-ку? Тўғри, лекин бунинг ҳам асоси йўқ эмас: «1914 йил маълумотларига кўра Фарғона 90-100 млн.сўмлик пахта берарди... Фарғона дехқонларининг банклардан қарзи 60 млн. сўмни ташкил қиласди<sup>3</sup>». Кўринадики, пахта етиштириш ортгани баробари дехқонлар қарзга ботиб борар, уларнинг машаққатли меҳнатлари хузурини рус ва чет эл корчалонлари кўрар эдилар. Бунга биринчи жаҳон уруши йилларида (роман воқеалари шу даврга тўғри келади) пахтага бўлган талаб ортганини, унинг нархи юқоридан қатъий белгилангани ҳолда озиқ-овқат, саноат молларининг нархи бир неча баробар кўтарилганини қўшсак, сўфининг иссиқ жойини совутмасликка тиришиши табиий кўринади. Илк мақолаларидан бирини зироат ва дехқончилик муаммоларига бағишлаган Чўлпон булардан жуда яхши хабардор бўлган. У сўфи тақдирини кўрсатиш орқали сўфиларни келтириб чиқарган (Акбарали

<sup>1</sup> Валиев А.Х. Положение дехканства Ферганы в к. XIX-н. XX века. Т., 1958. С.15,28.

<sup>2</sup> «Садои Фарғона», 1914; 25 апрель.

образи талқинида кузатилган тенденция) тузумга, мухитта нафратини ифодалаган, лекин ёзувчининг қаҳрамонга эмоционал муносабати асосида шаклланган антипатия буни илғаб олишга бирмунча халал беради.

Сўфининг акаси айтган таклифга кўнмаганинг иккинчи, соф психологик сабаби ҳам бор:

«— Мен сизни ўша қишлоққа олиб кетай деб келдим. Сиз, ахир, мен билан бир шапалоқ ерни талашиб, шу тўғрида нари-бери бўлишиб, шу туфайли шаҳарга келиб қолган эдингиз...

Сўфи хўрсинганидан овози қалтираб деди:

— Эски гапларни қўзиб нима қиласиз? Бўлар иш бўлиб ўтди... Ери ҳам қурсин, мероси ҳам...»(30)

Сўфининг ота юритидан айрилиб шаҳарга келиб қолиши, эшонбобонинг қўлига, хотинининг оғзига (ўз наздида) қараб яشاшига сабаб бўлган можарони эслашга тоқати йўқ: ўз аҳволидан эзилиб яшаган бу одам ўзини «баҳтлиман» дея аранг кўндирганида дардини янгилашдан қўрқади. Боз устига, у ҳаётининг бундай изга тушишида акасини айбли санайди, бунга ўзича ҳақли ҳам. Юқорида унинг акасига айтаётган гапларида, ўзини тутишларида ясамалик борлигини қайд қилган эдикки, бунинг туб сабаблари шу нарса билан изоҳланади. Сўфининг акасига «менинг давлатим ҳеч кимда йўқ!» дегани унга сир бергиси келмаётганидан («Ўлиб қолмадим, мана, юрибман бинойидек!»), уни куйдирмоқчи бўлганидан («Кўриб қўй!») деб тушунилса тўғрироқ бўлади. Эҳтимол, акаси кариганида жигари билан бирга бўлиш истагида ҳаракат қилаётгандир, лекин сўфи буни «дастмоя ва одамдан қийналаётгани»дан деб тушунади. Шундай экан, сўфининг бирдан тўнини тескари кийиб олиши ҳам «Энди керак бўлиб қолдимми?» деган аччиқнинг ифодаси сифатида тушунилса, ҳақиқатга яқин келади.

Албатта, сўфи белини оғритмай нон ейишга ўрганиб қолгани учун ҳам қишлоққа қайтишни истамайди. Лекин юқоридаги мулоҳазадан келиб чиқсан, қаҳрамоннинг акаси айтган таклифга кўнмаганини унинг танбаллиги билан, сўфилигини «ўғри қариса сўфи бўлади» деган нақл билангина изоҳлаб бўлмаслиги равshan бўлиб қолади. Бизнингча, кўзга лоп этиб ташланадиган бу сабаб(танбаллик)ни адиб шўро замонида етишган «қизил кўзойнак»ли ўкувчилар, тирноқ остидан кир қидирувчи мунаққидлар учунгина келтиради. Келтиради-да, ўзи дехқон боласи бўлмиш Рazzоқ сўфи тақдиридаги бурилишнинг чукур илдизларини қўришга интилади ва бунга эришади ҳам.

Сўфи қачонлардир акаси билан ер талашиб шаҳарга — қайнотасидан қолган жойга келиб қолган. Унинг оиласида ўзини тутиши, хотинига ва, умуман, аёл зотига муносабати шу нарса — «ичкуёв»га яқин ҳолатда яшаши билан изоҳланиши мумкин. Ҳар хил таъналарнинг олдини олиш, «бошимга чиқиб олмасин» деган ўйда бошданоқ Курвонбиини тупроққа teng тутган. Боз устига, норизо бўлишга асослари етарли Курвонбиби сал «ҳадди»дан ошса, «Бу ҳовли-жой отангдан қолгани учун ўзимники дейсанми, ё?» деб ғазаблайдики, бу билан хотинининг хўп юрагини олган. Сўфи умрини

---

<sup>3</sup> Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 11916 года в Узбекистане. М., 1972. С.23.

асосан ҳонақохда ўтказади, уйида бўлганида эса ўзи билан ўзи андармон. Чамаси, авваллари у хотини билан ёзилиб, дилдан гаплашмаслик учунгина шундай қилган — «сир бериб» қўйишдан чўчиган. Бора-бора бу нарса одатга айланган. Айни шу қўркув сўфидаги мазкур феълнинг сабабларидан бири бўлса, иккинчиси — ҳаётдаги омадсизлиги учун ўзидан ожизроқ кимсалардан ўч олиш истаги (компенсация) билан боғлиқдир. Қизиги шундаки, сўфининг ўзи ҳам буни тан олгиси келмайди, ўзини қониқтирадиган сабаб ўйлаб топади-да, шунга амал қиласди гўё: «Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст маҳлук олдида хор қилинадими?» Тушуниш мумкинки, бу — Раззок сўфи онгига ўрнашган «қўркув»га қарши ўзига хос ҳимоя реакцияси, юқоридагича шароитда яшаган сўфидай феъли тор одам учун, турган гапки,— зарурат. Демак, гарчи унинг ўзи «Бу оғиз ҳамма вақт худонинг зикрига очилади» деб даъво қилас-да, хотинларга паст назар билан қарashi диндорлигига мутлақо алоқадор эмас.

Тақдир тақозоси билан шаҳарга келиб қолган ерсиз, хунарсиз сўфи эшонбобонинг этагидан маҳкам тутган, унинг орқасидан тирикчилиги ўтади. Натижада у эшонбобога буткул қарам, белини оғритмай нон ейишга ўрганиб қолгани бу қарамликни чандон оширади. Сўфи фожеасининг асосий сабаби — унинг, ўзи айтмоқчи, омилигига. Тўғри, у саводсиз эмас — туркийни ўқиёдиди, лекин шариат қонунлари асосланган «Қуръон»ни мустақил ўқиб ўқишдан ожиз, шу боис ҳам эшонбобо етовидаги бузоққа айланган қолган. Улуғ мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавий ҳазратлари:

Тариқатга шариатсиз кирганларни  
Шайтон келиб иймонини олур эмиш...-

деганларида Раззок сўфига ўхшаган одамларни назарда тутган бўлса, эҳтимол. Сўфининг кўр-кўрона, ўзи дуруст англаб етмаган эътиқоди унинг учун ҳали ҳаёт дастурига, кундалик эҳтиёжга айланган эмас. Шу боис ҳам у намозгарни «аксари уйқуга курбон қиласди», «худо беради» деб умидвор бўлгани ҳолда, хунарнинг фарзлиги ҳакида эшитишни ҳам истамайди — эътиқодини ўзига мослаштириб олган. Ёруғ дунёда рўшнолик кўрмаган бу одам охиратдан умидвор, лекин бунинг учун эзгу ишлар қилиш лозимлигини ўйламайди — бутун илинжи эшонбободан, унинг этагидан маҳкам тутиб сиротдан ўтиб кетмоқни умид қиласди.

Сўфи мингбоши совчилари хусусидаги илк сухбатда хотинига: «Ўша бетовфик, берамозга қиз бераманми, қалай?»-дейди. Бу гап замиридаги болаларча ўзидан мамнунлик нимадан озикланади? Акбаралининг «бетофик», «берамоз» экани элга аён, бу ҳақда ҳонақохда гап борган бўлиши, эҳтимол эшонбобонинг ўзи гапирган бўлиши ҳақиқатдан йироқ тушмайди. Шундай экан, эшонбобога чин дилдан ихлос қўйган, ўз кўнглида диёнатли мусулмон Раззок ўфининг Акбаралидай фосиқ кимсадан ҳазар қилиши табиий. Бизнингча, сўфи мингбоши совчиларига рад жавоби бераркан («Ишқилиб мингбоши билан куда бўладиган жойим йўқлигини яхши билишди...»), эшонбобо бу ишимни маъқуллайди, деб қаттиқ ишонган, шунинг учун ҳам хотини билан сухбатда ўзини тутиши тубандагича:

«-Сиз нима дедингиз, сиз?»- деб сўради кампир. Унинг бу саволидан очик бир безовталик сезиларди: «Бу сўфи ўлгур унаб қўймадимилик!»

Раззоқ сўфи индамасдан мийигида кулимсираб турарди. Бу кулимсирашда бир муғамбирлик асари, «мен бўламану индамай қоламанми» деган ифодалар бориди... Кулимсираш билан яна ҳам хунукроқ кепатага кирган башарасини кампир томон кўтариб туриб:

— Ўша бетовфиқ, бенамозга қиз бераманми, қалай?- деди»

Сўфининг ўзини тутишидан яққол сезилиб турган «биз ҳам чакана одам эмас» деган ифодалар бошқаларга кўз-кўзлаш учунгина эмас, аввало, унинг ўзи учун керак. Бечораҳол умр кечирган, шу чоққача на оиласи ва на эл-юрт олдида ўзининг ҳам ОДАМ эканини намоён қиломаган сўфи эҳтимолки ҳаётида илк дафъя ўзини бошқаларга тенг кўриб, кўнгли тоғдай ўсиб ўтиргандир?! Мингбошига рад жавоби бериш билан эл-юрт наздида, эшонбобо наздида бир поғона кўтарилишни; «жуда-а сўфи, иймони бут одам» номини олишни ҳам ўйлаган. Тўғри, бу — бориб турган худбинлик, лекин сўфининг ҳаёт йўлини назарда тутилса, унинг бу ҳолатини тушуниш мумкин бўлади. Сал қуйироқда Ҷўлпон ёзади: «Раззоқ сўфининг беҳуда тақводорликка суюнган сўзлари ва Қурвонбибининг қайта-қайта ишонтиришлари или Зебининг кўнгли бир қадар тинчланди». Сўфиниг сўзлари чиндан ҳам беҳуда тақводорликка суюнадими? Бизнингча, йўқ! Раззоқ сўфи, совчилар Акбарали ҳақида сўз очганларида, унинг учта хотини борлигини ҳам, кексалигини ҳам, бадбашаралигини ҳам ўйлаган эмас, хаёлига келгани — мингбошининг «бетовфиқ, бенамоз» экани, холос. Шу боис ҳам совчиларга берган андак мужмал жавобини қизи борнинг нозига йўйиб бўлмайди. Шу ўринда Солиҳ маҳдумни эслаш жоиз. Маҳдум қизини нафси йўлида қурбон қилишга шай эди, шунинг учун ҳам А.Қодирий унинг характеристидаги очкўзлик, хасислик жиҳатларини бўрттирган. Раззоқ сўфи эса Зебини жоҳиллиги орқасида қурбон қиласи. Маҳдумдан фарқ қиласоқ, у, бизнингча,— очкўз эмас, худонинг берганига шукур қиласиган банда бўлиши ҳақиқатга якироқ. Бундай дейишимизнинг боиси — сўфининг эшонбобога мурид экани. Албатта, сўфийлик таълимоти ҳам, уни ташувчилар маънавияти ҳам аввалги асрлардагидек эмасди, лекин эшонбобо бу маслак аосларидан бир зуҳд экани, зоҳид киши «маълум миқдордаги емок, ичмоқ, киймоқдан ортиқ дунё лаззатига, айш-ишратга, зеб-зийнатга эътибор бермаслиги»<sup>1</sup> лозимлигини муридларга уқтирган бўлиши табиий. Сўфи учун эшонбобонинг сўзи қонун, шундай экан, у лоақал қўрққанидан қизини мол учун сотиш хаёлига бормаслиги керак. Тўй тадориги бошланиб, мингбошиникидан келган мол-дунёни кўргач, сўфи ўзгаради. Ҷўлпон қаҳрамонининг бу ҳолатини тасвирлаб ёзади: «...ёнидан битта ўн сўмлик қоғоз олди, уни бармоқлари орасида увиб, шир-шираган овоз чиқарди, ундан кейин юзларида шу чоққача кўрилмаган болаларча қувониш билан кампирга узатди». Муаллифнинг бу сўзлари юқоридаги фикримизни инкор қилаётгандек. Эҳтимол, лекин Зебининг мингбошига муносиб кўрилгани сўфининг очкўзлигидан эмас, яна қайтарамиз — жоҳиллигидан. Сабабки, сўфининг мол-давлатни кўриб қувониши Зеби фожеасининг сабаби эмас,—

<sup>1</sup> М.Зокиров. Тасаввуф таълимоти ҳақида.-Шарқюлдузи, 1990, №7

натижаси. Омилиги туфайли сўфи никоҳ масаласида шариат аҳкомларидан бехабар. Унинг ўйлашича, эшонбобо — «худонинг буйругини тушунадиган одам» — қизингни мингбошига бер, деб ундадими, демак, бу — мутлақо шаръий, худога хуш келадиган иш. Шаръий ишни бажариб, бунинг оркасидан умрида кўрмаган дунёга эга бўлганидан сўфи қувонади, чунки буни худонинг марҳамати сифатида қабул қиласи. Муаллиф сўфининг очкўзлигини Зеби фожеасининг бош сабаби сифатида талқин қилмоқчи бўладики, бу, фикримизча, характер мантиқига зид келади. Воқеалар ривожи ниҳоясига яқинлашгани сари характер муаллиф томонидан тайёрлаб қўйилган қолипга сифмай қолади — жонли характер етовдан бўшалиб кетади.

Сўфи эътиқодидан келиб чиқиб қизини мингбошига бермоқчи бўлмаганини айтиб ўтдик. Унинг ўзи англаб етмаган, манфаат аралашган эътиқоди пуч экани эшонбобо аралашувидан сўнг осонгина синганида кўринади: «Мен оми бўлсан, саводим бўлмаса, оқкорани танимасам, у киши мулла бўлса, забардаст бўлса, худонинг буйругини тушунса; шариатни, тариқатни сувдай билса... нима дейман?» - кўринадики, сўфи яратганга эмас (гарчи ўзи шундай деб ўйласа-да), эшонбобога сифинади. Раззоқ сўфидай одамнинг хотинига(!) ёрилишидан кўрамизки, унга ҳам осон эмас: қизига жабр қилаётганини, мингбishi унинг теги эмаслигини билганидан бўлса керакки, куйиб-ёниб гапиряпти. «Ўртоқларини чақиртир, фитна... Ўйин қулгу қилишсин... У тарафдан мен ҳам тўйни тезлатай... Тезроқ бериб қутулайлик...» - сезасизми, бу гапларда энди «бу нима қиёмат!» деда ҳайқирган одам сиёғи йўқ — у қийналиб гапиряпти. «Тезроқ бериб қутулайлик» дегани ҳам ҳар бир мўмин-мусулмонга хос гапнинг қайтариғигина эмас —«суратдай жонсизгина судралиб юрган» қизини кўриш азобидан қутулиш истагидан туғилган гап. Ўзининг айтишича, сўфи «кўп олишган», «бенамозга қиз бермайман» деган, лекин эшонбобонинг далиллари олдида ожизлик қилган — кўнган.

Сўфининг Зеби келин бўлиб тушгандан кейин шаҳардан пиёда бориши, «оппок соқоли билан кўз ёшларини оқизиб йиғлаши», «Қизим, мени мунақа шарманда қиладиган бўлсанг, илоҳим, бўйнинг тагингда қолсин, муродингга етмагин...» деда қарғашлари вужудида «мутаассиб диндор» билан «ота» курашаётганини, қаҳрамоннинг онгидаги кечиб, уни муқаррар ҳалокатга олиб келадиган ечими йўқ конфликт — трагик ҳолат юзага келганини кўрсатади.

Фарзандини тириклайнин йўқотган сўфи вужудидаги «ота» уни қутқаришга ундейди — пул керак. Сўфи «арз қилиб борадиган бирдан-бир маҳкамаси» — эшонбобонинг хонақосига йўл олади. Бизнингча, сўфи образи талқинидаги энг муҳим бу эпизодда ҳам муаллиф характер мантиқига зид боради. Сўфининг эшонни кутиб ўтирган чоқдаги ўйлари икки сабабга кўра жоиз эмас: биринчидан, мадад кутиб ўтирган, бошқа мададкори бўлмаган сўфининг пири ҳақида: «Эшонбобо хотиржам, бир чака ҳам бермайдилар. У киши, албатта, бераман десалар-ку, қўлларидан келади: ҳар қандай катта закунчининг иштаҳасини қондирадиган дунёлари бор. Фақат, на чораки, у киши бериб ўрганмаганлар, олиб ўргангандар; «ўрганганд қўнгил ўртанса қўймас» дейди бурунгилар. У кишини беришга ўргатиш қийин! У киши, шунча бадавлат бўлиб туриб, эшиқдан гадой кирса қўлига қарайди — «назри йўқмикан?» деб...» қабилида ўйлаши, фикримизча,

ҳақиқатга түғри келмайды. Чунки айни чоқда сўфининг бутун вужуди умидга айланган. Иккинчидан, агар сўфи пири ҳақида бунақа ўйларкан, унга сифинганига ишониш қийинлашади. Айтмоқчимизки, муаллиф сўфининг «жўзини очиш»га эртароқ киришган. Сўфининг пирини кайф ҳолда, «Сўфилик ахдин синдур» дея куйлаётганини кўриши туйқусдан бўлганида (бу нарса унинг учун янгилик бўлганида), бизнингча, самаралироқ бўлур эди.

Эшонбободан мадад кутганида пирининг бефарқлиги сўфини адои тамом қиласи: «Бутун вужуди қизиган танурдай тобига келган эди. Кўллари ихтиёrsиз баландга кўтарилади, муштлари ўз-ўзидан тугумланади... Бу мушт пирнинг бошига тушмоқчи эди. Фақат, қаршидаги ким? — Пир! Эшон! Эшонбобо! Йўқ, унга қўл кўтариб бўлмайди! Яна бир онда сўфи сувдай суюлди, қордай эриди, орият оёқлари билан омонат ерни босиб ташқарига чиқди...» — жабрдийда «ота» ҳамон «мутаассиб диндор»дан устун келолгани йўқ. «Индамасдан боруб ётоққа чўзулган» сўфи туни билан мижжа қоқмагани, вужудида ҳалиги кураш тинчимагани аён. Чўлпон «Эрта билан, нонушта чоғида, бутун воқеани ётиғи билан кампирига айтгандан кейин, сўфи кеча пирнинг бошига тушмоқ учун кўтарилган муштнинг бугун ўз бошига тушаётганини кўрди» деб ёзади, сўфининг хонақоҳга йўл олганини айтади. Сўфи нимани кўрди? Бу саволга хотимадан жавоб топамиз: у хотинининг қўзларида ақлдан озганлик аломатиларини кўрди, ёруғ дунёда бир ўзи сўппайиб қолаётганини англадики, бу — «ўз бошига тушаётган мушт», етишмаётган сўнгги томчи эди! Вужудида «ота» ғолиб келганки, сўфи «эшоннинг ҳам молига, ҳам жонига қасд қилган», эҳтимол, пулни олиб Зебини қутқармокчи бўлгандир...

Танқидчи Р.Отаев Раззок сўфи образининг «фош этувчи атеистик рухи билан ҳам фавқулодда улкан аҳамият касб этиши<sup>1</sup>»ни алоҳида таъкидлайди. Ўйлаймизки, мутаққиднинг бу хulosаси эскича қарашлар инерцияси таъсирида, эскича мезонлар билан ёндашиб чиқарилгандир. Зоро, бу хилда ёндашилса, адабиётимизда яратилган катта-кичик раҳбарларнинг (улар, маълумки, ҳаммалари комунист эдилар) кирдикорларини фош этувчи қатор асарларни антикоммунистик руҳдаги асарлар дея талқин қилишга тўғри келур эди. Бизнингча, мазкур образининг мақсад-моҳияти ўзгачароқдир. Сўфи образи — ўлкамиздаги минглаб «оми»лар тақдирини умумлаштириб, эътиқодининг моҳиятига кўпда етмасдан, фақат «омин» деб туришгагина яраган, бу билан бидъату хурофотга йўл очиб берган халқ фожеасини кўрсатиши лозим эди. Ёзувчининг қаҳрамонида жоҳил диндорнигина кўриб, инсонни доим ҳам кўролмагани унда мавжуд потенциал имкониятларнинг очилмай қолишига, катта трагик характернинг киёмига етмай қолишига олиб келган.

Романдаги бошқа диндорлар образлари Раззок сўфи характерини, унинг ва унга ўхшаган «оми»ларнинг фожеасини ёрқинроқ тасаввур қилишга имкон беради. Бизнингча, романнинг эпизодик персонажлари - Қумариқ ва жомеъ масжидининг имомлари эшонбобо образини тўлдирадилар, ҳаммалари бирликда эса минглаб раззок сўфиларни ҲАҚ йўлига бошлишга масъул кишиларнинг умумлашма образини ташкил қиласидилар.

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи». - 1989. - № 1.-Б.177

Чўлпон диндорларга хос жамики иллатларнинг илдизини бир нарсага — имон заифлигига боғлиқ ҳолда талқин қиласди. Жумладан, Кумариқ масжидининг имоми мингбоши чақирирганини эшитибоқ «анча ташвишга тушиб» қолади. Мантиқан, имом Аллоҳга эътиқод қилган киши бўлса, фақат унинг Ўзидангина қўрқиши лозим келарди. Лекин у яратгандан заррача ҳайикмасдан гуноҳ қиласди-да, шу гуноҳи учун мингбошидан (бенамоз, фосиқ кимсадан) қўрқиб-қалтираб туради. Унинг ёнига бора-боргунча нега чақирирганини ўйлаб, ўз-ўзини фош қиласди: «Тунов кун, шаҳарга тушганимда мударрис домланинг ўғилларига қаттироқ тегишиб қўювдим... Ўзи ҳам, баччағар, ипак саллани чамбарак қилиб ўраб, **ёмон кўзга илашадиган бўпти-да!** Устимдан арз қилган бўлса-я, ҳароми бачча?» Кўрамизки, қаҳрамон психикасини очишда ёзувчи у шаклланган муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқади. Имомнинг яқиндагина муллабачча бўлгани бежиз эслатилмаган: Туркистон мадрасаларида кенг тарқалган баччабозлик иллати унга шу қадар сингиб кетганки, янги куёв бўлишига қарамасдан «бачча» ҳақида ўйлагандага сўлаги оққандай бўлади. Имом «янгича мактаб очган нўғай домлани сўкиб берганини» эслаб афсусланади, чунки: «Унинг мактабини Абсамат мингбоши очиб берган, мен уни билмасдан...» Кўринадики, имом амалдорларнинг ҳаммасидан бирдек қўрқади, гапларини, ваъзларини ўша зўрларга маъқул келадиган қилишга уринади.: «Кейин мактабнинг асл соҳиби Абсамат мингбоши эканини билиб, ҳалиги нўғай домла билан муросага ҳам бордимку-я... Ҳар қалай, бошда билмасдан қаттиқ гапириб қўйиб эдим... аттанг!» Имом домла «нўғай домла билан муросага келиш» учун исломнинг муқаддас асосларига, хусусан, ҳадислага таянади. Албатта, нўғай домлани сўкканида ҳам у айни шу асосларга таянгани аён. Кўринадики, имом домла ислом таълимотини ўзига керакли томонга буриб талқин қиласди, яъни, унинг бутун фаолияти ислом қаттиқ қоралаган риёкорлик, мунофиқликдан ўзга нарса эмас. Бу нарса имомнинг мингбоши топшириғига мувофиқ айтган ваъзида яққол кўринади. У айтган ваъз маънисини ўз тилидан берган адаб қаҳрамоннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини тасаввур қилишга имкон яратган: «Бир қанча вақт зўр бериб шаҳардаги тўраларни, ўзимизнинг мулла Акбарали додхони, шулар қаторида — **гарчи бошқа маҳкумнинг улуғи бўлса-да** — «фаросатли, хушёр, донишманд, саҳий ва муруватманд» хукуматдорлардан мулла Абдисамат мингбошини **мақтаб ўтди.** «**Нўғай домла эшитсин**» деб янги замон мактабларидан, унда қуръоннинг тавжид ва маҳражига тўғрилаб ўқитилишидан... гапирди». Саводсиз қавмга «балофати араб ва фасовати фурс»ни имкон қадар кўп ишлатиб ваъз айтган имом қавмлари тушуняптими, йўқми экани ҳақида заррача бош қотирмайди, у айни пайтда Абдисамат мингбошининг ўзига муносатини яхшилашни (унинг назарида ммингбоши жаҳланган), бошқа амалдорларнинг меҳрини қозонишнигина ўйлади. Имом қишлоқ одамлари «шарит амрларидан чекингани» учун ҳаммани сўқади, лекин унинг «ўткир тилларидан элликбошилар ва аминлар» қутулиб қоладилар. Кўрамизки, имомнинг имони сустлигидан Ҳақ йўлида жиҳодга (золим пешвога ҳақ гапни айтишга) ярамайди, Акбарали мингбошининг кимлигини билгани ҳолда уни мақтайди. Албатта, дин пешволларининг бу каби мунофиқона ҳаракатлари қавмига таъсирсиз қолмайди, одамларнинг «намозга юрмай қўйгани»лари ҳам шундан.

Жомеъ масжидининг имоми тимсолида дин пешволаридаги имон сустлиги яна ҳам бўрттириброқ кўрсатилади. Судга ўзининг нега чақиртирилганини англаёлмай ўтирган имом дилидаги қўркув шунчаларки, у суднинг оддийгина тилмочи олдида ҳам юрагини ҳовучлаб туради. Тилмоч унга мурожаат қиласди:

«— Тақсир, сиз жиндак сабр қилинг. Мен ҳозир келаман, ундан кейин гаплашамиз.

Домла юрагини қўлига олиб, ранглари ўчган, лаблари бироз қалтирагани ҳолда... суд залида қолди». Ташки белгилар имомдаги қўркувни яхши ифодалайди, айни пайтда кўп нуқтанинг ишлатилиши қаҳрамоннинг қўркувдан нест-карахт (шок ҳолати) бўлиб қолганидан нишонадир. Имом судда бошдан-оёқ ўтириб Зебининг бегуноҳлигига амин бўлган, бу нарса унинг тилмоч билан сухбатида яққол кўринади:

«— ... Аёл ўзи иқрор...

Домла англаёлмади, шекилли, мирзанинг сўнгги сўзини савол шаклида қайтарди:

— Ўзи иқрор?!

Тилмоч яна қулди:

— Ҳа, ўзи иқрор... Эшитмадингизми?

— Ўзи иқрор эмас, инкор қилди, шекилли-ку ?

— Дамингизни чиқарманг, тақсир. Бу нозик масала...

— Ҳа, албатта, албатта...» Кўринадики, имомнинг виждони ошкор ноҳақликка чидаёлмайди, лекин гап нафси(жон)га тақалганида имонини ютиб юборади. Зеби паранжисини олишга кўнмаганда беихтиёр «маша-олло!» деб юборган имомда ақалли ўша бир сиқим вужуддагича бўлсин журъат, юрак йўқ. Унинг қулларча мутелиги ҳатто тилмочнинг нафратини қўзийдики, у ҳақли равишда «имон йўқ тақсиримда» дея сўзланади.

«Ўзингиз қандай бўлсангиз, сизга шундай амирлар қўйилур» дейилади ҳадиси шарифда. Шунга монанд, Чўлпон диндорлар муҳитини тасвирлар экан имомат ҳам раиятнинг бир-бирига мос бўлганини кўрсата олган. Адид Туркистон шароитида омма маънавиятига масъул шахсларнинг эътиқодларида мустақим эмаслигини, мунофиқ-риёкорлигини зўр маҳорат билан кўрсатади, лекин бу нарсани унинг атеистлигига йўйиш ярамайди. Чўлпон бургага аччиқ қилиб қўрпага ўт қўядиганлар хилидан бўлмай, барча жадидлар каби оммага ҳам дунёвий, ҳам диний маърифат ёйиш тарафдори бўлган. Мақолаларидан бирида: «Эл-юртни неча юз йиллардан бери **исломда бўлмағон хурофотлар** билан заҳарлатиб келган, ишчи-дехқон миясини яна бадтар заҳарламоқчи бўлганлар, уларга **диннинг асоси, ҳақ ерларини тушунтиришга** қарши бўлғонлар майдонда ортиқ эркин от ўйната олмаслар<sup>1</sup>», -дея умид қилган одамни атеист санашга на асосимиз ва на маънавий ҳаққимиз бор.

Нойиб тўра тимсолида Чўлпон Туркистонда мустамлака сиёсатини ўтказган чор чиновникларининг типик вакилини гавдалантиради. Зоҳиран бу қаҳрамон романнинг учта эпизодидагина бўй кўрсатади, шундай бўлса-да, у ҳақда етарлича тасаввур қилишга имкон

<sup>1</sup> «Қизил байрок», 1922 йил 22 август.

мавжуд. Нойиб тўранинг хатти-ҳаракатлари унинг ижтимоий мавқеи, ўзи хизмат қилаёган мақсад моҳияти билан белгиланган. Бу нарса, айниқса, уни илк бор учратганимизда яққол сезилади. Рус инженерининг менсимасдан муомала қилиши Мирёқубга оғир ботганини тўра дарҳол пайқайди ва унга «мехрибон отанинг севимли боласига қарайдиган қарashi билан» қарайди. Тўра янги меҳмони билан сухбатга андарон бўлиб Мирёқубни унугтандай, аслида эса унинг борлиги бир лаҳза бўлсин ҳаёлидан кетган эмас: «Инженернинг оғзидан сартларга оғир келадиган сўзлар чиқиб кетгандагина тўра бояги қарashi билан Мирёқубга қараб» қўяди. Албатта, унинг ўзини бу хилда тутиши байнамилаллик ҳиссининг ривожлангани ёхуд одамийлик туйғусидан келиб чиқмайди, йўқ. Тўра инженердан фарқ қиласроқ, ўзининг чин муносабатини ошкор қилолмайди, зеро, бу нарса унинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий-сиёсий мақсадларига зид келади. Кўринадики, у башарасига никоб тортган. Ниқоб шундай мохирона тортилганки, уддабуро Мирёқуб ҳам унинг асл қиёфасини анчагача кўролган эмас. «Кеча»га ёзилган илк такриз муаллифлари эса ниқобини башара сифатида (албатта, ўзлари шундай «адашиш»ни истаганлар) қабул қиладилар: «Чор ҳукуматининг вакили сифатида берилган нойиб тўрани Чўлпон жуда мулоим, одампарвар, ўзбекларга яхши муомала қилувчи, катта инқилобий кайфиятга эга бўлган киши равишида кўрсатади<sup>1</sup>». Ниқобнинг зарурати нимада? Романда нойиб тўрани ерли ҳалқ яхши кўриши, «Парпи тўра» деб иззатлаши айтилади. Тўранинг ерли ҳалқ тилини яхши билиши, одамларга яхши муомала қилиши, ниятларини акбаралилар қўли билан амалга ошириши, юртни мингбошию, элликбошиларга ем қилиб қўйгани ҳолда гоҳгоҳ «адолат» қилиб туриши — булар бари уни ҳалқ наздида яхши одам қилиб кўрсатади. Хотинининг гувоҳлик беришича, нойиб ўзи ҳам сартларни «яхши кўради»: «Ювош, қўйдай ҳалқ, дейди. Қанча жабр кўрса, қийналса ҳам «худо!» деб тура беради, дейди. Сартларнинг шу диндорлигини, айниқса, яхши кўради». Бу гапларни айтган одам ўйидагини англаш қийин эмас: бу ҳалқни кучни кам сарф қилиб (ҳарбий харажатлар қиммат, ахир!), алдаб йўлга солиш керак. Кўрамизки, нойиб тўра сиёsat бобида Мирёқубдай «эпақа», имомлардай мунофиқ. Нойибнинг характеристига хос мунофиқона одамохунлик Ақбаралининг ишдан олиниши муқаррар бўлганида яққол кўринади. Мингбоши юртда айб йўклигини айтганида, у: «Биламан, жуда яхши биламан. **Унақа мингта аризадан сенинг бир оғиз сўзингга қўпроқ эътибор қиласман**», - дейдик, бу билан ўзининг-да ачинайтганини, лекин чорасизлигини (Ақбаралида шундай таасурот қолдиришни) таъкидламоқ истайди. Ақбаралини аслида «ахмоқ, эшшак» деб таърифлайдиган тўра буни ҳеч қачон унинг ўзига билдирган эмас, ҳатто эндиликда ҳам билдиришдан манфаатдор бўлмаганидан ўзини унга яқин кўрсатади. Мунофиқона одамохунлик унинг табиатига шунчалар сингиб кетганки, Ақбарилининг «шунча замон қилган хизматимни назарга олмасмикан?» деган зорига жавобан: «Мен ҳам шуни ўйлайман, Ақбар, сен ҳозирча боравер. Мен ҳоким тўранинг олдида сени **биroz бўлса ҳам химоя қилиб қўраман** (яъни, «менда ҳам одамгарчиллик бор»-Д.Қ.). Бўлмаса, сенинг ўрнингга бошқа одам қўярмиз. Давлатинг катта, еб ётаверасан. Ўзинг ҳам қарид

<sup>1</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил 6 август.

қолдинг»,- дейди. Кўриб турганимиздек, у очиқасига «сен учун амалдорлик тугади» демайди: аввал умидвор қилади, кейин юпатишга ўтади, ниҳоят, обдан этини ўлдиргач, чора топишни Акбаралининг ўзига юклайди: «Хайр, боравер, иложи бўлса ўша иккала кўппак билан ўзинг битиш».

Чўлпон нойиб тўранинг юз бериши мукаррар ҳалокатни ўйлаб тушкунликка тушган чоқдаги руҳий ҳолатини зўр маҳорат билан очиб беради. Хафаликдан ичиб олган тўра Мирёқуб билан сухбатнинг аввалида жуда хушвақт кўринади, ўзининг билимдонлигини намойиш қилади. Кўл ёзмалар ҳақида гапиаркан Мирёқубга: «Сенинг маданиятга хизматинг катта... Ўтган йили бир тарих китоби берган эдинг, у тўғрида Петрограддаги каттакон мажмуаларга мақолалар ёздим. Сенинг номингни ҳам кўрсатдим. Ҳозир у китоб тўғрисида Англистан, Фарангистон ва Ламса(немис) мамлакатларида каттакон мажмуаларга кўп нарсалар ёзилди». Кўрамизки, нойиб тўра ўзининг (Мирёқубни тилга олгани йўлига холос) «маданиятга хизмати катта»лигини, топилмаси дунё миқиёсида эътибор топганини ўйлаб хушвақт, ғурурланиб ўтирибди. Тўранинг бу гапидан кейин орага бир муддат жимлик чўкадики, бу ҳам қаҳрамон руҳий ҳолатини тушунишда муҳим. Нойиб тўра Мирёқубнинг «хизматлари» ҳақида гапиаркан, унинг «тўра, мен нима ҳам қилибман, бари гап сизда!» дейишини кутади. Лекин Мирёқуб гапни ўзини қизиктирган масалага буради:

«— Газет хабарларидан гапириб беринг, тўра.

Тўранинг бу чоққача кулиб турган башарасига бирданига ғам чўкди. Қовоқлари солинди, лаблари безгакдай енгилгина қалтираб учдилар. Кўллётмани столга қўйди.

— Шунака, дўстим, **ишлар ёмон...**» Адиб қаҳрамонининг руҳий ҳолатидаги кескин бурилиши (психологик контраст) кўрсатиш орқали унинг руҳидаги тушкунлик, вахима нечоғли эканини ёрқинроқ тасаввур қилишимизга имкон яратади. Нойиб тўра мавжуд бухрондан чиқиб кетишнинг ўзига мақбул йўли йўқлигидан, шуни анлаганидан, «чорани ўйлашга ҳам қўрқаман», дейди, кўнглидаги вахима оловини ароқ билан бостиromoқчи бўлади. Унинг подшони танқид қилгандай бўлгани, «чорани инқилобиён деган тоифа кўрсатади», дейиши «катта инқилобий кайфият эгаси»лигидан эмас, аксинча, у инқилобий йўлдан боришини истамайди, ундан асосли равища қўрқади: «Худо кўрсатмасин, агар шу кетишда кета берсак — у кўзлар бизни еб ташлаши мумкин...» Нойиб империяни қутқариб қоладиган куч аслида йўқлигини айтаркан, ўзининг ҳам шу кемадаги одам эканлигини асло унутмайди, уни тушкунликка соглан нарса ҳам шу: «Тўра бироз ўйлаб тургач, подшонинг девордаги суратини, сўнгра ўзининг елкасидаги пагонини кўрсатди.

— Мана шу империя...

Мирёқуб ҳеч нарса англамади. Сўнгра тўра оғир бир нафас олгандан кейин:

— Менга қара, Мирёқуб,- деди,- **кўй энди** бу гапларни!» Нойиб тўра ўзи учун оғир мавзунинг ўзгаришини истайди, унинг гапида маҳкум кимсанинг ночор, аянч руҳий ҳолатига хос оҳанг сезилади. Айни шу экстремал шароитда тўра юзидаги ниқобни кўтаради: «...қора ҳалқقا қарши бўлса — тадбир осон. Қозоқ ўрисимиз, жандармамиз, аскаримиз бор ... фюшт!...». Кўп нукта (у, масалан, кўл силташ билан тўлдирилиши

мумкин) ва «фюшт!» тўранинг ўзи «яхши кўрган» сартларга чин муносабатини кўрсатиб турибди. У ўзининг мунофиқона сиёсати энди иш бермаслигини англағанидан «қутурган оломон»га қарши куч билан отланади. Кўрамизки, нойиб тўра кўпчилик орасида чўкаётган одамни эслатади: ўзгаларга осилиб, уларни чўқтиргани ҳолда нафас олади-ю, чўкиб кетиши муқаррар. Унинг маиший бузуқлигини, маънавий тубанлигини, оиласидаги ифлосликларни кўрсатиш билан ёзувчи бу тоифанинг таназзули муқарар-бешак эканини яна бир бор кўрсатади.

Нойиб тўранинг маънавий-аҳлоқий киёфаси ва ижтимоий фаолиятига мухтасаргина тўхталиб ҳаққоний баҳо берган Р.Отаев унинг «фаолияти бутун мураккаблиги билан атрофлича очилган эмас»лигини айтади. Зоҳиран қараганда, танқидчи ҳақ: тўра фақат учта эпизоддагина бўй кўрсатади. Лекин атрофда содир бўлаётган ходисалар, қаҳрамонлар тақдирининг у ёки бу изга тушишида унинг билвосита иштироки доим сезилиб туради. Гап шундаки, Чўлпонни конкрет мустамлакачи амалдорнинг фаолияти эмас, умуман, мустамлака сиёсати ва унинг оқибатлари, хусусан, унинг одамлар руҳига таъсири кўпроқ қизиқтирган. Шу боис ҳам, бизнингча, нойиб тўра образини **мустамлакачилар умумлашма образининг негизи** сифатида тушунган маъқулроқdir.

Чўлпон «уезд шаҳрининг кичкинагина ва тор мияли», «ҳаммаси аскардан чиққан» амалдорларининг асл қиёфасини суд жараёни тасвири орқали зўр маҳорат билан очиб беради. Ёзувчи айни шу саҳнада «фош этиш» санъатининг юксак намунасини кўрсатади: унинг кинояси ерпарчин қилувчи сарказм, услуби сиёсий памфлет даражасига кўтарилади. Чўлпон суд жараёнини, унда қатнашувчи «адолат посбонлари»ни тасвиirlаркан тафсилотларини икир-чикиригача эринмай ёzáди. Зебининг бошқаларга ибрат учун судланишидан манфаатдор тўралар унга ҳимоячи адвокат тайин қиладилар. Адвокатки, илгари «давлат хазинасининг кўпгина пулини еб қўйган аскарий бир тўра», дордан қочиб энди хусусий адвокатлик билан шуғулланади. Асосан ерли ҳалқ орасида иш кўрадиган адвокат «ўзини хурматлай билган ҳеч бир закунчи олмайдирган» ишларни олади ва «кўпинча ютиб чиқади». Бу каби ишлардан катта фойда чиқариб ўргангандан одам, табиийки, «ҳарбий суднинг бефойда ишига вақт сарф қилиш»ни истамайди. Ҳафсаласизликдан (нимада кипти, бир сартнинг иши!) Зебига таалуқли ҳужжатларни бир четга ташлаб қўйган адвокат уларни суд куни эрталаб «алланечук бир ихлоссизлик билан тезгина кўриб чиқди. Бу иш **шу қадар тез бажарилди**, нонушта дастурхонига закунчи келиб ўтирмасдан бурунроқ қўйилган бир стакан чой иккала қофоз ўқиб чиқилгандан кейин ҳам совуниб улгурмаган эди». Касбининг моҳиятига кўра адолат номидан инсонни ҳимоя қилиши лозим бўлган одамнинг «қон ҳиди» келаётган ишга бунчалар бефарқ қарashi нимадан? Бизнингча, буни фақат ишнинг «бефойда»лиги билангина изоҳлаб бўлмайди. Чунки: **«иккала қофознинг мазмуни** закунчига **гўдаклар фалсафасидек** туюлди. Қофозларни ўқиб туриб, ҳамда уларни ўқиб бўлганидан кейин адвокатнинг чўзиқ юзларига бир кулгу ёйилди, унинг мөшбиринч мўйловларини кериб юборган бу кулишда отанинг боладан кулишига ўхшаган бир нарса бориди...» Кўринадики, адвокат мазкур айблов ҳужжатларини тайёрлаганлар устидан кулади, зеро, айбловнинг куракда турмайдиган экани шунчалик аён. Шуниси ҳам аниқки, агар у ҳоҳласа, айбловни осонгина чиппакка чиқаради. Шундай қилинса унга икки

тарафлама фойдали ҳам: биринчидан, «қон ҳиди» келаётган ишни ютиб чиқса, обрўйи ортади — чўпқатлари кўпаяди; иккинчидан, осонгина фойда кўриш мумкин бўлган бу ишдан нафланиб қолишга ҳаракат қилиш (масалан, гумаштаси Обрезқора орқали судланувчининг яқинларини излаб топиши) мумкин эди. Лекин у бундай қилмади. Сабабки, ишни ҳарбий суд кўраркан, албатта, унга сиёсий тус берилади. Мавжуд сиёсат эса адвокатни ортиғи билан қаноатлантиради — бу масалада мустамлакачиларнинг тили бир: «қаға қарғанинг кўзини чўқимайди». Демак, унинг прокурор нутқидан кейин «сўз айтишдан воз кечиши» ишнинг бефойдалидан эмас, аксинча, у сиёсий фойда мақсадидан келиб чиқади.

Суд жараёни тасвирида «Тирилиш» романидан таъсирланиш яна бир бор кузатилади: ҳар икки ёзувчи суд хужжатларини батафсил тавсиф қиласди; ҳар иккала судланувчи заҳарлаб ўлдиришда айбланади (иккаласи ҳам заҳар солинганини билмаган); гувоҳлар фақат айбланувчининг зарарига гувоҳлик берадилар ва ҳоказо. Бу нарсани, масалан, прокурор образи талқинида ҳам кузатиш мумкин. Толстой асаридаги прокурор суд ҳайътига мурожаат қилиб: «господа присяжные заседатели, в вашей власти судьба этих лиц, но в вашей же власти отчасти и судьба общества, на которое вы влияете своим приговором. Вы вникните в значение этого преступления, в опасность, представляемую обществу от таких патологических, так сказать, индивидумов, какова Маслова, и оградите невинные, крепкие элементы этого общества от заражения и часто погибели<sup>1</sup>». Кўрамизки, нотиқ масаланинг иштимоий тамонига диққатини жалб қиласди ва Маслованинг жинояти жамиятга солаётган хавфни бўрттиради. «Кеча»даги прокурор эса мазлум Шарқ ўлкаларида, хусусан, Туркистондаги янги ижтимоий жараёнлар ҳақида гапириб, Зебининг «жинояти» солаётган хавфни бўрттиради ва «масаланинг бу томонига ҳам диққат қилинмоғини» сўрайди. Ёзувчи табирича «келишмаган тасодифнинг тўрт чақага арзимайдирган қурбонини замонанинг зўр қаҳрамони даражасига кўтариш»га ўз хиссасини қўшган прокурор: «Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам эди. Уни «ёш сарт» махфийлари, айниқса, уларнинг душманимиз бўлган Туркия билан фикран боғланишга унсурлари ёмон кўрардилар», - дейдик, бу билан Акбаралини жуда оғир (салкам фронт!) шароитида ишлаган, демоқчи бўлади. «Тирилиш»даги прокурор ҳам Чўлпон таъбирига арзидиган мақтулни таърифлашда ҳамкасбидан ўтиб тушади: «Купец Смельков, по определению товарища прокурора, был тип могучего нетронутого русского человека с его широкой натурой, который вследствие своей доверчивости и великодушия пал жертвою глубоко разращенных личностей, во власть которых он попал<sup>2</sup>. Иккала прокурор ҳам ўз вазифаларини бажариш — давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ёлғонни ямламай ютади. Қаҳрамонлар бажараётган ижтимоий функция уларнинг онгига «давлат миқёсида фикрлаш» стереотипини (казенное мўшление) хосил қилганки, бу нарса охир-оқибатда адолат, инсонпарварлик, инсоф хисларини сиқиб чиқарган. Демак, Чўлпоннинг Толстойдан таъсирланганини эътироф

<sup>1</sup> Л.Толстой. Восерскные.-М.,1984.-С.73

<sup>2</sup> Л.Толстой. Воскресенье.- С.72

этган ҳолда, қаҳрамон рухиятини очишда унинг ижтимоий мавқеи, функцияси, сиёсий мақсадларидан келиб чиқаётганини ҳам айтиш керак. Шуниси ҳам борки, Чўлпон суд жараёни тасвирида Туркистон шарт-шароитларидан келиб чиқади. «Тирилиш»да суд маслаҳатчилари кўрилаётган ишга турлича ёндашсалар, «Кеча»даги судда бу нарса кўрилмайди — ҳамма яқдил. «Адолат-адолат» ўйнаётган суд аъзолари ҳам, бу спектакльни томоша қилаётган мустамлакачи тўралар ҳам Зебининг бегуноҳилигини билганлари ҳолда миқ этмайдилар: томошанинг ижроси ҳам, қабул қилиниши ҳам ўта жиддий вазиятда кечади. Сабабки, уларни мақсад — «мустамлакани бутун ҳолича қиёматгача ушлаб қолмоқ» истаги бирлаштиради. Уларнинг бу ҳаракатлари чўкаётганларнинг чўпга осилишидай гап: катта-катта тўралар шу бир сиким вужудга осилиб қутулмоқни тилайдиларки, бу Чўлпонинг мустамлака сиёсатига чизга изоҳсиз карикатурасидир.

Юқоридаги мулоҳазаларимизга таянган ҳолда Чўлпоннинг инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини бадиий тадқиқ қилишида бир-бирига узвий боғлик икки жиҳатни таъкидлаб кўрсатамиз: биринчидан, адаб Туркистон ижтимоий воқелигини, мустамлака сиёсатининг оғир оқибатларини қаҳрамонлар рухиятида қолдирган излари орқали тасвирлайди; иккинчидан, қаҳрамонлар рухиятининг ўзига хос хусусиятлари, хатти-ҳаракатларининг руҳий асослари даврнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари контекстидагина тўғри тушунилади. Шунга кўра, юқорида кўриб ўтилган ҳарактерлар психологиясини таҳлил қилишнинг ўзи етарли бўлмай, балки давр шароитини, муаллифнинг уларга муносабатини (яъни, ёзувчи муносабатининг айрим ҳолларда замона талаби билан, айрим ҳолларда дунёкараши билан боғлиқ тарзда бўрттирилганини) назарда тутган ҳолда талқин қилиш ҳам талаб қилинадики, ушбу бобда баҳоли қудрат шунга ҳаракат қилдик.

### **Психологик таҳлилнинг драматургик усули**

Бадиий асарни қабул қилиш жараёни коммуникация тури сифатида ўқувчидан муайян фаолликни, ижодий тасаввурини ишга солиб, ёзувчига ҳаммуаллиф бўлишликни тақозо қиласди. Айниқса, динамик принцип асосига қурилган ҳарактерлар психикасини, хатти-ҳаракатларининг руҳий асосларини англашда бу нарса муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, бу хилдаги қаҳрамонлар рухияси уларнинг муайян ҳаётйи ситуацияларда ўзини тутишлари, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўzlари орқали очилади. Муаллифнинг қаҳрамон руҳий ҳолати ҳақидаги маълумотлари ўта сиқик, асосан, мимик-пантомимик ҳаракатлар, ташқи психофизиологик белгиларни қайд этиш билан чекланган бўлади. Бошқача айтганда, ўқувчи қаҳрамон хатти-ҳаракатларини, юз-кўз ифодаларини «кўриш», гап-сўzlарини «эшлиш» имкониятига эга. Яъни, бу типдаги қаҳрамонлар кўпроқ драматик асар персонажлари(действуючее

лицо)га яқин туради. Айрим адабиётшуносларнинг буни психологик таҳлилнинг драматургик усули деб аташлари<sup>1</sup> бежиз эмас. Ўқувчи савияси ва бадиий тасаввур имкониятига қараб бундай образни қабул қилишда бир актёрдай образга кириши, режиссёрдай талқин қилиши ёхуд оддий томошабин даражасида қолиши мумкин. Улуг рус адиби Л.Н. Толстой: «Хар биримизда мавжудлиги мумкин бўлган барча характерларнинг имкониятлари мавжуд, шунинг учунгина санъат ифодалаган характерлар бизга таъсир қиласди»<sup>2</sup>, - деб ёзган эди. Шундан келиб чиқсан, образни қабул қилиш даражаси ўша мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана билишга боғлиқ экани англашилади. Ўз-ўзидан аёнки, китобхон онгида акс этган образ унинг статик ҳолати(ёзувдаги ифодаси)га нисбатан анча кенг. Бу нарса табиий ҳам, чунки ёзувчи қаҳрамон рухиятига кириб асар тўқимасида харакат қиласди. Аникрофи, қаҳрамонга «эврилган» (перевоплощение, вживание) ёзувчи уни ўзида мавжуд психологияк имкониятлар доирасида яратади, тирик одамни кузатгандек кузатади-да, сиртдан тасвирлайди. Ўзи яратган қаҳрамон рухиятини жуда яхши билган ёзувчи, табиийки, асарни ёзаётганида (ёки ўз асарини ўқиётганида) беихтиёр образга киради ва қаҳрамонини гоят кенг тушунганидан ҳар қандай тафсилотни ортиқча ҳисоблайди. Бу, бир тарафдан, ижодий актнинг ғайришуурый томони билан изоҳланса, иккинчи тарафдан, англанган ижодий приём сифатида ҳам бўй кўрсатади. Масалан, А.П.Чехов: «Мен ёзаётган вақтимда ўқувчи ҳикояда етишмаётган субъектив унсурларни ўзи кўшиб олишига умид қиласман»<sup>1</sup>, - деб ёзади.

«Кечач»нинг энг дилбар қаҳрамони — Зеби образини яратища Чўлпон «эврилиш санъати»нинг бекиёс намунасини намоён қиласди. Албатта, Зебининг рухиятини англашда у яшаётган микромуҳитни назарда тутиш лозим, лекин бу нарса аввалги бобда кўрилганидек етакчи аҳамият касб этмайди. Зеро, А.Қодирий Раъно ҳакида «табиат хасис эмас: тикандан гул, аридан бол яратаверади» дегани каби, Зеби ҳам Рассоқ сўфи хонадонида ўша саҳоватли табиат мўъжизасидек ажralиб туради. Романнинг бошланишида қўлланган психологик параллелизм усули ўқувчини қаҳрамон оламига олиб киради. Лирик пейзаж лавҳасида кўрганимиз табиатдаги жонланиш, хаёт ва эркинлик нашъаси қиз кўнглидаги ҳислар билан уйғунлик касб этади: «Зеби(Зебиниса)нинг қишичи сиқилиб, занглаб чиқсан кўнгли баҳорнинг илик ҳовури билан очила тушган; энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди». Лекин қизнинг туйғулари, истагу интилишлари кўнглининг энг чуқур қатламида ботин, уларнинг юзага чиқиш жараёнини адаб зўр маҳорат билан кўрсатади. Ўқувчи Зебини илк бор қуидаги ҳолатда кўради: «Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина саҳнни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди. Бир кўлида супургиси, бир кўли тиззасида — ерга эгилган куйи эшик томонга тикилиб қолди». Кўрамизки,

<sup>1</sup> Ковалев В.А. Поэтика Л.Н.Толстого.-М.,1983.-С.100

<sup>2</sup> Шу жойда.-С.21

қаҳрамони руҳига кириб олган адиб борлиқни унинг сезгилари билан қабул қиласиди («эшикнинг **бесаранжом** очилиши»), яъни, интроспекция усулидан фойдаланади. Ёзувчи қаҳрамонидаги психофизиологик ўзгаришни (кўнгилнинг сесканиши) қайд этади-ю, унинг дилида нелар кечганини айтмайди. Ўқувчи қархисида табиий савол кўндаланг бўлади: совчилардан безган қиз эшикнинг «бесаранжом очилиши»дан сесканиб, турган жойида қотиб қолган дам дилида нелар кечди? Ўзида мавжуд психологик имкониятларга таянган ва конкрет ҳаётий ситуациядан келиб чиқсан китобхон аввалига қиз дилида ширин ташвиш, кўркинчли умид ҳукмон деб ўйлаши табиий. Лекин Зебининг эшикдан кириб келган дугонаси билан мулоқоти бу фикрни тез йўққа чиқаради. «Салти энди гап очди:

- Эрта сахарлаб чопганим бекор эмас...
- Мен ҳам сезганман... Юрагим бир қур сесканиб ҳам олди...
- Нимага, ўртоқжон?
- Ўзингиз билган **совчилар балоси-да...** Қиш ичи кети узилмади.
- Менам безганман, жоним қақа... Шунинг учун бир қишлоққа чиқиб келсакмикан деб эдим...
- Нимасини айтасиз... Ариқдаги сув ҳам музнинг тагидан чиқади-ку.

Зебининг юзини, шу топда бутун қиши ичи тўпланиб қолган **ҳорғинлик асарлари эгаллаган** эди. Унинг иккала юзи, айниқса, кўрпанинг катта-катта қовигига тикилган андишалик **кўзлари ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшарди**. Аксинча, Салтининг юзлари **чарақлаган юлдуздай**, сернашъя, қувноқ ва ҳар қандай **андишадан йироқ** бўлиб, кўнглининг чукур бурчакларидан чиқиб келган севинч тўлқунларини акс эттиради. Шу учун у Зебининг сўнг сўзларидағи оғир ва маъюсликни пайқай олмади». Кўрамизки, Чўлпон бу ўринда *психологик контраст* ёрдамида қаҳрамони руҳиясини очишга ҳаракат қиласиди. Эътибор қилинса, Зебини чинакамига ташвишга солган совчилар балоси Салтини унча ташвишлантирмаётгани сезилади. Унинг: «Менам безганман, жоним қақа» дегани аллақандай бир ички кониқиши ҳисси билан айтилмоқда. Маълумки, ҳар икки қиз ҳам эндинигина ўн бешдан ўн олтига қадам қўйган, ўша давр шароити учун бу ёш айни турмушга чиқариладиган вақт, яъни, қизлар бунга руҳан тайёрлар. Салтининг кўнгли, айни ситуациядаги аксарият қизларда бўлгани каби, ширин ташвишга йўғрилган: бўлғуси турмуши хақида айрим ширин хаёллар суради, айни пайтда, янгича турмушнинг ўзи учун мавҳум жиҳатлари дилига ташвиш солади. Зебидан фарқ қиласороқ, Салтида зўр ташвиш учун зоҳирий сабаб йўқ, шу боис ҳам дугонасининг «сўзларидағи оғир ва маъюсликни» пайқай олмади. Аксинча, Зебида «совчилар балоси»дан астойдил ташвишланиш учун етарли асос бор: аввало, қиз ота-онаси орасидаги муносабатларни кўраверганидан оиласвий турмушдан безиллаб қолган; иккинчидан, ўзи билан заррача ҳисоблашмайдиган отасининг феълини ўйлаб ҳам қўрқади. Шу ташвишлардан умидсизланган қиз дилидаги маъюслик унинг табиатига хос бўлган ҳаётсеварлик,

<sup>1</sup> Кўчирма манбаси: Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы.-М.,1988.- С.167

серзак-сернашъаликка соя солади. Яъни, оила мұхитида ўзини қафасдагидек хис қилған Зеби ҳисларини жиловлашга, рухини жисм қафасида тутишга мажбур. Лекин ботиндаги нарса зоҳирга чиқмай қолиши мүмкин эмас, зеро, инсоннинг ҳис-туйғулари нечоғлик ўзгарувчан бўлмасин, унинг табиатини белгиловчи ички «ядро» муқим характерга эга. Шунинг учун ҳам, адабиётшунос М.Бахтин айтмоқчи, «шахс экстенсив очиб беришликтин талаб қилмайди, у ёлғиз бир товушда намоён бўлиши, биргина сўз орқали очилиши мүмкин»<sup>1</sup>. Худди шу нарса Зебининг дугонаси билан сұхбатида ҳам кузатилади:

«— Тенг-тўшларимиз билан бир бориб (қишлоққа-Д.К.) келмоқчиман. Сизни ҳам олиб бораман...

— **Қачон?**

Зебининг бу калта саволидан Салти кўп нарсани англали. Бу савол Зебининг иложи бўлса ҳозир паранжисини қўлга олиб (ёпиб ҳам ўтирасдан!). шу ердан узоқлашмоқ учун талпинганини кўрсатарди».

Зебининг шу ердан узоқлашмоқ учун талпингани, аёнки, ўз стихиясида яаш истагидан туғилган. Қиз кўнглидаги ҳисларга эрк бергач, у билан Салти орасидаги психологик контраст йўқолади, «икки ёш бола ниҳоясиз қувончлар ичидан» қолади. Ёзувчи қаҳрамонининг бир руҳий ҳолатдан иккинчисига ўтишини ишонарли ва жонли кўрсатади. Дугонасининг таклифиданоқ ҳурсандлиги ичига сиғмай қолган Зеби отасидан рухсат олиш кераклигини ўйлаганида, **«кўзлари андиша билан кенгайиб очилгани ҳолда индамасдан жойларни йиға бошлади»**. Қувонч пардаларини пастроқ олишга мажбур бўлган қиз энди ишониб-ишонмай отасини кутади, сабрсизликдан «отамдан дарак йўқ-ку?» дея онасидан сўраб қўяди. Хаёли фақат отасида бўлган, бутун вужуди умидга айланган қизнинг руҳий зўриқишидан **қўли ишга бормайди**, «дастурхон бошида чой келишини кутиб ўтирган» **мехмонини унутади**. Кўрамизки, ташқи белгилар динамикаси қаҳрамонда кечаётган руҳий жараён — ҳис-туйғулар, фикрлар динамикасини тасаввур қилишимизга имкон беради. Ўзининг ўй-ташвишлари билан бўлиб меҳмонини унутган Зеби «уни узр айтиб қарши олди:

— Ўртоқжон,- деди.- отам авродда ўтириб қолди, шекилли, шунақа одати бор. Эндиёқ кириб келса керак. Хафа бўлманг-а?

Бу сўнгги жумланинг айтилишидаги самимият бир-бири билан қалин ўртоқ тутишган ёш қизлардагина бўлади. **«Хафа бўлманг-а?» деб турган вақтида Зебининг юзини кўриш керак эди!** Бир қўлида супурги, бир қўли тиззасида, супурги ҳам ердан узиб олинган эмас, фақат бош юқори кўтарилгану бутун вужуд Салтининг ихтиёрида! Кўнгил, орзу, севги, севинч... — булар ҳаммаси Салтига томон учади, унга томон отиласди, уни ўраб, уни айлантириб, уни кучади! **Зебининг юзларидаги — ойдай тиник ва қуёшдай ёруқ бу ҳолат моддий ҳақиқатлар қадар очик кўринарди**. Зебининг узр айтиши, аслида, ўзининг меҳмонини унутиб қўйгани учун. «Хафа бўлманг-а?» деганида у отасидан эмас, ўзидан хафа бўлмасликни ўтинади,

<sup>1</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества.- М.,1979.- С.300

отаси ҳақидаги гаплар эса түштікке қарасты қылған «генохи»нинг сабабини изохлады. Мазкур күчирмада башқа бир нарсага диққатни жалб қилмоқчимиз: эътибор берилса, Чўлпон қаҳрамонини қабул қилиш йўлини кўрсатаётгани англашилади — «Зебини кўриш керак!». Мухими шундаки, бу нарса сездирмасдан амалга оширилади: адид ўзининг мафтунлигини ўқувчига «юқтиради», натижада у «Зебининг юзлари»даги ойдай тиник ва қўёшдай ёруғ ҳолатни» ўз кўзи билан кўришга ҳаракат қила бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолади. Зебининг юз-кўзлари даги ифодани кўз олдимизга келтирсанкина, Салтининг унга нисбатан ажабтовор мөхри ийиб кетгани, иккала қизчанинг бутун ташвишларини унутиб, болалик руҳига кириб қолгани табиий ва психологияк жиҳатдан асосли экани кўринади. Умуман, Зеби образини яратишида Чўлпон қаҳрамонидаги психофизиогномик (мимика, юз-кўз ифодаси) ўзгаришларни кўпинча қайд этмайди. Маълумки, «барча ҳислар ўзига маҳсус товуш оҳангиди, юз ифодаси ва ишораларга эга»<sup>1</sup> Шунга кўра, руҳий таҳлилнинг динамикаси принципида психофизиогномик параллелизмлар<sup>2</sup> қаҳрамоннинг муайян вақтдаги руҳий ҳолатини моддийлаштирувчи унсурлардан бири сифатида тушунилади. Чўлпон бу нарсага етарли эътибор бермасада, унинг ўрнини қаҳрамонига нисбатан ўқувчида уйғотган бадиий симпатия ҳисобига тўлдиради. Гап шундаки, китобхон кундалик турмушида юз-кўз ифодаларини кўп кузатган, улар ҳақида муайян тасаввурга эга. Бадиий симпатия мавжудлиги учун ҳам Зебининг гап сўзлари орқали унинг руҳига киролган ўқувчи психофизиогномик ҳолатни хаёлида осонгина тиклайди (схематик тарзда ифодаламоқчи бўлсан, бу жараён қуйидагича кечади: Зебининг муайян пайтдаги хатти-харакатлари ва гаплари — руҳий ҳолат — шунга мос юз-кўз ифодаси).

Психологияда кучли, ўрта, мўътадил ҳислар ажратиладики, уларнинг ҳосил бўлиши ва кечиши турличадир. Масалан, кучли ҳислар (аффект) аниқ сабабларга кўра жуда тез пайдо бўлиб, қисқа вақт давом қиласи. Бундай ҳолатда кишининг тафаккури хиралашади, иродаси фалажланади<sup>1</sup>. Зебида бу каби ҳол қий-чув тўполон устига отаси келиб қолган вақтда кузатилади. Сўфининг эшикдан «кирар-кирмас овозининг борича: «Бу нима қиёмат!!!» - деб шовқин солиши иккала ёш қизни чақмоқ теккан дараҳтдай турган жойларида котириб қўйди». Кўрамизки, Зебидаги қўрқув хисси айни лаҳзада ўта кучли, шу боис ҳам унинг иродаси фалажланиб, «турган жойида қотиб» қолди. Айни пайтда у содир бўлган ишнинг оқибатини (дейлик, отасининг юбормаслик эҳтимоли ортганини) хаёлига ҳам келтирган эмас, чунки маълум муддат ўйлаш лаёқатидан ҳам айрилган. Аффект ҳолатидан чиқиш баробари қизнинг фикри тиниклашади, шундагина у бўлиб ўтган ишнинг оқибатини ўйлай бошлади:

«Сўфининг бу авзойини кўргандан кейин икки қизнинг бор қадар умиди ҳам узилиб бўлди. Зеби бу умидсизликни яширолмади:

— Ўйнашмай ўлайлик, энди отам ҳеч қаерга чиқармайди...

Салти ҳам ўз ташвишини англатди:

<sup>1</sup> Арнаудов М. Психология литературного творчества.- М., 1970.- С.90

<sup>2</sup> Компанеец В.В. Кўрсатилган асар.- С.21

— Нима қиласыз энди? Сиз бормасангиз, мен ҳам бормайман. Энахон тоза койиди-да.

— **Тек ўтирган бўлсак** қўнгли юмшармиликан?- деди Зеби» Гарчи ёзувчи Зебининг умидсиликка тушганини айтиш билан чекланса-да, унинг рухиясида кечаётган жараён бирмунча кенгрок тушунилади. Қиз дилида милт этган умидни босиб келаётган умидсизлик ҳуружларидан омон сақлашга интилади. Шу боис ҳам унинг гапларида туйғуларига эрк берганидан пушаймонлик ва шундан келиб чиқсан ўзидан ҳам дугонасидан хафалик хисси яққол кўрилади. Унинг икки мартараб пушаймонини англастиши ҳам бежиз эмас: бутун вужуди милт этган умидга айланган қиз гоҳ ўзларини айблаш, гоҳ отасининг кўнгли тошлигидан нолиш билан умидсизликка тушмасликка ҳаракат қиласи. Салти учун «қишлоққа чиқиб келиш» — дугонаси Энахоннинг кўнглини овлаш, Зеби учун — зарурат. Бу фарқ Зеби тилида отасидан нолиб, дилида унга ёлвориб турган чоқ Салтининг ўртоғи айтган гапга нашъа қилиб кулиб юборганида кўринади: «Зебининг мунга чинакам аччиғи келган эди, қўлини узатиб ўртоғининг оғзини тўсди:

— Вой, анави қизни! Яна бешбаттар қиласиз ишни! - деди.

Салти зўр билан ўзини босиб олди». Зебининг ҳаракатио гап оҳангидаги кескинликни, ё юзларидаги ҳадик аралаш ҳаяжон ифодасини, кўзларидаги ўртоғидан койиш, «наҳотки шуниям тушунмасангиз!» деган ифодаларни сезиш ва тасаввур қилиш қийин эмас. Кўрамизки, Зеби учун отасининг розилигини олиш ҳаёт-мамот масаласидай муҳим. Шу боис ҳам унинг отаси розилик бергач, қувониши, гарчи адаб иккала қиз ҳолатини бирдай тасвирласа-да, Салтининг қувонишидан он чандон ортиқ. Бу ўринда ҳам аффект ҳолати кузатилади: Зеби руҳсат берилгани учунок ўзини унутар даражада ҳурсанд. У ҳали отасининг «Овозим бор деб ашулага зўр бермасин. Номахрамга овозини эшиттирса **рози эмасман!**» деганини, жисми қафасдан бўшалгани ҳолда руҳ қафасига қулф урилганини ўйлаганича йўқ. Бу нарсани у кейинроқ, аффект ҳолатидан чиққач, идрок қиласи. Ёзувчи аравада кетаётган Зебининг йўлдошлари ашула айтишга қистаган чоқдаги руҳий ҳолатини қўйидагича тасвирлайди: «Зеби «чурқ» этмасдан ўтиради. Унинг **мундай қилиши ҳам шу хил таклифдан қўрққанидан** эди. Албатта, ёш нарсанинг кўнглида ўйнаш, кулиш, хушвақтлик қилиш майллари бошқа ҳар нарсадан кучлик келарди. Лекин Зеби шундай бир отанинг қизиким, унинг қўлида **хар қандай кучли майлларни ҳам юганлаб тутмоққа**, кўнглининг ҳар бир ҳавас ва тилагини кўринган жойида бўғиб ташламоққа тўғри келади ҳам. **Зеби шундай қилишга ўрганиб қолган ... <...>** қизлар томонидан айтилган сўзлар уни изтиробга туширди. Нима дейишини билмас эди. Ўйлаброқ жавоб бериш учун кўнгилнинг талвасага тушмаслиги даркор. Ҳолбуки, **кўнгил ташвишда** ва шу сабабли **талвасада...**» Зеби йўлдошларининг қисташларини рад қилишга жўялироқ гап ътополмайди, унинг «яхши эмас, шундай зим-зиё қоронгида.... Гаплашиб кетайлик...» деган илтижосини эса йўлдошлари тушунмайдилар. Қизнинг дилидаги

<sup>1</sup> Арнаудов М. Психология литературного творчества.- М., 1970.- С.88-89

изтироб шу боис ҳам кучлики, у кўнмаслигининг сабабини айтса, йўлдошлари тушунмасликларини, кулги қилишлари мумкинлигини ич-ичидан ҳис қиласди. Чўлпон турли шароитда шаклланган кишилар рухиятидаги тафовутни кўрсатаркан, Зебининг тенгдошлари орасида нечоғли ажралиб туриши якъол намоён бўлади. Отасининг гапини хаёлидан нари қилмаган қиз ўзи истагани ҳолда умумий хушвақтликка қўшилмайди, айни пайтда ўзининг ҳаммадан ажралиб турганини ўйлаб эзилади. Ўз ёғтга ўзи қоврилиб ўтирганида «Салти ялинди:

— Ўртоқjon, бир нарса десангиз-чи. Ҳамма юаравар ташна экан...

Зеби ўртоғини **астойдил** койиб берди:

— **Сиздан** келган гап шуми, ҳали? **Отамнинг айтганларини ўз қулогингиз билан эшитган эдингиз-ку!** Эшитиб-нетиб қолса нима бўлади? **Билиб туриб...**» Зебининг назарида Салти — йўлдошлари орасида энг яқин кишиси — уни тушуниши, ёрдам бериши лозим эди. Жонажон ўртоғининг аксинча иш тутганини кўрган Зеби ундан хафа, бунга ўзича ҳақли эди. Лекин дугоналар орасидаги суҳбатни психологик контраст асосига қурган Чўлпон Салтининг ҳам ўзича ҳақлигини кўрсатади: «Биламан, ўртоқjon, биламан! Отангизнинг бир эмас, икки қулоғим билан эшитдим. Одамлар ичидан, **кўпчилик орасида қистасам**, мендан хафа бўлинг. Бу ер дала жой бўлса, одам асари бўлмаса, кечаси — қоронғи бўлса, бир-икки жуфт айтиб бермайсизми?» Кўрамизки, Салти Зеби билан қанчалик яқин бўлмасин, ўртоғининг табиатини яхши анлаган эмас. Унинг ўйлашича, Зеби отасидан кўрккани учунгина ашула айтмайди. Шу боис ҳам Салти «бу ер дала жой бўлса(1), одам асари бўлмаса(2), кечаси — қоронғи бўлса(3)» дея қайта-қайта таъкидлайдики, гўё бу билан «ашула айтганингизни отангиз билмайди» демокчи бўлади. Зоҳиран, унинг бу тарзда ўйлашига асос ҳам йўқ эмасдек, зеро, Зебининг «эшитиб-нетиб қолса нима бўлади?» дегани Салтининг бир тарафи ҳақлигини кўрсатади. Лекин Салти ўртоғининг Раззок сўфи хонадонида тарбия топганини, баски, отасидан кўрқишдан бошқа сабаблари ҳам борлигини, хусусан, отанинг «рози бўлмаслиги» унинг учун нечоғлтк оғир эканини хисобга олмайди. Зебининг ўртоғи таъкидла-таъкидлаб айтган гапга жавобан «Номаҳрамга эшиттириб-а?» дейиши (отасининг «Номаҳрамга овозини эшиттирса рози эмасман!» деганини назарда тутиб) юқоридаги фикримизни далиллай олади. Шу ўринда Чўлпон психологик контраст доирасини кенгайтиради: «Зеби бу сўзни **чин қўнгилдан чиқариб ва жеркиб туриб** айтган бўлса ҳам, қизлар ҳаммаси бирдан кулишиб юбордилар. Яна ҳар хил овозлар кўтарилиди.

— **Шу ҳам номаҳрам бўлибдими?**

— **Шу Ўлмасжон-а?**

— **Номаҳрам ўла қолсин...**» Бу ерда, аввало, икки хил дунёқараш тўқнашуви кузатилади. Зеби учун кап-катта йигит бўлиб қолган Ўлмасжон, албатта, номаҳрам саналади. Салти ва бошқа қизларга эса Ўлмасжон маҳалладош, кечагина бирга-бирга қувлашмачоқ ўйнаб юрган бўлишса мумкин. Табиийки, куни-кеча паранжига ўранган қизлар учун бу йигитча ҳали номаҳрам бўлиб улгурмаган(уларнинг наздида). Боз устига, Зебидан фарқ қиласроқ, унинг йўлдошлари «номаҳрам» деган сўзга юзакироқ

қарашади, яъни холини холига тўғрилаб ўтиришмайди, улар учун бегона бўлмаган эркак номаҳрам саналмайди. Кўнглидаги «майлларни юганлаб тутмоқقا мажбур» бўлган Зеби энди бунга кучи етмай қолаётганини сезади, отасининг гапини эсалаб изтиробга тушади. Қиз дилидаги изтироб шунчалар кучлики, маълум муддат кўнглига сафарга отланганидан пушаймонлик оралайди. Унинг Салтига «Мунақа -илишингизни билсан келмас эдим...» деган гапида хафаликка қўшимча ўлароқ пушаймонлик ҳисси ҳам сезилади. Юқорида кўриб ўтганимиз гап-сўзлар Зеби руҳиятида кечган курашда ҳаёт завқининг ғолиб келишига замин ҳозирлайди. Қафасдаги рух қизларнинг шўх яллаларидан қувватланиб, тамомила эркинликка чиқади. Чўлпон Зеби билан Ўлмасжон муносабатларини сирли-романтик руҳга чулғайди. Шу боис ҳам бошданоқ Зеби руҳига кирмаган китобхон учун қиз дилида мұхаббат пайдо бўлиши ишонарли кўринмаслиги мумкин. Зеро, ёзувчи дилни дилга пайвандлаган лаҳза тасвирида сўзга хасислик қиласди. Пойлоқчи кампирнинг қилиғини кўриб «Зеби камоли ҳайрон бўлганидан ааравакашнинг номаҳрам эканлигини ҳам унутиб, ҳалиги танғирқаш назари билан унга қаради. Аравакаш юмшоққина кулимсиради. Ёш йигитнинг бу ёш ва ширин табассумини ой ёруғида алайно қўра олган ёш қиз бутун **баданларидан мулойимгина дуркираш кечганини пайқади** ва қизарип тескари қаради. У қараш аравакаш йигитчага ҳам бошқача таъсир қилган бўлса керак, кампирни туртиб уйғотмоқ учун қўлини юқори узатди. Шунда кампирнинг бошидаги қўл бошқа бир қўлнинг ўзига келиб текканини **боягидан кучлироқ дуркираш** билан сезди. Эркак зоти билан биринчи марта бу хилда учрашган ёш қиз шу пайтда бир оз гангираган эди. Шунинг учун қўлини дарров тортиб олмасдан, **ўзига келганидан кейин** бирданига жеркиб тортди». Ўз вақтида адабни «Кеча ва кундуз»да хотин-қизлар жуда лавашанг, бўш, кўнгилчан, тез йифлайтурғон, жинсий завққа интилатурғон қилиб кўрсатилади (масалан, Зеби, Султонхон, Пошшахон, Энахон). Чўлпон хотин-қизлардан кулади...<sup>1</sup> дея айبلاغан эдилар. Юқоридаги кўчирмада шу айловни қувватлайдиган ўринлар йўқ эмасдай: агар парчани асар контекстидан узб олинса, унда балоғатга етган икки жинс вакилларининг бир-бирига талпинишидан бошқа нарса қолмайди. Лекин шу лаҳзагача ўтган ишларни хаёlda тиклаб, Ўлмасжоннинг хатти-ҳаракатларига разм солинса, ўзгача манзара кузатилади.: «Қизлар жим эдилар. Аравакаш зериқди, шекилли, астсина ашула бошлади. Унинг ашуласи ҳом ҳиргойидан нарига ўтмаганидан кейин Салти кўтарилиди:

— Ўлмасжон, бормисиз? Дурустроқ айтсангизчи!

Салтининг яна бир ўртоғи—Кумри унинг сўзини қувватлади:

—Ҳа, рост, шундай яҳши овозингиз бор экан, Шўх-шўх айтмайсизми? Кенг далада қанча чўзсангиз, шунча кетади жаранглаб...

Йигитча кулди. У қоронғида секингина орқасига қайрилган эди. Орқа сафдаги қизлар чимматини кўтариб ўтирганларидан уларнинг юзларини сал-пал кўрса бўларди. Кулимсираб туриб қизларга бир лз қарагач:

<sup>1</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил 8 август

—Орангизда данги кетган ашулачингиз бор туриб менга осилганингиз қизиқ!» Сезиладики, Ўлмасжон Зебининг таърифини, эҳтимолки қўшиғини ҳам эшитган ва унга эртаклардагидек ғойибона ошиқбўлган. Чўлпон буни очиқ айтмайди, қаҳрамонининг хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлайди-да, унинг руҳиясини тушунишга имконият яратади: Ўлмасжонга «шўх-шўх айтинг» дейишмоқда, демак, у мунгли куйлаяпти. Айтиш мумкинки, бу мунг маъшуқасининг шунчалар яқин ва узоқлигидан туғилган. Унинг «секингина орқасига қайрилиб» (бировни ҳуркитиб юборишдан қўрқғандай!), чимматини кўтариб ўтирган орқа сафдаги қизларга қараб қолиши (бировнинг дийдорига тўймокчидаи!), «данғи кетган ашулачи» Ҳақида юрак ютиб гапириши ҳам шундан далолат беради. Аравакаш умумий хушвақтлик фонида ҳазиллашгандай Зебига дилини ёради: «Таърифингизни эшитибжигарларимиз лахта-лахта қон бўлиб кетган, опа...» ўзи билан тегишган қизларга қаратади: «Қон бўлган юракларни бир нафасда ёзиш сизларнинг («Сизнинг, Зебихон!- Д.К.) қўлингизда опалар!» - дейиши аввалги гапини кучлаб тушади. Қизлар ялла қилганларида «инدامасдан отини аста-аста қамчилаб кетаётган» Ўлмасжоннинг Зеби қўшилиши билан «оғир бир «ух» тортиши», «кўлидаги қамчиси дараҳтдаги кузги япроқ сингари зўрға-зўрға бармоқларига осилиб қолгани» ҳам унинг ҳазил тариқасида айтган гапижиддий асосга эга эканини кўрсатади. Албатта, Зеби йигитнинг ўзини тутишида, гап-сўзларида юқоридаги маъноларни пайқамай қолмаган. Қизларнинг «Ўлмасжон номаҳрамлигини ҳам унутиб» унга «танғирқаш назари билан» (гўё улар эскитдан танишу, нигоҳ оркали бир-бирини тушунадигондек) қарashi ҳам бежиз эмас, бу икки ёш орасида кўринмас ришталар илгарироқ топилган. Демак, асар котексидан келиб чиқсақ, Зебининг Ўлмасжонга кўнгил қўйиши меҳрга ташна қалбнинг шайдо юрак чақириғига «клаббай» дейиши сифатида тушунилиши мумкин.

Туйқус пайдо бўлган ҳис шунчалар кучлики, у тезда ташна қалбни буткул ишғол қиласи: «Зеби секингина бўйинини чўзиб, гапга қулоқ солди. У фақат Кумрининг сўзини — «биттаси ўзимизнинг аравакаш...» деган сўнгги сўзини эшитиб олди. **Юраги ўйнади...** ва дарҳол бурилиб ташқарига қаради. Бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Юрак ўйнаши босилмади. Лаблари титрамоққа бошлаган эди... **Бирданига** ўрнидан турди, қизлар йўл бўшатдилар, уларни оралаб ўтди...» Кўрамизки, Чўлпон қаҳрамонининг руҳий ҳолатини ташқи психофизиологик белгилар оркали очади. Шу билан бирга қаҳрамон руҳияти статик ҳолатда эмас, динамикада кўрсатилади, яъни, руҳий хаяжон акс эттирилади. Аравакаш номини эшитган Зеби унинг ўзини деб келганини ўйлаганида, юраги ўйнайди, дарҳол бурилиб уни кўришни истайди. Қиз дилидаги истак шунчалар кучлики, у бирданига (ғайришуурый тарзда) ўрнидан туради, қизлар гап қилиши мумкинлигини ҳам ўйлаб ўтирасдан боқча томон юради. Ёзувчи Зебининг айни пайтдаги руҳий ҳолатига қуйидагича таъриф беради: «Ёш қиз ўз кўнглининг биринчи марта ўзига бегоналашганини, ўзидан бошқа бир кучнинг кўнглига эгалик қилганини сезарди...» Сезиладики, айни лаҳзада Зеби кучли ҳис домида қолган: ёрқин ифодаланган психофизиологик ва психофизиогномик ўзгаришлар, фикрлаш қобилиятининг сусайгани, иродасининг фалажлангани

қаҳрамоннинг аффект ҳолатида эканлигидан далолат беради. Зебининг Ўлмасжон билан учрашганида айтган гаплари ҳам фақат қаҳрамоннинг умумий психологик контекстида тушунилиши мумкин:

«— Бугун сахар... аравани қўшаманми?

— Нимага?»

Қизнинг туйқус айтиб юборган гапи дилидагини ошкор қиласди: у эркинлик нашъасидан, Ўлмасжоннинг дийдорини қўриб туриш баҳтидан осонгина кечиб кетолмайди энди, бу дамларнинг узоқроқ чўзилишини истайди. Қиз аффект ҳолатидан чиққан бўлса-да, ҳамон сарҳуш — карахтдай туради, Ўлмасжоннинг гапларини эшитмайди гўё: «Зеби тутга суянган, ўзининг қайда турганини унугаёзган, шунча гапга бир оғиз жавоб бермасдан, оғир ўйларга толган эди». Бу ўринда қаҳрамоннинг тана ҳолати (поза) унинг руҳий шолатини ифодалашга хизмат қиласди. Зебининг мазкур ҳолатини китобхон кўз олдига келтириб қўйган адаб севгисининг интиҳосини нурли кўролмаган ва ҳам ундан кечиб кетолмаган қиз дилидаги изтиробни ўз тилидан — психологик ҳикоялаш тарзида беради. «У шу тобда ҳzinинг яқин келажакдаги қора кунларини, қай рангда кўринишини маълум бўлган баҳти, толенини ўйларди. Унинг бутун баҳти Рazzоқ сўфининг жоҳил вужудига боғлиқ эмасми? Унинг бир оғиз «ҳа» ёки «йўқ» қиз бечоранинг бехад қувнаб яйрашига ёхуд хазон япроғидай бир нафасда сўлиб нобуд бўлишига ярамайдими?» Албатта, бу хил ўйлар Зеби учун янгилик эмас, «фақат ширин бир умид, кўзда кўрилиб, қўлда тутилган - **нақд бир умид билан бирга келган қора ўйлар** қиз бечорани ёмон эзиб ташлайди! Бир- икки кундан бери ашула, ўйин деганда **ўзини билмас даражада берилиб** кетиши, шу изтиробларнинг ҳордигини чиқариш учун эмасми?» Ёзувчи қўллаган психологик ҳикоялаш стилистик жиҳатдан лирик чекинишга яқин туради: бу ўринда қаҳрамон руҳий ҳолати тасвир этилибгина қолмасдан, муаллиф муносабати бевосита берилади ҳам. Қаҳрамонга руҳан яқин яқин бўлган адаб муайян маънода унга қўшилиб кетади. Муалифнинг ўқувчига қаратилган риторик саволлари мақсадига кўра ўқувчи учун Зеби қалбига солинган кўприк вазифасини ўтаси, унинг руҳига чукурроқ кириш имкониятини бериши керак. Зебининг психологик ҳикоялашга қай ҳолатда қолган бўлса, унинг ниҳоясида ҳам ўшандай ҳолатда. Кўрилиши (яъни, асар сюжетида узилиш бўлгани каби) ҳам лирик чекинишга хос. Айтмоқчимизки, мазкур ўринда психологик ҳикоялаш ва лирик чекиниш уйгунлашиб кетади. Шундай бўлса-да, биз буни лирик чекиниш дейишдан тийиламиз, чунки мақсад - моҳиятига кўра у қаҳрамон руясида кечаётган жараённи кўрсатувчи психологик ҳикоялашдир.

«Ўз орқасида ўйналаётган ўйинлардан бехабар» Зебининг қишлоқдан қайтгандан кейинги руҳий ҳолати кўп жиҳатдан юқоридаги ҳолатнинг тадрижий давомидир. Гарчи «ўйлари совчиларнинг қатнов йўлларига айланганидан бери у шўрликнинг қора ўйларга ботмаган куни» бўлмаса-да, энди улар қизни кўпроқ изтиробго солади. Шунинг учун ҳам ҳовлида кашта тикиб ўтирган қизнинг қулоғига отасиннг ўзи ҳақида гапиргани чалинганида, у «...кўнгли безота бўлиб дарҳол ўрнидан турди. У бу ёққа чиққан вақида чол-канпир уйда эдилар, шунинг учун у астагина

сўрига бори ўтирди ва **икки қўзи уйнинг эшигига, билинмаган бир кўнгил қоралиги** билан онасининг чиқишини кута бошлади...» Киз кўнглидаги безовталик шунчалар кучлики, онасининг чиқишини кутишига- да чидамайди, ўзи ҳақида қандай гаплар бўлаётганини билиш учун: «...уй дарпардаларидан бирининг таккинасига ўтирди. Энди уйда ўтаётган гапларнинг ҳар бирини унинг қулоқлари битта-битта овлаб борарди» Чўлпон чол-кампир орасидаги гаплар ва Зебининг руҳий ҳолатини паралел равишда тасвирлайди. Интуитив тарзда ёмон бир нарса сезганидан кўнглига «қоралик» инган Зеби руҳиясида ичкаридаги гапларнинг оҳангига ва мазмунига хос ўзгаришлар кузатилади. Бу усул қизнинг безовталигини ўқувчига юқтиради, натижада қахрамонни кўриб, дилидаги ҳар бир тўлқинни ҳис қилиб туради. Ичкаридагилар пичирлашиб гапираётгандаридан дуруст англамаётган Зеби онасининг «Мингбоши бўлса хотини бордир? Худо уриб кундош устигами?» деганини аниқ эшигади: «У иккала қўлининг қандай қилиб кўкрагига бориб қолганини **ўзи пайқаёлмади...** Энди унинг **юраги нотоб бўлган каби жуда суст урмоқда, ранги оқарган**, бутун вужуди латта каби бўшашибган эди... Деворга суюнганича беҳол ўтириб қолди». Келтирилган парчага диққат қилинса, Чўлпоннинг инсон руҳиятини жуда яхши ўрганганига, руҳий ҳолатни психология илми нуқтаи назаридан ҳам тўғри ва аниқ акс эттирганига шоҳид бўлиш мумкин. Гап шундаки, бирдан ҳосил бўлган кучли ҳис инсон организмидаги турли физиологик жараёнларнинг ўзгаришига, хусусан, қон айланишининг (юрак уришининг тезлашиши ёки сустлашиши), секретор функцияларининг (оқариш, қизариш, терлаш) бузилишига, титрок-қалтироқ ҳолатига олиб келиши мумкин. Зебининг, озроқ ўзига келгач, миясида «уч-тўрт кун бурун ўтган воқеалар жонлангани» ҳам психологик жиҳатдан ишонарли. Зеро, у қишлоқда эканида ўйин-кулугуга «ўзини унутар даражада берилгани»дан атрофида юз бераётган воқеаларни информация шаклида қабул қилган-у, идрок қилмаган. Энди эса, хаёлида ўша воқеаларни бир-бир тиклагач, уларнинг туб моҳиятига етади. Отасининг сўнгги сўзлари уни бирмунча тинчлантиргандек бўлса-да, қиз бу вақт ичида бир ўлиб-бир тирилганки, «кампир ташқарига чиққанида Зеби ҳолсиз ва дармонсиз дарпарда ёнига чўзилган, унинг ҳали жуда ёш ва жонли кўзларида **кўп йиллик меҳнат ва қийналишларнинг оғир ҳорғинлиги кўринади».**

Зебининг кўнгли бирмунча тинчланган бўлса-да, ҳали тамом таскин топган эмас. Киз руҳиятидаги умид билан «қора ўйлар» курашида ҳали уларнинг ҳеч бири баланд келолмаган, ғайришуурый тарзда ҳосил бўлган хавфсираш «қора ўйлар»га иттифоқчи бўлиб юрагини ўртайди. Шу боис ҳам **«аллақандай белгисиз бир ташвиш ва ҳадиксираш билан жизлаб ётган кўксини шабадага бериб кашта тикаркан, унинг ғамли овози ғамли куйларни шабадага қўшиб олисларга узатади».** Шу боис ҳам кўнглини ёзиш баҳона Салтиларникига борган қиз Ўлмасжон ҳақида ширин хаёллар суради, лекин улар «биргина «мингбоши» сўзи келиб чиқиши билан бир варақасига паришон бўлиб сочилади, тўкилган тариқ каби ҳар томонга тирқираб кетади. Ҳалиги **ширин хаёллар билан кулиб, тўлиб, чўғдай қизариб** турган юzlари гармсеп теккан экин каби бир нафасда **сўлиб, ўлиб, учукдек бўзариб қолади...**»

Ўлмасжонни бир кўриш учунгина келган Зеби атрофга шайдо нигоҳ билан қарайди: Салтининг, унинг онасию бувисининг яхши муомалаларини ўз хайриятига йўйиб («Салтанат ўзининг бу севимли қариндошига бу севимли ўртоғини олиб бермоқ истамайдими?») кувонади; йигитнинг онасига нисбатан ажабтovur меҳри ияди. Булар қиз дилидаги умид аста-секин баланд кела бошлаганидан дарак беради. Кейинрок, «Раззок сўфининг уйидагилар «мингбоши» деган сўзни унутаёзган бўлганларида, Зеби дилидаги умид буткул устун келгани кузатилади. Бу вақтга келиб: «Ўлмасжон ҳар ўтганида деярлик сўфининг баланд деворига осилиб, хипчин синдирадиган бўлди... Энди каштачи қиз «вой ўлақолай!» деб ичкарига қочмас, факат бетига рўмолини парда қилиб, икки бети чўғдай ёнгани ҳолда, кулумсираган кўзлари ила ҳалиги парданинг ёнидан мўраларди...» Зебининг дилида муқимлашган умидворлик ҳисси уни яна серзавқ, сернашъя қизчага айлантиради. Шу боис ҳам у «биргина қизил олма учун девор ошиб бошқа боққа тушган йигитча тўғрисидаги ашулани ланг қўяди», ҳатто, онаси гап сўраганида «ашуланинг бўлинишини истамаган қиз жавобни калта қилиб, яна сернашъя қўшигини бошлайди». Зебининг ўртоқларини чақиртиromoқ истаги ҳам шундан, улар билан яйраб ўйнагиси, қувончини улашгиси келади, ўзини безовта қилган «қора ўйлар» ширин хаёллар остида кўмилиб кетганидан у энди «ниҳоят даражада тотли тушлар билан кўп роҳат ухлайди». Мана шу хаёлий баҳтиёрлик фонида Зеби онасининг изтиробларини, қизининг тақдирига куйиб тўкилган ёшларининг чин моҳиятини англамайди. Қиз онасининг йифлаганини билиб аввалига ташвишланса-да, кўнглидаги ҳадик илгариги кучини йўқотгани учун ҳам онасининг соддагина важҳига ишонади, кўнгли тинчийди қолади. Зебининг мазкур руҳий ҳолати қуидагича кўрсатилади: «отасини нонуштага чақирмоқ учун Зебига Раззок сўфи нимагадир:

— Чойингни ҳовлига чиқиб ич!- деб буюрди.

Бу буйруққа на она эътиroz қилди ва на қиз. Айниқса, Зеби бутун бу нарсаларни отасининг феъли айниганидан кўтарди. Онасининг кўзларида шунча изтироблар қайнаб тошгани ҳолда, ёш қизнинг содда кўнгли уларни кўролмас эди. Онанинг кўнгли сир беркитиш орқасида ғашдан ёрилай деганида, **қизнинг кўнгли дам Ўлмасжонни, дам Салтихонни эркалатиб ўйнарди**. Ҳовуз бўйида яна ўша қўшиқ, яна ўша ёқимли овоз сувларнинг жимжимаси устида йўргаларди... Яна ўша девордан, яна ўша аравакаш бола мўралаб ёш қизнинг мунгли қўшигини бўларди...» Мазкур эмоционал-психологик фон Зебининг кейинги изтиробларини психологик жиҳатдан асослашда муҳимдир. Аввало, қиз балоғат ёшига етганидан бери ҳадикда кутган «бало» кутилмагандага келадики, бу кутилмаганлик эфектини беради. Ёзувчи буни «ёш қизнинг кўнгил шишасига бир тош келиб теккан каби бўлди» дея лўндагина изоҳлади. Чўлпон қаҳрамонининг айни кунлардаги руҳий ҳолатини тасвирлашда чинакам реалист санъаткорга хос иш тутади: Зебига зўраки йўл-йўриқ кўрсатмасдан, характер мантиқидан келиб чиқишга интилади. Албатта, Зеби учун бу катта фожеа, лекин «ҳисларини юганлаб тутмоққа ўрганиб қолган», ота амрини худонинг буйруғи деб тушунадиган, қатъий ҳаракат қилишга табиатан ожиз қизнинг тақдирга тан

бериши муқаррар эди. Унашилганидан кейинги дастлабки кунлар Зеби йигига зўр беради. Табиийки, у каби ожиз нарса учун ўз ҳисларини, норозилигини ифодалашнинг ёлғиз йўли ҳам — шу. Ўша кунлар унинг «кўз ёшлари сира тинмадилар», лекин қиз катъий харакат қилишга ожиз экан, бу хол узоқ давом қилолмайди: «Бора-бора Зебининг кўз ёшлари ҳам қуриди. У ҳам худди суратдай жонсизгина судралиб юра бошлади... Зебининг оғзидан на бир оғиз сўз чиқар, на бир байт қўшиқ, на бир оҳвоҳ». Сезамизки, қиз сўнгги кунларда ўзига серзавқлик, хаёлпарамастлик, жонлилик баҳш этиб турган умидворлик ҳиссини ўлдирган. Шу боис ҳам у «жонсиз сурат»га айланиб қоладики, энди унга ҳаммаси барибирдай кўринади. Модомики, қизнинг руҳишуңга кўна бошлаган экан, танада кўрилган юқоридагича ҳолат ҳам узоқ давом этиши душвор. Шу боис ҳам Чўлпон Зебининг «тўйга яқин ва тўй кунлари ўртоқлари билан кулиб гаплашгани»ни айтади. Англаш мумкинки, барибир қўлидан ҳеч нарса келмаслигини билган қиз изтироблардан келган карахтлиқдан сўнг кечган кескин ички кураш оқибатида муайян руҳий мувозанатга эришган. Бу мувозанатни тутиб турган омиллардан бири ушалмайдига орзу сифатида Ўлмасжонни унутишга ўзини мажбур қилолгани бўлса, иккинчиси — мингбоши ҳақида қишлоқда эшитган гапларини хаёлига келтирмасликка тиришгани. Шу ҳолатда Умринисанинг «кичкина митти»си қизга мингбошини «шундай тасвир қилдики, энди унинг ўрнига — қуёв ролига — бир дев кириб келса Зеби «жон!» дерди!» Бу нарса қиз дилидаги мувозанатни бузадики, у «бирданига бурунги қуруқ сурат шаклига кириб ю қолади». Боз устига, Умринисабиби тайин килган хотинларнинг атайин эшиттириб қурган сухбати қизни биратўла йиқитади: «Зеби кўзларини мўлтиратиб, кўли кўксидаги бедармон ётарди. Оғзини очиб бир сўз демас, саволларга жавоб бермас, ёнига кирган Энахонни ҳам танимасди. Ранги пахтадек оқарган, қовоқлари бирушта учиб тушарди». Кўрамизки, Зеби мингбоши совчилари ҳақида илк бор эшитганда бошидан кечирган руҳий ҳолатга тушди. Бунинг боиси шундаки, руҳий мувозанатга эришиш учун қиз кўпроқ мавҳум фикр юритган, яъни, ўзини минглаб баҳтсизларнинг бири сифатида тушуниб, конкрет ўзи ва бўлажак куёви ҳақида ўйлашдан имкон қадар қочган. Энди эса шароит уни шунга мажбур қилдики, қиз дилида жимиб кетган изтироблар кучайиб, уни яна психий шок ҳолатига солди.

Адабиётга вульгар социологик ёндашиш, уни мономафкура қуроли сифатидагина тушуниш хукм сурган даврда Зеби типидаги «тақдирга тан берадиган» қаҳрамонлар рағбат топмас эди. Зеро, адабиётдан курашчан, оммага «ибрат бўларлик» қаҳрамонлар яратишни талаб қилишлик аксарият китобхонлару адабиётшуносларга хос эди. Ёзувчи бўлғувси оппонентларининг маломатларини ҳис қилгани учундирки, китобхонни ҳам, қаҳрамонини ҳам кўнишга обдон тайёрлайди: отасининг оппоқ соқоли билан кўз ёшларини тўкиб қарғашлари, «мундай қарғишларнинг ортиқ даражада кўрқинч эканини ҳар оғиздан эшита-эшита ўсган» қизга таъсир этмаслиги мумкин эмас; ўзи туфайли онасининг, шундоғам умри азобда ўтаётган аёлнинг, чеккан ситамлари юрагини эзиши табиий; кундошларининг саъй-ҳаракатлари, негадир атрофдагиларнинг бари «шу»ни исташи Зебидай «ожиз, иродасиз, аянч ва яккабош»

қизни синдириши аниқ эди. Аввалига ашула айтиб ўтиришгагина кўниб ён берган Зеби шарт-шароитларни обдон ўйлагач: «Ёлғиз жоним билан ҳеч нарса қилолмайдиганга ўхшайман, тақдирга тан бераман, шекилли... Вой, худойим, **ўзинг ташлагандан кейин бошқа чора борми?**» деган қарорга келади. Чўлпон шу қарорни берган қизнинг руҳий ҳолатини, дилида кечган ақл ва ҳис курашини зўр маҳорат билан тасвирлайди: «... қиз бечора тақдирга тан беришга жазм қилганидан кейин омонсиз тақдирнинг суниб турган жомидан **ўзини маст бўлгандай хаёл қилиб**, ўзи хоҳламаган ва ўзи қўрқкан заққа толди. Ўша шумлик кунда то кечгача Зеби неча марта **тишини тишига босиб ғижинди**, оёғи билан **ер депсиб ўзини зўрлади**, оқшом чоғи кўнглидаги изтиробларни дутор қилларига ва Нетайхон яллаларига топширди. Ортиқча қийналмаслик учун бутун оқшом ичи **фонар ёқмади**, ташқаридан тушга заиф ёруғда — мингбошига қайрилиб қарамасдан — дуторини чалиб ялласини қила берди...» Кўрамизки, Зебининг мазкур ҳолати табиий қўрқувдан анча кенг. Ҳар жиҳатини ўйлаб таслим бўлишга жазм қилган қиз кўнгли осонгина кўнадиган эмас, зеро, аллақачон ҳосил бўлган жирканиш ҳисси, антипатия ҳали ҳам кучли. Шу боис ҳам Зеби қаршисидаги айнан мингбоши эканлигини хаёлидан чиқаришга, «ўзини маст бўлгандай хаёл қилишга» уринади. Ақли шундай қилиши кераклигини айтиб тургани ҳолда, кўнгли бунга унамайди. Ёзувчи Зебининг «ташқарida ҳамма ухлагач, **бирданига дуторни иргитгани**» ва мингбошининг «очилган қучоқларига бир қулдай эътиrozсиз кириб кетгани»ни ёзиш билан кифояланади. Лекин сал илгарироқ айни шу лаҳза айвонда ҳамманинг ухлашини кутиб ўтирган Султонхон руҳиятидан ўтказиб берилганки, зийрак китобхон буни илғамасдан қолмайди: «Ниҳоят, ҳамма ухлаб кетди. Шундан кейин Зебининг ашуласи тинди. Яна бироз кейин дутор товуши ҳам алланечук **бирданига** узилиб қолди. Бу узилишда аллақандай бир **зарда қилиш, бирданига дуторни иргитиб ташлаш** бориди...» Зеби, тушуниш мумкинки, «ваъдасини бузмаган» мингбошига зарда қиласди, зеро, у куч ишлатганида қизга осонроқ бўлур эди. Ёзувчининг «**бирданига**» сўзини таъкидлаб ишлатиши ҳам бежиз эмас: кўнглини бўйсундиролмаган қиз бир лаҳзагина унга қулоқ солмади, кўзини чиппа юмиб ўзини тақдир тўлқинига отди-да, изтироблардан бирақай кутулди. Зебининг кейинги хатти-харакатлари ҳақида адиб: «Эртаси куни унча ижирғанмади. Ундан кейин табиат ўз ишини қилди. Мамлакатнинг қизғин қуёшида тез етилган **тан бечора қизнинг маъюс кўнглини ўз қучоғига олди**», - дейди-да, гапни муҳтасар қиласди. Зебининг кейинги хатти-харакатларидан тақдирига буткул кўниб кетиши яққол сезилиб турди. Кўрамизки, Чўлпон талқинида Зебининг табиий фазилатларидан муҳитнинг емирувчи кучи устун келади. Суюкли қаҳрамонини кундошлар орасига **сингдирраб** юбориш билан адиб катта бадиий умумлашмага эришади, зебиларни пошшахону султонхонларга айлантирган муҳитга муносабатини ифодалайди.

Мингбошининг заҳарланиши эпизодини тасвирлар экан, Чўлпон Зебини ҳар кандай гумондан ҳоли қилишга интилади. Зеро, зохиран гумон учун асос йўқ эмасдай: Пошшахон кучалани Зеби учун «дам солинган» чойнакка солган, билганки, кундоши

бу сувни бироргага тутмайди. Ёзувчи фожиа тафсилотини тасвирлар экан, Зебининг айни шундай ҳаракат қилиши лозим бўлганини психологик жиҳатдан асослай билган: «Орада қанча ухлагандир, ўзи ҳам билмайди, бесаранжом бир қичқириқ билан уйғонди:

— Сув! Сув! - деб қичқиради мингбоши.

Зеби **уйқусираб** келиб яна фонарни баландлатди. Унгача мингбошининг кўркинч овози ҳам кўтарила тушди:

— Синталоқди қизи, сув дейман! Сув! (Зеби ҳалигача тушуниб етмаганидан мингбоши ғазабга минмоқда - Д.К.) Юрагим куйиб кетди!.. Ёниб кетди!.. Сув! Сув!..

Зеби **шошиб қолди**, тез бориб чойнакдаги табаррук сувни қўлига олди — ҳеч нарса ўйлашга фурсат йўқ — дерҳол мингбошига узатди...» Бу ўринда, аввало, Зебининг жуда каттиқ ухлаганини назарда тутмоқ лозим, зеро, ярим кечада молдай ичиб келган эрининг чўчқага хос қилиқларини кўриб кўнгли алағда бўлганидан «ташқарида анча шамоллаб ва енгиллаб киргач»гина ухлаган. Қаттиқ уйқудаги одамга хос караҳт шуурига эрининг нима дегани етиб бормайди, уни бақириқ кучигина ўрнидан кўзғатган. Шу боис ҳам у уйқусираб фонарни баландлатади — нима гаплигини билишни истайди. Шу ҳолатда эрининг сўкиш аралаш ўкириши Зебини яна караҳт қилиб (кўркув аффекти) кўядики, унинг талмовсираб турганини кўрган мингбоши гапини қайта-қайта тақрорлайди. Шуури тиниқлашиши биланоқ шошиб қолган Зеби токчадаги «табаррук сув»ни олиб узатади, айни пайтда у сувнинг табаруклигини ўйлайдиган алпозда эмас, тезроқ эрини тинчтиши, унинг ғазабига қолмасликни тилайди, холос. Судда «Нимага у **сувни** мингбошига бердингиз?» деган саволга Зебининг «Жуда ташна бўлиб сўраган эди, шундоққина токчадан олиб узатдим» дея жавоб бериши ҳам шундан.

Қаҳрамоннинг кўз олдида юз берган даҳшатли воқеадан кейинги руҳий ҳолати ҳақида адид «Зеби ўша заҳарланиш ҳодисасидан бери доим караҳт бир ҳолда бўларди, унинг мияси фалажга йўлиқкан каби эди» деб ёзади. Қиз атрофида юз бераётган воқеаларга ўта лоқайд, «ўзини нечик мудофаа қилишни ўйламайди», караҳт шуурида «Мен ўлдирганим йўқ.... Бу аниқ... Мени қўйиб юборадилар...» деган қатъий ишонч муқимлашган. Зеби ўзининг тақдирни қай йўсин ҳал қилинаётганини билмайди, сабабки, «суд мажлисида фақат айбордога берилган саволлар, сўнгра тергов протоколи билан ҳукмноманинг энг керак жойлари таржима қилинар, бошқа сўзлар ўруслана кетарди». Қизнинг ўзини тутишидаги хотиржамлик, кўркув ҳиссининг йўқлиги юқоридагича **ишонч ва англамасликдан** келиб чиқади. Шу боис ҳам у суднинг саволларига жиддий жавоб бериш кераклигини ўйламайди ҳам:

«— Чойнакда заҳар борлигини билармидингиз?

Зеби **кулди**.

— Қизиқ экансан (ўруслар сизлаб бўлмайди), мен қаердан билай?

— Демак, эрингизни ўзингиз ўлдирдингиз?

Зеби **қаттикроқ ва чўзиброқ** жавоб берди:

— Йў-ў-ўк!.. Ўлибманми ўз эримни ўлдириб».

Зебининг ўпка аралаш айтилган охирги гапида «оппа-очик нарсани» кўрмасдан ўсмоқчилаб сўраганларга аччиқ билан бирга унинг психологияси, ўйлаш тарзи ҳам очик сезилади: «У ортиқ тақдирга тан берган, Акбаралини ўзининг шаръий эри деб билади, бинобарин, у Зебининг ҳақиқий хўжаси. Унинг бир сўзигина эмас, ҳар қандай хоҳиши ҳам Зеби учун қонун. Хотин эса эрини ўлдиришни хаёлига келтириши у ёқда турсин, унинг ҳар қандай истагини бажо келтирмоги, унинг кўнглини олмоги керак. Бу хотин киши учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шариатнинг йўриғи шундай»<sup>1</sup> Зеби тақдиди аввалданоқ ҳал қилинганини фаҳмламайди, зоро, бунчалик адолатсизлик бўлиши мумкинлигини тасаввурига сифмайди унинг: «Ўруслар-мусулмон бўлиб шунча одам ўтирибди, ахир мингбошини ўлдирган Зеби эмаслигини ҳаммаси билади. Билиб туриб яна қайталаб сўрайбергани қизиқ!»- дея ўйлаши ҳам шундан. Албатта озод қилинишига қаттиқ ишонганидан Зебини суднинг натижаси эмас, «уйимга қандай етиб оламан» деган ўй қўпроқ ташвишлантиради. Қизнинг суд ҳукми ўқилган чоқдаги реакцияси кўрсатилган эмас, факат унинг «чиммат остида ҳўнгур-ҳўнгур йиғлаётгани» кузатилади. Шу ўринда унинг «Ариза ёзib берайми? деб сўраган адвокат билан сухбатини қузатиш жоиз. Адвокат ариза ёзилса, иш қайта қўрилиши мумкинлигини айтади, Зеби:

«— Ким кўради? Шулар... кўрадими?  
— Бошқа суд кўради.  
— Бари бир... оп-очик турган нарсани... булар тушунмайди-ю, улар тушунармиди?  
— Ариза бермайми?  
— Қўяқол! Мен учун... овора бўлиб ўтирма...»

Бир қарашда Зебининг гаплари унинг «кўзи очилани»дан, «була»нинг тили бирлигини англағанидан далолат бераётгандек. Лекин, бизнингча, қизнинг йиғлаб айтган гаплари унинг норозилигидан кўра қўпроқ ўз тақдидидан хафаланганини, «оп-очик турган нарсани тушунмаган»ларга нисбатан аразли аччиқни ифодалайди. Зебининг охирги гапида эса руҳий тушкунликдан келган ўз тақдирига бефарқлик оҳанглари яққол кўринади.

Албатта, романнинг иккинчи қисмида, О.Шарафиддинов айтмоқчи, Зеби тақдирининг давоми қаламга олиниши эҳтимолдан ҳоли эмас. Дилогиянинг номланиши, ёзувчининг «Новвой қиз» ҳикоясида «инқилобгача — инқилобдан сўнг» схемасининг синаб кўрилгани ҳам бу фикрни маълум маънода қувватлайди. Лекин Зеби кейинги романда характер мантиқига мувофиқ ҳаракат қиласиди ёки... Яххиси, бу саволни очик қолдирган маъқулроқ кўринади, зоро, минг йиллик тарихимизнинг айни шу парчасидан мантиқ излаш... қийин.

Зебининг теварагида ҳаракат қилувчи персонажлар руҳиятини ҳам Чўлпон, асосан, динамик принцип воситасида очиб беради. Уларнинг айримлари, хусусан, Салти билан Ўлмасжон тўғрисида юқорида қисман тўхталдик. Бизнингча, бу принцип

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Кеча ва кундуз// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1990.-16 фев.

асосига қурилган характерлар рухиятини тўлароқ тушуниш учун уларни қадамбақадам кузатиш лозимдирки, Зеби ҳақида сўз юритганда биз шунга амал қилдик. Лекин эпизодик персонажлар ҳақида гапирганда бу нарса зарур эмас, чунки бадиий асарда уларнинг характери ва рухиятини атрофлича очиш мақсад қилинмайди, балки айрим қирраларигина берилади.

Масалан, Чўлпон Зебининг кундошлари талқинида уларнинг бариси учун хос бўлган худбинликка алоҳида эътиборни қаратади. Аввало шуни айтиш керакки, уларнинг худбинлиги ўзлари яшаган микромухит шарт-шароитларидан келиб чиқади. Тўрттагача хотин олишга руҳсат берган шариат уларнинг ҳаммасига бир кўз билан қарашни, **ҳар жиҳатдан бир хил таъминлашни** ҳам талаб қилади. Бироқ бу нарса, табиийки, камдан-кам одамнинг қўлидан келади, натижада ўз-ўзидан кундошлар орасида рақобат келиб чиқади. Кундошлар рақобатининг ички двигатели — «менга!» ҳисси уларнинг табиатига сингиб кетади ва кўп жиҳатдан хатти-ҳаракатларини белгилайди. «Менга!» ҳиссининг поймол қилингани Пошшахонни куйдирса, Хадичахон унинг куйганидан хурсанд бўлгани ҳолда яйраб юрган Султонхонни куйдириш, буни ўз кўзи билан кўриш истаги олдида ожизлик қилади. Аслида-ку, Хадичахон эридан тамом умидини узган, тақдирга тан бериб, фақат мол-дунёдан кўпроғига эга бўлиш умидида яшайди, холос. Лекин юқоридаги каби майда интилишлар бот-бот вужудини кемиради, зоро, кундошлар келмаганида эр ҳам, молдавлат ҳам фақат уники бўлур эди. Чўлпон кундошлар орасидаги муносабатларни ниҳоятда жонли ва ишонарли тасвирлайди. Мисол тариқасида тўй арафасида уйига отланган Султонхоннинг Хадичахон билан мулоқотини кузатамиз:

«— Мен ойимларникига кетяпман. Уч-тўрт кун айланиб, кўнглимни ёзиб келай...

Хадичахон «Ҳа, майли» деб кўя қолса нима бўларди? Жуда чидамай кетса — индамасиниди, бунга қараб мийигида бир кулсиниди — шу ҳам етиб ортарди. Йўқ! Пошшо афсунчининг бу ўргатма илони бир марта нишини ботириб олмаса бўладими?

— Вой, бу нима қилганингиз, Султонхон? **Шундай яхши тўйлар бўляпти...**

Тили зўрға-зўрға қалдираб:

— Тўйгача... келаман... - дея олди Султонхон».

Хадичахон кундошининг айни шу ҳолатини кўриш учун тўйга саркорлик қиласиди, лаҳзалик худбинона «лаззат» учун бир қиз баҳтига зомин бўлаётганини ўйламайди ҳам, сабабки, шу топда унда рашқ-алам ўти кучли. Лекин, эътибор қилинса, Хадичахон шунинг ўзи биланоқ қониқиши ҳосил қилгани сезилади. Пошшахоннинг тўйдан кейин бирдан ўзгариб қолган Султонхон ҳақида «Мунинг бу қулишидан қўрқаман! Зебихон билан апоқ-чапоқ бўлиши бекор дейсизми?» деганига жавобан айтган гапида бу нарса яққол кўринади: «... Нима қилсан? Кўлидан нима келади? Куёвингизда чиқиб бошқа эрга тегаман, деб эди, куёвингиз кўнмади. Отаси қизини ҳар қанча яхши кўрса ҳам, мингбоши билан ўчакишувдан қўрқади. Мингбоши бўлса қайрилиб ҳам қарамайди... Нима қилсан? Қаерга борсин? Ночор-ноилож ўзини хурсанд қилиб юради-да». Кўрамизки, Хадичахон дилидаги худбинлик ўрнини инсоф

хисси эгаллай бошлаган. Энди у Султонхонни ўзича тушунишга ҳаракат қиласи, ўзининг қисматдоши сифатида раҳми келади унга. Албатта, кундошлар орасида ягона болалик аёл (бу нарса унга алоҳида мавқе беради), боз устига, ёши бир жойга бориб колган одамнинг бу тарзда ўйлаши табиий. Аксинча, оилавий турмуш баҳтидан маҳрум, давлат учунгина мингбоши билан яшаб турган Пошшахон қониқолмайди, ўзининг кесатигу қочиримлари таъсир қилмаётганини, саъй-ҳаракатлари зое кетганини ўйлаб куяди. Пошшахонга таъриф бераркан, Чўлпон уни «мингбоши хотинлари орасида энг жонли ва энг эслиги» деб айтади. Ҳақиқатан ҳам у — ҳаракатчан, катъиятли, мақсади йўлида оғишмай ҳаракат қила оладиган аёл. Бироқ унинг бутун иқтидори ўзи яшаётган муҳит қолипига тушган, натижада унинг дилидаги шахсиятпараматлик куртаклари барг ёзган. Пошшахон ўз мақсадлари, ўзининг хузур-халовати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, бошқаларни тепалаб-янчиб бўлса-да, мақсадига интилади. Қилган ишининг натижасидан норози Пошшахоннинг ўйларини, уни машъум қотилликка бошлаган руҳий жараённи Чўлпон моҳирона тасвирлайди. Тиришиб-тармасиб қилган иши Султонхонга заррача таъсир қилмагани етмагандек, энди унинг ўрнини Зеби эгаллади. Албатта, Султонхоннинг бепарволиги Зебига «кундошлиқ» қилишни Пошшахоннинг ўзига юклаган, шунинг учун ҳам Пошшахоннинг ўйларида муболаға йўқ эмас. Зебининг чинданам баҳтли эканига ўзини ишонтириш (бу ҳолда унга душманлик қилиши ўз наздида оқланган бўлади) учун Пошшахон асос излайди, бу йўлда ҳатто эри ҳақидаги фикрини ҳам ўзгартиради: «Мингбоши ўзи қари бўлса ҳам, қуввати жойида: у ўзи бир хотинга қаноат қилса, хотин киши, албатта, қаноат қиласи... Хўш, мингбошининг ўзи одамлар айтгандай жуда хунук ва бадбашара одамми? Албатта, кўп эркаклардан хунукроқ... Ўлгудек қўпол... Аммо-лекин ундан ҳам хунук, ундан ҳам қўпол эркаклар бор-ку!» Пошшахоннинг «Зеби — баҳтли» деб ўзини ишонтиришга уриниши, бу йўлда ўз-ўзини алдашгача бориши нимадан? Бизнингча, у Зебини мақсади (меросга эга бўлиб, Мирёқиб билан бирга бўлиш) йўлидаги ғов сифатида орадан кўтариш лозимлиги ҳақидаги фикрга илгарироқ келган. Пошшахоннинг катта кундошига «Мунинг (Султонхоннинг -Д.К.) **бу қулишидан қўрқаман!** Зебихон билан мунча апок-чапоқ бўлиши **бекор дейсизми?**» деб гап учиргани ҳам бежиз эмас: ўшандаёқ Зебининг ўлими учун айб Султонхонга юкланиши ҳақида қайтурган, бир ўқ билан икки қуённи уришни кўзлаган. Лекин фикр ҳали қарор шаклига шаклига кириб улгурмаган, недир ҳалакит бераётирки, Пошшахон ўзини шунга тайёрлаш заруратини сезади. Ўзининг ҳарактер мантиқига кўра Пошшахон «Ўтган кунлар»даги Хушрӯйбиби, «Кутлуғ қон»даги Нури образларига яқин. Бироқ улардан фарқ қилароқ, Чўлпоннинг қаҳрамонида иккига ажralиш кузатилади, Толстой айтмоқчи, унинг вужудида иккита одам яшайди. Қаҳрамон онгига шу икки «одам» ўртасида кескин кураш боради-ю, ҳеч бири ғолиб келолмайди. Ниҳоят, мақсадга етиш учун шундай қилиш керак, деб ҳисоблаган Пошшахон кўзини чирт юмиб ишга киришади. Қарорини «тез ва осон» бажариб — чойнакдаги сувни заҳарлаб чиққач, Пошшахоннинг азобга тушиши юқоридаги фикримизни далиллайди: «Қаҳқаҳалар билан дунёни бошига кўтарган

вақтларида ҳам ўз қўлининг беихтиёр кўкрагига бориб қолганини пайқар, аллақандай совуқ бир туман парчасининг кўкрагида ивирсиб, у ер-бу ерга қадалиб юрганини сезарди. Шу қадалган нарсани чиқариб юбормоқ учун қаттиқ-қаттиқ йўталди». Шу аснода Зебининг «Нима бўлди, жоним, сизга?» дея ажиб самимият, меҳр билан сўраш Пошшахонни йиқитади: «Шундан кейин ҳалиги туман парчаси кўкрак теграсига от кўйиб чопқилай бошлади. Бутун аъзои баданида ялмоғиз кампирнинг муздек совуқ қўллари ўрмалагандай бўлди. Ёш жувоннинг ранги ўчди...» Кўрамизки, Пошшахон ўзи содир этган жиноят юкини кўтаролмайди, сабабки, у табиатан ёвуз эмасди. Пошшахон ўзи яшаган сиқиқ муҳит ҳаётидан қониқмади, «если ва жонли» одам сифатида уни ёриб чиқишига интилди, бироқ худбинлик оғусидан тўйиб ичган ақлию иқтидори ёвузликни ўзига иттифоқчи қилди. Чўлпон «мақсад воситани оқлайди» деган ақидага қўшилолмайди, ёвузлик, инсон ҳаёти бадалига эришилган озодлигу баҳтни тан олмайди. Муҳими шундаки, ёзувчи Пошшахон образи талқинида «ниш урмоқ эрур касби чаённинг» қабилидаги примитив йўлдан бормайди, аксинча, уни жиноятга етаклаган туб сабабларни очишга интилади. Чўлпон қаҳрамонида аввало инсонни кўришга интилганки, натижада Пошшахон тақдири ўқувчини бефарқ қолдирмайди, уни ўйлашга мажбур қиласди.

Романдаги эпизодик персонажлар руҳияти, асосан, диалоглар ҳисобига (албатта, бу ўринда муаллиф шарҳлари, психофизиологик ва психофизиогномик параллелизмларнинг тўлдирувчи воситалиги ҳам назарда тутилади) очилади. Эпизодик персонажлар билан бевосита боғлиқ воқеалар силсиласи бўлмагани учун ҳам уларнинг руҳиятини очища диалоглар етакчи аҳамиятга эгадир. Бунда психологик таҳлилнинг драматик усули якъол кўзга ташланади. Зоро, жонли гавдалантирилган ҳаётий ситуация(дейлик, «саҳна»)ни кўриш, «эшитиш» ҳисобигагина қаҳрамонлар руҳиятини тушунишимиз мумкин. Шу жаҳатдан бир эпизодни — сафарга отланган Мирёқуб билан хотини орасидаги мулокотни кузатамиз. Мирёқуб уйига келганида, «Ичкарида хотини йиглаб ўтиради. Товоқдаги ошнинг кўпи ейилмай қолганлиги кўринарди. Дастурхон устида гуруч доналари кўп эди. Демак, ошни болалар ўзларигина еганлар... оналари емаган...

— Нимага йиглайсан?- деди Мирёқуб.

— Шаҳардан **буғун** келдингиз. Энди икки ойга кетаман дейсиз... **Ёш-ёш болаларингиз бўлмаса ҳам майлийди...**

— Болаларимга етарли пул қолдирдим. Баққолга тайнинлаб кўйдим, нима десанг бериб туради. Икки ой узоқми? Лахзада ўтиб кетади. Иш бўлмаса юрмас эдим, иш бор, начор-ноилож юраман. «Иш қилма, пул топма»» де; ишни сен қил, пулни сен топ, мен уйда ўтирай, жон дейман...

**Хотини жим бўлди, факат йигидан тийилмаган эди.»**

Мирёқубнинг хотини ўз қадрига йиглайди, зеро, ёш жувон учун эрининг кўчадан бери келмаслиги — ҳақоратдай гап. Ўз тақдиридан нолиган аёлнинг Мирёқуб айтган гаплардан сўнг жим бўлгани ҳолда ёигидан тийилмагани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда Хадичахоннинг кундоши билан сухбат ораси: «Нон билан қиём **хар**

**кимницида йўқ.** Бу ҳам борникида бор. **Шукр** қилсак бўлади...» деганини эслаш жоиз. Албатта, Мирёқубнинг хотини ҳам оч-наҳор юрган одамлар кўплигини билади, эрининг оилани бекаму кўст таъминлай олишини қадрлайди, шунинг учун унинг гапларидан сўнг «жим бўлди». Кўринадики, аёл эри писандада қилиб айтган гаплар замиридаги ҳақиқатни, усиз ўзию болалари оч-юпун қолишларини тан олади — тили қисик. Бироқ, табиийки, моддий таъминланганликнинг ўзи баҳтли бўлиш учун кифоя эмас: аёлнинг «Кетадиган кунингиз болаларингиз билан бирга ётинг энди» деган зорида меҳрга ташнакўнгилнинг ожизона талаби, норозилик түғёнлари сезилади. Мирёқуб жуфти ҳалолининг дилидаги түғёнларни англашдан ожиз, шу боис болалари билан қолишга кўнмайди, «эшикни занжирлаб олиш»ни буюради: «Хотин индамасдан ўрнидан турди ва узун енги билан кўз ёшларини арта-арта эрининг орқасидан дарвозагача келди.

— Қачон уйғотай? Йўлга нималарни туғиб қўяй?- деб сўради хотин **хўрликдан овози тутилгани** ҳолда.

— Ҳеч нарса керак эмас. Ўзим турман.

Ўрта эшик **жуда оҳисталик** билан ёпилди. Сўнгра яна ўшандай **оҳисталик** билан занжир солинди. Ундан кейин, айвончага етиб қолган Мирёқубнинг қулокларига яна ўша томондан **хўнграб йиғлаган бир овоз** эшитирди...»

Аёл ҳар қанча қуймасин, Султонхону Пошшахондан фарқ қиласроқ, тақдирига тан берган. Аёл эрини ўзининг ҳақиқий хўжаси деб билади, шу боис ҳам умид билан бир ёстиқка бош қўйган одамидан хўрлик кўрса-да, дилидаги оғриқни енгиб, яна унинг ташвишини қиласди; зарда бўлиб туюлмасин, деган андишада эшикни оҳиста ёпиб, оҳиста занжир солади. Унинг қисмати Пошшахону Султонхон қисматидан енгил эмас, шундай бўлса-да, ҳиёнат кўчасига кирмаган. Зеро, табиатига номус ҳисси шунчалар сингиб кетганки, ҳаловатини ўйлаб ҳиёнат қилишни хаёлига сиғдиролмайди. У болалари ва эри учун ҳар қандай оғирликни елкасига олишга қодир, бу йўлда ўзидан-да кеча оладиган фидойи, «қаноат ва меҳр маъбудаси» (З.Рўзиева) дейишга арзигулик чинакам ўзбек аёли.

Эпизодик персонажлар руҳияти ҳақида гапирганда конкрет эпизоднинг ўзидангина келиб чиқиши ярамайди, аксинча, алоҳида саҳна асар воқелиги контекстида олиниши лозимдир. Акс ҳолда, қаҳрамоннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини, унинг ўйидагини англаш душвор. Мисол тариқасида мингбошининг миrzаси Ҳакимжонни олайлик. Ҳакимжон аёлларга тааллуқли гапларни икир-чикиригача билишидан аччиқланган Мирёқуб «Мен Ҳакимжоннинг мингбоши додҳога бешинчи хотин бўлиб тегмаганига ҳайронман» дея узуб олади. Ҳакимжон ўзини оқламоқ учун: «...иш бўлса ҳам шу ердаман, иш бўлмаса ҳам. Бўш вақтим кўп... зерикаман. Ўтган-кетган хотин-халаж, қиз болаларни тўхтатиб гапга соламан»,- дейди. Айтиш мумкинки, бу нарса Ҳакимжон характеристига озми-кўпми таъсир қилган. Унинг Султонхон билан илк учрашувда ўзини тутиши ҳам шундан далолат бериб туради. Кейинроқ, Султонхонни ўз ҳужрасида қолдириб чиқсан Ҳакимжоннинг мингбошига: «Чакки қилиб қўйибсиз, хўжайин! Бтлмадим, бу ишнинг оқибати нима бўларкин?.. Мундай нозик вақтда

хизматга қарамайды, хўжайин», - дея насиҳатомуз, ўзини баланддан олиб гапиришида энди ўзига, ўз кучи ва ақлига ишонган, ёш болани койиётган одам сиёғи бор. Гап шундаки, Султонхоннинг хиёнати, хужрада шивирлаб айтилган гап-сўзлар (албатта, Султонхон эрини ёмонлаб, Ҳакимжонни мақтаган: бу, бир тарафдан, миннатдорлик изҳори, иккинчи томондан, майлни кучайтириш воситаси сифатида заруратдир) унинг ўзига баҳосини нечоғил оширган бўлса, мингбошига берган баҳосини шунчалик туширган. Психологларнинг таъкидлашича, ҳали интим муносабатларда бўлмаган йигитга нисбатан тажрибали эркакда мардоналик ҳисси кучлироқ келади. Ҳакимжонинг ҳужрасига қайтиб, қўрқиб-қалтираб ўтирган Султонхонга қаратада «Кўрқманг, сиз ўз уйингизда ўтирибсиз...» дея қатъият ва ишоч билан гапириши бунинг ёрқин далилидир, зеро, бирмунча илгари у бунга мутлақо қодир эмас эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, романдаги динамик принцип асосига қурилган характерлар рухияти кўпроқ драматургик усул ёрдамида очилади. Ёзувчи ўз психологик имкониятларидан келиб чиқиб яратган (яратиш эса, табиийки, ҳаётдаги одамларни кузатишдан бошланган) қаҳрамонларини китобхон кўз олдида тириқдай гавдалантиради. Чўлпоннинг тасвир ва ифода йўсини ўқувчига асар воқелигига кириш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини «кўриш», гап-сўзларини «эшитиш» имконини яратадики, уларнинг рухиятини тушуниш ўқувчининг шу имкониятдан қай даражада фойдалана олишига боғлиқ бўлиб қолади. Машҳур адид Э.Хемингуэй «Чол ва денгиз»га ёзган эпиграфида: «Мен ҳақиқий чол ва ҳақиқий болани, ҳақиқий денгиз ва ҳақиқий баликни, ҳақиқий акулаларни тасвирлашга ҳаракат қилдим. Агар буни етарлича яхши уддалаган бўлсан, улар турлича талқин қилиниши мумкин», - деб ёзган эди. Чўлпон ҳам, назаримизда, шунга интилган, у яратган образлар ҳақида ҳам шундай гапни bemalol айтса бўладики, ушбу бобда биз ўз талқинимизни беришга ҳаракат қилдик.

### **"Кечा" структурасида эпик, драматик ва лирик унсурлар муносабати**

Бадиий адабиёт ва санъатда реалистик тамойилларнинг ҳукмрон мавқе эгаллаши баробари роман жанрининг гуркираб ривожланиши кузатилади. Сабабки, реал воқеликни бадиий тадқиқ этиш, одам ва олам ҳақидаги қарашларни бутлашу яхлит ифодалаш имкониятларини бериши жиҳатидан романга teng келадигани йўқ. Эстетик принципларнинг ўзгариши, табиийки, романдан ҳам шунга мос ўзгаришни, мослашишни талаб қилади. Аксарият йирик романнавислар, мутахассислар янги типдаги романнинг майдонга келишида шотланд адиди В.Скоттнинг катта хизмати борлигини таъкидлайдилар. Хусусан, Бальзак "Инсоният комедияси"га ёзган сўз бошида В.Скотт ҳақида: "Он внес в него дух прошлого, соединил в нем драму, диалог, портрет, пейзаж, описание; он включил туда невероятное и истинное, эти элементы

эпоса, и подкрепил поэзию непринужденностью самых простых разговоров<sup>1</sup> – деган эди. Демак, Бальзакнинг фикрича, В.Скоттнинг жанр такомилидаги буюк хизмати шуки, у романда барча адабий турларга хос хусусиятларни уйғунлаштириди. Адип хақида шунга ўхшаш фикрни бошқа бир романнавис–В.Гюго ҳам таъкидлаб айтганди.<sup>2</sup> Ҳар икки адип таъкидлаётган синтетиклик реалистик романга хос энг муҳим хусусиятлардан биридир. Зеро, реалистик роман асосига қўйилаётган проблематиканинг бадиий тадқиқи учун айни шундай синтетиклик энг оптималь имкониятларни тақдим этади.

Ўз вақтида В.Скотт романларини тадқиқ этган Б.Г.Реизов ҳам уларни "синтетик" деб атаган эди. Олимнинг шотланд адиби романлари таҳлилига таяниб айтган фикрича, роман санъатининг уч унсури–тавсиф (описание), ривоя ва диалог асарда зарур нисбатларда бирикиши ҳамда ўзаро узвий алоқада бўлиши лозим.<sup>3</sup> Англашиладики, Б.Реизов "синтетиклик" ҳақида гапиаркан кўпроқ асарнинг ташқи қурилишини назарда тутади. Худди шунга ўхшаш ёндашув Р.Уэллек ва О.Уорренларнинг қарашларига ҳам хос. Улар ривоя табиати ва турлари ҳақида тўхталиб, романга "анъанавий-қоришиқ" ривоя хос, деган фикрни билдирадилар. Коришиқ дейилишининг боиси эса унда "эпик ҳикоя қилиш" ва "пьеса" хусусиятларининг аралаш ҳолда зухур қилишидир. Америкалик тадқиқотчилар "анъанавий-қоришиқ" ривояда икки томонга—"романтик-кинояви" ва "объектив" ривояга томон оғиш мумкинлигини таъкидлайдилар.<sup>4</sup> Табийики, бу оғишларнинг биринчисида ҳикоя қилишлик, иккинчисида диалог салмоғи устунлик қиласи. Ривоянинг иккинчи хилини "объектив" деб номлашаркан, тадқиқотчилар унинг "драматик" деб номланишини маъқулламайдилар, сабабки, бу ҳолда асар тўлалигича диалоглардан ташкил топиши лозим бўлади, –яни, истилоҳ тушунча моҳиятига мос келмайди. Айни шу нуктадан Р.Уэллек ва О.Уоррен фикрини давом эттириб кўрайлик. Демак, романга хос ривоянинг "объективлик" томон оғишида муайян чегара бор, –яни, агар асар тўлалигича диалоглардангина ташкил топса, –кар- шимизда роман эмас, пьеса намоён бўлади. Аксинча ҳолда ҳам, –яни, асарда диалог (кенгрок, драматик элемент) бўлмаган тақдирда ҳам, табиий, классик тушунчадаги роман мавжуд бўлолмайди (шундай аталавериши мумкин, албатта). Зеро, роман ўзининг классик тушунчадаги – "янги давр эпоси" (Белинский), "буржуа эпоси" (Гегель) сифатидаги кўринишини шахснинг жамиятдаги мақоми ўзгарган, у ўзини ўз ҳолича бутун бир олам сифатида идрок эта бошлаган бир шароитда шакллантириди. Ўзини алоҳида олам сифатида идрок этган шахснинг жамият билан, олам билан зиддиятларини бадиий талқин қилишу йўқотилган эпик бутунликни тиклаш классик романнинг бош муаммоси бўлиб қолдики, шу маънода у "янги давр эпоси" саналади. Шу боис ҳам

<sup>1</sup> Бальзак О. Собр.соч.: В 12 т.- М.,1951.- т.1.- С.5

<sup>2</sup> Гюго В. Сочинения: В 15 т.- М.,1956.- т.14.- С.50-52

<sup>3</sup> Реизов Б.Г. Творчество Вальтера Скотта.- М.,1965.- С.458

<sup>4</sup> Уэллек Р.,Уоррен О. Теория литературы.- М.,1978.- С.240

роман марказида шахснинг ҳаёти, унинг зиддиятларию тўқнашувлари туради. Немис файласуфи Шеллинг роман воқеани эпосдан, тақдирни драмадан олади, деганида айни шу нарсани назарда тутган. Кўрамизки, "синтетиклик" романнинг ташқи қурилишидагина намоён бўлиб қолмайди, бу унинг ички табиати билан боғлик хусусиятдир. Зоро, эпик бутунликни тиклашга интилаётган шахс деганимиз ижодкорнинг ўзи эканлиги, ушбу бутунлик роман марказида турган қаҳрамоннинг ташқи олам билан тўқнашувлари (кенг маънода шахс драмаси) воситасида тикланиши шундай дейишга асос беради.

Адабий турлар орасида "хитой девори"нинг йўқлиги, бир турга мансуб асарда бошқа турга хос хусусиятларнинг у ёки бу даражада намоён бўлавериши мумкинлиги кўпчилик томонидан эътироф этилгандир. Бу нарса, айниқса, романга хосдирки, адабиётшунос В.Днепров буни XIX аср романчилиги мисолида, ўтган асрда етишган йирик романнавислар, файласуфлар фикрларига таянган ҳолда жуда яхши асослаб бера олган.<sup>1</sup> В.Днепров замонавий роман табиати ҳақида: "Поэтическая сфера романа в своём роде трехмерна – она включает в себя не только эпические, но также драматические и лирические измерения",<sup>2</sup> – деб ёзадики, бу ўринда у тўла ҳақдир. Бироқ унинг жанрга хос синтетиклик хусусиятидан келиб чиқиб романни алоҳида янги адабий тур<sup>3</sup> сифатида таърифлашига кўшла олмаймиз. Кўшилмаслигимизнинг сабаби аввалги бобда айтганимиз романнависнинг ички эҳтиёжи билан боғлиқдир. Бизнингча, ўша эҳтиёжнинг қондирилиши ижодкордан эпик тафаккурни, аникрофи, унинг замонавий эквиваленти бўлмиш романий тафаккурни тақозо қилади. Зоро, дунёни бутунича ва ўзини унинг бир қисми сифатида кўрган ҳолда унинг моҳиятини англаш – мантикий бутунлигини тиклашга йўналтирилган ижодий фаолиятгина бу эҳтиёжни қондириши мумкин. Шунга кўра, биз романни ўзида драматик ва лирик турга хос хусусиятларни уйғун мужассам этган эпик жанр деб тушунамиз. Қуйида Чўлпоннинг "Кечা" романини шу нуқтаи назардан кузатмоқчимиз.

Адабиётшунос С.Мамажонов Чўлпон романини таҳлил қиларкан, унинг ўзига хос бир жиҳатига эътиборни қаратади: "Кечा ва кундуз"да ҳикоя қилишдан кўра кўрсатиш, харакат, саҳнавийлик устун туради. Ҳамма воқеа ва қаҳрамонларнинг ҳолати, хатти-харакати, кураши бевосита кўз олдингизда намоён бўлади. Уларнинг овозларини, сўзлашишидаги оҳангни, қиликларини эшитиб турасиз, кўриб турасиз. Роман мустақил ваammo бир-бирини тақозо қилувчи саҳналардан ташкил топгандай".<sup>4</sup> Бизнингча, мунаққид "Кечা" поэтикасига хос энг мухим хусусиятлардан бирини ўз вақтида нозик илғаб олган. Дарҳақиқат, "Кечা" ўзида драматик унсурларнинг салмоқдорлиги билан 20-30-йиллар романчилигимиз фонида алоҳида ажralиб туради. Драматик унсурлар салмоғининг устунлиги "Кечা" композицион

<sup>1</sup> Днепров В. Идеи времени и формы времени.- Л.,1980.- С.100-133

<sup>2</sup> Шу асар.- С.134

<sup>3</sup> Шу асар.- С.100

<sup>4</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1992.- N 1.- Б.12

қурилишини кўп жиҳатдан белгилайди. Агар "Кеча" романни саҳналардан ташкил топган, деган фикрни қабул қилсак, у ҳолда асардаги "саҳна"ларни икки типга ажратиш мумкин:

1) С.Мамажонов айтмоқчи,"мустақил ва аммо бир-бирини тақозо қилувчи", асарнинг сюжет ўқини тутиб турган "саҳна-кўринишилар";

2) асарнинг эпик қамров кўламини оширишга, баъзан биринчи типдаги "саҳна-кўринишилар"ни изоҳлашга хизмат қилувчи, бе-восита ривоя билан боғлиқ "эпизод-саҳналар".

"Кечада"нинг асосий сюжет чизигини биринчи типга мансуб саҳна-кўринишиларнинг хроникали изчилликда жойлашиши ташкил қиласди. Бу саҳна кўринишилар ўз навбатида каттaroқ композицион бўлак- "парда"ларга бириктирилиши мумкин. Албатта, мазкур саҳна кўринишилар ривоя қобиғига ўралган, ривоя воситасида тайёрланган: иккаласини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Бироқ ривоя ичидаги драма ҳам нисбий мустақилликка эга, пардалар бирлашгани ҳолда ўқувчи наздида бутун бир драматик асар юзага келади.

Фикримизни ойдинлаштириш учун юқорида айтганимиз йи-рикроқ композицион бўлак-пардалардан бирига муфассалроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўйлашимизча, "Кечада"нинг дастлабки икки бобини шартли равишда "биринчи парда" деб ҳисоблаш мумкин. Агар тажрибага жазм этиб, шу икки бобни драма "тили"га ўғирмоқчи бўлсак, тубандагича манзарага дуч келамиз:

Биринчи парда.

1-кўриниши. Раззок сўфи хонадони. Зеби билан дугонаси Салтининг учрашуви. Мехмондорчиликка таклиф. Онанинг рози- лиги. Сўфининг дағдаға билан кириб келиши.

2-кўриниши. Сўфи билан Курвонбиби сухбати. Курвонбиби-нинг сўфини йўлга солиб, қизи учун рухсат олиши. Раззок сўфининг чиқиб кетиши.

3-кўриниши. Қизларнинг хурсандлиги. Сафар тадориги.

4-кўриниши. Йўлга чиқиш, аравадаги ҳангомалар.

5-кўриниши. Мехмонларни кутиб олиш. Зеби билан Ўлмасжон: дилнинг дилга боғланиши.

"Кечада"нинг асосий сюжет чизиги шу хилдаги драматик кўринишилар силсиласидан ташкил топади. Агар юқоридагича тажрибани давом эттирилса, фикримизча, романда жами еттита "парда"ни ажратиш мумкин бўлади. Бу етти парданинг бештаси бевосита ёки билвосита(марказга Акбарали чиқсан сўнгги қисмлар) Зеби билан боғлиқ бўлса, қолган иккитаси Мирёқуб билан боғликдир. Табиийки, мазкур кўринишилар тасаввуримиз-даги "саҳна"да амалга ошади, биз уларни ўз кўзимиз билан кўриш имконига эга бўламиз. Тасаввуримиздаги "саҳна"да юз берган воқеа-ходисалар охир-оқибатда ўзига хос бир бутунлик-роман ичидаги драмани юзага келтиради. Бироқ романдаги драматик унсурлар салмоғи қанчалик катта бўлмасин, ўша кўринишилар ташкил этаётган драматик бутунликка мустақил ҳодиса сифатида қарай олмаймиз. Сабабки, драматик бутунлик роман бадиий воқелигининг скелети,

холос, яъни, унга жон ва қон бағищлаб турган эпик ва лирик унсурларсиз бадий воқеелик мавжуд эмас.

Эпоснинг ўзаги ривоя эканлиги маълум."Кеча"да ривоянинг ўрни, бажараётган функциялари унда драматик унсурларнинг салмоқдорлиги билан белгиланади. Бизнингча, Чўлпон романида ривоянинг қуидаги учта функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) драматик кўринишларни тайёрлаш; 2) драматик кўринишларни амалга ошириш; 3) асарнинг эпик қўламини ошириш ва яхлит бутунлигини таъминлаш. Равшанки, буларнинг дастлабки иккитаси асар сюжети билан боғлик бўлса, учинчиси композицияга алоқадордир. Шу ўринда фикримизга айрим аниқликлар киритиб ўтиш зарурати юзага келади. Асар сюжети деганда биз ечимга томон интигувчи драматик бутунлик – Зеби билан боғлик воқеалар силсиласини назарда тутмоқдамизки, бу ўринда бирмунча шартлилик борлиги эътиборда тутилиши лозим. Мазкур шартни қабул қилгач, бошқа эпизодларнинг бари асарнинг эпик қўламдорлигини таъминлашга хизмат қиласи – уларнинг бари асар композициясига алоқадордир, дея оламиз. Шунинг ўзиёқ, бизнингча, "Кеча"да ривоянинг етакчи мавқега эга эканлигидан далолатдир. Айтиш керакки, "Кундуз"нинг потенциал мавжудлиги эътиборда тутилмаса, моҳиятан бевосита Мирёқуб билан боғлик сюжет чизиги (анча муфассал ишланган кўринишлар, уларни биз икки "парда"га бирлаштириш мумкин деб ўйлаймиз) бошқа майда эпизодлар даражасига тушиб қолаётгандек, фақат эпик қўламдорликни таъминлашгагина хизмат қилаётгандек таассурот қолдиради. Агар муддао шугина бўлганида мазкур сюжет линиясини бунчалик муфассал ишлаш(бунинг натижасида ўртада икки боб тўлалигича асосий сюжетдан узилган), уни мустақил драматик бутунликка айлантириш шартмиди? Бизнингча, йўқ. Демак, Чўлпон бу ўринда фақат эпик қўламдорликнига ўйлаган эмас, бошқа мақсад бўлган. Яъни, у иккинчи роман воқеалари ривожи учун ўзига хос "старт майдончиси" бўлиб хизмат қилиши лозим бўлади. Бошқача айтсан, романда иккита драматик бутунлик бору, улардан бири нисбий тугалликка эга бўлгани ҳолда, иккинчиси дилогия табиатидан келиб чиқиб очиқ қолдирилган.

Айтиб ўтганимиздек, "Кеча"да ривоянинг асосий вазифа-ларидан бири р саҳна-кўринишларни ҳозирлаш. Мақсад белгили, шу боис ҳам Чўлпон унга эришиш учун зарур тафсилотларнига қаламга олади. Конкрет кўринишни ҳозирловчи тафсилотлар салмоғини адиб, бизнингча, икки асосий талабдан келиб чиқсан ҳолда белгилайди: биринчидан, берилаётган тафсилотлар саҳна-кўринишни ҳаракатлантириш учун етарли қувват манбаи (яъни, калитли ўйинчоқ мисоли: калит бир марта бураб қўйилгач, ўйинчоқ мустақил ҳаракат қиласиради) бўла олиши лозим; иккинчидан, тафсилотлар саҳна-кўринишнинг моҳиятини англатиш (яъни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларининг туб сабабларини) учун етарли бўлиши даркор. Айтиш керакки, Чўлпон китобхонни имкон қадар тез роман воқеилигига олиб киришга интилади, шу боис ҳам дастлабки бобларда тафсилотларга "хасис"лик кузатилади. Муқаддима (пролог)даги лирик табиат лавҳаси воситасида баҳорий хуш кайфият ҳосил қилгач, адиб ўқувчисида шу кайфият асосида Зебининг

айни пайтдаги ахвол-рухияси ҳақида умумий тасаввур уйғотади: "Зеби (Зебиниса)нинг қиши ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовири билан очила тушган, энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақаерларга, тола-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди. Қиши ичи ҳам кети узилмаган совчилар бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар, энди ташқари эшикнинг "ғийт" этиши-бир-икки аёлнинг астагина босиб, паранжисини судраб кириб келишига далолат қилмас, ҳали эндинина ўн бешга қадам қўйган бу ёш қизнинг гўдак кўнглини унча чўчитмас эди". Кўрамизки, парчада ўқувчи эътиборига ҳавола этилаётган тафсилотлар айтарли кўп эмас: қиши ичи зериккан қиз кўнгли сафар орзусида экани, унинг эндинана ўн бешга қадам қўйганию ҳалитдан совчилар дарвоза турумини буза бошлагани айтилган, холос. Бироқ шу тафсилотларнинг ўзиёқ, аввало, Зебининг хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини англашга ёрдам беради. Шу билан бирга, зерикишдан келган сафар орзусининг кўнгилда устиворлиги (сафарга таклиф қилинганида, отаси розилик берганида кузатилган беадад қувонч) ёки "қиши ичи кети узилмаган" совчилардан безорлик (ташқари эшик очилганида кузатилган безовталиқ) қизнинг кейинги хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини ("Қачон? – "Отамдан дарак йўқ-ку?"–"Ўйнашмай ўлайлик, энди отам ҳеч қаерга чиқармайди...") белгилайди ҳам.

Ўқувчини тезроқ роман воқелигига олиб киришга интилган адаб юқоридаги тафсилотларни берибоқ Зебини "саҳна"да кўрсатади: "Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиши билан овора, ўзи кичкина саҳнни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди. Бир қўлида супургиси, бир қўли тиззасида-ерга эгилган қўйи кўча эшик томонга тикилиб қолди". Чўлпон қўллаган усулни яна драма тилига ўгиришга ҳаракат қилсак, бизнингча, қуйидагича ҳолат юзага келади: ним қоронғи саҳнада Зеби саҳнни супуриш билан овора, саҳна ортидан эса муаллиф овози келади. Бевосита драматик ҳаракатнинг ўзи эса Зебининг ҳайрат аралаш ҳадик билан ташқари эшикка тикилиб қолишидан бошланади. Кўринишнинг аввалида ўқувчи саҳнадаги воқеаларни муаллиф кўзи билан (Салтининг кириб келиши, уларнинг дастлабки гап-сўзлари) кузатса, кейинрок муаллиф билан ёнма-ён туриб ўз кўзи билан кўради. Романнинг дастлабки бобларига хос хусусият эпик тафсилотларга жуда кам ўрин берилишидир. Бошқача айтсак, бу ўринларда эпик ривоя драматик кўриниш учун ёрдамчи воситадир, аникроғи, драматик кўринишнинг ички унсурига айланади. Фикримизни далиллаш учун "Кеча"ни романчилигимизнинг бошқа бир мумтоз намунаси "Ўтган кунлар"га муқояса қилиш мумкин. Албатта, А.Қодирий романнада ҳам, табиийки, умуман замонавий романга хос эпик, драматик ва лирик унсурлар уйғунлашуви кузатилади. Бироқ "Ўтган кунлар"да эпик ривоя салмоғи анчагина устун мавқега эга. Романнинг дастлабки бобларини вараклаганимиздаёқ А.Қодирийнинг, Чўлпондан фарқ қиласорок, тафсилотларга анча кенг ўрин беришига амин бўламиз. Яхши эслайсиз, "Ўтган кунлар"нинг дастлабки боби: "1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қиши кунларнинг бири, қуёш ботқон, теваракдан шом азони эшитиладир..."- қабилидаги тафсилотлар билан таништиришдан бошланади. Шундан сўнг А.Қодирий воқеалар

кечаётган жой, роман воқелигига киритилаётган персонажларнинг шаклу шамоили, насабиу машғулоти, феъл-авторига оид тафсилотлар билан ўқувчини шошилмасдан таништириб боради. Драматик кўринишлар "Ўтган кунлар"да бевосита ривоядан ўсиб чиқади, бу ўринда драматик кўриниш эпик ривоя хизматида, унинг ички элементи сифатида намоён бўлади Юқорида шоҳид бўлганимиз-дек, "Кеча"нинг илк бобларида биз бунинг аксига дуч келамиз. Чўлпон воқеалар кекаётган жой, персонажлар қиёфасига оид тафсилотларни батафсил чизиб ўтирумайди, унинг учун муҳими – "саҳна"даги ҳаракат. Чўлпоннинг тафсилотлардан қочиб, тезроқ ўқувчи кўз олдида "саҳна-кўриниш"ни жонлантиришга интилиши ўзига хос эстетик самаралар берадики, булардан энг муҳими, бизнингча, китобхоннинг ўта фаол ижодий ўқишига ундалишидир. Муаллиф ниятига кўра, "Кеча"нинг ўқувчиси (албатта, дид ҳам малакага эга ўқувчи) етишмаётган чизгиларни ўзи тортиши, таянч нуқталаригина берилган тасаввурни ўзи тўлатиб олиши даркор. Масалан, романнинг илк кўринишлари ўйналаётган "саҳна"-Раззоқ сўфи хонадонини тасаввур этишга асос бўлувчи таянч нуқталарга диққат қиласлик: 1) "Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиши билан овора, ўзи кичкина саҳнни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши..." 2) Ўргангандан қиз ичкари эшикдан ҳатлар-ҳатламас..." 3)"... қўлтиқлашиб айвонга бордилар ва Зебининг отаси туриб кетган сўри четига ўтирдилар..." 4) "...ўчоқ боши да чойнакларга чой ташларкан..." 5)"... Курвонбиби бир кўча эшигига, бир ёнбошлигани дараҳтлар орасидан..." 6)"... уйда – дастурхон бошида ўтирган Салти иккала қаноти очиқ турган эшик орқали..." Кўрамизки, мазкур деталлар ҳаракатни, воқеани тасвирилаш жараёнида йўлакай берилаёттир. Кейинроқ, мавриди билан буларга "ховуз", "арик", "дарпарда", "ховуз бўйидаги толлар", "баланд пахса девор", "мой қоғоз тўсилган тераза" каби бир қатор тафсилотлар ҳам қўшиладики, улар ҳам ё ҳаракатни тасвирилаш ва ё қаҳрамонларни таърифлаш жараёнида йўлакай эсланади. Мана шу узуқ-юлуқ тафсилотларни тўлатиб, воқеа юз бераётган жойни тасаввурида жонлантириш учун ҳам ўқувчидан фаоллик, режиссёрлик иқтидори-яъни, ижодий ёндашув тақозо килинади. Шунга ўхшаш фикрни романда Зебининг қиёфаси чизиб берилмагани ҳақида ҳам айтиш мумкин. Зебининг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини тасвирилаш орқали қизнинг сийратини чизаркан, адаб қаҳрамонига меҳрини очиқ ифодалаб турадики, шу иккиси асосида, яъни сийрат гўзаллиги ва муаллиф ҳосил қилган бадиий симпатиядан келиб чиқиб, ўқувчи тасаввурида қизнинг сурати тортилади. Шуниси ҳам борки, адаб Зеби портретига оид чизгиларни бермаган, демак, ўқувчи қизнинг суратини ўз идеалига монандгина чизиши мумкинки, ўзи яратган гўзалга қалбан боғланиб қолади. Баски, энди ўқувчи Зеби тақдирига бефарқ бўлолмайди, унинг учун юракдан қайғуради: у билан бирга кулиб, бирга йиғлайди. Кўрамизки, бу ўринда портретнинг берилмагани, бир томондан, образнинг эстетик таъсир кучини оширишга, иккинчи томондан, аввалги бобда айтганимиз "ниқобланиш" мақсадига хизмат қиласли.

Шуни ҳам айтиш керакки, Чўлпоннинг персонажлар порт-ретини яратишида фольклор анъаналарининг-да сезиларли таъсири кузатилади. Маълумки, фольклор

асарларида ҳам кўпинча салбий персонажларнинг қиёфаси муфассал ишлангани ҳолда, ижобий персонажлар портрети анча номукаммал чизилади. Айтмоқчимизки, фольклор намуналарида яратилган салбий персонажлар қиёфасини аниқ (бу қиёфада характерологик чизгилар, деталлар конкретлаштирилган) тасаввур этишимиз мумкин, ижобий персонажлар қиёфаси эса анчайин мавхум (яъни, ЭНГнинг энг юқори даражаси) идеалга ишора қиласди. Табиийки, бу хил персонажлар қиёфасининг ўқувчи(тингловчи) онгиде аксланиш механизми ҳам юқоридаги: қаҳрамоннинг хатти-харакатлари гап-сўзлари воситасида сийрат чизилади-да, шу асосда қиёфа тасаввур қилинади, – ҳар бир конкрет ўқувчи (тингловчи)нинг идеали ўзигагина хос эканлиги эътиборга олинса, ҳар бир ўқувчининг қалбига яқин бўлган ЎЗ ҚАҲРАМОНИ борлиги аёндир. Айтиш мумкинки, биз бу ўринда Чўлпон ижодига хос муҳим принциплардан бирига дуч келаётирмиз. Адид тасвир ва ифода имкониятлари жиҳатидан анча олдинга ўтиб кетган хорижий адабиётларга хос усулу воситаларни миллий-маданий анъаналаримиз заминига ўтказадики, бу уларнинг ўзлашишини ҳам, англашилишини ҳам осонлаштиради.

Романга ичкарироқ кириб борилгани сари ривоя салмоғи ортиб. унинг вазифалари диапазони кенгайиб боради. Дейлик, Акбарали мингбоши, Мирёкублар ҳақида гап кетганида Чўлпон уларнинг ўтмиши, феъл-атвори, ўзаро муносабатларига оид тафсилотларга анча кенг ўрин беради. Бу тафсилотлар персо-нажларнинг конкрет сахна-қўринишлардаги хатти-харакатлари, гап-сўзларининг туб моҳиятини англашда жуда катта аҳамият касб этади. Шуниси ҳам борки, мазкур тафсилотлар қисман "режиссёрлик"ни уҳдасига олган ўқувчини ўша қўринишни тасаввуридаги "саҳна"да жонлантира олиши учун жуда муҳимдир. Айтиш мумкинки, "Кечा"да ривоя драматик қўринишнинг асар воқелигидагина эмас, кўпроқ ўқувчи тасаввуридаги "саҳна"да харакатга келишини тайёрлашга қаратилади.

"Кечা"да эпик ҳамда драматик турнинг энг кучли жиҳатлари –эпосга хос кўламдорлик ҳамда драмага хос шиддат ва воқеаларнинг ўқувчи кўз олдида кечиши – уйғун бирикади. Романдаги драматик қўринишлар, бизнингча, соф драматик асардаги қўринишларга нисбатан реалликка яқинроқ, ҳаётийроқ. Зоро, бу қўринишлар ривоя воситасида тайёрлангани учун ҳам диалогларга (персонажлар нутқига) драмадаги каби ҳолатни ойдинлаштирувчи жумлаларнинг киритилиши талаб қилинмайди. Шунга кўра, романдаги драматик қўриниш (унинг асосини, табиийки, диалоглар ташкил қиласди) ўзининг шиддати, маъно сифимининг кенглиги ва ифода кучи билан драмадагидан устунроқдир. Бевосита қўриниш чоғида ҳам ривоянинг ўрни бекиёсдир: ровий бу ўринда персонажларнинг мимик-пантомимик харакатлари, товуш тоналлиги, гап оҳанги, юз-кўз ифодаси ҳақида энг муҳим маълумотларни бериб боради – ўқувчи сахнага муаллиф кўзи билан қарайди. Шу ўринда романдаги бир эпизодни, Зеби сургунга хукм қилингач, чора излаб юрган Раззок сўфининг Ҳакимжон билан сухбатини кўздан кечирайлик:

“— Нима қиласман энди мен?- деб сўради сўфи. Унинг овозида ожизлик ва аламзадалиқдан келган бир қалтираш бориди. Ўлгудек аянч қалтираш... Ҳакимжон

сўғига тикилди. Бурунги сўғидан, яқиндагина келиб бир ҳафта ётиб кетган сўғидан асар йўқ. Унинг ранги мачитнинг жайдари шамидек сап-сариқ... Гўё касалдан яқиндагина бош кўтарган. Фақат Ҳакимжон сипоҳликни қўлдан бермай оғир ва кескин жавоб қилди:

— Нима қиласдингиз? У ер, бу ерга арз қилиб кўринг..."

Чўлпон бу ўринда сўфининг руҳий ҳолатини ёрқин тассаввур қилиш имконини берувчи чизгилар тортади. Бунда адаб иккита таянч нуқтани топган: товуш тоналлиги("қалтираш") ва юздаги дард ифодаси ("сап-сариқ"). Бу таянч нуқталар воситасида ўқувчи қаҳрамон ҳолатига кира олади, албатта. Зеро, бу деталлар сўфининг ғоят кучли саросимада эканидан, қизининг тақдирига бехад куйиниб, изтироб чекаётганидан далолат беради. Бироқ ривоянинг вазифасини фақатгина шунда кўриш камлик қиласди. Бунга амин бўлиш учун парчанинг психолингвистик аспектига, жумлаларнинг қурилишига эътибор берайлик. "Унинг овозида **ожизлик** ва аламзадаликdan келган бир қалтираш бориди"—айни шу ожизлик ўқувчида (ёзиш жараёнида адебда ҳам) шафқат ҳиссини қўзгайди, уни қаҳрамонга яқинлаштиради. Бунинг давомидан келган "ўлгудай **аянч** қалтираш" деган жумла эса, аксинча, ўқувчини қаҳрамондан "итаради", узоклаштиради. Зеро, ожизларга шафқат инсон боласига хос бўлгани ҳолда, аянчлилик ўша шафқатга маълум микдор жирканиш, нафратни аралаштирадиган нарсадир. Аминмизки, Раззок сўғига зиддиятли муносабатда бўлган Чўлпоннинг унга раҳми ҳам келади, бироқ уни кечиролмайди-нафратланади. Адабнинг айни шу хил руҳий ҳолати, қаҳрамонга зиддиятли муносабати жумлалар қурилишида зухур топади. Айтиш керак, бу ўринда англанганлик-англанмаганлик даражасини белгилашимиз қийин, шундай бўлса-да, адеб муносабати ўқувчига "юқади". Чўлпон қиска бир фурсат ичida ўқувчини қаҳрамонига яқинлаштиради(вживание)-да, дарҳол узоклашти-ришга(остранение) интилади. Хўп, бундан қандай мақсад кўзланади? Бизнингча, Чўлпон ўқувчининг Раззок сўғига шафқат ёхуд нафрат доирасидагина қолиб кетишини истамайди, унинг роман воқелигидан узилишини, қаҳрамон тақдирини му-шоҳада қилиб, холис баҳолай олишини истайди. Кўрамизки, сахна-кўринишларда ровий пассив кузатувчи ёхуд шарҳловчигина эмас, у воқеаларга фаол муносабат билдиради, сахнанинг ўқувчи томонидан ўз гоявий-бадиий ниятига мос тушунилишини таъминлайди.

"Кеча"даги барча тафсилотлар, персонажлар, эпизод-саҳналар драматик сюжет атрофида уюшади. Табиийки, буларнинг хаммаси ҳам сюжетга бевосита алоқадор эмас. Бунга амин бўлиш учун драматик сюжет асосида сабаб-натижга муносабати (Чеховнинг саҳнадаги милтиқ ҳақидаги машхур гапи кўпроқ шунга алоқадор) устунлиги эътиборга олиш кифоя. Масалан, Раззок сўфининг феъл-автори, яшаш тарзи, ўтмишига оид тафсилотлар сюжет ривожи учун зарурий эмас. Тўғри, улар мазкур кўринишни ёки ундан кейинги воқеаларни асослашга, уларнинг тўғри тушунилишига хизмат қиласди. Бироқ, шуниси борки, муддао биргина мотивировканинг ўзи бўлганида Чўлпон бу тафсилотларга ҳозиргидек кенг ўрин бераб ўтирас эди. Ёки Энахонлар оиласи, бечораҳол бу оиланинг меҳмонларни

кўнгилдагидек кузатиш ташвишида куйиниб юришларига оид тафсилотлару эпизод-саҳналарни олиб кўрайлик. Улар сюжет ривожи учун аҳамиятлими? Ҳартугул, уларнинг сюжетни ҳаракатлантираётган, воқеаларга янгича ривож берадиган унсурлар сифатида тан олиниши қийин. Албатта, эътиroz туғилиши мумкин: агар Энахон дугоналарини яхшилаб меҳмон қилишни истаб қолмаганида... бироқ бу эътиroz ҳам асосли бўлмагани учун тезда чиппакка чиқади: ўтмишда (миллий урф-одатларимиз яхши сақланган жойларда ҳозир ҳам) қишлоққа келган меҳмонларни навбатлашиб чақириш русум эди. Шундай экан, Энахон уринсин-уринмасин қизларнинг мингбошиникига таклиф қилиниши эҳтимоли йўқ эмас эди. Иккинчи томондан, тақдир Зебига ҳар томондан тўр ташлаб қўйгандек: ҳожатбарор Мирёкуб қиз қишлоқда пайдо бўлиши биланоқ уни отахонига "илинган", бу ёқда эса катта кундошлар уни меҳмон қилиш баҳона мингбоши додҳо кўригидан ўтказиш режаларини тузиш билан оворалар. Шу мулоҳазалардан келиб чиқсан, Рассоқ сўфи ва Энахонлар оиласи ҳақидаги тафсилот-лар (уларнинг ҳар иккисига ҳам кенг ўрин берилган) драматик сюжетнинг сабаб-натижага алоқаларидан четда, фақат билвосита алоқадорликда эканлиги маълум бўлади. Гап шундаки, бу тафсилотларнинг вазифаси ўзгачароқ. "Кечা"да драматик сюжет нечоғли мухим бўлмасин, у романга хос эпик кўламдорликни шакллантириш воситаси, холос. Ҳаётни кенг қамровда бадиий акс эттириш, жанрга хос романий тафаккур кўламини таъминлаш эса бевосита ривояга юкланди. Шунга кўра, "Кечা"да драматик унсурлар салмоғи нечоғли катта бўлмасин, уни роман жанрига тааллук этувчи бош унсур эпик ривоядир, деган тўхтамга келишимиз мумкин бўлади.

"Кечা"нинг ўқувчиси илк саҳифаларданоқ унинг шоир қаламига мансублигини дилдан ҳис этади. Асадан ўрин олган ҳаяжонга тўлиқ лирик чекинишлар, ҳиссиётга йўғрилган гўзал лавҳалар мазкур ҳисни тобора кучайтириб боради. Бироқ "Ке-ча"даги лирик унсурлар ҳақида гап кетганида фақат асарнинг алоҳида ўринларини эмас, унинг бутун тархига сингдириб юборилган лириклиқ, кенг маънодаги лирик-субъектив ибтидони тушунишимиз лозим. Зоро, муаллиф бутун борлиғини парчалаб, унинг зарраларини асарнинг ҳар бир тўқимасига сингдириб юборганки, матн ортидан ҳассос ва безовта қалб эгаси Чўлпон бор бўйини кўрсатиб тургандк бўлади.

Реалистик ижод табиати шундайки, санъаткор воқеликни оддийгина тасвирлаб ёки у ҳақда мутлақ бетараф ҳикоя қилиб қололмайди. Зоро, реалист санъаткор ўзи тасвирлаётган воқеликни билиш, унга ўз муносабатини билдиришни ижоднинг бирламчи мақсади деб билади. Реалистик адабиётнинг етакчи жанри бўлмиш романда лирик ибтидонинг мавжудлиги, аввало, шу нарса билан изоҳланиши мумкин. Ўз вақтида В.Г.Белинский бу ҳақда: "Нам мало наслаждаться – мӯ хотим знать: без знания для нас нет наслаждения",<sup>1</sup> – деб ёзган эди. Танқидчининг бу гапи ижод аҳлига ҳам, ўқувчиларга ҳам бирдек тааллуклидир. Яхши китобхон романда тасвирланган

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Полн.собр.соч.- М.,1955.- т.6.- С.272

воқеалар ёки тўқнашувлар шиддатидангина эмас, зўриқиб ишлаётган тафаккурнинг ожиз қолган чоқлардаги тўлғонишларию инкишоф онларидағи қудратидан-да завқ ола билади.

Чўлпон "Кечा"да замонавий роман жанри берувчи ноёб инкониятлардан моҳирона фойдаланади. Эпик, драматик ва лирик унсурлар уйғунлиги романда билиш жараёнининг бевосита тасвир жараёнида амалга ошишини тақозо қиласи. Бунинг муҳим эстетик самараси шундаки, ёзувчи тайёр билимларни баён қилиш қусури-дидактилиздан асосан қутулади, ўкувчига сезилар-сезилмас ишоралар беради-да, уни ўзи билан бирга ўйлашга мажбур қиласи. Бу нарса, хусусан, конкрет саҳна-кўринишларда яққол намоён бўлади. Айниқса, Марямга ишқи тушган, буни ҳатто ўзи ҳам тан олишга ботинолмаётган Мирёқубнинг хатти-ҳаракатлари (бу ўринларни, таъбир жоиз бўлса, бир актёр саҳнаси дейиш мумкин) тасвири унинг руҳиятини англаш жараёни билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади. Эътиборли жиҳати шундаки, адаб қаҳрамони руҳияти, хатти-ҳаракатлари хақида тайёр фикр, ҳукм ифодаламайди, ўз вазифасини тасвирда билади-да, мулоҳаза қилишу ҳукм чиқаришни китобхоннинг ўзига ҳавола қиласи. Тасвир ва билиш жараёнларининг бирлашиши ҳақидаги фикримизга аниқлик киритишимиз зарур кўринади. Албатта, Чўлпон қаҳрамони руҳияти ҳақида аввалдан муайян тасаввурга эга эди, лекин унинг дурустрок англаниши, бизнингча, бевосита тасвир жараёнида, қаҳрамонига тўла "эрк" бериб, ўзи кузатувчи мавқеида турганида амалга ошади. Кузатувчи мавқеида тургани учунгина Чўлпон Мирёқубни ҳам "ичдан" ва ҳам "сиртдан" тасвирлаш имконига эга бўлади. Адаб қаҳрамони онгода кеча-ётган шиддатли ҳам зиддиятли курашга "Мирёқуб иккита эди: бири қочди, бири қувалади" дея топиб таъриф беради. Қаҳрамон онгидаги жараёнларнинг бевосита тасвири унинг ташқи ҳаракатлари тасвири билан алмашиниб турадики, бу нарса "саҳнавийлик" эффектининг сусаймаслигини, ўкувчи наздидаги Мирёқубни "кўриб турганлик" иллюзиясининг йўқолмаслигини таъминлайди: "Итликнинг шу хилда осий ўйлари билан Мирёқуб қандай қилиб ўрнидан турганини ва номер зинасидан шошилиб юқорига чиқаётганини ўзи билмай қолди. Юзлари, кўзлари куларди ва бу кулиш қондирилмаган нафснинг бирданига хуруж қиладиган шўхликларидан ўзга эмасиди. Ўз хонасига яқин етгач, деразадан юпқа тўр парда орқали айвонга тушиб турган мулоҳим шуълани кўрганидан кейин **негадир** (таъкид бизники – Д.К.) юраги ўйнаб, қадам босишларини бирданига сусайтирди. Итлик фикрлари яна орқага тисарила бошлаган каби бўлди. Эшик олдига етгач, қабзага кўл узатолмасдан, тўхталди...Ичкаридан ёш хотиннинг ширали овоз билан оҳистагина айтиётган ашуласи эшитиларди. Бу хотиннинг гапирганида жаранглаб чиқадиган ширин овози энди ашула айтаркан, чолғу торидай дарров кўнглига таъсир қилди!"

Келтирганимиз парча мисолида тасвир ва билиш жараён-ларининг бирлашишини кузатиш имконига эгамиз. Кўриб турга-нимиздек, Чўлпон бу ўринда қаҳрамон хатти-ҳаракатларини "сиртдан" тасвирламоқда. Бунгача эса адаб Мирёқуб онгода кечган одатий шаҳвоний интилиш ва унинг учун янги ҳис - чин муҳаббат орасидаги курашни кўрсатган эди. Курашда "итлик" ғолиб кела бошлаган палла

муаллиф нигоҳи қаҳрамоннинг ташки ҳаракатларига кўчади-да, унинг ғайришуурӣ – инстинктив тарзда юқорига чиқа бошлагани қайд этилади. Парчадаги иккинчи жумладан Мирёқуб онгидаги қурашни дикқат билан кузатган адаб энди унинг табиатидаги "итлик"нинг устиворлигига ишонаёзгандек бўлгани кўринади. Лекин Мирёқубнинг "мулойим шуъла"ни кўргач "юраги ўйнаб, қадам босишини бирданига сусайтиргани" муаллифни ўйлатиб қўяди. У қаҳрамон руҳиятида қандайдир ўзгариш юз берганини ҳис қиласи, бунинг моҳиятини тушунишга интилади. Муаллифнинг айни шу руҳий холати таъкидлаб кўрсатганимиз "негадир" ўзида мужассамдек. Матнда биргина сўзнинг нечоғли муҳим бўлиши мумкинлигини шу сўз мисолида яна бир карра кузатишими мумкиндек. Зеро, "негадир" сўзи муаллиф тасвир жараёнда билишга интилаётганидан дарак берибгина қолмайди. Сўзнинг бу ўриндаги энг муҳим функцияси шундаки, у китобхон шуурига юборилган ўзига хос бир сигнал бўлиб, ўқувчи дикқат-эътиборини юзага келган ҳолатни тушунишга йўналтиради. Яъни, ўқувчи ҳам оддий томошабин бўлиб қолмайди, у ҳам муаллиф билан бирга билишга, тушунишга ҳаракат қила бошлайди. Бошқача айтсан, "негадир" сўзи бу ўринда муаллиф ва ўқувчи руҳиятлари орасига солинган ўзига хос бир кўприк бўлиб қолади.

"Кечা"даги лирик-субъектив қатламни ташкиллантирувчи муҳим узвлардан яна бири, юқорида айтганимиздек, тасвирла-наётган нарса-ҳодисаларга муаллиф муносабатидир. Ҳар бир тўқимага адебнинг кечинмаю туйғулари, орзу ормонлари, завқиу жирканиши сингдириб юборилган асар алал оқибат кўз олдимизда хассос қалб панорамасини намоён қиласи. Панора-мадаги ҳисларнинг тасвир предметининг ўзгаришига монанд турфа товланишлари киши ақлини шоширади. Шу маънода "Кечা"ни ўқиши жараёнда одам боласига хос жамики ҳислар ки-тобхон қалбига ошиён қуради, десақ, муболаға бўлмайди. Зеро, реалист санъаткор сифатида Чўлпон ҳаётни борича, яхшию ёмон томонларини бирликда олиб қарашга интилади.

Чўлпон гўзалликка–сурат ва сийрат гўзаллигига топинади. Адаб топинган гўзаллик қуруқ намойиш эмас, ҳаёт нафаси уфуриб турмаган гўзалликни тан олмайди у. Ўз идеалидаги гўзалликка дуч келинган ўринларда адебнинг қаламидан беадад завқу ҳайрат тўқилади гўё. "Кечা"нинг очқичи – баҳор тасвирини эсланг-а. Бунда Чўлпон табиатнинг баҳорий сувратини тортибгина қолмайди, йўқ. Унинг тасвиридаги баҳор мудроқ "кўнгилларни қитиқлайди" (уйғотади), у билган табиатнинг "дилдираган танларига илиқлик югуради" баҳорда: адаб нигоҳи толларнинг новдаларида шўх кизчаларнинг "майда ўрилган кокилларини", илдизидан эндинигина бош кўтариб келаётган ўсмада ҳаётнинг давомчилари – етук қизларимизнинг малоҳатини кўра олади. Баҳор ҳаёт нашъасини, янгиланиш, жонланиш, эркинлик нашъасини бергани учун ҳам азиз адига. Чўлпон ўзининг завқиу ҳайратини лавҳа якунидаги "Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?" деган саволга жам этади. Саволнинг риторик табиати равшан, зеро, унинг жавоби лавҳанинг ўзидаёқ бўртиб кўринади. Чўлпон мазкур савол воситасида ўзидек гўзаллик шайдоси, ҳаётни, эркинликни севгучи қалбларни ўз қалбига пайваста этади гўё. Лирик лавҳада барқ уриб турган завқу ҳайрат эпик кўламнинг кенгайиши, ҳаётга чуқурроқ кириб борилиши баробари

аста ортга чекина боради. Бунинг ўрнини бошқа ҳислар эгаллади: Раззоқ сўфи ҳақида сўз юритилганида кузатганимиз киноя аралаш нафрат, Акбарали тасвирида бўртиб турган мазаху жирканиш, суд жараёни тасвиридаги ерпарчин қилувчи сарказм... – саноқни bemalol давом эттиришимиз ҳам мумкин, зеро, булар романдаги ҳиссий ранг-барангликнинг бир парчаси, холос. Муаллиф ҳисларини ўзига юқтирган китобхон ҳам энди саволни ўзгачароқ қўяди: "Нега ҳаётнинг ҳар жабҳаси ҳар вақт бирдек гўзал эмас?" Айни шу савол ўқувчини муаллиф билан бирга ҳаёт ҳақида, унинг зиддиятларию норасоликлари ҳақида мушоҳада юритишга ундейди. Кўрамизки, асарнинг лирик табиат тасвиридан бошланиши бежиз эмас: унинг воситасида муаллиф ўқувчининг роман воқелигига муайян муносабатини шакллантиришни мақсад қиласди.

Агар бадиий асарни ўқиши жараёнида китобхон муаллиф билан мулоқотга киришишини эътиборга олсак, бу мулоқотнинг амалга ошиши учун лирик-субъектив ибтидонинг нечоғли катта аҳамиятга моликлиги англашилади. Илгари айтилганидек, биз назарда тутган лирик-субъектив ибтидо асарнинг ҳар бир нуктасига сингдирилганки, концептуал(бильосита композицион) бутунликни таъминлашда жуда катта аҳамиятга моликдир. Кўрдикки, "Кечা"да муаллиф билан ўқувчи мулоқотининг амалга ошиши учун баъзан биргина сўз, биргина жумла ёки асар композицион узвларининг муайян тартибда жойлаштириши кабилар восита бўлиб хизмат қиласди. Хикоя қилинаётган нарсага муносабат муаллиф (ровий)нинг дунёкараши, сажияси, айни пайтдаги руҳий ҳолати билан узвий боғлиқдир. Услуб-инсон, деган қарашдан туртки олсак, муносабатнинг кўпроқ услубда намоён бўлиши аёндир. Хассос адибимиз "Кечা" нинг қатор ўринларида китобхон билан бевосита мулоқотга киришади, унга тўғридан-тўғри мурожаат қиласди. Муаллифнинг бу хилдаги лирик чекинишдан кўзлаган мақсади ҳам равшандек: у ўзининг ҳисларини ўқувчига "юқти иш"ни, китобхоннинг ўзи бераётган ғоявий-ҳиссий баҳога қўшилишини истайди. Бироқ фикримизча, шу изохнинг ўзи биланоқ кифоялансак, натижа ҳақида сўз юритиб, унинг сабабини четлаб ўтган бўлиб чиқамиз. Зеро, у ёки бу муносабатни юзага келтираётган нарса, аввало, тасвир предметнинг ўзидир. Баски, моҳиятан муаллифнинг тасвир предметига муносабат билдириши–ҳоҳ ошкора бўлсин ва ҳоҳ пинҳона бўлсин – ижодий актнинг зарурият мақомидаги бирламчи ҳодисаси, ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиш эса шундан ўсиб чиқувчи иккиламчи мақсаддир. Кўринадики, муаллифнинг тасвир предметига ғоявий-ҳиссий муносабати билан ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиш мақсади бутуннинг диалектик алокадаги қисмлари экан. Бундан маълум бўладики, муаллиф ҳислари қанчалик ёрқин (ҳоҳ бевосита ва ҳоҳ билвосита, яъни, тасвирга сингдирилган ҳолда) ифодаланса, уларнинг ўқувчига таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади.

"Кечা"да муаллиф китобхон билан тўғридан-тўғри му-лоқотга киришган ўринлар кузатилса, адаб қалбида жўш урган ҳисларнинг тамомила ўқувчи ҳиссиётига, қалбига йўналтирилганига амин бўлиш мумкин. Хўш, ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилишда Чўлпон қандай усул, қандай унсурларга таянади? Буни конкрет бир мисол ёрдамида кузатайлик: сафар орзусида ёнган Зеби билан Салтанат тамом умидсизликка

тушаёзганларида, Қурвонбиилинг устомонлиги сабаб Раззок сўфи рухсат бериб юборди. Қизларнинг туриш-турмушини бунгача бир қафас сифатида кўрсатган Чўлпон уларнинг беадад шодликларини тасвирлашга ўтиш учун қуийдагича кўприк солади:" Қафаснинг даричаси очилди! Энди қушларга қанотларини ростлаб туриб "пир!" эта учмоқдан, кенг кўкларга, фазоларга парвоз қилмоқдан бошқа нарса қолмади. Паранжини ёпиниб ўтирмасдан, шундок бош устига ташлаб, чимматни "хўжа кўрсин"га тутган бўлиб югуриш керак, холос..."

Эътибор берилса, мазкур парчада эмоционал таъсирни кучайтиришга қаратилган иккита таянч сўз борлиги англаши-лади: "қафас" ва "қуш". Ўкувчи шуурида чақиндек ўтувчи "қафас" сўзи Зебининг аҳвол руҳияси, Раззок сўфининг феъли-хўйиу унинг хонадонидаги сиқиқ муҳит ҳақидаги ривоя воситасида илгарироқ берилган, эндиликда онгнинг олис бурчакларида қуруқ информация шаклида ётган тафсилотларни ёритади, жонлантиради гўё. Яъни, "қафас"-сиқиқ муҳит, "қуш" – Зеби аналогиялари, биринчидан, муаллиф бунга қадар ҳосил қилган тасаввурни цементлайди, иккинчи томондан, қизларга ачиниш ҳиссини қайтадан жонлантиради. Натижада ўша ачиниш фонида ҳосил қилинган қизларнинг озод бўлганларига қувониш ҳиссининг анча кучли намоён бўлиши таъминланади. Айтиш керакки, лов этиб алангаланган бу ҳисни қувватлантиришда шу мақсадга мос жумла қурилишининг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Жумлалар қурилишида маънени кучайтириб-таъкидлаб тақрорлашга асосланган стилистик фигура – градация етакчи мавқе тутади. Парчадан аниқ кўзга ташлана- дики, адид айни шу нуктада қаҳрамонларига тўла "эврилган": "Қафаснинг даричаси очилди!" деган шодон хитоб шундан далолат бериб туради, – хитоб муаллифга ҳам бирдек тегишли, унинг шодлиги қизларнидан асло кам эмас. Муаллиф ўкувчига ўзидағи шу кайфиятни озми-кўпми юқтиради-да, кейин тўғридан-тўғри унга мурожаат қиласи: "Фақат унда даричанинг очилганига ким севинади? Шодликни ким қиласи? Эркин- ликнинг лаззатини ким тотиыйди? Шу қадар қайсар бир одамни қадар усталик билан йўлга солган онанинг ҳурматини ким ўрнига келтиради? Уни ким қуҷоқлаб, ким ўпади?".

Келтирилган парчадаги жумла қурилиши насрда эмоционал-риторик интонациянинг эстетик аҳамияти ҳақида гапириш имконини беради. Гапдаги эмоционал-риторик оҳангдорликни таъминловчи, юзага чиқарувчи нарса эмфазалардир. Маълумки, шеърий нутқдан фарқ қилароқ, насрда ритмик пауза ва ритмик акцент ҳодисалари кузатилмайди. Лекин эмфаза – ифодавийликни кучайтирувчи урғулар бот-бот кузатилади. Эмфаза – эмоционал урғу тушаётган, ажратиброқ, таъкидлаброқ талаффуз этилаётган сўз – бошқа сўзлар билан бирикиб, нутқ тектларини ҳосил қиласи, уларни колон деб юритилади. Юқоридаги парчанинг ёзилиш шаклини ўзгартириб, колонларга ажратиб ёзиб кўрсак, бизнингча, ритмнинг юзага келиши яққолроқ кўзга ташланиши мумкин:

"Фақат унда  
даричанинг очилганига  
**ким севинади?**

ШодликНИ  
ким қиласДИ?  
Эркинликнинг лаззатНИ  
**ким** тотийДИ?  
*Шу қадар қайсар бир одамНИ*  
*бу қадар усталик билАН*  
*йўлга солгАН*  
*онанинг хурматиНИ*  
**ким** ўрнига келтирадИ?  
Уни **ким** қучоқлаб,  
**ким** ўпадИ?"

Насрда асосан мантикий паузаларга амал қилингани учун ажратиб кўрсатганимиз колон(такт)лардан сўнг доим ҳам пауза бўлмайди (аникроғи, бу тактлардан сўнг кўпроқ "тасавву рий" ("мнимая пауза") келади. Лекин эмфатик урғулар бу колонларни бир-биридан ажратиб(мелодика ҳисобига, яъни, сатр бошидан кўтарилиб, охирига томон тушиб борадиган оҳанг), ўзига хос ритм ҳосил қиласди. Бу ритмга колонлар сўнгидаги товушлар оҳангдошлиги (шартли равишда "қоғия"дейлик), такрорлар (ким, шу қадар, бу қадар), сўроқ-санаш интонацияси қўшилиб, ажиб хушоҳанглик юзага келади. Оқибат–парча эмоционал-ритмик бутунлик ҳосил қиласди, насрий асар ичидаги шеърдай таассурот колдиради, кўнгил торларини титратади. Бунга ўхшаш ҳолни "Кеч"даги барча лирик чекинишларда, адибни завқлантирган ё нафратлантирган, қувонтирган ё изтиробга солган нарса-ҳодисалар ҳақида сўз юритилган ўринларда ҳар вақт кузатишимиш мумкин. Мазкур ўринларда иккilanган ё учланган сифатлашлар, бир хил конструкцияли содда гаплар уюшишидан ташкил топган мураккаб конструкцияли қўшма гаплар, турли нав ва даражадаги такрорларга дуч келамизки, улар ровий қалби торларидан тараалган наволарга тизилиб чиқаётгандек туюлади, ҳалқ оғзаки ижодига хос сажъ санъатига уйқашлик кузатилади. Ҳартугул, ўйлашимизча, тилшунос олимларимиз Чўлпон насрининг тил хусусиятларига бағишланган ишларига ритм, темп, мелодика масалаларини, ровий нутқининг психолингвистик аспектини алоҳида тадқиқот обьекти сифатида олса бўладигандек, шунга яраша материал мавжуддек туюлади бизга.

Бадиий асарнинг бадиий коммуникация воситаси эканлиги, коммуникацияга киришаётган субъект учта асосий мақсад (репрезентатив, экспрессив, апелятив)ни кўзлашини илгари айтгандик. Модомики "Кеч"да ҳар учала адабий турга хос хусусиятлар уйғунлиги ҳақида гапиарканмиз, улардан ҳар бири шу уч мақсаднинг амалга ошишида қандай ўрин тутиши хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Табиийки, "Кеч"да информация асосан драматик ва эпик унсурлар воситасида етказилади. Бироқ ўша информацияни том маънодаги бадиий информацияга айлантирувчи нарса муаллиф шахси эканлиги ҳам равшан. Зеро, драматик ва эпик унсурлар обьективлик иллюзиясини ҳосил қилсалар-да, муаллиф онгию қалбida қайта ишланганларни

учун ҳам субъективликдан ҳоли эмаслар. Айни пайтда, қаҳрамонлар ҳаётида юз берәётган воқеалар–тасаввуримиздаги "саҳна"да кечәётган күринишлар–ўз ҳолича ҳам ўқувчига таъсир қила олади. Шуниси ҳам борки, драмадаги каби бу ўринда ҳам муаллиф шахси қисман диалогларга сингдириб юборилган. Кўрамизки, муаллиф бадиий воқеликда акслангани каби, бадиий воқелик ҳам муаллиф орқали аксланади. Демак, "Кеча"даги эпик, драматик ва лирик унсурлар ўзаро органик бирикиб, уйғун бутунликни ташкил қиласиди, уларни алоҳида олиб кўришга интилишимиз шартли – фақат асарни тушуниш йўлидаги амаллардан биридир.

Юқорида реалистик романда драматик унсурлар сал-моғининг ортиши жанрга хос проблема – инсон драмаси орқали дунёни англашга интилиш билан боғлиқлигини айтгандик. Шу билан бирга, "Кеча" ўзида драматик унсурлар салмоқдорлиги билан 20-30-йиллар ўзбек романчилигига алоҳида ажralиб туришини ҳам таъкидладик. Чўлпон романни поэтикасига хос мазкур хусусият, бизнингча, икки жиҳатдан изоҳланиши мумкин. Биринчидан, Чўлпон романга қўл ургунга қадар ўндан зиёд драматик асар яратган, драма воситасида ҳаётни акс эттириш, инсон характерини очиш борасида бой тажриба (маълумки, А.Қодирийни истисно қилсан, илк ўзбек романнавислари: С.Айний, Ҳ.Шамс, А.Каҳҳор, Ойбеклар бундай тажрибага эга эмас эдилар) тўплаган эди. Табиийки, тўпланган тажриба "Кеча" устида ишлаган пайтида асқотган. Иккинчидан, роман ёзилган давр шароитида Чўлпон имкон қадар ўз тилидан гапирмаслиги лозим эдики, унинг дардлари *ТАСВИР*да ўз ифодасини топиши мумкин эди, холос,—"объектив" ривоя йўсинининг танланиши ҳам ўзига хос зарурат эди.

"Кеча"нинг ушбу бобда дикқат марказига қўйилган масала нуқтаи назаридан таҳлили тубандаги асосий хуносаларни чиқариш имконини беради:

1. Чўлпоннинг "Кеча" романни миллий романчилигимиз та-раққиётидаги дадил олға силжишдир. Зеро, ҳаётни бадиий тадқиқ қилиш ва бадиий воқеликни ташкиллантириш принципла-ри нуқтаи назаридан "Кеча" миллий насримиз анъаналаридан сезиларли узоқлашиб, жаҳон романчилиги тараққиёти даражасига яқинлашди.

2. Хусусан, "Кеча"да драматик унсурлар салмоқдорлиги, бадиий воқеликнинг пластик жонлантирилиши ҳисобига субъективлирик ибтидо кучайтирилди. Яъни, бунда тасвир тасвир учун принципи эмас, *тасвир воситасида идрок этиши ва ифодаласи мақсади етакчилик қилди*–воқеанинг тематик аспекти олдинги планга чиқарилди.

3. Чўлпон "Кеча"да ривоя салмоғини минимумга келтириш ва драматик унсурлар ролини кучайтириш ҳисобига тўлақонли ба-диий реаллик яратга билдики, бу билан асарни қабул қилишда ўқувчининг ижодий фаоллигини орттиришга эришди. Яъни, "Кеча" поэтикасидаги бу нав ўзига хослик ўқувчи омманинг янгича бадиий дидини шакллантириш, унинг жаҳон адабиётидаги шу хил асарларни қабул қилишга тайёрланишида муҳим аҳамиятга молик эди.

**"Кеча"нинг сюжет қурилиши ва унинг бадиий  
ният ижросидаги роли ҳақида**

Маълумки, драматик турга мансуб асар ижодкорни бадиий макон ва замон бобида анча чеклаб қўяди. Бунинг сабаби, табиийки, драматик асарнинг ижро учун мўлжаллангани билан изоҳланади. Ижро вақтига сиғиш учун асарнинг кескин конфликт асосида шиддат билан ривожланувчи сюжетта қурилиши тақозо қилинади. Равшанки, бу хил сюжетнинг ривожланиш вақти ҳам чегараланган, шу боис ҳам сюжет воқеалари сабаб-натижа муносабатлари асосида концентрацияланади. Воқеалар орасидаги сабаб-натижа муносабати эса уларнинг маконий ва замоний жиҳатлардан-да яқин бўлишини тақозо қиласди. Бунинг нечоғли зарурый эканлиги тарихий драмалар, масалан, "Алишер Навоий" драмаси мисолида кузатилиши мумкин. Маълумингизки, муаллифлар жанр талабидан келиб чиқиб, Навоий ҳаётининг турли даврларига оид фактларни узвий давомийликда берганлар. Ҳартугул, улуғ шоирнинг ҳаёт йўли билан таниш бўлмаган кишилар спектаклни томоша қилганларида воқеалар орасидаги "вақт бўшлиғи"ни сезмасликлари мумкин. Драмадан фарқли ўлароқ, агар эпик асарда қаҳрамон ҳаётининг турли даврларидан олинган эпизодлар қаламга олинса, уларнинг сабаб-натижа муносабатида кўрсатилиши шарт эмас – унда "вақт бўшлиғи"ни тўлдириш имкониятлари мавжуд. Драманинг эпос олдидағи яна бир ожиз томони шуки, унинг сюжети асосан олдинга қараб ҳаракатланади, яъни, ретроспектив тасвир имкониятлари жуда кам. Ёки, агар драматик асарга сюжет воқеалари кечётган жойдан олисда, унга бевосита алоқадор (яъни, сюжет ҳаракатига таъсир қилувчи) бўлмаган саҳна кирилса, – бутунлик тасаввурига путур етади. Албатта, шунга қарамасдан драмага ҳам юқоридагича эпик элементлар киритилиши мумкин, бироқ бу ҳолда саҳна асарини қабул қилишининг психологик механизмлари тубдан ўзгаради ("эффект очуждения"–Б.Брехт)ки, бундай асарлар ё оммалаша олмайди(улар элитар томошабин наздидагина муваф-фақият қозониши мумкин), ё аввалданоқ саҳна учун эмас – ўқишига мўлжаллаб ("пьеса для чтения") яратилади. Айни пайтда, ривоягагина асосланган эпик асар олдида драма борлиқни пластик жонлантира олиши, томошабинга "кўриш" ва "эшитиш" имкониятини яратади олиши билан бешак устунликка эга. Илгари айтдикки, романга драманинг кириб келиши жанрга хос асосий проблема (шахс драмаси воситасида дунёни англаш) билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, реалистик романнинг драмани ўзига сингдиришга интилиши "реаллик иллюзияси"ни ҳосил қилиш учун ҳам бағоят зарур эди. Табиийки, драманинг романга кириши улкан бадиий-эстетик самара беради: биринчидан, романга кирган драманинг юқоридагича ожизликлари сезилмай кетади; иккинчидан, драма романни эпосга хос бўлмаган кучли жиҳатлар билан бойитади.

Конкрет романдаги драматик унсурлар салмоғи, аввало, асарда ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг юз бериш вақти (сюжет вақти) ва уларнинг ҳикоя қилиниш вақти(композиция вақти) нисбатига жиддий таъсир қиласди. Зоро, ечимга томон интилаётган драматик сюжет воқеаларнинг юз бериш вақтини тифизлаштируса, романга хос эпик кўламдорлик талаби билан ҳикоя қилиш вақти чўзилади. Эътиборли жиҳати шундаки, драматик унсурлар салмоғи устун бўлган романларда бадиий вақт интенсив

йўл билан, эпик унсурлар салмоғи устун бўлган романларда экстенсив йўл билан чўзилиши кўпроқ кузатилади. Бошқача айтсан, драматик унсурлар салмоғи устун бўлган романда ҳикоя қилиш вақти асосий сюжет воқеалари билан ёндош кечётган воқеаларнинг "параллел" вақти ҳисобига **кенгаяди**, эпик унсурлар салмоғи устун романларда эса асосий сюжет воқеаларининг юз бериш вақти узунлиги ҳисобига **чўзилади**. Бунга амин бўлишимиз учун 20-30-йилларда яратилган илк ўзбек романларига бир қургина назар ташлаш кифоя. Бизнингча, сюжет вақтининг узун-кискалигига кўра уларни қўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин:

- 1) "Қуллар"да–бир асрдан зиёдроқ;
- 2) "Ўтган кунлар"да–тахминан 6 йил;
- 3) "Сароб"да–тахминан 5 йил;
- 4) "Кутлуг қон"да–3 йилга яқин;
- 5) "Кеча"да тахминан 9-10 ойлар;
- 6) "Мехробдан чаён"да–6 ойга яқин;
- 7) "Душман"да – тахминан 5 ойга яқин вақт оралиғида юз берган воқеалар қаламга олинган. Шуни ҳам айтиш керакки, "Душман"ни истисно қилсақ, мазкур романлар ҳажм эътибори билан бир-биридан катта (яъни, қаламга олинган даврга мутаносиб) фарқ қилмайди. Албатта, бу асарларнинг барида ҳам драматик унсурлар мавжуд, бироқ уларнинг эпик унсурлар билан нисбати турлича. Умуман олганда, роман рўйхатда қанчалик қўйироқдан жой олса, ундаги драматик унсурлар салмоғининг ортиб бориши кузатилади. Бироқ буни қатъий қоида сифатида тушуниш ҳам ярамайди, зеро, ҳар қандай қоидада ҳам истисно мавжуд. Айтилик, "Ўтган кунлар"да сюжетнинг драматиклек хусусияти "Сароб"га нисбатан ҳам, "Кутлуг қон"га нисбатан ҳам кучлироқ намоён бўладики, буни А.Қодирий романининг саргузашт характерига эгалиги билан изоҳлаш мумкин кўринади. Ёки, агар сюжет вақтидангина келиб чиқилса, "Душман" сюжетининг драматиклек хусусиятига кўра олдинда бўлиши керакдек. Ҳолбуки, "Душман"да шахс драмаси йўқ, яъни, унда реалистик романга хос проблема қўйилган эмас: синфлараро тўқнашувлар аниқ бир ғоявий позициядан туриб тасвирланади, холос. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўринда романий тафаккур ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Хуллас, "Душман" мафкура таъсирида романлик сифатларидан маҳрум бўлган романдир. "Душман"дан фарқ қилароқ, "Сароб"нинг марказига шахс тақдири қўйилган: адаб қаҳрамонининг ижтимоий шартшароитлар таъсиридаги маънавий-рухий таназзулию фожиасини тасвирлашни ният қилган. Айтиш керакки, мазкур ният ҳам мафкура таъсиридан ҳоли эмас: А.Қаҳхор "миллатчилар" муҳитининг емирувчи кучини, уларнинг миллий ва синфий маҳдудлиги индивидуализмга бошлашини кўрсатмоқчи, бу эса эпик тафсилотларга кенгроқ ўрин берилишини талаб қиласди. Иккинчи томондан, қаҳрамон фожиаси "ғояга ишониш-алданиш" схемаси асосида талқин қилинадики, бу нарса сюжет вақтининг чўзилишини тақозо этади. Демак, конкрет романдаги эпик ва драматик унсурлар нисбатига сюжет вақти билан бир қаторда муаллиф кўзлаган ғоявий-бадиий ният, асар мавзуси, жанр хусусияти ҳам сезиларли таъсир қиласди. Эътиборли жихати шундаки,

"Кеча" ўз даври романларининг ҳаммаси билан ҳам муайян муштарак нұқталарга эга. Ҳусусан, "Қутлуғ қон" билан мавзуу ва айрим сюжет мотивларидағи ўхшашлик, "Сароб"даги психологизм, "Үтган кунлар"даги саргузаштиликтің хусусияти, "Мехробдан чаён"нинг сюжет-композицион хусусиятлари билан яқынлық шундай дейишишимизга асос беради.

"Кечалар" романының ўқиганда А.Қодирий ижодидан таъсирланиш яққол күзга ташланади. Құлпон чуқур ҳурмат қилған буюк адебимизнинг қүш романы "Кечалар" поэтикасида сезиларлы из қолдиргани, шубҳасиз. Бу хақда ўз вақтида танқидчи Р.Отаев асосли ва нозик кузатишлиарни баён ҳам қилғанды<sup>1</sup>. Бирок му-наққид бу масалага чукурроқ түхталишни мақсад қилмаганидан бўлса керак "Үтган кунлар" билан "Кечалар"даги образлар тизимини муқояса қилиш билан чекланган эди. Ҳолбуки, А.Қодирий романлари, айниқса, "Мехробдан чаён"нинг "Кечалар" поэтикасиға таъсири ҳақида анча муфассал түхталиш мумкин. Хўш, бу икки романнинг ички қурилишидаги ўхшашликлар нималарда намоён бўлади? Аввало шундаки, "Мехробдан чаён"да ҳам ривоя воситасида драма яратилади ва барча тафсилоту эпизодлар шу драма атрофида уюшади. Бунинг натижаси ўлароқ, А.Қодирий романыда ҳам ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг юз бериш вақти тиғизлашади – қаҳрамонлар ҳаётидаги жуда қисқа бир давр қаламга олинади. Бизнингча, ҳар икки романда кузатилувчи шу хил ўзак хусусият уларнинг поэтикасидаги қатор тулаш нұқталарни юзага келтиради. Бу нарса, аввало, иккала адеб яратган образлар тизими, ҳусусан, конфликтли ҳолат яқинлигидан күзга ташланади. "Мехробдан чаён"даги Раъно – Солих маҳдум–Худоёрхон учлиги "Кечалар"да Зеби–Раззок сўфи – Акбарали тарзида янгича бир ифодасини топади, десак хато бўлмайди. Раъно билан Зеби орасидаги ўхшашлик шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам айни балоғат даврига қадам қўйган, ҳаётдан баҳт умидида яшаётган ва баҳтли бўлишга ҳар жиҳатдан муносиб–қалбан ва жисман гўзал қизлардир. Иккала романнаги ота ҳам–Солих маҳдум ва Раззоқ сўфи – ихтиёрий–мажбурий равишда қизларнинг баҳтига зомин бўладилар. Худоёрхону Акбаралилар эса зўру зарнинг, кенгроқ қарасак, шахс эркин ҳақ–хукуқларини тан олмайдиган, у билан ҳисоблашмайдиган жамият – тоталитаризм тимсоли сифатида бўй кўрсатадилар. Қизиғи шундаки, кейинроқ романга қўл урган бошқа бир буюк адебимиз – Ойбек ҳам "Қутлуғ қон"да шу сингари учликни яратади: Гулнор – Ёрмат–Мирзакаримбой. Кўриб турганимиздек, 20-30-йиллар ўзбек адабиётида айни шу сюжет мотиви анча кенг ишланган экан. Шуниси ҳам борки, чинакам санъаткор сифатида ҳар учала адеб ҳам мазкур схемани ўзига хос тарзда жонлантиради, талқин қилади ва баҳолайди.

"Мехробдан чаён"да Раъононинг баҳти шундай кулиб турган, кўз кўярлик, қулоқ эшитарлик, қўл етарлик даражада эди; ўзига ҳар жиҳатдан муносиб бир йигитни севган ва севилган Гулнор ҳам баҳтдан умидвор, зеро, унга ҳам монелик қилувчи жиддий сабаб йўқдай эди; ўзининг сиқиқ мухитида баҳтни фақат хаёл қилиш билангина чекланган, шу хаёлларига-да келажакдаги "қора кунлар" даҳшати омихта

<sup>1</sup> Р.Отаев. Тонг юлдузи шуълалари.- Шарқ юлдузи.- 1989.- N 1.- С.176-182

Зебининг ахвол-рухияси тамомила ўзгача. Шунга кўра, драматик сюжетта хос баҳтиёрликдан баҳтсизликка ва аксинча бурилишлар бу асарларда турлича шакллантирилади. "Мехробдан чаён"да сюжет "баҳтиёрлик–баҳтсизлик–баҳтиёрлик" схемаси асосига қурилса, "Кечा"да "баҳтсизлик(Зебининг сиқиқ мұхитдаги якнав, түссиз ҳаёти) – баҳтиёрлик(сафар чоғидаги эркинлик нашъаси, Ўлмасжонга кўнгил қўйиши)–баҳтсизлик" схемаси иш беради. Шу маънода, А.Қодирий романида драматизм, "Кечা"да трагизм элементлари устун, дейиш мумкин. "Қутлуғ қон" масаласига келсак, унда ҳам трагизм элементлари устивор, бирок бу энди сифат жиҳатидан ўзгачароқ, социалистик реализм ақидаларига мос оптимистик руҳга йўғрилган трагизмдир.

"Мехробдан чаён" билан "Кечা" поэтикасининг туташ нұқталари уларнинг дастлабки сахифаларидаёт кўзга ташланади. А.Қодирий ҳам романни бевосита саҳна-кўринишдан бошлайди: "бу кун одатдан ташқари ечилиб кетган" Солиҳ маҳдум укалари билан лой ўйнаб ўтирган Раъно устига кириб келади-да, қизини енгилгина койииди. "Кечা"да ҳам шунга ўхшаш ҳолат: завқ-шавққа тўлиб ўйнашаётган қизлар устига Раззоқ сўфи кириб келади-да, дағдаға солади. Қизифи шундаки, бир қарашибдаёт ўхшашлиги сезилган айни шу нұқтадан иккала роман поэтикасининг фарқли жиҳатлари ҳам бўртиб кўрина бошлайди. Зеро, ташқи ўхшашлик моҳиятан бир хил дегани эмас. Эътибор беринг: А.Қодирий романидаги илк саҳнанинг олдинги планида Солиҳ маҳдум туради, "Кечা"даги саҳна марказида эса–Зеби. А.Қодирий маҳдум хонадонига унинг ўзи билан "кириб келса", Раззоқ сўфининг кириб келиши нафақат қизлар, адабнинг ўзи ўқувчилар учун ҳам кутилмаган ҳодисадек таассурот қолдиради. Хўш, шу кичкинагина фарқнинг бирор жиддий аҳамияти борми? Бизнингча, бор. Маълумки, иккала ёзувчи ҳам илк саҳнадан кейиноқ сюжетни тўхтатади–бири маҳдумни, иккинчиси сўфини таърифлашга ўтади. Сиртдан қараганда мазкур эпик чекинишдан иккала адаб ҳам бир хил мақсадни – қаҳрамонлардан бири ҳақида муфассал маълумот бериб, уни ўқувчига яқиндан таништиришни кўзлаётгандек. Бирок, фикримизча, ўша таърифнинг берилиш йўсини (манера) турлича бўлганидан пировард натижга, хосил қилинаётган бадиий эффект турлича бўлиб чиқади. А.Қодирий класик эпосга хос ривоя йўсинини танлайди: у имкон қадар холис туриб, босиқлик билан, енгилгина юмор аралаш таъриф беради маҳдумга. Мұхими, адаб маҳдум оиласидаги ички зиддиятларни бошданоқ кескинлаштиришга, ўқувчida қаҳрамонига нисбатан хукм мақомидаги муносабатни шакллантиришга шошилмайди. Чўлпон эса аксинча ўйл тутади: у аввал бошданоқ сўфи хона-донидаги зиддиятларни бўрттиришга ҳаракат қиласи, ўзининг қаҳрамонига муносабатини яширмайди–ошкор заҳарханда билан таърифлайди уни. Чўлпон, А.Қодирийдан фарқли ўлароқ, бошданоқ ўқувчига ўзининг ғоявий-хиссий муносабатини "юқтириш"га, унинг шуурида муайян рецепцион йўналиш (установка) хосил қилишга интилади. Биринчи галда услубда намоён бўлувчи ушбу фарқларнинг моҳияти, табиийки, ҳар бир ёзувчининг ўзигагина хос ривоя йўсинию ижодий манераси, кўзлаган ғоявий-бадиий ниятию ижодий сажия (темпераменти)сидаги турличалик

билан изоҳланиши мумкин. Шундан келиб чиқсак, юқорида тилга олганимиз–сиртдан ўхшаш кўринган илк саҳналар ҳам моҳиятан турличалиги аён бўлади. Дейлик, "Кечা"да саҳнанинг олдинги планида Зебининг туришию Раззоқ сўфининг кириб келиши билан юзага келаётган кутилмаганлик эфекти Чўлпоннинг ғоявий-бадиий ниятига мувофиқ келади. Зеро, қизларнинг ўйин-кулгисидан завқланиб, нурли ҳисларга йўғрилиб ўтирган китобхонга сўфининг дағдағаси қизлардан кам таъсир қилмайди. Айни шу эмоционал ҳолат–ўқувчидаги сўфига нисбатан ҳосил қилинган бадиий антипатия – ёзувчи китобхон шуурида шакллантиromoқчи бўлган рецепцион йўна- лиш (установка)га асос бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда "Мехробдан чаён" билан "Кечा" даги драматик сюжетдан эпик чекинишга ўтишнинг яна бир фарқли жиҳатига тўхталиб ўтиш зарур. А.Қодирий романнинг дастлабки саҳна-кўринишини мантиқий ниҳоясига етказгачгина эпик чекинишга ўтади. Агар романнинг "Раънонинг эгаси" деб номланган биринчи бобини драматик сюжетининг илк кўриниши деб қарасак, кейинги кўриниш сифатида "бир ўрдалик" деб номланган саккизинчи бобни кўрсатиш мумкин бўлади. Орадаги олти боб тўласича маҳдум ва унинг оила аъзоларини таърифлаш, уларнинг ўтмишию бугунига оид тафсилотларни баён қилишга хизмат қилади. Шу олти бобнинг адогида А.Қодирий: "Мухтарам ўқуғучини қаҳрамонларимизнинг бир қисми билан **таништиришни** шу ерда тўхтатамиз. Уларнинг ички ва ташқи табиатлари яхши ечилмаган бўлса, **хикоямиз** нинг давомида яна ҳам очилиб ва кенгайиб борар, деб ортиқча тафсилга киришмадик (таъкидлар бизники–Д.Қ.)", – деб ёзади. Эътибор берилса, адабнинг ўзи "таништириш" (эпик тафсилотлар) ва "хикоя"(драматик сюжет)ни фарқлаётгани сезилади. Эҳтимол шунданadir, А.Қодирий романнинг ташқи қурилишида ҳам драматик сюжет кўринишларини алоҳида бобларга, эпик чекинишларни алоҳида бобларга ажратади.

Чўлпон эса бу ўринда ҳам ўзгачароқ йўл тутади. Аввало шуни айтиш лозимки, Чўлпон асарнинг ташқи қурилишида драматик ва эпик унсурларни алоҳида ажратишга харакат қилган эмас. Аксинча, у поэтик табиати жиҳатидан турлича бўлган бу унсурларни органик бириктиришга, уйғунлаштиришга интилади (бу мақсадга қай даражада эришганлиги иккинчи масала). Иккинчи томондан, Чўлпон эпик чекинишга ўтиш учун кўринишнинг ниҳояланишини ҳар доим ҳам кутиб ўтирамайди: келган жойидаёқ тўхтатиб, мақсадга ўтаверади. Эсланг: Раззоқ сўфи кирибоқ "Нима бу киёмат!" дея дағдаға солиб тургани ҳолда кўриниш тўхтатиб кўйилади. Сўфи ҳақидаги тафсилотлар берилгач, кўриниш узилган жойидан уланади. Чўлпон қўллаган бу усул, бир томондан, драматик сюжет шиддатини сақлашга, иккинчи томондан, ўқувчи диққатини(албатта, қизиқиши ҳам) сусайтирмасдан, сюжет воқеаларидан чалғитмасдан тафсилотларни тақдим қилишга имкон беради.

Чўлпон "Кечা"нинг дастлабки бобларида сюжетни нечоғли шиддат билан ривожлантиргани "Мехробдан чаён" билан қиёслаганда яққол кўзга ташланади. А.Қодирий романнинг дастлабки бобларида эпик унсурларга кенгроқ ўрин беради. Бунга амин бўлиш учун дастлабки боблардаги сюжет вақти билан композиция вақти

нисбатига эътибор қилиш кифоя. Романдаги драматик сюжетнинг илк кўриниши Солих маҳдумнинг масжиддан чиқиб гўшт олишию ўз ҳовлисига кириб келишидан бошланади. Маҳдум асрга тайёр қилишларини буюрган тансиқ таом – манти ўн еттинчи боб нихоясидагина еб бўлинади. Шу асно дастурхон йиғиштираётган Раънога Анвар "хуфтанга чиқмаслиги"ни билдирадики, бундан хуфтон вақти яқинлашиб қолгани англашилади. Демак, жами 56 бобга бўлинган романнинг 17 бобида драматик сюжет воқеалари бир жойда–маҳдум хонадонида, пешиндан хуфтонга қадар ўтган 6-7 соат оралиғида содир бўлади. Шу 17 бобдан олтитаси (1, 8, 9, 10, 11, 17) сахна–кўриниш характерига эга бўлса, қолган ўн биттаси қаҳрамонларнинг феъл-атвори, шаклу шамойили, яшаш тарзи, ўтмиши ҳақидаги тафсилотларни беришга хизмат қилувчи эпик чекинишлардир. Кўриб турганимиздек, А.Қодирий драматик кўриниш ва эпик чекинишларни ўрни билан, навбатлаштириб бериш орқали ҳикоя қилиш вақтини чўзади. Драматик сюжетда муҳим ўрин тутувчи ҳар бир персонажнинг сахнага чиқиши янги-янги тафсилотларни эргаштириб келаётгандек. Дейлик, жиловхонадаги жанжал баҳона мулла Абдураҳмон, Гулшан баҳона сарою ҳарам ҳақидаги тафсилотларга ўтилади. Бироқ романга ичкарилаб борилгани сари эпик тафсилотлар салмоғи камайиб боради: уларнинг ўрнини бошқа жойда кечаётган, моҳияти ва вазифасига кўра юқоридаги эпик чекинишларга яқин турувчи эпизод–сахналар эгаллаб боради. Хусусан, бу гап ҳарам тафсилотлари, хоннинг кўнгил очиши сахналарига тааллуқлидир. Айтиш мумкинки, "Мехробдан чаён"нинг бошланишида эпик чекинишлар сюжет ривожини секинлаштиrsa (ретардация), кейинроқ–йигирма еттинчи бобдан бошлаб–бу вазифа драматик сюжетга сабаб–натижа муносабати асосида боғланмаган, кўпроқ эпик қамров қўламини оширишга хизмат қилувчи эпизод–сахналарга юқлатилади. А.Қодирий мазкур усулу воситалар ёрдамида драматик сюжет ривожини секинлатиб, унинг асосий тугунини романнинг "Фотиҳа – муҳри худодир" деб номланган 45-бобигача суриб келади. Зотан, айни шу нуктадан драматик сюжет ғоят шиддатли ривожланади, роман струк–турасида чин маънода устиворликка эга бўлади. "Кечা"да эса биз аксинча ҳолга дуч келамиз: романнинг бошланишида драматик сюжет шиддат билан ривожлантирилса, ичкарилаб борилгани сари эпик қамров қўлами ортиб боради, композицион вақт кенгайиб, ҳикоя қилиш вақти чўзилиб боради. Хўш, Чўлпон романнинг дастлабки бобларида драматик сюжет шиддатини қай йўсин тутиб туради? Бизнингча, А.Қодирий ва Чўлпон романларининг бошланишида кузатилаётган бу фарқ композицион монтаж усул ҳамда воситаларининг турличалиги билан изоҳланиши мумкин. "Мехробдан чаён"да драматик сюжет кўринишлари хроникали тартибда жойлашади. Юқорида айтганимиздек, дастлабки ўн етти бобнинг олтитаси кўриниш характерида бўлиб, уларнинг амалда юз бериши(реалликдаги "ижроси") нари–бериси билан икки соатлар давом қилиши мумкин. Табиийки, ёзувчи маҳдум хонадонида пешиндан хуфтонга қадар ўтган барча "реал сахна"ларни қаламга олишга интилмаган, ўзи учун зарурларинигина қайта жонлантирган. Шуниси ҳам борки, бу кўринишлар ҳар вақт ҳам бир-бирини тадрижий давом эттирмайди: ўртада даврий жиҳатдан озми-кўпми

узилишлар ҳам бор. Яъни, уларнинг ҳар бири мантиқан ниҳояланган эпизоддек таассурот қолдиради. Мана шу эпизодлар орасини А.Қодирий эпик чекинишлар билан тўлдиради: гўё адаб маҳдум хонадонидаги воқеаларнинг барини ўз қўзи билан кўриб турди-да, вақти-вақти билан нигоҳини саҳнадан узиб (табиийки, бу пайтда ҳам маҳдум хонадонида ҳаракат давом этаётир), ўкувчига ўгирилади ва унинг учун зарур деб хисоблагани тафсилотларни баён қилишга ўтади. Ҳартугул, айни шу нарса ўкувчи наздида драматик сюжет бутунлиги иллюзиясини ҳосил қиласи.

"Кечা"да эса эпик чекинишлар эпизодлар орасини тўлди-ришга эмас, асосан, ҳаётий ҳолатни ойдинлаштириш, тушунти-риш (масалан, пойлоқчи кампирнинг қизларга қўшилиб қолиши сабабларини) мақсадига хизмат қиласи. Бизнингча, романнинг бошланишида эпизодларни улаш учун улар орасида ўтган воқеаларга биргина жумла билан қисқагина баён қилиш усули кенгроқ қўлланилади. "Кечা"нинг илк саҳна-қўриниши билан кейингисининг уланишига разм солайлик: "Одатда онанинг кўнгли юмшоқ бўлади. Зебининг онаси-Қурвонбиби Салтидан ҳалиги чақириқ хабарини эшитгандан кейин дарҳол розилик берди:

—Майли, ўйнаб ёзилиб келинглар. Қишичи юракларинг ғаш бўлгандир... Ёш нарсалар,—деди". Юқорида "Кечা" ўкувчиси қисман режиссёрликни ҳам уҳдасига олиши, етишмаётган чи-зиқларни ўзи тортиши лозимлигини айтгандик. Табиийки, Салти чақириқ хабарини етказгунга қадар ўртада салом-алик, эсон-омонлик сўрашлар ўтган. Чўлпон бунга биргина жумла билан ("Қурвонбиби Салтидан ҳалиги чақириқ хабарини эшитгандан кейин..."—яъни, эшитгунча бўлган гап-сўзлар туширилиб қолдирилмоқда) ишора қиласи-да, саҳнани тўлдириб, тиклаб олишни ўкувчининг ўзига ҳавола қиласи. Натижада ўкувчи наздида драматик кўриниш бутунлиги сақланади, унинг ривожи эса секинламайди. Ёки Чўлпон сўфининг розилигини эшитган қизларнинг беадад қувончини кичкинагина саҳнадо жонлантиради-да, кейин ёзади: "Ниҳоят, ўзлари ҳам ўлгудек чарчаб, кампирдан қўл тортдилар ва "ух!" деб иккаласи икки томонга ўтирдилар.

Булар тарақ-туруқ эшик очиб, шошилиб кўчага чиққан вақтида пахта заводининг ингичка жингироғи соат ўн икки бўлганини билдириб қичқиради". Бу ўринда биз янада ўзгачароқ ҳолга дуч келаётирмиз: сўфи чиқиб кетганидан сўнг (бамдоддан киргач, озроқ уйда бўлгач) то соат ўн иккигача ўтган эпизодлар умуман тушириб қолдирилаётир, ҳатто, уларга бирон-бир ишора ҳам қилинганди эмас. Зоро, улар (дейлик, қиз боланинг сафарга тайёрланишининг ўзи бир воқеа, қизини сафарга жўнатаётган онанинг ташвишларию насиҳатларининг ўзи-бир достон) мантиқан англашиладиган, ижодий тасаввурини ишга соглан ўкувчи бемалол хаёлида жонлантира оладиган деталлар. Ўкувчи хаёлида осонгина жонлантирилган шу деталлар асосида Чўлпон кейинги саҳнага-йўлдаги ҳангомалар тасвирига ўтишни ҳозирлайди. Соат ўн иккита сўфи хонадонидан чиқиб кетган қизлар: "Салтиларникида кечгача сафарга тайёрланиб – **бир озгина патир билан сомса ёпиб**, кўча эшигининг чап биқинидаги катта кундадан аравага хатлаган вақтларида кун ботиб борар эди. Арава шаҳардан чиқиб..." Барча қизлар учун одатий сафар тадоригига Чўлпон биргина

деталь – "бир озгина патир билан сомса ёпиш"ни қўшади-да, бу билан ўқувчи тасаввуридагина мавжуд саҳнани тўлдиради, конкретлаштиради. Айтмоқчимизки, гарчи романда бевосита акс эттирилмаган бўлса-да, ўқувчи тасаввурида қизларнинг паранжига ўралиб торгина шаҳар қўчаларидан пилдираганча Салтиларникига кетиб боришлари, ўсма эзғилашларию хамир қоришлари...–қўйинг-чи, аравага чиққунга қадар ўтган ишлар у ёки бу даражада жонланади. Айни шу нарса драматик **сюжет узлуксизлиги иллюзиясини** ҳосил қиласди. Яъни, Чўлпон ўқувчисининг ижодий тасаввурига ишонган ҳолда драматик сюжет эпизодлари орасидаги бўшлиқни очик қолдиради, аникроғи, сезилар-сезилмас пункттирлар билан боғлайди, холос. Шуниси ҳам борки, кейинроқ Чўлпон Салтиларникидаги сафар тадоригидан бир эпизод(қайнана-келиннинг маслаҳатларию пойлоқчи кампирни қўшиб жўнатишга карор қилишлари)ни ретроспектив тарзда тасвирлайди. Аслида вакт эътибори билан илгарироқ келиши лозим бўлган саҳнанинг кейинга сурилиши ҳам бу ўринда сюжет ривожидаги шиддатни сусайтирмасликка хизмат қиласди.

Чўлпон "Кечা"нинг бошланишидаги драматик сюжет кўри-нишларининг юз бериш жойини ҳам муайян тартибда, ўзига хос тадрижийликда ўзгартиради: қизлар билан бирга Салтиларникига, ундан Энахонларникига ўтилса, Султонхон билан бирга мингбошининг ичкарисига кириб борилади; Султонхоннинг меҳмонларни кутиб олиш режаси саҳнага Пошшахонни олиб чиқса, Пошшахон баҳона (Мирёқубга Зеби хақида Пошшахон шипшифтган бўлиши эҳтимол) мингбошининг ташқарисига чиқилади. Кўриб турганимиздек, бир бутун драматик ҳаракат маконий ўзгаришлар асосланганлигини таъминламоқда. Табиийки, бу ҳам драматик сюжет шиддатига сезиларли таъсир қиласди. Агар "Кечা"ни шу жиҳатдан "Мехробдан чаён"га қиёсласак, кўп нарса ойдинлашиши мумкиндек. А.Қодирий романининг бошланишида маконий ўзгаришлар асосланганлигини таъминлаётган нарса – Анварнинг мирзабошиликка тайинланиш эҳтимоли ҳақидаги нарса – Анварнинг мирзабошиликка тайинланиши ҳақидаги узунқулоқ гаплару унинг шу мансабга ёрлиқ олиши. Шу миш-мишлар баҳона воқеалар Солих маҳдумницидан масjid жиловхонасига кўчса, тайинланиши сабаб хон ўрдасига, ундан яна маҳдум хонадонига ўтилади. Кўринадики, "Мехробдан чаён"да маконий ўзгаришларни ҳаракат бирлиги эмас, якка ҳодиса (ҳолат) асослайди. Табиийки, бу нарса драматик сюжет ривожини анчагина сустлаштиради.


А.Қодирий романида драматик сюжет тугуни сифатида Раъононинг хонга унаштирилишини олсак, унгача бўлган воқеалар экспозиция ва ситуацияга дохил деб қаралиши мумкин. Шуниси борки, бунда ситуация ҳам конфликт асосига қурилган. Бироқ, бизнингча, Анвар–Абдураҳмон домла конфликт бутуннинг қисми сифатидагина намоён бўлади. Зеро, у Анварнинг муҳит билан зиддиятини чинакам тўқнашув даражасига кўтарилишини ҳозирлашга хизмат қиласди. Яъни, асар сюжетида тутган ўрнига кўра, мазкур конфликт "Кечा"даги Султонхон катта кундошлар конфликтига яқин туради. Айни шу нуқтадан ҳар икки роман структурасидаги яна бир қатор ўхшашиклар кўзга ташланади: ҳар икки романдаги ёрдамчи конфликтнинг кувват манбаи–ҳасад: ҳар икки ҳолда ҳам хасадгўйлар бегуноҳ бир қиз баҳтига зомин

бўлиш орқали ўч олишга чоғланадилар; ҳар икки ҳасадгуй ҳам қилган ишлари натижасидан тугал қаноат ҳосил қилолмайди (Анварнинг ўрнини Султонали, Султонхон ўрнини Зеби эгаллайди)ки, манфур ишларида давом қиласди; иккала ҳасадгўй ҳам рақибларини жисман маҳв этишга жазм қиласди-да, иккиси ҳам мақсадга тўла эришолмайди (бири сургун қилдиришга, иккинчиси юртини ташлаб кетишга мажбур илишга эришади). Кўрамизки, ёрдамчи конфликт иккала романда ҳам сюжет ривожига жиддий таъсир қиласди. Бироқ ҳар икки романнинг бошланишида мазкур конфликт бажараётган функция сезиларли фарқланади. "Мехробдан чаён"да ёрдамчи конфликт асосий тугунни ҳозирлаш ва асослашга, "Кечा"да сюжет ривожини тезлатишга хизмат қиласди. Албатта, "Кечা"да ёрдамчи конфликт қисман асослаш вазифасини ҳам ўтайди. Бироқ, илгари айтганимиздек, Чўлпон талқинида катта кундошлар иштирокисиз ҳам Зебининг мингбоши домига тушиш эҳтимоли мавжуд эди. Боз устига, катта кундошлар учун қурбоннинг айнан Зеби бўлиши шарт эмас, кўзга яқинроқ қиз бўлса бас. "Мехробдан чаён"да эса қурбон белгили–Анварга зарба бериш учун хонга Раънонигина пешкаш қилиш зарур эди. Яъни, бу ўринда сабаб-натижа муносабати етакчилик қиласди, "Кечা"да эса сюжет нуқтаи назаридангина сабаб-натижа муноса- бати кузатилади: мингбоши хонадонида бир қизни қурбонликка келтириш учун шароит етилиб турган (Пошшахон бунга қандай бўлмасин эришарди)ди, Зебининг қишлоққа келиши эса буни тезлатди, холос.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадики, Чўлпон ўзи учун энг муҳим нарса – драматик сюжет тугунини тезроқ ўртага ташлаб, шу асосда дилию онгida жўш урган дарду фикрларини тўкиб солишга шошилаётгандек туюлади. Зеро, адабнинг системали равища сюжет ривожини тезлатувчи усул ва воситаларга мурожаат қилиши шундай тўхтамга бошлайди кишини. Бу нарса, айниқса, "Мехробдан чаён"нинг бошланишидаги босик-вазмин ривоя йўсини билан қиёслаганда яққол кўзга ташланиб қолади. Шу ўринда кўнгилга бир андиша келади: романнинг бошланиш қисмларида Чўлпон ижодий манерасида бироз шошқалоқликка ўхшаш хусусият кўринмаяптимикан? Айтиш керакки, бу андишада озми-кўпми жон бор. Хўш, бу хил ижодий манеранинг илдизи нимада? Аввал ҳам айтганимиздек, мазкур ҳол адаб шахсияти–дунёқарashi, феъл-атвори, бадиий тафаккур тарзи, ижодий темпераменти... – билан боғлиқдирки, булар охир-оқибатда ижодий индивидуалликни белгилайди. Шуниси ҳам борки, у ёки бу хусусиятлар кўпроқ услугуб ҳодисаси бўлмиш бадиий шаклнинг барча қатламларида намоён бўлсагина конкрет санъаткор учун қонуният мақомидаги ижодий индивидуаллик ҳақида гапириш мумкин бўлади. Юқорида Раззок сўфи ва Солих маҳдумга муносабатдаги турличалик мисолида иккала адаб ижодий темпераментидаги турличаликка эътиборни қаратган эдик. Чўлпоннинг шошилаётгандек бўлгани илк бор қаҳрамонига муносабатини ифодалашида сезилган бўлса, энди драматик сюжетни ривожлантириш–бадиий борлиқни ташкиллантириш принципларида ҳам кўзга ташланмоқда. Адабнинг ижодий манерасидаги бу ўзига хосликни қўйироқ қатлам – жумла қурилиши аспектида ҳам кузатиш имконига эгамиз. Чўлпон романнинг бошланишида компонентлари уюшиқлик муносабатидаги

боғловчисиз ва мураккаб конструкцияли қўшма гапларга кенг ўрин беради. Шундай гаплардан бирини кузатайлик: "Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина саҳнни супуриб турган вақтида 2ташқари эшикнинг **бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди**". Хўш, бу гапнинг қурилиши нимаси билан эътиборга мо-лик? Аввало шуниси биланки, гап инфомацияга ниҳоятда тўйинтирилган: бир гап доирасида бир қатор маълумотлар берилаётир. Биз учун муҳим томони шуки, гапнинг бошланиши(таъкидланмаган) қисмида нигоҳнинг кинематографик тезлик билан бир обьектдан иккинчисига сакраётгани ѿхирги (таъ-кидланган) қисмида эса маълум даражада тўхталаётгани. Гапнинг интонацияси ҳам, бизнингча, шунга монанд: бошланишдаги санаш интонацияси темпни тезлатса, иккинчи қисмида темп секинлайди–бутун гап ичидаги ѿхирги бўлак интонацион жиҳатдан-да ажратилади. Гапнинг психолингвистик аспектига эътибор қилсак, ёзувчи учун иккинчи қисмнинг муҳимроқлиги, биринчи қисмдаги маълумотлар эса уни ёрқинроқ ифодалаш учунгина зарурлиги англашилади. Айтмоқчимизки, мазкур гап қурилиши билан романнинг композицион қурилишида муштараклик бор, аникроғи, шу гапнинг қурилиши–асар композициясининг жажжи макети сифатида олиниши мумкин. Шунга кўра, Чўлпоннинг "Кечा"даги дастлабки бобларда сюжетни шиддат билан ривожлантириб, кейин эпик кўёламни кенгайтиришга ҳаракат қилгани (шошилмасдан ҳикоя қилишга ўтгани) ҳам моҳият эътибори билан юқоридагича мақсад билан изоҳланиши мумкин.

"Кечা"даги драматик ҳаракат бирлиги, "Мехробдан ча-ён"дагига аксинча ўлароқ, Зеби мингбошига фотиха қилингач, ўта заифлашади. Шу саҳифалардан бошлаб ўқувчи ҳар вақт саҳнанинг олдинги планида кўришга ўрганиб қолган Зеби орқа планга чекинади, ҳатто, кўп ўринларда саҳнадан умуман тушиб қолади. Дейлик, бир томондан, Султонхоннинг типирчи лашларию Энахоннинг чин дилдан куйинишлари, иккинчи томон-дан, катта кундошлар бошига тўйдан сўнг тушган катта "ташвиш" –булар бари ҳали-ҳануз ўқувчи диққатини Зеби тақдирига тортиб турар. Бироқ Зебининг "тутқаноқ" касали боис пайдо бўлган чигалликлар тўйининг бешинчи кунида Мирёқуб билан Акбаралини кўчага етаклайди-да, шу пайтгача ягона бўлиб келган драматик сюжет иккига бўлинниб, тармоқланиб кетади. Яна такрор таъкидлаймизки, бадиий асар моҳиятини на формула ва на схема тўла ифодалай олмайди, шундай бўлса-да, "Кечা"нинг ички ташкилланишини яхшироқ тушуниш мақсадида фикрларимизни тубандаги схема воситасида ифодалашга уриниб кўрмоқчимиз:



---

### *Ақбарали*

"Кечә" структурасининг ўзаги бўлмиш драматик сюжетнинг тасаввуримиздаги схемаси–шу. Тўйдан кейинги тармоқланишга эътибор берилса, Мирёқуб билан Ақбаралининг бирга чиқиб кетишию фаҳш уяси бўлмиш "машхур нўмер"га йўл олишлари романда бошқа шахслар драмасини бошлиш, бошқа шахсларни олдинги планга чиқариш учун бир восита эканлиги англашилади. "Кечә"нинг бошланишида кузатганимиз драматик сюжет узлуксизлигини, маконий ўзгаришлар асосланганлигини ҳаракат воситасида таъминлашга интилиш бу ўринда ҳам сақлаб қолинади. Романдаги X бобнинг аксари, XI-XII боблар тўласича Мирёқуб драмасини ёритишга қаратилганки, унинг ҳаракатлари сюжет кўринишларини бир бутунликка бирлаштиради. Чўлпоннинг маҳорати шундаки, у максимал сусайтирилган сюжет чизигидан шиддат билан ривожланувчи бошка бир сюжет йўналишини ўстириб чиқаради, ўқувчи дикқат-эътибори юзишини унга буриб юборади. Ўз ҳолича нисбий мустақиллик касб этувчи Мирёқуб драмасининг киритилиши романнинг эпик кўламини кенгайтириш йўлидаги илк ва дадил бир қадамdir. Зеро, айни шу сюжет чизиги воситасида роман воқелигига нойиб тўра, Ш.Хўжаев сингари асар концепциясини ифодалашда бениҳоя мухим персонажлар олиб кирилади. Чўлпоннинг сюжет яратиш маҳорати айни шу ўринларда яққол намоён бўлади. Мирёқубга таъриф бераркан, адид унинг ниҳоятда серҳаракат, доимо иш билан "шошилиб юрадиган" кишилигига дикқатни қаратган эди. Дарҳақиқат, Мирёқуб драмаси кечаётган жой ўзгаришларига бир қур назар солинсаёқ бунга амин бўлиш мумкин: мингбоши хонадони – "машхур нўмер" – нойиб тўра маҳкамаси – нўмер – нойиб тўра уйи – Зуннуннинг уйи – нўмер – Зуннуннинг уйи – мингбоши хонадони – Мирёқуб хонадони – поезд. Кўринадики, жой ўзгаришларининг ўзиёқ Мирёқуб драмасининг нечоғли шиддат билан ривожланаётгани ҳақида тасаввур беради. Муҳими шундаки, қаҳрамоннинг ташқи ҳаракатидаги шиддат билан унинг руҳиятидаги жараёнлар шиддати ритмик уйғунлик касб этади. Мирёқуб драмасини ташкил этаётган сахна-кўринишлар унинг руҳиятидаги ўзгаришларни тасвирлаш ва асослаш мақсадига буйинсундирилади. Дейлик, бир сахна-кўринишдан иккинчисига ўтиладиган бўшлиқ – яъни, бир жойдан иккинчи жойгача бўлган йўл – кўпроқ қаҳрамон руҳиятидаги жараёнларнинг бевосита тасвири билан тўлдирилади. Драмага киритилаётган ҳар бир эпизод қаҳрамон руҳиятида муайян бурилиш ясайди: Ақбаралининг фаҳш ботқоғига ботиб ётишига қараб Мирёқуб ўзининг ундан дурустроклигини ҳис этиб овунса, Марям билан учрашув ўзидан қониқмаслик ҳиссини кучайтиради; нойиб тўра билан сұхбат чоғида аҳволнинг жиддийлигига унчалик ишонмаса, Зуннун билан учрашуви мавжуд аҳволни жиддийроқ мушоҳада қилиш заруратини туғдиради. Бироқ бундан Мирёқуб драмасига киритилаётган сахна-кўринишларнинг бари унинг ўзигагина алоқадор, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Зеро, Чўлпон Мирёқуб драмаси бутуннинг қисми эканлигини назардан қочирган эмас, шу боис ҳам киритилаётган эпизодларнинг бутунга муносабати пухта ўйланган. Масалан, адид нойиб тўра билан

боғлиқ эпизодларни киритаркан, мустамлакачилик сиёсатининг асл қиёфасини чизишга интиладики, унда етишмаётган чизгилар кейинча суд жараёни тасвири воситасида тўлдирилади. Яъни, Мирёкуб драмасига киритилган саҳна-кўринишилару тафсилотлар бошқа композицион қисмлар билан узвий горизонтал ва вертикал алоқага киришади. Юзаки қараганда узилиб қолаётгандек кўринган Мирёкуб драмасининг бутуннинг узвий қисмига айланишида, бизнингча, унинг ривоянинг умумий ритмiga мувофиқлиги етакчи аҳамият касб этади. Айтмоқчимизки, Зеби билан боғлиқ сюжет чизиги йўқотган авж пардани Мирёкуб драмаси тутиб қолади. Романга Мирёкуб драмасининг киритилиши, юқорида айтдикки, унинг эпик кўламини кенгайтиради. Эпик кўламнинг кенгайиши ўқувчи бунгача кўнишиб улгурган ритмда, қизиқарли интрига (Мирёкуб – Марям муносабати)га эга сюжет воситасида амалга ошириладики, бу нарса, аввало, унинг қабул қилинишини осонлаштиради, иккинчидан, ўқувчини янада кенгаядиган эпик кўламдорликни "сингдириш"га руҳан ҳозирлайди.

"Кечा"нинг охирига яқинлашилгани сари эпик кўлам янада кенгайиб, асар структураси мураккаблашиб боради. Гарчи романнинг XIII-XVIII бобларида унинг марказига Акбарали драмаси чиқарилса-да, бу ўринларда эпик ривоянинг роли сезиларли ортади. Чўлпоннинг маҳорати шундаки, романда учта шахс драмаси муфассал ишланган бўлса, уларнинг ҳар бири характер моҳиятига мосланган. Хусусан, Мирёкуб драмаси унинг фаол ҳаракатию изланишлари маҳсули сифатида юзага келади: воқеалар персонажга таъсири қилганидек, у ҳам маълум даражада воқеаларни шакллантиради,- шу боис ҳам Чўлпон воқеаларни қаҳрамони хатти-ҳаракатлари ритмiga мувофиқ тасвирлайди. Бунинг зидди ўлароқ, воқеалар Акбарали драмасини келтириб чиқаради, яъни, Акбаралининг мустақил ҳаракату ирода йўналишидан маҳрумлиги асар структурасида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, Қумариқдаги ғалаёнга оид эпизодларни олиб қарайлик: учта эпизоднинг биттасидагина драматик сюжет билан узвий боғлиқлик кузатилади. Ўз тақдирини ҳал этувчи воқеалар ривожига Акбарали иштироқиу таъсири (ўз заарига таъсири ҳисоб эмас)нинг минимумга келтирилиши юқоридаги фикримиз далилидир. Шунга ўхшаш ҳолни "ичкари" ҳаётига оид эпизодларда ҳам кузатишимиз мумкин: Акбаралининг "ичкари" ҳаётига мутлақо таъсири йўқдек, у бир соя каби судралиб юргандек таассурот қолади кишида. Акбарали драмаси моҳият эътибори билан Зеби драмасига яқин келади –ҳар иккиси ҳам воқелик уммонида бир кўпик мисоли юзадилар.

Айтиш керакки, асар структурасининг мураккаблашуvida "ичкари" ҳаётидан олинган эпизодларнинг ҳам сезиларли таъсири бор. Бу эпизодларни узилиб қолган Зеби сюжет чизифининг пунктирлар билан давом эттирилиши, деб тушунишимиз ҳам мумкин. Мазкур эпизодлар ўзаро боғланмагани ҳолда, Акбарали драмаси воситасида бир бутунликка бирикади: бутунлик энди ҳаракат бирлиги ҳисобига эмас, кўпроқ воқеалар юз бераётган жой бирлиги ҳисобига таъминланади. Эпизодларнинг ҳаракат бирлиги билан боғланмагани ҳикоя қилиш вақтини кенгайтиради: сюжет вақти қаторига "параллел вақт" ҳамда "ретроспектив вақт" қўшилади. Масалан, мингбоши хонадонидаги саҳна-кўринишилар (унинг Қумариқка борганию ғанимларига ўзини

кўрсатиб қўйгани ҳақида қониқиши билан ўйлаши, ялла эшитиш учун Зебининг уйига кириши) ва Қумариқ масжидидаги илк тўполонларнинг юз бериши бир вақтга тўғри келади. Худди шунга ўхшаш гапни Султонхоннинг илк бор Ҳакимжон хужрасига йўл солишию Зебининг чор-ночор мингбошига таслим бўлиши ҳақида ҳам айтиш мумкин: уларнинг юз бериш вақти ҳам бир, ҳикоя қилиниш вақти фарқланади, холос. Шуниси ҳам борки, Мирёқуб сафарига оид тафсилотлар билан Акбарали драмасининг илк саҳналари ҳам юз бериши жиҳатидан бир вақтга тўғри келади. Иккала сюжет чизигини бир-бирига улашда, айниқса, бутунлик иллюзиясини ўқувчи наздида тиклашда ретроспектив вақт муҳим аҳамият касб этади. Мирёқубнинг сафарига оид тафсилотларни(маълумки, улар мантикий якунини топмаган) бергач, Чўлпон саҳнага Султонхонни олиб чиқади. Сиртдан қарагандা бу ўринда яққол узилиш кўзга ташланади, бироқ у асарнинг бутун ҳолича қабул қилинишига ҳалал бермайди. Гап шундаки, адаб илгарироқ бунинг чорасини кўриб қўйган. Мирёқуб драмасидаги эпизодлардан бири (XI бобнинг бошланиши)да Ҳакимжон тилидан: "Айтганча, хўжайин-нинг учинчи хотинлари – Султонхон ҳам отасиникидан келиб қолибди. "Ҳамма балони ўша қилди" дердилар, ўзи жуда бўғилиб, нима қилишини билмай, ўтирадиган жой тополмай юрар эканмиш. Энди бирданига **жуда бошқача** бўлиб келибди. "Ҳамма ҳайрон", дейди. Катта кундошлари унинг бу хилда ўзгаришига сабаб тополмасдан ҳайрон бўлишар эмиш", – деган маълумот берилади. Кўпчиликни ўйлатган бу жумбоқ, табиийки, ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди. Зеро, у Султонхоннинг ниманидир режалаштириб қўйганини фаҳмлайди, нималигини аниқ билмагани ҳолда тахминлар қилиб кўради ("предвосхищение сюжета"), хуллас, унинг онгига ўзига хос интрига–билиш, ўзини (яъни, тахминларининг қанчалик тўғри-нотўғрилигини) синаб кўриш иштиёқи юзага келадики, айни шу иштиёқ асосида бутунлик тасаввuri бузилмайди, аникроғи, у узилишни сезмай қолади. Табиийки, мана шу "сезилмаслик"нинг ўзи катта эпик асар бутунлигининг таъминланганлигидан далолатдир. Айтиш керакки, XIII бобнинг аксари Султонхон билан боғлиқ. Чўлпон Султонхоннинг ўтмишига оид тафсилотларни, роман вақтидан бироз илгари юз берган воқеа-тафсилотларни баён қилгач, унинг режасини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатларини жонлантиради. Шу тариқа романга яна бир инсон тақдири, унинг ўзи дуруст идрок этмаган фожиаси олиб кирилади. Бу фожиани идрок этишу баҳолаш учун ўқувчи уни бутун контекстида олиб кўришга, Султонхон тақдирини Хадичахон, Пошшахон, Зеби тақдирларига муқояса этишга зарурат сезади. Умуман, роман сўнгидаги Пошшахоннинг, Раззоқ сўфининг хатти-ҳаракатлари ҳам фавқулоддаки, улар ўқувчини беихтиёр ортига ўгирилишга, романнинг бошланиш қисмларидан бошлаб хаёлида қайта тиклашга ундейди.

Бадий асар композицияси асардаги шакл унсурларини бадий мазмунни ифодалаш, ғоявий-бадий ниятни амалга оши-риш учун энг оптималь тарзда уюштира олган-олмаганлигига қараб баҳоланади. Шунга асосан дадил айтиш мумкинки, Чўлпон "Кеч"а композициясини юксак маҳорат билан яратади. Демак, "Кеч"а нинг сюжет-композицион қурилиши юқоридаги талабларга тўла жавоб бериши лозим

келади. Хўш, Чўлпоннинг ғоявий-бадиий нияти ижросида асарнинг композицияси қандай ўрин тутади? Модомики Чўлпонни роман ёзишга ундан нарса ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришу ҳодисотлар моҳиятини **билиш** ва шу билиш жараёнида юзага келмиш ғоявий-ҳиссий баҳосини, дунёю давр концепциясини **ифодалаш** экан, ўзимиз қўйган саволга шу икки вазифани улдалашда композиция (умуман, асар структураси)нинг ролини кўрсатиш орқалигина жавоб беришимиз мумкин бўлади. Аввало шуки, Чўлпоннинг биринчи нияти романга бадиий тадқиқ учун имкон қадар кенг ҳаёт материалининг жалб этилишини тақозо қиласди. Чўлпон яратган сюжет эса (албатта, тармоқлари билан бирликда) бунга етарли имкон яратади. Зеро, романнинг структуравий ўзаги, бир қарашда Зеби фожиасини кўрсатишгагина қаратилган сюжет ўз ривожи давомида тармоқланиб, жамиятнинг турли табақалари–мехнаткашлару бойлар, савдогарлару руҳонийлар, амалдорлару чиновниклар, жадидлару мустамлакачилар ҳаётини ўз атрофида уюштиради. Ўша сюжет воситасида инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигининг бағоят кенг эпик панорамаси яратилади, унинг қат-қатида муаллифнинг ўзини ўртаган саволларга топган жавоблари ботиндир.

"Кечак"нинг сюжет-композицион қурилиши, айниқса, муаллиф концепциясини ифодалаш нуқтаи назаридан алоҳида дикқатга моликдир. Ўқувчисини бирон лаҳза ҳам назардан қочирмаган Чўлпон айтмоқчи бўлган гапларини босқичма-босқич айтишга, уни зериктирган ва ҳатто ўзига кўп-да сездирмагани холда фикрларини сингдиришга интилади. Шу боис ҳам: 1) аввалига драматик сюжетни шиддат билан ривожлантиради–ўқувчи дикқатини Зеби тақдирига боғлаб қўяди; 2) бу сюжет чизигининг ривожи сустлашиши билан эътиборни Мирёқуб драмасига чалғитади–ўқувчи ҳали эпик кўлам кенгайганини идрок қилиб улгурмагани холда уни "ҳазм" қила бошлайди; 3) нихоят, роман охирланишига яқин уни ҳаёт аталмиш долғали, мураккаблигу чигалликларга тўла бир уммонга рўбарў қиласди. Таъбир жоиз бўлса, "Кечак"нинг структуравий ташкилланишини тоғлардан шиддат билан оқиб келаётган дарёнинг водийга етгач ёйилиб, сокин оқишига, унинг ўқувчисини бехос шу дарёга тушиб кетган одамга ўхшатгимиз келади. Шиддатли оқимга тушганида ўзини тамомила унинг измига топширган одам оқим сустлашганидагина атрофга аланглашга, нима бўлгани ҳақида озми-кўпми ўйлашга имкон топар...бошқа бирори сувдан амаллаб чиққачгина, қирғоқда титраб-қақшаб ўтирганида ўйлай олар. Шунга ўхшаш, "Кечак"нинг ўқувчи ҳам роман охирлай бошлаганда ортига ўти-рилади. Зеро, айни шу ўринларда роман структурасининг му-раккаблашуви – доим ҳам изчил тадрижийликда боғланмаган, турли макон ва замонда кечаётган воқеалар моҳиятини тушуниш истаги ўқувчи учун **эҳтиёжга** айланади. Шу эҳтиёжни қон-диришга интилган ўқувчи онгода энди илгаригидек Зеби билан боғлиқ воқеалар силсиласигина эмас–бутун романнинг бадиий воқелиги суратланади.

Чўлпон ҳикоялари структурасига тўхталганимизда уларда бадиий концепциянинг ифодаланишида композиция ("композицион тафаккур")нинг роли сезиларли ортганига эътиборни қаратган эдик. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан айни

шу нарса "Кеча"га ҳам хослиги англашилади. Эътиборли томони шуки, бу хусусият кўпроқ адабнинг "объектив" тасвир йўсинидан борилган асарларига хосдир. Илгари айтганимиздек, Чўлпон учун асарда тасвирланаётган нарса эмас, унинг воситасида ифодаланаётган нарса (яъни, тасвирланаётган воқеа-ходисаларнинг тематик аспекти) муҳимроқ кўринади. Кўрамизки, бу ўринда иккита бир-бирига тамомила зид мақсад ёндош келаётир: бир томондан, адаб имкон қадар холис кузатувчи мавқеида турмоқчи; иккинчи томондан, ўқувчисига асарнинг мазмун-моҳияти ўзи хохлагандек сингдирилишини истайди. Айни шу зиддият концепциянинг ифодаланишида композициянинг роли кучайишига олиб келади. Айтмоқчимизки, муаллифнинг воқеа-ходисаларга аралашувининг минимумга келтирилиши баробари ўша воқеалар(тафсилот ва деталлар)нинг асарда жойлаштирилиши муҳим аҳамият касб эта боради. Бу эса асар бадиий воқелиги муаллиф субъекти орқалигина аксланишининг яққол далилидир. Табиийки, асарнинг бу хил ташкилланиши уни тушунишнинг психологик механизмларига ҳам муайян ўзгаришлар киритилишини тақозо қиласди. Яъни, "холис кузатувчи" мавқеида турган муаллифнинг концепциясини англаш учун ўқувчи ҳам "холис ўқувчи" мавқеида тура олиши зарур. Акс холда, у асар бадиий воқелигига ажойибхонага кирган бола мисоли бўлиб қолади: воқеалар шиддатига, кутилмаган бури-лишларга мафтун бўлади, қаҳрамонлар билан бирга турфа ҳисларни бошдан кечиради, – бироқ асарни бутун ҳолича "ҳазм" қилишга ярамайди. Болакай ажойибхонадан чиққач мурғак хаёлида узук-юлуқ хотираларгина қолганидек, бу хил ўқувчи хаёлида ҳам асардан эпизодларгина муҳрланиб қолади. Яъни, ўқиш жараёнида бу хил ўқувчи муаллиф билан мулоқотга киришолмайди, демакки, чинакам бадиий ўқиш жараёни амалга ошмайди. Шу боис ҳам, аввалги бобда айтганимиздек, "Кеча"да сюжет қурилишининг "ниқобланиш" воситаларидан бирига айланниши мумкин бўлади. Айни пайтда, адаб ХОС ЎҚУВЧИсининг ўзини англай олишини ҳам, дардларини ҳамманинг олдига тўкиб соларкан, факат айримларгина ўзига чинакам ҳамдард бўла олишлигини ҳам юракдан ҳис этганки, уни ижодий жасо-ратга ундан мухим омиллардан бири шу бўлса, эҳтимол. "Кеча" романидаги сюжет қурилишининг ўзига хослигини ўрганар эканмиз, адабнинг бу борадаги маҳоратини очиб бериш мақсади билангина чекланиб қолмадик. Биз бу ўринда романнинг яратилиш мотивлари, асар поэтикасининг ўзига хослиги ҳақида бунгача билдирилган фикрларни сюжетни ўрганиш воситасида асослашга интилдик. Қўйилган масалани тадқиқ этиш асосида тубандаги асосий хуносаларни қайд этиш мумкин:

1. "Кеча" романида сюжет кўзланган ғоявий-бадиий ният -асарда қўйилган муаммоларни бадиий тадқиқ этиш ва бадиий концепцияни ифодалашга оптималь имконият бера оладиган тарзда қурилганки, бу адабнинг юксак маҳоратидан далолатдир. Чўлпон сюжетни драматик ҳаракат асосида шиддат билан ривожлантириш, маконий ва замоний ўзгаришлар асосланганлигини ҳаракат бирлиги воситасида таъминлаш, сюжет эпизодларини "тежаш" принципи асосида боғлаш, композицион вақтни ретроспектив ва параллел вақтлар ҳисобига кенгайтириш каби бир қатор адабиётимиз учун новаторона усуулларни муваффақиятли тажриба қилди.

Сюжет чизиқлари уларнинг марказида турган қаҳрамонлар характерига монанд ишлангани, асар структурасида ривоя, тавсиф, ҳаракат ва диалогнинг зарур нисбатларда уйғунлаштирилгани, ривоя ритмининг монотонлашувига йўл кўйилмагани романнинг бадиий жозибасини, эстетик таъсир кучини оширган.

2. "Кеча"да объектив тасвир йўлидан борилгани учун ҳам бадиий мулоқотда муаллиф фаоллигини таъминлашда, асарнинг ўқувчи томонидан қабул қилинишини бошқаришда унинг сюжет-композицион қурилиши муҳим аҳамият касб этади. Шуниси бор-ки, роман сюжети муаллиф концепциясининг ифодаланишида ҳам, пардаланишида ҳам бирдек муҳимдир. Воқеаларнинг шиддат билан ривожлантирилишию сюжетнинг қизиқарли интригаларга бойлиги туб маънони муайян тайёргарликка эга бўлган хос ўқувчининггина англашига имкон қолдиради. Яъни, Чўлпон ғоявий-бадиий ният ижроси йўлида бадиий асарни қабул қилиш жараёнининг психологик хусусиятларини эътиборда тутган, улардан фойдалана билган.

### **"Кеча"нинг композицион бутунлиги масаласига доир**

Адабиётшунос М.Қўшжонов Чўлпон романини "Ўтган кунлар", "Мехробдан чаён", "Қутлуғ қон", "Сароб", "Диёнат", "Юлдузли тунлар" каби романларга қиёслаш асосида унинг композицион жиҳатдан "биroz тарқоқ асар"лигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, қиёс учун олинган романларни "бадиият жиҳатидан бошқаларга сабоқ бўларли" қилган муҳим хусусият шуки, уларда "сюжетни бошқариб борадиган, адабиётшуносликда "бош" сўзи қўшиб айтиладиган қаҳрамон мавжуд. Бу қаҳрамонлар юқорида зикр этилган асарларнинг барча қисмлари, катта-кичик барча образларини, манзараларни бир маъно атрофида жипслаштиради.

Таҳлил қилиб уларга баҳо беришда кўпроқ шу жипслashiшга, бирликка эътибор қилинади. Бу кўп ёзувчиларга хос санъатdir. Бадииятнинг шу талаби нуқтаи назаридан "Кеча ва кундуз"га назар ташлайдиган бўлсак, унда бироз бошқача манзарани кўрамиз. Романнинг бошидан охиригача ҳамма қисмларни ва образларини бир-бирига боғлаб турган ягона образ ўрни анча заиф".<sup>1</sup> Аввало шуни айтиш керакки, М.Қўшжонов фикрлари "Кеча"нинг қиёс учун олинган романлар фонида алоҳида ажralиб туришини яна бир карра тасдиқлайди. Бироқ олимнинг "Кеча" композицион жиҳатдан тарқоқ асар, деган хulosаси, бизнингча, баҳсталабдир. Зоро, аввалги бобда кўрдикки, "Кеча" нинг сюжет қурилишида учта образ галма-галдан марказга чиқарилади ва ўша гал етган образга "сюжетни бошқариб борадиган" бош қаҳрамон функцияси юкланди. Демак, бу ўринда асар қисмлари ва катта-кичик образларнинг жипслashiшида ягона образ ўрни заифлиги ҳақида эмас, жипслаштиришнинг ўзгача йўли ҳақида гап боргани маъқулроқ бўлади. Ўйлашимизча, "Кеча"нинг айни шу хил

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. "Кеча ва кундуз" романнда образлар тизмаси//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- Б.8

қурилиши унинг жанр хусусиятлари, муаллифнинг ғоявий-бадиий ниятию уни ижро этиш имкониятларининг чеклангани, адебнинг дунёқарашию асар ёзилган пайтдаги ахвол-руҳияси каби қатор омиллар билан тақозо қилинган. Фикримизни ойдинлаштириш учун "Кеча"ни юқорида зикр этилган романлар фонида кўздан кечирганимиз қулай кўринади.

Чўлпон романининг сюжет-композицион қурилишига кўра "Мехробдан чаён"га яқинлигини айтганимизда ҳар икки романда ҳам драматик унсурлар салмоқдорлигини этиборда тутгандик. Энди эса иккала роман қурилишидаги илгари айтилган фарқли жиҳатларга яна бир мухим фарқни қўшиш лозимки, бу уларнинг эпик қамров кўлами билан боғлик фарқлардир. А.Қодирий романи марказида асосан битта шахс драмаси (биз Раъно драмаси, дейишдан тийиламиз, чунки у ихтиёрини Анварга топшириди: Раъно драмаси Анвар драмасининг ички унсурига айланиб кетди) ётади. Илгари айтганимиздек романнинг 45-бобига қадар берилган тафсилоту кўринишлар асосий конфликт – Анвар ва мұхит зиддиятини ҳаракатга келтиришга, тасвиранажак воқеа-ҳодисаларнинг асосланишига хизмат қиласи. Айни шу нарса, маълумки, адабиётшунослигимизда "Мехробдан чаён"нинг бадиий камчилиги сифатида баҳоланади. Хусусан, адабиётшунос А.Рахимов: "Мехробдан чаён" романидаги қаҳрамоннинг тарихини кенг қўламда беришга интилиш эса ёзувчини жиддий муваффақиятсизликка олиб келди. Айни замонда, худди шу ўринлар романнинг бадиий жиҳатдан энг ночор сахифалари ҳам бўлиб қолди",<sup>1</sup> – деб ёзади. Албатта, романнинг бу ўринларида ҳам мохир санъаткор қалами сезилиб туради. Бироқ, айтиш керакки, мазкур ўринларни бутун контекстида олиб қаралса, А.Рахимов берган баҳосида умуман ҳақлигини тан олишга тўғри келади. Дарҳақиқат, А.Қодирий романи бошланишида берилган Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла ўтмишига оид тафсилотлар бирмунча ортиқчадек таассурот қолдиради. Сабабки, адаб асарда мазкур қаҳрамонлар драмасини тўлақонли ёритиш мақсадини кўзламаган, натижада бу тафсилотлар кўпроқ мотивировка мақсадигагина хизмат қиласи. Айтмоқчимизки, асосан мотивировка мақсадига хизмат қилувчи тафсилотлар ўзгачароқ йўсинда (яъни, асар структурасини ривоя билан ўта оғирлаштиргмаган, уни қисмларга тенг тақсимлаган ҳолда) берилиши асарни шакл жиҳатидан сайқаллаши мумкин бўлур эди. А.Қодирийдан фарқ қиласоқ, Чўлпон ўтмиши ва турмуш тарзи ҳақидаги тафсилотларга кенг ўрин берган қаҳрамонлар (Раззоқ сўфи, Акбарали, Мирёқуб) драмасини тўлақонли бадиий талқин килишга интилади. Натижада романда ишланган тақдирлар ўз ҳолича мустақил қимматга эга бўлганлари ҳолда бир-бирларини тўлдиради, ўқувчи кўз ўнгидага яхлит бутунлик – инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигини сувратлантиради. Айтиш мумкинки, А.Қодирий қаҳрамон драмаси воситасида шахс эрки масаласини бадиий тадқиқ этса, Чўлпон қаҳрамонлар драмалари воситасида миллат тақдири, юртинг ижтимоий-тарихий тараққиёти масалакарини бадиий тадқиқ этади.

---

<sup>1</sup> А.Рахимов. Ўзбек романни поэтикаси (сюжет ва конфликт).- Филол. фанлари д-ри...автореф. дис.-Т.,1993.- Б.11

Табиийки, бадий ниятнинг ижроси Чўлпоннинг битта марказий образ теграсида ўралашиб қолмаслигини тақозо қилади. Демак, Чўлпон романида ягона образ ўрни заифлиги, аввало, асар проблематикаси ва унинг жанр хусусияти(ижтимоий-психологик роман) билан изоҳланиши мумкин.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига эътиборни тортгимиз келади. А.Қодирий романларида қўйилган проблемани бадий тадқиқ этиш, концепцияни ифодалаш учун марказга *муаллиф идеалига мос* қаҳрамонлар (Отабек ва Анвар) чиқарилади. Худди шунга ўхшаш ҳолни Ойбекнинг "Кутлуг қон" романида ҳам кузатишими мумкин. Буларнинг акси ўлароқ, А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романи марказига *муаллиф идеалига зид* қаҳрамон чиқарилади. Яъни, А.Қодирий билан Ойбек қаҳрамонлари яшаган ижтимоий тузумни гоявий-ҳиссий инкор этганлари ҳолда уларнинг ўзларини тасдиқлайдилар. А.Қаҳҳор эса қаҳрамони ва у яшаган микромуҳитни инкор этиш орқали мавжуд ижтимоий тузумни тасдиқлаш йўлидан боради. Табиийки, Чўлпон "Кечा" марказида ўз идеалига мос қаҳрамонни ҳаракатлантириш имконидан маҳрум(бунга амин бўлиш учун танқидчиликнинг Ш.Хўжаев образига нисбаттан эътиrozларини эслаш кифоя) эди. Шу боис ҳам у танлаган йўл юқоридаги романларда кузатилгандан ўзгачароқ: ижтимоий тузумни гоявий-ҳиссий инкор этиши жиҳатидан "Кечা" А.Қодирий ва Ойбек романларига, қаҳрамонларни инкор қилиши жиҳатидан "Сароб" га яқинлашади. Шу мулоҳазаларга таяниб такрор айтамизки, "Кечা"да муаллиф идеалига мос қаҳрамон мавжуд эмас (адиб идеалига яқинлашиш томон юз бурган Мирёқуб бор, холос), Зебини бу мақомга кўтаришга уриниш эса янглишдир.

Юқоридаги қиёс учун олинган романлар актуал мазмунни ифодалаш йўсини жиҳатидан-да жиддий фарқланадилар. Хусусан, А.Қодирий ўз романларида ўтмиш мавзусини қаламга олади-да замонаси учун актуал мазмунни метафорик йўсинда (масалан, юрт ўтмишидаги "қипчоқ-қораочопон" бўлиниши чоризм истибодига кенг йўл очиб бергани тасвиrlанади, замонасидаги "оқ-қизил" бўлиниши истибод умрини узайтириши мумкинлигидан башорат қилинади. Зоро, адибнинг Отабек авлодларидан бири шўро идораларида масъул ходимлигию иккинчисининг босмачилар орасида эканлигини хабар қилиши бежиз эмас, бу актуал мазмунга бир ишорадир.) ифодалайди. Равшанки, А.Қодирийдан фарқли ўлароқ, Ойбек билан А.Қаҳҳор концепцияларини ошкор ифодалаш имконига эга эдилар. Илгариайтганимиздек, Чўлпон қаламга олган мавзу асар ёзилган даврда бениҳоя актуаллашган, боз устига, у ифодаламоқчи бўлган концепция Ойбек концепциясидан ўзгача (яъни, расмий нуқтаи назарга зид) эди. Шунга кўра, Чўлпон романида "объектив" тасвиr манерасини танлайди: "Кечা"да воқелик кўпроқ пластик жонлантирилади, романнинг драмага яқинлашиши кузатилади.

Маълумки, драмада дунё образи (объект) пластик жонлантирилгани ҳолда унинг яратувчиси (субъект) гавдаланмайди, – субъект объектга сингдириб юборилади. "Кечা"да ҳам шунга ўхшаш ҳолга дуч келамизки, муаллиф концепцияси яхлит дунё образи (роман бадий воқелиги) воситасида ифодаланади (бу ўринда "Кечা"да автор

ва ровий позицияларининг ҳар вақт ҳам мос эмаслигини эътиборда тутамизки, буни қаҳрамонларга мунособат мисолида кузатдик). Яъни, қиёс учун олинган романларда бадиий концепциянинг асосий ифодаловчиси бош қаҳрамон (шунга кўра унинг конкрет роман структурасидаги ўрни ҳам кенг) бўлса, "Кеча"да бу ҳол кузатилмайди (албатта, бунда "Кеча" дилогиянинг битта қисмигина эканлигининг ҳам муайян таъсири борки, бу ҳақда қўйироқда тўхталамиз). Шу жиҳатдан қаралса, М.Кўшжонов: "Романда образлар, воқеалар ижтимоий ҳаёт тасвиридан келиб чиқадиган маъно туфайли бирлашадилар",<sup>1</sup> – деганида тўла ҳақдир. Бироқ хурматли олимимиз буни эътироф этгани ҳолда "Кеча"ни композицион жиҳатдан тарқоқ деб баҳолайдики, бу, бизнингча, мунаққид қарашларида ички зиддиятни келтириб чиқаради. Шунга қарамасдан, М.Кўшжонов мақола ниҳоясида "Ўтган кунлар" типидаги асарлардан келиб чиқадиган маънони "катта харсанг"га менгзайди-да: "Кеча ва кундуз"да эса адаб образ ва воқеалардан маъно харсанглари яратиб, уларни бир жойга йигади ва йифини китобхонда бекиёс ҳайрат ҳиссини уйғотадики, бу ҳайратнинг қудрати "Ўтган кунлар"га нисбаттан пайдо бўла-диган ҳайратдан ҳеч ҳам кам эмас", – деган муҳим ва, бизнингча,adolатли хуносага келади. Бизнингча, М.Кўшжоновнинг Чўлпон романида образлар ва воқеаларни "маъно" бирлаштиради, деган фикрини ривожлантиrsак, асарнинг ўзига хослиги янада ёрқинроқ намоён бўладиган кўринади. Бунга жазм қиласканмиз, биз "ижтимоий ҳаёт тасвиридан келиб чиқаётган маъно"ни асар концепцияси деб оламиз.

Роман эпик ҳодиса бўлгани ҳолда ундаги биз учун энг муҳим жиҳатлардан бири субъектив ибтидо (яъни, асарда тасвирланган нарсанинг ўзигина эмас )дир десак, янглишмаган бўлиб чиқамиз. Зеро, роман ижодкор томонидан кўрилган, идрок этилган ва қайта яратилган борлиқдирки, унда муаллифнинг ўзи яшаган ёки асарда акс эттирилган давр (жамият ва инсон)ни қандай тушунганию баҳолагани – дунёю давр концепцияси ўз ифодасини топади. Аввалроқ айтдикки, классик тушунчадаги роман ижтимоий-шахсий эҳтиёж маҳсулидир. Бу эҳтиёж эса ижодкор шахснинг жамият билан зиддиятидан юзага келади, яъни роман ўз ҳаёт йўлида чигал муаммоларга дуч келган ижодкорнинг "зиддиятли ҳолатни адабий йўл билан ечишга уриниши"дир<sup>2</sup>. Мазкур эҳтиёжни қондириш учун ижодкорнинг ҳаёт материали(диспозиция)ни бадиий идрок этишию идеал асосида қайта ишлаб бадиий реаллик(композиция)ка айлантириши тақозо қилинади. Воқелик билан мунтазам мулоқот асосида амалга ошган ижодий жараён (бадиий тафаккур) асар структурасида муҳрланса, муаллиф англаған ҳақиқатлар асар бутунлиги(система)да ўз ифодасини топади. Модомики романнинг бадиий воқелиги муаллиф кўзи билан кўрилган ва идеал асосида қайта ярайлган борлиқ экан, у қанчалик объектив тасвирланмасин, бари-бир ижодкор

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба, 13-бет

<sup>2</sup> Прието А. Морфология романа//Семиотика.- М.,1983.- С.371

субъектини ўзида акс эттираверади. Зеро, муаллиф субъекти роман ситуациясидаёк<sup>1</sup> яъни унда персонажларнинг жойлаширилишию ҳар бирининг асар воқелигига тутган мавқеидаёк кўзга ташланади. Бунга амин бўлиш учун "Кеча" билан "Қутлуғ қон"га сиртдангина бир курсиз ташлаш кифоя. Ҳар икки романда ҳам инқилоб арафасидаги Туркистон воқелиги қаламга олингани ҳолда уларда яратилган бадиий воқелик бир-биридан тубдан фарқланади. Сабабки, ҳар икки романда муаллифлар ўзича кўрган ва ўзича англаган дунёни акслантирганларки, улардан бирининг марказига Акбарали-Мирёкуб муносабатлари, иккин-чисининг марказига Йўлчи – Мирзакаримбой зиддиятлари чиқарилади. Демак, ҳар қандай романда образлар системаси муаллиф концепциясига мос ҳолда ташкилланади, дейишга тўла асос мавжуд. Адабиётшуносликда "образлар **системаси**" деган атама қўлланадики, бу тушунча моҳиятига тўлалигича мос истилоҳдир. Зеро, роман воқелигига киритилаётган ҳар бир персонаж турли иплар (гоҳо йўғон, гоҳо кўзга кўринар-кўринмас) билан боғланади, муаллифнинг ғоявий-бадиий нияти ижросига, концепциянинг ифодаланишига хизмат қиласи. Яъни, романдағи ҳар бир унсур, жумладан, ҳар бир персонаж ҳар вақт ягона марказга интилади ("центростремительность" – Затонский<sup>1</sup>)ки, ўша марказ сифатида муаллиф концепциясини кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан аён бўладики, муаллиф концепциясини битта-иккита образгина (албатта, уларнинг роли катта бўлишини инкор этмаймиз) эмас, асарнинг бадиий воқелиги–унда яратилган яхлит дунё образи ифодалар экан. Шунга кўра, асар структурасидаги ҳар қайси образнинг бунда муайян роли бор, зеро, дунё образи шу катта-кичик образлар ташкил қиласи. "Кеча"даги образлар тизимининг ташкилланишини, бизнингча, Қуёш системасига менззаган ҳолда тушунишимиз қулайроқ кўринади. Қуёш системаси марказида Қуёшнинг ўзи туриши ҳамда ўз атрофидаги сайёralару уларнинг теграсидаги йўлдошларининг жойлашишию ҳаракатини белгилashi сизга маълум. Шунга ўхшаш, "Кеча"даги образлар тизими марказида ҳам дунё ҳақида ўзида муайян концепцияни ҳосил қилиш ва уни ифодалашга интилаётган шахс – муаллиф туради. Маълумингизки, сайёralар Қуёшнинг ва ўзларининг тортиш кучлари нисбатига, катта-кичиллигига боғлик ҳолда Қуёш атрофида жойлашадилар, муайян доирада айланадилар. Бизнингча, моҳият эътибори билан "Кеча"даги қаҳрамонларнинг роман воқелигига жойлашиши ҳам шу принципга ўхшаш: "куёш"га энг яқин сайёра – Зеби, кейин – Акбарали, кейин – Мирёкуб. Маълумки, катта сайёralар Қуёшдан узоқ жойлашадилар, тортиш кучларининг катталигидан улар системадаги бошқа унсурларнинг жойлашишию ҳаракатини белгилашда, тизимнинг мувозанатини сақлашда, хуллас, –системанинг бутунлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалар. Шунга ўхшаш, "Кеча" воқелигига Мирёкуб образи ҳам Акбаралининг ва Зебининг тақдирини белгилашда жиддий ўрин

---

<sup>1</sup> Эсалнек А.Я. Об особенностях романной структуры//Принципы анализа литературного произведения.- М.,1984.- С.99

тутади. Айни пайтда, энг четдаги орбитада ҳаракат қилгани учун ҳам образлар тизимининг бутунлигини таъминлашда, дунё образининг контурларини белгилашда етакчилик қиласди.

Куёшнинг сайёralари теграсида йўлдошлар бўлганидек, "Кеча"нинг етакчи қахрамонлари теварагида ҳам йўлдош персонажлар ҳаракатланади. Шуниси эътиборлики, йўлдошлар-нинг жойлашишида ҳам сайёralарнинг жойлашишида кузатилган принцип амал қиласди. Яъни, йўлдош қанчалик катта ва тортиш кучи юқори бўлса, унинг жойлашиши Күёшга яқинроқ, табиий-ки, бошқа йўлдошларга нисбатан сайёрадан узокроқ бўлади. Бу хилда жойлашган йўлдош, табиийки, системадаги мувозанатни сақлаш, бутунликни таъминлаш(масалан, Ернинг йўлдоши бўлмиш Ой массасию тортиш кучи билан Венера ва Меркурий сайёralарига муайян таъсир кўрсатади)да ўз ҳолича ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўрамизки, бу ўринда система ичидаги микросистема юзага келаётганига гувоҳ бўлаётимиз. Бизнингча, шунга ўхшаш ҳолни "Кеча" структурасида ҳам кузатиш мумкинки, унда учта микросистема мавжуд. Масалан, Зеби ва унинг теварагида айланувчи персонажлар ташкил қилаётган микросистемани олайлик. Марказида Зеби турган мазкур микросистеманинг чекка орбитасида Раззоқ сўфи турса, оралиқда Қурвонбиби, Салтанат, Энахон, Ўлмасжон каби қатор персонажлар ҳаракатланади. Эътиборли жиҳати шундаки, романнинг бошланишида яхлитлашган мазкур микросистемада мувозанат турғун эмасди: унинг чекка орбитасида ҳаракатланган йўлдош – Раззоқ сўфининг сайёрага боғланиши кучсиз эди. Худди шундай гапни марказида Акбарали турган микросистеманинг чекка орбитасида ҳаракатланган Мирёқуб ҳакида ҳам айтиш мумкин. Ҳар икки системанинг ички зиддиятлари иккаласининг ўзаро тўқнашувга олиб келадики, натижада мувозанат бузилиб, сифат жиҳатидан жиддий ўзгаришлар юзага келади: Зеби микросистемаси пароканда бўлиб, ўзи Акбаралининг йўлдошига айланади; Акбаралининг энг катта йўлдоши бўлмиш Мирёқуб тортиш кучини енгиб, ўзи янги микросистемани шаклантира бошлайди. Роман воқелигида кузатил-ганга монанд сифат ўзгаришлари Күёш системасида миллиард йиллар мобайнида бир борагина кузатилиши мумкинлиги тайин гап. Айни пайтда, Күёш системасига ўхшаган системалардан минг-минглабини бағрига жо айлаган чексиз КОИНОТда бу хил ўзгаришлар ҳар лаҳза содир бўлиб туриши, олам ҳар лаҳзада янги бир сифат кўринишини касб этиб туриши ҳам тасаввуримизга сифади, албатта. Шунга ўхшаш, реал ҳаётда ҳам минг-минглаб системалар мавжуддирки, уларнинг бири иккинчисининг унсурига айлангани(дейлик, Чўлпон Зеби микросистемасининг элементи сифатида олган персонажларнинг ҳар бири ўз ҳолича бошқа микросистемани ҳосил қилаверади, айни пайтда, бу микросистемаларнинг бари бутунича юқорироқ системаларнинг унсури бўлиб қолади) ҳолда СИСТЕМА тобора каттариб бораверади. Шу мулоҳазадан туртки олсак, Чўлпон "Кеча"да инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини **акс эттиради**, деган даъвомизда шартлилик

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда каранг: Затонский Д. Искусство романа и XX век.- М.,1973

улуши кўпроқлиги, анъана инерцияси билан шундай деяётганимиз англашилади. Зоро, Чўлпон романидаги бадиий воқелик реал воқеликнинг оддийгина акси эмас, у адибнинг дунёни англаш йўлидаги изланишлари маҳсули сифатида юзага келган, яхлит маъно асосида англанган моҳиятнинг моделидир. Яъни, роман бадиий воқелиги БУТУН(реал воқелик)нинг ижодкор томонидан кўрилган ва систем бутунлик ҳолига келтирилган бўллагидирки, у ўзида (албатта, ижодкор нуқтаи назаридан) БУТУНнинг мазмун-моҳиятини мужассам этади. Мазкур мулоҳазаларга таянган ҳолда назаримизда муҳим кўринган иккита хulosани қайд этиб ўтишни лозим ҳисоблаймиз:

—биринчидан, чинакам ижтимоий-шахсий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келган роман бадиий воқелигини реал воқеликка зид, дейишлик мақбул эмас. Зоро, бундай даъво билан чиқсан ҳолда ижодкор яратган бадиий воқеликни реал воқеликка эмас, кўпроқ ўзимиз ўз нуқтаи назаримиздан ва ўзга маъно асосида кўрган воқеликка қиёслаган бўлиб чиқамиз. Масалан, Чўлпон ва Ойбек романларида яратилган бадиий воқелик бир-бирдан кескин фарқланади, бироқ ҳар икки адаб учун ҳам ўзи яратган бадиий воқелик реал воқеликдан-да реалроқ, буни тан олмаслик ижод ва фикр эркинлигини тан олмасликка олиб келади;

—иккинчидан, "Кеча" романининг композицион бутунлигини биринчи галда муаллиф концепцияси белгилайди. Модомики асарни систем бутунлик сифатида тушунар эканмиз, ўша бутунликни ташкил этаётган ҳар бир унсур концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муайян функцияни бажаришини эъти-борда тутган ҳолда унинг бошқа унсурлар билан бевосита ва билвосита алоқаларини диққат билан ўрганишимизга тўғри келади.

Бизнингча, М.Қўшжонов мақоласида "Кеча"нинг компози-цион бутунлиги икки жиҳатдан ёндошган ҳолда баҳоланадики, натижада ички зиддият юзага келади. Мунакқид "Кеча" га марказида ягона образ турган роман мезонлари билан ёндошганида: "...унда "Ўтган кунлар"дагидек асар бошидан то охиригача борадиган битта ёки иккита образ қисмати турмайди. Ундаги образлар ўта ранг-баранг. Зеби, Ўлмас, Мирёқуб, Акбарали мингбоши, нойиб тўралар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бир нуқтага жамулжам бўладиган образлар эмас.

Воқеалар тартиботида ҳам боғланиш етарлидек кўринмайди. Мария образининг тақдиди бевосита Зеби образининг қисмати билан боғлиқ эмас. Нойиб тўра билан Раззоқ сўфи образлари орасида бевосита боғлиқлик йўқ. Зуннун образининг романнинг бош йўналишида иштироки нихоятда кам", – деган мулоҳазалардан келиб чиқиб асарнинг композицион жиҳатдан бироз тарқоқлигини таъкидласа, "ижтимоий ҳаёт тасвиридан келиб чиқаётган маъно" жиҳатидан ёндошганида юксак баҳолайди. Ҳартугул, мақолани ўқигандан "Кеча" шакл жиҳатидан бирмунча бўш бўлса-да, ундаги ижтимоий ҳаёт тасвиридан келиб чиқаётган маъно туфайлигина қимматли экан-да, деган таассурот қолади кишида. Ҳолбуки, романнинг мазмунан қимматли эканлигини эътироф этарканмиз, ўша мазмунни ифодалаётган шаклни ҳам мутаносиб баҳолашга тўғри келадики, "Кеча"да ҳар икки жиҳат бир-бирига муносибдир.

Фикримизни далиллаш учун, аввало, "Кеча"даги воқеа-ларнинг ўзаро боғланишига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Илгари айтдикки, роман структурасининг ўзагини марказида Зеби турган сюжет чизиги ташкил қиласди. Бироқ мазкур сюжет воқеалари Зеби характерини очишгагина эмас, кўпроқ асарга бошқа шахслар драмасини олиб киришга хизмат қиласди. Шу жиҳатдан "Мехробдан чаён"га назар солинса, ундаги сюжет воқеалари ягона мақсад – қаҳрамон драмасини ёритишга қаратилгани кўриласди. Бизнингча, "Кеча" эпик кўламдорлиги жиҳатидан "Мехробдан чаён"га нисбатан устунроқ экани шубҳа уйғотмайди. Эпик кўламнинг кенгайиши эса, табиийки, қаламга олинган воқеаларнинг барини бевосита алоқада талқин қилиш имконини чеклади. Масалан, "Ўтган кунлар"даги эпик кўламнинг тарихий жараён тасвири ҳисобига кенгайтирилиши (айниқса, учинчи бўлимда) ҳам воқеалар орасидаги билвосита алоқадорликни келтириб чиқаради. "Ўтган кунлар"да иккала сюжет йўналишини Юсуфбек ҳожи бирлаштириб турса, "Кеча"даги воқеаларнинг билвосита алоқадорлиги ҳам марказий персонажларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобига таъминланади. "Ўтган кунлар"да тарихий воқеалар тасвири икки ўринда ("Мусулмонқул" ва "Қипчокқа қирғин" бобларида) асосий сюжет чизиги билан кесишса ҳам, улардан биринчисигина асосий сюжет воқеалари ривожига жиддий таъсир қиласди, холос. Яъни, А.Қодирий романида анча кенг ўрин берилган тарихий воқеалар тасвирининг асосий сюжет чизигига боғланиши шакл нуқтаи назаридан жудайла мустаҳкам эмас, бироқ мазмун нуқтаи назаридан бу икки йўналиш узвий боғланиб кетади. Зоро, мазкур икки йўналишнинг мазмуний алоқалари воқеаларнинг юз бериш сабабларини, қаҳрамонларнинг феъл-авториу хатти-харакатларини асослайди, адигба қаҳрамонлари дуч келган оиласий-маиший муаммоларни долзарб ижтимоий муаммо мақомига кўтаришу умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан талқин қилиш имконини беради. Ўйлашимизча, "Кеча"даги шаклан марказий персонажларнинг ўзаро алоқалари туфайлигина боғланган воқеаларнинг мазмуний алоқаларига дикқат килинса, улар орасида сюжетда ўз ифодасини топмаган сабаб-натижага муносабатларини илғаш мумкин бўлади. Масалан, тўйдан кейинги воқеаларга бир қур назар ташлайлик: Зебининг мингбошига нисбатан даҳшатга омихта нафрati Мирёқубнинг "отахони"га муносабатидаги зиддиятларни кучайтиrmайдими?! Айни шу воқеа аламзада Султонхонни Ҳакимжон хуж-расига бошламадими?! Султонхоннинг бепарволигию Зебининг тақдирга тан бергани Пошшахонни котилликка унданадими?!. Табиийки, бу хил мазмуний алоқадорлик деярли барча воқеалар орасида мавжудки, мазмуний жиҳатдан воқеалар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, асослайди. Бироқ, А.Қодирийдан фарқ қиласроқ, Чўлпон роман сюжетини битта қаҳрамон теграсида уюштирган, баски, воқеаларнинг изчил даврий тадрижийлик (яъни, бундай романда "параллел" ва "ретроспектив" вақтнинг пайдо бўлиши муқаррар)да ёки сабаб-натижага муносабати асосида батартиб жойлаштириш имконияти чекланган. Шунга қарамасдан, Чўлпон қаҳрамонларини галма-галдан сюжет марказига чиқариш орқали мазкур имкониятни бирмунчага кенгайтиришга муваффақ бўлолган.

Шунга ўхшаш алоқалар асар персонажлари орасида ҳам мавжудки, бунга микросистема ҳақида гапирганда қисман түхтадик. Айтиш керакки, асар персонажлари ўзларининг структуравий алоқалари доираси ва йўсинига кўра жиддий фарқланадилар. Айтайлик, романдаги қатор персонажлар структуравий жихатдан фақат вертикал алоқага киришадилар, яъни, етакчи қаҳрамонлардан биригагина боғланадилар: у ҳаракат қилаётган муҳитни тавсифлаш, унинг характер қирраларини очишга, тўлдиришга, асослашга хизмат қиласидилар. Табиийки, бу персонажларнинг асар бутунлиги билан боғланиши ўша етакчи қаҳрамон орқалигина амалга ошади. Юқорида айтганимиз Зеби микросистемасида ҳаракат қилувчи Қурвонбиби, Салти, Энахон, Ўлмасжонлар айни шу хил персонажлар сирасига киритилиши мумкин. Айни пайтда, уларнинг горизонталига мазмуний-структуравий алоқалари ҳам мавжудки, бунда улар ўzlари боғланаётган унсурларни метафорик, метонимик ёхуд контрастли муносабат асосида тўлдирадилар, изоҳлайдилар, асослайдилар. Масалан, Қурвонбиби мазмуний-структуравий жихатдан боғланаётган персонажларни олайлик: Салтининг онаси – Умринисабиби – Ўлмасжоннинг онаси – Энахоннинг онаси – Хадичахон – Султонхоннинг онаси – Мирёқубнинг хотини. Бу персонажларнинг хатти-ҳаракатлари ягона мотив – ОНАЛИК, айни пайтда, конкрет микромухит таъсирида юзага келган ўзига хос фарқлар ҳам кузатилади. Табиийки, романда уларнинг айримларига кенгрок, бошқаларига жуда оз ўрин берилган. Шу жихатдан қаралса, уларнинг бир-бирини тўлдириши, бирининг иккинчисига контрастли фон бўлиб хизмат қилиши нечоғли муҳим эканлиги англашилади. Худди шунга ўхшаш мазмуний-структуравий боғланишлар Раззоқ сўфи – Эшонбобо – Қумариқ масжиди имоми – Жоме масжиди имоми образлари орасида ҳам; Акбарали – элликбоши ва аминлар – нойиб тўра – суд чиновниклари образлари орасида ҳам кузатилиши мумкин. Мазкур гурухларнинг биринчиси имон заифлигию эътиқодсизликни миллат маънавий-ахлоқий ва ижтимоий таназзулининг субъектив омили сифатида, иккинчиси иккиюзлама мустамлакачилик сиёсатини объектив омил сифатида талқин қилиш имконини беради. Кўрамизки, айни шу мазмуний-структуравий алоқалар парчалардан бутунлик ҳосил қиласиди, алоҳида шахслар тақдири муаммоларидан миллат тақдири муаммоларини ўстириб чиқаради.

Айтиш керакки, конкрет персонажнинг структуравий алоқалари система (бадиий асар) доираси билан чекланса, мазмуний алоқалари бот-бот четга чиқишига–асар яратилган ёки асарда аксини топган давр контекстига мурожаат этишга ундейди. Структуравий жихатдан, М.Қўшжонов айтмоқчи, "Нойиб тўра билан Раззоқ сўфи орасида бевосита боғлиқлик йўқ", бироқ мазмуний жихатдан мавжуд. Зеро, дехқон авлоди бўлмиш сўфининг мунофиқ диндору текинхўр кимсага айланишида мустамлака сиёсатининг муайян таъсири бўлган,<sup>1</sup> албатта. Боз устига, Акбаралидай маънан тубан кимсаларни етиштирган, уларни баланд мансабларга кўтариб, кўлларини ечиб қўйгану эл-юртни ем қилиб берган ҳам асли мустамлакачилик сиёсатидир. Дарвоқе, Зуннун образи мисолида мустамлакачиларнинг "кадрлар сиёсати" ўзининг

<sup>1</sup> Бу ҳақда каранг: Д.Қуронов. Томчид қуёш акси.- Шарқ юлдузи.- 1991.- N12.- Б.130

ёркин ифодасини топганки, гарчи "романнинг бош йўналишида иштироки ниҳоятда кам" бўлса-да, унинг муаллиф концепциясини шакллантириш ва ифодалашдаги роли сезиларлидир. Худди шунга ўхшаш ҳолни Мария образи мисолида ҳам кузатишимиш мумкин кўринади. Дарҳақиқат, структуравий жиҳатдан Марям фақат Мирёкуб билангина боғлангандек, бироқ унинг мазманий-структуравий алоқалари аслида анча кенгdir. Ю.Борев бадиий образ структураси ҳакида сўз юритаркан, унда бир предметнинг моҳияти бошқа предмет орқали очилишига, бир-биридан тамомила узоқ нарса-ходисаларнинг қиёсланиши ёки ёнма-ён қўйилиши уларнинг кутилмаган қирраларини намоён қилиши мумкинлигига эътиборни қаратади.<sup>1</sup> Бизнингча, Чўлпон Акбарали ва нойиб тўра хонадонларию фахш уяси бўлмиш "машхур нўмер"ни бир қаторда кўради. Зеро, ҳар учала макон ҳам моҳият эътибори билан бирдек.Faқат замона зўрлари макон тутган хонадонларга эл-юрт ҳеч йўқ қўрқанидан ҳурматла қараса, "машхур нўмер"га нафрат-ла қўлини бигиз қилиб қарайди. Ҳолбуки, маънавий жиҳатдан ҳар икки амалдор хонадони фоҳишаҳонадан-да тубанроқ, сабабки, ундаги ифлосликлар ниқобланади – зинога риё ва мунофиқлик ҳам қўшилиб кетади. Агар шу нуқтаи назардан ёндошилса, ўз ихтиёрига зид ҳолда Акбарали хонадонига тушган Зеби билан ноиложлик орқасида фоҳишаҳонага келиб қолган Марям тақдирларида уйқашлик борлиги англашилади. Демак, романда Марям образи бошқа персонажлар билан метафорик асосда мазманий-структуравий алоқага киришади, мазкур образ воситасида адаб Акбарали ва нойиб тўра микромухитларининг моҳиятини очишга, мингбоши хонадонидаги аёлларнинг қисмати нечоғли фоже ва аянчлилигини таъкидлашга муваффақ бўлган, дейишимиз мумкин.

Мирёкуб воситасида асар воқелигига киритилган персонажлар, айниқса, Марям ва Ш.Хўжаев образлари романнинг мазманий-структурасида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Айни пайтда, аввалги бобда кўрганимиздек, марказида Мирёкуб турган сюжет чизиги романнинг структуравий ўзаги(Зеби линияси)дан тобора узоқлашиб, мустақиллик касб этиб боради. Биз буни Чўлпоннинг ижодий нияти – "Кеча ва кундуз"нинг дилогия сифатида режалаштирилгани билан изоҳлашга мойилмиз. Бизнингча, "Кеча" композициясининг ўзига хослиги, унинг структурасида бош қаҳрамон ўрнининг заифлиги, бир томони, айни шу ижодий ният билан-да изоҳланса тўғрироқ бўлади. Зеро, дилогия икки роман ташкил қилаётган бутунликдирки, уни ташкил қилаётган романларнинг композицион жиҳатдан тўла мустақил бўлиши мумкин эмас – муайян нисбийлик бўлгани учун-да икки романнинг яхлит бутунликка бирикиши мумкин бўлади. Яъни, бу ўринда қаршимизда "Кеча" романига тугалланган асар сифатида ёндашиш керакми, ё тугалланмаган асар сифатидами?" деган муҳим муаммо қўндаланг бўлади. Маълумингизки, адабиётшунослигимизда бу масалада икки турли қараш мавжуд: айрим адабиётшунослар "Кеча"ни тугалланган асар ҳисобласалар, бошқалари унга тугалланмаган асар сифатида ёндошадилар. Хусусан, адабиётшунос М.Қўшжонов "адиб ҳаётнинг икки қиррасини–ёруғ ва қора томонларни,

<sup>1</sup> Борев Ю. Эстетика.- М.,1988.- С.139

яъни Кечага хос ва Кундузга мувофиқ томонларни тўла англаб акс эттирилган ҳаётнинг ўзида ҳам кечани, ҳам кундузни кўрмадимикан?" деган мулоҳазадан келиб чиқади. Олимнинг фикрича, 20-30-йилларда Чўлпоннинг кундузни тасаввур қилиши (аниқроғи, бу даврни кундуз деб тушуниши) қийин эди, шу боис ҳам "баъзи танқидчилар талаф қилганидек социализм ақидалари асосида у Кундуз ҳақида роман битган бўлса, ўзининг Чўлпон номига иснод келтирган<sup>1</sup>" бўлиб чиқиши мумкин эди. Кўринадики, М.Қўшжонов мулоҳазалари "Кеча" тугалланган асар, муаллиф унинг иккинчи қисмини ёзишни умуман режалаштирган бўлиши ҳам мумкин, деган хulosага етаклайди.

Адабиётшунос Н.Каримов эса Чўлпон "романнинг иккинчи қисмини ёзигулурмаган. Акс ҳолда у 1937 йил февралидаги нутқида бу қисмни ҳам тилга олган ва бу асар, эҳтимол, ёзувчининг тинтув пайтида олиб кетилган асарлари рўйхатига кирган бўлар эди"<sup>2</sup> – деган мулоҳазани билдиради. Чўлпоннинг "жиноий иши"га оид материаллар билан танишган М.Қаршибоев эса адабнинг уйидан тинтув чоғида олиб кетилган ашёвий далиллар рўйхатида "ҳали тугалланмаган роман" қўлёзмаси бўлганини таъкидлайди.<sup>3</sup> Эътиборли жиҳати шуки, Чўлпон ўзининг матбуотдаги сўнгти чиқиши – "Қизил Ўзбеки-стон" газетасининг 1937 йил 18 июнь сонида босилган "Устоднинг хислатлари" номли мақоласида Горький ижоди ҳақида тўхталиб, унинг таъсири "менинг рўмонларимда ўзимга кўриниб туради"<sup>4</sup> дея эътироф этган эди. Ҳартугул, Чўлпоннинг "рўмонларим" дейишидан гап "Кеча" ва "Кундуз" романлари ҳақида бораётгани англашиладики, бундан мақола ёзилган пайтга келиб "Кундуз" устидаги иш асосан якунланган, деган хulosага келишимиз мумкин. Ўйлашимизча, "Кундуз"нинг ёзилмаганидан қўра ёзилганига далолат қилувчи фактлар кўпроқки, мазкур масалада адабиётшуносларимизнинг "Кундуз" ёзилган, бироқ унинг қўлёзмаси ҳали топилган эмас, деган яқдил тўхтамга келишлари мақбулроқ кўринади. Боз устига, бизни ушбу фикрда собит қилиши мумкин бўлган бошқа мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, илгарироқ келтирганимиз С.Хусайн гувоҳлигига кўра, Чўлпон "яна ўтмиш ҳақида ёзаяпти, деб айбламасликлари учун романни шундай (яъни, "Кеча" ва "Кундуз" тарзида–Д.Қ.) иккига бўлишга мажбур бўлган"ини эътироф этган. Кўрамизки, Чўлпон бу хил йўл тутишликни зарур эҳтиёт чораси деб хисоблаган. "Кеча"нинг 1934 йилда ёзигулурмагани ҳақида маълумотлар бўлса ҳам, бизнингча, бу ҳақда В.Рашидов хотираларида берилган маълумотлар ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Адаб билан Москвада яқин муносабатда бўлган В.Рашидов "Кеча" устидаги иш 1933 йилнинг куз мавсумида якунлангани, адаб роман қўлёзмасини шу йил охирларида хизмат сафари билан Москвада бўлиб қайтаётган А.Икромовга ўқиш учун бериб юборганини хотирлайди.<sup>5</sup> "Кеча"нинг 1934йилда Ўзбекистон ССРнинг ўн

<sup>1</sup> "Ўзбек тили ва адабиёти".- 1992.- N 3-4.- Б.12

<sup>2</sup> Н.Каримов. Чўлпон.- Т., 1991.- Б.77

<sup>3</sup> "Санъат".- 1990.- N8.- Б.9

<sup>4</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Т., 1994.- Б.69

<sup>5</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.- Б. 211-212

йиллигига багишлаб ўтказилган конкурсда қатнашгани<sup>1</sup> ҳам В.Рашидов хотиралари ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлади. Буларни айтишдан кўзланган муддао—"Кеча" ёзилганидан то адиб ҳибсга олингунинг қадар орада 3-4 йил ўтганини таъкидлаш. Модомики Чўлпон эҳтиёт чоралари ҳақида жиддий қайғурган экан, орада ўтган қарийб тўрт йил мобайнида "Кундуз"га қўл урмаслиги мумкинми эди? Бизнингча, йўқ. Зеро, биринчидан, Чўлпон ҳаёти нечоғли катта хавф остидалигини теран англағани ҳолда ҳам умид билан яшаган, иккинчидан, тегишли идоралару мафкуралашган ўқувчи омманинг ўзидан "Кундуз"ни кутиши(аниқроғи, талаб қилиши)ни жуда яхши билган. Айни пайтда, мазкур ҳолатни мутлақлаштириш ҳам мақбул эмас. Адабиётшунос Н.Каримовнинг: "Чўлпон фақат ўзига бўлажак ҳужумнинг олдини олиш ниятидагина "Кундуз"ни ёзмоқчи бўлган",<sup>2</sup> – деган мулоҳазасида, бизнингча, худди шундай ҳол кузатилади. Фикримизча, Н.Каримовнинг мазкур мулоҳазасида ҳам, М.Қўшжоновнинг "Кундуз" ёзилмаган бўлиши мумкинлигини айтганида ҳам "Кеча" поэтикасининг ўзига хос хусусияти – "ниқобланиш"ни эътиборга олмасликнинг таъсири сезилади. Гап шундаки, иккала олимимиз ҳам "Кундуз"да инқилобдан кейинги ҳаёт фақат нурли тасвирланиши лозим, деган қарашдан туртки оладилар. Бизнингча эса, Чўлпоннинг "Кундуз"да ҳам "Кечада кузатганимиз "сих ҳам куймасин, кабоб ҳам" қабилидаги ифода йўсинидан бориши, инқилобдан кейинги Туркистон воқелигини расмий нуқтаи на-зарга мақбул тасвирлагани ҳолда ўз концепциясини-да йўли билан ифодалашга интилиши ҳақиқатга яқинроқдир. Бу фикрга келишимизнинг боиси Чўлпонга айни шу йўлдан бориш мажбуриятини юкловчи субъектив ва объектив омиллар мавжуд эди, деб ҳисоблаганимиздир. Субъектив омил деганимизда биз Чўлпоннинг "Кечада кундуз"га ички эҳтиёж туфайли қўл урганини, объектив омил деганимизда эса адибнинг "Кечада ўқиган хос ўқувчиси "Кундуз"дан нималарни кутишини яхши тасаввур қилгани, баски, унинг олдида ўзига хос мажбурият ҳиссини туйиши табиийлигини назарда тутамиз. Боз устига, агар Чўлпон ўзгача йўл тутганида, дейлик, инқилобдан кейинги ҳаётни фақат нурли-расмий нуқтаи назарга мувофиқ тасвирлаганида асарнинг концептуал бутунлигига путур етган, дилогия таркибидаги "Кечада кундуз"ни ўналиши жиддий ўзгарган бўлур эди. Шу жиҳатдан ёндошиб, "Кундуз" ёзилган деган қарашдан туртки олинса, Н.Каримовнинг Чўлпон "кўзда тутган асосий ғоявий-мазмуний йўналиши жиддий ўзгарган бўлур эди. Зеро, модомики адиб ғоявий-бадиий ниятини бутунлик – "Кечада кундуз" дилогиясида ижро этишни режалаштирган экан, унинг биринчи китобидаёқ ифодалаш кўзланган асосий ғоянинг тугал ифодаланиши мумкин эмас (бу ҳолда иккинчи қисм умуман ёзилмаган бўлиши лозим эдики, ҳақиқатда унинг ёзилган бўлиши эҳтимоли қўпроқ). Иккинчи томондан, "Кечада"даги муаллиф концепциясини қандай тушунишимизу уни қай йўсин талқин қилишимиз кўп жиҳатдан "Кундуз"ни қандай тасаввур қилишимизга боғлиқдир. Тан

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Чўлпон.- Т.,1991.- Б. 61

<sup>2</sup> Н.Каримов. Чўлпон.- Т.,1991.- Б.77

олиш керакки, биз уни ҳозирда бугунги ижтимоий воқелик нұқтаи назаридан, Құлпоннинг ҳаёт йүлию ижодий мероси контекстидан келиб чиққан ҳолда талқин қилаётірмиз. Ҳолбуки, бошқача ижтимоий шарт-шароитлар нұқтаи назаридан, яна адибнинг ҳаёт йүлию ижодий мероси контекстидан келиб чиққан ҳолда "Кеча" бутунлай үзгача талқин қилиниши-да мумкин. Албатта, оғзаки нутқдан фарқ қиларок, ёзма нутқ (бу ўринда бадий асар матни) үзини үзи охиригача ҳимоя қилолмайды.<sup>1</sup> Зоро, гапи्रувчи англашилмовчилликни бартараф этишу етказмоқчи бўлгани маънени аниқлаштириш имконига эга бўлгани ҳолда, ёзувчи муайян маънени ифодалаш учун бир бора шакллантирилган матнга қайта аралашолмайди – бадий асарнинг турлича талқин қилиниши эҳтимоли ҳар вақт ҳам мавжуд. Бироқ бу бадий асарни исталган кўйга солиб талқин қилиш мумкин дегани эмас, асарда маънонинг яхлит ядрои мавжудки, талқин шунинг теграсида ташкил топади. Бизнингча, Құлпон ифодаламоқчи бўлган маънонинг яхлит ядрои дилология бутунлигидагина ташкилланиши мумкин эдики, шу жиҳатдан "Кеча"да маъно ядрои яхлитлашган деб бўлмайди: романнинг турлича (ҳатто, буткул қарама-қарши) талқин қилиниши мумкинлигининг ўзиёқ шундан далолатдир. Демак, концепциянинг шакллантирилиши ва ифодаланиши нұқтаи назаридан "Кеча"ни тугалланган асар ҳисоблаб бўлмайди.

Дилогиянинг бир қисми сифатида "Кеча"нинг композицион жиҳатдан нисбий мустақилликкагина эгалигини айтгандикки, буни юқоридаги муроҳазаларимиз ҳам тасдиқлади. Шу ўринда яна бир қиёсга мурожаат этишимиз мақсадга мувофиқ кўринади. Маълумингизки, Ойбекнинг "Улуғ йўл" романи "Қутлуғ қон"нинг мантиқий давоми саналади. Хўш, нима учун биз бу икки романни бирлаштириб, осонгина дилология деб қўя қолмаймиз? Бундай дейишимизга нима халал беради? Ойбекнинг мазкур романларини дилология демаслигимизнинг бош сабаби, бизнингча, бу икки асарнинг яхлит бутунликни ташкил қилмаслигидир. Зоро, Ойбек бу икки романни дилология, яъни, икки романдан ташкил топувчи яхлит асар сифатида режалаштирган ҳам эмас. Бу хил ижодий ният кўзланмагани учун-да ҳар икки роман композицион жиҳатдан тўла мустақил, ҳар икки романда ҳам маънонинг яхлит ядрои тўла шакллантирилган. Яъни, "Кеча"дан фарқли ўларок, "Қутлуғ қон"да кейинги романда давом эттирилиши лозим бўлган чизгилар чиқарилган эмас. "Қутлуғ қон"нинг композицион жиҳатдан тугалланганлиги, бутунлигини таъминлаган нарса – унда бош қаҳрамон воситасида қўйилган асосий проблеманинг бадий ечимини топганидирки, шу боис ҳам унда қаҳрамон изланишлари мантиқий ниҳояси (албатта, бу ўринда Йўлчининг ўлими назарда тутилаётгани йўқ)ни топган. Қўлпон "Кеча ва кундуз"да бадий идрок этишни ният қилган асосий проблема (юртининг ижтимоий-тариҳий тараққиёти масалалари) эса "Кеча"да, табиийки, тўла ҳал қилинган эмас, шу боис ҳам асосий қаҳрамонлар тақдири очиқ қолдирилади, яъни, кейинги романда Мирёкуб билан Зебининг иштироки зарурый. Ўйлашимизча, "Кундуз" романни структурасида шу

---

<sup>1</sup> Гадамер Г.-Г. Актуальность прекрасного.- М.,1991.- С.131

икки персонажнинг етакчи ўрин тутиши дилогия концепциясининг ишлаб чиқилишию ифодаланиши, иккала романнинг яхлит бутунликка бирикишини таъминлаши мумкин бўлур эдики, адебининг "Кеча"да шу икки қаҳрамон сюжет чизиқларини давом эттириш имкониятини қолдиргани ҳам шундан бўлса, эҳтимол.

Фикримизни аниқлаштириш учун яна бош қаҳрамон масаласига тўхталиб ўтиш зарур кўринади. Маълумки, адабиётшунослигимизда Чўлпон романининг бош қаҳрамон – Зеби, деган қараш устиворроқ мавқега эга.<sup>1</sup> Бизнингча, "Кеча" концепциясининг ишланиши ва ифодаланишидаги иштирокидан келиб чиқилса, Мирёқубни бош қаҳрамон деб тушунилгани мақбулроқ, деб ҳисоблаймиз. Мазкур фикрни далиллаш учун масалага ўзгачароқ ёндашиш ҳам мумкин кўринади. Маълумки, адабиётшунослик ва эстетикага оид тадқиқотларда "романий қаҳрамон" тушунчасига анча кенг ўрин берилади. Зеро, роман инсон тақдири, унинг жамият (кенгроқ қаралса – олам) билан ўзаро муносабатини бадиий тадқиқ этиш орқали оламу одам моҳиятини англашга интилар экан, унинг марказида турган қаҳрамоннинг шунга мувофиқ бўлиши тақозо қилинади. Жумладан, Г.Лукач фикрига кўра, дунёнинг яхлитлигию бутунлигини, мавжудликнинг туб моҳиятини англаш романнинг бош муаммоси бўлса, қаҳрамоннинг дунё билан зиддияти ўша муаммони ҳал қилиш воситасидир.<sup>2</sup> Адабиётшунос М.Бахтин эса қаҳрамоннинг тақдири ва эгаллаган мавқеининг унинг ўзига номувофиқлиги роман жанрининг марказий мавзуларидан бири, деб ҳисоблайди.<sup>3</sup> Г.Поспелов бўлса, роман жанрининг мазмуний жиҳатларига тўхталиб унда: "... главный персонаж (или персонажи), как отдельная личность, на протяжении значительного периода своей жизни обнаруживает развитие своего социального характера, вытекающее из противоречия его интересов с его положением в обществе, с теми или иными нормами жизни этого общества"<sup>4</sup> –деб ёзади. Булардан англашиладики, "романий қаҳрамон" жамиятда яшагани ҳолда ўзининг индивидуаллигини ҳам теран идрок этадиган, муҳит билан зиддиятга киришган шахс бўлиши лозим. Агар шу нуқтаи назардан ёндошсак, "Кеча"да романбоп қаҳрамон талабларига жавоб бера оладиган ягона персонаж Мирёқуб эканлиги англашилади. Акбарали билан Зебига келсак, уларнинг ҳар иккиси ҳам хали шахс сифатида шаклланган эмас, уларнинг муҳит билан муносабатлари ҳали ростмана зиддият даражасига етмаган. Чўлпон "Кеча"да Мирёқубнинг ижтимоий шахс сифатида шаклланиш жараёнини, ижтимоий-маънавий эволюциясини кўрсатиш ва асослашга айрича аҳамият берганини эътиборга олсак, дилогиянинг бош қаҳрамони "вазифаси"га айни шу қаҳрамонни тайёрлагани англашилади.

Юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда "Кундуз"ни тасаввур қилишга уриниб кўришимиз мумкин. Ўйлашимизча, "Кундуз"да бири Зеби, иккинчиси Мирёқуб билан

<sup>1</sup> Каранг: Шарафиддинов О. Чўлпон.- Т.,1991.- Б.64; Раҳимжон Отаев. Тонг юлдузи шуълалари.- Шарқ юлдузи.- 1989.-N1.- Б.179; Лутфиддина Х. Зеби, Зебона...-Т.,1993.- Б.38

<sup>2</sup> Кўчирма манбаси: Рымарь Н.Т. Введение в теорию романа.- Воронеж, 1989.- С.69

<sup>3</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики.- М.,1975. - С.479

<sup>4</sup> Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы.- М.,1972.- С.202

боғлиқ иккита асосий сюжет чизиги ишланиши мумкин. Айни пайтда, ҳар икки персонажнинг функциялари бир-биридан жиддий фарқланиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки инқилоб таъсирида Зебининг фаол қураш майдонига кириши "кеча"нинг "кундуз"га айлангани(расмий нұктай назар)ни кўрсатиши ва асосий ниятни пардалаши мумкин. Инқилобдан кейинги воқелик, юрт озодлиги йўлидаги қураш ва бу йўлдаги муваффақиятсизликнинг туб сабаблари, бир сўз билан айтсан, – дилогиянинг бош муаммоси эса кўпроқ Мирёқуб образи воситасида қаламга олинади. Яъни, бу ҳолда "Кеча"да кузатилган ифода йўсими сакланадики, бу дилогиянинг бутунлигини таъминлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, Чўлпон учун Зебининг "ташқи" ҳаракати қанчалик мухим бўлса, Мирёқубнинг "ички" фаолияти–атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мушоҳадалари ундан-да мухимдир. Сабабки, Чўлпон воқеликка муносабатини Мирёқуб воситасида ифодалаш ва айни пайтда, ўзини унга қўшилмаётган, ҳатто, уни қоралаётган қилиб кўрсатиш имконига эга бўлади. Ўз вақтида биз "Кеча"нинг кўп ўринларида, хусусан, Мирёқуб образи талқинида Л.Толстойнинг "Тирилиш" романидан таъсиrlаниш сезилишига эътиборни қаратган эдик.<sup>1</sup> Бизнингча, улуғ рус адабининг ижодига ҳурмат билан қараган Чўлпоннинг ундан таъсиrlаниш доираси кенгрок бўлган бўлса, эҳтимол. Ҳартугул, тасаввуримиздаги "Кундуз"нинг сюжет-композицион қурилиши "Анна Каренина" романига яқин келади. Маълумки, Л.Толстой Анна билан боғлиқ сюжет воситасида қаҳрамоннинг шахсий драмасини қаламга олган бўлса, унинг драмасини келтириб чиқарган ижтимоий ҳаёт муамоларини кўпроқ Левин билан боғлиқ ҳолда бадиий тадқиқ қилганди. Айтмоқчимизки, Чўлпон ғоявий-бадиий нияти ижроси учун худди шу хил композицион усул кўпроқ қўл келиши мумкинлигини чукур ҳис этгани ҳолда, ундан ижодий фойдаланган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Албатта, "Кундуз" ҳақидаги мулоҳазаларимиз илмий фараз мақомида қолиши табиий. Бироқ биз мазкур фаразимизни: а) "Кеча" поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари; б) асар яратилган давр шарт-шароитлари; в) муаллифнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси контекстидан келиб чиқсан ҳолда ҳосил қилдикки, унга таяниб тубандаги асосий хулосаларимизни таъкидлаб қайд этишимиз мумкин кўринади:

1. "Кеча" дилогиянинг биринчи қисми бўлгани учун ҳам тугалланмаган асар сифатида ёндошилгани мақбулдир. Сабаби унинг композицион ва концептуал бутунлиги факат "Кеча ва кундуз" бутунлигидагина тўла намоён бўлиши мумкиндири. Бир томондан, асарнинг тугалланмаганлиги, иккинчи томондан, актуал мазмун қатламишининг иккига ажратилгани унинг концепциясини бир-бирига зид икки йўналишда тушуниш ва талқин қилиш имконини қолдирадики, бу ўринда ҳар икки йўналиш та-рафдорлари ҳам ўзича ҳақдир. "Кеча"нинг талқинида "Кундуз"нинг қандай тасаввур қилиниши ҳал қилувчи аҳамият касб этадики, бу уни тугалланмаган асар ҳисоблашимизга етарлича асос беради.

<sup>1</sup> Каранг: Д.Қуронов. Чўлпон ва Фрейд/Ўзбек тили ва адабиёти.- 1991.- N 6.- Б.50

2. "Кеча"да муаллиф концепцияси "йўли билан" ифодаланган, деган қарашга асосланувчи бизнинг талқинимизга кўра, асарнинг бош қаҳрамони сифатида Мирёкуб образи олингани мақбул. Мирёқубнинг бош қаҳрамон эканлиги, бир томондан, унинг асар концепциясини шаклантириш ва ифодалашда етакчи аҳамиятга эгалиги, иккинчи томондан, романдаги "романий қаҳрамон" талабларига озми-кўпми яқин келадиган ягона персонаж эканлиги билан белгиланади.

3. "Кеча ва кундуз"да Мирёқуб образи нечоғли муҳим бўлмасин, Чўлпоннинг ижодий нияти Туркистон воқелигини кенг эпик кўламда акс эттириш бўлгани учун ҳам унда бошқа қатор персонажлар драмаси ҳам анча муфассал ёритилади. Яъни, Чўлпон дилогиясида шахслар драмаси воситасида миллат тақдири масалаларини бадиий тадқиқ этиш режалаштирганкни, шу жиҳатлари билан у роман-эпопеяга яқинлашиши мумкин бўлур эди. "Кеча" ҳаётни бадиий тадқиқ этиш ва бадиий воқеликни ташкиллантириш принциплари жиҳатидан романчилигимизда янги босқич бўлганидек, муаллиф режалаштирган "Кеча ва кундуз" эпик қамров кўламининг кенглиги ва бадиий тадқиқ учун қўйилган проблематиканинг улканлиги билан миллий насрчилигимиз тараққиётидаги яна бир дадил одим бўлиши мумкин эди.

## Х У Л О С А

Туркистонда асримиз бошларидан кенг тарқала бошлаган жадидчилик ғоялари таъсирида миллий адабиётимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги бир босқичига кирди. Маърифат ёйиш орқали миллатни тараққий эттириш мақсадини кўзлаган жадидчилар бадиий адабиётни бу йўлдаги самарали восита деб билдилар. Жадид ижодкорларнинг адабиётни шу эзгу мақсадларига сафарбар этиш, шунга мувофиқлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари чин маънода жадид(**янги**) адабиётини майдонга чиқарди. Жадид адабиётининг мазмун-моҳиятини белгилаган асосий омил, шубҳасиз, жадидчилик ҳаракати кўзлаган ижтимоий мақсаднинг эстетик идеал сифатида қабул қилинганидир. Идеалнинг "ерга тушган"и жадид адабиётини мавзу эътибори билан реал ҳаётга яқинлаштириди, бу миллий адабиётимизда реалистик тенденцияларнинг кучайиши ва интенсив ривожланишига туртки берди. Жадид

адабиётiga хос халқчиллик ҳам жадидчиларнинг кенг оммани маърифатли қилиш мақсади билан изоҳланади. Жадид ижодкорларнинг кенг оммага мўлжалланган ташвиқий характердаги асарларида тилнинг соддалиги, ғоявий-маърифий мақсаднинг кўпроқ яланғоч ифодаланишию публицистик рухнинг устиворлиги, содда ва айни пайтда ибратомуз воқеаларнинг қаламга олиниши каби хусусиятлар бунинг далилидир. Миллий адабиётимизда анъанавий оқсаб келган насрчиликнинг янгиланиши ва ривожланишига қучли импульс берилгани, шунингдек, миллий драматургия ва публицистикага асос солингани ҳам жадидчилик ғоялари билан боғлиқдир. Сабабки, айни шу жанрлар ўзлари кўзлаган мақсад йўлида катта самара бериши мумкинлигини яхши билган жадид ижодкорлар уларга айрича аҳамият берганлар. Юқоридагича мулоҳазаларга таянган ҳолда биз жадид адабиётини миллий адабиётимиз тарихидаги ғоявий-адабий оқим деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда "ғоявий" сўзининг олдинга чиқарилишига сабаб шуки, жадид адабиёти намояндалари ўз фаолиятининг ғоявий тамойилларини теран англаганлари ҳолда, унинг эстетик тамойилларини ижодий дастур сифатида ишлаб чиқишга улгурмадилар. Шунга қарамай, жадид адабиёти миллий адабиётимиз тарихидаги буюк ҳодиса эди. Зоро, айни шу адабиёт вакиллари замонавий ўзбек адабиётiga асос солиб, миллий адабиётимиз тараққиётини жаҳон адабиёти тараққиёт ўзанига бурдилар.

Чўлпоннинг шахс ва ижодкор сифатида, хусусан, носир сифатидаги шаклланиши жадидчилик ғоялари таъсирида кечганки, адибнинг илк ижодини улардан айро ҳолда тушуниш ва баҳолаш маҳолдир. Ёзувчининг "Курбони жаҳолат" ва "Доктор Муҳаммадиёр" ҳикояларида кузатилган ғоявий-маърифий дидак-тиканинг устиворлиги, характерларнинг ФОЯ нуқтаи назари-дангина талқин қилинишию баҳоланиши, мавжуд воқеликнинг сентиментал ёхуд рационалистик инкори каби катор хусусиятлар ҳам шундан далолатdir. Шу билан бирга, "Доктор Муҳаммадиёр" ҳикояси таҳлили Чўлпоннинг илк машқларидаёқ реалистик ва дидактический адабиётга хос хусусиятлар зиддиятга киришганини кўрсатади. Ёш адаб ибратли қаҳрамон яратиш мақсадини кўзлагани ҳолда қаҳрамонини ўзининг тажрибасидан келиб чиқиб талқин киласди, унга ўзининг ўй-хисларини сингдириб юборади. Бу эса Чўлпоннинг ижодда мавҳум ғоядан эмас, реал ҳаётдан келиб чиқиш эҳтиёжини сезаётганидан, вужудида санъаткор ва ташвиқотчи кураша бошлаганидан далолатdir. Нормал ижодий ўсишда бу кураш санъаткор фойдасига ҳал бўлиши табиий эди, бироқ Чўлпон ижтимоий фаолият қозонида қайнагани учун-да унинг ижодий тамойилларидаги ўзгаришлар кўпроқ ташқи таъсир натижасида юз берди. Хусусан, ўзи курашган мақсадларига етиш умиди кесилган паллада у реалликдан ҳаёлот оламига қочишга интиладики, шеъриятида бўлганидек, насрий ижодига ҳам романтик талқин ("Клеопатра", "Йўл эсдалиги") кириб келади. Кузатишимишча, Чўлпон насирида ҳаётни бадиий акс эттириш тамойиллари ғоявий-маърифий дидактикадан романтик талқинга, ундан реалистик таҳлилу тасвирга томон ўзгариб боради. Шунга ўхшаш ижодий тадриж А.Фитрат, жузъий фарқлар билан А.Қодирий фаолиятида ҳам кузатилиши мумкин. Худди шунга

ўхшаш жараён Европа адабиётида юз йилдан зиёдроқ кечганки, бу асrimiz бошидаги миллий адабиётда тараққиёт темплари нечоғли шиддатли бўлганлигидан далолатdir.

Чўлпоннинг кичик насрини асарларини кузатганда унинг чин маънодаги ижодкор шахс, изланувчан, янгиликка ўч инсон бўлганига амин бўламиз. Унинг ҳатто бир жанр доирасидаги асарлари ҳам турфа жанр хусусиятларини намоён этиши, тасвир воситаларию ифода йўсинининг ранг-барамглиги шунга далолат қиласди. Чўлпон миллий адабиётимизда эндиғина қарор топаётган жанр формаларининг имкониятларини тўла намоён қилишга интилганки, унинг тажрибалари ўзбек насли ривожи учун муҳим аҳамиятга молик эди. Изланувчан адиб хорижий адабиётларга хос усул ва воситаларни дадиллик билан адабиётимизга тадбиқ қилди, тажриба қилишдан, бу йўлда муваффақиятсизликка учрашдан чўчиб ўтирамади. Энг муҳими, адиб ғарб адабиётига хос усулу воситаларни миллий адабиётимиз анъаналари билан уйғунлаштиришга интилдики, бу нарса уларнинг адабиётимизда ўринлашиб қолишига пухта асос яратди.

Замонавий ўзбек ҳикоячилигининг такомилида Чўлпоннинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, "Ойдин кечаларда" новеллистик ҳикоянинг адабиётимиздаги илк ва мумтоз намунаси саналиши мумкин. Ўзи тасвирлаётган миллий турмуш ва миллий психологияни жуда яхши билган адиб ҳикояни қуришда жаҳон адабиётидаги энг илғор тажрибаларга таянди. Жумладан, адиб "объектив" тасвир имкониятларидан максимал фойдаланди, бадиий воқеликка турли нуқталардан қараш("нуқтаи назар"нинг силжиши), интроспекция, "кутилмаганлик эффиқти" каби воситаларни самарали қўллади. Адабиётимиз учун янги бўлмиш мазкур усул ва воситаларнинг миллий руҳга йўғрилган ҳолда олиб кирилгани ўқувчи оммани бу хилдаги асарларни қабул қилишга тайёрлашни осонлаштириши жиҳатидан муҳим эди. Адибнинг "Нонушта" ҳикояси эса воқеабанд сюжетнинг йўклиги, асарнинг асосан диалоглардан ташкил топиши билан ўзига хосдир. Ушбу ҳикоясида Чўлпон натуралистик адабиётга хос тасвир манерасини, концепцияни композиция воситасида ифодалаш ("композицион тафаккур) йўлларини тажриба қилиб кўрди. Табиийки, бу нав тажрибалар ҳам янги бўғин носирлар учун, ҳам янгича бадиий диди шаклланаётган ўқувчи омма учун муҳим эди.

Яқин ўтмиш адабиётимизга муносабат чайқалиб турган бугунги кунда бадиий асарни англаш ва баҳолаш масалалари актуаллик касб этиши маълум. Биз Чўлпон яратган асарларнинг бари бирдек бадиий мукаммал ёхуд замона таъсиридан буткул ҳоли, деган даъводан йироқмиз. Яқин ўтмиш адабиётига бир қур назар ташлаганда бугун мазмунан актуал бўлиб турган Чўлпон меросини эрта нима кутади, деган андиша туғилиши табиий. Чўлпон асарларини имманент ҳолда ва контекст доирасида таҳлил қиларканмиз, аввало, шу андишага жавоб изладик. Чўлпон асарлари (умуман бадиий асар) муайян давр маҳсули бўлгани ҳолда уларни факат давр билан боғлабгина тушуниш хато бўлур эди. Зоро, чинакам санъаткор ижод онларида воқеликдан узилади, бу илоҳий дамларда унинг учун вақт чегаралари мавжуд эмас – у ўтмиш, ҳозир ва келажакни бирлаштирган катта ВАҚТ хукмида яшайди. Табиийки,

асарда ҳам факат ўша ижодий жараён, санъаткорнинг ижод онларидағи ўй-хислари моделигина мужассамдир. Ўқувчи моделга ижодий ёндашиб, унинг ёрдамида ёзувчининг яратиш онларидағи ижодий-рухий ҳолатига максимал яқинлашсагина асарнинг мазмун-моҳиятини илғаши мумкин. Шунга кўра, восита бўлмиш моделнинг ташкилланишини, уни ташкил қилаётган унсурларнинг ўзаро алоқаларини ёрқин тасаввур этмоқ талаб этилади. Агарда биронта унсурнинг бутунлик билан мазмуний-структуравий алоқаларини илғамаётган эканмиз, демак, асар мазмун-моҳиятини ҳам чала тушунаётгиз. Таҳлил Чўлпон ҳикоялари мазмуний жиҳатдан кундалик долзарблиқдан анча юқори кўтарилишини кўрсатади, факат буни ҳис этиш учун: биринчидан, асар (модель)га ижодий ёндашиб, иккинчидан, унинг ташкилланиши(структураси)ни ёрқин тасаввур этиш талаб қилинади. Аксар китобхонлар асарни алоҳида бутунлик сифатида тушуниши эътиборда тутилса, адабиётимиз учун танқидчиликнинг тарихийлик принципига таяниб чиқарган "хукм"ларидан кўра ижодий ёндашиб амалга оширилган талқинлари фойдалироқ бўлиши англашилади.

Юқоридаги фикрларимиз контекстуал таҳлилни тамомила инкор қилиш деб тушунилмаслиги керак. Зоро, асарга ўз вақтида *муаллиф томонидан юклangan мазмунни* тушуниш учун унинг ички алоқаларини ўрганишнинг ўзи камлик қиласди, бунда асарни контекстда ҳам олиб кўришимизга тўғри келади. Факат бу ўринда икки турли ёндашув икки турли мақсадга қаратилганини эътиборда тутиш лозим. Бадиий дид тарбияси учун имманент ёндошган ҳолда ижодий талқин қилиш (адабий танқид соҳаси) нечоғли зарур бўлса, адабий-назарий тафаккур (*билвосита* бадиий адабиёт тараққиёти ва бадиий дид тарбияси учун ҳам) ривожи учун контекстуал таҳлил ҳам шунчалик зарурдир. Хусусан, Чўлпоннинг "Йўл эсдалиги" сафарномасига ўз вақтида муаллиф юклаган мазмун факат контекстуал таҳлил асосидагина англаниши мумкин. Сабабки, сафарномада Чўлпон символистик адабиётга хос йўлдан борган: асарда бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита мазмун қатлами мустақил яшайди. Чўлпон хос ўқувчига қаратилган мазмунни рамзлар қатига яширганки, рамзлар маъносини контекст (муаллиф хаёти, ижодий мероси, давр шарт-шароити, миллий адабиёт анъаналари ва х.) доирасидагина тушуниш мумкин бўлади. Жумладан, миллий адабий анъаналар ва Чўлпон шеърияти контекстида олиб қаралса, "ошиқ" ва "маъшуқа" образлари тасаввувуф шеъриятидан озиқланиши, адаб мумтоз адабиётимизда фаол қўлланилган рамзларга ижтимоий мазмун юклагани англашилади. Айни пайтда, сафарноманинг юзадаги мазмун қатлами ҳам ўз ҳолича мустақил, яъни, асарни алоҳида бутунлик сифатида тушунаётган ўқувчи ҳам унга таяниб ўз мазмунини шакллантираверади.

Моҳият эътибори билан шунга ўхшаш хусусият Чўлпоннинг "Кеча" романига ҳам хосдир. Биз Чўлпон романига ёндошища адаб учун айни шу мавзудаги романга қўл уриш ижтимоий-шахсий зарурат эди, деган қарашдан туртки оламиз. Яъни, ўз даврининг бағоят қалтис мавзусига қўл урган Чўлпон учун ўтмишни бадиий идрок этиш воситасида: а) ўзини қийнаган ижтимоий муаммоларга жавоб топишу

замонасининг моҳиятини англаш; б) ўзининг кечмиш ҳаётида МАҲНИ, орзу интилишларида асос бўлган-бўлмаганлигини билиш; в) ўзи англаган ҳақиқатни ифодалаш орқали мавжуд ижтимоий воқелик ва алдамчи сиёсатга нисбатан қалб исёнини имкон доирасида четга чиқариш том маънодаги ички эҳтиёжга айланган эди. Мазкур ички эҳтиёжни қондиришга монелик қилувчи ташки омиллар адабни "никобланиш"га мажбур қилганки, асар поэтикасининг айни шу хусусиятини эътиборда тутилсагина унинг мазмун-моҳиятини тӯғри англаш мумкин бўлади. Айни пайтда, романнинг тугалланмаганлиги уни бир-бирига зид икки турли талқин қилиш имконини қолдиради. Бу ўринда "Кеча"нинг қай йўсин талқин қилиниши кўп жиҳатдан "Кундуз"нинг қандай тасаввур қилинишига боғлиқ бўлиб қолади. Шу боис ҳам "Кеча"га муаллиф юклаган мазмунни англашда контекстуал ёндашув етакчи аҳамиятга моликдир.

Чўлпоннинг "Кеча" романи ҳаётни бадиий тадқиқ этиш (воқеликни инсон рухияти орқали идрок этишга интилиш) ва бадиий воқеликни ташкиллантириш (драматик унсурлар салмоқдорлиги, "объектив" тасвир йўсини) принциплари нуқтаи назаридан миллий насримизга хос анъаналардан сезиларли узоклашиб, жаҳон романчилиги тараққиёти даражасига яқинлашди. Романда драматик унсурлар салмоқдорлиги, "объектив" тасвирнинг етакчилиги ривоя салмоғининг минимумга келти-рилиши ҳисобига субъектив ибтидо кучайтирилди. Яъни, бунда тасвир тасвир учун эмас—тасвир воситасида идрок этиш ва ифодалаш мақсади етакчилик қиласи. Бу эса, табиийки, асарни қабул қилиш механизмларининг бирмунча ўзгаришини тақозо қиласи. Ўзбек китобхонининг "Кеча"га қадар бир қатор романлар билан танишиб улгургани, миллий театр санъатининг юксалгани Чўлпонга шу хил йўлдан бориш имконини яратган муҳим объектив омилдир. Демак, Чўлпоннинг миллий насримиз анъаналаридан узоклашиши адабиёт ва санъатимиз ривожи билан белгиланган табиий тадриждир. "Кеча"да муаллиф концепцияси тасвир воситасида ифодаланаётган экан, бунда пластик жонлантирилган бадиий воқелик — яхлит дунё образининг роли ортади. Субъектив ибтидонинг кучайиши асар бадиий воқелигининг ёзувчи томонидан кўрилган ва ижодий қайта яратилган борлиқ эканлиги билан белгиланади: *бадиий воқелик муаллиф орқали аксланганидек, муаллиф шахси ҳам бадиий воқеликда аксланади*. Шундай экан, роман воқелигини у яратилган давр реал воқелигига қиёсан баҳолаш хатодир. Зоро, бир даврни акс эттирган "Кеча" ва "Кутлуғ қон" муаллифлари учун ўзлари яратган бадиий воқелик реалликдан-да реалпроқдир. Шубҳасизки, дунёни турлича, ўзигагина хос тарзда кўра оладиган кишилар томонидан яратилган *бадиий воқеликлар* маҷмуигина борлиқ ҳақидаги тасаввурларимизни, тафаккуrimизни бойитиши мумкин. Шунга кўра, бу икки романни бир-бирига зид қўйиш эмас, бир-бирини тўлдирадиган ҳодисалар сифатида тушунилгани мақбулроқдир.

"Кеча" илк ўзбек романлари билан қатор муштарак ва фарқли жиҳатларга эга. Хусусан, Чўлпон А.Қодирийнинг қўш романидан ижодий таъсирлангани образлар тизими, сюжет мотивлари ва ҳолатларидаги ўхшашликларда намоён бўлади. "Кеча"

муаллифи буюк адібимиз билан ўзига хос ижодий мусобақага киришгани "Мехробдан чаён" билан муқояса қилинганда яққол сезилади. Сираси, романда драматик унсурлар салмоғини қучайтириш тажрибасини "Мехробдан чаён"да А.Қодирий бошлаб берган эди. Бирок асарда эпик ва драматик унсурларнинг уйғунлашиб кетмагани, ривоя ва сахна-кўринишларнинг зарур нисбатларда олинмагани туфайли бу тажриба етарли эстетик самара бермади. А.Қодирий бошлаган тажрибани қиёмига етказишга интилган Чўлпон "Кеча"да ривоя, тавсиф, ҳаракат ва диалогни зарур нисбатларда уйғунлаширишга, ривоя ритмининг монотонлашувига йўл қўймасликка муваффақ бўлди. Адид бунга сюжетни драматик шиддат билан ривожлантириш, маконий ва замоний ўзгаришлар асосланганлигини ҳаракат бирлиги ҳисобига таъминлаш, сюжет эпизодларини "тежаш" принципи асосида боғлаш, сюжетни тармоқлантириш, роман бадиий вақтини параллел ҳамда ретроспектив вақтлар ҳисобига кенгайтириш каби қатор новаторона усул ва воситалар ёрдамида эриши.

Модомики "Кеча ва кундуз" яхлит асар сифатида режалаштирилган экан, унинг бир қисми бўлмиш "Кеча"нинг композицион ва концептуал бутунлиги дилогия бутунлигидагина намоён бўлиши мумкин. "Кеча"нинг тугалланмаганлиги, айниқса, сюжетдаги Мирёкуб линиясининг ниҳояланмаганида бўртиб кўзга ташланади. Романнинг ўрталарида тармоқланиб чиққан ушбу сюжет чизиғи "Кеча"даги бошқа унсурлар билан мазмуний алоқадорликда бўлгани ҳолда, шаклан алоҳида ажралиб қолади. Бу эса, бизнингча, дилогия табиати билан боғлиқ: Мирёкуб линияси кейинги қисмда давом эттирилиши ва алал-оқибат иккала қисмни шаклан боғлайдиган муҳим унсурлардан бири бўлиб қолиши мумкин. "Кеча"да аксар романларда кузатиладиган бутунликни бош қаҳрамон воситасида таъминлаш йўлидан борилмайди: бутунликни таъминлашда "холис кузатувчи" мавқеида турган муаллиф нигоҳи, унга шу лаҳзаларда аён бўлган оламу одам моҳияти – асар концепцияси етакчи аҳамият касб этади. Яна бир томони, Чўлпон сюжетни тармоқлантириш билан романга имкон қадар кўпроқ шахслар драмасини олиб киришга, асарнинг эпик қамров кўламини кенгайтиришга интилади. Бу эса адид "Кеча ва кундуз"да тарихимизнинг зиддиятли бир даврини қаламга оларкан миллат тақдири муаммоларини кенг эпик кўламда бадиий тадқиқ этишни режалаштирган, деган тўхтамга бошлайди. Яъни, "Кеча ва кундуз" дилогияси ўзининг кўп жиҳатлари билан роман-эпопеяга яқинлашиши, ўзбек романчилигига бу типдаги илк ва ягона асар бўлиб қолиши мумкин эди.

Юқоридагилардан аён бўладики, ўзбек реалистик прозасининг тараққиётida Абдулҳамид Чўлпоннинг муносиб ўрни бор. Миллий адабиётимизда замонавий насрчилик эндиғина шаклланаётган паллада ижод қилган Чўлпоннинг ижодий изланишлари насримизнинг поэтик арсеналини бойитишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Чўлпон ўз ижоди билан насрый жанрларнинг турфа имкониятларини намоён қилди, турли поэтик усул ва воситаларни дадил тажриба қилиб, уларнинг миллий адабиётимизда ўзлашиб қолишига пухта замин ҳозирлади. Чўлпон ижодиётининг қатағон қилиниши насримиз тараққиётига таъсирсиз қолмаган, зеро, у бошлаган ижодий тажрибаларнинг давом эттирилишию қиёмига етказилиши насримизга сифат

жиҳатидан таъсир қилиши табиий эди. Ўз вақтида амалга ошмаган бу ишнинг эндиликда бажарилиши ҳам, шубҳасиз, насримизнинг ривожи учун хайрли бўлажак. Боз устига, бу ҳозирги носирларимизнинг буюк адаб руҳи олдидаги маънавий бурчи ҳамдир.